

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**“Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигини  
ривожлантиришнинг устувор йўналишлари  
ва амалга ошириш механизмлари”**

*мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманидаги*

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент - 2019 йил, 1-2 май**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ”**

**мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

## КИРИШ СЎЗИ

Сўнгги йилларда йиғилган халқаро тажрибалар кўрсатиб турибдики, иктисодий ривожланиш ва давлат (жамият) мулкани бошқариш самарадорлигини ошириш учун ресурс базасини кенгайтириш ва фойдаланилмаётган ресурсларни мобилизация қилишнинг асосий механизмларидан бири давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик механизмидан дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иктисодиётнинг кўпчилик соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, давлат-хусусий шериклик ёрдамида инвестициялар йўл инфраструктураси, аэропортлар, темир йўллар, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт соҳаларига йўналтирилган. Давлат-хусусий шериклик бўйича дунёда Буюк Британия, Германия, АҚШ пешқадамлик қилмоқда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бошқа мамлакатларда ҳам ривожланмоқда, МДҲ мамлакатларида бундай лойиҳалар Россия Федерацияси ва Қозоғистонда ривожланмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш бўйича Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари пешқадамлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризм, ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, аэрокосмик технологияларни жорий этиш соҳаларида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш белгилаб берилди. 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган уруғчилик давлат-хусусий шериклик асосида кластерларни ташкил этиш, умумий ўрта таълим тизимида, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида, янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этишда, коммунал хўжалик соҳасида, давлатнинг бошқарув соҳасида давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. Бундан кўриниб турибдики, давлат-хусусий шерикчилиги ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига кириб бормоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва шакллантиришнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Анжуманда куйидаги:

- ✓ Сув хўжалиги ва мелиорация масалалари ҳамда сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги: муаммолар ва ечимлар;

- ✓ Қишлоқ ва сув хўжалигида инновацион техника ва технологияларни жорий этиш ҳамда уларда давлат-хусусий шерикчилигини қўллаш;
- ✓ Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигини ташкил этиш ва бошқариш;
- ✓ Мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқ ва соҳаларида (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, коммунал хўжалиги, давлат бошқаруви ва бошқалар) давлат-хусусий шерикчилигининг маҳаллий ва хорижий тажрибалари шўъбаларида давлат-хусусий шериклик соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий изланишлар натижалари муҳокама этилди.

Анжуманда 150 дан ортиқ илмий мақолалар келиб тушган. Анжуман шўъбаларида ўзларининг илмий маърузалари билан йирик олимлар, фан докторлари ва фан номзодлари ҳамда ёш олимларнинг иштирок этишди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ ва сув хўжалигида ДХШ лойиҳаларини амалга оширилмаган, олдимизда мазкур механизмни қўллаш тажрибасини умумлаштириш ва тизимлаштириш вазифаси турибди. Шу муносабат билан қишлоқ ва сув хўжалигида ДХШ механизминини қўллаш учун услубий ва ташкилий ёндошувларни ишлаб чиқиш зарур.

Давлат-хусусий шерикликни шакллантириш ва ривожлантириш учун хорижий тажрибаларни умумлаштириш ҳамда мамлакатимиздаги уни ривожлантириш шарт-шароитларни юзага чиқариш бўйича анжуман иштирокчилари томонидан берилган таклифлар албатта қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

**ТИҚХММИ ректори, и.ф.д., профессор Ў.П.Умурзаков**

# **1 – ШЎЪБА. ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ**

## **ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ИПАК ҚУРТИ УРУҒИ ЕТИШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Н.Н.Асқаров, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти  
илмий котиби, и.ф.н., кат.и.х.**

### **Аннотация**

Ушбу мақолада республикада ипак қурти уруғчилиги тизимида тадбиркорликнинг самарали шакллари ташкил этиш мақсадида давлат хусусий шерикчилиги асосида маҳсулот ишлаб чиқариш масалалари баён этилган.

Республикада пиллачилик тармоғини ривожлантириш учун тақдим этилган қулай шарт-шароитлар натижасида тармоқда юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулига босқичма-босқич ўтишга қаратилган тармоқни янада ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, ипак қурти уруғчилиги тизимида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг етарли даражада эмаслиги, ишлаб чиқариш жараёнида замонавий инновацион илмий ишланмаларнинг жорий этилмаслиги, шунингдек, уруғчиликка ихтисослашган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига ўтиш амалиёти ва аниқ механизмнинг мавжуд эмаслиги айни ҳақиқатдир.

Монографик тадқиқотлар таҳлилининг гувоҳлик беришича, бугунги кунда ипак қурти уруғи етиштиришга ихтисослашган аксарият маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш технологияларининг эскирганлиги ва замонавий технологиялар асосида модернизация қилинмаганлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, ипак қурти уруғчилиги соҳасига тегишли хўжалик субъектлари фаолиятларини тизимли ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришнинг етарли даражада эмаслиги оқибатида мазкур корхоналар мамлакатимиздаги ипак қурти уруғига бўлган талабни тўлиқ таъминлай олмаяпти.

Аслида, ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш ва қуртни фермер ҳамда касаначиларга тарқатиш жараёнлари хусусий тадбиркор (МЧЖ)лар томонидан амалга оширилсада, ушбу тадбиркорлар учун ягона ахборот консалтинг марказлари тўлиқ ташкил қилинмаган. Шу боисдан ҳам, аксарият уруғ заводлари учун уруғ таннархи бир-биридан сезиларли равишда фарқ қилмоқда. Бироқ, пилла етиштирувчи субъектлар ипак қуртини белгиланган уруғ заводларидан олишлари белгилаб қўйилган. Шу сабабли ҳам ипак қурти уруғи етиштирувчи заводлар таннарх ўсишига етарли даражада эътибор қаратишмайди. Олиб борилган монографик кузатувлар натижаларига кўра, аксарият уруғ заводлари учун ипак қурти уруғлари ишлаб чиқаришда энг катта сарфлар уруғлик пилла ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар икала томон манфаатларидан келиб чиқиб соҳага давлат хусусий шерикчилиги асосидаги тадбиркорлик шаклини тадбиқ қилиш орқали уруғ етказиб бериш ва кўпайтириш корхоналари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш имконига эга бўлишимиз мумкин.

Аслида, аксарият уруғчилик заводлари яратилган ипак қурти навларини кўпайтириш билан шуғулланади, бироқ янги ипакчанлиги юқори бўлган қурт дурагайларини яратиш асосан илмий муассалар зиммасидадир. Уруғчилик заводлари ҳозирда хусусий тадбиркорликнинг “Масъулияти чекланган жамият” шаклидаги тури билан фаолият юритмоқда, албатта хусусий мулкчилик шакли нисбатан юқори

самарадорликни таъминлайди, бироқ ушбу уруғчилик заводларида ишлаб чиқарилган қуртларни фермерларга тарқатиш ҳамда сифатли уруғлик пилла парваришланиши бўйича ўзига хос муаммолар юзага чиқмоқда.

Шу боисдан ипак қурти уруғчилиги ривожланган давлатлар тажрибаларини таҳлил қиладиган бўлсак, соҳада давлат хусусий шерикчилиги асосидаги тадбиркорлик шаклларида фойдаланиш анча самарали эканлигини кўриш мумкин. Чунки, давлат хусусий шерикчилигига аосан давлат томонидан белгиланган талаблар асосида маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Аслида, давлат хусусий шерикчилигидан мақсад давлат томонидан белгиланган талаблар асосида давлат хизматларини хусусий секторга беришдир. Яъни, хусусий сектор субъектлари давлат активларини белгиланган талаблар асосида бошқаради, шу усул билан давлат сарфлари камайиши билан бирга соҳада рақобатчилик муҳити шаклланади. Шунингдек, аксарият ривожланган давлатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки давлат сарфларини камайтиришнинг энг мақбул усулларида бири хусусий секторга белгиланган талаблар асосида активлардан фойдаланиш ҳуқуқларини беришдир. Натижада, тадбиркорлар энг кам сарфлар ҳисобига сифатли ва рақобатбардош ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш билан бирга, ипакчилик тармоғини комплекс ривожланишига ҳисса қўшади.

Фикримизча, ипак қурти уруғчилиги тизимни янада ривожлантиришда давлат хусусий шерикчилиги асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш орқали уруғ етиштириш ва қурт тарқатиш жараёнларини ўзаро мувофиқлигини таъминлашга ёрдам беради. Айни вақтда, аксарият уруғчилик заводлари маълум ҳудудлар учун уруғ ишлаб чиқариб ҳудуддаги пилла ишлаб чиқарувчи субъектларга етказиб бермоқда.

Уруғ ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб беришда ушбу усул анча самарали ҳисобланиши билан бирга ўзига хос бўлган айрим муаммоларни ҳам вужудга келтиради, жумладан:

- ҳудудда битта уруғчилик заводининг мавжуд бўлиши хусусий ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантирмайди;

- ипак қурти уруғи заводлари уруғлик пилла парваришловчи субъектлар билан эркин шартномалар тузиши мураккаблашади;

- уруғ заводларининг самарадорлиги бевосита пилла сифати ва озуқа таъминотига боғлиқдир, соҳада қуртни турли касалликлардан ҳимоялаш ҳамда парваришлаш жараёнларини бевосита кузатиш бўйича кадрлар етарли эмаслиги;

- уруғ заводларида меҳнат даврининг узлуксиз эмаслиги, соҳада доимий равишда мавсумий ишчилардан фойдаланишни талаб қилиши кадрларни доимий иш билан таъминлаш имконини чеклайди.

Тармоқда ташкил этилаётган кластерларнинг асосий ва устувор вазифаларидан бири сифатида технологик кўрсаткичлари юқори бўлган ипак қурти уруғини тайёрлаш ва уни кўпайтириш масаласи бўлиши керак. Бу эса бевосита илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда насли ипак қурти ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида интеграцион алоқаларни узвий боғлиқликда олиб боришни талаб этади.

Ҳудудий наслчилик хўжаликлари бевосита Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфида бўлиши лозим. Ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган зотларни тўлиқ синовдан ўтказилган ҳолда ҳудудлардаги наслчилик корхоналарига, наслчилик корхоналари эса тизимли равишда ипак қурти уруғи етиштириш корхоналарини ипак қурти уруғининг насли зотлари билан таъминлашга қаратилган тизим шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

Насли ипак қурти уруғи етиштирувчи корхоналарнинг бошқарув аппаратининг таркибий тузилмаси корхона раҳбари, бош агроном, селекционер-агроном, ҳисобчи, шартнома бўйича мутахассис, ишчи-ходимлардан иборат таркиб энг камида 6 нафардан кам бўлмаслиги керак. Шу билан биргаликда мазкур корхонанинг тасарруфида насли пилла етиштириш хўжаликлари бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бу албатта уруғчилик тармоғида малакали мутахассисларга бўлган талабни янада оширади. Бунинг учун эса Тошкент давлат аграр университетида фаолият юритаётган ипакчилик ва тутчилик факультети таркибида ипак қурти уруғчилиги мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадида алоҳида ихтисослик ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда университет магистратура бўлимида ипак қурти уруғчилиги мутахассислик йўналишини ташкил этилиши лозим. Бу эса нафақат ипак қурти уруғчилиги тизимида, қолаверса пиллачилик тармоғида малакали, илмий салоҳиятга эга бўлган кадрларни, жумладан, фалсафа докторлари (PhD) ҳамда фан докторлари (DS)ни тайёрлаш имконини беради.

Шунингдек, ипак қурти уруғи етиштиришнинг ўзига хос бўлган жиҳатларини ва сир синоатларини мукамал ўрганиш мақсадида тармоқдаги иқтидорли ёшларни “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тавсияси асосида пиллачилик тармоғи ривожланган хориж давлатларда қисқа ва ўрта муддатли малака ошириш курсларига юбориш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, ипак қурти уруғларини кўпайтириш ва тарқатиш тизимида ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг афзал жиҳатларини Республикамизда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон республикаси ипак қурти ишлаб чиқариш ва пилла парваришlashда дунёда иккинчи ўринда турсада, ипакни қайта ишлаш бўйича дунёда етакчи давлатлардан биридир. Ипак қурти уруғларини ишлаб чиқаришда Ҳиндистон ҳукумати давлат хусусий шерикчилигига катта эътибор қаратган. Яъни, давлат томонидан белгиланган аниқ талаблар асосида ипак қурти уруғлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бу йўл ипак қурти уруғларини сифатини ошириш билан бирга кам сарф харажатлар ҳисобига юқори самарадорликка эришишни таъминлайди.

Ипак қурти уруғларини ишлаб чиқаришни давлат хусусий шерикчилиги асосида ташкил қилиш орқали: биринчидан, уруғлар сифатини ва ипакчанлиги бўйича доимий ахборотлар олиш имкони енгиллашади. Иккинчидан, уруғчилик заводлари фақатгина маълум ҳудудлар учингина эмас балки имкониялари даражасида уруғ етиштиришлари мумкин. Учунчидан, ипак қурти уруғларини етиштиришда соҳага инновацияларни кириб келиши рағбатлантирилади. Шунингдек, ушбу тизим орқали ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш ҳажми уларнинг ҳосилдорлиги ҳамда бозор конъюктураси ўзгариши бўйича ахборотлар олиш имкони ривожланиб боради.

Тадқиқот натижаларига кўра, ипак қурти уруғларини етиштириш ва кўпайтириш самарадорлиги серҳосил тут плантациялари, сифатли пилла парваришlash ҳамда ипакни қайта ишлаш жараёнларининг ўзаро уйғунлиги билан таъминланади. Давлат хусусий шерикчилиги асосида фаолият юритувчи корхоналар кўпроқ сарф харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан устунлигини таъминлаш орқали юқори самарадорликка интиладилар. Яъни, ипак қурти уруғчилиги тизимида энг катта сарф уруғлик пиллага ҳисобланса, хусусий сектор уруғлик пиллани энг кам сарфлар ҳисобига етиштиришга ҳаракат қилишади.

Давлат хусусий шерикчилиги асосида ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш ва кўпайтириш ваколатларини кичик хусусий корхоналарга берилиши бир томондан давлат сарфларини камайтиради, иккинчи томондан сифатли уруғлар ишлаб чиқарилишига замин яратади. Айни вақтда, Республикамиз ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш корхоналари мулк шакллари ўзгартирилган бўлиб, бироқ ушбу корхоналарнинг фаолият юритиши механизмлари етарлича такомиллаштирилмаган. Соҳага хусусий шерикчилик асосида ҳамкорларни жалб қилиниши ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш ва кўпайтириш жараёнларига янги инновацион технологияларни кириб келишига замин яратади. Ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш ва кўпайтириш соҳасида хусусий шерикчилик корхоналарини ривожлантириш ҳам давлат сарфларини камайишига ҳам ишлаб чиқариш таннархининг арзон бўлишига замин яратади. Шунингдек, ипак қурти

уруғчилиги тизими орқали чекка ҳудудларга ҳам янги инновацияларнинг кириб боришини таъминлайди.

Фикримизча, давлат хусусий шерикчилиги корхоналари фақатгина сарфларни камайтирмасдан ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига юқори рентабелликни ҳам таъминлайди, шу билан бирга ўзлари кўпайтирган ипак қурти уруғларини тарқатишда бошқа ҳудудлар фермерлари билан ҳам шартномалар тузишга ҳаракат қилишади. Чунки, кўпроқ уруғлар ишлаб чиқариш ва сотиш хусусий корхона учун даромаддир. Ўз ўрнида, ҳукумат ушбу жараёнларни билвосита таъсир қилиш усуллари орқали давлат хусусий шерикчилик корхоналари фаолиятини тартибга солиб боради. Ипак қурти уруғчилиги тизимида давлат хусусий шерикчилиги корхоналарини ташкил қилиниши соҳанинг горизонтал ўсишидан вертикал ўсишига олиб келади, чунки хусусий капиталнинг тармоққа кириши катта инвестицияларни жалб қилиши билан бирга янги бозорларни ҳам шаклланишига замин яратади.

Шу ўринда эътибор қаратиш жоизки, ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш давлат назорати остида амалга оширилишини эътиборга олсак ипак қурти уруғларини кўпайтириш ва хом ашё ишлаб чиқарувчи субъектларга етказиб бериш бўғинида ўзига хос камчиликларни кўришимиз мумкин:

- ипак қурти уруғларини кўпайтириш ва фермерларга тарқатишда аниқ белгиланган режалар мавжуд, яъни ҳар бир уруғ кўпайтириш станцияси маълум ҳудуд учун ипак қурти уруғларини кўпайтиради, айна ҳудудда рақобатчи станция йўқлиги ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларга етарлича эътибор қаратилмаслигига замин яратади;

- ипак қурти уруғлари бўйича деҳқон ва фермерларга етарлича ахборот олиш имкони чекланади, чунки уруғчилик станцияси вилоятларда бир ёки иккиталиги сабабли ахборотларни тезда тарқатиш имкони мавжуд эмас;

- ипак қурти уруғларини катта қисми хориждан келтирилиши сабабли аксарият станциялар фақат ипак қурти уруғларини кўпайтиришга ихтисослашиб қолган, яъни янги элита ипак қурти уруғларини кўпайтиришга етарлича эътибор қаратишмайди;

- барча уруғ кўпайтириш марказлари одатда бир хил навлар бўйича ишлаганлиги сабабли фаолият юритиш тизими бир хил, шу боисдан ҳам улар ўртасида рақобатчилик муҳити етарли даражада шаклланмаган;

- асосий жараёнлар давлат томонидан назорат қилиниши сабабли янги ипак қурти уруғларини яратиш, соҳага инновацион технологияларни олиб кирилиши секинлашади;

- ипак қурти уруғларини ишлаб чиқарувчи заводлар учун сифатли уруғлик пилла етиштирувчилар етишмаслиги сабабли уруғ ишлаб чиқариш учун нисбатан кўп пилла талаб қилиниши;

- аксарият уруғ заводларида ипак қурти уруғлари ишлаб чиқариш сарфлари турличалиги, яъни хўжалик юритиш шакли бир хил бўлсада етиштирилган уруғ таннархи турличалиги фермерлар учун ипак қурти харид қилишда муракаблик касб этмоқда;

- уруғчилик заводларида етиштирилган уруғларни харид қилинишида кафолатли харидорларнинг етишмаслиги, яъни йил давомида етиштирилган ипак қурти уруғлари тўлиқ сотилмаслиги сабабли уруғ таннархининг ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу эса корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда ипак қурти уруғчилиги тизимида маҳсулот ишлаб чиқаришни ДХШ асосида ривожлантириш бир томондан уруғ ишлаб чиқаришда тадбиркорликни янги шакллари ривожлантирса, иккинчидан ипак қурти уруғлари бўйича харажатлар сметасини давлат белгилаши ишлаб чиқариш сарф харажатларини кескин камайтирилишини таъминлайди. Шунингдек, аксарият ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятларига янги инновацион технологияларни қўллашни рағбатлантириб боради. Ўз ўрнида уруғ заводлари ҳам ДХШ асосида фаолият юритишида ўз маҳсулотларини етказиб бериш ва тўлов тизимида қатор имкониятларга эга бўлиши мумкин. Фикримизча ипак қурти ишлаб чиқариш тизимида ДХШ асосида фаолият юритиш тадбиркорларга қуйидаги имкониятларни беради:



ишлаб чиқариш билан боғлиқ рисклар давлат билан тенг тақсимланиши тадбиркорларни соҳага инвестиция киритишини рағбатлантиради;

соҳага кўплаб инновацион янгиликларни кириб келиши жадаллашади;

тадбиркорлар давлат хизматлари билан биргаликда кўшимча тармоқларда ҳам фаолият юритиш имконига эга бўлишади;

иқтисодиётга маҳаллий инвестициялар кириб келиши рағбатлантирилади;

ипак курти уруғлари ишлаб чиқариш ва пилла етиштириш ўртасида ўзаро мувозанат таъминланиб, уруғ заводлари ишлаб чиқарган уруғларни тўлиқ сотилишини таъминлайди;

ипак курти уруғларини ишлаб чиқариш ва пилла етиштиришда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш орқали сарфларни камайтиришга эришилади;

асосий маҳсулотлар давлат талаблари асосида ишлаб чиқарилиши товарлар ва хизматларни сотиш билан боғлиқ хатарларни камайиши соҳада фаолият юритувчи тадбиркорларни рағбатлантиради;

соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тадбиркорлар учун хатарни камайтиради.

Шу боисдан ҳам ипак курти уруғчилиги тизимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни давлат хусусий шерикчилиги асосида ташкил этиш биринчи навбатда ипак курти уруғчилик соҳасига инновацион ғоялар, илмий-тадқиқот ишланмалари, замонавий технологиялар ва илмий ютуқларни кенг жорий этишни, жаҳон бозорида харидоргир ва рақобатдош ипак курти уруғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, ипак курти уруғини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлашни ҳамда ипак курти уруғчилик корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини пухта эгаллаган мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни талаб этади.

Юқорида қайд этилган долзарб масалаларнинг амалий ечим топиши пилла ва ипак курти уруғчилиги тизимида эркин бозор иқтисодиётига мос келадиган тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига олиб келади. Бу эса бевосита республикада ишлаб чиқариладиган пилла сифатини халқаро стандартлар даражасига етказиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш ва соҳани экспорт салоҳиятини кўтаришга замин яратади.

## **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ, ТАРМОҚ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**О. Холиқов, Тариф сиёсатини бошқариш ва уй жой фондиди ривожлантириш бошқармаси бошлиғи**

**Б.Абдуллаев, Тариф сиёсатини бошқариш ва уй жой фондиди ривожлантириш бошқармаси таркибида Сув таъминоти ва канализация тармоғида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш шуъбаси бош мутахассиси**

### **Аннотация**

Ушбу маколада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосида сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифатини, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш буйича қўшимча чора-тадбирлар келтириб утилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сон Қарорида сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифатини, тармоқ корхоналари фаолиятининг

самарадорлигини янада ошириш, тўғридан-тўғри, авваламбор, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосида ишончли молиялаштириш белгиланган.

Давлат-хусусий шериклик (кейинги матнларда ДХШ деб юритилади) – хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарларни тақсимлаш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзаро самарали ҳамкорлиги. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси институционал ва шартномавий давлат-хусусий шериклик шаклида амалга оширилиши мумкин;

Шартномавий давлат-хусусий шериклик – давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шакли;

Давлат-хусусий шериклик тўғрисида – тарафларнинг ҳуқуқ мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ижроси бўйича бошқа шартларини белгиловчи давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузиладиган шартнома тури;

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим томонлари – давлат шериги ва хусусий шерик;

Давлат шериги – Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги саналади.

Маълумки, муайян бир мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий ички манбалари бу энг аввало давлат ва шу юртда фаолият юритаётган хусусий бизнес субъектлари ҳисобланади. Шу боис ҳам дунё таҳлилчиларининг эътирофларига кўра, давлат билан хусусий бизнеснинг хўжалик юритиш борасидаги ҳамкорлиги – бу кенг доирадаги фаолият соҳаларида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уни амалга ошириш мақсадида шаклландирган институционал ва ташкилий иттифоқдир. Бундай ҳамкорликдаги фаолият асосини давлат мулки бўлган объектларни, давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларни хусусий сектор инвестицияси иштирокида молиялаштириш ташкил этади. Мазкур ҳамкорлик ёрдамида давлат мулкидаги объектлар фаолиятини молиялаштиришга хусусий сектор инвестицияларини жалб қилиш вазифаси ҳал этилади.

Давлат-хусусий шерикликнинг асосий тамойиллари.

Давлат-хусусий шерикликнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:

– Қонун олдида давлат шериги ҳамда хусусий шерикнинг тенглик тамойили;

– Давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш қонун ва қоидаларининг очиқлик ва шаффоқлик тамойиллари;

– Тендер иштирокчилари ўртасида ўзаро тенглик ва камситишга йўл қўйилмаслик тамойили;

– Давлат ва хусусий шерик ўртасида хавф-хатарлар, фойда ва даромадлар, кафолат ва мажбуриятларни адолатли тақсимлаш тамойили;

– Коррупцияга йўл қўйилмаслик тамойили;

Давлат-хусусий шериклик иқтисодиётнинг устувор соҳалари ва ижтимоий соҳага биринчи навбатда жорий қилинади, бунда қонунчилик ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри давлат-хусусий шериклик жорий этиш таъқиқланган соҳа ва йўналишлар мустаснодир. Давлат-хусусий шериклик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг барқарор тараққиётини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;

Мавжуд жамоат инфратузилмасини тиклаш, эксплуатация қилиш, сақлашга кўмаклашиш;

Хусусий инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш шароитларини яхшилаш ва яратиш;

Давлат-хусусий шерикликнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, замонавий услуб ва технологияларни жорий этиш ва бу йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши...

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) давлат-хусусий шериклик соҳасида ваколатли орган ҳисобланади.

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик битимини тузиш ҳуқуқини берувчи тендерни ўтказишни тартибга солувчи тендер ҳужжатларини тайёрлайди, ваколатли вазирликлар ва идоралар билан келишиб тендер ҳужжатларини тасдиқлайди, ушбу Қонуннинг 21-моддасига асосан тўғридан – тўғри музокаралар ўтказиш ҳолатларидан ташқари.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида, унинг тайёрланиши ва амалга оширилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек хусусий шерикларни танлаб олиш тўғрисидаги маълумотлар давлат шеригининг расмий веб-сайтида ва давлат-хусусий шериклик бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак.

Жумладан, бугунги кунда Республикамиз бўйлаб глобал муаммога айланиб бораётган, ичимлик суви ва оқова соҳасини тубдан янгилаш ва такомиллаштириш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ичимлик суви ва оқова соҳасини давлат-хусусий шериклик йўналишида бошқариш учун дунёнинг нуфузли молиявий ташкилотлари ва Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Ҳалқаро Молия Фонди каби йирик қарз берувчилари билан музокаралар олиб бормоқда.

Шу ўринда Жаҳон банки экспертлари фикрларига таяниб қайд этиш жоизки, давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаш шартнома даврида аҳолига хизмат кўрсатишдаги сифат ва нарх мутаносиблигини том маънода таъминлаган ва бундай амалиёт халқаро тажрибада кўп бора синалган.

Чет эл тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бир қатор мамлакатларда ДХШ қўллаш давлат бошқаруви ва хусусий сектор билан бўлган ҳамкорлик натижасида ижтимоий муҳим муаммолар ҳал қилинишида молиявий ҳаражатлар камайтирилишига, давлат мулкни самарали бошқариш усулларининг ўсишига, янги иш жойлари яратилишига олиб келган.

Бугунги кунда Осиёнинг ривожланган давлатларида сув таъминоти, маиший чиқиндиларни бошқариш, сувоқова тизимлари давлат-хусусий шериклик тамойили асосида тараққий этмоқда. Хусусий тармоқларда фаолият юритувчи операторлар бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар ишончини оқлаш учун улар эҳтиёжини ўз вақтида ўрганиб, талаб ва таклиф асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйган.

Ўзбекистон Республикасида ДХШни ривожлантирилиши иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларида тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ва жамият ижтимоий эҳтиёжини қондириш учун давлат ва хусусий сектор ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини татбиқ қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча сарф-ҳаражатларни талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2018 йил 17 апрель куни ўтказилган “Иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, дебиторлик, кредиторлик ва бюджет олдидаги қарздорликларни қисқартириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги мажлис баёнининг 16-бандида кўрсатилган аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тоза ичимлик сувини етказиб бериш ҳамда оқова сув

хизматларидан фойдаланиш бўйича функциясини ишончли давлат-хусусий шерикларга ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томондан бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Уй-жой коммунал хизматлар соҳасида нодавлат секторини янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада давлат-хусусий шериклиги учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тоза ичимлик сувини етказиб бериш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўйича функциясини ишончли давлат-хусусий шерикликка ўтказиш, қишлоқ жойларда янги бошқарув услубларини ишлаб чиқиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сон Қарори.

2. И.Джуманиязов. “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш”. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. -Т.: ТДИУ. 2017 й.

3. А.Б.Низамов. “Таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлигида давлат-хусусий шериклик модели”. Монография. Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти. 2017.

## **ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА БОШҚАРИШ БЎЙИЧА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**

**Н.Таймаков, Тариф сиёсатини бошқариш ва уй жой фондиди ривожлантириш бошқармаси таркибида Сув таъминоти ва канализация тармоғида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш шўбаси мудири**

### **Аннотация**

Мақолада ичимлик суви таъминоти ва оқова соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш бўйича уй-жой коммунал хизмат кўрсатишга доир лойиҳалар келтириб утилган.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан 2018 йил 30 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва оқова тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПҚ-4040 қарорига асосан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун 2019 йил 18 февраль куни жойлаштирил. Жамоатчилик ва манфаатдор вазирлик, идоралар томонидан келиб тушган таклифлар ва эътирозлар асосида лойиҳага ўзгаришлар киритилди. Ҳозирги кунда ҳуқуқий экспертиза хулосаси олиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилган.

Мазкур лойиҳа Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Лойиҳада сув таъминоти ва канализация объектларидан фойдаланиш соҳасида: Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тузиш тартиби.

Битимда уни амалга ошириш шаклига қараб қуйидагилар киритилган бўлиши керак:

Лойиҳани амалга ошириш учун кўзда тутилаётган давлат ва хусусий шерикнинг инвестициялар объекти ва ҳажми;

Лойиҳани амалга ошириш учун кўзда тутилаётган давлат бюджети ва хусусий шерикнинг маблағлари ҳажми;

Битимнинг амал қилиш муддати ва шартлари;

Объектни фойдаланишга топшириладиган ва фаолияти бошланадиган муддатлар;

битим томонлари ўртасида ҳисоб-китоблар тартиби;

Битим томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишлари учун шартномалар тузиш муддатлари, лойиҳани молиялаштириш манбалари, амалга ошириш жадваллари, лойиҳа бажарилишининг бориши устидан техник назорат қилиш тартиби тўғрисида маълумот;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бажарилиши устидан мониторинг ўтказиш тартиби;

хусусий шерик томонидан бошқариш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш мақсадида лойиҳалаштириладиган, қуриладиган, қайта тикланадиган, жиҳозланадиган ҳамда реконструкция қилинадиган сув таъминоти ва канализация объектининг таркиби ҳамда асосий параметрлари;

Сув таъминоти ва канализация объектларида, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида бажариладиган ишлар, ишлаб чиқариладиган ва (ёки) кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар;

Хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятларини бажариш жараёни тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

Вазирлик ва хусусий шерик ўртасида битим тузиш билан боғлиқ масалаларни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

Вазирлик томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўтказиб берилладиган сув таъминоти ва канализация объектини назорат қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

Объектдан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва модернизациялаш тартиби;

битимнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин битимни ижро этиш жараёнида яратилган объектга ва бошқа мулкка доир ҳуқуқларни тақсимлаш тартиби;

Битим шартларига риоя қилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

Битимни бекор қилиш тартиби, шунингдек битимни муддатидан олдин бекор қилиш натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини тўлдириш ёки қоплаш тартиби;

Хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун санкциялар;

Битимни амалга оширишда юзага келадиган мунозараларни ҳал қилиш тартиби;

Битимда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам келтирилиши мумкин.

Танлов, тендер ўтказиш тартиби.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

Лойиҳанинг потенциал инвесторини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган очиқ еки ёпиқ шаклдаги танлов ҳақидаги хабарни эълон қилиш;

Танловнинг соҳасини белгилаш;

Танлов ҳужжатларини (зарур ҳолларда ихтисослашган техник ва тижорий консультантларни жалб этган ҳолда) тайёрлаш;

Танловни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, ёки танловда қатнашиши мумкин бўлганларга танловда қатнашиш учун таклифномалар жўнатиш;

Танлов қатнашчиларидан танлов бўйича таклифларни қабул қилиш;

Танловда қатнашувчилар рўйхатини шакллантириш;  
Танлов бўйича тушган таклифларни баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш;  
Танлов ғолиби билан битимни имзолаш;  
– Танлов якунларини тасдиқлаш.

Сув таъминоти ва канализация корхоналарининг давлат объектлари ва мол-мулкларини хусусий шерикка фойдаланиш учун тақдим этиш тартиблари кўзда тутилган.

Сув таъминоти ва канализация корхоналарининг давлат мулки объектларини, шу жумладан бино ва иншоотларини мақсадли фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Вазирлик давлат мулки бўлган объектларни хусусий шерикка бошқаришга ўтказиш учун битим тузилган санадан сўнг беш кун ичида танлов ғолиби ҳақидаги маълумотни ва битимнинг кўчирма нусхасини юборади;

Балансда сақловчи асосий воситаларни ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда инвентаризация ўтказиши ва инвентаризация натижаларини вазирликка тақдим этади;

балансда сақловчи ва хусусий шерик ўртасида инвентаризация ҳужжати асосида объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси унинг баланс қиймати кўрсатилган ҳолда имзоланади;

Балансда сақловчи ва хусусий шерик ўртасида давлат объектларини фойдаланишга ўтказиш тўғрисидаги ҳужжат имзолангач, бир ҳафталик муддатда коммунал ва эксплуатация хизматларини етказиб берувчилар томонидан белгиланган тарифларни ҳисобга олган ҳолда коммунал ва эксплуатация хизматлари бўйича тўловлар миқдорини, уларни киритиш тартиби ва муддатларини тартибга солувчи битим тузилади. Электр энергияни, сув ва газни ҳисобга олувчи зарур ускуналар балансда сақловчи ёки хусусий шерик томонидан битим шартларига мувофиқ ўрнатилади.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик шартларини ичимлик суви таъминоти ва оқова тизимларини ривожлантириш соҳасида тадбиқ этиш мақсадида вазирлигимиз турли нуфузли Хорижий Молия институтлари ва Ҳалқаро нуфузга эга Банклар билан музокаралар олиб бормоқда, жумладан бугунги кунда Осиё Тараққиёт Банки билан Ҳалқаро консултантларни жалб этиш бўйича келишувга эришилди, яқин кунларда келишув шартномаси Меморандуми имзоланиш арафасида.

Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Қарши шаҳарларида сув таъминоти ҳамда оқова тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича чет элнинг консултантлари ҳамкорлигида самарали ишлар йўлга қўйилган.

Шу жумладан Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида сув таъминоти ҳамда оқова тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича тажриба сифатида (пилотный вариант) тайёргарлик кўрилмоқда.

Андижон, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида Швейцария Конфедерацияси Ҳукуматининг грантлари иштирокида амалга оширилган тажриба лойиҳалари асосида сув таъминоти ва оқова объектларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг тажрибадан ўтказилган ушбу шаклларини бошқа қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам татбиқ этиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди ва якуний хулосалар кутилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сон қарори.

2. Богуславская Т.Н. Частно-государственное партнёрство в повышении доступности качественного дошкольного образования. // Управление образованием: теория и практика. 2014. № 4.

3. Юсупов Н.А ва Карабаев Ф.Э. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак. А.Э.Шайхова. -Т.: 2013.

4. У.И.Джуманиязов. “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой курилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш”. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. -Т.: ТДИУ. 2017 й.

## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мирзаев Сойибжон Сабитович, т.ф.н., доцент,  
Закирова Гўзал Сойибжоновна, ассистент, ТИҚХММИ**

### Аннотация

Мақолада давлат-хусусий шерикликни шакллантиришнинг назарий асослари, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

**Асосий мақсади:** Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни шакллантириш ва ривожлантириш асослари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Кейинги йилларда ривожланган давлатларнинг иқтисодиётида ҳукумат ва тадбиркорлар ҳамкорлигининг янги шакли – давлат-хусусий шериклик тобора ривожланиб бормоқда. Давлат-хусусий шериклик – жамият учун муҳим бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоқларини ривожлантиришдан тортиб, то мамлакат миқёсида ёки алоҳида ҳудудларда ижтимоий хизматлар кўрсатишгача бўлган кенг фаолият доирасида ҳукумат ва хусусий тадбиркорларнинг институционал ва ташкилий ҳамкорлигидир.

Ушбу ҳамкорлик ҳукумат ва тадбиркорлик ўртасидаги анъанавий муносабатлардан кескин фарқ қилади. Янгича ҳамкорлик лойиҳаларни молиялаштириш, мулкий муносабатлар ва бошқарув усулларига ўзгача ёндашувларни тақозо этади. Шунингдек, анъанавий тарзда ҳукуматнинг фаолият доирасида бўлган баъзи соҳалар институционал ўзгаришларни талаб этади. Бундай ҳамкорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, бюджет маблағлари қатъий чекланган шароитда ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга оширишга хусусий тадбиркорликнинг молиявий имкониятлари жалб этилади [1-3].

Ҳамкорликнинг давлат-хусусий шериклик шакли Республикамиз қишлоқ ва сув хўжалиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда реал иқтисодиётнинг барча секторларида, шу жумладан, қишлоқ ва сув хўжалигида ҳам импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар етиштириш ҳамда Республикамизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифалардан биридир. Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши эса ҳукумат учун унинг зиммасидаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал этишга ёрдам берса, тадбиркорлар учун ички ва ташқи бозорда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашларига қулай шароит яратиб беради. Бундай ҳамкорлик, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва ташиш инфраструктурасини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Натижада эса қишлоқ ҳудудларида ҳозирда мавжуд бўлган кўплаб долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконияти юзага келади.

Ҳамкорликнинг давлат-хусусий шериклик шаклини жорий этиш бир қатор ривожланган мамлакатларда ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Масалан, Буюк Британияда биринчи йирик лойиҳа 1981 йилда амалга оширилган. Лойиҳа Лондондаги доктларни<sup>1</sup> қайта куриш ишларида давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган. Лойиҳани амалга ошириш натижасида “Хусусий молиявий ташаббус” (Private Finance Initiative, PFI) дастури яратилган. Дастурнинг моҳияти – ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳадаги давлат

<sup>1</sup> Док – кемаларни куриш, таъмирлаш, уларга юк ортиш ва тушириш учун мўлжалланган иншоот.

объектларини куриш, таъмирлаш, улардан фойдаланиш ишларини молиялаштириш вазифаларини хусусий секторга беришдан иборат [4].

Франциянинг давлат-хусусий шериклик моделида давлат лойиҳаларига хусусий инвесторларни жалб этиш мақсадида “Аралаш иқтисодиёт ҳамжамиятлари” (Societe Economie Mixte, SEM) деб аталувчи кўшма корхоналар ташкил этилади. Бундай корхоналарнинг устав капиталида давлат улуши 50% дан 85% гача бўлиши шарт.

Германияда давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилади. Бундай марказлар федерал ерлар даражасида ҳам, федерал даражада ҳам фаолият юритиши мумкин. 2008 йилда федерал даражадаги ана шундай марказ Deutschland AG маркази (Partnerschaften Deutschland) ташкил этилган. Ушбу марказ молия вазирлиги ҳамда транспорт ва қурилиш вазирлиги қошидаги консалтинг компанияси мақомида фаолият юритади.

Россия қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шериклик ривожланиб келаётган соҳа бўлиб, ҳозирги кунда агросаноат комплексида агрокластерлар ташкил этиш асосида қишлоқ ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш потенциалларини оширишга қаратилган [3].

### **Давлат-хусусий шериклик ва мулкчилик муносабатлари**

Давлат-хусусий шерикликни шакллантиришда мулкчилик муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Шартнома асосидаги ҳамкорликда томонларнинг бири сифатида хусусий сектор маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш, техник ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни ўз зиммасига олиши мумкин. Бунда ҳар бир томоннинг мулкчилик ҳуқуқлари аниқ ажратилган бўлади. Концессион келишув асосидаги ҳамкорликда давлат ташкилотларининг баъзи мулкчилик ҳуқуқлари хусусий тадбиркорларга берилади. Давлат ташкилоти фаолиятида хусусий сектор акционер сифатида қатнашганда эса хусусий тадбиркорлар янада кўпроқ ҳуқуқларга эга бўладилар.

### **Давлат-хусусий шерикликнинг моделлари**

Давлат-хусусий шериклик доирасида ҳал этиладиган вазифаларга кўра ҳамкорликнинг қуйидаги моделларини ажратиш мумкин: ташкилий моделлар, молиявий моделлар ва кооперация. Амалда бу моделлар соф шаклда эмас, балки бир нечта моделнинг комбинацияси шаклида қўлланилади.

Ташкилий моделда баъзи вазифалар ва мажбуриятлар хусусий секторга юкланади. Концессияни ташкилий моделга мисол қилиб келтириш мумкин. Молиявий моделга ижара, лизинг, лойиҳавий молиялаштиришни киритиш мумкин. Кооперацияда эса бир нечта ҳамкорнинг ҳар бирига алоҳида вазифалар юкланади ҳамда тегишли объектни куриш ва ундан фойдаланиш учун мураккаб структуралар ташкил этилади.

Давлат-хусусий шериклик қуйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин.

Шартнома – давлат органи ва хусусий сектор вакили ўртасида тузилган маъмурий келишув бўлиб, жамоат хизматларини кўрсатиш, бошқарув, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар етказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш каби ишларни бажаришга қаратилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда мулк ҳуқуқи хусусий секторга берилмайди. Тадбиркорлар даромаднинг ёки фойданинг шартномада кўзда тутилган миқдордаги қисмига эгалик қиладилар, улар, бир томондан кафолатланган даромад манбаига эга бўлсалар, иккинчи томондан давлат уларга маълум имтиёзлар ҳам бериши мумкин.

Ижара (анъанавий шаклдаги) ва лизинг. Давлат органлари ва хусусий тадбиркорлар ўртасидаги ижара муносабатларида шартномада кўрсатилган шартлар асосида хусусий тадбиркорга давлат мулки вақтинча фойдаланиш учун тақдим этилади. Мулк ҳуқуқи тадбиркорга берилмайди, балки давлат органининг ўзида сақланиб қолади. Лизинг шартномасида эса хусусий тадбиркор давлат мулкчини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Концессия (концессион келишув) – давлат-хусусий шерикликнинг яна бир шакли бўлиб, бунда шартнома асосида тадбиркорга давлат мулки (объект)ни куриш ёки реконструкция қилиш вазифаси юкланади. Бунинг эвазига унга шу объектдан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Объектга бўлган мулк ҳуқуқи тўлиқ давлат ихтиёрида



қолади. Агар бу ишлаб чиқариш объекти бўлса, у ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотга тадбиркор эгалик қилади.

Маҳсулотни бўлиб олиш бўйича келишув. Давлат-хусусий шерикликнинг бу шакли ҳам концессияга ўхшаш, лекин бу ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат маълум бир қисмигина тадбиркорга тегишли бўлади. Тадбиркорга солиқ тўлаш бўйича баъзи имтиёзлар берилиши ҳам мумкин.

Кўшма корхоналар – давлат-хусусий шерикликнинг яна бир шакли. Кўшма корхоналар акциядорлик жамиятлари кўринишида ташкил этилиши мумкин. Бу ҳолда давлат органлари ва хусусий инвесторлар акциядорлар сифатида фаолият юритади. Хусусий тадбиркорларнинг қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатлари даражаси уларнинг акциядорлик капиталидаги улушлари миқдорига боғлиқ.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда давлат органлари ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли механизмларидан фойдаланилади. Ушбу механизмлар хусусий тадбиркорларга берилган мулк ҳуқуқининг ҳажми, томонларнинг инвестицион мажбуриятлари, хавф-хатар (риск)ни тақсимлаш, турли ишларни бажаришдаги масъулиятга боғлиқ равишда қуйидаги турларга ажратилади:

ВОТ (Build, Operate, Transfer, яъни қуриш - фойдаланиш/бошқариш - топшириш). Бу механизм асосан концессияда қўлланилади. Биронта ижтимоий ёки инфраструктура объекти концессионернинг маблағлари ҳисобидан қурилади. Қурилиш битганидан кейин концессионер ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Фойдаланиш муддати киритилган маблағлар ўзини қоплаши учун етарли бўлиши керак. Шундан кейин объект давлатга топширилади. Концессионер объектдан фақат фойдаланиш ҳуқуқига эга, эгалик ҳуқуқи эса давлатга тегишли.

ВООТ (Build, Own, Operate, Transfer, яъни қуриш - эгалик қилиш - фойдаланиш/бошқариш - топшириш). Ушбу механизмга кўра хусусий тадбиркор объектдан нафақат фойдаланиш, балки унга шартномада кўрсатилган муддатларда эгалик қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Шу муддатдан кейин эса объект давлат ихтиёрига ўтади.

ВТО (Build, Transfer, Operate, яъни қуриш - топшириш - фойдаланиш/ бошқариш). Ушбу механизмга кўра хусусий тадбиркор қурилиш тугаши билан объектни давлатга топширади. Шундан кейин хусусий тадбиркор объектдан фойдаланади, лекин объектга эгалик қила олмайди.

ВОО (Build, Own, Operate, яъни қуриш - эгалик қилиш - фойдаланиш/ бошқариш). Ушбу механизмга кўра яратилган объект шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин давлат органига топширилмайди, балки хусусий тадбиркорнинг ихтиёрида қолади.

ВОМТ (Build, Operate, Maintain, Transfer, яъни қуриш - фойдаланиш/ бошқариш - хизмат кўрсатиш - топшириш). Ушбу механизмга кўра хусусий тадбиркор яратилган объектнинг ишчи ҳолатда бўлиши ва жорий таъмирланишига жавобгар бўлади.

ДВООТ (Design, Build, Own, Operate, Transfer, яъни лойиҳалаштириш - қуриш - эгалик қилиш - фойдаланиш/бошқариш - топшириш). Ушбу механизмга кўра хусусий тадбиркор ижтимоий ёки инфраструктура объектини нафақат қуришга, балки уни лойиҳалаштиришга ҳам масъул бўлади.

ДВФО (Design, Build, Finance, Operate, яъни лойиҳалаштириш - қуриш - молиялаштириш - фойдаланиш/ бошқариш). Ушбу механизмга кўра хусусий тадбиркор ижтимоий ёки инфраструктура объекти қурилишини молиялаштиришга ҳам масъул бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодиётнинг турли тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқиндагина қабул қилинган “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Қарорда Республикада давлат-хусусий

шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базаси мавжуд эмаслиги ва бунинг асосий сабаби сифатида эса ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи махсус давлат органи мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилган: “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий ва институционал база, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш механизми ишлаб чиқилмаган.

Давлат-хусусий шериклиги механизмларидан фойдаланиш орқали инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, уларни тизимли мониторинг қилишда давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи махсус орган мавжуд эмас”[1].

Ушбу қарорга кўра давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, лойиҳалар тўғрисидаги ахборотни очик ҳолда жойлаштириш ва уларнинг реестрини юритиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари, шу жумладан, юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва тақсимлаш юзасидан уларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, лойиҳаларга жалб қилинган бюджет тизими маблағларидан фойдаланилишини, шунингдек, тегишли тармоқлардаги халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш амалиётини мониторинг қилиш.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалигида ҳам давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд, бунинг учун бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш талаб қилинади. Биринчидан, шерикликда иштирок этаётган давлат органлари вакиллари ҳам, хусусий тадбиркорлар ҳам самарали давлат-хусусий шериклиги фақат ҳукуматнинг муҳим лойиҳаларига қўшимча маблағларни жалб этишдан иборат эмаслигини тушунишлари керак. Бундай шериклик иккала томон учун ҳам ўзаро манфаатли бўлиши зарур [6-8].

Иккинчидан, ривожланган давлатларнинг ушбу соҳадаги ижобий тажрибасини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам давлат-хусусий шерикликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги натижаларга таваккалчиликнинг таъсири юқори эканлиги. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи бошқа маҳсулотларга нисбатан анча паст эканлиги.

Ўзбекистонда агрокластерларнинг ташкил этилиши давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши мумкин. Давлат-хусусий шерикликда иштирок этаётган тадбиркорларга маълум имтиёзлар (масалан, солиқ имтиёзлари, кредит имтиёзлари, ва ҳ.к.) берилиши мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2018 йил 19 октябрь.
2. Дерябина М. Государственно-частное партнерство: теория и практика. Вопросы экономики. 2008. № 8, с. 64-78.
3. Лукашкина О.В. Особенности применения зарубежного опыта государственно-частного партнерства в отечественном сельском хозяйстве. Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2016. № 1, с.264-267.
4. Нечаев Н.Г., Солодовник А.И. Перспективы развития АПК на основе государственно-частного партнерства. Вестник аграрной науки, 6(69), 2017, с.142-147.
5. Варнавский В.Г. Управление государственно-частными партнерствами за рубежом. Вопросы государственного и муниципального управления, 2012. № 2, с.134–147.
6. Дусмуратов Ғ. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилиги. Агроилм. 2018, №3(53), 112-113 б.
7. Дусмуратов Ғ. Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантиришда хорижий тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари. Агроилм. 2018, №4(54), 111-113 б.
8. Якубов М.С. Формирование частного-государственного партнерства в развитии экономики. Республиканская научно-техническая конференция “Проблемы информационных и телекоммуникационных технологий”. Ташкент, 10-11 марта 2016 г., Том 1, с.185-187.

### **ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ И МЕХАНИЗМЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО - ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СЕЛЬСКОМ И ВОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

**У.Р.Сангирова к.э.н., доцент., Д.Исроилова студентка ТИИИМСХ**

#### **Аннотация**

Систематическое использование мер землепользования является важной процедурой в обеспечении практики устойчивого управления земельными ресурсами. Эффективность землепользования может быть измерена с использованием методологической основы, которая предписывает условия, интегрированные методы, модели, классификации, систему индикаторов и процедуры последовательной оценки. В этой статье основное внимание уделяется разработке методов измерения для оценки государственно-частного партнерства в эффективном использовании земельных, водных ресурсов на основе системного подхода и обсуждаются проблемы измерения в соответствии с установленной методологической основой. Систематическая оценка государственного партнерства необходима для поддержки принятия решений в управлении землепользованием и для продвижения землепользования лучшим и более эффективным способом.

Сегодня вопросы рационального землепользования и мониторинга землепользования актуальны как на национальном, так и на глобальном уровне. Управление правами землепользования, водными ресурсами, ограничениями и обязанностями в соответствии с земельной политикой и принципами устойчивого развития повышает ценность земельных ресурсов. Землепользование связано с использованием полезных свойств земли. Эволюция систем управления земельными ресурсами на протяжении десятилетий и недавние научные исследования, касающиеся использования земельных ресурсов для общественного блага, ведут к созданию интегрированной системы управления землепользованием. Поэтому проблемы землепользования изучаются и измеряется эффективность землепользования для повышения эффективности в этих рамках. Юридически обязательные положения ведутся

в рамках землеустройства. Правила служат как для управления, так и для мониторинга землепользования в соответствии с заявленными целями социально-экономического и экологического развития. Таким образом, управление земельными ресурсами формирует процесс взаимодействия и сотрудничества многих вовлеченных сторон. Институциональные механизмы играют значительную роль в обеспечении этого процесса. Реализация положений территориальной сплоченности может привести к анализу и систематической оценке эффектов пространственного развития на государственном уровне путем определения индикаторов мониторинга и проведения качественных исследований. Руководящие принципы политики в отношении земель определяют национальную политику землепользования и необходимость создания условий для наилучшего возможного использования земли и его устойчивости. Чтобы оценить результаты землепользования и отразить как количественные, так и качественные изменения выполненных мероприятий, необходимо использовать конкретные показатели.

Увеличение населения мира, рост спроса на продовольствие, ограниченность водных ресурсов. В настоящее время 70% забора пресной воды уже используется для орошения. Необходимость эффективного использования воды в сельском хозяйстве неоспорима. Организации Объединенных Наций в области устойчивого развития направлена на повышение эффективности использования в целях сокращения дефицита воды и обеспечения продовольственной безопасности. Государства-члены, такие как Нидерланды, инвестируют в проекты, направленные на это улучшение в засушливых и полусушливых регионах по всему миру. Почти пятьдесят процентов населения развивающегося мира - 2,5 миллиарда человек - не имеют улучшенных санитарно-технических средств, и почти 1 миллиард человек все еще пользуется небезопасными источниками питьевой воды, и даже те, кто имеет доступ, часто получают небезопасные и неадекватные услуги. Цель 6 в области устойчивого развития, касающаяся чистой воды и санитарии, к 2030 году ставит сложные задачи:

- \* обеспечить всеобщий и справедливый доступ к безопасной и доступной питьевой воде для всех

- \*обеспечить доступ к адекватной и справедливой санитарии и гигиене для всех

- \*существенно повысить эффективность использования воды во всех секторах.

Вода также имеет решающее значение для продовольственной безопасности и ирригации, и на нее влияет изменение климата. В секторе, интенсивно использующем инфраструктуру, улучшение доступа и качества обслуживания для достижения ЦУР не может быть достигнуто без значительных инвестиций. Во всем развивающемся мире водный сектор хронически недофинансирован и неэффективен. В этом контексте государственно-частные партнерства (ГЧП) могут быть механизмом (среди прочего), чтобы помочь правительствам финансировать столь необходимые инвестиции и привнести технологии и эффективность, которые могут улучшить показатели и финансовую устойчивость водного сектора. Правительства все чаще используют в секторе водоснабжения и санитарии финансирование и эксплуатацию массового водоснабжения и очистки сточных вод. Правительства обращаются к частным партнерам с целью внедрения новых технологий и инноваций там, где традиционных источников не хватает, таких как опреснение и повторное использование воды. Коммунальные предприятия используют специальные знания, такие как снижение доходов от воды и управление давлением, для повышения эффективности и улучшения обслуживания. Частные инвесторы и провайдеры становятся все более локальными и региональными, усиливая конкуренцию и снижая цены. Ключевой проблемой в устойчивости сектора являются тарифы для клиентов. Водоканалы испытывают трудности с инвестированием в инфраструктуру и поддержанием ее, когда они не могут рассчитывать на потоки доходов, которые покрывают расходы на эксплуатацию и инвестиции. В то время как субсидии и гранты от правительства продолжают играть важную роль в финансировании инфраструктуры водоснабжения и канализации, стабильный поток доходов является более

надежным и позволяет коммунальным предприятиям осуществлять планирование бизнеса и активов.

Многие правительства последствии партнерства в 1990-х годах приступили к амбициозным реформам своих городских служб водоснабжения и сельского хозяйства, которые часто включали делегирование управления коммунальными услугами частным операторам в соответствии с различными договорными соглашениями. Были большие надежды на то, что партнерские отношения между государственным и частным секторами обернутся плохо функционирующими водными и сельскими службами благодаря привлечению новых специалистов, финансовых ресурсов и более коммерческой ориентации.

С 1990 года было заключено более 260 контрактов с частными операторами на управление городскими системами водоснабжения и сельского хозяйства в развивающихся странах. Проекты в водном секторе были спорными, особенно после серии широко разрекламированных расторжений контрактов в последние годы, которые вызвали сомнения в пригодности подхода для развивающихся стран.

Отсутствие данных об обслуживаемом населении и качестве предоставляемых услуг затрудняет оценку общего вклада проектов в сфере водного и сельского хозяйства. Дискуссия иногда велась скорее идеологией, чем объективными результатами, и результаты работы многих проектов никогда не изучались. Сегодня около 7 процентов городского населения в развивающихся странах обслуживаются частными операторами, и остаются сомнения в достоинствах этого подхода для повышения эффективности водоснабжения в развивающихся странах и странах с переходной экономикой.

Это исследование призвано внести вклад в понимание эффективности проектов партнерства в городских системах водоснабжения в развивающихся странах. Основное внимание уделяется проектам, в которых вводится частный оператор для запуска коммунального предприятия, следовательно, исключая проекты по строительству, эксплуатации и передаче и аналогичные механизмы, ограниченные строительством и эксплуатацией очистных сооружений. В нем анализируется общее распространение городских по водоснабжению за последние 15 лет и делается попытка ответить на вопросы о том, помогли ли они и каким образом они помогли улучшить услуги и расширить доступ для соответствующего населения.

В исследовании анализируются данные о производительности более чем 65 крупных проектов по воде, которые были реализованы в течение не менее пяти лет (три года в случае контрактов на управление), выборка, представляющая совокупную численность населения около 100 миллионов человек - около половины городского населения, которое обслуживалось частными водными операторами в период между 1990 и 2007 годами. Эта выборка, по размеру обслуживаемого населения, составляет почти 80 процентов проектов по воде, которые были выданы до 2003 года и которые были активны в течение минимум три года.

Анализируются четыре аспекта эффективности: доступ (расширение охвата), качество обслуживания, эффективность работы и уровни тарифов. Анализ фокусируется на чистых улучшениях и фактическом воздействии на соответствующие группы населения, а не на достижение договорных целей. На основании того, что сработало, а что нет, затем делаются выводы о том, как правительства могут лучше использовать частную инициативу для улучшения услуг водоснабжения и санитарии в развивающихся странах.

Несколько ключевых участников вовлечены в эту сложную глобальную проблему. Прежде чем перейти к фактической области, где должно быть сделано улучшение, на уровне политики и в исследованиях, мы уже находим различные представления об эффективном использовании воды. Но некоторые вопросы, направленные в развитие сельского и водного хозяйства на эффективность водопользования, эффективность орошения, продуктивность воды, экономия воды, остаются до сих пор безответными. Такие вопросы, как: «Какой индикатор точно представляет проблему? Каков физический

смысл различных используемых терминов? Как количественно оцениваются различные существующие представления на сельскохозяйственном поле? Какие стратегии позволят получить желаемый результат?»?

Методологическая основа для оценки партнерства необходима для обоснования землепользования в общественных интересах. Систематический процесс оценки будет поддерживать процессы планирования землепользования и использование водных ресурсов, а также будет стимулировать разработку инструментов захвата стоимости земли для стимулирования государственных доходов. Соответственно, методологическая основа должна поддерживать принятие решений в отношении ранее определенных различных уровней управления земельными ресурсами. - национальный, муниципальный и землепользовательский уровень. Поскольку оцениваемые функциональные цели различают эти уровни, для оценки партнерства следует применять различные наборы показателей. Основа должна быть разработана на основе оценки существующих подходов и индикаторов оценки для продвижения землепользования наилучшим и наиболее эффективным способом с точки зрения как отдельного землевладельца, так и местного сообщества.

#### **Список использованных литератур:**

1. Принципы государственного партнёрства и финансов/Е.Р. YESCOMBE
2. Анализ эффективности землепользования/ntt/netformat. Alpatov
3. Формирование эффективного землепользования и рациональное использование водными ресурсами eLibrary@Item Богданова Л.В.
4. Земельная собственность и эффективность Владимир Рубаник

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**и.ф.н., доц. О.Т.Сатторкулов  
Г.О.Турдикулова ГулДУ талабаси**

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар, жумладан қишлоқ хўжалигини модернизациялаш тамойиллари, йўналишлари ва бу борадаги асосий вазифалар илмий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, статистик кўрсаткичлар ва амалий таҳлилий маълумотлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хўжалик юритиш усуллари, жумладан фермер хўжаликлари фаолияти, уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш жараёни, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари ва йўллари таҳлил этилиб, баҳоланган.

**Асосий мақсад:** Хозирги иқтисодий муносабатларни глобаллашуви ва интеграциялашуви шароитида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш тамойиллари ва устувор йўналишларини илмий жиҳатдан ўрганиш.

“Биз хозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар миқдорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда “Ўзагроекспорт” акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда **фермер хўжаликларида етиштирилган**

## **махсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарур”<sup>2</sup>.**

Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш мумкин:

- мулкӣ ва таркибий ислоҳотлар;
- ердан фойдаланиш борасидаги ислоҳотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислоҳотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислоҳотлар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулкӣ-таркибий ислоҳотларда биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариға, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишға муҳим эътибор қаратилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида 1999-2007 йилларда жами 2102 та истиқболсиз ширкат хўжалиги босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг негизида 158738 та фермер хўжалиги ташкил этилган эди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2014 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширишға имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборға олинди:

фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

фермер хўжаликларининг қайси соҳаға ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборға олиш;

сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашға қулай шароит яратиш;

йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;

зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятиға барҳам бериш.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 69,4 фоизға камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектарға кўпайтиришға эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарға, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарға, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарға, чорвачиликда 205 гектарға тенг бўлмоқда

“Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, биринчи навбатда, етакчи соҳалар ривожига бевосита боғлиқдир. Қайси соҳада юқори қийматға эға маҳсулот яратилса, биз ана шу соҳани биринчи навбатда қўллаб-қувватлаймиз. Шунинг учун иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишимиз лозим”<sup>3</sup>. Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисға Мурожаатномаси.  
<http://www.press-service.uz/ru/lists/view/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисға мурожаатномаси.//xabar.uz.

самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжалиklarини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжалиklари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжалиklари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжалиklари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжалиklarининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юридик шахс мақомидаги) ва фермер хўжалиklари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалангани учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

“Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган, энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

янги ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиklarига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, фермер хўжалиklarига эса 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди;

давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжалиklarига бериладиган аванс маблағларининг олдиндан 3 фоизли имтиёзли ставка билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда “...қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир Кейинги йилда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инобатга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади”<sup>4</sup>.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси тижорат кредитлари фоиз ставкасидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжалиklари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.//xabar.uz.



Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга.

Аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилди. Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, шартнома асосида белгиланмоқда.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан "...уруғчиликда асл навларни яратиш мақсадида, тажриба-селекция ишларини тубдан жонлантириш лозим. Бунинг учун уруғчилик ва селекция билан шуғулланадиган институтларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерларини ташкил қилиш талаб этилади. Қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик бўйича янги тармоқларни ривожлантиришимиз зарур. Бугунги кунда фермер хўжаликларининг йиллик чорва озукасига бўлган эҳтиёжининг фақат 35 фоизи маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қопланмоқда"<sup>5</sup>.

Республикаимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Охириги беш йилда қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригация-мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

2018 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида охириги йиллар давомида ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми охириги 10 йил давомида 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг

---

<sup>5</sup> Ўша манба

аҳамияти ката. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;

хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмоқда. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти бекиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёрлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурсларни тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади.

**УДК:636.6:598.51**

## **ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Дусмуратов Ғанийбай Давлетбаевич, и.ф.н., доцент,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти**

**Аннотация.** Мақолада давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришда давлат ва бизнеснинг ўзаро алоқалари кўламларини ва шаклларини кенгайтиришга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Давлат-хусусий шериклик инфраструктурасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминловчи механизм ҳисобланган давлат-хусусий шериклик муносабатларини барча инфраструктуравий соҳаларда, хусусан қишлоқ ва сув хўжалигида шакллантириш ва ривожлантириш ўта муҳимдир. Шунинг учун қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шериклигини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ва амалга ошириш механизмини яратиш яратиш талаб этилади.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги шароитларида давлат-хусусий шериклиги давлат учун ҳам, хусусий бизнес учун ҳам алоҳида долзарб бўлиб қолмоқда, чунки:

- давлат бюджетни тежаш шароитида ижтимоий зарур инфраструктурани молиялаштиришнинг қўшимча манбасига эга бўлади;

- хусусий сектор хусусий бизнес соҳасида талаб қисқараётган шароитда ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш имкониятига ва узоқ муддатли даромад манбасига эга бўлади.

Мамлакатимизни бугунги кундаги устивор ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, инфраструктуравий лойиҳаларни амалга ошириш учун янги

бюджетдан ташқари инвестициялар манбаларини излаб топиш заруратини келтириб чиқармоқда.

ДХШни ривожлантириш давлат ва бизнеснинг ўзаро алоқалари кўламлигини ва шакллари кенгайтиришга таъсир этувчи бир нечта асосий омиллар билан аниқланади.

Биринчидан, ДХШ бизнес ва давлат муносабатларини ривожлантиришга имкон берувчи аралаш иқтисодийнинг механизмларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ДХШ давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари мулк бўлган тармоқ ва соҳаларда такрор ишлаб чиқариш жараёнига хусусий секторнинг ресурсларини жалб қилишга ҳамда бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлигини ошириш учун хусусий тадбиркорлик ташаббусидан фойдаланишга имкон беради.

Учинчидан, конкрет лойиҳалар доирасида бизнес ва давлатнинг куч-қудратини ва ресурсларини бирлаштириш уларнинг кўшимча рақобатдошлик афзалликларини шакллантиради. Бизнес давлат институтларига қараганда катта мобилликка, қарор қабул қилиш тезкорлигига, янгиликларни киритиш, рақобатбардошликни таъминлаш учун техник ва технологик яхшиланишларни излашга интилиш қобилиятига эга. Ҳукумат эса, ўз навбатида, барқарор меъёрий-ҳуқуқий база яратиш йўли билан, шу жумладан фуқаролик жамияти билан ўзаро алоқаларда ҳамда молиявий-иқтисодий дастаклардан: субсидиялар, кафолатлар, рағбатлантирувчи солиққа тортиш ва бошқа турдаги кўллаб-қувватлашлардан фойдаланиб ДХШ лойиҳаларини анча муваффақиятли амалга оширишни таъминлаши мумкин.

Санаб ўтилган омилларни ҳисобга олиб давлат-хусусий шериклиги кўламлигини, шакллари ривожлантириш ва диверсификация қилишни прогноз қилиш мумкин. Аммо ҳар бир алоҳида мамлакатда ушбу жараённинг динамикаси давлат сиёсати, унинг иқтисодий ва ижтимоий консенсусини излашда бизнес билан ҳамкорлик қилишга интилишларига, фуқаролик жамияти позициясига боғлиқ.

Ўзбекистонда ДХШни ривожлантириш учун ДХШ соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш, ДХШ соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, республика ва ҳудудий лойиҳаларни субсидиялаш механизминини ишлаб чиқиш, ДХШ лойиҳаларига жалб этилган молиялаштириш учун давлат кафолатларини тақдим этиш механизминини яратиш борасида ишлаб олиб борилмоқда. Шунинг билан бирга, ДХШ конкрет институтларини ўз ичига олган ўзининг (ички) инфраструктурасини шакллантирмасдан туриб кишлоқ ва сув хўжалигида шерикликдан самарали фойдаланиш мумкин эмас.

ДХШ структураси қуйидаги элементларга таяниши лозим:

- давлат ташкилий-бошқарув таъминоти – ДХШ контурида давлат бошқаруви маҳсус органи;

- молиявий таъминот – ДХШ муносабатлари контурида қурилган ва ушбу контурда вужудга келадиган молиявий оқимларга ҳамда ДХШ контури ва ташқи муҳит ўртасидаги оқимларга хизмат кўрсатадиган молиявий структуралар. Жаҳон амалиётида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишга турли хил суғурта компанияларини, давлат ва хусусий инвестиция жамғармаларини ва ҳаказоларни жалб этишнинг турли туман схемалари мавжуд. Улар халқаро молия ташкилотларида масалан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби ва бошқа ташкилотларда ишлаб чиқилган;

- тизимли-интеграл таъминот – ДХШ форматларининг кенг кўламли лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тизимли интегратор функциясини бажарадиган, бир нечта давлат идораларини жалб этишни назарда тутувчи структуралар. Бу қоидага кўра, танлов асосида танлаб олинган, ўзининг ижтимоий миссиясини англайдиган ва кенг кўламли ва узоқ муддатли лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда давлат органлари билан ўзаро муваффақиятли алоқа қилишнинг кўп йиллик тажрибасига эга нодавлат тижорат ташкилотлари;

- консалтинг таъминоти – ҳар бир конкрет ҳолатда ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда мос келадиган ДХШ механизмларини танлаш ва қўллаш бўйича мустақил

экспертизани ва асосланган тавсияларни ҳамда уларни ҳуқуқий асослаш ва риоя этишини таъминловчи консалтинг компанияларининг кенг таралган тармоқлари. Ушбу элементнинг алоҳида муҳимлигини таъкидлаймиз, чунки ҳаттоки ДХШнинг турли шакллари қўллаш учун ҳуқуқий майдон илгаридан аниқ шаклланган бозор иқтисодиёти қарор топган ривожланган мамлакатларда консалтинг хизматларининг кенг қўламли бозори мавжуд, конкрет ДХШга йўналтирилган давлат сектори учун давлат-хусусий шерикчиликни яратиш таомилларини ва фаолият кўрсатишини консалтинг қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган ҳамда ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлашда техник, молиявий ва юридик экспертиза қилиш ёрдами кўрсатадиган ўнлаб фирмалар фаолият кўрсатади;

- ахборот таъминоти – ДХШ лойиҳаларига хизмат кўрсатувчи ва ушбу лойиҳаларнинг айнан бир хил ва жозибador қиёфасини, уларнинг ижтимоий аҳамиятига ва жамият манфаатларига таъсир даражасига мувофиқ шакллантиришни таъминловчи махсус ахборот-ҳуқуқий тармоқни яратиш. Ушбу ресурс, масалан, амалга оширишнинг турли босқичларида турган ДХШ лойиҳалари бўйича маълумотлар электрон базасини очик фойдаланишни, ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида мониторинг ва ахборотни ёритиш тизимини, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган базасига эга Интернет тармоғида очик ҳуқуқий портални, Ўзбекистонда ва хорижда ДХШни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ёритувчи даврий нашрларни ўз ичига олади ва ҳаказо;

- институционал таъминот – турли йирик қўламдаги лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг шериги бўладиган хусусий компанияларни бошидан ихтиёрий аъзоликка бирлаштирган янги ноtijорат институтни (уюшма, лига ёки шунга ўхшаш бошқа тузилма) ташкил этиш;

- кадрлар таъминоти – ДХШ лойиҳаларини бошқариш бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини яратиш. Бунинг учун ташкил этиш ёки мавжуд касбий қўшимча таълим ўқув марказлари орасидан белгиланган тартибда аккредитациялаш, ўқув дастурларини ва курсларини, ўқитиладиганларни сертификациялаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини ва тартибини ва шунга ўхшашларни ишлаб чиқиш зарур;

- жамоатчилик таъминоти – ДХШ доирасида қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш тизимида ДХШ “учинчи” томонининг (ДХШ лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг бевосита истеъмолчилари) манфаатларини киритишни таъминловчи таъсирчан механизмларни яратиш.

ДХШ қишлоқ ва сув хўжалигида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини, аграр ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳудудлари барқарорлигини ошириш мақсадида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг барча шакллари бирлаштиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ - 4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил. <http://www.norma.uz>.

3. Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере государственно-частного партнерства [Электрон. ресурс] / ЕЭК ООН. Женева, 2008 г. Режим доступа: <http://www.unecse.org/ceci/publications/pppr.pdf>.

4. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари / “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил, [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz). 12 бет.

## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Дусмуратов Ғанийбай Давлетбаевич, и.ф.н., доцент,  
Шафқаров Фахриддин Худойбердиевич, ассистент, ТИҚХММИ**

**Аннотация.** Мақолада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш хусусиятлари асослаб берилган. ДХШ лойиҳаси менежменти доирасида бошқарув функцияларини тақсимлаш масалалари ўрганилган. Давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини бошқариш бўйича хорижий тажрибалар ўрганилган ва шу асосда таклифлар берилган.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий ва институционал база, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш механизми ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3980-сонли қарорига мувофиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш учун институционал имкониятлар комплексини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган.

В.Г. Варнавский [3] таъкидлаганидаек, жаҳон назариясида ва амалиётида ДХШни бошқариш органлари (ДХШни бошқариш органи - PPP Unit) таркибининг умумқабул қилинган тушунчаси мавжуд эмас. Уларга давлат (агентликлар, бўлимлар, департаментлар), яримдавлат (аралаш компаниялар), баъзан эса тижорат структураларини киритишади. Жаҳон Банки, масалан, бундай орган деганда “давлат-хусусий шерикчилигини амалга ошириш ва яхшилаш учун яратилган... ва кўпинча иқтисодийнинг турли секторларида ДХШ лойиҳаларини бошқариш ваколатига эга ҳар қандай ташкилотни” тушунади [5].

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилот (Organisation for Economic Co-operation and Development - OECD) тарифига кўра ДХШни бошқариш органи – бу вазифаси давлат-хусусий шерикчилигини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва бу тўғрисидаги битимни баҳолашга ҳуқуқатга ёрдам беришдан иборат бўлган ташкилотдир [5].

ДХШ лойиҳаларини бошқариш органларининг функциялари турли туман: давлат-хусусий шерикчилиги сиёсатини ишлаб чиқиш, лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш, меъёрий базани тайёрлаш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш бўйича давлатга ва бизнесга хизмат кўрсатиш, лойиҳаларни назорат ва мониторинг қилиш ва ҳақозо. Шундай қилиб, бир томондан, бошқарув органи лойиҳани бажаришни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлайди, бошқа томондан эса, у ДХШ экспертизасини ва тафтиш функциясини амалга оширади.

Давлат ва бизнес манфаатлари тўқнашувини юмшатиш учун, ДХШни бошқариш органига ёки юридик мустақил ташкилот, ёки ўз фаолияти жараёнида фойда ундирмайдиган нотижорат ташкилот статусни бериш лозим. Миллий даражада ДХШни бошқариш тизимининг асоси ҳуқуқатнинг ўзи аниқлайдиган махсус юридик шахс ҳисобланади. Давлат бошқарувининг қуйи даражаларида (минтақаларда, провинцияларда ва муниципалитетларда) бошқарув органи ДХШ минтақавий (муниципал) маркази ҳисобланади.

Мавжуд ахборот манбаларида ДХШ лойиҳаси менежментининг бир хил маънога эга тушунчаси йўқ. Масалан, иқтисодий терминларнинг изоҳли луғатида менежмент тушунчаси қуйидаги тарзда аниқланган:


1) режалаштиришнинг махсус методлари воситасида ишлаб чиқаришни бошқариш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш;

2) фаолият кўрсатаётган корхонанинг махсус органи бўлиб, унинг раҳбариятини ифода этади;

3) расмий ёки норасмий характерга эга менежерлар бирлашмаси.

[23] тарифига кўра “Давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳалари – бу узоқ муддатли инвестицион-инновацион инфраструктура лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг махсус туридир”.

Бизнинг фикримизча, лойиҳа менежменти – бу лойиҳа операцияларини бошқариш билан бевосита банд лойиҳа жамоаси аъзоларидир. Шундай қилиб, ДХШ лойиҳаси менежменти – бу ДХШни бошқариш органлари доирасида менежерларни бирлаштиришдир. Давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини соп методикаси (Presentation Transcript) масалан [28] да кўриб чиқилган. Умумий ҳолатда лойиҳа менежменти доирасида бшқарув функциялари 1-расмда тасвирланганидек тақсимланади. Аммо ДХШ менежментининг анча аниқ моҳиятини қуйидаги тариф ифодалаб бериши мумкин: “ДХШ лойиҳаси менежменти – бу давлат-хусусий шерикчилиги шартномаси асосида хусусий бизнес ва давлат ҳокимияти манфаатларини ифода этувчи лойиҳани бошқариш субъектидир, (муаллиф тарифи)”.



**1-расм. ДХШ лойиҳаси менежменти доирасида бошқарув функцияларини тақсимлаш**

Бугун дунёда бизнес ва илмий институтларнинг илмий-амалий соҳада кўпчилик узоқ муддатли ҳамкорлик шакллари ҳамкорликда тадқиқот ўтказишга қаратилган кўшма давлат-хусусий илмий-тадқиқот магказларини яратиш орқали ДХШ принципларида фаолият кўрсатади. Тадқиқот марказларини яратиш билан бир қаторда айрим мамлакатлар – Франция, Бельгия, Дания, Нидерландия, Австрия, Янги Зеландия и Буюк Британия – инновацион инфраструктурани, турли марказлар, университетлар, корхоналар ва уюшмалар тадқиқотчилари илмий салоҳиятини бирлаштирган шаҳобчаларни ривожлантириш мақсадида ДХШни ташкил этади. Бундай ДХШ бевосита тадқиқот билан

шуғулланмайди, лекин инновацион фаолиятнинг барча манфаатдор иштирокчилари мулоқоти учун майдончани ўзида ифодалайди [30].

Бизда жаҳон экспертлари томонидан тан олинган илмий тадқиқот ва ишланмалар йўналишлари ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодийнинг жиддий муаммоси иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодийни интенсив ривожлантиришнинг зарур шарти ҳисобланган инновацияларни ва ривожланишнинг инновацион механизмларини қабул қилиш сустиги ҳисобланади. Ўзбекистон инновацион ривожланиш даражаси бўйича нафақат ривожланган мамлакатлардан балки МДХ мамлакатларидан ҳам жиддий тарзда орқада қолмоқда. Глобал инновацион индекснинг “ОТМ ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаси (University/industry research collaboration)” каби кўрсаткичи бўйича анча ортда қолмоқда.

Давлат томонидан барқарор кафолатга (қўйилган мақсадларга эришиш учун солиқ ва бошқа имтиёزلарни олиш имконияти мавжуд шароитда инновацион лойиҳалар молиявий рискларининг сезиларли қисмини қоплаш) таяниб ДХШнинг турли шаклларида фойдаланиш ишлаб чиқаришга янги илғор технологияларни жорий этишни рағбатлантиришда бизнеснинг бевосита иштирок этиши учун уникал имконият яратади. Шу муносабати билан илмий-техник қўллаб-қувватлаш инфраструктураси элементлари ўзаро алоқаларини ва самарали бошқариш тизимини ўрнатиш зарурлиги белгиланди. Бу фақат ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича институтларни, жараёнларни ва таомилларни ривожлантириш орқали мумкин бўлади.

Аммо, ДХШ доирасида муносабатларни тартибга соладиган давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисида қонуннинг қабул қилинмаганлиги жуда кўп саволларни туғдиради. Мутахассилар фикрича ДХШ тўғрисида махсус қонуннинг мавжуд эмаслиги қатор омиллар билан аниқланади:

ДХШ лойиҳалари сони ва структураси тўғрисида қандайдир ишончли ахборотнинг мавжуд эмаслиги жиддий муаммо ҳисобланади.

Тадқиқотлар кўрсатиб турибдики, давлат-хусусий шерикчилиги институти самарадорлиги пастлигининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари фикрича, молиялаштириш қийматининг юқорилиги;
- кредит ташкилотлари фикрича, ҳудудлар кредитқобилиятининг пастлиги;
- ривожланиш институтлари фикрича - яхши ишлаб чиқилган ва инвестициялаш учун жозибадор лойиҳаларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда бозорда рақобатбардошликни таъминлаш учун ўйинчилар сонининг етали эмаслиги;
- хусусий инвестор фикрича – қонунчилик базасининг тулиқ ва мукамал эмаслиги.

Бундан ташқари ДХШга тадбиркорлик ҳамжамияти ва давлат томонидан муносабат бир хил эмас. Белгиланган ўзаро муносабатларнинг ижобий жиҳатлари ДХШ принципларини амалга оширишга тўсқинлик қила оладиган кўпчилик салбий омилларни хафа қилиб қўяди. Демак ДХШ принциплари қуйидаги муаммо ва зиддиятларга эга:

1) ДХШ институтининг давлат ва бизнеснинг қўшилиб кетган коррупцион схемаларига трансформацияси. Мазкур муаммонинг илдизи ДХШ институти принципининг ўзи билан боғлиқ, унинг доирасида лойиҳада томонларни максимал қониқтиришни таъминлаш лозим. Мазкур ҳолатда ташкилот ҳар қандай йўл билан ўз фойдасини максималлаштиришга интилиб ўзининг манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўяди, бу ресурслардан паразитларча фойдаланишга, капитал чиқиб кетишига, аҳоли турмуш сифати ва даражаси пасайишига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида давлат томонидан назорат қилиш зарурлиги ўз назорат функцияларини бажармаслик рискига дучор бўлиши мумкин. Бу давлат вакилларининг ДХШ лойиҳаларида томонлардан бири ҳисобланган бизнес-структураларда бевосита иштирок этишининг мавжуд схемаларига боғлиқ. Мазкур муаммо савдоларни ўтказишда давлат буюртмалари бозорида ўта кесуин очиб берилади. Таъкидлаш лозимки, мазкур сегментда

рақобатдош давлат буюртмалари бозорини ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган маълум коррупция институти шаклланган;

2) ДХШ доирасида давлат ва хусусий ташкилотлар ўзаро муносабатларининг иқтисодий ва бутун жамиятнинг бошқа институтларини ривожлантиришга таъсири. Бунда бу ерда бир принциплар ва шароитлар эълон қилинадиган, амалда эса бошқа ноҳуқуқий нормалар намуна бўлиб хизмат қиладиган иккиланган стандарт принципи пайдо бўлади. Ҳар қандай шароитда лойиҳани ташкилий-иқтисодий баҳолашнинг муҳим омиллари унинг рақобатбардошлиги ва амалга ошириш шароитларига мослашувчанлиги ҳисобланади. Амалга ошириш мослашувчанлиги деганда мавжуд бозор конъюнктурасини ҳисобга олиб лойиҳани тез ва самарали амалга ошириш қобилиятини тушунамиз. Амалга ошириш мослашувчанлигининг ҳал қилувчи омилларидан бири мамлакат иқтисодий ривожланиш даражаси, унинг илмий-техник ва технологик салоҳияти, маҳсулотларни тадқиқотлардан тижоратлаштиришгача ҳаракатлантириш ва ривожлантиришни амалга оширувчи ташкилотларнинг етуклиги ҳисобланади.

Кўриб турганимиздек, ДХШ лойиҳаларини ривожлантириш, уларнинг амалга ошириш шароитларига мослашиши йўлида жиддий муаммолар мавжуд. Ва бу ерда лойиҳани бошқаришни ташкил этиш сезиларли аҳамиятга эга. ДХШ лойиҳаларини бошқаришнинг интеграциялашган тизимини яратиш заур. ДХШ лойиҳалари учун Ахборот бошқарув тизими (АБТ) мақсадларидан бири – ДХШ барча структураларида иштирок этувчи ҳокимият ва бизнеснинг низосиз горизонтал мувофиқлаштирилган ўзаро алоқаларини таъминлашдир.

Бошқа кам бўлмаган муҳим мақсад – лойиҳа менежменти тизими доирасида вертикал интеграцияни таъминлашдир. Вертикал интеграция 1-расмда тақсимлаш мисоли кўрсатилган менежментнинг бошқарув функцияларига нисбатан ва фаолияти айнан ўхшаш профилдаги ташкилотлар билан (бизнес ва ҳокимиятнинг) низосиз ўзаро алоқалар доирасида горизонтал интеграция умумий самарали методик база билан бирлаштирилиши лозим.

“Давлат-хусусий шерикчилигининг илмий-техник лойиҳаларини интеграциялашган бошқариш” тушунчасига қуйидагича тариф бериш таклиф этилади: ягона методик асосда ва лойиҳаларнинг реализацион мослашувчанлигини таъминлаш мақсадида давлат, илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг мувофиқлаштирилган горизонтал ўзаро алоқасини таъминловчи бошқарув функцияларининг барча даражаларида ДХШ лойиҳалари менежментининг жорий қарорлари ва ҳаракатлари йиғиндиси сифатида.

Мазкур тариф шуниси билан фарқ қиладики, у бошқарувни интеграциялаш соҳасини ва ДХШ мақсадини – мавжуд бозор конъюнктурасини ҳисобга олиб лойиҳаларни тез ва самарали амалга ошириш (амалга ошириш мослашувчанлиги) қобилиятини аниқлайди.

Давлат-хусусий шериклиги механизмларидан фойдаланиш орқали инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, уларни тизимли мониторинг қилишда давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи бошқарув тизимни шакллантириш муҳим рол ўйнайди. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш учун институционал имкониятлар комплекси яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3980-сонли қарори. <https://lex.uz>.



2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1009-сонли қарори. <https://lex.uz>.

3. Государственно-частное партнерство: теория и практика [Текст] / В. Г. Варнавский и др.; Гос. ун-т – Высшая школа экономики. – М.: Изд. дом Гос. ун-та – Высшей школы экономики, 2010. — 287 с.

4. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари / “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил, [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz). 12 бет.

5. Практическое руководство по вопросу эффективного управления в сфере государственно-частного партнерства [Электрон. ресурс] / ЕЭК ООН.- Женева, 2008 г. – Режим доступа: [http://www.unecsc.org/ceci/publications/ppp\\_r.pdf](http://www.unecsc.org/ceci/publications/ppp_r.pdf). – Дата доступа: 25.08.2017.

## **АКТИВИЗАЦИЯ РАЗВИТИЯ ПЛОДООВОЩНОЙ ОТРАСЛИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В РЕСПУБЛИКЕ**

**Н.М.Абдуразакова доцент кафедры «Экономика» ТИИИМСХ**

**Г.С.Закирова ассистент кафедры «Экономика» ТИИИМСХ**

### **Аннотация**

В статье рассматриваются вопросы, связанные с развитием и значением плодоовощной отрасли сельского хозяйства, аграрная стратегия действий в данной области.

Почвенно – климатические условия Узбекистана благоприятны для производства широкого спектра плода овощных и бахчевых культур, существенно превосходящих аналогичную продукцию из зарубежных стран по качеству, содержанию микроэлементов, других биологически ценных веществ, обеспечивающих сбалансированное питание.

В частности, содержание сахара и аскорбиновой кислоты в местных сортах томатов на 0,5 – 1,4% и 2 – 5% соответственно выше, чем в зарубежных аналогах. Местные сорта огурцов превосходят зарубежные аналоги по содержанию сахара на 0,2 – 0,4%, аскорбиновой кислоты – на 34%. Сорта белокочанной капусты, произведенные в Узбекистане, превосходят зарубежные аналоги по степени содержания соков, аскорбиновой кислоты (на 5 – 20%) и сахара (на 1,0 – 1,8%) и содержат меньше грубой клетчатки (на 0,4 – 0,7%). Наибольшее превосходство над зарубежными аналогами по биохимическим показателям имеют местные сорта дыни, которые по содержанию полезных веществ вдвое превосходят дыни из других стран, отличаясь особым вкусом и ароматом. Произведенная в республике плодоовощная продукция отличается еще и низкой себестоимостью. Например, в среднем в США производство овощей и фруктов обходится в 5 – 7 раз дороже, чем в Узбекистане.

В структуре производства продукции сельского хозяйства доля плод овощеводства составляет в среднем более 40%, но посевные площади составляют всего 20% от всей посевной площади. Учитывая объективную ограниченность земельно – водных ресурсов ведется поэтапная оптимизация размещения и совершенствования структуры посевных площадей, приоритетными будут экспортноконкурентные, высокоурожайные, востребованные на внутреннем и внешнем рынках культуры, которые позволяет наряду с другими факторами повысить эффективность использования земельно – водных ресурсов.

Так, доля зерновых культур в общей посевной площади сельского хозяйства возросла за период 1991 – 2016 гг, с 25,7% до 45,2%, овощебахчевых с 7,0% до 9,5%, при этом удельный вес хлопчатника сократился с 41,9% до 34,2%.

Наряду с оптимизацией посевных площадей необходима работа по ускоренному внедрению современных технологий и инноваций в возделывании плодоовощной продукции и винограда, созданию новых интенсивных садов и виноградников, выведению водосберегающих, солеустойчивых и биологическим вредителям сортов. С 2009 года, активизируется процесс увеличения площадей садов, прежде всего за счет создания новых высокоэффективных интенсивных карликовых полукарликовых насаждений. За 2009 – 2016 гг. более 60 процентов садов и 50 процентов виноградников обновлены путем создания 36,8 тыс. га новых садов и 40,5 тыс.га виноградников. Также на основе передового зарубежного опыта созданы и функционируют более 31,4 тыс.га (12% от общей площади садов) высокоурожайных карликовых и полукарликовых интенсивных садов с применением современных технологий капельного орошения и других инноваций. Для увеличения производства плодоовощной продукции, создания новых рабочих мест, повышения доходов и уровня благосостояния населения за 2009 – 2016 годы созданы свыше 55,6 тыс. теплиц преимущественная для которых, приходится на (51,6 тыс.) приусадебные хозяйства населения.

Поэтапное сокращение посевов хлопчатника на землях, где его урожайность не превышает 10 ц/га, зерно колосовых с урожайностью ниже 20 ц/га на общей площади 220,5 тыс.га и размещение на них других продовольственных культур, позволит увеличить производство плодоовощной продукции на 4856 тыс.тонн, кормовых культур на 1670 тыс.тонн и масличных культур на 62 тыс.тонн. это даст возможность получить на этих площадях ежегодно вместо убытков в размере более 270 млрд.сум. Дополнительный доход в размере более 490 млрд.сум, а также увеличить занятость населения на 175 тыс. человек. Также поэтапная замена существующих старых садов и виноградников на интенсивные, а также создание на высвобождаемых землях новых интенсивных садов и посадок плодоовощных культур с использованием высоко технологичных агротехнических мероприятий позволяет за счет роста количества посадок и доли высокоурожайных интенсивных садов с 12%, или 28 тыс.га, в 2015 году до 28,3%, или 78 тыс.га, в 2020 году увеличить урожайность садов минимум в 3 – 4 раза.

В настоящее время в Узбекистане возделываются свыше 40 видов овощных, бахчевых культур и картофеля и более 32 тыс. сортов плодовых и 955 сортов винограда. При этом импортируются ежегодно до 100 тонн овощных семян. Задача современной селекции заключается в создании экологически чистых сортов способных выдержат неблагоприятные климатические условия произрастания.

Необходимо активизировать селекционную работу с овощными культурами по созданию различных продуктивных сортов: столовых, для переработки и для экспорта. Каждая группа этих сортов должно обладать определенным набором признаков и свойств в сочетании с высокой урожайностью среди овощных культур картофель играет важную роль в обеспечении продовольственной безопасности любой страны.

Картофель в Узбекистане появился в начале второй половины XIX века. Толчком к развитию картофелеводства послужило возникновение в конце этого столетия железнодорожных станций, промышленных и административных центров с русским населением, предъявлявшим спрос на картофель. В настоящее время он является излюбленным продуктом питания любой семьи. В народе его называют «вторым хлебом». Среди всех продовольственных культур, кроме пшеницы и риса, нет ни одной, которая занимала бы столь важное место в нашей жизни как картофель.

Народнохозяйственное значение картофеля огромно, его современное использование в пищевой, текстильной, фармацевтической промышленности играют большую роль в экономике. Он является практически безотходным продуктом, что не просто сокращает издержки, но и дает возможность получить прибыль.

Важное значение имеет картофель как страховая культура на случай неурожая зерновых культур. Широкая пластичность, низкие требования к предшественникам, большой диапазон сортов, благодаря которым он способен приспособиться к различным

условиям выращивания, относительная устойчивость к засухе обеспечивают получение более высоких урожаев, чем у других культур в засушливые годы и на бедных почвах.

Картофель имеет также важное агрономическое значение. Картофель- прекрасный предшественник для многих культур. Из всех пропашных он наиболее полно очищает поля от сорняков. Это связано не только с возможностью вести борьбу с ними при предпосадочной и междурядной обработке почвы, но и с тем, что при нормальной густоте стояния картофель в короткий срок (через 7 - 10 дней после последней культивации) смыкается, угнетая сорняки. Кроме того, в процессе уборки картофеля уничтожаются сохранившиеся сорняки.

Большое значение имеет использование картофеля на технические цели. Из него вырабатывают крахмал и спирт. Из 1 т картофеля можно получить 170 кг крахмала или 80 кг глюкозы. При переработке на крахмал 1 т картофеля дает ещё 0,7 т. Мезги, используемой на корм скоту. Из 1 т картофеля можно выработать 112 л. этилового спирта, 55 кг жидкой углекислоты и в качестве отхода получить 1500 кг барды, также используемой на корм.

**Таблица - 1**

**Динамика производства картофеля в республике**

Года	Посевная площадь, тыс.га	Урожайность с га, тонн	Валовый сбор, тыс.тонн
1940	23,6	4,8	113,3
1991	40,0	8,8	351,2
2000	52,2	14,0	731,1
2016	84,6	22,5	2958,4
2017	78,8	21,8	2793,7

Анализ показывает, что почти каждый четвертый килограмм «второго хлеба» производят фермеры и дехкане Самаркандской области. Картофелеводы столичной области находятся на втором месте по производству ценной продовольственной культуры с удельным весом 14,2% в общереспубликанском валовом сборе<sup>6</sup>.

На Ферганскую, Андижанскую и Наманганскую области приходится около трети объема производства «картофеля» в Узбекистане. Эти пять регионов с менее засоленными почвами производят более 65% общего производства картофеля в стране. По утверждению специалистов, по сравнению с 1991 годом (341,2 тыс.тонн) производство картофеля в Узбекистане выросло в 7,6 раза.

Однако в 2017 году эти показатели изменились в обратную сторону. Самаркандская, Ташкентская, Ферганская и Наманганская области составили 50% производимого картофеля, что соответственно отражает другие 50% со стороны 7 оставшихся областей и Республики Каракалпакстан. Ташкентская же область спустилась на 3 место по удельному весу и составила 10 % после Ферганской области 13% в производстве картофеля.

Основной объем производство, картофеля приходится на дехканские хозяйства до 80%, которые собственно являются главными производителями не только картофеля, но и других плод овощных и бахчевых культур.

<sup>6</sup> Статистический сборник сельское хозяйство Узбекистана. Ташкент, 2017 – 2018 гг.

В нашей республике под посадки картофеля было в 2017 г отведено 78,8 тыс.га земли. Для обеспечения этой площади семенным материалом необходимо около 334 тыс.тонн семенного картофеля. При этом потребность в семенном картофеле класса «элита» составляет 18,0 – 20,0 тыс.тонн. На сегодняшний день в республике не полностью сформирован семенной фонд картофеля элитных сортов, позволяющий поставлять семена картофеля в промышленных масштабах. В среднем ежегодный объем импорта семенного картофеля класса «элита» составляет 18 тыс.тонн.

Узбекистан ежегодно экспортирует свежую и сушенную плодовоовощную продукцию в объеме около 15%. Этот показатель проявляет тенденцию увеличения и расширения географии и экспорта. Но необходимо применять в отрасли креативные, инновационные технологии, соответствующие мировому уровню развития.

К ним относятся:

- применение субстрата «AGROWOOL» пробок, кубиков и маты из минеральной баты, гидропонику;
- гидрогелей;
- биомелиорации;
- мульчирование и другие инновации.

Не следует упускать и другие решения способствующие успешному развитию отрасли, как стимулирование создания кооперативов по выращиванию, хранению, переработке и реализации картофеля и другой плодовоовощной продукции, в том числе тепличных хозяйств на основе диверсификации ее товарной структуры налаживание сбыта на внешний рынок<sup>7</sup>.

#### **Список использованной литературы:**

1. Статистический сборник сельское хозяйство Узбекистана. Т., 2017-2018 гг;
2. Стратегия действий по пути приоритетным направлениям развития за 2017 – 2021 гг.

### **Сув ресурсларини тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари**

**Тошбоев А.Ж. доцент ТашДАУ**

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда ишлаб чиқариш жараёнларини интенсифлаштириш, замонавий агротехнология ва инновацион технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Дехқончилик учун экин майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги тармоғи учун талаб этиладиган ресурслар микдорларини ошириш имкониятлари ўта чегараланганлигини учун соҳани ривожлантиришнинг бирдан бир йўли - фан ва техника ютуқларига асосланувчи, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали эришилади. Ҳозиргача қишлоқ хўжалигида ўсимликларни парваришlashда қўлланиладиган тежамкор технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва амалиётга жорий этишнинг қулай усуллари талаб даражасида ишлаб чиқилмаган. Масалан пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик тармоқларида кўплаб инновацион технологиялар қўлланилади. Аммо уларнинг иқтисодий афзалликлари, маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши, харажатларининг камайишининг оптимал вариантларини бир тизимга келтирилган услубий тавсиялар йўқ. Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган технологияларнинг иқтисодий самарадорлиги фақатгина илмий тадқиқотларда аниқланиб, амалиётга жорий

<sup>7</sup> Стратегия действий по пути приоритетным направлениям развития за 2017 – 2021 гг.

етиш тизими ёки услубий жиҳатлари фермер хўжаликларига жорий этиш ва қўллаш ишларига умуман эътибор берилмай келмоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотлари учун моддий ва молиявий ресурсларни сарфи ва самарасининг ҳисобини ололмасдан ишлаб чиқаришга бўлган мунособат салбийлигича қолаётган хўжаликлар етарли даражада. Шунинг учун аграр соҳасидаги олимларнинг олдидаги асосий вазифаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳар бир экин тури бўйича сарф харажатларни ҳисобга олиш, янги қўлланилган технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш, ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ишлаб чиқиш баҳосини белгилаб беришдан иборатдир.

Олиб борилган тадқиқот обектимиз Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи субъектлари бўлиб, унинг жами аҳоли сони 3 млн 426 минг кишини, умумий ер майдони 1 млн 677 минг гектарни, шу жумладан, экин майдони 435.7 минг гектар, шундан суғориладиган майдон 253.7 минг гектар, лалми ер майдони 182 минг гектар, томорқа хўжаликлари сони 512310 та, унинг ер майдони 86,2 минг гектар, ўртача бир оилага лалми билан бирга 18,8 сотих ер майдони тўғри келади. Жорий йилда жами фермер хўжаликлари сони 9756 та бўлиб, уларга бириктирилган ер майдони 521.0 минг гектар, ўртача бир фермер хўжалигига 53,4 гектар тўғри келади. Жами қишлоқ хўжалигидан олинган даромад 4 триллион 913 млрд сўми, фойда 831 млн.сўм ёки рентабеллик 20.4 фоизга эришилди. Пахта етиштириш хажми 223.4 минг тонна бўлиб унинг даромади 230.6 млрд.сўм, Ўтган йилга нисбатан 112 фоиз ёки 28,5 млрд.сўмга ошган. Ғалла етиштириш хажми 817,8 минг тонна шундан давлатга бошқоқли дон сотиш 314,5 минг тонна бўлиб унинг даромади 396,1 млрд. сўми ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан 18.4 фоиз ёки 62 млрд.сўм ортикча даромад олинган. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи усул ва технологияларни қўллаш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни турли суғориш тадбирлари ва усуллари пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш ва самарадорлиги аниқлаш борасида Самарқанд вилоятини Нарпай туманидаги фермер хўжаликлари мисолида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Олиб борилган ишлар натижалари шуни кўрсатадики, оддий эгат орқали суғориш усулида ғўза ўсув даврида 6-7 марта қатор ораллигига ишлов берилиб, гектарига 45-50 кг ёқилғи сарфланган бўлса, томчилатиб суғориш усулида ғўза парваришланганда 3-4 марта қатор орасига ишлов берилиб, 25-30 кг ёқилғи сарфланади. Демак, томчилатиб суғорилганда ғўза қатор ораллигига ишлов бериш уч мартага қисқарган бўлса, ёқилғи сарфи эса гектарига 20 кгга камайиб ва иш вақтдан самарали фойдаланилди. Ғўза далаларини томчилатиб суғорилганда ғўзанинг ривожланиши бир текисда бўлиб, сув орқали ўғит эритмаларини бериш натижасида далада жуда қулай агроиклим шароити яратилиб, пахта ҳосилининг ортишига ижобий таъсир этади. Тумандаги айрим илғор фермер хўжаликлари бир гектардан 33,7 центнер пахта хом-ашёсини олган бўлса, томчилатиб суғорилган майдонларда эса гектарга 38,4 ц/га ёки 14% ортикча олинганлигини кўриш мумкин. Агар томчилатиб суғориш усулининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, ишлатилган сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш, минерал ўғитларни ишлатиш харажатлари камайиши, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашишда айрим пестицидларни сув билан аралаштириб беришга имконият берувчи истиқболли усуллардан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Томчилатиб суғориш усулини қўллайдиган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида ягона ер солиғидан беш йил муддатгача озод этилади. Чунки охириги йилларда республикада турли қишлоқ хўжалик субъектларининг фаолияти янада эркинлаштирилганлиги сабабли сув ресурсларига бўлган талаб янада ортиб бормоқда. Сувга бўлган талабни тўла қондириш учун иқтисодий усуллардан фойдаланиш ҳисобига қондирилиши ўз самарасини беради.

**Томчилатиб ва анъанавий суғориш усулида пахта етиштириш иқтисодий самарадорлиги<sup>8</sup>**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	
			Томчилатиб суғориш (Хитой технологияси)	Эгат бўйлаб суғориш
1	Суғориладиган майдон	Га	100	100
2	1 га дан олинган ҳосил	ц/га	40,0	26,0
3	Қилинган харажат	минг сўм	126528,1	106340
4	Олинган даромад	минг сўм	228 000	148 200
5	Фойда ёки зарар	минг сўм	101471,9	41860
6	Рентабеллик даражаси	%	80,2	39,3
7	Харажатларни қоплаш муддати	Йил	4 йил 2 ой	-
8	Суғоришда сувни иқтисод қилиш	м <sup>3</sup> /га	300 000	-
9	1 га ерга қилинган харажат	Сўм	1265281,0	1063400
10	1 га дан олинган даромад	Сўм	2 280 000	1 482 000
11	1 га дан олинган фойда	Сўм	1 014 719	418 600
12	1 га га сарфланадиган сув	м <sup>3</sup> /га	3 000,0	6 000,0
13	1 га га сувни иқтисод қилиш	Сўм	193 200	-

Мавсумий суғориш миқдори 35-50 % тежаллади, тупрокнинг юқори қатлами донатор ҳолда сақланиб унумдорлиги яхшиланади. Вегетация мобайнида ғўза оддий эгат орқали суғориш усулида 5-6 марта суғорилганда ўртача 5673 м<sup>3</sup>/га сув сарфланса, томчилатиб суғориш усулида эса ғўза 7 марта суғорилиб мавсумий суғориш меъри 3663 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади. Натижада гектарига 1810 м<sup>3</sup>/га (31,9 %) сув тежашга эришилади.

Томчилатиб суғориш усулининг самараси ва устунлиги оддий эгат орқали ва ёмғирлатиб суғориш усулларидадан бир қанча жиҳатлари орқали ёрқин намоён бўлмоқда ва бугунги сув танқислиги сезилаётган ва ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашаётган даврда қишлоқ хўжалигида суғоришнинг ушбу усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: томчилатиб суғориш тизими орқали ўсимликларни суғорганда ҳамма ерни юзаси бир вақтда ва бир меъёрда суғорилади; мавсумий сув миқдори ғўзада 31,9 % тежаллади; томчилатиб суғоришда ғўзани қатор орасига суғоришдан олдинги ва ундан кейинги тупроққа ишлов бериш сони камайганлиги сабабли, ёқилғи мойлаш маҳсулотларини 30-40% гача ҳамда маъданли ўғитлар йиллик меъерининг 20-25 % ни тежашга имкон яратилади, бегона ўтларнинг ўсиши камаяди, тупроқни агрофизикавий хоссалари яхшиланади; томчилатиб суғориш усули оқавасиз ўтказилганлиги учун ирригацион эрозиям жараёни бутунлай тўхтатилади ва шу сабабдан тупроқни унумдорлиги сақланиб қолинади; минерал ўғитлар томчилатиб суғоришда эритилган ҳолда берилганда даладаги ҳамма ўсимликларга бир хил меъерда ва бир вақтда етказиб бериш имкон яратилади; ғўзани касаликка чалиниши камаяди, бунга сабаб трактор билан ишлов берилмаганда ўсимликни илдиз тизими жароҳатланмайди; пахта ҳосили 4,7 ц/га ; сувчининг иш уними ҳам кескин ошади (битта сувчи бир вақтнинг ўзида 10-20 соатда ичида 4 га ерни суғориши мумкин).

**Аннотация:** Мақола самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тамонидан олиб борилган амалий ишлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалигида ресурстежовчи технологияларни янада ривожлантириш ва унинг афзаллик тамонлари кўрсатилган.

<sup>8</sup>Монографик тадқиқотлар асосида ВИИГ аъзоларининг ишланмаси

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Тошбоев А.Ж. Кичик бизнесни бошқариш.-Т: ТИМИ, 2015. -4156
2. Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 1991-2015 йилги спровочниги.

## **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКДА ЛИЗИНГНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Утегенов Қуанишбай Жадигерович,  
Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали ассистенти**

**Аннотация.** Мақолада давлат-хусусий шериклиги лизингнинг ўрни кўриб чиқилган. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги шароитида амалга ошириш учун энг аҳамиятли давлат-хусусий шерикчилиги шаклларида бири лизинг ҳисобланади.

Замонавий иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши кўпинча давлат ва бизнеснинг ўзаро алоқалари сифати билан аниқланади. Мамлакатимиз иқтисодиёти олдида қатор хорижий мамлакатлар иқтисодий тизимларидаги каби давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) концепциясини ишлаб чиқиш ва фаол амалга ошириш вазифаси турибди.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги шароитида амалга ошириш учун маъқул энг аҳамиятли ДХШ шаклларида бири лизинг ҳисобланади. Лизинг фаолияти инвестицион фаолият тури сифатида сезиларли молиявий, амалий, сервис ташкилий-фойдаланувчи афзалликларга эга. Мамлакатимиз иқтисодиётида лизинг моделларида фойдаланиш ўз асосида хусусий сектор вазиятини мустақамлайди, давлат билан шериклик муносабатларига кириб, инновацион бошқарув технологияларини қўллашга шунчалик интилмади, қанчалик катта наф билан капитал инвестиция қилади ва максимал фойда олади.

Шундай экан, ҳам табдиркорлик, ҳам инновацион фаолиятни бавосита молиялаштиришнинг етарлича асосланган шакли лизинг ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилаш учун ликвид воситалар ҳажмининг чекланганлиги ҳамда маҳсулотни реализация қилишдаги муаммолар кўпчилик замонавий ташкилотлар фаолиятининг хусусиятини характерлайди. Шу вақтнинг ўзида инновацияни муваффақиятли жорий этиш учун ишлаб чиқариш соҳаси молиялаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш заруратини қатъий талаб этади. Буларга лизинг операцияларини киритиш мумкин. Барча корхоналар, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналар ўсувчи сони асосий воситалар лизинггина мурожаат қилади. Демак, АҚШда 80 % фирмалар лизинг шартларида мунтазам зарур машина ва ускуналарни харид қилади; у ерда лизинг улуши машина ва ускуналарга капитал қўйилмаларнинг умумий суммасида 30 % гачани ташкил этади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқларида узоқ йиллардан бери мамлакатимизда фаолияти олиб бораётган “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг ҳам муносиб ўрни бор. Қарийб 20 йилдан буён мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мазкур Жамият бугунга келиб фермерларнинг энг ишончли ҳамкорига айлана олди.

“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти бугунги кунда қирқ мингга яқин дехқон ҳамда фермер хўжаликлари, машина–трактор парклари, кластерлар “O‘zdonmahsulot” АЖ, “O‘zraxtasanoat” АЖ ва “O‘zagrokimyoohimoya” АЖ тизимидаги корхоналарига лизинг асосида барча турдаги замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бермоқда.

Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг маълумотларига кўра, “O‘zagrolizing” АЖ кўрсатиладиган лизинг хизматларининг ҳажми бўйича республика бозорида қатор йиллардан буён етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Жамият томонидан 2001-2018 йилларда Республика қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 3067,8 миллиард сўмлик 71448 дона техникалар етказиб берилди.

Булардан 1523 дона ғалла ўриш комбайнлари, 4652 дона хайдов тракторлари, 23 484 дона чопиқ ва транспорт тракторлари ҳамда ва 41789 дона турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникаларидир.

2018 йилга келиб етказиб берилмаётган қишлоқ хўжалиги техникаларининг тури 90 донага етказилди. 2018 йилда Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами қиймати 758,3 миллиард сўмлик 5262 дона қишлоқ хўжалик техникалари лизинг асосида етказиб берилди. Ҳусусан, 525 дона хайдов тракторлари, 642 дона чопиқ тракторлари, 76 дона ғалла ўриш комбайнлари ва 4019 дона турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари.

Мавжуд агролизинг тизимининг фаолият кўрсатиши самарадорлигини янада ошириш талаб этилади. Чунки, ушбу тизим ўта қаттиқ тартибга солинганлиги сабабли унинг моҳиятини бироз ўзгартириб юборади, яъни марказлаштириб тақсимланадиган кредитга айлантириб кўяди. Бундай моделда агролизинг механизмнинг бошқа молиявий-иқтисодий механизмлар билан таққослагандаги маълум афзалликлари амалга оширилиши мумкин эмас. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг етарлича самара бермаётганлиги сабаблари нафақат лизингни ривожлантириш миқдосига, балки унинг ўта марказлаштирилганлиги билан боғлиқ. Бошқача айтганда бундай моделда агролизингнинг потенциал имкониятлари амалга оширилмайди. Бу лизинг муносабатларини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикликнинг ўрнини белгилаб беради.

Тадқиқотларга кўра, лизинг олувчи субъектлар (ш.ж. фермер хўжаликлари) учун унинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- сотиб олинаётган техниканинг умумий қийматини бир пайтнинг ўзида эмас, узоқ муддат давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти туғилади;

- бир вақтнинг ўзида ҳам замонавий техника ва технологиялар жалб қилиш мумкин, ҳам ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мумкин;

- техника ва ускуналар учун лизинг тўловлари уларни ишлатиш натижасида олинадиган даромад ҳисобидан тўланади;

- техника ва ускуналарнинг тўлиқ қиймат бўйича нақд пулга сотиб олинмаслиги айланма маблағларни тўлдириш ҳамда бошқа эқтиёжлар учун маблағларни озод қилишга имкон беради;

- лизингга олинган техника воситалари нуқсонлари кафолатли муддат давомида лизинг берувчи томонидан бартараф этилади.

Фикримизча, ҳозирги кунда фермерларнинг техникага бўлган талабини қондиришда истиқболли вариантлардан бири фермерларнинг техникадан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш бўйича уюшиб фаолият кўрсатишидир. Агар фермернинг хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажми техника воситаларига яқка ҳолда эгалик қилиш учун имкон бермаса, бир неча фермерлар ўзаро уюшиб қиммат турадиган унумли техникани сотиб олиши ва биргаликда ишлатиши мумкин. Бунинг афзаллик томонлари кўп бўлиб уни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- ҳар бир фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган бир неча хил техника воситаларини сотиб олиш заруриятидан қутулади, бу билан улар техника харид қилишда тежамга эришадилар ва уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларни ўзаро тақсимлайдилар;

- қишлоқ хўжалигида баъзи бир техника воситаларидан жуда қисқа муддатларда фойдаланилиши туфайли, алоҳида бир фермер учун санокли кунларда ишлатиладиган техникаларни сотиб олиш ва сақлаш самарали эмас;

- фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги техникаларининг зарур турлари билан жиҳозлаш ишлари тезлашади;

- техникадан биргаликда фойдаланиш машиналардан оқилона фойдаланишга, кичик ва ўрта хўжаликда ҳам ишлаб чиқаришни тўлиқ механизациялаштиришга олиб келади;



- техника харажатлари тежалиши оқибатида маҳсулот таннархи арзонлашади.

Аммо бунда фермерлар орасида ўзаро ишонч бўлиши ва техникадан биргаликда фойдаланиш жараёни турли ихтилофларни келтириб чиқармаслиги керак. Буни олдини олиш учун фермерлар биргаликда таъсисчи сифатида улуш қўшиб, масъулияти чекланган жамият, кооператив (тўлиқ ёки коммандит ширкат) ёки ёпиқ акциядорлик жамияти шаклида машина-трактор парклари ташкил этиши мумкин. Фермерларга ўз вақтида ва сифатли механизация хизматларини кўрсатиш, лизингни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклик асосида аграр тармоқни янгилаш ва техник модернизациялаш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида агротехник сервис хизматларини ташкил этиш мумкин.

Техник жиҳозланганликнинг паст даражаси ва машина-трактор паркининг юқори даражада эскирганлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмининг камайиши, экин майдонлари ва мол бош сони қисқариши сабаби ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг машина ва энергия билан қуролланганлиги кейинги пасайишини тўхтатиш бўйича чораларни амалга ошириш зарурати вужудга келади.

Мавжуд шароитларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини техник қайта жиҳозлашни молиялаштириш муаммосини ҳал этиш давлат қўллаб-қувватлашисиз деярли имкони йўқ. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи фаолият сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг алоҳида статуси агросаноат мажмуасида (АСМ) лизингнинг шаклланиши заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун эса давлат органлари томонидан сезиларли молиявий-қўллаб қувватлаш зарур. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини кредитлашни сушт ва унумсиз ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши пастлиги, табиий шароитларга юқори даражада боғлиқлиги лизинг жараёнида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурлигини янада кучайтиради.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бюджет маблағларидан фойдаланиб давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг истиқболли шаклларида бири лизинг (молиявий ижара) асосида агросаноат мажмуасини машинасозлик маҳсулотлари ва зотдор қорамоллар билан таъминлаш ҳисобланади.

Давлат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун лизингни инвестиция компаниялари орқали молиялаштиради, бунда лизинг хизматлари бозорида соғлом рақобатни сақлаб қолади ва қўллаб қувватлайди. Биринчи босқичда давлат беғараз ёрдам асосида инвестиция киритишда иштирок этиши мумкин, бунинг натижасида лизинг компанияси қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун анча фойдали шартларни таклиф этади. Бундай ташқари, мазкур схема лизинг компаниялари учун инвестиция маблағлари тақчиллиги муаммосини ҳал этишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигини субсидияланган кредитлашдан лизинг молиялаштиришнинг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари сифатида асосий афзаллиги бюджет маблағларининг қайтарилиши ва улардан кўп марта фойдаланиш ҳисобланади, бу пул маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини бир неча мартага кўпайтиради. Ҳар бир кейинги йил бюджет маблағлари янги қишлоқ хўжалиги техникаларининг қўшимча ҳажмини сотиб олишга қайта инвестиция қилинади.

Шундай қилиб, бюджет маблағларини лизинг компанияси устав капиталига давлат иштироки билан инвестициялаш – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали усулларида биридир.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5303-сон Фармони

2. Ғ.Д.Дусмуратов. Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш шакллари // Журнал “Агроиктисодиёт” 1-сон, 2018 й. 16-20-б.
3. Ғ.Д.Дусмуратов. Давлат-хусусий шерикчилиги - қишлоқ хўжалигига хусусий инвестицияларни жалб этиш механизми // Журнал “Agroilm” Махсус сон, 2018 й. 85-86-б.
4. G.D.Dusmuratov, S.S.Ismailova. Lizing asoslari. O'quv qo'llanma. - Toshkent, 2016 y. 160 bet.

**УДК: 657.1/6:631.145 (575.1)**

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИ ВА ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Илмий раҳбар: доц. Табаев А.З.  
“СХТЭ ва Б” факултети Жуманов А.А.**

### **Аннотация**

Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннархини камайтириш тизимининг ҳисоби масалалари ёритилган. Корхоналарда хомашёларнинг ҳаракатини акс эттирадиган дастлабки ҳужжатларда фақат уларларнинг шартнома баҳоси бўйича қиймати кўрсатилади. Транспорт-тайёрлов харажатлари эса барча хомашёларга тааллуқли жами суммаси билан ёзилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” номли маърузасида “Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлса-да, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим маҳсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатдош бўла олмаяпти. Айрим корхоналар зарар билан ишламоқда” деб таъкидлаб ўтган.[1]

Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, ҳизматлар) таннархини камайтириш, уларнинг рентабеллик даражасини ошириш, шунингдек. Ўзимиздаги бой табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича чоратадбирлар Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган эди. Бугунги кунда жонажон диёримиз ҳар томонлама бой минерал хомашё ва ўсимлик дунёси ресурсларига эга.

Биринчи Президентимиз И. Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, юқори кўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида 2030 йилда, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефть-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин.” [2]

Бунда ҳар бир турдаги бирламчи хомашё, яъни ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш ва улар ҳақидаги маълумотларни шакллантиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни беқиёсдир.

Чунки, хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлаш жарёни Президентимиз таъбири билан айтганда 3-4 босқичли тизимига ўтишимизни зарурият қилиб кўймоқда. Хомашёни тайёр маҳсулотга айлангунга қадар бўлган ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиб, уни тегишли ҳисобварақларда ҳаракатини ҳисобга олиб бориш, бухгалтердан катта масъулиятни талаб этади. Буни маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг бўлимли усули деб ҳам аталади.

Бу борада молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидаги берилган таъриф ёки тушунчалар деярли бизнинг амалиётимизга яқин келади. Халқаро стандартларда товар-моддий захираларга қуйидагича ёндошилган: “Товар-моддий захиралар– бу қуйидаги активлардир: одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган, бундай сотув учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатилишида фойдаланилиши кўзланган хомашё ва материаллар кўринишидаги активлар” (БҲХС 2).[4]



### 1-расм. Товар-моддий захиралар турлари

Бухгалтерия ҳисобининг ишчи ҳисобварақларида сотиб олинган хомашёларнинг миқдори ва турлари тўғрисидаги маълумотлар шаклланиб, улар таъминот жараёни миқдор ва қиймат жиҳатидан назорат қилишни таъминлайди ҳамда бухгалтерия ҳисобидан корхонанинг барча турдаги товар-моддий қийматликларини сотиб олиш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Корхоналарда хомашёларнинг ҳаракатини акс эттирадиган дастлабки ҳужжатларда фақат уларларнинг шартнома баҳоси бўйича қиймати кўрсатилади. Транспорт-тайёрлов харажатлари эса барча хомашёларга тааллуқли жами суммаси билан ёзилади.[3]

Бизнинг фикримизча хомашёни қайта ишловчи корхоналарда таъминот жараёни ҳисобининг кўрсаткичлари корхонада таъминот режасининг бажарилишини назорат қилиш имконини яратади. Бунинг учун ҳақиқий сотиб олинган хомашёлар режа билан таққосланади. Ҳақиқий транспорт-тайёрлов харажатларининг белгиланган нормативларига мослигини ҳам шундай тарзда аниқлаш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб таъкидланганда, ташқи бозорларда харидорғир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда қайта ишлашнинг босқичли тизимга ўтиш ўзининг самарали эганлигини кўрсатиб турибди. Натижада, ярим фабрикатлар ва бошқа харажатлар тўғрисидаги маълумотларни аниқ ва ўз вақтида, шунингдек, халқаро стандартлар талаблари асосида ҳисобга олиш тартибини узлуксиз такомиллаштириб бориш лозим.

Демак, корхоналаримизда ҳар бир турдаги истиқболли хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг узоқ йилларга мўлжалланган янги дастурий комплекс ёндашув асосида ташкил этилиши натижасида, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, тез фурсатлар ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида икки баробар ошириш имконияти яратилади. Зеро, Мухтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: “Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, замон талабини ҳис этмасдан, эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ”

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. (2017) Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. 2017 йил 14 февраль.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир.– Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016. 88 б.

3. Товар моддий захиралар (2004) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, БҲМС 4.

4. Товар-моддий захиралар (2011) Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, МҲХС 2.

**УДК 631.117:639**

## **YER RESURSLARIDAN FOYDALANISH SAMARDORLIGINI OSHIRISH**

**Shirinboyev U. – talaba, TIQXMMI**

### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligida yer resurslaridan oqilona foydalanishda samaradorlikni oshirish masalalari tadqiq qilindi.

Qishloq xo‘jaligiga yaroqli yerlarni suv va shamol erroziyasidan asrash ham juda muhim tadbirlardan biridir. Masalan, ekin maydonlarining 2,1 mln. gektari shamol, 0,7 mln gektari suv erroziyasiga uchragan. Jami 22,1 mln. gektar yaylovning 6 mln. gektari shamol va 3 mln. gektari suv erroziyasiga uchragan. Bu holat ko‘payib borish tendentsiyasiga ega. Natijada, agrosanoat majmuasi iqtisodiyotiga sezilarli salbiy tasir qiladi. Shu sababli yerlarni asrash asosiy vazifalardan biridir. Yer barcha ishlab chiqarilayotgan boyliklarning manbasi ekanligi iqtisodchi olimlar tomonidan ko‘p marta talab e‘tirof etilgan. Sanoat ishlab chiqarishining ayrim turlari uchun yer imoratlar turadigan oddiy baza hisoblanadi. Qishloq xo‘jaligida esa yer asosiy ishlab chiqarish vositasi hisoblanadi. Ya‘ni kishilar yerga ishlov berish yo‘li bilan ishlab chiqarishga tasir etadi. Yer bir paytda mehnat predmeti (mehnat yo‘naltiriladigan ob‘ekt sifatida) va mehnat quroli (yerdan zarur biologik sharoitlarni tug‘dirish natijasida o‘simliklar rivojlanadi) sifatida qishloq xo‘jaligida yuzaga chiqadi. Yer har bir xalqning asosiy boyligidir. O‘zbekiston Respublikasi jami bo‘lib 447,4 mln. gektar yer maydoniga ega. Respublika qishloq xo‘jaligiga yaroqli yer maydonlarining 81 foizi yoki 26,6 mln. gektari yaylov va pichanzorlarni tashkil etadi. O‘zbekiston qishloq xo‘jaligiga yaroqli yerlarning 16 foizi haydaladigan yerlarni tashkil etadi. Mamlakatning lalmikor yerlari 6,6 mln. gektarni tashkil etadi. Respublika yerlarining bir qismi shaharlar va aholi punktlari, bir qismi transport va kommunikatsiyalari, daryo va suv havzalari bilan band yerlar, o‘rmon xo‘jaligi yerlari, harbiy maqsadlar uchun ajratilgan yerlar va davlat zahira fondidan iborat. Biz uchun eng muhimi, qishloq xo‘jaligiga yaroqli yerlar hisoblanadi. Respublikaning yer manbalari cheklangan va u qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida foydalanadigan resurs sifatida kamayib bormoqda [1]. Qishloq xo‘jaligida yer resurslari asosiy ishlab chiqarish vositasi sifatida quyidagi xususiyatlarga ega:

1) Yer tabiatda chegaralangan. Uni insoniyat xohlagancha ko‘paytirish imkoniga ega emas. Demak, yagona to‘g‘ri yo‘l mavjud yer resurslaridan samarali foydalanishdir. Bundan tashqari sanoatning, kommunikatsiyaning o‘shishi, aholining ko‘payishi tabiiy holda bir kishiga to‘g‘ri keladigan yer maydonini qisqarishiga olib keladi. Qolaversa, insoniyatning yerdan to‘g‘ri foydalanmasligi sababli ularning qishloq xo‘jaligi oborotidan chiqib ketish hollari ham yuz bermoqda. Tuproq eroziyasi, sho‘r bosish, kasalliklarga chalinish kabi taraqqiyotning salbiy oqibatlarini kamaytirish har bir davlatning, yerdan foydalanuvchilarning birinchi galdagi vazifasidir.

2) Yer - tabiat mahsuli. Bu ham bizning oldimizga qator vazifalarni qo‘yadi.

3) Yer abadiy ishlab chiqarish vositasidir.

4) Turli joylarda mavjud yer maydonlari turli sifatga, ya‘ni unumdorlikka ega. Yerning tabiiy va sun‘iy unumdorligi bir - biridan farqlanadi. Tabiiy unumdorlik bu inson aralashuvizisiz

tabiat tomonidan vujudga kelgan yerning hosil bera olish qobiliyatidir. Inson aralashuvi natijasida vujudga kelgan unumdorlik sun'iy unumdorlikdir. Bu unumdorlikni oshirish imkoniyatlari katta.

5) Yerni bir joydan ikkinchi joyga ko'chirish mumkin emas. Bularning barchasi mavjud yerlarda qaysi ekin turlarini joylashtirish, texnikaning qanday turlaridan foydalanish va ishlab chiqarishning hajmi qanday bo'lishi maqsadga muvofiqligi to'g'risida inkor etib bo'lmaydigan talablarni keltirib chiqaradi [2].

Qishloq xo'jaligida yer resurslari asosiy ishlab chiqarish vositasi ekan, undan qanday foydalanayotganimizni bilishimiz zarur. Iqtisodiy fan yerdan foydalanishni ifodalovchi ko'rsatkichlarni ikkiga bo'lib o'rganadi. Birinchi guruhga yerdan foydalanishning darajasini ifodalovchi ko'rsatkichlar kiradi. Bularga quyidagilar kiradi:

Yerlarning (strukturasi) tarkibi. Jami yer maydonida qishloq xo'jaligi yerlarining salmog'i. Bu ko'rsatkich mavjud yerlarning qancha qismi qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishiga yaroqli ekanligini ko'rsatadi;

Qishloq xo'jaligi yerlarning tarkibi. Bu ko'rsatkich qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlarning tarkibini ko'rsatadi. Qishloq xo'jaligi yerlarning tarkibida haydaladigan, ayniqsa, sug'oriladigan yerlar salmog'iga qarab biz kerakli xulosalar chiqaramiz;

Agarda qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlar tarkibida sug'oriladigan yerlar salmog'ining yuqori bo'lishi taminlansa yaxshi. Chunki sug'oriladigan yerlarning qimmatligi lalmikor yerlardagiga qaraganda juda katta. 2008-yildan boshlab mamlakatimizda qariyb 1 million 500 ming gektar sug'oriladigan yerning meliorativ holati yaxshilandi, yer osti suvlari yuqori bo'lgan maydonlar 415 ming gektarga yoki salkam 10 foizga qisqardi, kuchli va o'rtacha sho'rlangan maydonlar 113 ming gektarga kamaydi.

Yerdan foydalanishning iqtisodiy samaradorligi har bir gektar yerdan olinadigan yalpi mahsulot, foyda bilan aniqlanadi. Ekinlarning hosildorligi ham yerdan samarali foydalanayotganimizning darajasini ifodalaydi. Albatta, yer bilan ajralmas holda suv resurslaridan foydalanishni ham o'rganish lozim. Ayniqsa bizning mamlakatimiz uchun suv resurslarining ahamiyati katta. Shu sababli 1 metr kub suv hisobiga olingan mahsulot miqdori undan foydalanishning samarasini bildiradi. Bu ko'rsatkichlarni natura va qiymat holda hisoblash mumkin.

Yerdan samarali, oqilona foydalanish kelajak talab qilayotgan zaruratdir. Yer resurslaridan foydalanish darajasi va samarasini oshirish quyidagi yo'nalishlarda amalga oshiriladi.

Eng avvalo, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini yer resurslarining talabi va imkoniyatidan kelib chiqqan holda joylashtirish lozim. Albatta, mamlakat oziq-ovqat havfsizligini ta'minlash, mavjud resurslardan oqilona foydalangan holda bozor talab qiladigan mahsulotlarni ishlab chiqarish va bunda aholining ehtiyojini unitmaslik talab qilinadi. Shungaqaramasdan yer resurslarining holatini hisobga olmasdan ishlab chiqarishni tashkil etish ma'lum salbiy oqibatlariga olib kelishi mumkin. Masalan, kuchli sho'r bosgan yerlarda kuzgi don ishlab chiqarishni joylashtirish samaradorlikni pasaytiradi. Ayrim hollarda yerning qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishiga mutlaqo yaroqsiz holga kelishiga sabab bo'ladi. Chunki bunday yerlarda kuzgi va qishki sho'r yuvish ishlarini olib borish mumkin emas. Hozirda jami sug'oriladigan yerlarning 47,8 foizi sho'rlanmagan, 30,8 foizi kam sho'rlangan, 17,2 foizi o'rtacha sho'rlangan va 4,2 foizi kuchli sho'rlangan yerlardir. O'zbekiston qishloq xo'jaligi yerlari meliorativ holatiga ko'ra 38 foizi yaxshi, 53,4 foizi qoniqarli va 8,6 foizi qoniqarsiz, meliorativ holati yomon yerlardir. Bu holatni yomonlashib ketishini oldini olish kerak. [3]

Yerlarning bir sifat holatidan ikkinchi holatga o'tishi umumiy holda yer transformatsiyasi deyiladi. Yer transformatsiyasi ijobiy (yomon yerlarning yaxshi yerlar safiga o'tishi) va salbiy (yaxshi yerlarning yomon yerlar safiga o'tishi) bo'ladi. Imkon boricha salbiy yer transformatsiyasiga yo'l qo'ymaslik lozim. Yer islohotlarini to'g'ri o'tkazish ham yerdan foydalanishning samaradorligini oshiradi. Yer duch kelgan kishiga emas balki yerda

ishlash tajribasi, bilimi bor kishilarga, xo'jaliklarga berilishi kerak. Shu borada yerdan olingan mahsulotga egalik qilish sharoitlarini to'g'ri hal etish talab qilinadi. Aks holda yerdan samarali foydalanib bo'lmaydi.

Eng zarur omillardan biri yerdan foydalanuvchilarning samaradorlikni oshirganliklari uchun manfaatdorligini ta'minlashdir. Tanlangan ishlab chiqarish turini texnologiyani buzmasdan bajarish, melioratsiya va irrigatsiya tadbirlarini o'z vaqtida samarali o'tkazish qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi, yerdan foydalanish samaradorligini oshiradigan muhim omillardan biri hisoblanadi [4].

Yerdan foydalanish samaradorligini oshirish ko'p jihatdan ilg'or texnologiyani ishlab chiqarishga joriy etish bilan bog'liq. Ekologik muhit talablarini hisobga olgan holda kimyolashtirishni rivojlantirish ham yer resurslarining samaradorligini oshirishga ijobiy ta'sir etadi [5].

Qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlarni suv va shamol eroziyasidan asrash ham juda muhim tadbirlardan biridir. Masalan, ekin maydonlarining 2,1 mln. gektari shamol, 0,7 mln gektari suv eroziyasiga uchragan. Jami 22,1 mln. gektar yaylovning 6 mln. gektari shamol va 3 mln. gektari suv eroziyasiga uchragan. Bu holat ko'payib borish tendentsiyasiga ega. Natijada, agrosanoat majmuasi iqtisodiyotiga sezilarli salbiy ta'sir qiladi. Shu sababli yerlarni asrash asosiy vazifalardan biridir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev tomonidan 4-may kuni "2017-2021 yillarda er osti suvlari zaxiralaridan oqilona foydalanishni nazorat qilish va hisobga olishni tartibga solish chora-tadbirlarini ishlab chiqish to'g'risidagi"gi qarori. (Internet ma'lumotlaridan 2017y). [1]

2. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini - Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yilidal amalga oshirishga oid Davlat dasturi. (Internet ma'lumotlaridan 2017 y). [2]

Ilmiy rahbar: assistent F.X.Shafkarov

### **SUV RESURLARDAN SAMARALI FOYDALANISHDA SOLIQLARNING O'RNINI**

#### **U.B.Fayzullayev, talaba TIQXMMI**

#### **Annotatsiya**

Hozirgi kunda nafaqat mamlakatimizda balki butun dunyoda suv eng qadrlri ne'mat hisoblanadi. Chunki, respublikamizda qishloq xo'jaligi asosan sug'ariladigan yerlardan iborat. Shuningdek boshqa mamlakatlar qishloq xo'jaligi va xalq xo'jaligi uchun suv muhim resurs hisoblanadi. Shu sababli biz bundan samarali foydalanmog'imiz zarur. Suvdan samarali foydalanishiga bir nechta omillar ta'sir ko'rsatadi shulardan biri soliqdir.

1998-yilga qadar suvdan foydalanayotgan korxonalar "suv uchun to'lov" to'lashar edi. Iste'molchilarning suvdan samarali, tejab foydalanish maqsadida respublikamiz soliq qonunchiligiga hamda O'zbekiston Respublikasining "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida"gi qonuniga ko'ra 1998-yil 1-yanvardan boshlab suv resurslardan foydalanganlik uchun soliq joriy etildi. Ushbu soliq umumdavlat soliqlar tarkibiga kirib, respublika budjetining asosiy daromad manbalaridan biri hisoblanadi.

Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliqni to'lovchilar - o'z faoliyatida suvdan foydalanuvchi yuridik shaxslar, dehqon xo'jaliklari (yuridik shaxs tashkil etadigan va yuridik shaxs tashkil etmaydigan) hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi jismoniy shaxslar suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq to'lovchilardir. Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliqqa tortish tartibi soliq solishning alohida tartibi o'rnatilgan to'lovchilarning ayrim toifalariga tatbiq etilmaydi. Bunda, agar soliq solishning alohida tartibi o'rnatilgan to'lovchilar asosiy faoliyat turi bilan bir qatorda boshqa faoliyat turlari bilan shug'ullansalar, ular alohida

hisob olib borishlari va shu faoliyatda foydalaniladigan suv hajmidan kelib chiqib suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq to'lashlari kerak. Suvdan foydalanish joyida yuridik shaxslar, davlat soliq xizmati organlarida ro'yxatga olinish joyidan qat'i nazar, suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq to'laydilar. Aholi punktlarining suv ta'minoti uchun suv yetkazib beruvchi yuridik shaxslar o'z faoliyatida ishlatiladigan suv uchungina soliq to'lovchilar hisoblanadi.

Suv resurslaridan foydalanganlik solig'ining soliq solish ob'ekti va soliq stavkalari yer usti va yer osti manbalaridan foydalaniladigan suv resurslarining hajmi soliq solish ob'ekti hisoblanadi. Yer usti manbalariga kiradi: daryolar, ko'llar, suv omborlari, yer yuzasidagi boshqa havzalar va suv manbalari, turli xil kanal va hovuzlar. Yer osti manbalariga kiradi: artezian quduqlar va skvajinalar, vertikal va gorizontal zovur tarmog'i.

Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq stavkalari O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi va soliq to'lovchilarga O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Davlat soliq qo'mitasi tomonidan belgilangan tartibda yetkaziladi. Suvdan qishloq xo'jalik ekinlari va ko'chatlarini sug'orish uchun foydalanadigan yordamchi xo'jaliklarga ega yuridik shaxslar, shuningdek ilmiy-tadqiqot tashkilotlari va o'quv yurtlarining o'quv-tajriba xo'jaliklari soliqni qishloq xo'jalik korxonalarini uchun belgilangan stavkalar bo'yicha to'laydilar.<sup>9</sup>

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 4-maydagi "2017-2021-yillarda yer osti suvlari zaxiralaridan oqilona foydalanishni nazorat qilish va hisobga olishni tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori mamlakatimiz aholisini sifatli ichimlik suvi bilan ta'minlash tizimini yanada rivojlantirishga xizmat qiladi.

Ushbu qaror yer osti suvlari zaxiralaridan foydalanish samaradorligini oshirish, shu asosda aholini ichimlik suvi bilan ta'minlash sifatini yanada yaxshilash hamda ayrim shahar va tumanlar markazlarida yer osti suvlari sathlari ko'tarilishining oldini olishga yo'naltirilgan. Hujjatda yer osti suvlarini hisobga olish va ulardan foydalanishda nazoratni ta'minlash uchun vakolatli davlat organlari, suvdan foydalanuvchilar va iste'molchilarning suv resurslaridan oqilona foydalanish, olinayotgan suv hajmini to'liq hisobga olish hamda uning ifloslanishi va kamayishiga yo'l qo'ymaslik bo'yicha vazifalari belgilangan.


Mazkur qaror bilan tasdiqlangan 2017-2021-yillarda yer osti suvlari zaxiralaridan oqilona foydalanishni nazorat qilish va hisobga olishni tartibga solish chora-tadbirlari dasturi sohada muhim o'rin tutadi. Ushbu dastur yer osti suvlari zaxiralaridan oqilona foydalanishni nazorat qilish va ularni hisobga olishni tartibga solish chora-tadbirlari kompleksini, yer osti chuchuk suvlari zaxiralarini ko'paytirishning maqsadli parametrlarini va boshqa shu kabi masalalarni o'z ichiga oladi. Shu o'rinda eslatib o'tamiz, bugungi kunda mamlakatimizdagi 69 shahar, 335 posyolka va 2 ming 902 qishloq aholisining ehtiyoji yer osti suvlari zaxiralari hisobiga qondirilmoqda. 1-oktabrdan sanoat korxonalarini va avtomobillarni yuvish shoxobchalari uchun suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq oshiriladi. Prezident 2 iyul kuni «Suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonni imzoladi.<sup>10</sup>

2018-yilda soliq to'lovchilar quyidagi stavkalar bo'yicha suv resurslaridan foydalanganligi uchun soliq tulashar edi.

---

<sup>9</sup> O'zbekiston Respublikasi Soliq Kodeksi

<sup>10</sup> Norma.uz



11

2019-yil 1-oktabrdan suv resurslaridan foydalanilgani uchun soliq stavkalari quydagicha o'zgaradi:

1. Iqtisodiyotning barcha tarmoq korxonalari (2–6-bandlarda ko'rsatilgan korxonalaridan tashqari), tadbirkorlik faoliyati jarayonida suv resurslaridan foydalanadigan jismoniy shaxslar — yerusti suv resurslari manbalari uchun 98,2 so'm, yerosti suv resurslari manbalari uchun 124,8 so'm;

2. Sanoat korxonalari (3–6-bandlarda ko'rsatilgan korxonalaridan tashqari) — yerusti suv resurslari manbalari uchun 300,3 so'm, yerosti suv resurslari manbalari uchun 360,0 so'm;

3. Avtotransportlari yuvishga ixtisoslashtirilgan korxonalar — yerusti suv resurslari manbalari uchun 1000,0 so'm, yerosti suv resurslari manbalari uchun 1250,0 so'm;

4. Elektrostansiyalar — yerusti suv resurslari manbalari uchun 28,4 so'm, yerosti suv resurslari manbalari uchun 42,2 so'm;

5. Kommunal xizmat ko'rsatish korxonalari — yerusti suv resurslari manbalari uchun 53,9 so'm, yerosti suv resurslari manbalari uchun 69,7 so'm;

6. Alkogolsiz ichimlik ishlab chiqaruvchi korxonalar  
alkogolsiz ichimlik ishlab chiqarish uchun foydalangan suv hajmi uchun — yerusti suv resurslari manbalari uchun 15 870 so'm, yerosti suv resurslari manbalari uchun 15870 so'm;

7. Boshqa maqsadlarda — yerusti suv resurslari manbalari uchun 98,2 so'm, 124,8 so'm

Ko'rib turganingizdek bizning mamlakatimizda suv resurslariga nisbatan soliq stavkalari judayam past darajada qilib belgilangan. Boshqa davlatlarda ayniqsa arab mamlakatlarida suvning qadri va qiymati judayam yuqori hattoki neft mahsulotlaridan ham qimmat. Biz bu qadri ne'matimizdan samarali va tejamkorlik bilan foydalanishimiz zarur. Lekin mamlakatimizda suvdan oqilona foydalanilmayapti bazi bir tarmoqlarda. Ayniqsa mashinalarni yuvish shahobchalarida ichimlik suvini kata qismi isrof bo'ladi. Shu sababli ularga solinadigan soliqlar 2019-yil 1-oktabrdan boshlab 10 barobarga oshiriliadi. Kelajakda soliq suv resurslaridan foydalanilgani uchun soliqlar qolgan barcha resurslarga nisbatan yuqori bo'ladi. Chunki

<sup>11</sup> <https://kun.uz/uz/news/2018/07/04/suv-resurslaridan-fojdalanganlik-ucun-solik-stavkasi-tasdiklandi>



aholining tez suratlarda o'lishi ayniqsa ichimlik suvi tanqisligini keltirib chiqardi. Shu sababli biz suv resurslaridan oqilona foydalanishimiz zarur.<sup>12</sup>

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. „O'zbekiston Respublikasi soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. 30.06.2018y.
  2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4086-son qarori.
  3. O'zbekiston Respublikasi Soliq Kodekisi.
  4. T.S.Malikov, P.T.Jalilov “Byudjet – soliq siyosati”, Toshkent. “Akademnashr”. 2011y.
  5. <http://www.soliq.uz>
  6. <http://www.stat.uz>
  7. <http://www.uza.uz>
  8. <http://www.kun.uz>
  9. <http://www.norma.uz>
- Ilmiy rahbar: dots. Sh.Xodjimuxamedova

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ОҚОВА СУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ**

**Дусмуратов Ғанийбай Давлетбаевич, и.ф.н., доцент,  
Кадирходжаева Фарида Бахтияровна, изланувчи, ТИҚХММИ**

#### **Аннотация**

Мақолада қишлоқ хўжалигида оқова сувлардан фойдаланишда давлат-хусусий шериклиги зарурлиги асослаб берилган. Қишлоқ хўжалигида оқова сувлардан фойдаланишда давлат-хусусий шериклиги механизмларини жорий этиш масалалари ўрганилган. Оқова сувлардан фойдаланишда давлат-хусусий шериклиги жорий этиш бўйича хорижий тажрибалар ўрганилган ва шу асосда таклифлар берилган.

**Асосий мақсади:** Қишлоқ хўжалигида оқова сувлардан фойдаланишда давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

XXI асрда юз бераётган атроф муҳитдаги ўзгаришлар шароитида сув ресурсларидан оқилонга фойдаланишни йўлга қўйиш ўта долзарб масалалардан биридир. Инсоният яшаш муҳитининг ажралмас қисми – чучук сув захиралари бўлиб, уларнинг чекланганлиги ва қайта тикланувчи манбааларининг камайиб бораётганлиги глобал доирада муқобил ечимларни ишлаб чиқишга ундамоқда.

Маълумки, йилдан-йилга кучайиши кутилаётган сув ресурслари тақчиллиги муаммоси қишлоқ хўжалигини олиб боришда қийинчиликларни юзага келтириши эҳтимоли юқори бўлиши билан бирга, аҳоли сонининг тобора ўсиб бориши, ўз навбатида, озиқ-овқатга бўлган талабнинг янада ошишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни жадаллаштиришга бўлган эҳтиёжнинг кучайишига олиб келади.

Осиё қитъасида 300 миллион аҳоли истеъмолга яроқсиз ичимлик суви ичишга мажбур. Яна 400 миллион киши электр энергиясиз, 1,5 миллиард аҳоли эса санитария талаблари сифат жиҳатдан оғир шароитларда ҳаёт кечиради.

Бугун сув таъминоти, маиший чиқиндиларни бошқариш, сувоқова каби соҳалардаги муаммоларни бартараф этишда давлат-хусусий шериклик муносабатларидан унумли фойдаланиш ечим сифатида намоён бўлмоқда [1].

Кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, жойларда инфратузилмани ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунда жаҳон тажрибаси асосида давлат-хусусий шериклик тизимининг босқичма-босқич жорий этилаётгани кутилган натижаларга эришиш имконини бермоқда.

<sup>12</sup> [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

Бугунги кунда асосий масала ақлли технологияларни кенг жорий этиш орқали Осиё минтақаси аҳолисини қийнаётган сув тақчиллиги, қишлоқ хўжалиги тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларга ечим топишда давлат-хусусий шериклик тамойиллари ва глобал тенденцияларни амалда татбиқ этиш масалалари ҳал этилмоқда.

Оқова сувлар инсонларнинг маиший ва ишлаб чиқариш фаолияти натижасида вужудга келади. Уларни махсус канализацион қувурлар орқали корхона ва турар жойлардан олиб ўтилади. Оқова сувларга яна атмосфера ёгинлари ёғиши натижасида ҳосил бўлиб, турар жой пунктлари ва саноат корхоналари ҳудудида ҳосил бўлувчи оқовалар ҳам киради. Оқова сувлар таркибидаги минерал, органик ва биологик ифлослантувчи моддалар қаттиқ, эриган ва эрмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Оқова сувлар коммунал-рўзгор, саноат, аралаш, чорвачиликдан чиқадиган ва коллектор-зовур сувларига ажратилади. Коммунал-рўзгор оқова сувлар аҳоли турар жой комплекслари канализацияси ва бошқа маиший ташкилотлардан чиқиб, улар доимий кимёвий таркибга эга бўлади. Канализация эса ўз навбатида, оқова сувларни аҳоли пунктларидан, саноат корхоналаридан ўз вақтида тартибли равишда йиғиб, уларни аҳоли пункти ва саноат корхоналари ҳудуди ташқарисига қувурларда олиб кетувчи ҳамда қайта ишлатиш ёки ҳавзага ташлашдан олдин тозалашга ва зарарсизлантиришга хизмат қилувчи барча инженерлик иншоотлар, жихозлар, тармоқлар ва санитар тадбирлар мажмуига айтилади[5].

Саноат оқова сувлари ишлаб чиқа ришда бевосита технологик жараёнларда ишлатилиш натижасида ташкил топиб, уларнинг кимёвий таркиби ишлаб чиқариш тури ва технологик жараёнларга боғлиқдир. Саноат оқова сувлари иккига бўлинади: ифлосланган ва шартли тоза (ифлосланмаган) [5].

Аралаш оқова сувлар маиший ва ишлаб чиқаришдан чиқувчи оқова сувлардан иборат бўлади. Уларнинг таркибида органик моддалар кам бўлиб, кучсиз ишқорий таркибга эгадир. Ишлаб чиқариш ривожланган йирик шаҳарлардан чиқаётган аралаш оқова сувлар одатда тозалаш иншоотларида тўла биологик тозалаш жараёнларидан ўтади. Лекин тозаланган оқова сувларда ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвага салбий таъсир этиши мумкин бўлган моддалар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам суғоришда ишлатиладиган оқова сувлар таркибидаги бундай моддалар (ПДК) дан ошмаслиги зарур.



1-расм. Оқова сувларнинг турлари схемаси (Ф.Кадирходжаева томонидан ишлаб чиқилган)

Чорвачиликдан чикувчи окова сувлар хайвонлар чиқиндиси, озуқалар қолдиғи, ичимлик ва технологик сувлар, кум, тупроқ ва бошқа ёд қўшилмалар аралашмасидан иборат бўлади [6].

Ёғингарчилик окова сувлари бино тоmidан оқиб тушиб, йўлка ва майдонларда йиғилган эриган қор ва ёмғир сувлари киради. Уларнинг ўзига хослиги нотекислиги ва мунтазам содир бўлмаслигидир [5].

Коллектор-зовур сувлари бу кишлоқ хўжалик экинларини суғориш натижасида юзага келган сувлардир. Худудимиздаги суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири-суғориладиган майдонларда кўп миқдорда иккиламчи, яъни коллектор-зовур сувларининг пайдо бўлишидир. Масалан, минтақамизда мавжуд бўлган умумий сув захиралари 110-115 куб.км.бўлса, шунинг 20 фоизи кишлоқ хўжалигида ишлатилади (2008 йил). Лекин суғориш тизимлари, сув ўтувчи тармоқларнинг мукамал эмаслиги, экинларни эса ҳали ҳам жўяқлар орқали суғорилиши дарёдан олинадиган сувларнинг бир қисми шимилиши орқали, бир қисми эса зах сувлари орқали ташлама ёки коллектор- зовур сувларига айланиб қолишига олиб келади [2]. Уларнинг таркибидаги тузлар миқдори кўпроқ бўлади [6].

Турли соҳаларда давлат-хусусий шериклик тамойилини йўлга қўйиш қатор афзалликларга эга. Яъни, давлат-хусусий шериклиги ҳукумат учун молиявий кўмакка айланади. Бу, ўз навбатида, кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш имконини беради.

Шундай қилиб, ДХШ хусусий компанияларга ҳам фойдали, чунки улар инвестиция киритишдан даромад олишади, давлат эса ДХШ лойиҳаларини амалга ошириб ижтимоий самарага эга бўлади, шу вақтнинг ўзида бюджет маблағларини тежайди ва ижтимоий манфаатларни амалга оширишга йўналтиради (1-жадвал).

**1-жадвал. Давлат-хусусий шерикчилиги шакллари амалга оширишда давлат ва бизнеснинг иқтисодий негизи ва манфаатлари**

Давлат	Шерикчилик шакли	Хусусий бизнес
- мулкчилик; - сарфлар; - рисклар.	<b>КОНТРАКТ</b>	- даромадда, фойдада барқарор улуш; - имтиёзлар имконияти.
- муддат тугагандан кейин мулкчилик.	<b>ИЖАРА ВА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ</b>	- маълум ҳақ эвазига ва вақтинчалик фойдаланишдаги мулк.
- мулкчилик.	<b>КОНЦЕССИЯ:</b> - мавжуд инфраструктура объектларига; - қурилишга ва модернизациялашга; - давлат мулки объектларини хусусий компаниялар бошқарувига ўтказиш.	- давлатнинг ҳокимият функцияларини бажариш; - мулкдан фойдаланишга – концессион тўлов; - жамоат манфаатлари талабларига бўйсиниш; - барча ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик қилиш.

<p>- мулкчилик.</p>	<p><b>МАҲСУЛОТ ТАҚСИМОТИГА ОИД БИТИМЛАР:</b></p> <p>- дарҳол 2 қисмга; - инвестор харажатларини чиқариб ташлагандан кейин.</p>	<p>- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат бир қисмига эгалик қилиш; - қайтариб бериш асосида ва маълум муддатга беришда давлат ҳукуқи.</p>
<p>- ишлаб чиқариш, маъмурий-хужалик ва инвестиция фаолиятида доимий иштирок этиш.</p>	<p><b>ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАРИ:</b></p> <p>1. АЖ 2. Томонларнинг улушли иштирокида қўшма корхоналар</p>	<p>- мустақил маъмурий-хужалик қарорларини қабул қилишдаги имкониятлар (акционерлик капиталидаги улуш билан аниқланади); - томонлар рисклари уларнинг миқдорларига қараб тақсимланади.</p>
<p>- ЭИЗ инфраструктурасини қуриш бўйича мажбуриятлар; - қулай маъмуриятчилик режимини яратиш; - қонунчиликдаги ноқулай ўзгаришлардан ҳимоя қилиш.</p>	<p><b>ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР</b></p>	<p>- алоҳида солиқ ва божхона режими; - имтиёзлар (пасайтирилган ижара ставкалари, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш).</p>

Бугунги кунда Осиёнинг ривожланган давлатларида сув таъминоти, маиший чиқиндиларни бошқариш, сувоқова тизимлари давлат-хусусий шериклик тамойили асосида тараққий этмоқда. Хусусий тармоқларда фаолият юритувчи операторлар бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар ишончини оқлаш учун улар эҳтиёжини ўз вақтида ўрганиб, талаб ва таклиф асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида оқова сувлардан фойдаланишда ақли технологияларни қўллашнинг хорижий тажрибасидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида оқова сувлардан фойдаланишни бошқариш тармоқларида давлат-хусусий шериклиги асосида истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги сувнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади (жаҳонда чучук сувнинг 70% дан кўпроқ қисмини истеъмол қилади) ва кўпинча бошқа фойдаланувчилар билан танқис захира ҳисобланмиш сув учун курашда рақобатга киришади. Қишлоқ хўжалигида оқова сувлардан қайта фойдаланиш кўпгина афзалликларга эга бўлиб, чучук сув етишмаслиги муаммосини юмшатиш (1), қурғоқчиликдан ҳимоялаш мақсадида сув билан таъминлаш (2), ўғитларга кетадиган харажатларни қисқартирган ҳолда озуқа моддалар билан таъминлаш (3), сувнинг маҳсулдорлигини ошириш (4) ва атроф-муҳитга фойда келтириш (5) кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, оқова сувлар ер усти сувларига қараганда ишончлироқ бўлиб, оқова сувларини тозалаш корхоналаридан доимий равишда келиб туриши фермерларга йил давомида бир неча ўсимликларни етиштириш имконини беради ҳамда қишлоқ хўжалиги интенсивлигини ошириб, маҳсулотни кўпайтиради. Қишлоқ хўжалигида оқова сувлардан такрорий фойдаланиш ҳамда унинг озуқа моддаларини қайта ишлаш иқлим ўзгаришини барқарорлаштириш ва унинг оқибатларини юмшатиш ишига ҳисса қўшиши мумкин. Оқова сувлар таркибидаги

компонентларнинг ўзгарувчанлиги оқова сувлар таркиби компонентлари мувозанати бузилишига олиб келади ҳамда тупроқ ва экотизимлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсонларга хавф туғдиради. Оқова сувлардаги патоген бўлмаган компонентларнинг таркиби вақт, ҳудудлар ва минтақаларга қараб ўзгариб туради, шу боис оқова сувлар сифатини мунтазам назорат қилиб бориш лозим ва олинадиган фойдани максималлаштирган ҳолда шу салбий таъсирларни минимал ҳолатга келтириб, оқова сувлар билан суғоришни барқарорлаштиришга эришиш талаб этилади. (Grant ва б., 2012; Нанҗаа ва б., 2012; Fine ва б., 2005). Чикаётган сувнинг сифати оқова сувни тозалаш технологиясига, шунингдек, тозалаш мақсадига қараб бир-биридан фарқланади. Оқова сувларни иккиламчи тозалаш жараёнида амалга ошириладиган учламчи тозалашда сувнинг озуқа моддалари билан тўйинганлиги хусусиятларини яхшилашга эътибор қаратилади. Оқова сувлардан суғориш мақсадида фойдаланилганда унинг озуқа моддалари билан тўйинганлиги қишлоқ хўжалиги тизимига қўшилган қиймат сифатида қаралади. Иорданиядаги оддий фермада оқова сувлар ўғитларга бўлган талабнинг 75% ини қондириши мумкин (Саг ва б., матбуотда). Бошқа томондан қараганда, озуқа моддаларнинг қўплиги қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини пасайтириб юбориши ҳам мумкин, шу боис озуқа моддаларни моҳирона бошқариш ўғитлаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтириш ва оқова сувлардаги озуқа моддаларининг миқдори ҳаддан зиёдлиги сабабли ҳосилдорлик пасайиб кетишининг олдини олишга имкон беради (Нанҗаа ва б., 2012). Иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, қишлоқ хўжалиги экинларини оқова сувлар билан суғоришда лозим даражадаги қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигини бошқариш амалиёти мавжуд бўлганда бу қуйидаги афзалликларни бериши мумкин: (i) янада юқори ҳосил, (ii) суғориш учун қўшимча сув ва (iii) ўғитларнинг қиймати сақланиб қолиши (Hussain ва б., 2002).

Тозаланган оқова сувлардан такроран фойдаланишни қишлоқ хўжалигидаги қимматли сув ва озуқа манбаи деб ҳисоблаш мумкин. У кимёвий ўғитлардан фойдаланишни камайтиришга ва қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Бошқарув тўғри йўлга қўйилса, бундай ёндашув экотизимларни сақлаш учун зарур бўлган сув ресурсларининг ифлосланишини олдини олишга ёрдам бериши мумкин. Айни пайтда бу саҳроланишга қарши курашишга ва саҳролардан фойдаланишга кўмаклашади. Бошқа ижтимоий ва иқтисодий фойдалар бандликни таъминлаш ва экспорт бозорлари учун маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳисобидан вужудга келиши мумкин. Айни пайтда шуниси муҳимки, қайта фойдаланишнинг ривожланиши атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирнинг олдини олиши керак. Шу сабабли оқова сувлардан мақсадли равишда қайта фойдаланиш учун сувлар тегишли тарзда тозаланган бўлиши керак (Kamizoulis ва ҳаммуаллиф, 2003).

Сув таъминоти соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирли, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилади.

### Адабиётлар

1. Сув таъминоти соҳасида давлат-хусусий шериклиги: миллий тажриба ва халқаро амалиёт. 06.07.2018. **Манба:** <http://uza.uz/>.
2. Якубов М.А., Ахмедов И.А. "Дренаж ва оқова сувларни бошқариш муаммолари". Тошкент-2004.
3. Маматов С.А., Умаров Х.У. Использование сточных вод на орошение. //Материалы Респ. научно-практ. конф. «Проблемы и задачи целевого и эффективного использования водных ресурсов фермерскими хозяйствами». - Ташкент, 2009. –С.. 28-31.

4. Лев В.Т., Артукуметов З.А. Сточные воды и орошение. - Ташкент: Мехнат, 1990. - 112 с.
5. Голченко М.Г., Желязко В.И. "Орошение сточными водами".-М.:Агропромиздат, 1988.
6. Махмудова И.М, Ахмедова Г.А. "Табийй ва оқова сувлар сифатини баҳолаш ва тозалаш асослари. Ўқув қўлланма, ТИМИ.2008.

## **УРУҒЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СУВДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**

**Р.А.Гуляев, Р.Ф.Юнусов, В.Г.Ракипов, Р.Р.Назиров  
"Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДУК**

### **Аннотация**

Маколада, сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) таркибига кирувчи уруғчилик фермер хўжаликлариди сув тежовчи суғориш усуллари, яъни калта эгатлар билан суғориш ва эгатлар оралатиб суғориш усуллари қўллаш бўйича тавсиялар, сув истеъмолчилари уюшмалари таркибидаги ирригация ва мелиорация тизимларидан фойдаланишни ташкил этишда бир қатор ечилмаган муаммолар ҳақида фикрлар баён қилинган.

**Мақсад:** Сув истеъмолчилари уюшмалари таркибидаги уруғчилик фермер хўжаликларининг ирригация тизимларидан фойдаланишни ташкил этишда ечилмаган муаммоларни ирригация ва мелиорация соҳасидаги мутахассислар билан биргаликда бартараф этиш.

Сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) билан давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш — давр талаби. Бунда давлат умумхалқ мулки бўлган оби-ҳаётдан оқилон фойдаланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қисман уюшмаларга ўтказди, лекин шу билан бир қаторда, улар томонидан ушбу давлат вазибаларининг бажарилишини қўллаб-қувватлайди.

Бу борада "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" Давлат Унитар Корхонаси СИУлар таркибига кирувчи уруғчилик фермер хўжаликлари билан давлат-хусусий шерикчилигини йўлга қўйган ва фаолияти давомида хўжаликларни сувдан тўғри ва оқилон фойдаланиш, ирригация тизимларининг сақланиши ва таъмирланиши, ерларнинг шўрланишига қарши чора тадбирларни амалга оширилишига раҳбарлик қилмоқда.

Маълумки, ғўза ва бошоқли дон етиштирувчи уруғчилик фермер хўжаликлари сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) таркибига киради. Сув истеъмолчилар уюшмаси республикадаги ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида нисбатан янги турдаги нодавлат ташкилотдир, бироқ бугунги кунда тузилган шартномаларга мувофиқ, 2,8 миллион гектар ерга хизмат кўрсатади. Бугун сув истеъмолчилар уюшмасининг дехкончилик ерларида тахминан 70 минг километр ирригация ва 50 минг километр дренаж тармоқлари мавжуд. Уруғлик экинзорларининг ҳосилдорлиги юқори бўлишини, сифатли уруғлик маҳсулотини етказиб беришни таъминлашда сувнинг вақтида ва керакли миқдорда берилиши жуда муҳим роль ўйнайди.

Ўсимликнинг сув истеъмоли вегетация даврида унинг ривожланиш фазасига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ҳар бир экин турининг сувгв бўлган хусусияти турлича. Масалан, ғўза гуллаш фазасида 10-15 %, гуллашда 60-70%, пишиб етилишда 20- 25% сув истеъмол қилади.

Сув ва табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари мустақилликка эришилгандан сўнг қабул қилинган қонунлар мажмуи орқали тартибга солинмоқда.

Сўнгги йилларда тегишли қонунчилик базасини кучайтириш ва ривожлантириш мақсадида табиий ресурсларни асраш, фойдаланиш ва бошқариш билан боғлиқ қонунлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Бу қонунларга мувофиқ сув ресурслари давлат мулки ҳисобланиши, унинг ҳимоясида экани ва улардан оқилона фойдаланиш лозимлиги кўзда тутилган. Сув омборлари, давлатлараро каналлар, иншоотлар ва ер ости сувларини олиш қурилмалари учун ажратилган ерлар мулкчилик ва фойдаланиш шаклидан қатъий назар давлат мулки ҳисобланиши, хўжалик ичидаги иншоотлар эса ўз мажбурият ва ҳуқуқларини зиммасига олган ширкатлар ва сув истеъмолчилари уюшмалари мулки экани қайд этилган.

Жойларда вегетация даврида энг кўп сув сарф қилинадиган ўсимлик – ғўзани суғориш меъёрларига амал қилинмаяпти. Вилоятлардаги фермер хўжаликларида, хусусан уруғчилик фермер хўжаликларида сувдан оқилона фойдаланилмоқда деб, бўлмайти.

Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлаши мумкин: 1 тонна пахта етиштириш учун энг кўп сув сарфлаган вилоятлар: Қорақалпоғистон Республикаси - 7737 м<sup>3</sup>/т, Хоразм вилояти - 7164 м<sup>3</sup>/т, Самарқанд вилояти - 4966 м<sup>3</sup>/т, Жиззах вилояти - 4858 м<sup>3</sup>/т, 1 тонна пахта етиштириш учун кам сув сарфлаган вилоятлар: Андижон вилояти - 2804 м<sup>3</sup>/т, Наманган вилояти - 3694 м<sup>3</sup>/т, Фарғона вилояти - 3473 м<sup>3</sup>/т, Қашқадарё вилояти - 3933 м<sup>3</sup>/т, Бухоро вилояти - 3780 м<sup>3</sup>/т.

Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг асосини етказиб берилаётган сувга истеъмолчиларнинг ижобий муносабатда бўлишини талаб этади. Бунда сув истеъмолчиларининг сув етказиб берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришлари ва сувдан фойдаланишни тўғри йўлга қўйишлари муҳим аҳамиятга эга. Экин далаларини суғоришга ишлатиладиган сувдан фойдаланишни оқилона бўлиши учун биринчи гада, уруғлик етиштирувчи фермер ўз сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) билан сув етказиб бериш тўғрисидаги шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиши ва унинг шартларига тўлиқ амал қилиши ҳамда сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаб боришини йўлга қўйиш керак. Сув етказиб беришни тўғри ташкил этилиши учун эса ҳар бир сув истеъмолчилари уюшмаси ўз тасарруфидаги суғориладиган майдонлар учун сувдан фойдаланишнинг аниқ режаларини ишлаб чиққан бўлиши лозим. Шунингдек, уюшма ва фермерлар ўртасидаги сув олдибердиси ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун, аввало уюшма ва фермерларнинг сув олиш қулоқлари сув оқимини ростлаш ва ўлчаш иншоотлари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши шарт. Ҳар бир сув истеъмолчиси (хусусан уруғчилик фермер хўжаликлари) суғоришдан беш кун олдин СИУга сув олиш учун ёзма талабнома бериши лозим. Сув истеъмолчилари ўртасида сувдан навбатма-навбат фойдаланишни йўлга қўйиш сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг энг асосий шартларидан саналади. СИУ ҳудудида каналдан олинаётган сувни кичик миқдорларга бўлиб, барчага бир текис тарқатиб юборилса, сув шимилиши ва буғланиши кўпайиб, ҳар бир гектарни суғориш учун сарфланаётган сувнинг умумий миқдори кўпайиб, суғориш вақти ҳам чўзилиб кетади. Суғориш навбат билан ўтказилганда эса, катта миқдордаги сув аввал бир далага кейин бошқа далага берилади. Натижада суғориш тез амалга оширилади ва суғориш каналларидаги сув исрофи 10–20, дала ариқларидаги сув исрофи 30–35 фоизгача камайти. Экин майдонларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш учун суғоришнинг сув тежовчи усуллари қўллаш талаб қилинади.

Масалан, уруғчилик фермер хўжаликларида қуйидаги сув тежовчи суғориш усуллари, яъни калта эгатлар билан суғориш ва эгатлар оралатиб суғориш усуллари қўллаш тавсия этилади. Калта эгатлар билан суғоришда эгатнинг узунлиги (икки ўқариқ ўртасидаги масофа) тупроқ шароитидан келиб чиқиб, 50–60 м қилиб белгиланади. Бунда оқавага чиқадиган сув миқдори кескин камайти, эгатлар бутун узунлиги бўйича бир текис намланишига эришилади. Натижада, экин даласига берилаётган сув миқдори 15–20 фоизга камайти.

**Эгатлар оралатиб суғориш.** Бу усулда экин даласига сув эгатлар орасидаги ҳар бир ариқдан эмас, балки эгат оралатиб, яъни бир ариқдан сув оқизилиб, навбатдаги ариқ қуруқ қолдирилган ҳолда берилади. Бунда, тупроқдан сув буғланиши ва тупроққа сув сизилиши кескин камайти. Натижада, далани суғоришга сарфланадиган умумий сув

миқдори 20–25 фоизгача камаяди. Нишаблиги катта бўлган ерларда эгатни бир текис намланишига эришиш ва оқава сув чиқишини камайтириш учун эгатга аввал катта сув сарфи юборилади, сув эгатнинг охирига етиши билан сув сарфи кескин камайтирилади, яъни сув эгатга ўзгарувчан оқимда юборилади. Бунда, умумий сув бериш ҳажми 15–20 фоизга камаяди. Нишаблиги кичик бўлган суғориладиган ерларда эса оқава сув чиқармаслик учун эгат охирига тўсиб, тўсилган сувни тескари оқизиб, эгатлар охирига намлаш ҳам мумкин. Бунда умумий сув бериш ҳажми 15–20 фоизга камаяди. Шундай қилиб, суғоришнинг сифатли бўлишида ўқ ариқлар орасидаги масофа, эгатларнинг узунлиги ва эгатдаги сувнинг сарфи алоҳида роль ўйнайди. Эгат узунлигини дала нишаблиги ва тупроқнинг сув шимиш хусусиятига қараб тўғри танлаш лозим. Агар эгат узун олинса, сув унинг охирига етиб боргунича, сувнинг кўп қисми эгатнинг бош қисмида тупроққа беҳудага сингиб исроф бўлади. Шунинг учун даланинг шароитидан келиб чиқиб сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ва енгил кумоқ тупроқларда ғўза қатор оралиғи 60 см бўлган далаларда эгатлар узунлиги 50–60, сувни суст шимадиган, оғир тупроқли ерларда 60–70, қатор оралиғи 90 см бўлган далаларда эса 60–70 метрдан ошмаслиги керак. Даланинг бир текис намланиши ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминлайди. Эгатнинг бутун узунлиги бўйича тупроқнинг бир текис намланиши учун эгатга берилаётган сув сарфи кумлоқ тупроқларда 0,7–0,8 л/с, енгил ва ўрта кумоқ тупроқларда 0,3–0,4 л/с ва оғир кумоқ ва гилли тупроқларда 0,1–0,2 л/с бўлиши тавсия этилади. Сувдан оқилонга фойдаланишда суғоришни ҳар бир ариқдан эмас, балки эгат оралатиб олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда суғориш меъёри одатда 600–800 м<sup>3</sup> миқдорда белгиланади. Суғориш давомийлиги тупроқнинг механик таркиби, майдоннинг нишаблиги ва суғориш меъёрига қараб 8–12 соатни ташкил этиши лозим. Майдоннинг нишаблиги катта бўлган айрим ҳудудларда эса суғориш давомийлиги 16–18 соатдан ошмаслиги керак.

Уруғчилик фермер хўжаликлари ва умуман сув истеъмолчилари уюшмалари таркибидаги ирригация тизимларидан фойдаланишни ташкил этишда бир қатор ечилмаган муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ирригация ва мелиорация соҳасидаги мутахассислар билан биргаликда бартараф этишга ҳаракат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, суғориш каналларининг охирида жойлашган фермер хўжаликлари сув етказиб беришни назорат қилиш учун ҳисоблаш воситаларини ўрнатиш тарафдори. Юқори оқимда (ёки каналларнинг юқори қисмида) жойлашган фермер хўжаликларда эса сув ўлчагич асбобларни ўрнатишга унчалик мойиллик йўқ. Негаки, бу ортиқча сарфланадиган сувни ҳисобга олиш имконини беради ва табиийки, ушбу хўжаликларда сув ўлчагич асбоблар ўрнатилмаган. Кўпгина ҳолларда, муқобил сув манбаларига эга бўлмаган уруғчилик фермер хўжаликлари коллекторлар ёки ер ости сув манбаларидан фойдаланмоқда. Бу эса ерларнинг шўрланиши, емирилишига, бунинг оқибатида уруғлик ҳосилнинг сифати пасайиши ҳамда бошқа иқтисодий ва экологик зарарларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг хизмат кўрсатиши ривожлантирилишини тўхтатиб турган яна бир муҳим омил, фермер ва деҳқонларда хўжалик ичидаги ирригация тизимларини қайта тиклаш учун маблағнинг етишмаётганидир. Мавжуд ирригация тизимларини қайта тиклаш учун эса катта маблағ керак, шунинг учун бу ишларни яқка тартибда амалга ошириб бўлмайди.

Амалдаги қонунчиликда рағбатлантириш механизмлари ҳамда сув ресурслари ва атроф муҳитга етказиладиган зарар учун ҳуқуқий жавобгарлик кўзда тутилмаган. Гарчи, сув оқимларини ифлослаганлик учун жарималар тартиби амалга оширилсада, иқтисодий механизмлар самарасиз ишлаётгани боис, бундай тўловларни йиғиш даражаси пастлигича қолмоқда. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун сув сифатини текшириш ҳуқуқини берса-да, унда сувдан фойдаланишнинг тегишли стандартлари ва сувдан фойдаланувчиларнинг сифатли сувга эга бўлиш ҳуқуқлари белгилаб берилмаган. Шунингдек, сувдан фойдаланувчилар томонидан бевосита суғориш учун олинмаган сув



миқдори ва сифати ҳамда суғориш контури ташқарисига чиқариб юбориладиган ортикча сувни ҳисобга олиш масалалари аниқ тартибга солинмаган. Фойдаланиладиган ерлардан сув босган ерларни, қишлоқ хўжалик инфратузилмаси, жумладан, аҳоли яшаш жойлари чиқарилгани учун компенсация тўлови механизми кўрсатилмаган.

Сув хўжалиги органларининг мустақиллигини ошириш, аввало, туман бўғинларининг, уларда меҳнат қилаётган гидротехниклар ва малакали миробларнинг фаолиятини кучайтиришни тақозо этади. Бунинг учун ҳисобдорлик ва назорат ҳамда ишонч механизмлари ишлаб чиқилиши лозим бўлади. Айниқса, ҳисоб-китоб устувор аҳамият касб этади, чунки сув захираларини бошқариш учун аниқ маълумотга эга бўлиш жуда муҳим. Оби-ҳаётни ҳисобга олмай сарфлайвериш тармоқда йўқотилаётган ҳажм кўрсаткичларини ва фойдали иш коэффициенти нотўғри таҳлил қилишга олиб келмоқда.

Ер ости сувларининг ҳолати, мавжуд дренаж тармоқларининг ишлашини ва деҳқончилик ерларининг шўрланишини ўрганиш ишларини ривожлантириш керак. Бунинг учун мукамал асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш ва малакали кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” номли ПҚ-3683 сонли қарори.

2. Ўзбекистон ҳукуматининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” 837-ХП-сонли қонуни.

**UDK 332.33\*626,81\*63:658.11.\*003,13**

### **YER VA SUV RESURSLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH HAMDA FERMER XO'JALIGIDA KLASTER USULIDAN SAMARALI FOYDALANISH VA DAVLAT XUSUSIY SHERIKCHILIGINI QO'LLASH**

**Xaytqulova Z. M. talaba – TIQXMMI**

**Yuldosheva I.Z. katta o'qituvchi – TIQXMMI**

### **Annotatsiya**

Maqolada bugungi kunda O'zbekiston qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish hamda tuproq unumdorligini oshirish, yer maydonlarining turlari va yana qishloq va suv xo'jaligida davlatning xususiy sherikchiligini qo'llashning samarali ekanligi. O'zbekiston fermer xo'jaliklarida klaster usulidan foydalanish hamda uning samarasi haqida ham so'z yuritilib boriladi.

Yer resurslari qishloq xo'jaligining asosiy ishlab chiqarish vositasi hisoblanadi. Qishloq xo'jaligida yetishtirilayotgan maahsulotlarni sifati, miqdori ko'p jihatdan yer resurslarining holatiga bog'liq. Yer insonning bebaho boyligi, yer o'simliklar dunyosi bilan birgalikda insonni oziq – ovqat bilan ta'minlaydi, kiyintiradi, qurilish materiallari bilan ta'minlaydi. Yerning qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishidagi ahamiyati ulkan. Chunki u shu tarmoqning eng asosiy ishlab chiqarish vositasi hisoblanadi. Yerga urug', ko'chat ekib, ishlov berish natijasida turli xildagi mahsulotlar yetishtiriladi. Demak tarmoqdagi yetishtiriladigan barcha turdagi mahsulotlar yerdan, suvdan fodalangan holda olinar ekan. Yer haqida inliz iqtisodchisi Uilyam Pettining aytishicha “yer boylikning onasi” deb tarif berganlar. Respublikamiz dehqonchiligi sug'orishga asoslangan. Shuning uchun ham suv yer kabi eng zarur vosita hisoblanadi. Bu borada avvalo, yerlarning unumdorligini oshirishga alohida e'tibor qaratish lozim. Aytish kerakki, bu yo'nalishdagi ishlarining ko'lami yil sayin kengayib borayotganiga qaramasdan, sug'oriladigan yerlarning mavjud meliorativ holati katta tashvish uyg'otmoqda. Shuni ham ta'kidlash kerakki O'zbekistonning qishloq xo'jaligi

turli xil geografik imkoniyatlarga ega bo'lgan mintaqalarda yuritiladi. Geografik jihatdan bizning mamlakatimiz huddi 3 ta zo'naga bo'lingandek. Ular:

Tog' va tog'oldi zonasi: respublikamizning 21,5% ni tashkil etadi. Uning baland qismida archazorlar va yozgi yaylovlar o'tloqzorlar bor. Uning tog'oldi qismi bahorikor yerlar bo'lib unda g'alla, xashaki ekinlar ekish, bog'dorchilik, uzumchilikni rivojlantirish mumkin.

Sug'oriladigan zona. U mamlakat hududining 18% ni qamrab oladi. Bu zonaga Farg'ona vodiysi, Chirchiq, Ohangaron, Zarafshon, Qashqadaryo vohalari, Surxon Sherobot vodiysi, Quyi Amudaryoni ham o'z ichiga oladi.

Chol yaylov zonasi. Uning maydoni mamlakatimiz hududining 60% dan ko'prog'ini tashkil etadi. Bu zona mamlakatning qorako'l qo'ylari boqiladigan daromadli va istiqbolli zonasi hisoblanadi.

Har bir qishloq xo'jaligi ma'lum yer maydoniga ega bo'lib, qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirish bilan shug'ullanadi. Xo'jalikning umumiy yer maydoni tabiiy sharoitlari hamda xo'jalikda foydalanish xususiyatiga ko'ra bir xil emas. Hamma yerlardan ham qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirishda foydalanilmaydi. Shuning uchun yer maydonlaridan qishloq xo'jaligiga yaroqlilari ajratiladi. Qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlar deganda, doimiy qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirish uchun foydalaniladigan yerlar tushuniladi. O'zbekistonning umumiy yer maydoni 45 mln.ga yaqin shundan 28 mln.gektarni qishloq xo'jaligiga yaroqli bo'lgan yerlar tashkil etadi. Yer maydoning asosiy qismi sug'orishga yaroqli bo'lgan yerlar hisoblanadi uning umumiy maydoni 5 mln.gektar atrofida, ya'ni umumiy yer maydoning atigi 11.11 foiziga teng. Yer maydoni va uning taqsimlanishida quyidagilar kiradi: haydaladigan yerlar, ekinzorlar, bog'lar va uzumzorlar, pichanzorlar va yaylovlar kiradi. Qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlar maydoni va uning tarkibi bir xil bo'lmasdan o'zgarib turadi. Fermer va dehqon xo'jaliklarida ishlab chiqarish faoliyatining asosini yer resurslari tashkil etadi.[1]

Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash jamg'armasining 2018-yilgi prognoz ko'rsatkichlari O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-2022-yillar davrida sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yanada yaxshilash va suv resurslaridan oqilona foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarorida belgilangan maqsadli parametrlar asosida prognoz qilingan. Iqtisodiyot xarajatlarining asosiy qismini tashkil etayotgan 2 trillion 741,8 milliard so'm hajmdagi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligining suv xo'jaligi obyektlarini saqlash xarajatlari bilan bog'liq masalaga fraksiya a'zolari alohida e'tibor qaratdi. Bunda joriy yilga nisbatan 9,4 foiz o'sish bilan yoki yalpi ichki mahsulotga nisbatan 0,9 foiz miqdorida belgilash nazarda tutilmoqda. Dastur doirasida Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash jamg'armasidan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash tadbirlari uchun 2018-yilda 553,4 milliard so'm mablag' ajratilgan. E'tiborga molik jihati, ushbu tadbirlarni amalga oshirish natijasida 276 ming gektar sug'oriladigan yerlarning meliorativ holati yaxshilanishiga, shuningdek, qishloq xo'jaligi mahsulotlarining hosildorligi hamda fermer xo'jaliklarining daromadlari oshishiga erishiladi.[2]

Suv resurslari dunyo mamlakatlari uchun nafaqat aholi, sanoat va sug'oriladigan dehqonchilikni obi-hayot bilan ta'minlaydigan manba, balki ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, qolaversa, butun mintaqaning ekologik muvozanatini saqlab turuvchi muhim omildir. Atrof-muhit muhofazasi, tabiiy resurslar, jumladan, suvdan oqilona foydalanish masalalariga qaratilayotgan alohida e'tibor o'z samarasini berayotir. Suv resurslaridan unumli foydalanish, ularni muhofaza qilish maqsadida qabul qilinayotgan qonun va qarorlar qishloq va suv xo'jaligi sohasidagi islohotlarni yanada kengaytirish, suv resurslaridan unumli foydalanish va ularni muhofaza qilishni takomillashtirishga xizmat qilmoqda.

Suv xo'jaligida ham suv resurslaridan tejamli foydalanish limiti bo'yicha suvdan foydalanish rejasi ishlab chiqilsa. Suvdan foydalanuvchi fermer va dehqon xo'jaliklarining suvdan foydalanish bo'yicha quyidagilarga rioya qilgan holatda suvni isrof qilmasdan turib natijaga erishishi mumkin:

- Qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orish uchun belgilangan sug'orish rejimlariga rioya etish va sug'orish usullarining optimal jihatlarini hisobga olgan holda belgilangan limit doirasida suvdan oqilona va tejab-tergab foydalanish;

- Sug'orish tarmoqlari va ekin maydonlarida suvning isrof bo'lishini (yerga shimilib ketishi, bug'lanishi, belgilangan muddatdan ortiq oqishi, o'qariqlar va egatlarni yuvib ketishi) maksimal darajada kamaytirish va sug'orish texnikasini mukammallashtirish orqali suvning tejalishiga va yetishtirayotgan mahsulotlarimizni sifatli va kutilgan daromadni olishga erishamiz chunki ekin muddatdan ortiq oqizilgan suvda yaxshi nam olmaydi va yerga suv shimilish o'rniga yerni yuvib ketadi. Bu esa mahsulotning ham miqdor jihatdan ham sifat jihatdan past bo'lishiga olib keladi.

Hozirgi kunda qishloq xo'jaligidagi eng katta o'zgarish bu fermer xo'jaliklariga davlatning aralashuvi ya'ni davlat fermer xo'jaliklari bilan birgalikda "Klaster" ko'rinishida ish olib borishi. Bunda davlatning maqsadi ish o'rinlarini ko'paytirish, fermer xo'jaliklari va korxonalar tashkilotlarining o'zaro birgalikda bitim asosida ish olib borishidir. O'zimizda yetishtirilayotgan paxta homashyosini klaster ko'rinishida xalqimizga tayyor va sifatli mahsulot qilib yetkazib berish va eksportbop mahsulotlarni ko'paytirib chetga chiqarishni rivojlantirish bu asosiy maqsad hisoblanadi. Klaster usuli — bu ekin ekishdan tortib, tayyor mahsulot ishlab chiqarishgacha bo'lgan jarayonni o'z ichiga oladigan tizim ekanligini inobatga olsak, uni qishloq xo'jaligining barcha sohalarida qo'llash mumkin. Bir so'z bilan aytganda, Prezidentimiz tomonidan joriy etilayotgan klaster usuli fermerlikning kelajagi ekanligini takidlash mumkin. Prezidentimizning 2018-yil 17-apreldagi "Qishloq va suv xo'jaligi davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni bilan paxta va boshqoqli don ekinlari urug'ini tayyorlash hamda ulardan foydalanishning yagona zamonaviy tizimini shakllantirish uchun mas'ul bo'lgan Innovatsion rivojlanish vazirligi huzurida "Urug'chilikni rivojlantirish markazi" DUK tashkil etildi. Davlatimiz rahbarining joriy yil 27-aprelda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasida urug'chilik tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida "Urug'chilikni rivojlantirish markazi"ning asosiy vazifalari belgilab berildi va uning tuzilmasi tasdiqlandi.[3]

Mamlakatimizda gen kolleksiyasidan unumli foydalanib, serhosil, ertapishar va sifati yuqori bo'lgan yangi navlar yaratish ustida ish olib borilayapti. Jumladan, hozirgi kunda qishloq xo'jaligi institutlarining gen kolleksiyalarida bug'doyning 15 378, arpaning 2023, sholining 20200, makkajo'xorining 3582, oq jo'xorining 1127, tritikalening 453, rapsning 10000, sulining 94000, moshning 678, soyaning 948, no'xatning 1193, ko'k no'xatning 10200, loviyaning 60000, kungaboqarning 62000, yeryong'oqning 1415, maxsarning 418, kunjutning 1437, zig'irning 671, bedaning 6000 ta navi namunalari saqlanmoqda. Afsuski, oldingi yillarda ushbu ekinlar seleksiyasi va urug'chiligiga yetarli e'tibor qaratilmagani oqibatida mahalliy navlarni yaratish ishlari ko'lami past bo'lgan. O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi "Urug'chilikni rivojlantirish markazi" tomonidan sifatli urug'lik yetishtirish, jamg'arish, saqlash, qayta ishlash, dorilash, qadoqlash, fermer xo'jaliklariga yetkazib berish va eksport qilish jarayonlarini o'z ichiga olgan urug'chilik klasterlari tashkil etish loyihasi ishlab chiqilmoqda.[4]

**Xulosa.** Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, qishloq va fermer xo'jaligida yer, suv resurslaridan oqilona foydalanishning qay daraja bizga foyda keltirishi haqida bilib oldik. Fermer xo'jaliklarida ham "Klaster" usuli qo'llanishining asosiy sababi ham biz kabi yoshlarni ish bilan ta'minlash, o'zimizda yetishtiriladigan bug'doy va paxta homashyosini o'zimizda qayta ishlab chiqarish orqali iste'molchilarga arzon va sifatli mahsulot yetkazib berishdan iboratdir

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. www.lex.uz – internet sayti
2. www.kun.uz – internet sayti.

3. S.Avazboyev, T.Karabayeva – “Yer tuzish” Toshkent davlat agrar universiteti. 2005 – yil.

## АНЪАНАВИЙ ВА ЕРГА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎСИМЛИК РИВОЖИГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛИ

**О.Р.Эргашев ТИҚХММИ 2-босқич магистранти**

### Аннотация

Мақолада, оддий усулда экин экиш ҳамда ерга нол ишлов бериш технологиялари орқали экилган ўсимликларнинг ривожланиши, кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

**Ишнинг асосий мақсади:** Ерга минимал ишлов бериш ва анъанавий технологияларини ўсимликларнинг ривожланишига таъсирини таҳлил қилиш.

### Олинган натижалар ва уларнинг илмий таҳлили.

Тажриба Тошкент вилоятининг Юқори-Чирчиқ тумани “Гулистон” КФЙ Лубзавод-3 массиви “Обод “ маҳалласи “Агроэкопроф” фермер хўжалигида бўлиб ўтди. Тажриба ўтказиш давомида биз учун ажратилган ерга фасол ,мош, маккажўхори, ўсимликларини экиш орқали анъанавий экиш усули билан “0” ишлов бериш усулини афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш учун фаолият олиб бордилди. Тажриба жараёрида ерга экин экишда ҳар икки экиш технологиялари яъни “анъанавий ” ва “минимал ишлов бериш” қўлланилгандан сўнг олинган натижаларга эътирозлар шубҳа, бўлмаслиги учун статситикага мурожаат қилинди. Унга кўра ҳар икки экиш технологиялари орқали битта дала майдонига экин экилади. Ернинг ҳам унумдор ҳам паст кўрсаткичли ерлари бўладиган бўлса экиш усуллари учун бир хил тасодифий ҳудуд тўғри келади [2]. Шу йўл билан тажирибада ҳолислик таъминланади.(2-жадвал).

### Минимал ишлов бериш орқали экишда фойдаланилган ўсимликлар

1-жадвал

№	Номланиши	Меъёри (кг/га)
1	Маккажўхори	30 кг/га
2	Ловия	45 кг/га
3	Мош	12 кг/га


### Тажриба даласини тасодифий участкаларга бўлиниши схемаси

2-жадвал

Маккажўхори	Мош контроль	Ловия	Ловия контроль	<b>Контроль</b> –анъанавий экиш усулидан экилган ўсимликлар
Маккажўхори контроль	Мош	Маккажўхори	Ловия	
Ловия контроль	Маккажўхори	Мош контроль	Мош	
Мош	Ловия	Маккажўхори контрол	Маккажўхори	
Ловия	Маккажўхори контрол	Ловия контроль	Мош контроль	
Мош контроль	Ловия контроль	Мош	Маккажўхори контрол	

Олиб борилган кузатишлар натижасида шуни айтиш мумкини ерга минимал ишлов бериш услуги кўлланилганда, буғдойдан бўшаган майдонга, ерга ишлов берилмасдан сомон устидан экин экилади. Бу орқали ерда қолган ўсимлик қолдиқлари ерга минирал ўғит сифатида таъсир этади. Бу ерда микроорганизмларнинг ривожланиши, тупроқ қатламида гумус ҳосил қилишга ёрдам беради. Анъанавий усулдан фарқли ўлароқ минимал ишлов бериш услубида ерда қолган ўсимлик қолдиқлари вегетация даврида сувнинг ортиқча буғланиб кетмаслиги ва ерга ортиқча филтрация бўлмаслиги учун махсус табиий қоплам вазифасини ўтайди. Дала майдонида экин экиш жараёнида ортиқча чанг кўтарилмайди атрофдаги ўсимликларга зарар етмайди.(1-расм). Буғдойдан бўшаган майдонларга, ерга ишлов берилмасдан экин экиш орқали, иккиламчи экин экишда сомон ёкилиши, бунинг таъсирида тупроқдаги фойдали бактерияларнинг қирилиб кетиши ва атмосферага чиқадиган катта ҳажмдаги зарарли газларни олди олинади.

Анъанавий экиш услуги орқали ерга экин экишда ер устки қатламга ишлов берилганда зарарли ҳашоратлар билан биргаликда фойдали бактериялар ҳам нобут бўлади. Анъанавий ерга ишлов бериш вақтида ҳавога жуда кўп миқторда чанг зарралари кўтарилади(2-расм) ва ернинг устки унумдор қатлами ўзгаради. Ерга минимал ишлов бериш усули анча соддароқ ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайди, чанг зарралари кўтарилмайди ва ернинг унумдор қатламга таъсир ўтказмайди. Ерга анъанавий ишлов беришда буғдой ўрилгандан сўнг ер ернинг устки фаол қатламга ишлов берилди ва тупроқ юзаси учувчан бўлиб қолади.(3-расм).



**1-расм.** Ерга минимал ишлов бериш.



**2-расм.** Ерга анъанавий ишлов бериш.



**3-расм.** Анъанавий ва минимал ишлов бериш усуллари орқали ишлов берилган ерлар ҳолати.

Ерга минимал ишлов бериш ва анъанавий экиш услублари орқали экилган экинларнинг фенология маълумотлари олиб борилди. Олинган кўрсаткичлар жадвалга туширилиб, статистик услубда ҳисобланиб чиқилди.



Маккажӯхори

Мош

Ловия

**4-расм. Ҷсимликлардан финология олиш жараёни.**

Олинган маълумотларни DUNCAN нинг ўртача қийматни ҳисоблаш формуласидан фойдаланиб жадвалга жойлаштирилди.[1].

$$W_r = q'_\alpha (r, n_T - t) \sqrt{MSE \cdot \left(\frac{1}{n}\right)} = q'_{0.05} (r, 18) \sqrt{30}$$

**Ерга анъанавий ва минимал ишлов бериш орқали экилган ўсимликларнинг ўртача статистик қийматлари**

**3-жадвал**

Анъанвий экиш усули натижалари ўртача қийматлари																
Ўсимлик тури	1 блок ўртачаси				2 блок ўртачаси				3 блок ўртачаси				4- блок ўртачаси			
	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули
Мош	7,72	4	4,16	0	13,5	8,2	5,56	0	29	12,69	7,53	0	8,4	5	5,3	0
Ловия	8,6	5,8	6,34	0	15	9	4,73	0	17,07	9,85	7,67	0	9,75	8	6,07	0
Маккажӯхори	50,6	6	38,8	0	34,5	5	19,25	0	61,1	7	39,5	0	47,14	5,43	31	0
Ерга минимал ишлов бериш усули натижалари ўртача қийматлари																
Мош	18,45	8,1	5,31	0	28,9	13,30	8,30	0	15,65	10,65	5,7	0	15,72	8,96	5,66	0
Ловия	10	17	4,2	0	27,9	15	5,4	3	21	15	5,07	0,85	12	16,5	6,81	0
Маккажӯхори	46,3	6	32,3	0	35,5	5	22,8	0	54,1	8	31,4	0	45,5	6,75	28,1	0

**Ерга анъанавий ва минимал ишлов бериш орқали экилган ўсимликларнинг нисбий статистик қийматлари**

**4-жадвал**

Анъанвий экиш усули натижалари ўртача қийматлари ўртачаси				
Ўсимлик тури	Блоклар орасидаги ўртачаси			
	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули
Мош	14,65	7,4	5,6	0
Ловия	12,60	8,1	6,20	0
Маккажӯхори	48,33	5,8	32,13	0
Ерга минимал ишлов бериш усули натижалари ўртача қийматлари ўртачаси				
Мош	19,68	10,25	6,24	0
Ловия	17,72	15,8	5,37	0,85
Маккажӯхори	46,3	6,43	28,65	0

Олинган натижаларга таяниб шуни айтиш мумкинки ерга минимал ишлов бериш услуги нафақат иқтисодий балки ўсимликларнинг ривожланиши бўйича ҳам ўзини оқлай олади. Чет эл давлатларида тобора оммаланиб бораётган ушбу услуб ҳозирги кунда Хоразм вилоятида ташаббускор фермерларимиз томонидан амалга оширилмоқда. Ерга минимал ишлов бериш услуги республикамизда қўлланилиши юқоридаги фикримизни тасдиқидур.

### Хулосалар

1. Анъанавий экиш усулига нисбатан ерга минимал ишлов беришда ўсимликларнинг ривожланиш жараёни фаол бўлиши исботланди.

2. Ерга минимал ишлов бериш усулидан фойдаланиш орқали ерларимизни деградацияга учрашини олдини оламиз ва ер табиий ҳолатини тикланишига эришамиз.

3. Ерга минимал ишлов бериш услубини қўллаш орқали ўсимликларнинг вегетация даврида сарфланадиган сув миқдорини иқтисод қилишга эришамиз .

### Адабиётлар

1. KWANCHAI A., ARTURO A. «STATISTICAL PROCEDURES FOR AGRICULTURAL RESEARCH». 3496. 1984

2. Ш.Нурматлов, Қ.Мирзажонов ”Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” 149 б. Тошкент 2007й.

## АНЪАНАВИЙ ВА ЕРГА МИНИМАЛ БЕРИШ ТЕХНИКАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

О.Р.Эргашев ТИҚХММИ 2-босқич магистранти

### Аннотация

Мақолада, оддий усулда экин экиш ҳамда ерга нол ишлов бериш техникаларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

**Ишнинг асосий мақсади:** Ерга минимал ишлов бериш техника ва технологияларини анъанавий усулдан авзаллиги ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

### Олинган натижалар ва уларнинг илмий таҳлили

Тажриба Тошкент вилоятининг Юқори-Чирчиқ тумани “Гулистон” КФЙ Лубзавод-3 массиви “Обод “ маҳалласи “Агроэкопроф” фермер хўжалигида бўлиб ўтди. Уч кун давомида биз учун ажратилган ерга уруғ экиш учун фасол ,мош, маккажўхори, ўсимликларини экиш орқали анъанавий экиш усули билан “0” ишлов бериш усулини афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш учун фаолият олиб бордилди.

1-жадвал

### Минимал ишлов бериш орқали экишда фойдаланилган ўсимликлар

№	Номланиши	Меъёри (1кг\га)
1	Маккажўхори	30 кг/га
2	Ловия	45 кг/га
3	Мош	12 кг/га

Ҳар бир ўсимлик тури донлари маҳсус тарозида ўлчаб меъёр белгиланди. Бу фикримизни қуйидаги материаллар билан мустаҳкамлашимиз мумкин.(2-расм).



1-расм. Мош экини уруғи



2-расм. Электрон тарози

Фаолиятимизни экиш аппаратини белгиланган меъёрда аниқ ва сифатли экиши учун уни маълум кўрсаткичларга мослаш билан бошланди. Бунда ҳар бир экин учун мосланган уруғ ўтказиш мосламасини ўрнатилиб улардан дон ўтиши, ўтиш даври мобайнида синиш синмаслиги, синган тақдирда экиладиган доннинг неча фоизини ташкил этилиши ўрганилиб чиқилди. Экиш аппарати маълум кўрсаткичларга созланганидан сўнг дала шароитида ўзини қай даражада оқлай олишини синаш мақсадида дала майдонида синов экиш ва қузатиш жараёни бўлиб ўтди.

### ЭКИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРСАТИГЧЛАРИ



3-расм. LEMKEN русумли экиш аппарати.



4-расм. VENCE TUDO SA 9400 экиш аппарати.

2-жадвал

### LEMKEN ва VENCE TUDO SA 9400 экиш аппаратларининг иқтисодий, техник кўрсаткичлари

Техник тавсифномаси		Техник тавсифномаси	
Ишчи кенглиги (м)	2,5	Шинаси	2/militar 6.50-16
Бункер сиғими (л)	650	Бункер сиғими (л)	270
Экгичлар (қатор)	17	Экгичлар (қатор)	8
Оғирлиги (кг)	793	Оғирлиги (кг)	573
Қаторлар оралғи (мм)	150	Қаторлар оралғи (мм)	40
Экгич тури	Икки дискали экгич ва ғилдиракли		
<b>Синов учун экиладиган экин тури</b>		<b>Синов учун экиладиган экин тури</b>	



Макка жўхори	30 кг/га	Макка жўхори	30 кг/га
Ловия	45 кг/га	Ловия	45 кг/га
Мош	12 кг/га	Мош	12 кг/га
<b>Экиш учун сарфланадиган харажат (1гек).</b>		<b>Экиш учун сарфланадиган харажат (1гек).</b>	
Ёқилғи	120000 сўм	Ёқилғи	50000 сўм
Эрга ишлов бериш	120000 сўм	Тракторчи иш ҳақи	60 000 сўм
Культивация қилиш	100000 сўм	Сувчи иш ҳақи	150000 сўм
Тракторчи иш ҳақи	60 000 сўм		
Сувчи иш ҳақи	150000 сўм		
Чопиқчи иш ҳақи	100000 сўм		
<b>Жами :</b>	<b>550000 сўм</b>	<b>Жами :</b>	<b>260000 сўм</b>

***LEMKEN* русумли экиш аппарати авзалликлари:**

Бир вақтнинг ўзида 17 қаторга экиш

Экишдаги аниқлик

Донларни ер майдонига созлаш ускунаси

Бункер хажми катталиги

2 тадан ортик функциани бир вақтда бажаради.[3].

***VENCE TUDO SA 9400* русумли экиш аппарати авзалликлар:**

Намлиқни яхшилаш

Эрозиядан ҳимояланиш (90% тупроқ эрозияси билан камаяди).

Тупроқдаги органик моддаларнинг мувозанатини оширади.

Экиш қобилиятини оширади.

Барқарор рентабелликни беради

Машинанинг хизмат муддатини оширади (машинанинг ишлатилиши 66% га камаяди).

Ёқилғи иқтисодиёти ва зарарли моддалар чиқиндилари. Мехнат харажатларини камайтиради.[2].

Ресурсстежамкор кишлоқ хўжалиги дунё бўйлаб деҳқончилик стратегияси сифатида ресурслардан иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор фойдаланишни таъминлайди. [1]. Нол ишлов бериш тўғридан-тўғри экиш учун фойдалидир. Кўрсатилган тартибга кўра вертикал ва горизантал оғишга ега бўлган диск томонидан уруғ экиш жойи кесилади. Эгатнинг балант бўйи сомон ва шунга ўхшаш ўсимлик қолдиқларини кесиш вақтида бўлинади. Уруғлар маълум усулларда ерга экилади, кейин эса пакетли ғилдирак, дискнинг ҳаракатига қарама қарши эгат бўйлаб ҳаракатланади ва жўякни ёпади. Афзаллиги шундаки жўякларни кесиш учун зарур бўлган сезиларли даражада камайтирилган энергия, жўяк дискида камроқ вазн, уруғни нисбатан чуқурроқ экилиши, камроқ толалар, тупроқнинг камроқлиги ва бегона ўтларни кўпроқ кўмиб ташлаши киради. Ерга минимал ишлов бериш техникасини кўллаш оркали техниканинг ишчи кучи 66% га тежалиши билан бирга эҳтиёт қисмларга узоқ муддат эҳтиёж сезилмайди.

Анъанавий усулда экишга мослашган “Lemken” экиш аппаратидан фойдаланишнинг ўзига ҳос самарадорлиги бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажара олиш қобилиятидур. Lemken экиш аппаратидан фойдаланишда юқори кучланишга эга бўлган трактордан фойдаланишга тўғри келади. Буйи, ени оғирлик кўрсаткичларига таяниб шуни айтиш мумкинки, юқори кучланишга эга бўлмаган тракторлар учун экиш аппаратини ишга тушуриш ноқулайлик ва қийинчилик туғдиради. Юқори кучланишга эга бўлган тракторларнинг ҳажми ҳам оғирлиги ҳам ерга минимал ишлов бериш техникасига қараганда катта кўрсаткичларга эга (2-жадвал). Бу эса экин майдонидаги тупроқ

қатламини зичлашишига олиб келади. Анъанавий усулда экиш жараёни тугатилгандан сўнг ҳам ерга ишлоб бериш ишлари олиб борилади бу эса тупроқ зичланиши ҳолатини янада кучайтиради.

### **Хулосалар**

1. Анъанавий экиш усулига нисбатан ерга минимал ишлов беришда иқтисодий самарадорлик юкорилиги исботланди.

2. Ерга минимал ишлов бериш усули нафақат иқтисодий балки фойдаланишда ҳам бир қатор афзалликларга ега эканлигини кўрсатди.

3. Ерга минимал ишлов бериш орқали ернинг табиий ҳолатини, унумдорлигини тикланишига еришамиз .

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. А.С.Пулатов, А.Каримов, М.Турсунов.«ZEF-UNESCO Ривожланишлари». Тошкент 2011й.

2. [https://www.vencetudo.ind.br/pt\\_BR/produtos/1/19/sa-campo-nativo](https://www.vencetudo.ind.br/pt_BR/produtos/1/19/sa-campo-nativo).

3. <https://rushoz.ru/selhoztehnika/seyaliki/pnevmanicheskie-seyaliki/cr-Lemken.html>

**УДК: 658.14:631.115:626.81.001.895**

## **СУВ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Илмий раҳбар: доц. А. Табаев  
СХТЭ ва Б факултети У.Ахмедов**

### **Аннотация**

Сув хўжалиги ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш, молиялаштириш ва бошқаришни тўғри ташкил этиш мақсадида ҳавзавий бошқарув тизими такомиллаштирилиб ҳудудий бошқарув тизими шакллантирилиб уйғунлаштирилди. Сув хўжалиги ташкилотлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўладиган маблағларни бюджет ташкилотлари сифатидан бюджетдан молиялаштирилади.

Сув хўжалиги ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, молиялаштириш ва бошқаришни тўғри ташкил этиш мақсадида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ҳудудийдан ҳавзавий тизимга ўтказилди. Лекин, жорий йилда ушбу ҳавзавий бошқарув тизими такомиллаштирилиб ҳудудий бошқарув тизими шакллантирилиб уйғунлаштирилди. [1]

Сув хўжалиги ташкилотлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўладиган маблағларни бюджет ташкилотлари сифатидан бюджетдан молиялаштирилади. Хозирда сув хўжалиги ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини ташкил қилиш бўйича барча услубий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентабрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бюджет ташкилотларида бюджетдан молиялаштириладиган пул маблағлари шунингдек бюджетдан ташқари пул маблағларини шакллантириш тартиби белгиланган. 1996 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига мувофиқ молиявий активлар бухгалтерия ҳисобининг объектларидан бири ҳисобланади. Амалдаги бухгалтерия ҳисоби бўйича қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетда турадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тартибга солиш, шу жумладан молиявий активлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўз тизимидаги сув

хўжалиги ташкилотларида фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг умумий қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида белгиланган тартибда меъёрий ҳужжатлар чиқаришлари мумкин.

Сув хўжалиги ташкилотларида бухгалтерия ҳисобида молиявий активлар ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Шунингдек, молиявий активлар ҳисобини тартибга солишда 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бу қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

**Сув хўжалиги ташкилотларидан молиявий активлар ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асосларини ташкил қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:**

Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Қоидалари – корхона ва ташкилотларда касса операцияларини юритиш тартиби, жумладан, касса хоналарига қўйиладиган асосий талаблар, кассирларнинг масъулияти ва жавобгарлиги, улар томонидан касса операциялари билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларни, шунингдек кассирлик ҳисоботларини тузиш ва тақдим қилиш тартиби ва касса операциялари билан боғлиқ бошқа нормалар келтирилган;

Ўзбекистон Республикасининг 19-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2 ноябр 1999 йил 833-сон билан рўйхатга олинган) – Пул маблағлари бўйича инвентаризацияни ташкил қилиш, уни ўтказишнинг умумий қоидалари, инвентарлаш бўйича солиштирма-қайдномаларни тузиш, инвентаризация бўйича тофовутларни тартибга солиш тартиби ва инвентаризация натижаларини расмийлаштириш ҳамда инвентаризация билан боғлиқ бошқа нормалар келтирилган;

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш Қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 18 январда 2414-сон билан рўйхатга олинган) - бюджет ташкилотларида шахсий ҳисобварақаларни очиш, юритиш, ёпиш тартиби тартиби ва бошқалар келтирилган;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 сентябрда 2270 - сон билан рўйхатга олинган) - Молиявий активлар ҳаракатига оид ҳисоботлар шакллари, ҳисоботларда акс эттириши тартиблари келтирилган;

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169 - сон билан рўйхатга олинган) – бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини юритишга оид бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда счётлар режасини қўлланилиши тартиби келтирилган Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари 2009 йил 16 сентябрда 2007 - сон билан рўйхатга олинган Ғазначилик органларида бюджет ташкилотлари юридик ва молиявий мажбуриятларини рўйхатга олиш ҳамда шахсий ҳисобварақлардан тўлаб берилиши келтирилган.

Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини ташкил этишни тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар қабул қилинган. Булардан ташқари юқоридаги меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари молиявий активлар ҳисобини тартибга солувчи билвосита қонуний ҳужжатлардан ҳам фойдаланилади. Буларга марказий банк

бошқаруви қарорлари билан тасдиқланган пул маблағларига оид меъёрий ҳужжатларни келтириш мумкин.

Сув хўжалиги ташкилотларининг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларининг очилиши молия органлари томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

а) бюджетдан маблағ олувчининг молия органи раҳбарининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган шахсий ҳисобварақ очиш тўғрисидаги аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун бир нусхада ариза, унга илова қилиб хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади;

б) харажатлар сметаси нусхаси, жумладан вақтинчалик ва аниқланган ҳамда унга молия органларининг мансабдор шахслари тасдиқлаган ва молия органларининг муҳри қўйилган зарур ҳужжатларнинг иловалари билан, Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхалари.

Бунда, ўрнатилган тартибда ўзининг тасарруфида бўлган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобини юритишни амалга оширадиган бюджетдан маблағ олувчилар учун уларнинг шахсий харажатларини (шахсий харажатлар сметаси асосида) ҳисобини юритиш учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади ва хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун (умумий харажатлар металари асосида) алоҳида ҳар бир бюджет таснифининг параграфи бўйича шахсий ҳисобварақлар очилади;

в) капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси, қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси, қурилишларнинг титул рўйхати нусхаси (капитал қурилиш буюртмачилари учун);

г) бир нусхада юқори ташкилот томонидан ёки нотариал тасдиқланган молиявий ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсларининг имзо намуналари ва шахсий ҳисобварақлар билан муомалаларни амалга оширишдаги ташкилотнинг муҳр изи туширилган карточкаси.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчиларни Давлат бюджетидан харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича молиялаштириш тартиби белгиланган. [2]

Сув хўжалиги ташкилотининг I ва II гуруҳ бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда, I гуруҳ харажатларини II гуруҳ харажатлари тўловисиз амалга ошириш тақиқланади.

Тегишли бюджет бўйича I ва II гуруҳ харажатлари тўлови учун ғазна ҳисобварақларида зарур маблағларни қоплайдиган қолдиқлар мавжуд бўлганда, I ва II гуруҳ харажатларини тўлиқ амалга оширган сув хўжалиги ташкилотлари бўйича IV гуруҳ харажатларини амалга оширишга рухсат этилади.

Ғазначилик бўлинмалари ғазна ҳисобварақларидан тўлов топшириқномалар асосида сув хўжалиги ташкилотини сақлаш, марказлаштирилган тадбирларни ўтказиш, капитал қўйилмалар ва бошқа мақсадлар учун тўловларнинг тасдиқланган харажатлар сметаси ва капитал қўйилмалар лимитлари доирасида амалга оширади.

Молиявий активларнинг ҳисобга олиниш ҳолатини чуқур ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:

Пул маблағлари ҳисоби бюджет пул маблағлари, бюджетдан ташқари пул маблағлари бўйича самарали фойдаланиш;

молиявий активлар ҳисобини ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш, бунда бухгалтерия бўлимида касса ҳизматини ташкил этиш жараёнини доимий назорат қилиб борилиши, молиявий активлар ҳисобини юритишга маъсул ходимларни ўзаро бир бирлари бажарган ишларини назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш;

Бухгалтерия бўлими ходимларини қонунчиликда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида хабардор бўлиб туришларини таъминлаш шунингдек улар малакасини йилига камида бир мартаба ошириш;

ишчи счётлар режасида бюджет ва бюджетдан ташқари манбаалардан тушган пул маблағлар ҳисобини алоҳида шакллантириш ва бошқалар.

Юқоридагилардан ташқари молиявий активлар назоратини ташкил этишда асосий эътибор ўз вақтида белгиланган тартибда инвентаризацияни ташкил қилиш ва натижаларини ҳисобда акс эттириб бориш, ички назорат тизимини кучайтириш лозим.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3672 сонли қарори.

2. Меҳмонов С.У., Убайдуллаев Д.Й. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Т.: Сано-стандарт, 2013 йил.

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ**

**ТИҚХММИ “БХА” кафедраси катта ўқитувчиси Д.Талипова  
ТИҚХММИ талабаси П.Амиров**

### **Аннотация**

Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналарида келгуси давр харажатлари ҳисоби ва ишлаб чиқариш жараёнида келгусидаги бир неча йилларга тегишли бўлган харажатлар амалга ошириш масалалари ёритилган. Ушбу харажатлар келгуси даврнинг ҳар бир йилида етиштирилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар қийматига тўғри ўтказилишини таъминлаш учун улар бухгалтерия ҳисобида йиллар бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришлари лозим.

Ўзбекистон Президенти 2017 йил 7-февралда 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади. Ушбу ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналиши қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган. Унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологиялар асосида асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини тармоқларини янада кенгайтириш[1] асосий устувор йўналиш сифатида эътироф этилган. Ушбу устувор йўналишни амалга ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида келгусидаги бир неча йилларга тегишли бўлган харажатлар амалга оширилади. Ушбу харажатлар келгуси даврнинг ҳар бир йилида етиштирилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар қийматига тўғри ўтказилишини таъминлаш учун улар бухгалтерия ҳисобида йиллар бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришлари лозим.

Кўпчилик фермер хўжаликларида келгуси давр харажатлари ҳисобини юритишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг асосий сабаби, уларда ушбу харажатлар

ҳисобини юритиш услубиятининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ. Бунинг исботи сифатида қуйидаги хўжалик маълумотларини таҳлил қилишни ўринли деб топдик (1-жавдвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### 2018 йилда «Улуғбек» фермер хўжалигида келгуси давр харажатлари таркиби ва уларни ҳисобдан ўчириш тартиби

№	Харажат турлари	минг сўмда	Бухгалтерия ўтказмаси	
			Дт	Кт
1	Олдиндан тўланадиган ижара ҳақлари	520,0	2510-1	5110
2	Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш харажатлари	210,0	2010-1	5110
3	Илмий-техника адабиётлари ва газета, журналларга обуна бўлиш харажатлари	110,0	9430	5110
4	Чорва моллари учун вақтинчалик ёзги бостирмалар	450,0	2010-2	1010,2310, 6510,6710
5	Силос ва сенаж бостириш ямалари	190,0	2010-2	1010,2310, 6510,6710
6	Жорий йилда экилган беда уруғи харажатлари	480,0	2010-1	1010

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Улуғбек» фермер хўжалигида келгуси давр харажатлари бухгалтерия ҳисобида нотўғри ҳисобга олинганлигини кўриш мумкин. Чунки 1,2,3,4,6- тартибли харажат турлари келгуси давр харажаларини ҳисобга олувчи счетларда йиғилиб, аста-секин йиллар давомида тегишли счетларга тақсимланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, жадвал маълумоти бўйича кўрсатилган счетларда жорий йил харажатларининг ортишига олиб келинган. Айниқса, 1,2,4,6- тартибли харажатлар суммаси сезиларли даражада кўп бўлиши йил якунлари бўйича молиявий натижаларга салбий таъсир кўрсатган.

Масалан: 1- тартибли харажатлар муддатлари бўйича 3110 –«Олдиндан тўланган ижара» ва 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счетларига тақсимлаш орқали ҳам молиявий натижаларни аниқлашда объектив ёндошувга олиб келган бўлар эди. Шунингдек, бошқа тартибли харажатларни ҳам шундай тақсимлаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, фермер хўжаликларида келгуси давр харажатларини ҳисобдан чиқариш харажатларнинг вужудга келиш манбаларини ўрганиш натижасида, молиявий натижаларга таъсири нуқтаи назардан, уларни бухгалтерия ҳисоби счетлари режасининг тегишли счетларида ҳисобга олишни ҳисоб сиёсатида кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжаликларида келгуси давр харажатларига қуйидагиларни олиб бориши мумкин: чорва моллари учун ёзги бостирмалар қуриш; жорий йилда экилган беда уруғи харажатлари; силос бостириш учун хандақлар қаздириш харажатлари; олдиндан тўланган ижара ҳақлари; келгуси йил учун илмий-техника адабиётларига ёзилиш харажатлари; ўз муомала маблағлари ҳисобидан ерларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича қилинган харажатлар ва ҳоказо.

Шунингдек, шартномага мувофиқ, ижарага олувчи фермер хўжаликлари томонидан ижарага олинган асосий воситаларни капитал таъмирлаш учун қилинган харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда ижарага олинган асосий воситаларнинг капитал таъмири ижарага олинган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартида келгуси давр харажатларини уларнинг қайси даврларга тегишлилигига қараб иккига: жорий йил ва келгуси йилнинг келгуси давр харажатларига бўлинади. Ушбу миллий стандартда келгуси

давр харажатларини бундай тартибда ҳисобга олинишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига асосланган.

Фикримизча, келгуси давр харажатларини ҳисобот даврининг харажатлари сифатида тан олишда муддатларини белгилашга қараб, уларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга кирувчи келгуси давр харажатларининг харажат сифатида тан олиш муддатлари аниқ. Шунинг учун ҳам бундай харажатларни тан олиш муддати аниқ бўлган келгуси давр харажатлари, деб аташ мумкин. Бундай келгуси давр харажатларига: келгуси йил учун илмий-техника адабиётларига, журнал ва газеталарга ёзилиш; олдиндан тўланган ижара ҳақлари; олдиндан тўланган кафолатланган хизмат ҳақлари ва бошқа шунга ўхшаш харажат сифатида тан олиш муддатлари аниқ бўлган келгуси давр харажатларини олиб бориш мумкин.

Иккинчи гуруҳга кирувчи келгуси давр харажатларини харажат сифатида тан олиш муддатини аниқ белгилаш имконияти мавжуд эмас. Уларга силос ва сенаж бостириш ямаларини, чорва моллари учун вақтинчалик ёзги бостирмалар, қишки кўтонларга йиғилган ем-хашакларни сақлаш омборхоналари ва ҳ.к.

Ушбу харажатларни харажат сифатида тан олиш муддатлари аниқ бўлмаган келгуси давр харажатлари деб аташ мумкин. Шунинг учун ҳам келгуси давр харажатларини харажат сифатида тан олиш усуллари ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатида акс эттириш фермер хўжаликлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ушбу харажатларни йиллар ва даврлар бўйича асоссиз тақсимлаш уларнинг молиявий натижаларига бевосита таъсир қилади, яъни асоссиз равишда фойда суммаси ортади ёки камаяди.

Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатида ушбу масалаларнинг ечимини тўғри белгилаш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга бевосита таъсир қилади.

Фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳати билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ечимини бермай туриб, бухгалтерия ҳисобида хўжалик фаолияти тўғрисида аниқ ва тўла маълумотлар тўпламини вужудга келтириб бўлмайди. Бундай муаммолар асосан, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб уларга қуйидагилар киради:

тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш;  
тақсимланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва уларни харажат объектларига олиб бориш.

Ушбу муаммоларнинг бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда ўз ечимини топмаётганлиги бухгалтерия ҳисобининг «аниқлик», «ҳисоблаш», «ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги» каби асосий қоидаларининг бузилишига ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 1-моддаси «Бухгалтерия ҳисобининг мақсади бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат» [2] деб белгиланган талабининг бажарилмаётганлигига олиб келади. Бу ерда «аниқлик» қоидасининг бузилиши календарь йил давомида қилинган харажатларнинг қайси қисмини тугалланмаган ишлаб чиқаришга олиб боришнинг илмий асосланган услубиятининг мавжуд эмаслигидир.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон. «Халқ сўзи», 2017 й., 28 (6722)-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни. –Т.: 2016, (Янги таҳрир).

3.Сотиволдиев А.С. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби..Т.: Мехнат. 1991. - 246 б.

4.Ризоқулов А.А. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби..-Т.: 1998, 35 б.

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Тошбоев А.Ж., Қаршиев Ш., Тошкент давлат аграр университети**

### **Аннотация**

Қишлоқ хўжалигини ҳар тамонлама ривожлантиришга олиб борилган иқтисодий ислохатларнинг натижаси сабабли, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улиши, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишдаги ўсиш даражаси, таркибий ўзгаришлар, фермер хўжаликларини оптималлаштириш, замонвий ресурс тежовчи технологияларни жорий этилиши ва келгусида мева-сабзавотчилик тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилганлидан билиш мумкин.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори, даромади ва қайси тармоқлардан шаклланиши ҳамда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар ўрганишдан иборатдир.

Республикани ижтимоий - ижтимоий ривожлантиришда амалдаги режали иқтисодиётдан батамом воз кечиб, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришнинг стратегияси ишлаб чиқилди. Илгари сурилган стратегияни амалга оширишда давлатимиз биринчи раҳбари томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил: иқтисодиётни сиёсатдан устунлиги, давлат бош ислохатчи бўлиши, қонун устиворлиги, фаол ижтимоий сиёсати ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш асосий дастур қилиб олиниб, иқтисодиётни ривожлантиришни босқичма босқич амалга ошириш кўзда тутилди. Бу дастурларни амалга ошириш учун тинимсиз иқтисодий ислохатлар олиб борилди. Натижада республиканинг 1991-2015 йилларда ишлаб чиқилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг пулдаги ифодаси, ялпи ички маҳсулот 61,5 миллиард сўмдан 171369,0 миллиард сўмга ёки 2786 бараварга, шундан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 29,7-42874,0 миллиард сўмга ёки 1443 бараварга ортиб, ЯИМ улуши қишлоқ хўжалиги 37,3 фоиздан, 16,6 фоизга камайиб борди. Бунда Президент томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясининг пухта ва илмий жиҳатдан чуқур асосланганлиги, аграр соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда уларни қайта ишловчи корхоналарни янада ривожлантириш учун барча ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилганлиги, шунингдек, уларни давлат томонидан ҳар тамонлама қўллаб-қувватланаётганлиги сабабли ўз самарасини бермоқда. Шунинг учун иқтисодиётнинг аграр секторида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши натижасида ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) қишлоқ хўжалигининг улуши 2005 йилда 26,3 фоизни ташкил этган булса, 2015 йил келиб бу кўрсаткич 16,8 фоизга камайди. Натижада қишлоқ хўжалиги соҳасидан ташқари, хизматлар, қурулиш ва саноат соҳаларини ривожлангангаётганини кўриш мумкин

Қишлоқ хўжалигидан олинган ялпи маҳсулотининг таркиби ўзгарди. Деҳқончиликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агротехнологик тадбирларни амалга ошириш эвазига деҳқончиликнинг улуши 2005 йилдаги 55,6 фоиздан 2013 йилда 59,8 фоизгача ошишига эришилди. Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнининг самарали амалга оширилиши натижасида нодавлат секторининг улуши 99,9 фоизни



ташкил этди. Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилаётганлигини кўриш мумкин. Ҳар қандай энди тузилган давлат юксак иқтисодий имкониятга эга бўлмайди. Лекин ўзининг имкониятидан келиб чиқиб, ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида турли давлатлар билан муносабатни боғлайди. Бизнинг юртбошимиз ҳам янги Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг амалга оширилганлиги, уруғ-навларни яхшиланиши, ресурс тежовчи агротехнологик тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳосилдорлигининг ўсиши каби агротехнологик омиллар билан бир қаторда, рентабелсиз ёки зарар билан ишлаётган фермер хўжалиklarининг ер участкаларини оптималлаштириш натижаси бўйича фермер хўжалиklarининг сони 2016 йилда жами 101 минг 70 тани ташкил этиб, уларга жами 5 млн.959 минг гектар, шундан 3 млн. 648,6 минг гектар экин ер майдони бириктирилди. Қишлоқ хўжалигини ривожланишда агротехнологик, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллардан самарали фойдаланишнинг ижобий натижаси – тармоқни барқарор ўсиш суръатларига эришиши ҳисобланади. Хусусан, ушбу йўналишда тармоқда қиймат жиҳатдан шаклланган ўзгаришлар таркибий ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий тенденциясидан далолат беради. Таҳлил этилаётган даврда деҳқончиликда ўсимлик парваришлаш фойдасига содир бўлаётган ўзгаришлар, асосан, давлат буюртмасидаги пахта хомашёси ва ғалладан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари улушини кескин ўсаётганлиги ҳисобидандир. Албатта, маҳсулотларнинг ички бозорда шаклланган нархига, аксарият жиҳатдан уларнинг ҳажми, миқдори ва сифатига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Ўзбекистоннинг жами аҳолиси 1991 йилда 21106,3 минг киши бўлган бўлса, 2015 йилга келиб уларнинг сони 31575,3 минг киши ёки 153,2 фоизга ошган бўлса, аҳоли жон бошига асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бугдой 168,5 килограммга, сабзавот 162,1, картошка 68,8, мева эса 62,5 килограмм туғри келмоқда. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер ресурслари бўйича экин турларини туғри жойлаштириш ва инсон омилини ҳисобга олиб деҳқончилик қилинганлигини кўриш мумкин.

Мавжуд ерлардан экстенсив йул билан фойдаланиш учун моддий ресурслар етарли эмас. Бундан ташқари экин 1991-2015 йилларда экин майдонларининг умумий ҳажми 12 фоизга қисқарди (1991 йилдаги 4200,4 минг гектардан 2015 йилда 3695,1 минг гектаргача), шу жумладан, пахта майдонлари 1720,5 минг гектардан 1298,0 минг гектаргача қисқарган бўлса, дон экинлари 1079,9 минг гектардан 1671,6 минг гектаргача кенгайди. Мамлакатимизда аҳолининг ўсиши, ҳамкор давлатларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, давлатга валюта тушумини кўпайтириш мақсадида экин майдонларини оптималлаштириб, мева-сабзавотчилик экинларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Республика биринчи Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПФ-3709-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПҚ-255-сонли қарори қабул қилиниши республикамизда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришга юксак даражада давлат эътибори қаратила бошланганлигидан далолат беради.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари очик ва адолатли танловлар ўтказиш йўли билан ташкил этилиб, мавжуд боғ ва узумзорлар кимосди савдосида сотилиши ва боғлар жойлашган ер майдонлари узок муддатли ижара асосида фермерларга бириктирилиши, боғдорчилик соҳасида ҳам фермер хўжалиklarини кенг ривожлантириш учун олоҳида эътибор қаратиш лозим.

Давлатимизнинг умумжаҳон хўжалик тизимида босқичма-босқич, дадил кириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг стратегияси ва

тактикасини оқилона белгилангани билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, аграр соҳанинг барқарорлиги, самарадорлиги ва янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши мамлакат келажагини белгилаш ва унинг иқтисодий қудратини оширишда муҳим роль ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Тошбоев А.Ж. Кичик бизнесни бошқариш. -Т: ТИМИ, 2015. -415 б.
2. Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1991-2015 йилги маълумотлари.

### **ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В СЕЛЬСКОМ И ВОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

**Талипова Д.Н., ТИИМСХ**  
**Камалова Н.Р., ТИИМСХ**

#### **Аннотация**

В статье представлены актуальные проблемы развития агропромышленного бизнеса, большинство из которых носит системный характер и препятствующие его устойчивому развитию. Преодоление большинства проблем агропромышленного бизнеса может быть решено за счет повышения конкурентоспособности конечного продукта и агропромышленной кооперации и интеграции, одной из перспективных форм которой является создание кластерных структур. Особую роль в механизме взаимодействия участников кластерных образований выделена государственно-частному партнерству, осуществляемому в различных формах. Консультационной и экспертной площадкой региона (муниципального образования) для координации действий участников кластера становятся Центры развития предпринимательства в лице регионального центра ГЧП или Совета по развитию бизнеса. В статье предложена структура агропромышленного кластера с использованием ГЧП, позволяющая не только обеспечить развитие ее участников, но и стать импульсом к развитию сельских территорий.

Экономика современных индустриально развитых стран характеризуется широкой вовлеченностью государства в воспроизводственный процесс в таких направлениях как обеспечение развития базовых отраслей (машиностроения, металлургии, сельского хозяйства и др.), создание производственной и социальной инфраструктуры, координация усилий общества по оптимизации использования ресурсов, по охране и оздоровлению окружающей среды. Для обеспечения этих направлений высококвалифицированными кадрами в Узбекистане было принято постановление «О мерах по дальнейшему совершенствованию обеспечения отраслей сельского и водного хозяйства высококвалифицированными кадрами с высшим образованием». В нем предусматривается обеспечение потребности в высококвалифицированных кадрах с высшим образованием необходимого профиля и уровня образования, обеспечение качественной подготовки кадров в высших образовательных учреждениях по сельскому и водному хозяйству. [1]

Участие государства проявляется в многообразных формах, в том числе в виде национальных программ развития, субсидий, государственных закупок и др. С целью снижения нагрузки на государственный бюджет и вовлечения частного капитала в реализуемые проекты широко стало применяться государственно-частное партнерство (ГЧП). Наибольшее распространение эта форма получила в общественно-значимых областях, однако опыт ГЧП именно в агропромышленном бизнесе очень незначительный.

По мнению ученых и специалистов в области аграрной политики одним из направлений развития агропромышленного бизнеса является агропромышленная интеграция и кооперация. Государство способно выступить базисом интеграционных

процессов, обеспечив эффективность форм взаимодействия участников агропромышленных образований. При этом выбор форм определяется необходимостью решения комплекса внешних воздействий и внутренних проблем, влияющих на продовольственную безопасность страны.

Эффективное государственно-частное партнерство должно учитывать особенности агропромышленного бизнеса, опирающегося в своем развитии на субъекты малого и среднего предпринимательства и включающего в коммуникации почти 80 видов деятельности в области производства переработки, распределения и потребления продукции. Структуру агропромышленного бизнеса укрупненно можно представить в виде трех групп:

промышленное производство, обеспечивающее бизнес средствами производства (тракторное и сельскохозяйственное машиностроение; машиностроение для пищевой и легкой промышленности; производство минеральных удобрений и химических средств защиты растений; ремонт оборудования и техники; строительство и т. д.);

сельское хозяйство (растениеводство и животноводство);

деятельность в сфере заготовки, транспортировки, хранения, переработки сельскохозяйственного сырья, а также реализация конечного продукта.

Существенную роль играет инфраструктура бизнеса, производственная часть которой включает транспорт, связь, вычислительные центры и т. д., а социальная часть условия труда и проживания населения, занятого в агропромышленном бизнесе (жилищно-коммунальные службы, детские сады, учебные заведения по подготовке специалистов агропромышленного бизнеса, медицинские учреждения, условия занятия спортом и отдыхом).

Все элементы структуры объединены в цепочку создания ценности и при взаимодействии должны соответствовать критериям устойчивого развития в экономическом, социальном и экологическом аспектах, а деятельность участников цепочки согласовываться с задачами:

повышение конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции на внутреннем и внешнем рынках;

совершенствование институциональной среды; создание благоприятных условий для развития предпринимательской деятельности; внедрение инноваций;

эффективное и рациональное использование природных ресурсов; развитие партнерских отношений, эффективной кооперации и интеграции при активном вовлечении в эти процессы субъектов малого бизнеса.

Интересы субъектов, участвующих в цепочке создания ценности, разнообразны, но противоречий или непреодолимых расхождений нет и применяемые инструменты соответствуют целям роста производительности и повышения качества продукции как сельского хозяйства, так и предприятий перерабатывающей промышленности, что отражено в табл. 1.

Более того, государство, представители бизнеса, акционеры и инвесторы рассматривают ГЧП как возможный инструмент реализации собственных интересов.

**Таблица 1. Интересы ассоциированных субъектов агропромышленного бизнеса**

<b>Тип ассоциированного субъекта</b>	<b>Основные интересы</b>	<b>Инструменты</b>
<b>Потребители</b>	<b>Высокое качество продукции. Соотношение «цена - качество». Безопасность</b>	<b>Требования к качеству продукции. Возможность выбора продукции. Доступность продукции</b>
<b>Акционеры и инвесторы</b>	<b>Доход от инвестиций. Развитие и сохранение репутационного профиля</b>	<b>Участие в управлении. Прозрачность деловой активности. Знания.</b>
<b>Представители бизнеса</b>	<b>Доходы компании. Качество деловых коммуникаций. Качество продукции. Оптимальные транзакционные издержки</b>	<b>Договорная дисциплина. Требования к качеству продукции. Государственно-частное партнерство</b>
<b>Государство</b>	<b>Продовольственная безопасность страны. Экономический рост. Социальное развитие. Экологическая безопасность</b>	<b>Законодательство. Реализация целевых программ. Реализация благотворительных и социальных программ. Государственно-частное партнерство. Экологический мониторинг (продукции и окружающей среды)</b>
<b>Общество</b>	<b>Уровень и прогресс социального развития. Экологическая безопасность</b>	<b>Борьба за улучшение среды обитания. Требования к реализации благотворительных и социальных программ. Контроль качества социальной и экологической среды</b>

Актуальным для сельского хозяйства остается вопрос ценового паритета. В период кризисных ситуаций в экономике темпы роста цен в обрабатывающей промышленности превышают темпы роста цен на сельскохозяйственную продукцию. Потребительские цены, например, на мясную продукцию на 30-40% выше, чем у промышленных производителей мясной продукции, а у промышленных производителей - на 18-20% выше, чем у производителей сельхозпродукции. [2]

Проблемы системного характера, которые привели к отставанию агробизнеса можно сформулировать следующим образом:

Динамичность бизнес-моделей в сельском хозяйстве, влияющая на деградацию инфраструктуры в сельской местности, уменьшение пахотных земель, техническое и технологическое отставание хозяйствующих субъектов по сравнению с высокотехнологичными производствами развитых стран, занятость трудоспособного населения;

Высокая зависимость от иностранных поставок семян различных сельскохозяйственных культур, племенного скота.

Снижение качества продукции перерабатывающих производств.

Физический и моральный износ производственного оборудования, зданий, инфраструктурных объектов и т. д.

Отсутствие стабильности спроса, сезонность рынка и низкая рентабельность

продаж. [3]

Не смотря на комплекс проблем и внешние политические вызовы, агробизнес активно реагирует на все формы государственной поддержки, осуществляемые в последние годы. Дальнейшие действия субъектов агропромышленного бизнеса и государства должны быть направлены на устойчивое развитие данной сферы деятельности в регионах.

#### **Список использованной литературы:**

1. Постановление №311 от 03.11.2015 «О мерах по дальнейшему совершенствованию обеспечения отраслей сельского и водного хозяйства высококвалифицированными кадрами с высшим образованием»
2. <http://agro.uz/ru/information/statistics/>
3. Йескоб Э.Р. Государственно-частное партнерство: Основные принципы финансирования. М.: Альпино паблишер, 2018. 457с.

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИ**

**Тошкент давлат аграр университети “Агробизнес ва инвестицион фаолият”  
кафедраси ассистенти К.М.Шодмонқулов  
Қарши давлат университети “Бошланғич таълим” кафедраси ассистенти  
Ж.Т.Юлдошев**

#### **Аннотация**

Қишлоқ хўжалигининг барқарор суръатлар билан ривожланиб бориши аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини эса хомашё билан таъминлаш, шунингдек экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда республикамизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга имкон яратади.

Бугунги кунда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири импорт ўрнини босиш стратегияси ва шу орқали экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашдир. Шу нуқтаи назардан, аграсаноат мажмуасида импорт ўрнини босиш сиёсати катта ўрин тутади. Аграсаноат мажмуаси ўзига хос хусусиятлари инобатга олган ҳолда, мажмуада импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш катта изланишларни, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ва чуқур таҳлилларни талаб этади.

Аграр ислохотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва унинг ҳажмини ошириш асосида жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш бўйича жаҳон мамлакатларида турли йўللار танланиб, ўзига хос бой тажрибалар тўпланган.

Президентимиз томонидан маърузаларида илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради[1].

**Ўзбекистонда 2017 йилда маҳсулотларни етиштириш ва экспорт қилиш  
кўрсаткичлари**

Маҳсулот тури	Маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажми (минг т.)	Шу ж., махсус районларда (минг т.)	Маҳсулот етиштиришда махсус районларнинг улуши (%)	Экспорт (минг тн.)	Шу ж., махсус районлар экспорта (минг тн.)	Экспортда махсус районларнинг улуши (%)
Сабзавотлар	12842,9	6783,6	52,80	368,8	268,8	72,8
Шу ж. дуккакдилар				195,5	150,6	77,03
Мевалар	3429,3	1815,0	53,00	369,3	288,6	78,15
Шу жумладан қуритилган маҳсулотлар				178,0	141,9	79,72
Узум	1926,4	1142,8	54,00	154,9	126,6	81,73
Полиз маҳсулотлари	2422,4	793,9	54,00	10,9	6,1	55,96
Жами:	20620,9	10535,3	51,1	1277,	982,6	76,92

**Манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz)**

Юқоридаги жадвалда 2017 йилда етиштирилган маҳсулотлар ва экспорт қилинган маҳсулотлар кўрсаткичлари умумий ҳажми 20620,9 минг тоннани ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини яхшилашда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари кўпайтирилишини таъминлаш, уларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички бозорда нархларни барқарор сақлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспортга чиқариш стратегиясини ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг жаҳон озиқ-овқат бозорларида тўтган ўрни ва эгаллаган улушини таҳлил этиш муҳим. Бу экспортчи корхоналарга жаҳон озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасини ўрганиш орқали талабга мос маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида экспорт тизими юқори даражада ривожланган давлатлардан бири бу АҚШ ҳисобланади. АҚШ аграр секторида нарх, солиқ, кредит, инновациялар ва бошқа иқтисодий, шунингдек ҳуқуқий, ташкилий механизмларни такомиллаштириб бориш фермерлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаб чиқарувчи корхоналарга маҳсулотларни экспорт қилишга етарли шарт-шароитлар яратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги бевосита улгуржи бозорлари шаклланишига боғлиқ. Ислохотлар даврида Ўзбекистонда улгуржи бозорларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг янги ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий тизимлари ишлаб чиқилди. Лекин, фақат шу билангина чекланиб қолиш мақсадга эришиш имконини бермайди. Улгуржи бозорларни ривожлантириш ва улар жаҳон талаблари даражасида фаолият юритишига эришиш учун бундай бозорларни ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи (ЕИ)да кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари турлари бўйича бозорлар фаолият юритиб келмоқда ва бу Иттифоқ таркибидаги давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 95 фоизи шу бозорларда сотилмоқда. Ҳар бир бозор ўз бошқарув ва баҳоларни қўллаб-қувватлаш тизимига эга.

ЕИ статистик маълумотларига кўра, кейинги ўн йилликда умумий айрибошлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори 80 фоиздан 40 фоизгача пасайган бўлсада, озиқ-овқат бозоридаги улгуржи савдода биржалар роли ўсмоқда.

Маҳсулотларнинг асосий қисми улгуржи бозорларда ишлаб чиқарувчилардан, чакана бозорларда эса воситачилар ёки улгуржи сотувчилардан сотиб олинади.

АҚШда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан катта биржаларда улгуржи савдолар ўтказиш орқали сотилади. Бу биржалардаги савдоларнинг туб моҳияти фьючерс шартномалари ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорида улгуржи савдо ассортимент кенглиги, маҳсулотларни етказиб бериш, сотиш тизими ва оборот қисмига қараб тавсифланади ва ташкил этилади.

Сотиш ва қайта ишлаш кооперациялари маҳсулотнинг фермерлардан то улгуржи ёки чакана савдогача ўтиб бориши давридаги кўп поғонали тармоқларга эга. Бунда бир йўналишдаги ёки маҳаллий бошланғич фермер кооперативлар уюшмасини ташкил қилади. Сотиш кооперациялари фермерларга улар манфаатларини ҳимоя қилиш учун маҳсулотларни сотишнинг муқобил тармоқларини яратган ҳамда монополияга қарши ҳақаракат воситаси хизматини ўтайди ва айни ҳолларда сотиш нархлари тушиб кетишини олдини олади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларини сотиш тизими қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёсини даладан оралиқ истеъмолчилар (қайта ишлаш корхонлари, савдо компаниялари ёки улгуржи воситачилар)га улгуржи сотиш;

- чакана савдода хом-ашё кўринишида истеъмол қилиш учун озиқ-овқат товарлари ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотиш;

Озиқ-овқат товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотишни кенг тарқалган шакллари қуйидагилар[2]:

- саноат ва савдо компанияларининг фермерлар билан қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш;

- фермер кооперативлари маҳсулотларини қабул қилиш орқали сотиш;

- тармоқлараро битимлар доирасида маҳсулотларни катта партиядо сотиш, булар кооперативлар, қишлоқ хўжалиги компаниялари, муассасалар ва бошқа турдаги тадбиркорлар бўлишлари мумкин;

- биржа савдолари;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита фермерларнинг ўзи улгуржи воситачилар ёки қайта ишловчи агентлар, савдо ташкилотларига сотиши.

Юқоридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш шаклларида шартнома (контрактация) кенг тарқалган. У биринчи навбатда барқарор талабга эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қамраб олади. Бундан ташқари контрактация тез ишлатиш ва сотиш керак бўлган маҳсулотлар бўйича ҳам кенг тарқалган. Контрактация тизими фермерлар ва интегратор ташкилотлар (озиқ-овқат, омихта ем ва савдо ташкилотлари) орасида тузиладиган шартнома бўлиб, белгиланган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва сотишни назарда тутади.

Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, шартнома тизими (контрактация) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошишини қўллаб қувватлайди, меҳнат унумдорлигини ўсишига ва харажатлар камайишига кўмаклашади.

Айрим давлатларда, АҚШ ва Япония каби мамлакатларда фермерлар маҳсулотларни сотиш, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, хизмат кўрсатишдек бозор муносабатлари кооперативлар орқали амалга оширилади. Сотиш кооперативлари фермерларнинг сотиш бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган. Сотиш фаолиятига туртки бўлиб хизмат қиладиган омил талабдан таклифнинг устунлиги ва

бозор конъюктурасида ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, таъсир этишга интилиш ҳисобланади.

АҚШ давлати қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам жаҳонда илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу қўллаб-қувватлаш, асосан, қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Қишлоқ хўжалиги ресурсларини сақлаш.

2. Қишлоқ хўжалигига фан ва техника ютуқларини жорий қилиш.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва ташқи бозорни ривожлантириш ва бошқалар.

АҚШда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдан асосий мақсад қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини мунтазам ошириб бориш орқали мамлакат аҳолисини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортини ошириш ҳамда бунинг натижасида валюта тушумини кўпайтиришдир.

АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожланишида давлат етакчи рол ўйнайди яъни, тармоққа ажратиладиган йирик молиявий маблағлар орқали паст фоизларда фермерларга кредитлар ажратади, жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи арзонлашганда, фермерларни зарар кўрмаслиги учун ушбу маҳсулотларни юқори нархларда сотиб олади, солиқ ва суғурта бўйича турли имтиёزلарни бериши энг асосийси экспортни ривожланишини таъминловчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириб борилиши аҳамиятга моликдир.

Қуйидаги жадвалда бугунги кунда дунёда энг йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи 10 та давлат ва уларнинг экспорт ҳажмлари келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Жаҳонда энг йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортёри бўлган давлатларнинг экспорт ҳажми млн. АҚШ доллари**

№	Мамлакатлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2016 йил
1.	Австралия	9607.6	11098.0	14022.4	18897.2
2.	Бразилия	6323.6	10160.0	10250.3	26852.3
3.	Канада	8266.4	11617.7	14888.7	20711.3
4.	Франция	21486.1	29388.7	28452.8	41479.2
5.	Германия	3469.4	21007.4	21193.3	37966.9
6.	Нидерландия	15359.2	25303.4	23443.0	38591.5
7.	Буюк Британия	9426.1	12738.9	12946.1	21909.5
8.	АҚШ	34332.3	51220.7	46979.3	57708.3
9.	Хитой	9713.0	13090.4	11735.1	17200.6
10.	Бельгия	832.1	2774.9	13436.4	21629.7

**Манба: [www.fao.org](http://www.fao.org)**

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2000-2016 йиллар давомида ўтган 16 йил ичида жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида етакчилик асосан ривожланган давлатлар қўлида бўлган бўлсада, Хитой ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида кескин ўзгаришлар қилишга муваффақ бўлган давлатлар қаторига кирган.

Лекин, шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори ҳозиргача ташқи савдода ўзига хос “ёпиклик” хусусиятини сақлаб қолмоқда. Маслан, АҚШ ва ЕИ давлатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш услуги ва шаклларида фойдаланилмоқда. Ушбу протекционистик чоралар натижасида ривожланаётган давлатларнинг аграр маҳсулотлар бозоридаги фаоллиги бир мунча чеклаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, республикамызда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари



экспортини ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан қуйидагиларга эътибор қаратилса экспорт салоҳиятимиз янада ошади:

фермер ва деҳқон хўжаликларига экин турини мустақил танлаш имконияти бериш;  
маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизими янада эркинлаштириш;  
паст фойзли ва самарали солиқ тизими жорий қилиш;  
давлат томонидан ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташувчи транспорт тизимини ривожлантиришга йирик хажмда субсидияларни бериш;  
қишлоқ хўжалиги субъектларига маҳсулотларни етиштиришдан бошлаб то сотишгача бўлган жараёнлар бўйича эркинлик бериш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлаш (АҚШ тажрибаси).

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
2. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Тошкент 2014. - 24 б.
3. Дадабоев Т., Умарова Г. Боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш. «Аграр ислоҳотларини чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари». –Андижон, -2007. –Б. 503-506.
4. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.- Тошкент.: “Молия-иқтисод”, 2007 й. 276 бет.
5. [www.fao.org](http://www.fao.org)
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

#### **Фермер хўжаликлари кооперацияси ва агрофирмалар фаолиятини ривожлантириш**

**ТошДАУ Агрологистика кафедраси ассистенти, Н.Н. Болтаев,  
Н.М.Нормуродов ТошДАУнинг Маркетинг йўналиши талабаси**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг таркибий тузилишини такомиллаштириш аграр соҳа тармоқлари ва корхоналари ўртасидаги кооперациялашув жараёнини республикамиз ва хорижда тўпланган тажрибалардан оқилона фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва ривожлантиришдан иборатдир. Кооперациянинг муҳим жиҳати шундаки, у тармоқ ва фермер хўжаликлари ўртасида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар тизимини такомиллаштириш бориб мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратади.

Бугунги кун амалиётида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳалар иқтисодиётини бир – биридан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аграр соҳасида кооперация тамойиллари билан ташкил этилган агросаноат фирмалари ҳам ўз мазмун ва моҳияти жиҳатидан қуйи (корхона ва хўжаликлар) даражада агросаноат мажмуаси тармоқлари корхоналарининг бирлашуви асосида шаклланади ва фаолият кўрсатади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар қишлоқ хўжалик корхоналарини кооперация жараёнига жалб қилиш ушбу жараёнда қатнашувчи корхоналар манфаатларига мувофиқ келиб тармоқда ер, иш кучи ва асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имконият яратади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари яъни: ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, табиий ва биологик жараёнларга бевосита боғлиқлиги, соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксарият қисмининг қайта ишлашга муҳтожлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг охириги истеъмолчига етиб боргунча кўплаб воситачилар қўлидан ўтиб қайта ишланиши, ташилиши, сақланиши

каби жараёнларда турли бозор субъектларининг иштирок этиши каби жиҳатлари, фермер хўжаликларида яратилган соф фойданинг асосий қисмининг айнан шу бозор субъектлари ва тармоқларда қолиб кетиши қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ва фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида эса ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган ички заҳиралардан фойдаланишга ундовчи омилларнинг таъсири сусаймоқда.

Бу ўз навбатида фермер хўжаликларини кооперация жараёнига, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга хорижий сармояларни кўпроқ жалб қилиш орқали кооперация тамойиллари асосида қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали ташқи бозорларга чиқиш имкониятларидан янада самарали фойдаланишни талаб қилади.

Умуман ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари ва корхоналари ўртасида кооперциялашув жараёнлари ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, ўзининг яшовчанлик хусусияти билан ажралиб туради. Кейинги йилларда республикамизда ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилиб олим ва амалиётчилар томонидан хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг мазкур турини ривожлантириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ҳамда амалий ишлар олиб борилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, аграр соҳада кооперацияни ташкил этиш ва ривожлантириш йўналишларида тадқиқотлар олиб борган олимларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ олимлар кооперациянинг ташкилий-иқтисодий элементларини ёритишда макро ва микро даражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш жиҳатларини асос қилиб олган бўлсалар, икинчи гуруҳ олимлар унинг ташкилий технологик (ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш шакли сифатида) жиҳатларини, учунчи гуруҳ олимлар эса ижтимоий-ҳуқуқий (ишлаб чиқариш воситаларига кооператив мулкчилик шаклида, яъни ўзлаштиришнинг шакли сифатида) жиҳатларини асос қилиб олганлар. Бундан ташқари кооперация ўз моҳияти жиҳатидан оддийдан мураккабга қараб ривожланиб, оддий кооперацияда - бир хил аниқ фаолиятдаги субъектлар бирлашса, мураккаб кооперацияда - меҳнат тақсимотига асосланган, ихтисослашган ишлаб чиқариш субъектлари бирлашади. Шаклан эса кооперация: вертикал ва горизантал кўринишда бўлиши мумкин. Вертикал кооперация – бу маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр ҳолда истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олиб ташкилий ва бошқарув ишларида кўпроқ юқори органлар иштирокини кўзда тутаяди. Горизантал кооперация эса асосан бир хил фаолият (бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш) билан шуғулланувчи субъектлар иштирокида ташкил этилиб улар фаолиятига юқори (давлат) органлари аралашуви чекланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларининг ривожланиши жараёнида кооперацияни ташкил этиш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди. Бунда коопераци муносабатларини шакллантириш учун бир мунча қулай бўлган мева-сабзавотчилик тармоғига асосий эътибор қаратилди. Ҳозирги вақтда мева-сабзавотчилик тизимида кооперация тамойиллари асосида ташкил этилган агросаноат фирмалари ташкил этилиб фаолият юритмоқда. Агро саноат фирмалари ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш шакли сифатида фаолият юритиб моҳияти жиҳатидан мураккаб кооперация тури ҳисобланади. Агрофирмаларнинг ташкилий-бошқарув тизими эса горизантал характерга эгадир.

Агросаноат фирмаларининг аҳамияти ва уларни ташкил қилиш зарурати яна шундан ҳам келиб чиқадики, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар сони тобора кўпаймоқда, аммо улранинг ҳажми кичиклашиб бормоқда ҳамда уларнинг аксарият қисми ўз маҳсулотларини қайта ишлаш, технологик жараёнларни бажариш учун ниҳоятда зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларига эга эмаслар. Бундан ташқари, агросаноат фирмалари бугунги кунда долзарб муаммолардан бўлган қайта ишлаш корхоналарни кафолатланган хом ашё билан, қишлоқ

товар ишлаб чиқарувчиларни маҳсулотни сотилиш кафолати билан, тайёрлов ва савдо ташкилотларини янги ёки қайта ишланган сифатли маҳсулотларнинг катта ҳажми ва кенг ассортиментни билан таъминлаш масаласини ҳал этиш имкониятларини ошириши туфайли ҳам аҳамиятлидир.

Қисқача хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда республикада фермер хўжалиқларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятидаги ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий характердаги бир қатор муаммоларни ижобий ҳал этишда кооперативлар яъни агросаноат фирмалари муҳим ўрин эгаллайди. Шу туфайли мева-сабзавотчилик тизимида таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласига мамлакатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, фермер хўжалиқлари томонидан ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларидан бўлган моддий манфаатдорликларини янада ошириш, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспортини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## **МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК МАЖМУИДА ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**ТошДАУ Агрологистика кафедраси катта ўқитувчи З.Б.Холмухамедова**

Аграр соҳани модернизациялаш жараёнлари соҳада фаолият юритаётган барча тармоқлар шу жумладан мева-сабзавотчилик ва узумчилик мажмуида ҳам чуқур таркибий ўзгаришларни яъни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини уйғунлаштириш, улар ўртасида иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни бозор тамойиллари асосида ўрнатиш орқали мавжуд моддий-техник ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони ва мазкур фармоннинг биринчи иловасига асосан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” да Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устивор йўналишларининг асосий йўналишлари яъни 3.3 банди “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” масаласи алоҳида вазифа қилиб белгиланганлиги ҳам қишлоқ хўжалигининг стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Таъкидлаш лозимки, қайд этилган банднинг бешинчи хат бошида “Фермер хўжалиқлари, энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжалиқларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш”<sup>13</sup> масаласига алоҳида урғу берилган.

Стратегияда белгиланган ушбу вазифаларни агросаноат мажмуасининг етакчи тармоқларидан бўлган мева-сабзавотчилик мажмуида амалга оширишда тармоқдаги бозор субъектлари фаолияти ва уларнинг ўзаро алоқаларида юзага келадиган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ривожланган бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатиш лозим бўлади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги даврда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнини ундаги устувор вазифалар, йўналишлар, иқтисодий муносабатларнинг моҳияти ва мазмунига кўра таҳлил этишни талаб қилади.

Назарий жиҳатдан иқтисодий муносабатлар – бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

вужудга келадиган муносабатлар иқтисодий муносабатлардир. Ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуаси иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликда иқтисодий тизимни ташкил қилади<sup>14</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки бугунги кунда республикамиз мева-сабзавотчилик мажмуида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида шаклланган бозор муносабатлари иқтисодиётни модернизациялаш талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида кенг қамровли ислоҳот тадбирлари амалга оширилиши, иқтисодий муносабатларни такомиллаштирилишига қарамасдан айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Бинобарин, республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва ресурслар билан таъминловчи корхоналар монопол тарзда фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ташкилотлар ўз харажатларини маҳсулот нархини ошириш эвазига қоплашдангина манфаатдор, холос. Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хизматлар ва ресурслар нархларининг мутаносиблигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Мева-сабзавотчилик тармоғи ва ундаги шартномавий муносабатлар тўғрисида гапирганда бу тизим ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан ўзига хос мураккаб тарзда бўлиб шартномавий муносабатлар, уларни тузиш ва бажариш жараёнлари ҳам бирмунча мураккабликларга эга.

Бинобарин, иқтисодий муносабатларнинг шартнома шакли самарадорлигини оширишга аниқ иқтисодий жараёнларда талаб этиладиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Шунинг учун, иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг етишмовчилиги томонлар ўртасида ўзаро таркиб топган муносабатларнинг характери ва мазмунидан келиб чиқмасдан бартараф этилиши мумкин эмас.

Контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори талабларига ва мазкур қарорнинг биринчи иловасига асосан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб ориш тартиби тўғрисида” низомда фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ва батафсил баён қилинган.

Шунингдек, ушбу қарорга биноан қишлоқ хўжалиги шу жумладан мева-сабзавотчилик тармоғида тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилиши мониторингини ўтказувчи давлат ташкилотлари хусусан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ишларини ҳам ривожлантириш лозим. Шу ўринда яна шуни айтиш лозимки, ҳозирги кунда амалда бўлган шартномалар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш босқичларини ҳам такомиллаштириш талаб этилади. Ҳозирги кунда бужараён 7 та босқичдан иборат бўлиб кўпроқ расмий характерга эга. (1- жадвал)

---

<sup>14</sup> Ш. Шодмонов, У. Ғофуров “Иқтисодиёт назарияси” Ўқув қўлланма Т: ТДИУ 2010 йил

Босқичлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Шартномалар тузишга тайёргарлик кўриш	Агротехника тадбирлари бошланишидан бир ой олдин	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
2-босқич	Шартномаларни кўриб чиқиш ва имзолаш	7 кун мобайнида	Қишлоқ хўжалиги корхоналари
3-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун бериш	3 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
4-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш	3 иш куни мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
5-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказгандан кейин тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотларга бериш	Рўйхатдан ўтказилгандан кейин 1 кун мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
6-босқич	Рўйхатдан ўтказилган шартномаларни хўжаликларга бериш	Рўйхатдан ўтказилгандан кейин 2 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
7-босқич	Шартномаларни сақлаш	Барча шартнома шартлари бажарилгандан кейин 3 йил мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари

**1 – жадвал. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш босқичлари<sup>15</sup>**

Келтирилган жадвалда белгиланган босқичлардан кўриш мумкинки, у ўртача 19-20 кун вақт талаб қилади. Бизнинг фикримизча бу жараёнда 1-2 босқичларни бажарилишида асосий масъулиятни фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари бошлиқларига юклаш керак. Улар ихтиёрий равишда шартнома бланкаларини қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ёки туман фермерлар кенгашидан (уни тўлдириш бўйича тавсиялар билан бирга) олиб, бевосита фермер хўжалиги бошлиғи ёки ҳуқуқшунси томонидан тайёрлаш, хизмат кўрсатиш ва қайта ишлаш корхонаси билан шартнома шартларини белгиланган меъёрлар асосида келишган ҳолда тузишлари ва имзолашлари лозим. Бу жараён қаерда ва қай тартибда кечишида уларнинг ўзларига эркинлик берилиши лозим. Бу биринчидан уларнинг шартномаларни тузиш ва бажариш борасидаги масъулиятларини оширса, иккинчидан ўз тармоқ ва корхонасининг манфаатларини ҳимоя қилиш кўникмаларини оширади. Бунда мазкур тартибдаги 3-босқичга ўз-ўзидан зарурат қолмайди. 4, 5 ва 6 - босқичларни бажариш учун белгиланган 6 кун муддат эса кўпи билан 1-2 кунда бажарилиш имконияти яратилади. Бир сўз билан айтганда шартномалар тузиш ва уларни бажариш борасида асосий масъулият ва жавобгарлик аввалом бор томониларга юклатилиши лозим. Бунинг учун эса шартномаларни тузишдан токи тўлиқ бажарилишигача бўлган вақтларда томонларнинг бевосита иштирокини таъминлаш ва масъулиятларини қатъий равишда ошириш ва бунинг учун уларга барча ваколатларни

<sup>15</sup>Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли қарорининг 1-илоvasи

берувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши тармоқда шартнома муносабатларини ривожлантириш ва пировардида ишлаб чиқариш ва иқтисодий натижаларининг яхшиланишига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома икки юридик шахс ўртасидаги ўзаро иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳужжатдир. Кейинги йилларда мева-сабзавотчилик тармоғи ва унда фаолият юритаётган агросаноат фирмалари томонидан тузилган шартномалар ва уларнинг бажарилиши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки тузилган контрактация шартномаларини бажарилиши ҳолати тўлиқ эмас.

Шартномавий муносабатларнинг бозор иқтисодиёти шароитида тутган бекиёс ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг маълум бир тартиб ва тамойиллар асосида ташки этилиши асосий шартлардан эканлиги, ва мева-сабзавотчилик тармоғининг қишлоқ хўжалигини ривожланишидаги аҳамиятини ҳисобга олиб тармоқда шартнома муносабатларини самарадорлиги, унинг бажарилиши ҳолатларини ўрганиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш ҳар-бир бозор субъектининг биринчи даражали вазифаларидан бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ҳозирги кунда тармоқни бошқариш, амалга оширилаётган шартнома муносабатларини режалаштириш, ва таҳлил қилиш усуллари ҳам кўпчилик ҳолатларда эскича усул ва ёндашувларда кечмоқда. Мисол учун: шартномаларни тузиш ва амалга ошириш ишларига маҳаллий ҳокимият вакиллари кўп ва заруратсиз тарзда аралашуви, шартнома шартларининг бажарилиши ва унинг натижаларини таҳлил қилишда асосан миқдор кўрсаткичлари ҳамда умумийлик асосида (масалан бажарганлар сони, бажармаганлар сони в.х.к.) аниқланиши ва шунга мос равишда уларга нисбатан чоралар қўллашда ҳам умумийликлар (хўжалик судларига топшириш, тегишли қарорлар қобул қилиш, кўрилган зарарларни ундириш в.х.к.) қабилдаги усуллар зарурий натижаларга эришишдаги таъсирини деярли йўқотган ва самарасиз усуллардан бўлиб қолди.

Шу жиҳатдан бизнинг фикримизча дастлабки жараёндан яъни шартномавий муносабатларни режалаштириш ва тузиш ишларида бевосита томонлар вакиллари иштиркини таъминлаш, тузилган шартномаларни дахлсиз ҳуқуқшунослар томонидан экспертиза қилиш ва хулосалар олиш, шартнома шартларининг бажарилиши устидан бевосита фермер хўжаликлари бошлиқлари томонидан доимий мониторингини юритиш, зарурий ҳолатларда иккинчи томон билан келишилгани ҳолда тегишли бандларга ўзгартиришлар киритиш ёки юқори масъул органларга мурожат қилиш, шартнома шартларининг бажарилмаслик ҳолатлари ва уларнинг сабабларини аниқ кўрсатилган ҳолда белгиланган тартибда далолатномалар тузиш ва шартнома йили яқунлари бўйича хулсаларни шакллантириш орқали кейинги фаолиятни режалаштириш ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Буни биз қуйидаги расмдан кўришимиз мумкин. Қайд этилган таклиф ва фикрлар қишлоқ хўжалиги шу жумладан мева-сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг зарурий сифат ва стандарт кўрсаткичларида бўлишида ўз ижобий натижаларини беради.

### **Аграр соҳада маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари**

**Тошкент Давлат аграр университети ассистенти Н.Н. Мусаева**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йуналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Айниқса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш асосида импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишда мамлакатимизда жуда катта имкониятлар мавжуд ва уларни аниқлаш ҳамда амалга жорий қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалигида самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида мавжуд хом ашё ресурсларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишида инновацион тадқиқотларни амалга ошириш бўйича қатор илмий ишлар ва тадқиқотлар амалга оширилган. Шу билан биргаликда, қишлоқ хўжалигининг чорвачилик соҳасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида ёввойи тарзда ўсадиган ўсимликлардан чорвачилик соҳасининг ривожини йўналишида фойдаланиш масалаларига кам эътибор қаратилган. Чорвачилик учун ем тайёрлашда мавжуд маҳаллий экинлар ҳисобланган маккажўхори, арпа, буғдой ва бошқа экинлардан гранула шаклидаги маҳсулотлар тайёрлаш масалалари ўрганилган. Бугунги кунда иқтисодийимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодийни модернизация қилишда, стратегик муҳим рол ўйнайдиган инновация лойиҳаларини амалга ошириб, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, хусусан унинг чорвачилик ва балиқчилик соҳаларини юқори ўсиш суръатларига олиб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу масаланинг ечими биринчи навбатда чорва ҳайвонлари учун юқори калорияли ва сифатли овқатлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, замонавий, мослашувчан ва маҳаллий технологияларни кенг жорий этиб, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга боғлиқдир. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг маърузалари ва асарларида қишлоқ хўжалигида самарадор технологияларни жорий қилиш, интенсив равишда чорвачиликни ривожлантириш асосида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш, чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини орттиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Иқтисодийнинг чорвачилик тармоғи мамлакат аҳолисининг зарурий ва юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланган сут, гушт, ёғ, тухум ва хоказолар билан таъминлаш билан биргаликда енгил ва озиқ-овқат саноатини хом ашё билан, яъни жун, тери, мўйна, қоракул, гўшт, сут, балиқ, тухум, асал билан таъминлайди. Чорвачиликни самарали тарзда ривожлантириш мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғи бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни узок вақт давом этади. Бу циклни қисқартириш чорвачиликда энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Чорва ҳайвонларининг наслини яхшилаш масаласи ҳам муҳим масалалардан биридир.

3. Чорвачилик учун ем-хашак базасини яратиш ва уни узок вақт давомида сақлаш.

4. Чорва ҳайвонларини сифатли озуқалар билан боқишни амалга ошириш ва бунинг учун сифатли, юқори калорияли озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи.

Чорвачиликнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган юқори калорияли ва сифатли озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи бугунги кунда энг долзарб масалалардандир. Чунки, озиқлантириш чорвачиликни ривожлантиришдаги барча омиллар ичида энг муҳими ҳисобланади. Озиқлантириш чорва ҳайвонларининг сермаҳсулликка кучли таъсир кўрсатади. Чорва ҳайвонларининг организми тўқималарининг тузилиши учун зарур булган материални, модда алмашинувини тартибга солиб турадиган моддаларни ва энергияни ҳайвон озиқдан олади. Чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий вазифалардан бири - озуқа базасини самарали ва оқилона ташкил этишдир. Яхши ташкил этилган озуқа базаси чорвачиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шартидир. Чорва ҳайвонларига зарур булган миқдорда ва калорияда озиқ бериб турилмаса энг маҳсулдор насллар ҳам, тармоқда олиб борилаётган модернизациялаш ҳам самара бермайди. Чорва ҳайвонларини сифатли ва юқори

калорияли овқатлар билан озиклантириш орқали чорвачилик маҳсулотлари кўп ва арзонроқ етиштирилади. Чорвачилик маҳсулотлари қанчалик кўп ва арзон етиштирилса, аҳоли учун энг керакли озик-овқат ва энгил саноат маҳсулотлари билан шу қадар яхшироқ таъминланади. Чорвачилик учун бундай зарур булган озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи бугунги кундаги долзарб масала булиб, уни амалга ошириш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз: 1. Маҳаллий хом ашёлар асосида юқори калорияли бўлган озуқаларни тайёрлаш. 2. Мавжуд бўлган хом ашёлар асосида ихчам ва сақлаш нисбатан энгил бўлган озуқалар тайёрлашга эътибор қаратиш. 3. Чорвачилик озуқаларини тайёрлаш учун замонавий ва юқори самарадор технологияларни яратиш ва жорий қилиш. Биз томонимиздан амалга оширилаётган тадқиқотлар бу масалаларни ечишни мақсад қилиб олган. Юқори калорияли гранулаланган озуқа тайёрлашнинг самарали технологиясини яратиш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

## **Ўзбекистонда агрологистика тизими инфратузилмасини ривожлантириш**

### **А.И.Турдибаев - ассистент, ТДАУ**

Мустақиллик йилларида озик-овқат соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, мазкур соҳага инвестиция жалб этган ҳолда, замонавий технологияларни мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, ишлаб чиқариш технологик базасининг янгиланиши эвазига ички бозорни сифатли маҳаллий озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилиб, саноатда мазкур тармоқ улушининг тобора ошишига замин яратди. Маълумки, Ўзбекистонда озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиш суръати йилига ўртача 9-10 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, маҳсулотнинг экспорт ҳажми ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан муҳим фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Сўнгги 5 йилда мамлакатда озик-овқат соҳасини жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш унинг хом ашё базасини кенгайтириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди. Жумладан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,6 бараварга, гўшт маҳсулотлари - 1,4 бараварга, сут маҳсулотлари - 1,4 бараварга ошди. Бугунги кунда республикада 9760 дан ортиқ озик-овқат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Йилига ўртача 1,74 млн.тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятига эга бўлган 270 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, шунингдек, 479 минг тонна озик-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватига эга совутиш камералари билан жиҳозланган 994 та замонавий сифимлар мавжуд. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда: 2017 йилда пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш; қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан, 8,1 минг гектарга картошка, 27,2 минг гектарга сабзавот, 5,9 минг гектарга интенсив боғ, 2,9 минг гектарга тоқзор, 10,9 минг гектарга озуқа экинлари ва 4 минг гектарга мойли экинлар жойлаштириш белгиланганлиги ҳам мазкур соҳадаги амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин намунасидир. Дастурларда озик-овқат маҳсулотлари хом ашё базасини, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш, ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига тўлдириш ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунда маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш, ва экспорти билан шуғулланувчи замонавий ускуналар билан жиҳозланган жами 310 минг тонна хом ашёни қабул қилиш қувватига эга 11 та савдо-логистика марказларини ташкил этиш буйича чоратадбирлар кўрилмоқда. 2019 йилда республикада ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмига нисбатан қайта ишлашнинг улуши 24 фоизни ташкил этиб, 4,6



мингта янги иш ўрни яратилади. Натижада, 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёсини ишлаб чиқариш ўртача 1,4 бараварга, жумладан мева-сабзавот ва узум - 1,4 бараварга, гўшт - 1,3 бараварга, сут - 1,5 бараварга кўпаяди. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 2,3 бараварга, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми эса 2 бараварга ошиши таъминланади. Шу билан бирга, маркетинг бўйича изланишларни кенгайтириш, маҳсулотларни замонавий илғор технологиялар асосида қадоқлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ISO 9001, 22000 халқаро стандартларини жорий этиш эвазига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш қатъий белгиланган чора-тадбирлар асосида амалга ошириб борилади. Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун, қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, логистика ва экспорт қилиш инфратузилмасини яратиш мақсадида тижорат банклари орқали Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро молия институтларининг 650 млн.доллар миқдоридаги имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилган. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ҳамда глобализация жараёнларини кучайиб бориши, мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари қишлоқ хўжалиги соҳага замонавий инновацион техника ва технологиялар жалб этилиши натижасида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар саноат корхоналари томонидан жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот сифатида қайта ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасини ЯИМ улушини камайтириб, ва аксинча, саноат соҳаси улушини оширишга олиб келиши қувонарли ҳол, албатта. Шунга қарамай ҳозирда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талаб даражасида сақлаш, уларнинг етказиб бериш ва реализация қилиш, маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотларни бозор сифими мувозанатини доимийлигини таъминлаш ҳамда улар борасида ечимини қутаётган айрим муаммолар мавжуд. Улар жумласига фермер хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида маҳсулот сифатини бошқариш тармоқ бўйича логистик тизимининг етарли даражада ривожланиши, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш талаблари тўғрисида маълумотлар оммага тўлиқ етказилиши даражаси ҳамда сақлаш ва ташиш талаблари белгиланган миллий стандартларнинг халқаро меъёрлар билан мувофиқлаштирилмаганлиги, жумладан, сифатини яхшилаш ва уларнинг жаҳон талаблари даражасига етказишни таъминлаш имкониятини берувчи механизм ва тузилмаларнинг талаб даражасида эмаслиги ёки мавжуд бўлганлари тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2016 — 2020 йилларда мева- сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида:

- келажакда янги ва қайта ишланган маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларига бўладиган талабларни аниқлаш бўйича тизимли асосда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек янги сотиш бозорларини ўзлаштиришда маҳаллий экспортёрларга кўмаклашиш;

- жойларда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ихтисослашган комплекс савдо-логистика марказлари, шунингдек музлатиш қувватларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

- мева, сабзавот, полиз ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини транспортда ташиш, божхона расмийлаштируви ва уларни юклаб жўнатиш бўйича ҳисобот тақдим қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тезкор кўриб чиқиш;

- экспорт қилинадиган янги ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича кўзда тутилган прогноз параметрларининг бажарилиши устидан мониторинг олиб боришни ташкил этиш;

- зарур ҳолларда, мазкур қарор билан тасдиқланган инвестиция лойиҳалари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифалари белгиланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш жараёни логистикасини ички ва ташқи бозорлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ички бозорда логистика тизими асосан автомобиль ҳамда темир йул транспортдан ташкил топади. Ташқи бозорда логистика жараёнида автомобиль транспортининг махсус турларидан, шунингдек темир йўл ва ҳаво йўлларида кенг фойдаланилади. Логистика, АСМ тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва уларни сотиш жараёнларида талаб қилинадиган моддий, молиявий, техник ва ахборот ресурслари оқимини тизимли равишда бошқариш имконини кенгайтиради. Шу сабабдан ҳам АСМ тармоқлари хусусан, корхоналарда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш жараёнларида логистика инфратузилмасини ривожлантириш зарурати ҳозирги кунда долзарб масалалар сифатида эътирофга лойиқдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ошириш, агрологистикани ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳга ажратиш мумкин: Биринчи гуруҳ, қишлоқ хўжалиги корхоналари (ҚХК) фаолияти билан боғлиқ муаммолар:

- мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҚХК ходимларининг бир қисмида касбий малакаларнинг етарли даражада эмаслиги;

- маҳсулотларни сақлаш ва уларни ташиш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарида маълумотларнинг етарли эмаслиги, бунинг натижасида йўл қўйилган йўқотишлар;

- ички бозорни янги, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича корхоналар раҳбарларининг етарли даражада маълумотга эга эмаслиги, зарур ахборотлар билан таъминловчи тузилмалар билан изчил алоқаларнинг йўқлиги;

- хорижий мамлакатлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақлаш ва ташиш, логистик тузилма фаолиятлари бўйича тажрибалардан тадбиркорларнинг етарли даражада ахборотларга эга эмаслиги;

- етиштирилаётган маҳсулотларни реклама қилиш даражасининг юқори эмаслиги, реклама воситаларидан фойдаланиш йўллари ҳақида маълумотлар йўқлиги;

- маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш сифатининг талаб даражасида эмаслиги, баъзи ҳолларда “ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчига етгунча” қабилида иш кўрилиши.

Иккинчи гуруҳ, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш муаммолари:

- маҳсулотларни сақлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш шароитларининг талаб даражасида эмаслиги, инвесторларнинг талабларига етарли даражада жавоб бера олмаслиги;

- маҳсулотларни сақлаш учун керакли музлатгич ва омборларга кетадиган сарф-ҳаражатларни юқорилиги сабабли улар сонининг камлиги;

- маҳсулотларни сақлаш ва уларни ташиш учун техника ва технологияларнинг етарли эмаслиги;

- мамлакатда агрологистик инфратузилмани етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилганидек, агрологистика ўта мураккаб тизим бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги барча ҳаракат жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, ҳар бир логистика йўналиши ўзининг хусусиятига эга эканлигини, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ҳар бир логистик тизимни фаолияти тармоқ маҳсулотлари хусусиятларидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги

хар бир логистик самарадорлигининг йиғиндисидан эмас, балки уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

## **Этапы осуществления экономических реформ в землепользовании в Республике Узбекистан**

**Ташкентский государственный аграрный университет  
Ассистент Жураев Фарход Мамадиёрович  
Кафедра “Агрологистика”**

В статье обобщаются результаты аграрных реформ в Узбекистане, которые осуществлялись в несколько этапов, в ходе каждого из них происходили существенные изменения порядка землепользования, природы хозяйствующих субъектов и отношений между ними, а также отношений между сельскохозяйственными производителями и государством.

Maqolada O'zbekistonda bir necha bosqichlarda amalga oshirilgan agrar islohotlarning natijalari, ularning har birida yerdan foydalanishdagi sezilarli o'zgarishlar, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning tabiati va ular o'rtasidagi munosabatlar, shuningdek, qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilari va davlat o'rtasidagi munosabatlar yoritilgan.

**Цель.** Аграрные реформы в Узбекистане осуществлялись в несколько этапов. В ходе каждого из них происходили существенные изменения порядка землепользования, природы хозяйствующих субъектов и отношений между ними, а также отношений между сельскохозяйственными производителями и государством и что наиболее важно, – перераспределение сельскохозяйственных земель между категориями сельскохозяйственных производителей.

Первый этап аграрных реформ охватывает период с 1989 по 1993 годы. Еще до провозглашения независимости в Узбекистане были приняты меры, направленные на расширение личных подсобных хозяйств сельского населения. Каждая сельская семья получила дополнительный участок к уже имеющемуся у нее приусадебному участку. В начале 1990-х на эти цели было выделено около 400 тыс. га орошаемых земель, которые были переданы от совхозов (государственных предприятий) и колхозов в личные подсобные хозяйства.

Второй этап – приватизация и реструктуризация сельскохозяйственных предприятий (1993-1998гг.). Уже в 1993-1994 годах государственные предприятия (совхозы) были преобразованы в различные формы предприятий негосударственного сектора, прежде всего в сельскохозяйственные кооперативы.

На третьем этапе реформ (1998-2003гг.) главное внимание уделялось реформированию системы управления внутри ширкатов.

Четвертый этап реформ (2003-2009гг.) связан с утверждением арендной системы землепользования, преобразованием большинства ширкатов в фермерские хозяйства и ускоренным развитием фермерского движения. [1]

Фермерские хозяйства стали основными производителями сельскохозяйственной продукции. Фермерские хозяйства, специализирующиеся на производстве хлопка и зерна, стали выращивать эти культуры на орошаемых землях для государственных нужд (заменив в этом отношении ширкаты). Объемы производства хлопка-сырца и зерна стали устанавливаться не индивидуально для каждого хозяйства, а на республиканском и областном уровнях. Власти областей и районов получили возможность самостоятельно определять производителей, которые будут поставлять хлопок и пшеницу в пределах, установленных для области объемов.

На основании принятых в 2003-2004 годах нормативных актов были приняты меры по организации фермерских хозяйств на месте низкорентабельных и убыточных ширкатных хозяйств. Если на начало 2005г. число фермерских хозяйств составляло 125,7

тысяч, то в 2009 – 226 тысяч. На каждое фермерское хозяйство в эти годы приходилось в среднем по 26-30 га земли. Общая земельная площадь, выделенная фермерам, увеличилась с 3775,3 тыс. га в 2005 г. до 5993,5 тыс. га в 2009 г.

**Пятый этап** (2008г.- по настоящее время) включает в себя меры по оптимизации фермерских хозяйств.

Учитывая значительные масштабы высвобождения трудовых ресурсов при создании и оптимизации размеров фермерских хозяйств, государство стимулировало развитие малого агробизнеса и животноводства в дехканских хозяйствах. Широкое развитие получили тепличные хозяйства, птицеводческие, рыбоводческие предприятия, пчеловодство. Малый агробизнес абсорбировал часть высвобожденных трудовых ресурсов. Его развитие вызвало рост числа малых предприятий на селе, не являющихся ни фермерскими, ни дехканскими хозяйствами, но производящих сельскохозяйственную продукцию. С 2012 года государство усилило контроль над деятельностью фермерских хозяйств и ее результатами. Вместо Ассоциации дехканских и фермерских хозяйств были созданы Совет фермеров Узбекистана и советы фермеров в Республике Каракалпакстан, областях и районах. Они ведут работу по управлению деятельностью фермерских хозяйств и организационно-правовому укреплению фермерского движения. [2]

В 2013 году началась вторая волна оптимизации размеров земельных участков фермерских хозяйств. Необходимость оптимизации обосновывалась различным плодородием почв в разных регионах страны и исходила из накопленного опыта развития, эффективности и рентабельности действовавших хозяйств. Оптимизация могла означать увеличение площади предоставленного участка, для чего надо было пройти конкурс по предоставлению земельных участков или его уменьшение. Уменьшение размера земельного участка или ликвидация фермерского хозяйства могут происходить на добровольной основе или по инициативе местных органов власти. Возможность добровольного уменьшения площади земельного участка, введенное в действие в 2013 году, подразумевает разделение земельного участка при условии, что площадь каждого из новых земельных участков будет не меньше минимальной для хозяйств выбранной специализации. Это решение снимает ограничения, связанные с действовавшим ранее правилом неделимости земельного участка фермерского хозяйства. У фермера появилась возможность выделять в отдельные хозяйства взрослых детей или делить хозяйство между несколькими наследниками. Сокращение площади земельного участка или его изъятие по инициативе местных органов власти происходит на основании выявленных фактов нарушения фермерским хозяйством договорной дисциплины или неэффективного ведения хозяйственной деятельности.

Главными основаниями для недобровольной оптимизации являются: нецелевое использование предоставленных в аренду сельскохозяйственных угодий; нарушение специализации фермерского хозяйства; систематическое (в течение 3 лет подряд) получение урожаев ниже нормативно-кадастровой оценки; систематическое (в течение 3 лет подряд) невыполнение условий договора контрактации, заключенного с заготовительными организациями, прежде всего, по закупке сельскохозяйственной продукции для государственных нужд, за исключением случаев наступления форс-мажорных обстоятельств.

Согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан №22 "Об утверждении положения о порядке оптимизации размера земельного участка фермерского хозяйства и его ликвидации" от 31.01.2013г. в новом порядке наделения фермерских хозяйств земельными участками и их изъятия решение принимает не хоким района, а районный кенгаш (совет) народных депутатов по заключению территориальных советов фермеров и комиссий по рассмотрению вопросов предоставления земельных участков. [4]

Обратимся к статистике. Если в 1990 году большая часть посевных площадей находилась в ведении колхозов и совхозов – 3974,0 тыс. га, то на дехканские (тогда еще личные подсобные) хозяйства приходилось 216,5 тыс. га, а частных фермеров не было

вообще. По итогам 2014 года 3113,9 тыс. га посевов были именно в фермерских хозяйствах. Посевные площади дехканских хозяйств составили 474,3 тыс. га, а прочие сельхозпредприятия (государственные и негосударственные) засеяли 90 тыс. га.

В результате за годы реформ увеличились объемы производства основных видов продукции растениеводства и животноводства, особенно бахчи, плодов и ягод, овощей, картофеля (таблица 1).

**Таблица 1**

**Объем производства основных видов продукции растениеводства и животноводства в Республике Узбекистан, тыс. тн [5]**

Виды культуры	2005 г.	2010 г.	2015 г.	2016 г.	2018 г.	В 2018 г. к 2005 г., в %
Зерновые	5928	6657	8177	8600	6300	106,3
Хлопок-сырец	3728	3404	3350	3335	2300	61,7
Картофель	924	1695	2698	2342	2800	303,0
Овощи	3518	6347	10128	10250	9600	272,9
Бахчи	615	1183	1853	1850	1900	308,9
Плоды и ягоды	949	1710	2476	2731	2600	273,9
Мясо	1139,6	1461,4	2033,5	2033,5	2417,4	212,1
Молоко	4855,6	6169,0	9028,6	9028,1	10480,7	215,8
Яйца (млн.шт)	2128,2	3061,2	5526,	5525,9	7360,5	345,9

Как видно, в 2018 году всеми категориями хозяйств было выращено зерновых 6,3 млн. тонн, относительно 2005 года 106,3%, картофеля - 2,8 млн. тонн (относительно 2005 года 303,0%), овощей – 9,6 млн. тонн (272,9%), бахчевых культур - 1,9 млн. тонн (308,9%), фруктов – 2,6 млн. тонн (273,9%), мяса – 2,4 млн. тонн (212,1%), молока – 10,5 млн. тонн (215,8%) и яиц – 7360,5, что относительно 2005 года составляет 345,9 % (табл.1).

В свою очередь, уменьшение производства хлопка в Узбекистане связано с продолжением политики по перестройке национальной экономики, в частности, постепенным отходом от однобокой хлопководческой направленности сельского хозяйства и предоставлением высвобождаемых земель из-под хлопчатника другим сельскохозяйственным культурам. Как видно из таблицы, в 2018 году было собрано 2,3 млн. тонн хлопка-сырца, что по сравнению с 2005 годом меньше на 38,3 %. Сокращение посевов хлопка на тех полях, где его урожайность низкая, и рациональное размещения на них овощных, бахчевых, масличных, кормовых, бобовых культур, картофеля, интенсивных садов и виноградников обеспечит эффективное использование земельных и водных ресурсов, экспортный потенциал, увеличение темпов роста сельскохозяйственной продукции, и в конечном итоге будет обеспечена продовольственная безопасность. [3] К тому же, сегодня рынок хлопка перенасыщен и снижение объемов производства - общемировая тенденция.

**Выводы.** Сегодня фермерские, дехканские хозяйства – основные производители сельскохозяйственной продукции. Фермерские хозяйства как крупные частные производители товарной сельскохозяйственной продукции, и дехканские хозяйства как мелкотоварные семейные предприятия обладают большим потенциалом для обеспечения ускоренного и эффективного развития сельского хозяйства, расширения производства высококачественной и конкурентоспособной готовой продукции, дальнейшего ее продвижения на крупные зарубежные рынки. Для этого, помимо земельных реформ, о которых было сказано выше, правительством республики принимаются последовательные меры и в области ускоренного внедрения современных методов агротехники, создания интегрированных агропромышленных компаний, охватывающих цикл от производства до реализации, а также эффективного управления процессами производства и доставки продукции. В частности, только за 2018 год в этом направлении приняты такие нормативно-правовые акты, как:

Постановление Президента Республики Узбекистан от 17.01.2018 г. N ПП-3479 "О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья";

Указ Президента Республики Узбекистан от 20.02.2018 г. N УП-5354 "О внесении дополнения в Перечень отдельных видов продовольственных товаров и сырья, освобождаемых от уплаты таможенных платежей, за исключением сборов за таможенное оформление, сроком до 1 января 2019 года";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 28.02.2018 г. N ПП-3574 "О мерах по коренному совершенствованию системы финансирования производства хлопка-сырца и зерновых колосовых";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 28.03.2018 г. N ПП-3626 "О дополнительных мерах по повышению эффективности деятельности государственной службы по карантину растений";

Указ Президента Республики Узбекистан от 17.04.2018 г. N УП-5418 "О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления сельским и водным хозяйством";

Указ Президента Республики Узбекистан от 11.04.2018 г. N УП-5409 "О мерах по дальнейшему сокращению и упрощению лицензионных и разрешительных процедур в сфере предпринимательской деятельности, а также улучшению условий ведения бизнеса";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 26.04.2018 г. N ПП-3680 "О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности фермерских, дежканских хозяйств и владельцев приусадебных земель";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 27.04.2018 г. N ПП-3683 "О мерах по коренному совершенствованию системы семеноводства в Республике Узбекистан";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 05.05.2018 г. N ПП-3697 "О дополнительных мерах по созданию условий для развития активного предпринимательства и инновационной деятельности";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 10.05.2018 г. N ПП-3712 "О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов своевременного оснащения сельского хозяйства сельскохозяйственной техникой";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 29.05.2018 г. N ПП-3751 "О дополнительных мерах по повышению эффективности оказания механизированных и сервисных услуг сельскохозяйственным товаропроизводителям";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 02.07.2018 г. N ПП-3823 "О мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 16.10.2018 г. N ПП-3974 "О дополнительных мерах по реализации проекта "Развитие цепочки создания добавленной стоимости в секторе плодоовощеводства" с участием Азиатского банка развития";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 20.11.2018 г. N ПП-4020 "О мерах по созданию дополнительных условий для развития тепличных комплексов";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 20.11.2018 г. N ПП-4021 "О мерах по реализации проекта "Диверсификация и модернизация сельского хозяйства" с участием Международного фонда сельскохозяйственного развития";

Постановление Президента Республики Узбекистан от 27.12.2018 г. N ПП-4087 "О неотложных мерах по созданию благоприятных условий для широкого использования технологии капельного орошения при производстве хлопка-сырца" и др. [6]

Несмотря на созданные законодательные основы для эффективного развития аграрного сектора, анализ фактического состояния дел в этой сфере свидетельствует о серьезном отставании в реализации научно обоснованных агротехнических мероприятий, внедрении ресурсосберегающих технологий и передового опыта в сельском хозяйстве, недостаточном внимании модернизации и техническому оснащению отрасли, низком

уровне интеграции образования, науки и сельскохозяйственного производства, внедрения в аграрном секторе инновационных научных разработок, низком уровне квалификации специалистов сельского хозяйства и т.п. Это обуславливает ускоренную и правильную реализацию мер и мероприятий, изложенных в вышеуказанных и других принятых законодательных актах, а также необходимость дальнейшего реформирования отрасли.

#### **Использованная литература**

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП- 3226 "О важнейших направлениях углубления реформ в сельском хозяйстве" от 24 марта 2003 г.
2. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4478 "О мерах по дальнейшему совершенствованию организации деятельности и развитию фермерства в Узбекистане" от 22 октября 2012 г.
3. Постановление Кабинета Министров №362 «О мерах по оптимизации земельных участков, представленных для ведения фермерских хозяйств» от 15.12.2015г.
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №22 "Об утверждении положения о порядке оптимизации размера земельного участка фермерского хозяйства и его ликвидации" от 31.01.2013 г.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).- Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике
6. <https://nrm.uz> - Законодательство РУз / Перечни нормативно-правовых актов (справочно-поисковые) / Перечни документов, опубликованных в "Собрании законодательства Республики Узбекистан" / 2018 год.

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ**

**Файзуллаев Шухрат Шерали ўғли**  
**Тошкент давлат аграр университети ассистенти**

Мамлакатимизда сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали аҳоли даромадларини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз биргина гилос экспорт қилувчи мамлакатлар рейтингда юқори ўринга чиқиб олди. Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларда Ўзбекистонда етиштирилган маҳсулотларга талаб ортди. Бундай ижобий кўрсаткичларни янада яхшилаш қонунларни ҳам такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 645-сонли қарориди қишлоқ хўжалигида маҳсулотларини етиштираётган корхоналар фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар белгилаб берилган. Қарор иловасида келтирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмлари ва турлари ҳақидаги маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги миллий веб-сайтлар фаолиятини такомиллаштириш каби бўлимлар шулар жумласидандир. Шунингдек, маҳсулот тайёрловчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг биржа савдоларида харид қилинишини таъминлаш бўлимида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари ва турлари бўйича маълумотларни маҳсулот тайёрловчи, қайта ишловчи ҳамда экспорт қилувчи ташкилотларга реал вақт режимида етказиб бериш имконини берувчи ягона электрон ахборот тизимини яратиш бандида ушбу соҳа ривожини учун алоҳида тўхталиб ўтилган.

Сўнгги вақтларда ташқи сиёсатимизда амалга оширилган ижобий ислохотлар натижасида Тожикистон, Қирғизистон каби чегарадош давлатлар билан ўзаро дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланди, савдо-сотик ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Шу асосда

кўшни давлатлар билан 20 дан ортиқ чегара пунктлари ташкил этилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ишлар ҳам ўз навбатида маҳсулотларни четга экспорт қилиш бўйича имкониятлар эшигини очади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июльдаги қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги ЎРҚ-484 – сонли Қонунида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланадиган тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида Қонуннинг 30-моддасига асосан, аввалги қонундаги ўсимликлар карантини давлат хизмати органларини юк жўнатилиши кутилаётган кундан олдин хабар қилиш муддати 30 кундан 10 кунга, экспорт қилинаётган маҳсулотни текширув кўригидан ўтказиш учун тақдим қилиш муддати 15 кундан 3 кунга қисқартирилди.

Ушбу Қонун юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади ва соҳанинг бошқа тармоқлари ривожига бекиёс ҳисса қўшади. Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ва жамиятнинг бошқа зарур эҳтиёжларини қондиришга, sanoat корхоналари учун зарур хомашёлар етиштиришга хизмат қилади.

Дунё аҳолиси сони кескин кўпайиши асноси озиқ-овқатларга бўлган талаб ҳам ошиб, айна жабҳада жиддий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Аниқроғи, ишлаб чиқаришга янги, тежамкор, инновацион техника-технологияларни татбиқ этиш, илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланиш, озиқа бўладиган янги маҳсулот турларини яратиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг бош омилига айланмоқда, соҳа олимлари ва мутахассислари зиммасига янги вазифалар юкламоқда. Қолаверса, ҳар бир давлатни бошқалари билан алоқаларни мустаҳкамлашга ундаяпти. Чунки бугунги вазият қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фақат бир мамлакат доирасида эмас, балки умумжаҳон миқёсидаги ҳамкорлик негизида етиштиришга ўтиш талабини кучайтирапти. Озиқ-овқат маҳсулотларини баҳамжихатликда ишлаб чиқариш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаяпти. Бу вазифаларни амалга ошириш эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини самарали ташкиллаштиришни талаб қилади.


Юртимизда экспортни ривожлантириш борасида самарали сиёсат юритилмоқда. Бу ўринда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга чиқариш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Қуйида маҳсулот турлари бўйича экспортдаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон статистика давлат қўмитаси 2018 йилда мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дастлабки маълумотларни эълон қилди. Бу маҳсулот бўйича 2017 йилга нисбатан 36 фоизга (1,23 млн. тоннага), маблағ ҳисобидан 37,5% га (874,5 млн АҚШ долларига) ўсган. Ҳукумат яқин йилларда ҳам шундай ўсиш тенденциясини сақлаб қолиш ниятида.

**Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти (минг тонна)<sup>16</sup>**

<sup>16</sup> <https://uzanalytics.com/graphics/4126/>





Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, экспорт ҳажми миқдори йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

ОАВ да Давлат статистика қўмитаси маълумотларига таяниб эълон қилинган маълумотларга кўра, 2018 йилда сабзавотлар экспорти 84 фоизга (670,1 минг тоннага), мевалар 8,1 фоизга (307,6 минг тоннага), ер ёнғоқ 2,2 бараварга (29,3 минг тоннага) ўсган. Бироқ ўтган йилда Ўзбекистон тарвуз-қовунларни 4,1% кам экспорт қилган. Узум экспортида ҳам худди шундай ҳолат – унинг экспорти 206,8 минг тонна (3,3%)га камайган.

Январь ойида Берлинда бўлиб ўтган Озиқ-овқат ва агрокультура форумида ташки савдо вазири Жамшид Хўжаев 2021 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини 5 миллиард АҚШ долларигача оширишни режалаштираётганини маълум қилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг ортиши мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада яхшилашга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришда уларнинг миқдоридан ташқари, сифати ва тўйимлилигини, таркиби зарур моддалар билан бойитилганини, энергетик қувватини, килокалориясини ҳам ҳисобга олиш керак. Барча мамлакатлар одамлар фаровон ҳаёт кечириши учун зарур ноз-неъматларни ўз худудида етиштиришга ҳаракат қилишади, етишмаган қисмини эса импорт эвазига қоплашлари керак бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари эркинлигини янада ошириш, экспорт борасидаги мустақиллигини кенгайтириш, валюта ва бошқа моддийликлардан тўсиксиз мустақил фойдаланишлари учун қулай имкониятлар яратиш бериш мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишининг муҳим омиллари сирасига киради. Уларга боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этиш эса мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги учун хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунида ўРҚ-484 – сонли 2018 йил 9 июль

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори - 2018 йил 10 август 645-сон

3. <http://xs.uz/uzkr/post/qishloq-khozhligi-mahsulotlari-eksporti-yanada-oshadi>

4. <https://uzanalytics.com/graphics/4126/>

## **МАМЛАКАТИМИЗДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**Жўраев Фарход Мамадиёрович ТДАУ ассистенти**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Ўзбекистонда етиштирилаётган маҳсулотларнинг қийматини долзарблигини асословчи қишлоқ хўжалигидаги маҳсулотлар ёритилган. Республикада мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун мавжуд шарт-шароитлар мазкур маҳсулотларнинг ички эҳтиёжларимиздан ортиқ бўлган ҳажмларда ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилган.

Мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлиги ҳамда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мева-сабзавотлар ва узум етиштириш алоҳида ўрин тутади.. Бу биринчи галда мева-сабзавотчилик учун қулай табиий-иқлим шароити билан боғлиқ. Шунини таъкидлаш жоизки, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик бизнинг мамлакатимизда кўп асрлик илдизларга эга. Буюк Ипак йўли бунёд қилина бошлагандаёқ аждодларимиз Европа ва Осиёга жўнатиладиган, ўша замонлар учун экзотика бўлган мева ва сабзавотларни етиштиришган.

Республикада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, ички бозорни тўла таъминлаш баробарида қайта ишлаш корхоналари қувватини ва экспорт ҳажмларини ошириш, замонавий технологиялар асосида пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар ва янги токзорлар барпо этишга қаратилган бир қатор аниқ манзилли чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши натижасида ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2016 йилда пахта майдонлари 30,5 минг гектарга қисқартирилиб, ушбу ерларга ички ҳамда ташқи бозорда талаб юқори бўлган мева-сабзавотлар экилди. Бундан ташқари, 8,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғ, 5,2 минг гектарда токзорлар ташкил этилди, 6 минг гектар майдондаги боғ ва 3,5 минг гектардаги токзор қайта тикланди, 532 гектар майдонда 9,9 мингта замонавий иссиқхона барпо этилди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси доирасида кўзда тутилган ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида:

- барча тоифадаги хўжаликларнинг асосий майдонларига 106,5 минг гектар сабзавот, 64,9 минг гектар картошка ва 9,4 минг гектар полиз экинлари экилди;

- фермер, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан 89 гектар майдонда иссиқхоналар, 14,1 тонна ҳажмли музлаткич-өмборхоналар ҳамда 28,8 мингта хонадонларда 287 гектар иссиқхоналар ташкил этилди.

Бизга маълумки, АСМ мева-сабзавот қўйи тизимидаги ишлаб чиқариш жараёнларини турли шарт-шароитлар ва ташкилий, техник, иқтисодий-ижтимоий омилларнинг таъсири остида кечадики, уларни илмий жиҳатдан умумлаштириш талаб қилинади. Ишлаб чиқариш жараёни унинг энг аҳамиятли белгиларини тавсифловчи омилларни таснифлаш негизига қўрилиши лозим.

Тармоқнинг рақобат жиҳатидан тутган ўрнини таҳлил қилиш унга кирувчи корхоналарнинг кучли ва ожиз томонларини, шунингдек, у ёки бу даражада харидорларнинг корхонага бўлган муносабатига ва охир-оқибатда унинг аниқ товар бозорида сотув ҳажмидаги улушига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашни кўзда тутади. Мева-сабзавот қўйи мажмуасини фаолият кўрсатишида қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш корхоналари ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятининг узвий боғлиқлиги ва бирлаштирилиши катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг бутун фаолияти умумий пировард мақсадга-ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб беришга бўйсундирилиши лозим.

Корхона рақобатбардошлиги – бу кучли рақобат шароитида фойда олган ҳолда хўжалик фаолиятини амалга ошириш қобилиятидир. Шунингдек, рақобатбардошлик корхонанинг истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва рақобатчилар билан самарали иқтисодий алоқани амалга ошириш қобилиятини ҳам назарда тутади.

Истеъмолчилар билан ўзаро таъсир товарни олди-сотди қилиш орқали, етказиб берувчилар билан - ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар олди-сотдиси орқали, шериклар билан ўзаро таъсир савдо-сотик хизматлари орқали ва ниҳоят рақобатчилар билан ўзаро таъсир корхонанинг рақобат муҳитидаги фаоллигини рўёбга чиқарувчи жорий ва истиқболдаги ташкилий чора-тадбирлар тизими орқали амалга оширилади. Корхонанинг рақобатбардошлиги унинг фаолиятининг ҳар бир даврида, ҳар бир кўринишида намоён бўлади.

Корхонанинг рақобатбардошлигини қўйидагиларни ўз ичига оладиган салоҳиятли фазилатлар сифатида тавсифлаш мумкин:

Корхонанинг истеъмолчилар мақсадли гуруҳининг кутишларини реал баҳолай олиш ҳамда истеъмолчи ҳатти-ҳаракати тенденцияларини кузатиб бориш қобилияти. Бошқача айтганда, корхона истеъмолчи талабини ҳам ҳозирги даврда ўз вақтида, объектив ва аниқ баҳолай билиши, ҳам унинг келажакдаги ўзгаришини башорат қила олиш лозим. Бундай баҳолаш фақатгина мақсадли истеъмолчилар гуруҳининг илмий модели негизда бажарилиши мумкинки, ушбу модель мазкур истеъмолчиларнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий ва руҳий омилларини ҳисобга олган ҳолда замонавий социология ва маркетинг услублари асосида ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш натижалари мақсадли гуруҳ истеъмолчиларининг кутишларига нарх-сифат борасида энг юқори нафли товар сифатида мувофиқ келадиган қилиб ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш қобилияти. Натижалар ҳақида сўз борганда ишлаб чиқарилаётган товарнинг нафақат истеъмолчилик хусусиятлари, балки унинг маркетинг хусусиятлари (нархи, кафолатлари, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) ҳам назарда тутилади.

Самарали жорий маркетинг сиёсатини олиб бориш қобилияти.

Сотиладиган маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш омиллари – капитал, ишчи кучи, хомашё ва материаллар, энергия билан таъминлаш харажатларини пасайтириш учун шароитлар яратиш қобилияти.

Тармоқнинг бошқа аъзоларига нисбатан юксакроқ технологик ишлаб чиқаришни яратиш ва сақлаб туриш қобилияти. Бунинг учун қўлланаётган технологияларни ўз вақтида янгилаб туриш лозим. Булар ишлаб чиқаришга, сотишга, бошқаришга тегишли бўлиши мумкин.

Инновациялар асосида ишлаб чиқариш ва маркетинг соҳаларида самарали стратегияни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш қобилияти.

Юксак кадрлар салоҳиятини ҳам ижро даражасида, ҳам бошқарув даражасида яратиш ва ривожлантириш. Ижро этувчи ходимларнинг сифати унинг корхонада мавжуд ишлаб чиқариш технологияларидан самарали фойдаланишида ҳамда истикболли технологияларни ўзлаштиришга тайёр туришида намоён бўлади. Мутахассисларнинг сифати корхонанинг бозорда туган ўрнини кучайтириш учун техникавий, технологик, дизайнерлик ва бошқа соҳаларни чуқур идрок этишини таъминлашга қодир бўлган, корхонанинг стратегик мақсадлари билан узвий боғлиқ функционал вазифаларни кўйиш ва ҳал этишда намоён бўлади.

Бошқарув ходимларининг фазилатлари уларнинг тактика ва стратегия борасида тармоқ бозорларида корхонанинг рақобатли ўрнини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришнинг бозор имкониятларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш қобилиятида кўринади.

Юқорида санаб ўтилган фазилатларнинг рўёбга чиқарилиши корхона учун анча вақт рақобатчилардан реал ҳолда устун бўлишга имкон яратади. Бу устунликлар корхона бозор қийматининг ўсиши, унинг савдо маркасининг мустаҳкамланиши, ташқи муҳитнинг ноҳўя таъсирларига, жумладан рақобатчиларнинг ҳужумига нисбатан кўшимча бардошликни кучайтириш шаклида бўлади.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда корхонанинг имкониятларини кенгайтиради ҳамда унинг молиявий, хомашё ва бошқа бозорлардаги харажатлари салмоғини камайтиради. Бу нарса маҳсулотнинг нархи ва у келтирадиган фойдада ўз аксини топади.

Республика АСМ мева-сабзавотчилик тармоғининг таҳлили натижасида тармоқнинг куйидаги кучли ва заиф томонлари аниқланган:

**Кучли томонлар (ички омилар):**

- 1) аҳоли орасида олий маълумотлилар улушинг юқорилиги;
- 2) ноёб табиий-рекреацион салоҳиятнинг мавжудлиги;
- 3) экологиянинг яхши ҳолати;
- 4) ички ва хорижий бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотни чуқур қайта ишлаш йўлга қўйилган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш учун қулай тупроқ-иқлим шароити;
- 5) республикадаги дарёларнинг катта гидроэнергетик салоҳияти;
- 6) эркин ва арзон ишчи кучининг мавжудлиги;

**Заиф томонлар (ички омилар):**

маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг табиий-иқлим ўзгаришлари, тупроқ унумдорлигига боғлиқлиги;

меҳнат унумдорлигининг нисбатан пастлиги;

- 2) республикадаги аграр корхоналарнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рақобатбардошлигининг пастлиги;

- 3) инвестицион фаолликнинг пастлиги;
- 4) юқори даражали инвестициявий ва тадбиркор - таҳликалари;
- 5) республикадаги корхона ва ташкилотларга тегишли инвестицион ресурс манбаларининг етишмаслиги;

6) кўпчилик аграр корхоналарнинг моддий-техника базасининг қониқарсиз аҳволда эканлиги, корхоналарнинг юксак унумли ускуналар билан техник жиҳозланганлик даражасининг пастлиги (АСМ да меҳнат сифими юқори бўлган операцияларнинг деярли 60 фоизи қўл меҳнати билан бажарилади);

8) сифатли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, қишлоқ хўжалик хом-ашёсини чуқур ва мажмуавий қайта ишлашни таъминлайдиган чиқитсиз технологияларнинг жорий этилмаганлиги;

9) маҳсулотларнинг даладан истеъмолчига етказишгача бўлган даврда кўп йукотилиши, тез бузилиши, уларни сақлаш қувватлари, музлатгичларнинг етишмаслиги;

10) корхоналарнинг республиканинг ички бозорига ҳамда ташқи бозорга чиқиш харажатларининг юқорилиги;

11) маҳсулотларни экспорт килишда халқаро стандартларнинг тўлиқ жорий этилмаганлиги;

12) молиявий маблағларнинг чекланганлиги кичик бизнеснинг рақобатбардошлигини пасайтиради.

Умуман республика бўйича олиб қараганда мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш безарар соҳадир. Фақат об-ҳаво, иқлим шароити ғоят ноқулай келган йиллар бундан мустасно (баҳорги совуқ уриши, гуллаш ва мева туғиш давридаги кучли ёмғирлар).

Мева сабзавотчилик ва узумчилик тармоқларининг қайта ишловчи саноат ва улгуржи савдо билан узвий алоқалари илгаридан мавжуд бўлиб, буни тез бузиладиган ва кам транспортABELЛИ маҳсулот ҳисобланадиган мева ва узум етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари тақозо этади. Аммо бундай алоқалар фақат сотиш билан боғлиқ бўлиб, асосан маҳсулотнинг тезкор етказиб берилишини кафолатлар эди. Ҳозирги вақтда товарларга талаб кўпроқ маҳсулотнинг сифати билан белгиланадиган бўлгани учун ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳамма босқичларида ягона ва таъсирчан назоратни амалга ошириш объектив заруратга айланди.

Маҳсулот етказиб берувчи (қишлоқ хўжалиги) билан истеъмолчи (саноат ва савдо) ўртасида узвий иқтисодий алоқалар мавжуд бўлгандагина бозорнинг сифат борасидаги юксак талабларини қондириш, демакки ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рентабеллигини таъминлаш мумкин бўлиб қолди.

Мева сабзавотчилик ва узумчиликнинг самарадорлигини ошириш учун ҳам давлат, ҳам хўжаликларнинг ўзлари томонидан анчагина инвестицион маблағлар сарфини талаб қилувчи ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

2017 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 69 504,2 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 68 906,7 млрд.сўмни (101,9 фоиз), ўрмон хўжалигида – 117,9 млрд.сўмни (101,6 фоиз), балиқ хўжалигида – 479,6 млрд.сўмни (126,8 фоиз) ташкил қилди.

#### **Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши**



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 63,6 фоизи – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига, 34,7 фоизи – фермер хўжалиқларига, 1,7 фоизи – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига тўғри келиши кузатилди.

2017 йилда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 46890,6 млрд.сўмни ёки 2016 йилга нисбатан 100,7 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 69,0 фозни ташкил қилди.

2017 йилда 3 014,6 минг тонна (101,9 фоиз) картошка ишлаб чиқарилди, 11 433,6 минг тонна (101,4 фоиз) сабзавотлар, 2 094,8 минг тонна (102,4 фоиз) озиқбоп полиз, 3 076,3 минг тонна (101,1 фоиз) мева ва резаворлар, 1 748,9 минг тонна (100,8 фоиз) узум йиғиб олинди. Бундан ташқари 8,1 млн.тоннадан ортиқ дон экинлари ишлаб чиқарилди, 2,9 млн.тоннадан ошиқ пахта ҳам-ашёси йиғиб олинган бўлса, ўтган охириги йилларни таҳлил қиладиган бўлса, 2005-2018 йилларда Республика бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини умумий ҳолда 1- жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

1 - жадвал

Республика бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси.

(минг тонна)

№	Маҳсулот тури	2005	2010	2015	2016	2017	2018	Ўсиш сурати %
								2018 й. 2005 й. нисбатан фозда
1	Савзавот	5217,4	6346,4	10128,1	11272,5	11433,6	9635,1	184,6
2	Полиз	1071,3	1182,4	1853,1	2045,2	2094,8	1904,9	177,8
3	Картошка	916,8	1692,9	2696,7	2958,3	3014,6	2750,1	299,9
4	Мева	949,3	1710,3	2746,2	3042,7	3076,3	2589,7	272,8
5	Узум	641,6	987,4	1579	1735,3	1748,9	1564,5	244

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча турдаги маҳсулотлар бўйича уларнинг кўпайганлигини кўришимиз мумкин 2018 йилда **Савзавот** маҳсулотлари 9635,1 минг тонна, 2005 йилда 5217,4 (184,6) % ни ташкил этган бўлса, **Полиз** 1904,9 минг тонна 1071,3 ишлаб чиқарилган бўлиб (177,8) % **Картошка** 2750,1 минг тонна 916,8 минг тонна (299,9) % **Мева** 2589,7 минг тонна 949,3 минг тонна (272,8) % **узум** 1564,5 минг тонна 641,6 минг тонна (244) % маҳсулот етиштирилиб йиғиб олинди.

Демак, Мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан республикада ўзини ўзи таъминлаш, шунингдек, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар экспортини сезиларли даражада оширишни тақоза этади.

Мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг

асосий турлари билан республикада ўзини ўзи таъминлаш, шунингдек, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар экспортини сезиларли даражада оширишни тақозо этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, № 11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги "2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

5. <http://www.dissercat.com/content/>

6. <https://www.natural-sciences.ru/ru/article/>

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш йўллари**

**Дехканова Шахлохон Сағдиевна ТДАУ катта ўқитувчиси**

### **Аннотация**

Мақолада қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш йўллари, ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этиш каби масалалар ўрганиб чиқилган. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ер ва ундан фойдаланиш муносабатлари барқарор ривожланиб бормоқда. Бу борада, айниқса, соҳага доир такомиллаштириб борилаётган қонун ҳужжатлари қишлоқ хўжалигида янги имкониятларни яратиш, соҳага бозор талабларини жорий этиш ва ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари шуғулланадилар. Уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер Кодекси, «Қишлоқ хўжалик кооперативлари тўғрисида»ги қонун, «Ижара тўғрисида»ги қонун, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун, «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солиниши яққол кўринмоқда.

Аҳоли сонининг ортиб бориши билан ўз навбатида уларнинг эҳтиёжлари ҳам ўсиб боради. Бу эса жамият олдида яна бир масалани, яъни уларни эҳтиёжларини қондириш масаласини кўяди. Бу борда республикамизнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида чекланган ер ресурсларидан фойдаланиб етиштирилаётган маҳсулотларга бўлган чексиз эҳтиёжларни қондириш муҳим вазифа ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши бевосита ер ресурслари, уларнинг бугунги кундаги экологик, мелиоратив ҳолати, бир сўз билан айтганда тупроқнинг унумдорлик даражаси билан бевосита боғлиқ. Республикада

умумий ер фондлари етарлича бўлиб кўринсада, лекин суғориладиган деҳқончиликка яроқли ерлар унумдорлиги анча паст, шўрланиш даражаси анча юқори.

Шунинг учун ҳам ерни эъзозлаш, унинг унумдорлигини ошириш йўли билангина юқори ҳосил етиштириб, моддий бойликларни кўпроқ яратиш кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг асосий ва муқаддас бурчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ердан самарали фойдаланиш йўли билан моддий бойликлар яратиши ўртасида мутаносиблик бўлиши керак. Агар ердан самарали фойдаланиш жараёнида ернинг унумдорлигини мунтазам равишда ошириш йўли билан ҳосилдорликни оширишга эришилса, Уларнинг ижобий таъсирида тупроқнинг табиий унумдорлиги яхши бўлади. Сунъий ва иқтисодий унумдорлик эса инсон меҳнати натижасида шакллантирилиб, оширилиши мумкин.

Иқтисодий унумдорликни ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш муҳим муаммо ҳисобланади. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, тақрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда каби кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1990 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ўртача 0,20 га суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тўғри келган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 0,14 гектарни ташкил қилди. 2030 йилда эса бугунги кундаги ер майдонлари ҳажми камаймаган тақдирда ҳам, фақат аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига аҳоли жон бошига 0,12 га майдон тўғри келиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳозирги давр талаби суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, унумдорлигини ошириш, экин майдонларини кўпайтириб мўл ҳосил олиш билан бирга ер унумдорлигининг пасайиб кетишини олдини олиш, уни илмий асосланган тарзда муҳофаза қилиш ва бошқаришдир. Республикада умумий ер фондлари етарлича бўлиб кўринсада, лекин суғориладиган деҳқончиликка яроқли ерлар унумдорлиги анча паст, шўрланиш даражаси анча юқори.

Ерлардан самарали фойдаланишни режалаштириш, суғориш тармоқларидан бир меъёردа фойдаланиш ва геологик муҳитни ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш учун улардаги ўзгаришлар моҳиятини чуқур ўрганиш ва башорат қилиш зарур. Шунини таъкидлаш керакки, тупроқларни сифат жиҳатдан баҳолаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, десак муболаға булмайди.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишлар аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фойдаланишида бўлган ерлар майдони 1990 йилга нисбатан 2017 йилга келиб 12993,8 минг гектарга камайган. Бу ўзгариш республика ҳудудида яйлов ерларнинг ўрмон ер тоифаларига ўтиш муносабати ҳамда бошқа тоифадаги ерлар майдонининг ошиши ҳисобига рўй берган. Умуман олганда, ер фонди умумий майдонининг 692,6 минг гектарга камайиши фақат узоқ муддатга фойдаланишга олинган яйлов ерларни чегарадош давлатларга қайтариб берилганлиги ҳисобига келиб чиққан.

Республика ер фондини хўжалик мақсадидаги вазифаларига қараб бўлиниши у ёки бу мақсадда фойдаланишга берилган ерлар бажарадиган функциялари фарқига боғлиқдир.



Ер ислохотлари ерни ҳақиқий эгаларини топиш ишларини тўхтатмасдан давом эттириш зарурлигини талаб этади. Ер давлат мулки, уни олди сотди қилиш, ҳада этиш мумкин эмас, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда қўйидаги чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ер ресурсларидан фойдаланишда иқтисодий жавобгарликни йўлга қўйиш;  
ер ислохотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг иқтисодий манфаатдорлик механизмини такомиллаштириш;

хўжалик ерларида алмашлаб экиш механизмини янада самарали йўлга қўйиш, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;

янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;  
ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;

ер муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

Ердан самарали фойдаланиш натижалари ҳосилдорлик, яъни экин майдони бирлигига олинган ҳосил, олинган соф даромад, фойда, рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар билан аниқланади. Фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштирилиши натижасида ердан самарали фойдаланишда юқори натижаларга эришилмоқда.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ер ресурслари – бу табиат инъом этган буюк неъматдир. Улардан самарали фойдаланишнинг илғор технологияларини амалиётга жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалигида меҳнатни илмий ташкил этиш, ходимлар малакасини ошириш келажакда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорликка эришишга замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони

2. Вазирлар Маҳкамасининг 3.04.2018 йилдаги «Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 258-сон қарори.

3. О.Муртазаев, Ф.В.Ахроров. “Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti”- darslik. T.: ILM-ZIYO, 2017 y.

### **ҚИЗИЛМИЯ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ СУВНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ МАНБАИДИР**

**А.Ж.Тошбоев и.ф.н, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети**  
**А.М.Закимов таянч докторант, Қорақалпоқ давлат университети**

#### **Аннотация**

Қарақолпоғистон Республикаси ҳудудларида қизилмия ўсимлиги фармацевтика саноати учун зарур хом-ашё маҳсулоти бўлиб уни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш имкониятлари, кам меҳнат ва сув талаб этилиши, шурхоқ ва мелиоратив ҳолати паст бўлган туманларда экишни ташкил этиш йўллари ҳамда бошқарув тизимини яхшилаш бўйича қабул қилинган янги қарорларнинг моҳияти очиб берилган.

**Таянч иборалар:** Ширинмия, доривор, фармацевтика, инвестиция, сувтежамкор, экспорт, шўрхок ерлар, иқтисодий зона, жойлаштириш, ариқ бўйида бошқариш, қарорлар, Нукус фарм

Бугун иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида, жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш олдимиздаги улкан вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти тамонидан олиб борилаётган ислоҳатларда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ҳамда унинг экспорт солоҳиятини оширишга асосий эътибор қаратилган. Маълумки, узок йиллардан бери ўз харидорини ва асл қийматга эга эканлигини тополмасдан келаётган Қарақалпоқ заминида учрайдиган қизилмия ўсимлиги бугунги кунда фармацевтика саноатида катта аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлди. Қизилмия илдизидан тайёрланган препаратлар қуруқ ва қуюқ экстрактлари, ҳамда шарбати турли шамоллаш, сил ва ўпка касалликларида, ВИЧ инфекцияси – СПИД га қарши, жигар, нафас йўллари ва юрак-қон томирлари касалланганда, модда алмашинувини маъёрига келтириш, бўғма, экзема, онкологик, овқатдан заҳарланиш, меъда, ошқозон, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси яллиғланганда, тери куйганда ва бошқа кўп касалликларни даволашда ишлатилади.

Қизилмия ўсимлиги асосан зовур ва ариқлар бўйида ўсадиган кам меҳнат ва сув талаб қиладиган экин турларидан ҳисобланади. Бу шўрхок мелиоратив ҳолати ёмон ерларда ҳам етиштириш имкониятига эга бўлганлиги учун тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олиб кўпгина туманларда қизилмия ўсимлигини етиштириш йўлга қўйилмоқда. Узок йиллардан буён эътибордан четда қолган саноат ўсимлигини етиштиришга катта эътибор қаратилиб унинг ҳуқуқий-ташқилий ва иқтисодий асослари шакиллантирилмоқда. Жумладан қизилмия ўсимлигини етиштиришни кўпайтириш учун хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратилди. Натижада узок йиллардан буён ўз харидорини топмаган маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш имкониятлари кенгайди. Масалан: Қарақолпоғистон республикаси ҳудудларида кенг тарқалган “қизилмия” ўсимлигига хорижий давлатларнинг қизиқиши тобора ортиб кенг миқёсда экспорт қилинмоқда. Бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаларидан маълумки, эркин иқтисодий зоналар иннестизион фаолиятни ривожлантириш, илғор инновацион технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш талабларини жорий этиш орқали рақобатдошлигини ошириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳоли даромадини ошириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Хорижий мамлакатларнинг миллий иқтисодиётни ташкил этиш ва ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналар муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эркин (махсус) иқтисодий зоналар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон хўжалик алоқалари учун эркин иқтисодий зоналар халқаро товар айитрбошлашни фаоллаштириш ҳисобига иқтисодий ўсишни тезлаштириш, сармояларни жалб этиш, иқтисодий жараёнларни чуқурлаштиришга замин яратади. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ишлари бевосита иқтисодий, молиявий ва ижтимоий сиёсат билан боғлиқ. Чунки, бир давлатнинг географик жойлашуви бошқа давлатнинг географик жойлашувидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳар бир давлат эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишни турлича олиб боради. Эркин иқтисодий зоналарда имтиёз ва рағбатларнинг ўзига хос тизими бўлиб, миллий иқтисодий зоналарнинг бир қисмидир. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишда давлат капитал ва инвестиция оқимини ҳамма жойда ишлатишни истамайди. Шунинг учун ҳам махсус эркин зоналар ташкил этилиб ўз фаолиятини олиб боради. Республикада ташкил этилаётган айрим эркин иқтисодий зоналар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан доривор экинлардан маҳсулот этиштиришга ихтисослашган. Чунки, қулай табиий

иклим шароитига эга бўлган худудларда юкори технологиялар ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ракобатбардош махсулотларни экспортга йўналтириш, валюта тушумини ошириш имкониятлари яратилади. Масалан: Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган “Нукус-фарм” эркин иқтисодий зонаси фармоцевтика саноатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб унда қизилмия ўсимлигини кўпайтириш ва қайта ишлаш, реализация қилиш ҳисобига фаолият юритиши кўзда тутилган. “Нукус-фарм” эркин иқтисодий зонаси учун, Республикаси Президентининг 2017 йил 16 майдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия илдизи махсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва саноатда қайта ишлаш чоралари тўғрисида”ги ПК-2970-сонли қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 22 майда 329 сонли қарорида Қорақалпоғистон Республикаси худуддида 2017-2021 йиллар давомида 16010 гектар майдонга қизилмия плантацияси экилиши ва 2016 йилда 2020 гектар майдонга қизилмия этиштириш бўйича деҳқончилик қилинмоқда. Қизилмия ўсимлигининг илдизи жаҳон бозорида ракобатбардош махсулот бўлганлиги сабабли унга хорижий компаниялар тамонидан қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки, қизилмия илдизидан олинган махсулот шифобахш хусусиятларга эга бўлиб, фармокология, косметология ҳамда озик-овқат саноатида кенг фойдаланилмоқда. Қизилмия ўсимлигининг илдизини тайёрлаш ва қайта ишлаш билан республиканинг ўттиздан ортик корхонаси фаолият олиб бориб, қайта ишланган қизилмия илдизининг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда. Тадбиркорлар тамонидан туман захирасидаги бўш турган объектларни “ноль” харид қийматида олиб фаолиятини кенгайтириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қарақолпоғистон республикасида қизилмия ўсимлигининг илдизини хусусий секторлар тамонидан йиғиштирилиб сотиш ишлари ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган. Лекин давлат тамонидан қизилмия ўсимлигидан махсулот олиш ва уни экспорт қилишга эътибор берилмасдан келинган. Ҳукуматимиз тамонидан 2017 йилда қизилмия экин майдонлари ва ялпи ҳосилини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, самарали амалга ошириш ишлари бошлаб юборилмоқда. Қизилмия ўсимлигини кўпайтириш ва уни қайта ишлаш ишларини яхшилаш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

Қизилмия ўсимлигини жойлаштириш ва ихтисослаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

Қизилмия ўсимлигини кам меҳнат ва сув талаб этадиган экин тури бўлиб уни етиштирувчи субъектлар фаолиятини шакиллантириш;

Қизилмия етиштиришнинг агрехникасини ишлаб чиқиш ва махсулот олиш ҳамда қайта ишлаш, экспорт қилишнинг ташкилий асосларини яратиш;

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқарув тизимини яхшилашдан иборат.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Республикаси Президентининг 2017 йил 16 майдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия илдизи махсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва саноатда қайта ишлаш чоралари тўғрисида”ги ПК-2970-сонли қарори.

2. Қорақолпоғистон республикасида ширинмия (қизилмия) етиштириш бўйича илмий асосланган қўлланма. Нукус. Қўлланма. 2017, 18бет.

**SUV XO'JALIGIDA SUV ISTE'MOLCHILARI UYUSHMALARI FAOLIYATINI  
TAKOMILLASHTIRISH HAMDA DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIGINI  
TASHKIL ETISH**

**Nasullayeva Y.N. TIQXMMI talabasi**

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada suv xo'jaligida suv iste'molchilari uyushmalarining faoliyatini takomillashtirish, ularni fermer va dehqon xo'jaliklari bilan munosabatlarini yanada yaxshilash hamda davlat-xususiy sherikchiligin itashkil etishga doir masalalar tadbiq etilgan. Suv iste'molchilari uyushmalarini faoliyatini takomillashtirish orqali suv resurrlaridan samarali foydalanishga erishish mumkinligi ko'zda tutilgan.

Suv tabiatning bebaho ne'matlaridan biri, tirik mavjudotning hayot manbaidir. Sayyoramizning 70%i suv bilan qoplangan bo'lsa, shundan atigi 2,5%ini chuchuk suv tashkil etadi. Qolgani – yerosti suvlari. O'zbekistonda suv resurrlarining 90% dan ko'prog'i dehqonchlikka sarflanadi. 1 gektar maydonni sug'orish uchun o'rtacha 12,5 ming kub metr suv ishlatiladi. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar sharoitida qishloq xo'jaligi uchun suvdan foydalanish huquqining o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida suvdan foydalanish ustidan davlat boshqaruvining hudud tamoyiliga o'tilgani, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish tizimining o'zgargani, fermer xo'jaliklarining asosiy ishlab chiqarish obyektiga aylangani, suvdan foydalanish uyushmalari tashkil topgani suvdan foydalanishning huquqiy muammolarini tadqiq qilishda yangicha yondashuvni taqozo etmoqda. Suv xo'jaligida va qishloq xo'jaligida suvdan foydalanish huquqiy institutini takomillashtirish zaruriyati tug'ilmoqda.

“Suv va suvdan foydalanish to'g'risida”gi Qonunning 13-bobi suv obyektlarida qishloq xo'jalik ehtiyojlari uchun foydalanishni tartibga solishga bag'ishlangan. Qonunning 47-moddasiga asosan, qishloq xo'jaligi ehtiyojlari uchun suvdan foydalanish va suv iste'moli qishloq xo'jaligi ehtiyojlari uchun suvdan foydalanish va suv iste'moli qishloq xo'jaligi korxonalari, muassasalari, tashkilotlari, shuningdek, fuqarolarning sug'oriladigan yerlarida qulay suv rejimini ta'minlash maqsadida amalga oshiriladi[4].

Suv resurrlarida noqilona va samarali foydalanishning asosini yetkazib berilayotgan suvga iste'molchilarning qadrli munosabatda bo'lishini tashkil qiladi. Bunda suv iste'molchilarning suv yetkazib beruvchilar bilan hamkorlikda ish olib borishlari va suvdan foydalanishni to'g'ri yo'lga qo'yishlari muhim ahamiyatga ega. Har bir suv iste'molchisi (xususan fermerlar) sug'orishdan 5 kun oldin suv iste'molchilari uyushmalariga suv olish uchun yozma talabnoma berishlari lozim. Suv iste'molchilari o'rtasida suvdan navbatma-navbat foydalanishni yo'lga qo'yish suv resurrlaridan oqilona va samarali foydalanishning eng asosiy shartlaridan sanaladi.

Suv iste'molchilari uyushmalari - yuridik shaxs bo'lgan suv iste'molchilari tomonidan suvga doir munosabatlar sohasidagi o'z faoliyatlarini muvofiqlashtirish, shuningdek umumiy manfaatlarini ifodalash va himoya qilish uchun ixtiyoriy asosda tashkil etiladigan nodavlat notijorat tashkilotidir[1]. Suv iste'molchilari - fermer, dehqon xo'jaliklari, tarmoq egalari va boshqalar bo'lib, adolatli suv taqsimoti hamda irrigatsiya - melioratsiya tarmoqlaridan samarali foydalanishni yo'lga qo'yish orqali uyushma hududida sug'orma dehqonchilikni rivojlantiradilar va buning uchun o'zlarini moliyaviy va texnik imkoniyatlarini birlashtiradilar. Suv iste'molchilari uyushmasi zimmasiga xo'jalik ichki sug'orish tarmoqlarini bir maromda ishlatish, ikkilamchi suv iste'molchilari o'rtasida adolatli suv taqsimotini o'rnatish, sug'orishning ilg'or texnologiyalarini joriy qilish hamda ularning huquqlarini himoya qilish kabi vazifalar yuklatilgan.

Suv iste'molchilari uyushmalari va fermer xo'jaliklari o'rtasidagi hisob-kitoblar hisobini to'g'ri yo'lga qo'yish muhim masalalardan biri hisoblanadi. Suv iste'molchilari

uyushmalari(SIU)ga a'zo bo'lgan fermer xo'jaliklari Suv iste'molchilari uyushmalari rahbariyati tomonidan tayyorlangan xarajatlar smetasini umumiy yig'ilishda ko'rib chiqib, xarajatlarni belgilangan muddatlarda badal sifatida to'lab berilishi lozim. Lekin, amaliyotda bu to'lovlar belgilangan muddatlarda amalga oshirilmaslik hollari ko'p uchraydi. Natijada suv iste'molchilari uyushmalari rahbariyati yetkazib berilgan. Qishloq xo'jaligida suvdan foydalanishga doir munosabatlarni tartibga solishda suv iste'molchilari uyushmalarining o'rni muhim. Bugungi kunda respublikamizda 1486 ta suvdan foydalanish uyushmasi faoliyat yuritib kelmoqda. Ularning xizmat ko'rsatish hududida joylashgan ariq, kanal va zovurlarda tozalash ishlari, irrigatsiya, melioratsiya ishlari boshqa yuridik shaxslar tomonidan sifatli darajada bajarilmasligi oqibatida yetishtirilayotgan ekinlarning suvga ehtiyoji yetarli darajada qondirilmayapti. Bu esa mazkur uyushmalar faoliyatini takomillashtirish lozimligini ko'rsatadi[3].

Suv zahiralardan samarali foydalanish uchun tahliliy tuzilmani rivojlantirish foydadan holi emas, toki sohadagi mavjud ahvol chuqur o'rganilib, uni o'lchash choralari ishlab chiqilsa va bu chora – tadbirlarni amalga oshirish uchun zarur kapital mablag'larni yo'naltirilsa. Ushbu tuzilma ham respublika hukumati, ham donorlar tomonidan, eng asosiysi, mahalliy hokimliklar va tarmoq mutaxassislari tomonidan ham qo'llab – quvvatlansa maqsadga muvofiq bo'ladi. Suv xo'jaligi organlarining mustaqilligini oshirish, avvalo, tuman bo'g'inlarining, ularda mehnat qilayotgan gidrotexniklar, gidrometrlar va malakali miroblarning faoliyatini kuchaytirishni taqozo etadi. Buning uchun hisobdorlik va nazorat hamda ishonch mexanizmlari ishlab chiqilishi lozim bo'ladi. Bunda hisob-kitob ustuvor ahamiyat kasb etadi, chunki suv zaxiralarini boshqarish uchun aniq ma'lumotga ega bo'lish juda muhim. SIU o'z a'zolari bo'lgan suv iste'molchilariga sug'orish tarmog'idagi suvni taqsimlash va uyushmani demokratik asosda boshqarishda faol qatnashish imkoniyatini beradi. Suv iste'molchilari SIUning moliyaviy boshqaruvini oshkora tashkil etishlari uyushma faoliyatining barqaror rivojlanishini ta'minlaydi. Bu qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarini birlashtirgan holda nafaqat suv xo'jaligi, balki qishloq xo'jaligi bilan bog'liq umumiy muammolarni hal qilishda ham yordam beradi. Bundan tashqari suvdan samarali foydalanish hisobiga qishloq xo'jaligi ekinlarining hosildorligining oshishi fermerda ertangi kunga yanada ishonch uyg'otadi[2]. Fermer va dehqon xo'jaliklari suv iste'molini ularga xizmat ko'rsatuvchi suv iste'molchilari uyushmalari tomonidan belgilangan suv ob'ektlaridan har yilgi suv olish limitlari asosida boshqa qishloq xo'jaligi korxonalarini bilan teng huquqlarda amalga oshiradi. Fermer va dehqon xo'jaliklarining suv ob'ektlaridan suv olish limitlari ularning noroziligisiz o'zgartirilishi mumkin emas, manbalarning suvi kamaygan holler bundan mustasno. Fermer va dehqon xo'jaliklari suv iste'mol huquqini davlat boshqaruvi organlari va mahalliy davlat hokimiyati tomonidan cheklashga faqat qonunda belgilangan hollarda yo'l qo'yiladi.

Suv iste'molchilari uyushmalari suvni suv iste'molchilariga yetkazib berayotganliklari uchun hisob - kitobni to'g'ri amalga oshirishlari lozim. Buning uchun albatta SIU rahbari quyidagilarni ta'minlashi shart:

- Ichki hisob va hisobot tizimini ishlab chiqilishini;
- xo'jalik operatsiyalarini nazorat qilish tartibini;
- buxgalteriya hisobi to'liq va aniq yuritilishini;
- hisob- kitob hujjatlarini saqlanishini;
- tashqi foydalanuvchilar uchun moliyaviy hisobot tayyorlanishini;
- soliq hisobotlari va boshqa moliyaviy hujjatlar tayyorlanishini;
- hisob-kitoblar o'z vaqtida amalga oshirilishini.

Qishloq xo'jaligi ehtiyojlari uchun suv iste'moli rejalari ham suv iste'molchilari uyushmalari tomonidan tuziladi va umumlashtirish uchun irrigatsiya tizimlari boshqarmalari va irrigatsiya tizimlari havza boshqarmalariga taqdim etiladi. Qishloq xo'jaligi tarmog'ining jadal rivojlanishi, o'z navbatida, suv resurslari iste'molining ortib borishiga olib keladi, ushbu holat yuzaga kelayotgan chaqiruv va xatarlarga nisbatan o'z vaqtida choralari ko'rilmagan taqdirda, mamlakat oziq – ovqat xavfsizligini ta'minlashga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Qishloq xo'jaligi munosabatlarni chuqur qayta ishlash, qishloq xo'jaliklari va SIUlar o'rtasida davlat –

xususiyl sherikchiligi mexanizmlarini takomillashtirish, shuningdek Suv iste'molchilari uyushmalarining ham faoliyatini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Suv iste'molchilari uyushmalari suv iste'molchilariga suvni yetkazib berishda asosiy vazifani amalga oshirishadi. Fermer va qishloq xo'jaliklari bilan SIU lar o'rtasida hamkorlikni to'g'ri tashkil etish orqali davlat ham suv iste'molchilari ham o'z navbatida manfaatdor bo'ladilar. Ular o'rtasidagi hamkorlik barcha suv iste'molchilariga suvni o'z vaqtida va yetarli miqdorda yetkazib berilishini ta'minlaydi. Undan tashqari bugungi kundagi dolzarb muammolardan biri ya'ni suv resurslaridan samarali foydalanishga erishiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Qarori. O'zbekiston Respublikasida suvdan foydalanish va suv iste'moli tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida.82-son 19.03.2013

2. Rizayev T. Suv iste'molchilari uyushmalarining faoliyatini muvofiqlashtirish muammolari va yechimlari// O'zbekiston qishloq xo'jaligi. – Toshkent, 2013 -№2

3. [www.agromart.uz](http://www.agromart.uz) – internet sayti.

4. [www.huquqburch.uz](http://www.huquqburch.uz) – internet sayti.

Ilmiy rahbar: dots. U.R.Sangirova

## **АГРАР ТАРМОҚ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ**

**Тошкент давлат аграр университети ассистенти К.М.Шодмонқулов**  
**Тошкент давлат иқтисодий университети магистранти С.Ж.Тураев**

### **Аннотация**

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ортган қисмини халқаро бозорларда сотиш зарурати ортиб бормоқда. Шу орқали халқаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ўз навбатида инфратузилмалар ҳамда коммуникация тармоқларининг ривожланишига олиб келади.

Ҳозирги кунда Республикамиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида катта имкониятга эга. Лекин, бу имкониятлардан ҳозирча етарлича фойдаланилаётгани йўқ.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор суръатлар билан ривожланиб бориши аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини эса хомашё билан таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда республикамизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга замин яратади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Истиқболдаги ривожланиш стратегиямизда - қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади”[1].

Мамлакат экспорт салоҳиятининг юксалишида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга. Аграр сектор экспорт салоҳияти – қулай табиий-иқлим шароити, меҳнат ресурсларининг етарлилиги, нисбатан ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик даражаси билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий ва ташкилий механизмлари тақлиф этиш мумкин.

Ҳуқуқий – меъёрий механизм:

экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи махсус ҳудудларни шакллантириш мақсадида “Қишлоқ хўжалиги экспорт ҳудудлари” дастурини ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

юридик ва жисмоний шахслар экспорт фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқлар тенглигини таъминлаш;

тез бузилувчи маҳсулотларни қўшни мамлакатлар ҳудудларидан олиб ўтиш бўйича давлатлараро битим тузиш;

такроран солиққа тортишда МДХ давлатлари билан солиқ юкани енгиллаштириш бўйича битим тузиш.

Иқтисодий механизм:

- кичик бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларида экспорт олди кредитлаш механизмини ишлаб чиқиш;

- янги барпо этилган боғ ва тоқзорларни ҳосилга киргунча ягона ер солиғидан озод қилиш;

- ёқилғи - мойлаш материаллари ва кимёвий ўғитлар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлаш механизмини тадбиқ этиш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини республика ҳудуди бўйича ташишда автомобиль ва темир йўл тарифларини мавсумий пасайтирилган ставкаларини жорий этиш.

Ташкилий механизм:

- мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, яъни катта сифимга эга омборхоналар, музлаткичлар, ювиш, саралаш, қадоқлаш, ўраш тизимини ташкил қилиш;

- миллий экспортёрларни жаҳон бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришлар тўғрисидаги жорий ва башорат ахборотлари билан таъминлаш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида ички ва ташқи бозорлар маркетинг марказини ташкил этиш;

- маҳсулотлар сифатини ошириш мақсадида стандартлаш ва сертификациялаш, жумладан фитосанитар, техник, экологик стандартлар ва талабларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Республикамизда аграр тармоқ экспорт салоҳиятини оширишда қўйидаги ижобий ва салбий омиллар таъсир қилади.

Ижобий омиллар қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай иқлим шароити мавжуд;

арзон ишчи кучи кўп, маҳсулотларни қайта ишлаш учун корхоналар қуввати етарли;

маҳсулотларни қадоқлаш тизими яратилган; давлат томонидан экспорт қилувчиларга бир қатор имтиёзлар берилган.

Салбий омиллар қўйидагилардан иборат: мева-сабзавот маҳсулотлари сифати паст; мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш тизимида муаммолар кўп; маҳсулот етиштириш учун ер майдони асосан майда хўжаликларда, кичик ҳажмда етиштирилмоқда; ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан юқори; экспорт қилувчиларнинг кўпчилиги экспорт бўйича етарли даражада билимга эга эмас; экспорт қилувчиларнинг кўп қисми таваккал иш тутади; экспорт қилишда олдиндан кўпроқ пул тушумини таъминланмаган; маҳсулотлар асосан паст нарх таклиф қилаётган қўшни давлатларга сотилмоқда; «экспорт харажатлари» кескин ошиб бормоқда; денгизга чиқиш учун камида икки давлат ҳудудини кесиб ўтиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорларга экспорт қилишнинг мамлакат ва миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун қўйидаги афзаллик томонлари мавжуд[3]:

- маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ортган қисмини жаҳон бозорларида сотиш мамлакат учун валюта маблағлари ишлаб топиш, валюта резервларини ошириш ҳамда тўлов балансини мустаҳкамлашга имкон яратади;

- товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз маҳсулотларини экспорт қилиш валюта ишлаб топиш, сотишдан пул тушумлари ва фойдани кўпайштириш учун қўшимча имкониятлар очади;

- жаҳон бозорлари, айниқса Европа Иттифоқи каби ривожланган мамлакатлар бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол, сифат ва экологик хавфсизлик жиҳатларига қўйиладиган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари талаблари жуда юқори бўлиб, бу ҳолат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларининг истеъмол хусусиятлари, сифати ва экологик хавфсизлигини мунтазам ошириб боришга мажбур қилади;

- ички бозор тўйинган шароитда ортиқча маҳсулотларни экспортга чиқариш жаҳон бозорларининг бир қисмини эгаллаш орқали сотувлар ҳажмини ва даромадларни оширишга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эвазига таъминланадиган “қўлам самараси” маҳсулотлар таннархини пасайтиришга, сотилмай туриб қоладиган маҳсулотларни йўқотишдан келадиган зарарлардан сақлашга имкон беради;

- жаҳоннинг турли минтақаларидаги бозорларда фаолият кўрсатиш иқлимдаги хилма-хиллик ва мавсумийликка боғлиқ ҳолда маҳсулот турлари ҳамда ишлаб чиқаришни доимо диверсификация қилишга йўл очади;

- ички бозорда йилнинг маълум мавсумида ўз маҳсулотини сотиши мумкин бўлган товар ишлаб чиқарувчилар иқлимдаги хилма-хиллик эвазига жаҳон бозорларида йил давомида маҳсулот сотишга эришишлари мумкин;

давлатлараро ва корхоналараро товар айланмаси ҳамда кооперацион-ишлаб чиқариш алоқалари кенгайди;

ҳалқаро савдо ишлаб чиқариш ресурсларини оптимал тақсимлашга йўл очиб, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиради ва ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиради;

миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун жаҳоннинг капитал, товар, хомашё-ресурс, молиявий, меҳнат, илмий ва ахборот бозорларига кенг йўл очилади;

жаҳон бозорларида кучли рақобат муҳитининг мавжудлиги товарлар ассортименти ва сифатининг яхшиланишига, қўшимча сервис хизматларининг ривожланишига олиб келади;

ҳалқаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ўз навбатида инфратузилмалар ҳамда коммуникация тармоқларининг ривожланишига олиб келади;

миллий бозор сиғими кичик бўлган мамлакатлар учун янги бозорларга чиқиш имконияти пайдо бўлади;

миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашишга, янги билим ва қўникмаларни эгаллашга ҳамда илғор технологиялар ва инновацион ғоялардан биргаликда фойдаланишга йўл очади.

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади. Айнан ана шу соҳаларда ҳали фойдаланилмаган улкан имконият ва салоҳият кўп.

Экспортга маҳсулот чиқарадиган саноат корхоналаридан фарқли равишда кичик бизнес субъектлари ва фермерлар ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан олган валюта тушумларининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятидан озод қилингани ва уларнинг экспортга маҳсулот етказиб беришдан, аввало, ўзларининг манфаатдор бўлишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Россия мева-сабзавот маҳсулотлари бозоридаги мавқеани мустаҳкамлаш қайта ишлаш саноатини, иссиқхона хўжаликларини ва мамлакат мева-сабзавот мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал суръатларда ривожлантиришни тақозо этади.

Республикамиз томат пастаси ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда бешта энг етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланса, қуруқ мевалар ишлаб чиқариш бўйича ўнинчи ўринни



эгаллайди. Ўзбекистондан тоmat пастаси асосида ишлаб чиқарилган кетчуп ва озуқа кўшимчалари муваффақиятли экспорт қилинмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш механизми ўзаро боғлиқ бўлган ҳукукий, иқтисодий ва ташкилий чоратadbирлардан иборат бўлиши лозим. Мазкур механизмни самарали амалга оширишда давлат асосий мувофиқлаштирувчи ролни бажаради. Бунда давлатнинг бевосита бошқарув кўлами чекланган бўлиши, қўллаб-қувватлаш механизми мақсадли дастурлар доирасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш қўйидагиларни ўз ичига олади: солиқ имтиёзлари, субсидиялар, хусусий қўйилмаларни кафолатлаш, имтиёзли кредитлар, инфратузилма масалаларини ҳал этишга ёрдам бериш, бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш тизимининг таркибий қисмларидан яна бири миллий экспортёрлар ҳимоясини таъминлаш учун экспорт кредитларини тижорат ва сиёсий хавф-хатарлардан суғурталаш, шунингдек, хорижий бозорларни ўзлаштириш бўйича экспорт операцияларни суғурталаш ҳисобланади. Мазкур чора-таadbирларни амалга ошириш учун республикадаги банклар ишини фаоллаштириш лозим[4].

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ташкил қилиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёсини даладан оралиқ истеъмолчилар (қайта ишлаш корхонлари, савдо компаниялари ёки улгуржи воситачилар)га улгуржи сотиш;

- чакана савдода хом-ашё кўринишида истеъмол қилиш учун озиқ-овқат товарлари ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотиш;

Шунингдек, озиқ-овқат товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотишни кенг тарқалган шакллари қўйидагилар:

- саноат ва савдо компанияларининг фермерлар билан қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш;

- фермер кооперативлари маҳсулотларини қабул қилиш орқали сотиш;

- тармоқлараро битимлар доирасида маҳсулотларни катта партиядо сотиш, булар кооперативлар, қишлоқ хўжалиги компаниялари, муассасалар ва бошқа турдаги таadbиркорлар бўлишлари мумкин;

- биржа савдолари;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита фермерларнинг ўзи улгуржи воситачилар ёки қайта ишловчи агентлар, савдо ташкилотларига сотиши.

Хулоса қилиб айтганда, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва ҳажмини кўпайтириш учун ҳосилдорлик ва экин майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, экспорт ҳаражатларини камайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-таadbирлар ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда амалиётга жорий этиш лозим.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини яхшилаш учун экспорт қилувчи корхоналар ва экспортга алоқадор ташкилотлар томонидан маркетинг изланишларини чуқурроқ олиб бориш керак. Шу орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янги бозорларга экспорт қилиш имконияти ошади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қўйидаги таклиф ва тавсияларни қилиш имконини беради:

- Республикадаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу орқали мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланган экин турлари бўйича ҳосилдорлик даражасини янада ошириш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, уларни ташқи ва ички бозорларга сифатли етказиб беришни таъминлаш мақсадида агрологистика марказларини сонини кўпайтириш ва ундаги ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиниш, қадоқлаш, бирламчи қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхоналарга янада кўпроқ қулайликлар яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга етказиб бериш билан боғлиқ жараёнларни янада соддалаштириш керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.

3. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Убайдуллаев. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод – Молия, - 2010. - 610 бет.

4. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014

5. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

#### **Қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини ошириш бўйича олиб борилган ислохотлар таҳлили ва истиқболлари**

#### **3.3.Юсупов, ТДАУ мустақил изланувчи**

##### **Аннотация**

Мақолада мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини техник салоҳиятини ошириш бўйича олиб борилган ислохотлар натижаси ва ундан келиб чиқадиган хулосалар ёритилган, шунингдек, келгусида аграр соҳа техник салоҳиятини сифат ва сон жиҳатдан янада ошириш бўйича тавсиялар берилган.

##### **Аннотация**

В статье изложены результаты проводимых реформ по повышению технического потенциала в сельском хозяйстве и выводы вытекающие из этого, а также даны рекомендации по дальнейшему качественному и количественному повышению технического потенциала аграрного сектора.

##### **Abstract**

The article presents the results of the ongoing reforms to improve the technical potential in agriculture and the conclusions arising from this, as well as recommendations for a further qualitative and quantitative increase in the technical potential of the agricultural sector.

Мамлакатимизда аграр соҳа иқтисодиётимизни равақ топишида алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан, мустақилликка эришганимиздан кейин олиб борилган иқтисодий ислохотларда асосий эътибор унинг самарадорлигини ошириш ва соҳани бақарор ривожлантиришга қаратиб келинди. Турли мулкчилик шакллари ривожлантирилиши ва фермер хўжаликларини истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида жадал ривожлантирилиши билан бирга уларни ва умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, унинг техник ва технологик салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор бериб келинди. Мустақиллик йилларида республикамиз ҳукумати томонидан аграр соҳани техник салоҳиятини ошириш учун бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, мустақилликка эришганимиздан сўнг қишлоқ хўжалигида ўсимликчиликдаги мавжуд техник салоҳиятни сақлаб қолиш ва янада мустахкамлаш ҳамда юқори унумдор техника воситаларни бир жойга жамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 95-сонли “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-техник хизмат кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди ва унга асосан туманлардаги эски “Сельхозтехника” бўлимлари негизида ДАЖ МТП лар ташкил этилди ва уларнинг сони 185 тага етказилди. Шундан сўнг, давлат қафолати остида лизинг асосида АҚШнинг етакчи қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи бўлган “Кейс” Корпорациясининг юқори унумли техника воситалари олиб келина бошланди. Ундан сўнг, собиқ ширкат хўжаликларидаги мавжуд техник салоҳиятни сақлаб қолиш мақсадида 1998 йил 10 мартдаги “Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустахкамлаш ва уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сонли қарори билан муқобил МТПлар ташкил этила бошланди ва ҳозирги вақтда ва уларнинг сони 1641 тага етди ва ҳозирда улар ихтиёрида унда 16124дан ортиқ турли русумдаги тракторлар жамланди.

Ўзбекистон аграр соҳасини қишлоқ хўжалиги машинасозлигисиз барқарор ривожлантириб бўлмаслигини англаган ҳолда ҳамда республика қишлоқ хўжалигини замонавий техника ва механизация воситалари билан таъминлаш, бозор шароитларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик машинасозлиги бошқаруви тузилмасини шакллантириш, шунингдек тармоқ корхоналарининг барқарор ва самарали ишлашига эришиш, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларининг рақобатга бардошлилигини ошириш мақсадида 1996 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 45-сонли қарори қабул қилинди ва «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компаниясини ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида республикада лизинг муносабатларини кенг ривожланиши учун мустахкам ҳуқуқий ва меъёрий асослар яратиб берилганлиги натижасида турли лизинг компаниялари чонининг ортиши улар ўртасидаги рақобатни кучайтишига олиб келди. Аксарият тижорат банклари ва кредит муассасалари ҳам ўзларининг лизинг дастурларини амалга ошира бошладилар. Лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техника воситаларини сотиб олиш аграр соҳа субъектларининг асосий талабларидан бирига айланиб улгурди ва соҳани техник ва технологик жиҳатдан славиятини оширишида муҳим восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражасини тубдан ошириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало етакчи хорижий компанияларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сонли “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши бу салбий ҳолатларни бартараф этиш ва мамлакатимиз тарихида ушбу йўналишда туб бурилиш ясади.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ватанимиз аграр машинасозлиги ривожланишида янги босқични бошлаб берди десак муболаға бўлмайди. Янгиликлар қаторида замонавий қишлоқ хўжалиги техника воситаларини яратиш бўйича ихтисослаштирилган конструкторлик бюросини ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу тузилма мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва озуқа ишлаб чиқаришда фойдаланиб келаётган тупроққа ишлов бериш, экиш, йиғим терим техникаларига бўлган

талабларни ҳисобга олган ҳолда техника ва жиҳозларни лойиҳалаштиришга ихтисослаштирилди.

Бундан ташқари мамлакатимизда чет эл инвесторлари учун қулай ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратилганлиги боис, ривожланган давлатларнинг сармояси иштирокида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи кўшма корхоналар сони ортиб бормоқда, жумладан: “ЎзКейсмаш”, “ЎзКейстрактор”, “ЎзКлаасагро”, «Лемкен-Чирчик» ва бошқа кўшма корхоналар фаолият юрита бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида республикаимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик салоҳиятини оширишнинг асосани уч босқичдан иборат бўлди, биринчи босқич бу 1995-1998 йилларни қамраб олиб, Мавжуд техник ва технологик салоҳият сақлаб қолишга ҳаракат қилинди ва замонавий техника ва технологиялар жорий этиш бошлаб берилди. Иккинчи босқич эса 1999-2011 йилларни ўз ичига олиб, бунда Кўшма корхоналар томонидан замонавий қишлоқ хўжалиги техника воситалари ишлаб чиқарилиши ва улар билан аграр соҳани таъминлашга ва натижада қишлоқ хўжалигини техник ва технологик салоҳияти оширишга эришилди.

Ва ниҳоят учинчи босқич 2012 йилдан бошланди ҳозирги вақтгача давом этиб келмоқда. Бу даврда аграр соҳа машинасозлиги тизимини бошқариш тизими такомиллаштирилди. Қабул қилинган комплекс дастурлар асосида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик салоҳияти янги босқичга кўтарилишига замин яратилди. (1-жадвал). Мустақиллик йилларида республикаимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича олиб борилган ислоҳотлар тахлили натижалари қуйидаги хулосаларга келишга асос бўлади, яъни:

#### 1-жадвал

#### Мустақиллик йилларида республикаимизда қишлоқ хўжалигини техник салоҳиятини оширишнинг асосий босқичлари<sup>17</sup>

Босқичлар	Амалга оширилган асосий тадбирлар	Эришилган натижалар
I босқич 1995-1998 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 24 мартдаги 95-сонли қарори билан ДАЖ МТП лар ташкил этилди ва уларнинг сони 185 тага етди. 1998 йил 10 март 106-сонли қарор билан муқобил МТП лар ташкил этилди ва уларнинг сони 196 тага етказилди, 1996 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 45-сонли қарори қабул қилинди	Мавжуд техник ва технологик салоҳият сақлаб қолишга ҳаракат қилинди ва замонавий техника ва технологиялар жорий этиш бошлаб берилди
II босқич 1999-2011 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан 1999 йилда “Лизинг тўғрисида” қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси ВМ нинг 2000 й. 20 ноябрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзқишлоқхўжаликлизинг» акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилди. Лизинг 2005 й. 60,9 млрдга, 2000-2005 йй. қишлоқ хўжалик	Кўшма корхоналар томонидан замонавий қишлоқ хўжалиги техника воситалари ишлаб чиқарилиши ва улар билан аграр соҳани таъминлашга ва натижада қишлоқ хўжалигини техник ва технологик салоҳияти

<sup>17</sup>Манба: Муаллифларнинг тадқиқотлари асосида тузилган

	корхоналарига 7500донадан ортиқ техника воситалари етказиб бердилар. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг жойлардаги техник марказлари очилди.	оширишга эришилди
III босқич 2012 йилдан ҳозирги вақтгача	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 май ПҚ-1758-сонли “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. “2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича Комплекс тадбирлар”лари тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг  2014 йил 15 майдаги ПҚ-2176-сонли “Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Акциядорлик жамияти шаклидаги агросаноат машинасозлиги холдинг компаниясини «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси ташкил этилди	Аграр соҳа машинасозлиги тизимини бошқариш тизими такомиллаштирилди.  Қабул қилинган комплекс дастурлар асосида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик салоҳияти янги босқичга кўтарилишига замин яратилди.

- аграр соҳанинг техник ва технологик салоҳиятини оширишнинг муҳим негизи бу қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасининг ривожлантиришдир, ушбу масала бўйича 1996 йилда қабул қилинган қарор билан “Ўзқишлоқхўжаликмаш- холдинг” Холдинг компанияси ташкил этилди, лекин 2007 йилда бу тузилма тугатилди, бу бир қатор масалаларни ҳал этилмаслигига сабаб бўлди;

- ханузгача қишлоқ хўжалиги корхоналари учун янги техникаси ёки илғор технологиялар жорий этишлари учун узоқ муддатли, яъни камила 20-30 йиллик имтиёзли кредитлар бериш механизми ишлаб чиқилмади;

тижорат банкларида юқори унумли техника ёки технологияларни учун зарур кредит ресурслари ресурслар етишмаслиги, иқтисодийнинг бошқа тармоқларига нисбатан аграр соҳага жалб этилаётган инвестицияларнинг камлиги;

- техника сотувчи ва лизинга берувчи корхоналарда дастлабки давридаги молиявий қийинчиликлар, қишлоқ хўжалик корхоналари тўлов қобилиятининг нисбатан пастлиги, малакали кадрлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги соҳани жадаллик билан ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги ва бошқалар

Аграр соҳанинг техник салоҳиятини ошириш учун келгусида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, жумладан:

қишлоқ хўжалигини мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган техника воситалари ва янги технологик ускуналар билан таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим;

қишлоқ хўжалиги машинасозлиг заводларининг модернизациялаш, уларни техник ва технологик янгилаш ҳамда қайта жиҳозлаш учун инвестиция маблағлари ҳажмини ошириш;

қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи завод билан фермер хўжалиги ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш ва бунда фермерларнинг техника воситаларига бўлган талабини тўлиқ ҳисобга олиш;

фермерларни янги техника ва илғор технологияларни жорий этганлиги учун манфаатдорлигини ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва уларга солиқ, молия-кредит ва суғурта имтиёзларини янада кенг жорий этиш ва бошқалар.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун ушбу соҳада бозор муносабатларини кенг жорий этиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича тизимли дастурлар ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич амалга оширилиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Лизинг тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Т.: 1999., 14 апрел.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 95-сонли “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-техник хизмат кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 майдаги ПҚ-2176-сонли “Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

4. Середина Н.А. Построение эффективной системы мониторинга и воспроизводства технического потенциала в сельском хозяйстве региона. Отчет научно-исследовательского проекта поддержанного российским гуманитарным научным фондом. Россия-2014г

5. Ветошкин Г.К. Кооперативные формы обслуживания и использования сельскохозяйственной техники. Достижение науки и техники АПК. 1998 г. № 1, 36-39 стр.

6. Гафоров А. Агросаноат комплекси ва қишлоқ хўжалигини химиялаштириш. Т. Ўзбекистон. 1988 й., 38-бет.

7. Чориев К.А. “Формирование и совершенствование механизма эффективного использования ресурсного потенциала сельского хозяйства (на примере Республики Узбекистан)” мавзусидаги докторлик диссертацияси. Тошкент-1992 й.

8. Шахмаев М.В. Экономическая эффективность применения сельскохозяйственной техники. М. 1983 г., 207 стр.

9. Хусанов Р.Х., Хамдамов А. Н, Рафиқов И.Э. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Тошкент – 2001.

Интернет сайтлар:

10. <http://textbook.ru/catalogue/book>:

11. <http://web.book.ru/cgi-bin/book.plpage4&book88899>

### **Мева-сабзавотчилик фермер хўжаликларини ривожлантиришда агросаноат фирмаларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш**

#### **ТошДАУ “Агрологистика” кафедраси ассистенти Н.Н.Болтаев**

Мева-сабзавотчилик тармоғидаги мавжуд имконият ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мева – сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш тизимида кооперациялашув жараёнларни рағбатлантириш орқали, аҳолини йил давомида арзон ва сифатли мева – сабзавот ва узум маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулотларни экспорт ҳажминини янада кўпайтириш орқали валюта тушумини ошириш каби масалалар ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Биринчи президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек “Биринчи навбатда жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш

ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур”<sup>18</sup> биринчи президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг моҳияти ва долзарблигидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда мева-сабзавотчилик тармоғида Президент Фармони асосида ташкил этилган агрофирмалар, улар таркибига кирган фермер хўжаликлари, мева – сабзавот ва узум маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ташкилий – иқтисодий муносабатларнинг номукамаллиги, агрофирмалар ва фермер хўжаликлари фаолиятини модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.<sup>19</sup>

Бундай шароитда ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тармоқлари ўртасида кооперация жараёнларини ривожлантириш ушбу жараёнда қатнашувчи корхоналар манфаатларига мувофиқ келиб, тармоқда ер, ишчи кучи ва асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Чунки агросаноат фирмалари нафақат Ўзбекистон балки бошқа ривожланган хорижий давлатларда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали ва илғор усуллари билан ҳисобланади. Республика мева-сабзавотчилик тармоғида агросаноат фирмаларини ташкил этила бошлагандан кейинги ўтган даврда, улар фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, агрофирмалар фаолиятида мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етазиб бериш жараёнларида айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, агрофирмалар таркибининг асосини ташкил этувчи фермер хўжаликлари ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги тузиладиган шартнома шартларининг тўлиқ бажарилмаслиги ва ўзаро ҳисоб-китобларда юзага келмоқда.

Мисол учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига қўра 2012 йилда республикада мавжуд 283 та агросаноат фирмалари улар таркибига кирган 17653 та фермер хўжаликлари билан, жами 16312 та, қимати 295 365 минг сўм бўлган 1 704 810 тонна маҳсулот сотиб олиш бўйича шартномалар тузган бўлиб, берилиши лозим бўлган 87 502 минг сўм бўнак суммасидан 56 117 минг ёки жами бўнак маблағларининг 63,0 фоизини берган. 2017 йилда агросаноат фирмалари сони бир мунча камайиб 262 тани ташкил этгани ҳолда фермер хўжаликларига берилиши лозим бўлган 77 260 минг сўм бўнак маблағидан 23 153 минг сўми ёки 29,9 фоизи берилган ҳолос. Такидлаш керакки, 2017 йилда агросаноат фирмалари томонидан 1 417 143 тонна мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар тузилган бўлиб, сотиб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 29,9 фоизи қайта ишлашга, 7,2 фоизи экспортга, 19,7 фоизи турли хил ярмарка савдоларида сотишга ва қолган қисми соғлиқни сақлаш таълим ва бошқа мақсадларда ишлатилган.<sup>20</sup> Президент Фармонида агросаноат фирмаларига юклатилган асосий вазифалар сифатида “Мева-сабзавот ва узумни тайёрлаш, ташаш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда уларни ички ва ташқи бозорларга сотиш” .....”экспорт потенциалини кўпайтириш ва инвестициялар жалб этиш”<sup>21</sup> в.х.к. деб белгилаб қўйилганидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериладиган бўлса, бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган агросаноат фирмалар фаолияти қониқарсиз ҳолатда дейишимиз учун тўлиқ асос бор. Мисол учун Тошкент вилояти Паркент туманидаги агросаноат фирмалари фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, туманда 11 та агросаноат фирмалари бўлиб

<sup>18</sup>Биринчи президент Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи рўзномаси 2015 йил 19 январь.

<sup>19</sup> “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги президент қарори 14.03.2019

<sup>20</sup> Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан баён қилинди.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи 10январ 2006й.

улар таркибига фақат 310 та фермер хўжаликлари аъзо қилиб киритилган. Ҳолбуки мазкур туманда 4 та мева-сабзавот маҳсулотларини, 7 та узумни қайта ишлаш бўйича кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатади.<sup>22</sup>

Умуман Тошкент вилояти Пакент туманидаги агросаноат фирмалари фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда агрофирмалар фақат расмий равишда фаолият юритмоқдалар. Уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун моддий ва молиявий ресурслар етишмайди. Вилоятнинг Қибрай туманидаги агрофирмалар фаолияти ўрганилганида ҳам худди шундай қониқарсиз ҳолатда эканлиги маълум бўлди.

Бир сўз билан айтганда Президентимизнинг алоҳида Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган агросаноат фирмалари, уларни ташкил этиш тамойилларига тўлиқ амал қилинмаганлиги, фаолиятларини ривожлантириш бўйича юқорида қайд этилган ҳужжатларда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилмаслиги улар фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда дейиш мумкин. Бизнингча агросаноат фирмалари ва кооперацияни ривожлантириш борасида қайд этилган муаммоларни фақат АСМнинг барча тармоқларининг айна ҳолатда агросаноат фирмалари таркибига кирган барча хўжалик субъектлари ўзаро манфаатларини ҳисобга олиш орқалигина ҳал этиш мумкин бўлади.

Демак, биринчи навбатда агрофирмаларнинг таъсис ҳужжатларидан бошлаб, мавжуд меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга биноан тўлиқ тартибга солиш, тизимда ўзаро шартномавий муносабатларни тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ва бунинг учун масъул бўлган давлат ташкилотларининг масъулиятини ошириш талаб этилади. Бундан ташқари айрим ҳолатларда агрофирмалар таркибига кирган қайта ишлаш корхоналаридаги мавжуд қувватларнинг етишмаслиги, ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш даражасининг қониқарсиз ҳолатда бўлишлигига олиб келмоқда. Ушбу салбий ҳолатни бартараф этиш учун мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш технологияларига кенг қўламли инвестициялар жалб қилиниши орқали улар фаолиятини модернизациялашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш учун агрофирмалар фаолиятини ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этиш, уларнинг ташкилий-бошқарув механизмини такомиллаштириш, бунда агрофирмалар таркибига кооперация асосида бирлашган бозор субъектларинининг фаолият жараёнида қўшилган қиймат яратиш даражаларидан келиб чиққан ҳолда моддий манфаатдорликларини таъминлаш асосий мезон сифатида олинниши лозим деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Гаффоров А. Агросаноат комплекси ва қишлоқ хўжалигини химиялаштириш. Т. Ўзбекистон. 1988 й., 38-бет.

2. Ҳусанов Р.Ҳ., Ҳамдамов А. Н, Рафиқов И.Э. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Тошкент – 2001.

Интернет сайтлар:

3. <http://textbook.ru/catalogue/book>:

4. <http://web.book.ru/cgi-bin/book.plpage4&book88899>

<sup>22</sup>Пакент туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари



## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИГА ҲАР ХИЛ ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТУПРОҚ ХОССА ВА ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институтининг магистранти Аловхонова Д.Ш.**

### **Аннотация**

Қишлоқ хўжалиги ерларига ишлов беришда анъанавий механик ишлов бериш ва ресурс тежамкор технологиялар қаторига кирувчи ерга минимал ишлов бериш усулларининг фарқи, ерга минимал ишлов бериш технологиясининг тупроқга таъсири изоҳланган ва таҳлил қилинган.

Бугунги кунда долзарб глобал экологик муаммолар қаторида унумдор ерларнинг камайиши, дигродацияси, чўлланиши, тупроқ сифатининг пасайиши муҳим ва ечим талаб муаммо бўлиб турибди. Бунга мисол БМТ нинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг “ер экотизимларини асраш” номли 15-мақсади [5], ФАО (САСИЛМ) II Марказий Осиё Давлатларининг ўсимликларни химоя қилиш менежментининг бу борадаги ҳаракатлари [6], ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 3.3 бандининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш масалаларига қаратилган мақсадлари мисол бўла олади [1]. Айниқса қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати муҳим аҳамият касб этади. Ер экотизимларини асраш ва тупроқ ресурсларини химоя қилиш учун қишлоқ хўжалиги ерларига анъанавий ишлов бериш технологиясига қандай алтернатив ечим топиш мумкин?

Кўп йиллар мобайнида ерга эгалик қилувчи шахслар бадавлат ва ижтимоий энг баланд қатлам ваъкиллари бўлиб ҳисобланган. Чунки ер яни тупроқ ресурси инсон ҳаёти ва чорвачилик учун зарур бўлган озуқанинг манбаси бўлган. Вақт ўтиши билан ер нафақат озиқ овқат билан таъминлаш балки саноат тармоқларини хом ашё билан таъминлаш вазифасини ҳам бажаришни бошлаган. Ерга интенсив равишда кучли ва ўша даврда ягона маълум ишлов бериш йўли яъни механик ишлов бериш оқибатида тупроқ ҳаммамиз учун фойдали хусусиятларини йўқота бошлаган. 1934 йилда Эдвард Фолкнер “Дехқоннинг телбалиги” номли илмий асари билан механик ишлов бериш усулига бутунлай зид келувчи ғояни таклиф қилган, ва бу ғоянинг номи ерга минимал ишлов бериш бўлган. Сўнгра кўп мамлакатлар ва олим, фермерлар бу мавзуда илмий изланишлар олиб борганлар. Бора бора ерга минимал ишлов технологияси ерга анъанавий ишлов бериш усулининг алтернатив ечими сифатида кўп мамлакатларда қўлланила бошланди ва кўп ижобий оқибатларга олиб келди.

Ерга минимал ишлов бериш орқали ерга экин экишдан олдин ерни тайёрлаш ва ағдаришга кетадиган вақт қисқаради, демак экин экиш вақти ҳам қисқаради. Бу эса вақтнинг тежаланишидир. Ушбу технология тупроқдаги намлик буғланишининг пасайишига олиб келади, бу эса суғориладиган сувларни тежашга олиб келади, ирригацион эрозияни олдини олади. Бу факторлар эса қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда муҳим аҳамиятга эга. Тупроқнинг озуқа элементларининг шакилланишига таъсир этувчи факторларга тупроқ ресурсларини тежовчи технологияларнинг ижобий таъсири кўп олимлар томонидан исботланган. Мисол учун: тупроқ органик моддасининг ортиши, тупроқ ғоваклигининг ортиши, азотнинг биологик фиксациясининг ортиши, уларнинг тупроқнинг чуқурроқ қатламларига кириб бориши ва шу орқали тупроқ илдиз қатламини озуқа моддалари билан таъминлай олиши.

Ерга минимал ишлов беришда агрономик муҳим моддаларнинг кўпайиши кузатилган. Нольга тенг ва минимал ишлов беришда далада қолдирилган сомон ва ўсимлик қолдиқлари нам тўплаш ва намликни сақлаб қолиш вазифасини бажарган. Бу намлик захираси жуда ҳам муҳим. Уруғ ривожланишининг критик фазаларида 24,2-24,9 мм илдиз ривожланиш қатламида уруғни намлик билан таъминлайди. Ўсимлик

қолдиқларининг авзал томоларидан яна бири шундаки, ўсимлик қолдиқлари чириши оқибатида улар органик унумдор моддаларни хосил қилади ва ерни бутун вегетация даври давомида фосфор билан таъминлайди. Минимал ва нольга тенг ишлов бериш усулларида тупроқнинг целлюлозолитик фаоллик кўрсаткичлари ан анавий ишлов бериш усулига қараганда юқори бўлган. Ушбу технология тупроқнинг хосса ва хусусиятларни тиклайди. Бундан ташқари гербицитларга кетадиган харажат йўқолади. Ўсимлик қолдиқлари ёрдамида дала фонини тўқлаштириш хисобига тупроқнинг иссиқлик тортиш хусусиятини кучайтириш мумкин бу эса уруғнинг кеч чиқишини олдини олиши мумкин [2].

Ерга минимал ишлов бериш туфайли атроф муҳитнинг  $\text{CO}_2$  газлари билан захарланишининг имкон қадар камайишига эришиш мумкин [3].

Ерга минимал ишлов бериш тупроқнинг биоген хусусиятини оширади мезофаунанинг ортишига ёрдам беради бу эса биологик сақланишнинг муҳим омилдир. Биологик фаолликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бу тупроқнинг намлигидир. Минимал ишлов бериш технологияси эса тупроқ намлигига ижобий таъсир кўратади. Ердаги копиллярлар 1-2 м чуқурликда ёмғир чувалчангларининг ва бошқа оргонизмларнинг хаётий фаолияти ҳамда ўсимлик илдизлари туфайли шакилланади. Ушбу копиллярлар тупроқнинг сув-физик ҳолатини таъминлайди. Ундан ташқари тупроқдаги аэроб микроорғонизмлари тупроқдаги микроэлементларни ўсимлик учун қайта ишлаб озуқа элементларини яратади. Механик ишлов натижасида тупроқда яшовчи ёмғир чувалчанглари қирилади ва аэроб микроорғонизмлар йўқотилади. Жумладан аммонифицирик бактериялар – 7011 000 дан 3842 000 гача камайиши, амилитик бактерия ва актиномицетлар – 9747 дан 5820 (1,7 мартагача); нитрификаторлар – 6,4 мингдан 3,0 минггача камайиши ва фостаф ферментларининг фаоллигини тушиши кузатилган [4]. Ерга ишлов бериш усули нафақат тупроқнинг сифатига, ўсимликнинг ривожланишига ҳам таъсир қилади. Бундай тажрибалардан бирининг натижаси ўсимлик ризосферасининг биологик фаоллиги ўсимлик ривожланиш фазаси ва ерга берилган ишловга нисбатан ўзгариб борганлигини кўрсатган.

Ерга минимал ишлов бериш натижасида ишлаб чиқариш харажатлари тахминан 5 мартага камайтиради. Шулардан 90% қишлоқ хўжалиги техникаси паркига (12 минг га ерни бир дона кучли трактор 18 метрли экиш комплекси, бир дона 27 метрли пуркатгич, 5 та комбайн 9 метрли жилкалар билан). 70% га ёқилғи ва мойлаш моддаларидан иқтисод қилинган (93 дан 24л/га.ча). Мехнат харажатлари кескин камайган. Уруғ сифатининг ва хосилнинг ошиши, тупроқ деградациясининг тўхташи, ва гумус миқдорининг ошиб бориш тенденцияси кузатилган [4].

Ўрганилган натижаларга асосланиб қишлоқ хўжалиги ерларини эксплуатация қилишда ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроқ ресурс тежамкор технологиянинг 3 хил принципда ташкил этилиш керак деган хулосага келдим.

Булар:

-биринчиси ўсимлик ўсишининг бутун даврида тупроқ қатламининг минимал даражада ишлов берилишига эришиш (ерга минимал ишлов бериш);

- иккинчиси доимий равишда ўсимлик қолдиқларини қолдириш ва шу билан органик қисмни ташкил этиш;

- учинчиси диверсификацияни жорий этиш.

Ерни хайдамасдан ишлов бериш - бу ишлов бериш самарадорлигининг ошиши ва шу билан бирга харажатларнинг камайишидир. Бундай ишлов беришда , тупроқнинг унумдор қатламининг тикланишига эришилади бу эса келажак авлод учун хосилдор ерларни қолдириш ва ушбу хосилдор ерларга кам харажат қилиш йўли орқали эгалик қилиш имкониятини яратиш демакдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 феврал 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси дастури тўғрисидаги фармони. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди.
2. Пасин А.В., Кистанова Л.А., Пасин П.А. Инновационные технологии обработки почвы при посеве зерновых культур в условиях нижегородской области. Успехи современного естествознания. – 2016. –№ 8 – С. 73-77
3. Орлов Е. Ноу-тилл: за и против. AgroOne №5. Апрель 2016. 26ст.
4. Гилев С.Д., Цымбаленко И.Н., Курлов А.П., Русакова И.В. Технология прямого посева и микробиологическая активность чернозема выщелоченного. Земледелие №3. Ставрополь 2015. 28-30 ст.
5. БМТ нинг Барқарор тараққиёт 2030 дастури. Барқарор тараққиёт мақсадиинингер экотизимларини асраш банди.
6. Central Asian Countries Initiative for Land Management (CACILM) II

**УДК:636.6:598.51**

## **QISHLOQ XO'JALIGI SOHASINING PARRANDACHILIK TARMOG'IDA DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIGINI TASHKIL ETISH**

**M.R.Xalilova – talaba, TIQXMMI**

### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada mamlakatimizning qishloq xo'jaligi sohasining parrandachilik tarmog'ida olib borayotgan islohotlari, uni yuksaltirish uchun qilinayotgan ishlar va parrandachilikda davlat-xususiy sherikchiligini tashkil etishning samarali jihatlari haqida so'z borgan.

Betakror iqlim sharoitiga ega yurtimizda barcha turdagi oziq-ovqat mahsulotlarini mahalliy lashtirish imkoni mavjud. Bu borada hukumatimiz tomonidan yaratilayotgan shart-sharoit va imtiyozlar esa cheksiz. Biroq, import nomenklaturasida iste'mol mahsulotlari turi hamon kamayib bormoqda. Birgina parrandachilik sohasini oladigan bo'lsak, ishlab chiqarish tarmoqning an'anaviy turlari bilan cheklanib qolmoqda. Bu davlatimiz rahbarining yaqinda qabul qilingan "Parrandachilikni yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarorida ham ta'kidlab o'tilgan. Ushbu qarorga binoan – tovuqdan tashqari kurka, bedana, g'oz, o'rdak, tuyaqush, kaklik kabi parranda turlarini yetishtirishni ommalashtirish oqsayotganini, mahsulotlarni qayta ishlash darajasi pastligi, misol uchun parranda chiqindilarini chuqur qayta ishlash tizimi yo'lga qo'yilmagani tilga olinib, mana shu muammolar yechimi yuzasidan bir qator vazifalar maqsad qilingan. Natijada, qaror qabul qilinganiga ko'p vaqt o'tmasdanbu boradagi ishlarning ilk samarali ko'zga tashlanmoqda. Xususan, joriy yilning o'tgan davrida birgina Qashqadaryo viloyatida o'ndan ziyod parrandachilik korxonasi tashkil etilib, ularda 25 mingga yaqin parranda parvarish qilinmoqda.

Parrandachilik chorvachilikning bir tarmog'i. Go'sht, tuxum, shuningdek pat va par yetishtirish uchun parranda (asosan, tovuq, o'rdak g'oz va kurka) boqiladi. Go'shti uchun boqilgan 2-2,5 oylik tovuq jo'jasi 1,4-1,6 kg keladi. Tovuuq 5-6 oylikdan tuxumga kiradi. Tovuuq yiliga o'rtacha 250 ta tuxum qiladi. Bitta o'rdakdan bir yilda 70-100 jo'ja (170-200 kg go'sht), bitta kurka naslidan 100-120 kg, bitta g'oz jo'jalaridan esa 70- 160 kg go'sht yetishtirish mumkin. 60 g li tovuq tuxumi tarkibida 5 g yog', 7,5 g oqsil, A, V, D, E, K vitaminlar va mineral moddalar; go'shtining tarkibida esa 20% gacha oqsil, 7-8% yog va 1% mineral moddalar bor. Ko'plab tuxum va go'sht yetishtirish uchun tashkil qilingan, ixtisoslashtirilgan parrandachilik xo'jaliklari mavjud efolyasiya 1964 yilda parrandachilik ishlariga rahbarlik qilish uchun sanoat parrandachilik boshqarmasi sobiq «Uz-ptiseprom» tashkil etildi. Parrandachilik inkubator stansiyalari fabrikalar uning ixtiyoriga o'tdi. O'zbekistonda ixtisoslashtirilgan 15 ta parrandachilik fabrikasi, 8 ta, 2 ta naslchilik zavodi va 5 ta inkubator stansiyasi 5or.

Mexanizasiyalashtirilgan yirik xo‘jaliklarda 1 kg parranda go‘шти uchun 2-2,5 kg, 10 dona tuxum uchun 1,7-1,8 kg aralash oziq sarflanmoqda. Chorvachilikning boshqa tarmoqlaridan parrandachilikning afzalligi ham shunda, shu bilan birga, parrandachilik mahsulotni qisqa muddatda ko‘p yetishtirish imkoniyati ham bor. Ixtisoslashtirilgan yangi xo‘jaliklar barpo etish va mavjudlarini kengaytirish esa tuxum tannarxini kamaytirish va parrandachilik mahsulotini ko‘paytirish imkonini beradi[1].

Parrandalarining turi va yoshiga, xo‘jalikda foydalaniish yo‘nalishiga hamda asrash sistemasiga qarab har xil bo‘ladi. 30- 60 kunlikkacha bo‘lgan tovuq jo‘jalari batareyali sexlarda (yerda yoki kataklarda), 60-70 dan 140-150 kunlikkacha bo‘lgailari esa akklimatizatorlarda asraladi. Ko‘pchilik xo‘jaliklarda 1 dan 140-150 kunlikkacha bo‘lgan jo‘jalar bitta Parrandachilikda boqiladi. O‘rdak va kurka jo‘jalari, ba‘zan dastlabki 10-20 kunda batareyali sexlarda saqlanadi. Go‘st uchun boqiladigan jo‘jalar (broylerlar), 1 dan yoki 21 day 120 kunlikkacha bo‘lgai kurka jo‘jalari va 1 dan yoki 10-20 dan 55 kunlikkacha bo‘lgan o‘rdak jo‘jalari maxsus parrandachilikda o‘stiriladi. Voyaga yetgan parrandalar yerda, sanoat maqsadida yetishtiriladiganlari esa yerda va katakda boqiladi. parrandachilik eni 12 yoki 18 m, bo‘yi 72, 84, 96 va 108 m qilib quriladi. Sanoat maqsadida boqiladigan 120-150 ming bosh tovuqqa mo‘ljallangan 4-6 qavatli va 80 ming broylarga mo‘ljallangan 4 qavatli tajriba parrandachilik fabrikalari qurilmoqda. Parrandachilik fabrikasida ishlab chiqarish jarayoni bari avtomatlashtirilgan va mexanizasiyalashtirilgan. 100-900 ming va undan ortiq tovuq boqiladigan parrandachilik fabrikalari bor.

Go‘st uchun mo‘ljallangan fabrikalar tovuq go‘шти, kurka go‘шти va o‘rdak go‘шти yetishtirish tarmoqlariga bo‘linadi. Parrandachilik fabrikasining bir yoki ko‘p qavatli kataklarda va polda (yerda) parranda boqiladigan xillari bor. Polda parranda boqiladigan Parrandachilik fabrikasi poli qalin, almashtirilmaydigan to‘shamali, parrandalar yayratiladigan maydonchali yoki maydonchasiz bo‘ladi. Tuxum olish uchun polda parranda boqiladigan fabrikalarda «Promishlenniy I», «Promishlenniy II», «Promishlenniy I-s», «Promishlenniy II-s» markali texnologik uskunar ko‘p qo‘llaniladi. Go‘st uchun polda parranda boqiladigan fabrikalarda «Broyler-10», «Broyler-20», SBK-Yu va SBK-20 markali uskunalardan; kataklarda parranda boqiladigan fabrikalarda KBE-1, KBM-2, KBM-1, OBN, KBU- 3, KBU- 4, KBNS- 4 markali batareyalardan foydalaniladi. Parrandachilik fabrikalaridagi oziq tarqatish, binoni tozalash, tuxumlarni yig‘ib olish, tegishli mikroiklim va yorug‘lik rejimi yaratish ishlari mexanizasiyalashtirilgan[2].

**Parrandachilik klasterini tashkil etish.** Hozirgi kunda xorijiy davlatlar tajribasidan foydalanib parrandachilik klasterlari tashkil qilinadi, bunda innovatsion texnologiyalar keng tadbiq etiladi. Qarorga ko‘ra, “O‘zsanoatqurilishbank” ATBning ustav kapitalidagi davlat ulushi 50 million AQSH dollari miqdorida oshirildi. Ushbu mablag‘lar parrandachilikni rivojlantirish loyihalarini moliyalashtirish maqsadida boshqa tijorat banklariga ham kreditlar ajratish uchun yo‘naltirildi.

Parrandachilik loyihalari uchun banklar tomonidan 2019-2020 yillarda ajratilayotgan kreditlar foizi uchun kompensatsiya berishning quyidagi tartibi o‘rnatildi.

Aylanma mablag‘larning to‘ldirishga tijorat banki tomonidan o‘rnatilgan kredit stavkasining 25 foizi miqdorida, ammo kredit stavkasining 5 foizidan ortiq bo‘lmagan miqdorda;

Asbob-uskunalar sotib olish, parrandachilik klasterlarini va inkubatsiya sexlarini tashkil qilish, bino-inshootlarni qurish va qayta ta‘mirlash, maxsus texnika harid qilish uchun tijorat banki tomonidan o‘rnatilgan kredit stavkasining 50 foizi miqdorida, ammo kredit stavkasining 10 foizidan ortiq bo‘lmagan miqdorda.

Shuningdek, qarorga binoan parranda xo‘jaliklari xizmat ko‘rsatuvchi zamonaviy ilmiy – diagnostika laboratoriyalari markazi tashkil etiladi. Parranda kasalliklarining oldini olish va ularga qarshi kurashishning samarali mexanizmini ishlab chiqish markazning asosiy vazifalari etib belgilandi. Mahsulot sifatiga ta‘sir ko‘rsatuvchi xavf va muhim nazorat nuqtalari tahlil qilinadi (“NASSR”), Xalqaro standartlashtirish tashkiloti (“ISO”) va “Halal” standartlari talablari asosida parranda mahsulotlari sertifikatlashtiriladi. Parranda kasalliklarini emlash uchun

GMP – Good Manufacturing Practice sertifikati bo'lgan kompaniyalarning vaksina va biopreparatlari o'zbekistonda tan olinadi va qo'shimcha muvofiqlik sertifikatlari talab qilinmaydi[3].

2021 yil 1 noyabrgacha quyidagilar bijhona to'lovlaridan ozod etiladi:

Naslli ona tovuq va barcha turdagi texnologik asbob – uskunalar sotib olish, parranda yetishtirishni tashkil etish, parranda mahsulotlarini qayta ishlash va qayta ta'mirlash, maxsus texnika, ehtiyot qismlar va boshqa asosiy vositalar;

Chet el tashkilotlari va uning sho'ba korxonalari, firma do'konlari, dilerlik tarmoqlari va tadbirkorlik subektlari tomonidan parrandachilik xo'jaliklari ehtiyoji uchun chetdan keltiriladigan parranda ozuqa va ozuqa qo'shimchalari, veterinariya preparatlari, diagnostikumlari,

Bundan tashqari, 2019 yildan boshlab har yili sentyabr oyida parrandachilikka oid ko'rgazma o'tkaziladi. Qishloq xo'jalik parrandalarining barcha turlaridan odamlarning kundalik hayoti uchun eng zarur bo'lgan tuxum, parranda go'shti hamda bir qancha qo'shimcha mahsulotlar olinadi[2].

Ma'lumki, jahonda go'sht mahsulotlariga bo'lgan talab yildan yilga oshib bormoqda. Ekspertlarning tadqiqotlari shuni ko'rsatadiki, 2020-yilga kelib go'sht mahsulotlari ichida parranda go'shtiga bo'lgan talab birinchi o'ringa chiqadi. Shu sababli parranda go'shti bilan ta'minlash muammosi yuzaga keladi. Bu holat mamlakatimizga ham ta'sir qilmay qolmaydi. Buni bartaraf qilish uchun davlat bilan xususiy sektorlar o'rtasida aloqalarni mustahkamlab, parrandachilik sohasini rivojlantirib, bu taqchillikni oldini olish chora tadbirlari ko'rilishi kerak bo'ladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Abdig'aniyev A., Abdig'aniyev A.A. – “Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti” T.:TDIU, 2010 – 283 bet;
  2. [www.UzA.uz](http://www.UzA.uz) - O'zbekiston Axborot Agentligi;
  3. [www.agro-Olam.uz](http://www.agro-Olam.uz) – Qishloq xo'jaligi axborot sayti.
- Ilmiy rahbar: dots. Sangirova U.R.

**УДК:631.115:626.81**

#### **QISHLOQ XO'JALIGIDA SUV RESURSLARIDAN SAMARALI FOYDALANISHDA DAVLAT VA XUSUSIY SHERIKCHILIKNI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI**

**Xalilova M.R., Nasullayeva Y.N. – TIQXMMI talabalari**

#### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada Irrigatsiya Havza Boshqarmasi, Irrigatsiya Tuman Bo'limi, Suv Istemolchilari Uyushmalari hamda Fermer xo'jaliklari o'rtasidagi davlat-xususiy sherikchilikni rivojlantirish yo'lidagi amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar tadbiriq etilgan. Maqolada mavzu yuzasidan takliflar va tavsiyalar berib o'tilgan.

Suv qishloq xo'jaligida xuddi yer kabi zarur bo'lgan tabiiy resurs hisoblanadi. Suv resurslari butun mintaq, mamlakat, havza bo'yicha boshqariladi va undan foydalaniladi. Qishloq xo'jaligi Respublika xalq xo'jaligi majmuasining asosiy tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Qishloq xo'jaligining rivojlanishi xalq xo'jaligini ko'p tarmoqlarini har xil xom-ashyolar bilan Respublika aholisini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlaydi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlaridan 75% i xalq iste'mol mollari ishlab chiqariladi. Qishloq xo'jaligida ishlab chiqarish irrigatsiya- sug'orish va melioratsiya tizimlari bog'liq. Qishloq xo'jaligining 95% mahsuloti sug'oriladigan yerlardan olinadi. Demak, qishloq xo'jaligida bevosita ishlab chiqarish muammolari bilan birga yerlardagi irrigatsiya va melioratsiya muammolari ham kerakli darjada yechimini topadi.

Qishloq xo'jaligida suvdan foydalanishni rejalashtirish moddasida, sug'orish, suv chiqarish va sug'orish- suv chiqarish tarmoqlaridagi, magistral kanallardagi, suv omborlaridagi va boshqa suv xo'jaligi ob'ektlaridagi suvlardan foydalanish ishlari suvdan foydalanishning ichki xo'jalik va umumiy tizimi rejalariga asosan yillik amaldagi suv bilan ta'minlanganlik, hisobga olingan holda amalga oshirilishi, suvdan foydalanuvchi jamoa xo'jaliklari, boshqa korxonalar, tashkilotlar hamda muassasalar tomonidan tuzilgan xo'jalik ichki suvdan foydalanish rejaları O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi va Suv xo'jaligi vazirligi suv ob'ektlaridan foydalanish boshqarmalari bilan muvofiqlashtirilib, tumanlarning hokimiyat organlari tomonidan tasdiqlanishi lozimligi ta'kidlangan.

Fermer va dehqon xo'jaliklari, shuningdek aholi tomonidan qishloq xo'jaligi uchun suvni iste'mol qilishga olinadigan suvni hisobga olish ularning tegishli suv olish joylari suvni hisobga olish vositalari bilan jihozlanguncha, hajmiy, hisobiy va boshqa usullarda, haqiqiy sug'oriladigan maydonlarni, sug'orishlar sonini, qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orish rejimini, suv olish davomiyligi qancha va shu kabilarni hisobga olgan holda amalga oshirilishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligi tomonidan - har yili 15 sentyabrgacha bo'lgan muddatda - kuz-qish davri uchun (1 oktyabrdan 31 martgacha) hamda 15 martgacha - vegetatsiya davri uchun (1 apreldan 30 sentyabrgacha).

Qoraqalpog'iston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligi va irrigatsiya tizimlari havza boshqarmalari tomonidan - har yili 20 sentyabrgacha bo'lgan muddatda - kuz-qish davri uchun hamda 20 martgacha - vegetatsiya davri uchun;

tumanlar (Quvasoy shahri) irrigatsiya bo'limlari tomonidan - har yili 25 sentyabrgacha bo'lgan muddatda - kuz-qish davri uchun hamda 25 martgacha - vegetatsiya davri uchun;

suv iste'molchilari uyushmalari tomonidan - har yili 1 oktyabrgacha bo'lgan muddatda - kuz-qish davri uchun hamda 1 aprelgacha - vegetatsiya davri uchun belgilanadi.

Qishloq xo'jaligidan boshqa ehtiyojlar uchun suvdan foydalanuvchilarga va suv iste'molchilariga suv olish limitlari yiliga bir marta - har yili 1 oktyabrgacha belgilanadi. Qishloq xo'jaligidan boshqa ehtiyojlar uchun suvdan foydalanuvchilarga va suv iste'molchilariga yer osti suvlaridan suv olish limitlari bir marta - maxsus ruxsatnoma amalqiladigan muddatga belgilanadi. Qishloq xo'jaligi ehtiyojlari uchun suv limitlari olish uchun suvdan foydalanuvchilar va suv iste'molchilari kuz-qish va vegetatsiya davri boshlanishidan bir oy oldin, qishloq xo'jaligidan boshqa ehtiyojlar uchun esa - har yili 1 sentyabrgacha - ularga xizmat ko'rsatadigan tegishli foydalanish tashkilotlariga yozma ravishda murojaat qilishlari va ushbu Nizomning 28-bandiga muvofiq ro'yxat bo'yicha zarur hujjatlarni taqdim etishi kerak.

Qishloq xo'jaligida suvdan foydalanish va suv iste'moli, har yilgi suv bilan haqiqiy ta'minlanganlik hisobga olingan holda, suvdan foydalanish va suv iste'moli rejaları asosida amalga oshiriladi. Suvdan foydalanish va suv iste'moli rejaları tasdiqlangan normativ hujjatlarga muvofiq ajratilgan suv olish limitlari doirasida suvdan foydalanuvchilar va suv iste'molchilari tomonidan tuziladi.

Kollektor-drenaj tarmoqlarida suvdan foydalanish va suv iste'molini rejalashtirish yerlarning meliorativ holatini hamda kollektor-drenaj suvi sifatini hisobga olgan holda amalga oshiriladi.

Havza boshqarmasi o'z faoliyatida O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasiga, O'zbekiston Respublikasi qonunlariga, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qarorlari va boshqa hujjatlariga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarorlari, farmonlari va farmoyishlariga, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari va farmoyishlariga, O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi hay'atining qarorlariga, vazirlikning buyruqlari va qarorlariga, Suv xo'jaligi bosh boshqarmasining topshiriq va ko'rsatmalariga hamda boshqa qonun hujjatlariga, shuningdek mazkur Nizomga amal qiladi. Quyidagilar Havza boshqarmasining asosiy vazifalari hisoblanadi:

suvdan foydalanishning bozor prinsiplarini va mexanizmlarini joriy etish asosida suv resurslaridan maqsadli va oqilona foydalanishni tashkil etish;

suvni tejoychi ilg'or texnologiyalarni joriy etish asosida suv xo'jaligida yagona texnik siyosatni yuritish;

iste'molchilarni suv bilan uzluksiz va o'z vaqtida ta'minlashni tashkil etish;

magistral kanal, suv omborlari, irrigatsiya tizimlari va suv xo'jaligi inshootlarining texnik ishonchligini ta'minlash;

magistral kanal, suv omborlari, irrigatsiya tizimidan ishonchli foydalanish va ishchi holatida saqlash uchun uni tayyorlashni tashkil etish;

havza hududida suv resurslarini oqilona boshqarish hamda uning tezkorligini oshirish;

suv iste'molchilari bo'yicha suv resurslaridan foydalanishning ishonchli hisobi va hisobotini ta'minlash.

Suv iste'molchilari uyushmalari - yuridik shaxs bo'lgan suv iste'molchilari tomonidan suvga doir munosabatlar sohasidagi o'z faoliyatlarini muvofiqlashtirish, shuningdek umumiy manfaatlarini ifodalash va himoya qilish uchun ixtiyoriy asosda tashkil etiladigan nodavlat notijorat tashkilotidir. Suv iste'molchilari - fermer, dehqon xo'jaliklari, tarmoq egalari va boshqalar bo'lib, adolatli suv taqsimoti hamda irrigatsiya - melioratsiya tarmoqlaridan samarali foydalanishni yo'lga qo'yish orqali uyushma hududida sug'orma dehqonchilikni rivojlantiradilar va buning uchun o'zlarini moliyaviy va texnik imkoniyatlarini birlashtiradilar. Suv isre'molchilari uyushmasi zimmasiga xo'jalik ichki sug'orish tarmoqlarini bir maromda ishlatish, ikkilamchi suv iste'molchilari o'rtasida adolatli suv taqsimotini o'rnatish, sug'orishning ilg'or texnologiyalarini joriy qilish hamda ularning huqularini himoya qilish kabi vazifalar yuklatilgan.

Suv iste'molchilari uyushmasi va uning xizmat ko'rsatish zonasida joylashgan a'zolari, shuningdek boshqa suv xo'jaligi organlari hamda o'zga yuridik va jismoniy shaxslar o'rtasidagi suvga doir munosabatlar shartnoma asosida tartibga solinadi. Suvdan foydalanuvchilarning suvni yetkazib berish bo'yicha xizmatlari, shuningdek ko'rsatilgan boshqa suv xo'jaligi xizmatlari uchun shartnoma asosida haq to'lanadi.

Suv manбайдan suv olish uchun buyurtmanomada ko'rsatilgan suv resurslari miqdori tasdiqlangan suv olish limitidan ortiq bo'lmasligi kerak. Suv resurslarini olish hajmini kamaytirish yoki to'xtatish zarur bo'lgan taqdirda, suvdan foydalanuvchilar va suv iste'molchilari bu to'g'rida tegishli xizmat ko'rsatuvchi foydalanish tashkilotiga yoki uning vakolatli shaxsiga yozma ravishda (avariya holatlarida - telefon orqali) xabar qilishi kerak.

Suv resurslarini olish joylari ularni boshqarish va hisobga olishning tegishli vositalari bilan jihozlangan bo'lishi kerak. Suv resurslarini boshqarish va hisobga olish vositalari doimo soz ish holatida bo'lishi zarur. Suv olish joylarini suv resurslarini boshqarish va hisobga olish vositalari bilan jihozlash mansubligiga ko'ra suvdan foydalanuvchilar va suv iste'molchilari tomonidan amalga oshiriladi. Qishloq xo'jaligida suv resurslaridan samarali soydalanish uchun albatta SIU lari bilan fermer xo'jaliklari hamkorlikda ish ko'rishlari lozim. Qishloq xo'jali va SIU lar o'rtasida davlat- xususiy sherikchilikni tashkil etish hamda yanada rivojlantirish orqali suv resurlaridan samarali foydalanishga erishish mumkin.

Umuman, yuqoridagilarni inobatga olib aytish mumkinki, respublikamiz iqtisodiyotining barcha sohalari kabi qishloq xo'jaligining tarmoq yo'nalishlarida ham islohotlar izchil olib borilmoqda. Ularning amaliy natijalari esa, qishloq xo'jaligi mahsulotlari hajmining oshishi, xalqimiz turmush tarzining yuksalishi, obod va farovon hayotimizda o'z aksini topmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Qarori. O'zbekiston Respublikasida suvdan foydalanish va suv iste'moli tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida. 82-son 19.03.2013

2. O'zbekiston prezidenti Shavkat Mirziyoyev qishloq va suv xo'jaligi faoliyatini takomillashtirishga qaratilgan PQ-5434. TOSHKENT, 6 avg — Sputnik.

3. Abdig'aniyev A., Abdig'aniyev A.A. – "Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti" T.:TDIU, 2010 – 283 bet;

4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – internet sayt.

## PUBLIC PRIVATE PARTNERSHIPS IN AGRICULTURE SECTOR

S.A.Xoshimov, J.A.Hasanov the students of TIAME

**Annotation.** This article provides information on the role of public-private partnerships in agriculture, ongoing innovations and processes for the development of this sector. In addition, the article outlines the tasks and achievements in this area.

In the conditions of reforming the agro-industrial complex of the country, the approach to the creation of ensuring the competitiveness of agricultural enterprises fundamentally changes. This issue comes to the fore agrarian policy of the state. Today, competitiveness in commodity markets is becoming a problem of the country's economic and food security. Providing comprehensive assistance to agriculture leads to an increase in the competitiveness of this industry, the emergence of additional resources that create the appropriate part of the demand for factors of production, increase the attractiveness of the industry for credit, investment and other institutions.

Currently, the community is the task of transition to innovative development and real modernization of the economy. Under these conditions, an active search is being carried out for the tools to stimulate innovation and investment activity of private capital while ensuring the most effective combination interests of the state and entrepreneurial structures. As such a tool you can use public-private partnership (PPP).

Infrastructure development issues are part of a national food security strategy in most developing countries in the Asian region. This is especially true of states in which agriculture continues to play an important role in national economic development. For example, the contribution of the agricultural sector to the creation of GDP in Cambodia, Laos, and Myanmar is 28–30%, and Viet Nam, Indonesia, the Philippines, and Thailand — 10–20%. In Asia, around 700 million people are employed in agriculture, which represents about 40% of all jobs in the region.

The countries of the Association of Southeast Asian Nations - ASEAN region continue to receive significant amounts of foreign direct investment - FDI. In 2014, they amounted to \$ 136.2 billion - in 2013 - \$ 117.7 billion. It is noteworthy that in 2014, ASEAN first overtook China and became the main recipient of FDI among developing countries. At the same time, according to the results of 2014, the inflow of investments in the agricultural sector amounted to 4.5 billion USD, or 3.3% of the total FDI - in 2013 - 2.3 billion USD. The main external sources of FDI in ASEAN continue to be the European Union, Japan, the United States and Hong Kong. Significant amounts of FDI come from ASEAN internal sources. The importance of attracting investment in the food security infrastructure of the Asian region is due to various factors. These include the projected significant increase in population of the planet. According to UN forecasts, by 2050 it will reach about 9.7 billion people. According to FAO estimates, to meet future food demand, agricultural production will need to increase by 70%.

It is also necessary to take into account the limitations of such important means of agricultural production as soil fertility and the availability of fresh water reserves. At the same time, according to estimates of the Asian Development Bank, currently 43% of the land in Asia has already become unusable, up to 80% of fresh water is used for irrigation, and 35% of the total agricultural product is damaged or lost. [1]

Taking into account agricultural specifics, this article provides one of the succinct definitions of PPP, data from FAO. So, PPP in the field of agriculture is a formalized partnership between state institutions and private companies, created for the sustainable development of agriculture under the following conditions: - the state benefits from the project implementation; - investments and risks are divided between the parties; - project participants are actively involved in its implementation at all stages.



In international practice, within the framework of the implementation of PPP projects in the field of agriculture, the state can act as central or regional government bodies, state banks and agricultural financial institutions, state companies, state research and educational centers and institutes.

From the private sector, respectively, participants in PPP can be various companies engaged in the production and processing of agricultural and food products, as well as financial institutions, small and medium enterprises - SMEs, farmers, producers' associations, agricultural cooperatives, etc.

Currently, PPP in the field of agricultural development plays a significant role in the economic development of individual countries in Asia. Due to the socio-economic characteristics of the development of agricultural and food production in Asian countries, the relevant projects have acquired various forms and fields of application. In this regard, in determining future plans for the development of agriculture and food security in Uzbekistan, the study of international experience in implementing projects in the PPP format may be of particular importance.

In recent years, within the framework of participation in the Asia-Pacific Economic Cooperation Forum - APEC and ASEAN, states have been actively developing cooperation in the field of PPP in agriculture. In various countries, the use of PPPs covers a variety of areas in the development of the agricultural sector, including production infrastructure, transportation and logistics, R & D, and the overcoming of post-harvest losses.

As part of the APEC, in 2016, the implementation of a multi-year project - "Developing PPPs to reduce food supply losses in supply chains" continued. The project aims to develop mutual cooperation between representatives of the public and private sectors in order to find and agree on measures to reduce food losses. Food losses in developed and developing economies occur for various reasons. Thus, for developed economies, losses associated with throwing out of food and spoiled food in large quantities are more characteristic, especially within households.

For developing countries, the deterioration of agricultural raw materials and food associated with obsolete technologies, the lack of the necessary capacity for harvesting, storage and transportation is more characteristic.

Various aspects of the development of PPP mechanisms in the field of agriculture were considered at the APEC international conference on the development of infrastructure investments to maintain food security, held April 21-22, 2016 in Hanoi - Vietnam.

As a result of participation in this conference, I would like to note that almost all the developing economies of APEC, when promoting PPP mechanisms in the field of agriculture, in one way or another face similar problems. These problems, first of all, include an imperfect organizational system for the implementation of such projects, including the selection and approval of PPP projects at the national level. One of these problems is the ineffective evaluation of projects carried out by government agencies at the stage of determining the project cost, the future estimated profit of private investors. The latter aspect leads to low motivation of private investors to participate in a particular PPP project. The implementation of PPP projects in the APEC and ASEAN region is also influenced by factors such as the protection of intellectual property in technology transfer, as well as external factors - for example, the destruction of infrastructure facilities due to climatic phenomena.

Among the countries of the Asia - Pacific region, there are still no agreed schemes for the implementation of such projects. Different approaches to the definition of PPP, its main characteristics, as well as the modalities of use in the implementation of national concepts of agricultural development. At the same time, many APEC economies have managed to accumulate experience in attracting investments in PPP projects for the development of agricultural infrastructure, including through interaction with foreign investors and international financial organizations. Thus, Vietnam's approaches to the use of PPP in the development of agriculture are of particular interest.

In recent years, PPP projects have provided a 2-3-fold increase in the agricultural sector of the country's economy, as well as a 10-15% increase in incomes of Vietnamese farmers. These

results were achieved on the basis of the introduction of new models of management and financing of PPP, including through interaction with the Asian Development Bank - ADB. At the end of 2015, ADB's cumulative investment in Viet Nam's agriculture since 1993 in individual items was: \$ 14.4 billion - loans, \$ 318.3 million - grants, \$ 276.6 million - technical support.

About 20 of the world's leading multinational companies in the agricultural and food profiles are involved in Vietnam's PPP projects. One of the areas of interaction between the state and private investors is cooperation in the production and export of PPP groups united in separate groups by product type - vegetables, fruits, coffee, tea, seafood. For example, in the framework of the "tea" direction, Vietnam actively cooperates with the Unilever company, which annually purchases up to 30-35 thousand tons of tea from the "tea" group for export. At the same time, tea is sold on the international market under the brand "produced in Vietnam".

To date, private investment in this group amounted to about 440 thousand euros. These funds are directed to programs to increase the potential of workers in this area and to establish production cooperation with the participation of 23 thousand farms from six provinces of the country.

PPP projects of seafood producers with the participation of such international companies as Metro Cash & Carry Vietnam, Cargill and Fresh Studio are being successfully implemented. To date, more than 2 thousand fishermen and processors of fish products have undergone professional training in the field of mining, processing, transporting and packaging of products of this type. This made it possible to increase the quality of products up to international standards, which made it possible to start marketing them in international markets at the level of 4 thousand tons per year.

In Thailand, PPP mechanisms have allowed diversifying agriculture and expanding the range of crops produced in the country, including sugar cane, corn, soybeans, peanuts, as well as Asian tropical crops such as cassava, kenaf, and Masha. Previously, the state specialized mainly in the production of rice. One of the actively developed forms of public-private interaction in Thailand is agricultural cooperatives. At the end of 2015, 3,751 such cooperatives were established in Thailand, employing over 6.7 million people.

In the development of this form of PPP in the country, the League of Cooperatives was founded to support the implementation of infrastructure projects in the agricultural sector. Among the support measures can be noted the provision of loans at a low rate for the development of production, distribution of technologies and recommendations to reduce production costs. It is noteworthy that the country's sectoral ministry responsible for the development of agriculture is called the Ministry of Agriculture and Cooperatives of Thailand. League participants also enjoy support in the acquisition of agricultural machinery and equipment on acceptable terms, as well as in the sale of farm products in foreign markets. At the same time, farmers' products are formed into general offers for the export supply of certain goods, which allows for higher prices, readiness to supply products in large volumes, as well as guarantee the quality of the products of the exported products.

Another important area of application of PPP in Thailand is the development of agricultural R&D. As part of projects in this area, state funding can reach 100%.

Innovative developments in the field of agriculture are actively developing in Taiwan on the basis of the project interaction of the state and the private sector in the framework of the Ping-tung Agriculture Biotechnology Park. The park was founded in October 2003. In 2013, a free economic zone regime began to operate within the Park. At the end of 2015, there were about 100 companies in the park. These include the world's major "players" in the field of agricultural biotechnology, including Loh mann Animal Health - the production of vaccines for poultry and Ariake Foods - the production of innovative food products, etc. Companies-residents of the Park are provided with preferential tax treatment. It covers import duties on raw materials, machinery and equipment, semi-finished products, various taxes associated with the introduction of the business. [2]

To attract co-investors - representatives of the private sector in the Park operates the service of "unified administration". Based on the use of this service, companies have the possibility of simplified registration, obtaining the necessary permits and certificates. The Unified Administration also provides an opportunity to go through customs procedures, apply for leasing of production facilities, and also provides support in obtaining a loan from the Agricultural Bank of Taiwan at low rates. In addition, the Park actively promotes companies in foreign markets due to their involvement in the work of various international exhibition and fair events.

As part of the infrastructure development of China's food security sector, an important place is occupied by the implementation of a program for the development of grain supply chains. The implementation of the program is connected with the fact that the regions of production and consumption of grain are at a considerable distance from each other.

This will require not only the continuation of state support, but also the active involvement of national and foreign private capital, including through the implementation of partnership mechanisms between the state and the private sector.[3]

The development of these areas and projects would make it possible to increase the profitability of farming, to stimulate the participation of small and medium-sized agricultural producers, including farmers, in the general system of national agricultural production oriented towards internal and external consumption. In turn, the integrated development of agriculture and food production on the basis of PPP would help to increase the Uzbekistan export potential for the supply of agricultural and food products to foreign markets.

#### **References:**

1. [https://mpira.ub.uni-muenchen.de/52472/1/MPRA\\_paper\\_52472.pdf](https://mpira.ub.uni-muenchen.de/52472/1/MPRA_paper_52472.pdf)
2. Gerrard, M.B. (2001), What are public-private partnerships, and how do they differ from privatization. Finance and Development
3. Public-private partnership as a solution for integrating genetic services into health care of countries with low and middle incomes-Florian Meier, Oliver Schöffski, and Jörg Schmidtke

Supervisor: associated professor of TIAME A.Maksumkhanova

### **МЕВА - САБЗАВОТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ДАВЛАТ - ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**С.А.Хошимов, Ж.А.Ҳасанов ТИҚХММИ талабалари**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда давлат-хусусий шерикчилигининг тутган ўрни, мазкур соҳани ривожлантириш учун амалга оширилаётган янгиликлар, бўлган жараёнлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Шу соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ёритилган.

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини янада кўпайтириш ва ишлаб чиқариш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлаш, сифатли мева маҳсулотларини етиштиришда зараркундалардан химоялашнинг замонавий технологиялари асосида озиқ-овқат хавфсизлиги дастурини бажарилишини таъминлаш муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Албатта, давлат бюджетига ушбу масалаларни ҳал этиш учун тўлиқ имкониятлар мавжуд бўлмаган шароитда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади. Мақоланинг мақсади мазкур жараённи ёритиб беришдан иборат.

Мева-сабзавотчилик – ўсимликшуносликнинг ажралмас таркибий қисмидир. Ўзбекистонда сабзавот маҳсулотлари истеъмолининг йиллик энг кам меъёрини 164, полиз маҳсулотларини 98,7 (шундан қовун-54,8, тарвуз -36,5, қовоқ-7,4 килограммгача ошириш,

картошкани эса 50 килограммгача тушириш таклиф этилмоқда. Аҳолининг эҳтиёжини тўла қондириш учун мамлакатимиз бўйича ҳар йили ўртача 3 млн. тонна сабзавотлар, 2,4 млн. тонна полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоғи лозим. Лекин 2018 йилда 8,6 млн. тн. сабзавотлар, 1,9 млн. тн. полиз маҳсулотлари, 2,6 млн. тн. мевалар ишлаб чиқарилди.

Жаҳон қишлоқ хўжалигида 600 турдаги мева-сабзавотлар ишлаб чиқарилади, республикаимизда эса атига 40 турдаги мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштирилади, бу иқлим хусусиятлари ва анъаналари билан белгиланади. Мева сабзавотларни очиқ ва ёпиқ майдонда экишни оқилона қўшиб олиб бориш, уларни тўғри сақлаш, истеъмолчиларни улар билан йил давомида таъминлашни ташкил қилиш имконини беради. Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун яқин вақт ичида мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ўстириш зарур.

**Жаҳонда энг йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортёри бўлган давлатларнинг экспорт ҳажми млн. АҚШ доллари**

№	Мамлакатлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2016 йил	2018 йил
1.	Австралия	9607,6	11098,0	14022,4	18897,2	19525,6
2.	Бразилия	6323,6	10160,0	10250,3	26852,3	29693,4
3.	Канада	8266,4	11617,7	14888,7	20711,3	23455,8
4.	Франция	21486,1	29388,7	28452,8	41479,2	45125,9
5.	Германия	3469,4	21007,4	21193,3	37966,9	41555,4
6.	Нидерландия	15359,2	25303,4	23443,0	38591,5	42369,7
7.	Буюк Британия	9426,1	12738,9	12946,1	21909,5	24851,4
8.	АҚШ	34332,3	51220,7	46979,3	57708,3	61579,1
9.	Хитой	9713,0	13090,4	11735,1	17200,6	17400,0
10.	Бельгия	832,1	2774,9	13436,4	21629,7	23987,4

Манба: [www.fao.org](http://www.fao.org)

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, улар билан таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида бозор механизмлари жорий қилиниши натижасида ерга бўлган муносабат ўзгарди. Фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлиги ҳамда даромадлари ошиб бориши билан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва турлари ортиб, сифати бир мунча яхшиланди.

Мамлакатимизда йилига 20 миллион тоннада ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Сўнгги йиллардаги 800 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш сиғимларига эга бўлинди. Бироқ бу эндиликда мамлакат аҳолиси эҳтиёжларига камлик қилади. Бундан ташқари, мавсумий нарх тушунчаси ҳам аҳолининг ўз даромад ва харажатларини режалаштиришида муаммоларни келтириб чиқаради. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сақлашни 10 фоизга етказилса ҳам мамлакатимиз аҳолисини йил давомида бир маромдаги нархларбоп озиқ-овқат билан таъминланишига эришилади.

Бунга қўшимча сифатида мева-сабзавот маҳсулотларининг сўнгги истеъмолчига етиб боришига қадар бўлган маҳсулот йўқотишларини мисол келтирсак бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида сақланадиган маҳсулотлар миқдори йилдан-йилга кўпаймоқда ва сабзавот тайёрловчи ташкилотларнинг моддий-техника базаси ва уларнинг таъминоти яхшиланиб бормоқда. Республикка вилоятлари ва шаҳарларини мева-сабзавот масъулоти билан бир меъёрга таъминлаш учун сунъий совитиладиган намунавий омборхоналар барпо этилмоқда. Аммо, ҳозирги кунда мавжуд бу омборларнинг сиғими ҳали ҳам сақлашга режалаштирадиган маҳсулот миқдорини қабул қила олмайди. Шунинг учун ҳам сабзавотларни оддий омборхоналарда сақлашга тўғри келмоқда.

Кўпгина вилоят ва туманларда сабзавот тайёрлов пунктлари, намунавий омборхоналар талабга жавоб берадиган даражада эмас. Келтирилган сабзавотлар очик майдончаларга туширилади, оқибатда юқори ҳарорат таъсирида бу маҳсулотларнинг вазни камайиб, уларнинг сифати пасайиб кетади.

Тадқиқотларга қараганда, очик жойда ёки бостирма остида қолдирилган редиска, укроп, исмалоқ каби резавор экинлар бир кеча-кундаз давомида вазнини 10%гача, боғ-боғ қилиб сотиладиган пиёз, хўраки лавлаги, сабзи 7%гача, бодиринг, карам 5%гача йўқотади. Худи шу маҳсулотлар омборларда сақланса, вазнини йўқотиш икки-уч баравар камроқ бўлиб, сунъий совитиладиган омборларда сақланган ҳолда маҳсулотнинг табиий камайиши 0,5-1 %дан ошмайди. Сернам шароитда сақланган маҳсулотларнинг вазни деярли йўқолмайди.

Оддий сабзавотларда ҳаво ҳарорати ва намликни назорат қилиб туриш анча мураккаб, ҳатто кўпгина биноларда умуман бунинг имкони йўқ. Ўзбекистондаги мавжуд намунавий сабзавотхоналар ҳам маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилган. Шунинг учун ҳам омборларда сақланадиган картошка ва сабзавотларнинг суви тез қочади, вазни камайиб, натижада кўплаб чиқитга чиқмоқда. Кўпгина маҳсулот сақлаш ташкилотларига тааллуқли умумий камчиликлардан бири юклаш, тушириш ва саралаш ишларида механизмлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Айниқса, кичик тайёрлов пунктларида ҳозир ҳам ҳамма ишлар қўлда бажарилади[2].

Ушбу муаммони оқилона ҳал этиш учун хусусий тадбиркорларга субсидиялар бериш ёки давлат ва хусусий сектор ўртасида келишув асосида мева ва сабзавот совутгич омборхоналарини ташкил этиш лозим.

Шу сабабдан, мева ва сабзавот етиштириш соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун давлат-хусусий шерикчилиги механизмларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Ривожланган давлатларда давлат-хусусий шерикчилиги муносабатлари XX асрнинг иккинчи ярмида синов тарзида ташкил этилди. Ҳозирга келиб йирик корпорация ва ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти давлат-хусусий шерикчилиги асосида фаолият юритмоқда. Дунё тажрибасида ўтган мазкур фаолият турини Ўзбекистонда ҳам ташкил этиш ва такомиллаштириш учун йирик одимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида келтирилган устувор йўналишлар асосида ташланди десак муболаға бўлмайди.

Шу жумладан, “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ҳам қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шериклиги механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришни таъминлаш мақсадида имзоланди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислохотлар инвестиция муҳитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга, анъанавий равишда давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий ва институционал база, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истикболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш механизми ишлаб чиқиш керак.

Давлат-хусусий шериклиги механизмларидан фойдаланиш орқали инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, уларни тизимли мониторинг қилишда давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи махсус органни ташкил этиш лозим.

### Давлат-хусусий шерикчилиги механизмларини жорий этиш модели



Юқорида давлат-хусусий шерикчилиги механизмларини жорий этиш модели келтириб ўтилган. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тўсиқлар мавжуд бўлган ҳолда давлат сектори масалани ҳал этади, агарда, молиявий муаммолар пайдо бўлса банк муассасаси ўз капиталини ссуда шаклида тақдим этади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг янги минтақавий лойиҳаси 13 март куни Тошкентда «Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқишда кўмаклашиш» лойиҳасини тақдим этди. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги экспортини кенгайтириш учун ечимини топадиган асосий масалалар — транспорт, логистика, сақлаш, юқори сифатли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.

Ўзбекистоннинг денгизга чиқиши чегараланган, натижада маҳсулотларни бошқа мамлакатларга этказиб бериш харажатлари ошади. Яна бир масала — тез айнийдиган маҳсулотларимизни сақлаш ва логистика жараёни учун зарур бўлган совуқ занжирни (омборхона, юк машиналари ва вагон-рефрижераторлар) ривожлантиришдир.

Ниҳоят, ривожланган мамлакатларга — Ғарбий Европа, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларга экспорт қилишда, маҳсулот сифати ва келиб чиқишига алоҳида жиддий эътибор берадиган йирик супермаркет занжирлари билан ишлаш учун кузатиш тизимини яратиш керак.

Янги лойиҳа ҳукумат ва хусусий секторни талаб даражасида потенциал экспорт бозорларини таҳлил қилиш ва уларга киришни тартибга солиш (тариф ва нофаол тўсиқларни бартараф этиш), шунингдек, ишлаб чиқариш, таъминот занжири ва экспорт салоҳиятини баҳолаш орқали қишлоқ хўжалиги экспортини ошириш мақсадларига эришишда қўллаб-қувватлашга қаратилган. Таҳлиллар натижаларига кўра, экспортни ривожлантириш бўйича миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 9.12.2018 йилдаги “Қишлоқ хўжалиги ходимлари” қунига бағишланган нутқи. 2018-йил

2. Исматов Тулкиннинг битирув малакавий иши: Ўй шароитида мева ва сабзавотларни қайта ишлаш усулларини такомиллаштириш. Самарқанд 2013.

3. “Ижтимоий ҳамкорлик - иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш омили” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами – Тошкент шаҳри 2014 йил 16 апрель

**Илмий раҳбар: ТИҚХММИ доценти Ғ.Дустмуратов**

**УДК:636.6:598.51**

**PARRANDACHILIK SOHASIDA YANGI YO'NALISHLARINI JORIY ETISHDA  
DAVLAT – XUSUSIY SHERIKCHILIGINI OSHIRISHNING AHAMIYATI**

**Xalilova M.R.– talaba, TIQXMMI**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada parrandachilik sohasining yangi yo'nalishlaridan biri bo'lgan tuyaqushchilikni rivojlantirishda davlat va xususiy sektorlarni ahamiyati va ular to'g'risida mulohaza yuritilgan. Shuning uchun yurtdoshlarimizni ushbu soha bilan chuqurroq tanishtirish maqolamizning bosh maqsadi hisoblanadi.

Parrandachilik chorvachilikning asosiy sohalaridan hisoblanadi. Bugungi kunda qishloq xo'jaligida go'sht, tuxum mahsulotlarini yetishtirishda parrandachilikni o'rni beqiyosdir. Qishloq xo'jalik parrandalari yuqori sifatli oziq – ovqat mahsulotlari – tuxum, go'sht, yog' va yengil sanoat uchun xom ashyosi par va pat yetishtirishda foydalaniladi. Dunyoda hozir 100dan ortiq tovuqlar zoti, 20 o'rdak va kurka va tuyaqushning 40 dan ortiq zotlari bor. Respublikamizda ham tarqalgan tovuq va boshqa qishloq xo'jalik parranda zotlari issiq iqlim sharoitiga moslashtirilganlari mavjud. Mamlakatimizda 4 tuxum yo'nalishidagi tovuqlar, 5 go'sht yo'nalishidagi, 17 go'sht - tuxum, 11 o'rdak, 18 g'oz, 16 kurka va boshqa turlar ko'paytirilmoqda. Ko'p sonli parranda zotlarini qo'lga o'rgatilishi orqali parrandachilik sohasini takomillashtirib borilmoqda. Misol uchun hamyurtlarimizning yangi daromad manbai sifatida kirib kelgan tuyaqushchilik tamog'i[1].

**Afrika tuyaqushi** (lat. *Struthio camelus*) - dunyodagi eng katta qush bo'lib, bo'yi 2,5 metrgacha, og'irligi 150 kg gacha etadi, shuningdek, 50 yilgacha yashaydi. Tuyaqushlar 12 million yil avval ham sayyoramizning Janubiy yarimsharida paydo bo'lgan. Ular yugiruvchi qushlar (*Ratitae*) turkumiga kiradi.

**Tuyaqush - ikki oyoqli jonzotlarning eng tez yugiruvchisi hisoblanib**, 3.5-4 m uzunlikda qadam tashlay oladi. U soatiga 70 km tezlik bilan yugurishi va zarur bo'lganda, tezligini kamaytirmagan holda yo'nalishini o'zgartirishi mumkin. Tuyaqushlarning yana bir noyob xususiyati shundaki, uning oyoqlarida ikkita barmoq mavjud bo'lib, shularning biri tuyaqush yugurganida tiranadigan shohsimon tirnoq bilan tugaydi.

**Tuyaqush patlari savdosi ming yillardan beri amalga oshiriladi.** Qadimgi Misr va Vaviloniyada tuyaqush patlari bilan bayram liboslari bezatilgan. O'zining mutloq simmetrikligi bilan tuyaqush pati qadimgi Misrda adolat va haqiqat ramzi hisoblangan. Ayniqsa, Viktoriya davri tuyaqush fermalarining rivojlanishini istiqbolini belgilab berdi. Tuyaqush pati asosan shlyapalar uchun muhim moda aksesuarlari (bezaklari) sifatida qabul qilingan. Bu moda XX asr boshlarigacha O'rta asr zodagonlari orasida uzoq yashab, tuyaqush pati ularning ijtimoiy mavqeini belgilab bergan[2].



Parrandachilikda tuyaqush boqish yangi yo'nalishlaridan biri bo'lib, bugun mamlaktimizning barcha hududlarida rivojlanib bormoqda. Farg'ona viloyati Rishton tumanidagi "STRAUS FARM" O'zbekiston – Buyuk Britaniya qo'shma korxonasi ham mahalliy sharoitda tuyaqush boqish borasida yaxshi tajribalar shakllangan.

2016 yilda xorijdan 200 bosh Afrika tuyaqushi keltirilib, zamonaviy inkubatorlar tashkil etildi hamda tuyaqush jo'jalarini ochirish yo'lga qo'yildi. Bugungi kunda mamlakatimizda o'z tadbirkorligini boshlayotgan hamyurtlarimizning 85-90 foiziga mazkur qo'shma korxonasi tomonidan tuyaqush jo'jalari yetkazib berilmoqda.

Demak, tuyaqushchilikka qiziqsangiz bilingki:

1. Tuyaqushning jussasi katta bo'lgani bilan u tajovuzkor emas.
2. Tuyaqush gavdasiga qaraganda juda ko'p yemak iste'mol qiladi va unga alohida yeguliklar tayyorlash zarur deganlar ham adashadi. Bu jonivor ovqat tanlamaydi. Odatda yemishining 70 foizigacha turli-tuman ko'katlardan iborat bo'ladi. Qolganiga bug'doy, jo'xori, arpa kabi donlar aralashtirib berilaveradi. Yirik tuyaqushlar kuniga o'rtacha 2 kg yem yeydi. Yana bir qiziq jihat — o'zining to'yanini biladigan yagona jonzot. Agar unga 3 kilo yemak berilsa, albatta 1 kilosini qoldiradi.
3. Alohida joy, o'ziga xos parvarishni ham talab qilmaydi. 20 daraja sovuqdan 50 daraja issiqqacha bemalol yashayveradi. Qishda ham ustiga qor tushib, pati muzlamasa bas.
4. Yirik tuyaqushlarning bo'yi 220-230 santimetr atrofida bo'ladi. Yirik tuyaqushlarning vazni 220-230 kilogrammga yetadi va ulardan 170-180 kilogrammgacha go'sht olish mumkin. Nar tuyaqush 3 yoshda, modasi 2 yoshda voyaga yetadi va nasl bera boshlaydi.
5. Ko'pchilik tuyaqush go'shtini tovuq go'shtiga o'xshash deb tasavvur qiladi. Aslida u mol go'shtining toza lahm joyiga o'xshash go'sht beradi va go'shti juda mazali hamda foydali.
6. Tuyaqush tuxumi 2 kilogramm atrofida bo'ladi va bittasi sakkiz nafargacha odamni to'yg'aza oladi. Po'sti shu qadar mustahkamki, qo'l bilan sindirib bo'lmaydi. Bu tuxum xolesterinsiz, salomatlikka foydali hisoblanadi. Shuningdek tuxum bo'shatilib, undan turli tuman suvenirilar ham yasash mumkin. Po'stlog'i tabiiy kalsiyga boyligi uchun tibbiy maqsadlarda ishlatiladi.
7. Tuyaqushlar 70 yoshgacha yashaydi. 45 yoshgacha yaxshi nasl beradi. O'zbekistonning quruq va suvi tanqis, boshqa sohalarda foydalanish imkoniyati cheklangan hududlarida boqib foydalanish uchun juda qulay[3].

#### **Eng qiziq joyi — daromadi qanaqa?**

a. Tuyaqushning endi tuxumdan chiqqan jo'jasi 1,5-2 million so'm turadi. 1 oylik jo'jalari 2,5 million so'mgacha sotiladi. 10 oyligida o'zi katta tuyaqushlardek bo'lib qoladi. Yirik tuyaqushlarni 24 million so'mgacha sotish mumkin.

b. Nega buncha qimmat deya so'raguvchilarga bir qiyoslash — bitta sigir olib boqilsa, bir yilda bitta buzoq tug'adi. O'sha buqacha bir yilda 2 tonna atrofida yemish yeb, 150-200



kilogacha vazn to'plashi mumkin. Bitta yirik tuyaqush bir yilda 80 tagacha tuxum tug'adi. Shuning 40 tasidan jo'ja olishga erishilsa, o'n oylik tuyaqushlar 70-80 kilogramm vazn to'play oladi. Ana farq!

c. Terisi pishiqligi va egiluvchanligi bo'yicha timsoh terisidan keyin turadi. Xitoyda ishlov berib tayyorlangan terisidan tikilgan tuflilar 400 AQSh dollari atrofida sotiladi.

d. Biror mahsuloti chiqitga chiqmaydi. Kiprigidan ayollar uchun ulama kipriklar yasaladi, patidan karnaval liboslari yoki turli kiyimlar tayyorlanadi.

Tuyaqush tuxumlarining foydali jihatlari:

- Yurak – qon tomiri tizimini mustahkamlaydi;
- Sochlar, tirnoqlar va teri holatini yaxshilaydi;
- Ko'z ravshanligini oshiradi;
- Muskullar chiqarish uchun vazn to'plashga yordam beradi.

#### **Kim yetakchi?**

1. Tuyaqushchilik sohasida yetakchilikni Xitoy egallagan. Yevropada Ukraina birinchilikda.

2. O'zbekistonning ham salohiyati ulkan. Bizning fermerlar yetishtirgan mahsulot tabiiyligi uchun Xitoynikidan yuqori baholanadi.

3. Hozir Samarqand, Buxoro, Qashqadaryo, Farg'ona kabi viloyatlarda tuyaqushchilik jadal rivojlanmoqda[2].

Ma'lumki, jahonda go'shti mahsulotlari orasida yetishtirish va iste'moli bo'yicha parranda go'shti ikkinchi o'rinda turadi. Ekspertlarning fikricha, 2020 – yilga borib jahonda parranda go'shti birinchi o'ringa chiqib oladi. Shu sababli parranda go'shtining xavfsizligiva samaradorligini ta'minlashga va uni rivojlantirishga katta e'tibor berilmoqda. Shuning uchun ham mamlakatimizda parrandachilikning tuyaqushchilik sohasini rivojlantirishga harakat qilinmoqda. Davlatimiz tuyaqushchilik bilan shug'ullanyotgan tadbirkorlarga chet mamlakatlardan tuyaqush olib kirish uchun bojxona imtiyozlari berilmoqda. Bu imtiyozga ko'ra: O'zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilmaydigan, belgilangan tartibdashakllantiriladigan ro'yxatlar bo'yicha olib kiriladigan maxsus texnika, asbob – uskuna, butlovchi buyumlar, ehtiyot qismlar, qurilish materiallari, metal konstruksiyalar uchun 2020–yil 1–yanvariga qadar bojxona to'lovlari (bojxona rasmiylashtiruvchiyig'imlaridan tashqari) to'lashdan ozod etildi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Abdig'aniyev A., Abdig'aniyev A.A. - "Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti" T.:TDIU, 2010 – 283 bet;

2. [www.Agro-Olam.uz](http://www.Agro-Olam.uz) – internet sayti;

3. [www.UzA.uz](http://www.UzA.uz) – O'zbekiston axborot agentligi.

**Ilmiy rahbar: dots. U.R.Sangirova**

## **INTERNATIONAL EXPERIENCE OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS**

### **A.Tulaboev – PhD in IT, Head of Management Department, TIAME**

A public-private partnership (PPP, 3P or P3) is a cooperative arrangement between two or more public and private sectors, typically of a long-term nature. Governments have used such a mix of public and private endeavors throughout history. PPPs are best seen as a special kind of contract involved in infrastructure provision, such as the building and equipping of schools, hospitals, transport systems, water and sewerage systems.

**Different Levels of Private Sector Engagement in PPP contracts**

	Identify infrastructure Need	Propose Solution	Project Design	Project Financing	Construction	Operation/Maintenance	Ownership
Bid/Build	Public Sector				Private Sector	Public Sector	
Design/Build	Public Sector		Private Sector	Public Sector	Private Sector	Public Sector	
Design/Build/Finance	Public Sector		Private Sector			Public Sector	
Design/Build/Finance/Operate/Maintain	Public Sector		Private Sector				Public Sector

**Experience of public–private partnership in Canada**

The federal conservative government under Stephen Harper in Canada solidified its commitment to P3s with the creation of a crown corporation, P3 Canada Inc., in 2009. The Canadian vanguards for P3s have been provincial organizations, supported by the Canadian Council for Public–Private Partnerships established in 1993 (a member-sponsored organization with representatives from both the public and the private sectors). As a proponent of the concept of P3s, the Council conducts research, publishes findings, facilitates forums for discussion and sponsors an Annual Conference on relevant topics, both domestic and international. Each year the Council celebrates successful public–private partnerships through the National Awards Program held concurrently with the annual conference in November. At lower levels of government P3s have been used to build major infrastructure projects like transit systems, such as Viva Rapid Transit and Ontario Highway 407, and to build public buildings such as schools.

**Experience of public–private partnership in China**

There are more than 14,000 existing P3 projects in China, totaling \$2.7 trillion in aggregate value, according to the finance ministry. The project includes real estate development, infrastructure construction including a cross-harbor tunnel, and industry developments. The project, named Shantou Coastal New Town, aims itself to be a high-end cultural, leisure, business hub of the East Guangdong area.

**Public–private partnership in European Union**

From 1990 to 2009 nearly 1,400 PPP deals were signed in the European Union, representing a capital value of approximately €260 billion. Since the onset of the financial crisis in 2008, estimates suggest that the number of PPP deals closed has fallen more than 40 percent.

A study, conducted by the European Court of Auditors of the European Union, examined 12 public-private partnerships in France, Greece, Ireland and Spain, in road transport and information and communications technology. It concluded that the partnerships were characterized by “widespread shortcomings and limited benefits” and underlined “considerable inefficiencies in the form of delays during construction and major cost increases”.

**Public–private partnership in India**

The union government has estimated an investment of \$320 billion in infrastructure in the 10th plan. The major infrastructure development projects in the Indian state of Maharashtra (more than 50%) are based on the P3 model. In the 2000s, other states such as Karnataka, Madhya Pradesh, Gujarat and Tamil Nadu also adopted this model. Sector-wise, road projects account for about 53.4% of the total projects in numbers, and 46% in terms of value. Ports come in second place and account for 8% of the total projects (21% of the total value). Other sectors including power, irrigation, telecommunication, water supply and airports, have gained momentum through the P3 model.

**Japanese Experience of PPP**

In Japan since the 1980s, the third sector (第三セクター *daisan sekutā*) refers to joint corporations invested in by both public and private sectors. In rail transport terms, a third-sector railway line is a short line or network of lines operated by a small operating company

jointly owned by a prefectural/municipal government and smaller private interests. Third-sector lines are generally former JR Group – or, before 1987, Japanese National Railways (JNR) –lines that have been divested from those larger companies.

#### **Public–private partnership in Russia**

In February 2013 experts rated subjects of Russian Federation according to their preparedness for implementing projects via public–private partnership. The most developed region was Saint Petersburg (with rating 7.8), the least Chukotka (rating 0.0). By 2013 there were almost 300 public–private partnership projects in Russia.

#### **Experience of United Kingdom**

In 1992, the Conservative government of John Major in the UK introduced the PFI, the first systematic programme aimed at encouraging public–private partnerships. The 1992 programme focused on reducing the public sector borrowing requirement, although, as already noted, the effect on public accounts was largely illusory. The Labour government of Tony Blair, elected in 1997, expanded the PFI initiative but sought to shift the emphasis to the achievement of "value for money", mainly through an appropriate allocation of risk. However, it has since been found that many programs ran dramatically over budget and have not presented as value for money for the taxpayer, with some projects costing more to cancel than to complete.

An in-depth study, conducted by the National Audit Office of the United Kingdom concluded that the private finance initiative model had proved to be more expensive and less efficient in providing hospitals, schools and other public infrastructure than public financing.

#### **Public–private partnership in United States**

U.S. city managers' motivations for exploring public–private service delivery vary. According to a 2007 survey, two primary reasons were expressed: cost reduction (86.7%) and external fiscal pressures, including tax restrictions (50.3%). No other motivations expressed exceeded 16%.

In the 2012 survey, however, interest had shifted to the need for better processes (69%), relationship building (77%), better outcomes (81%), leveraging resources (84%), and belief that collaborative service delivery is "the right thing to do" (86%).

#### **Benefits and Limitation of PPP**

Benefits of employing PPP contracts can be seen as lucrative attraction of private capital to provide public services. Efficiency gains of capital due to transparency and business rules. Additional revenue streams can be generated by PPP contracts. Also, it is good for long term solutions for construction quality and its maintenance. However, there are limitations that PPP models are not suitable for all type of projects. Especially, it will be very difficult to apply PPP model to minimum size and unpredictable nature of businesses. As well as negative political and social view toward user pay principle can make business inflexible.

#### **Literature**

1. Caldwell, Caldwell, N.; Roehrich, J.K. and George, G. (2017). Social value creation and relational coordination in public-private collaborations. *Journal of Management Studies*, Vol. 54 No. 6, pp. 906-928.[1]
2. Hodge, G. A and Greve, C. (2007), Public–Private Partnerships: An International Performance Review, *Public Administration Review*, 2007, Vol. 67(3), pp. 545–558
3. Roehrich, Jens K.; Lewis, Michael A.; George, Gerard (2014). "Are public–private partnerships a healthy f? A systematic literature review". *Social Science & Medicine*. 113: 110–119. doi:10.1016/j.socscimed.2014.03.037. PMID 24861412.
4. Wettenhall, R. (2000), Mixes and partnerships through time, in G.A. Hodge, C. Greve and A. Boardman (eds.), *International Handbook in Public–Private Partnerships*, Cheltenham UK: Edward Elgar
5. Wettenhall, R. (2019), *The Public–Private Interface: Surveying the History*, in G. Hodge and C. Greve (eds.), *The Challenge of Public–Private Partnerships: Learning from International Experience*, Cheltenham UK: Edward Elgar

## 2 – ШЎБА. ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИ ҚўЛЛАШ

УО'Т: 631.22.018.0015

### О'ЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО'ЖАЛИГИДА BIOGAZ ENERGIYASIDAN FOYDALANISH

Ilmiy izlanuvchi Imomova N., talaba, Qurbonaliyev D.

**Annotatsiya.** Maqolada qishloq va suv xo'jaligida Davlat-xususiy sherikchiligini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlaridan biri chorvachilik va parrandachilik xo'jaliklarida yoqilg'i - energetika resurslariga bo'lgan talabning oshib borishi pasaytirish va shu bilan ularning barqaror energiya taminoti masalasi muhim bo'lib bormoqda. Bu masalani qisman energiyadan samarali foydalanadigan va energiyani tejaydigan texnologyalarni joriy qilish, jumladan qayta tiklanadigan manbalardan avtonom tarzda energiya ishlab chiqarish texnologyalarni joriy qilish orqali yechish uslublari keltirilgan.

Biogaz nima – biogaz har hil biologik mahsulotlarni havosiz muhitda fermentatsiya achishi natijasida hosil boladigan mahsulotdir. Biogaz-gazlarning aralashmasiEng muhimi, biogazni xonadon sharoitida ham olish imkoniyati bor. Biogaz olish tehnologyasining 60 xili bor. Ular orasida eng keng tarqalgani metan tranklarda (bochka) anaerot bijg'itish usullaridir. Qishloqlarda ushbu usullardagi kichik hajmdagi biogaz qurulumlarini o'rnatish juda qulay. Uskuna kop mablag' va kuch talab qilmaydi. Biogaz tehnologyalaridan foydalanish atrof – muhit holatini yahshilashga ,jumladan tuproq yerosti suvlari ifloslanishini oldini olishga xizmat qiladi.

Agar chorvachilik chiqindilari tabiiy sharoitda biologik parchalansa atmasfera havosiga 1 tonna gong hisobiga 300 kubmetr metan ajralib chiqadi. Bu 6300 kubmetr is gazi degani. Har bosh qoramol chiqindisidan bir kecha-kunduzda 1-3kubmetrgacha biogaz olish mumkin [1,2].

Boshqacha aytganda 1 ta qoramol chiqindisidan olinadigan kunlik biogaz qariyb 10 kg yog'och o'tin yoki 5 kg komir energiyasiga to'g'ri keladi 1 tonna gong hisobiga 40 - 50 kubmetr biogaz ajralib chiqadi. Бир оила еhtiyojiga 10 kubmetr biogaz kifoya [3]. Mavjud malumotlarga ko'ra O'zbekistonda 6000 mingdan ortiq fermer xo'jaliklari bolib ,ularda 650000 mingdan ortiq qoramol va 21 million boshdan ortiq parandalar 6 million tonnadan ortiq chiqindilar hosil qiladi 1 qator fermer xo'jaliklarida biologik chiqindilarni qayta ishlaydigan va biogaz hamda bioo'g'it ishlab chiqariladigan qurilmalaridan foydalanilmoqda.

Chorvachilik va parrandachilik xo'jaliklarida yiliga 6 million tonna biologik chiqindilar ishlab chiqarish imkoniyati mavjud bola turib, yiliga 23000 tonnasi qayta ishlanmoqda, bu 0.4% ini tashkil etadi. Hukumatimiz 2015 yil 5 - may kungi “2015-2019 yillarda iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya sig'imini qisqartirish energiyani tejaydigan tehnologiyani joriy etish chora- tadbirlari dasturi to'g'risida”gi qaroriga bu sohada olib borilayotgan ishlarni johon andozalari darajasida rvojlantirish imkonini berdi. Dastur ijrosida joriy yil 25 - noyabr Vazrlar mahkamasining <<Respublikaning chorvachilik va parrandachilik xo'jaliklarining biogaz qurilmalari qurulishi rag'batlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qaror qabul qilindi. Bizning sharoitda 1m<sup>3</sup> xajmga ega biogaz qurulmasi 350 kg gomus bilan toldirilganda kun davomida 20m<sup>3</sup> gacha metan gazini olish mumkin bu esa o'z navbatida 4 - 5 nafar inson istiqomat qiluvchi oilaning tabiiy gazga bo'lgan bir kunlik ehtiyojini qondirishga yetadi [3].

Malumotlarga qaraganda Xitoy xalq Respublikasida milliy energoiste'- molining 30% ni biogaz hisobidan qoplanadi [2, 3]. Biogaz ishlab chiqarish bo'yicha dunyoda 2-o'rinni Hindiston egallaydi. O'tgan asrning 30 - yillarida dunyoda birinchi bo'lib Hindistonda biogaz olish texnologiyasini rivojlantirish bo'yicha milliy dastur qabul qilingan 2000-yilning oxirlarida Hindistonning qishloqlarida qurilgan metantenklarning soni bir mln. dan oshib ketdi. Natijada bir qancha qishloqlarning energiya bilan ta'minlanishi va ularning sanitariy-gigiyenik holati yaxshilanadi, o'rmonlardagi daraxtlarni kesish keskin kamayadi va tuproqning tarkibi yaxshilanadi.

Bugungi kunda Hindistonda kunlik biogaz ishlab chiqarish miqdori 2,5 - 3 mln.m<sup>3</sup> dan oshib ketdi. 2016-yildagi malumotlarga qaraganda O'zbekistondagi biogazning umumiy miqdori 8,9 mlrd kubometr deb baholandi Issiqlik berishi 6,5 mlrd kubometr tabiiy gazga to'g'ri keladi, bu esa O'zbekistonda energiya resurslariga bo'lgan ehtiyojning yillik 10% foizini tashkil etadi. 2016 yilning 23-noyabr kuni Andijon viloyatining Buloqboshi tumanida biogaz qurilmasining ishga tushurish bo'yicha pilot loyihaning tantanali ochilishi bo'lib o'tdi. Loyiha nafaqat ekologik jihatdan balki iqtisodiy jihatdan ham juda samaralidir.

Rejaga ko'ra yangi biogaz qurilmasidan foydalanish atmosferaga CO<sub>2</sub> gazining ko'tarilishining kamayishiga (hisoblarga ko'ra CO<sub>2</sub> mavsum mobaynida 330 tonnaga qisqaradi) olib keladi. Biogaz qurilmasidan olingan organik o'g'itlar meva-sabzovotlar hosildorligini 4% ga ko'taradi. Mutaxasislarning fikricha 1m<sup>3</sup> biogazdan 2 kvt/soat elektir energiyasi, 4 kvt/soat issiqlik energiyasi olish mumkin.

Biogaz qurilmasidan va undan foydalaish afzalliklari: biogaz SO<sub>2</sub> ga qaraganda neytral yoqilg'I hisoblanadi, undan foydalanish esa atmosferada organik chiqindilarni achitishda yuzaga keladigan metan gazi miqdori ko'payishini oldini oladi; - achitilgan biomassadan olinadigan o'g'itlar sifati boshlang'ich xomashyonokidan ancha yuqori; - atrof muhitning ifloslanishi kamayadi; - uzoq qishloqlarda ham maishiy qulayliklar yaratiladi; - yerlarning hosildorligini oshiradi; - chiqindilardan foyda olish imkonini beradi; - energetik qaramlikdan ozod qiladi.

Biogaz qurilmasining asosiy kamchiliklari: -istalgan joydan biogaz olish qurilmasini qurib bo'lmaydi; - doimiy zahira manbai bo'lishi shart

**Xulosa.** Respublikamizda, xususan chorvachilik va parrandachilik xo'jaliklarida yoqilg'i - energetika resurslariga bo'lgan talabning oshib borishi bilan ularning barqaror energiya taminoti masalasi muhim bo'lib bormoqda Bu masalani qisman energiyadan samarali foydalanadigan va energiyani tejaydigan texnologiyalarni joriy qilish, jumladan qayta tiklanadigan manbalardan avtonom tarzda energiya ishlab chiqarish texnologiyalarni joriy qilish orqali yechish mumkin. Xalqaro tajribani va chorvachilik va parrandachilik xo'jaliklarida qayta tiklanadigan manbalardan energiya ishlab chiqarish texnologiyalarni rivojlantirish istiqbollari tahlil qilish natijasida, eng ilg'or texnologiyalardan biri sifatida biogaz ishlab chiqarish texnologiyasi tan olingan. Demak biz bu sohada koplak ilmiy ishlar qilishimiz va sohaning ochilmagan qirralarini ochib amalyotda qo'llashimiz zarur.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. T.Majidov Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Toshkent: 2014 y. 167 b.
2. St-Pierre B., Wright A.D.G. Metagenomic analysis of methanogen populations in three full-scale mesophilic anaerobic manure digesters operated on dairy farms in Vermont, USA. Bioresour.Technol.2013;138: 277-284.

**UDK 631.6.02(575.1)**

**SUV XO'JALIGIDA INNOVATSION TEXNALOGIYALARNING O'RNI**

**D.R.Rustamova, katta-o'qituvchi, H.X.Iskandarov - talaba TIQXMMI**

**Annotatsiya**

Astronomlar o'zga sayyoralarda hayot bor yoki yo'qligini bilmog'chi bo'lsalar, avvalambor o'sha sayyorada suv bor yoki yo'qligini aniqlashga kirishadilar. Chunki, hayot bo'lishi uchun eng avvalo suv mavjud bo'lishi kerak. Yerdagi hayot dastlab suvda paydo bo'lib, undan quruqlik – havo va tuproqqa o'tganligini fan allaqachon isbotlagan. Suv o'zining erituvchanlik hususiyati bilan tabiatdagi barcha tirik organizmlarning hayotini ta'minlab turadi. Rus geologiya fanining otasi akademik A.P.Karpinskiy "Suv eng qimmatbaho boylik bo'lib, usiz yashash mumkin emas", deb yozgan edi.

Kishilar suvning ahamiyatini bilib, qadimdan daryo yoki ko'l bo'yida uylar, shaharlar qurib yashaganlar, ko'chmanchi xalqlar doimo suv bor joyni izlaganlar. Kishilar dam olish uchun doimo suv bo'lgan joylarga intiladilar. Suvda cho'milib turish kishi salomatligini saqlashda va chiniqishda eng asosiy vositadir. Nemis olimi G.Libman aytganidek, "Bizning planetamizda kishilarning salomat qolishlari uchun texnikaning mo'jizalari emas, balki toza, ichish uchun yaroqli suv etarli bo'lishi kerak". Suv barcha tirik mavjudotlarning yashashi uchun tabiat tomonidan in'om etilgan oliy ne'matdir. Biz kundalik hayotimizni suvsiz tasavvur eta olmaymiz. Suv inson salomatligini saqlashda katta ahamiyatga egadir. Bilamizki, odam tanasining 75-80% i suvdan iborat. Agarda, tanasidagi suvni 6-8% ini yo'qotsa, harorati ko'tariladi, yurak urushi, nafas olishi tezlashadi, boshi aylanadi va og'riy boshlaydi. Suv yanada ko'proq yo'qotilsa, odam halok bo'lishi ham mumkin. Shundan ko'rinib turibdiki, suv-hayot tiriklik manbaidir. Uni tejash, asrab avaylash har bir fuqaroning muqaddas burchiga aylanmog'i kerak[1].

Ma'lumki, suv sayyoramizning 70% ni tashkil etib, u okeanlar, dengiz, daryo, ko'l va er osti suvlaridan tashkil topgan. Sayyoramizdagi mavjud suv zahirasining o'rtacha 1 foizini ichimlik suvi, qolgan qismini dengiz va okeanlarning sho'r suvlari tashkil etadi, qaysiki, ular ichishga, o'simlik va hayvonlarni sug'orishga yaramaydi. Ammo, okean va dengiz suvlari ham iqlimni hosil qilishda, suvni aylanma harakatida, ulardagi barcha o'simlik va hayvonlarning yashashi uchun hamda suv transporti vositalarini yurishi uchun katta ahamiyatga ega. Atmosfera havosining isishi tufayli Arktika va tog'lardagi muzliklarning 40 foizdan ortig'i erib ketdi, Afrikadagi Klimandjaro tog'i muzliklari erib tugagan, Antraktidagi muzliklardan aysberglar hosil bo'lib, okean suvlariga erib ketmokda. Deyarli har yili Yevropaning ko'p mamlakatlarida, Rossiyaning ko'p viloyatlarida suv toshqinlari sodir bo'lmoqda. Atmosfera havosining isishi davom etaversa XXI asrda Dunyo okeani sathi 1-5 metrga ko'tariladi, quruqlikning salmoqli qismini suv bosishiga olib keladi. O'zbekistonlik mutaxassislarning hisob-kitobiga ko'ra, atmosfera havosining isishi davom etaversa 2000-2030 yillarda Respublikadagi suv resurslari 15-25% kamayadi; atmosfera havosi isiganda suvni parlanishi kuchayib, ekinlar rivojlanish davrida ko'p marta sug'orishni talab qiladi. Ekinlarga suv etishmasligidan hosildorlik kamayadi. Suvdan foydalanish huquqi tushunchasi asosan ikki holat bilan ko'proq bog'liq.

Birinchidan, u suv huquqining asosiy institutlaridan biri bo'lib, suv va suvdan oqilona foydalanish, uni muhofaza qilish hamda suv bilan bog'liq barcha muammolarni o'z ichiga oladi.

Ikkinchidan, suvdan foydalanish va uni muhofaza etish bilan bog'liq bo'lgan suv foydalanuvchilarning huquq va majburiyatlari bilan bog'liq[2]. O'zbekiston Respublikasi "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida"gi qonunning 21-moddasiga ko'ra: "Suv obyektlari aholining ichimlik suvga bo'lgan ehtiyojlarini, maishiy davolash; kurort, sog'lomlashtirish, hordiq chiqarish va boshqa ehtiyojlarini, qishloq xo'jaligi, sanoat, energetika, transport, baliqchilik xo'jaligi hamda boshqa davlat yoki jamoat ehtiyojlarini qondirish uchun qonunlarda

ko`zda tutilgan talablar va shartlarga rioya qilingan holda foydalanishga beriladi. Oqindi suvlarni oqizish uchun suv obyektlaridan foydalanishga qonunlarchda ko`zda tutilgan hollarda hamda maxsus talablar va shartlarga rioya qilingan taqdirdagina yo`l qo`yilishi mumkin. Suv obyektlari ayni bir vatda bitta yoki bir nechta maqsadlarda foydalanishga berilishi mumkin. Respublikamiz sharoitida foydalanadigan suv resurslarining asosiy qismi qishloq xo`jaligida sug`orish maqsadlarida ishlatiladi. Uning qismidan esa sanoatda hamda maishiy va kommunal maqsadlarda foydalaniladi. Ana shu har uchala yo`nalish ham yildan-yilga ko`proq suv talab qilmoqda. Natijada hududimizda suv muammosi tobora jiddiy muammo bo`lib qolmoqda. Bunday sharoitda suvni tejab-tergab ishlatish, uning behuda ketishiga yo`l qo`ymaslik, qaytarma va oqava suvlardan unumli foydalanish, eng muhimi - suv manbalarini ifloslanishdan va ortiqcha minerallanishdan saqlash talab qilinadi. Bundan tashqari ushbu qonunning 22-moddasiga asosan, suvdan foydalanish turi ikki xil deb ko`rsatilgan. Suvdan umumiy foydalanish - suvning holatiga ta`sir qiladigan inshootlar yoki texnikaviy qurilmalarni qo`llamay foydalanish; suvdan maxsus foydalanish - inshootlarni yoki qurilmalarni qo`llanish yo`li bilan foydalanish. Inshootlar yoki texnikaviy qurilmalarni qo`llamay turib, ammo suvning holatiga ta`sir qiladigan tarzda suv obyektlaridan foydalanish ham ayrim holatlarda suvdan maxsus foydalanish turiga kiritilishi mumkin. Suvdan umumiy va maxsus foydalanish turlarining ro`yxati suv xo`jaligi, tabiatni muhofaza qilish, sanitariya nazorati, geologiya va mineral resurslar organlari tomonidan belgilab qo`yiladi[3].

Shuningdek, suv qonunchiligida "Suvdan birgalikda va tanho foydalanish" masalasiga ham alohida e`tibor berilgan. Jumladan "Suv obyektlaridan birgalikda yoki tanho foydalanish mumkin. Birgalikda foydalaniladigan suv obyektlari jumlasiga tanho foydalanish uchun berilmagan suv obyektlari kiritilishi mumkin. Tanho foydalaniladigan suv obyektlariga mahalliy hokimiyat organlari qarori asosida biron korxonalar, tashkilot va muassasaga butunlay yoki qisman berib qo`yilgan suv obyektlari kiradi" (23-modda).

Suv qonunchiligida suvdan ekologik talablarga rioya qilib foydalanishda suvdan birlamchi va ikkilamchi foydalanuvchilarga ajratilgan. Tanho foydalanish uchun suv obyektlari berib qo`yilgan korxonalar, tashkilotlar va muassasalar suvdan birlamchi foydalanuvchilar hisoblanib, ular suv xo`jaligi va tabiatni muhofaza qilish organlari bilan kelishib, boshqa korxonalar, tashkilotlar, muassasalar va fuqarolarga suvdan ikkilamchi foydalanish uchun ruxsat berishga haqlidirlar.

Suvdan ikkilamchi foydalanish uchun berilgan ruxsatnomada suv obyektini berish maqsadi va undan foydalanishning asosiy shartlari ko`rsatiladi. Zarur hollarda suvdan ikkilamchi foydalanish shartlari, taraflarning o`zaro huquq va burchlari suvdan birlamchi va ikkilamchi foydalanuvchilar o`rtasidagi shartnoma bilan rasmiylashtirilgan Suvdan foydalanuvchilar huquq va burchlari "Suv va suvdan foydalanish to`g`risida"gi qonunning IX bobi, 32-35 moddalarida aniq ko`rsatilgan. Mazkur qonunning 32 moddasida suvdan foydalanuvchilarning quyidagi huquqlari bayon etilgan: suv obyektlari qanday maqsadlar uchun foydalanishga berilgan bo`lsa, faqat shu maqsadlarda foydalanish; suvdan foydalanishni amalga oshirish uchun inshootlar, qurilmalar va boshqa obyektlarni qurish; berilayotgan suvning miqdori va sifatini tekshirish; qonunlarda nazarda tutilgan hollarni istisno etganda, shartnoma bo`yicha olinmay qolgan suv uchun tovon to`lanishini talab qilish; suv obyektlaridan foydalanish bo`yicha qonunda taqiqlanmagan boshqa ishlarni amalga oshirish huquqiga egadir. Shuningdek, suvdan foydalanuvchilarning huquqlari qonun bilan qo`riqlanadi. Suvdan foydalanuvchilarning huquqlari buzilgan taqdirda bu huquqlar qonunlarda ko`zda tutilgan tartibda tiklanishi lozim bo`ladi.

Zero, qonunga asosan suvdan foydalanuvchilarning huquqlarini cheklash hollari ham qonunda ifoda etilgan. Mazkur qonunning 34-moddasiga asosan. Qonunlarda ko`zda tutilgan hollarda aholi sihat-salomatligini saqlash maqsadlarini, davlatning boshqa manfaatlarini, shuningdek suvdan boshqa foydalanuvchilar manfaatlarini ko`zlab, suvdan foydalanuvchilarning huquqlari cheklab qo`yilishi mumkin. Lekin bu holda aholining ichimlik va maishiy ehtiyojlari uchun suv obyektlaridan foydalanish shart-sharoitlari yomonlashib qolmasligi lozim[4].

Hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida va ekologik tanglik bor paytda mustaqil O'zbekiston Respublikasining fuqarolari tabiatning barcha boyliklari qatori, suv resurslariga ehtiyojlari benihoya katta. Kelajak avlodimizning taqdiri, baquvvatligi, sog'ligi obi-hayotimiz bilan bog'liq ekan, demak, ayni shu kunlarda qabul qilinayotgan suv to'g'risidagi qonun, qaror va farmonlar, suv boyliklaridan oqilona foydalanish, uni bulg'anish va ifloslanish hamda kamayib ketishidan saqlash ishiga ko'maklashishi lozim. Asosan suv resurslarini huquqiy ekologik muhofaza qilish maqsadida huquqiy ilmiy yo'nalishni kuchaytirish maqsadga muvofiqdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotalar**

1. I.A.Karimov. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida xavsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. T.Baratov Tabiatni muhofaza qilish. T. O'qituvchi. 1983 y.
2. Egamberdiyev R. Ekologiya. T. 1993 y.
3. Ergashev A. Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. Toshkent "Yangi asr avlodi"
4. Arxiv.uz, aim.uz

УДК:631.1:001.8(575.1)

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Бобонарова Камола Ўктамжон қизи - 206-гуруҳ талабаси,  
Ташходжаева Гулноза Сайдамходжаевна – БХА кафедраси ассистенти**

#### **Аннотация**

Ушбу мақола Ўзбекистон аграр секторини барқарор ривожлантириш, инновацион фаолият самарадорлигини ошириш ва соҳани бошқариш масалаларини ёритиб беради. Инновацион ривожланиш муаммолари Ўзбекистон учун долзарб аҳамият касб этади, чунки инновацион ресурсларни тежаш, инновацион технологиялар кенг қамровли ва самарали бўлиб, нафақат замонавий технологиялардан фойдаланилади, экологик барқарорликни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлайди. Замонавий технологияларнинг турли хил вариантларини таққослаш шуни кўрсатадики, ўрни минимал даражада қайта ишлаш, мавжуд ва инвестиция харажатларининг тежалиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва ҳар бир гектардан бир баробар юқори ҳосил олиш даражаси бир хил.

Ҳозирги вақтда инновацион ғоялардан фойдаланиш асосида жаҳон хўжалиги ривожланишининг янги парадигмаси шаклланмоқда. Ўзбекистон ушбу жараёнларни инкор эта олмайди ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам инновацион жараёнларнинг фаоллашувини таъминлаши зарур. Ушбу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган[1].

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги тармоғида тўпланиб қолган муаммоларни, балки ушбу тармоқ олдида турган асосий вазифаларни ҳам ҳал этиш зарурлиги билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда инновацион фаолият қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омилидан бири ҳисобланади. Мазкур омилдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мамлакатимизда агросаноат мажмуининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жадаллашиб, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда мамлакатимиз қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион йўлига жадал ўтишни амалга ошириши, иқтисодиётнинг ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник-технологик асосда тиклаши лозим. Акс ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишдан ортда қолади ва ўзининг




рақобатбардошлигини таъминлай олмайди. Ҳозирги кунга қадар қишлоқ ва сув хўжалигининг ривожланиши энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ аҳолиси, балки мамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир. Юртимизда қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ. Инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини ўсишига сабаб бўлади.

Иқтисодиётнинг аграр секторидаги таркибий ўзгаришлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишни диверсификациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чоратадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 199 537,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 100,3 % ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 193 703,3 млрд. сўмни (100,2 %), ўрмон хўжалигида – 4 757,5 млрд. сўмни (103,1 %), балиқ хўжалигида – 1 076,6 млрд. сўмни (113,8 %) ташкил қилди [2].

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 192,7 трлн. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 102,5 трлн. сўмга тенг қисми ёки 53,2 фоизи деҳқончилик, 90,2 трлн. сўмга тенг қисми ёки 46,8 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади. 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари яқунларига кўра фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида (36,1 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуши Навоий вилоятида (77,5 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (7,5 %) қайд этилди [3].

### 1-жадвал

#### Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши



Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби ҳам ўзгарди. Дехқончиликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агротехнологик тадбирларни амалга ошириш эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши динамикаси 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 102 495,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 95,3 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 53,2 % ни ташкил қилди. [4].

Фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан улуши (2-жадвал) да кўришингиз мумкин.

**2-жадвал**

**2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	Миқ-дори	ўсиш суръати, %	Миқ-дори	ўсиш суръати, %	миқ-дори	ўсиш суръати, %	миқ-дори	ўсиш суръати, %
Гўшт тирик вазнда, минг т	2 417,4	105,7	98,0	141,3	2 238,7	104,3	80,7	112,7
Сут, минг т	10 480,7	104,3	372,9	110,4	10 018,6	103,9	89,2	130,3
Тухум, млн. дона	7 360,5	116,2	1 062,5	152,8	4 294,0	106,8	2 004,0	124,0
Жун, минг т.	35,0	96,3	2,8	126,6	30,6	94,4	1,6	92,9
Қорақўл, минг дона	1 082,6	100,7	78,8	131,8	901,3	99,5	102,5	93,9
Пилла минг т	17,9	143,5	14,3	125,1	х	х	3,6	340,0

Қишлоқ хўжалигида давом этаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакллари этиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари танлаб олинди. Фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш уларнинг барқарор ва самарали ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатлар иқтисодиёти тури ва ривожланиш даражасига қараб, асосан, хом-ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиёт, индустриал иқтисодиёт, постиндустриал иқтисодиёт, аралаш иқтисодиёт ва инновацион иқтисодиёт ёки билимлар иқтисодиётига асосланган мамлакатларга бўлинади.

Инновацион иқтисодиёт иқтисодиётнинг энг юқори ривожланган тури ҳисобланади ва у учун билимли жамият хосдир. Ҳозирги кунда фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш учун турли механизмлар ва институционал

тузилмалар, яъни миллий инновацион тизим шаклланмоқда. Қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиришда қишлоқ хўжалигини технологик жиҳатдан модернизация қилиш устувор йўналишлардан биридир. Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида кўрғазмалар ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инновацион жараёнларни чуқурлаштиришга ва инновация базасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ижтимоий-иқтисодий асослар мавжуд. Бироқ аграр соҳани инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ёки бошқача айтганда, инновацион лойиҳаларни бир, ҳатто бир неча фермер хўжаликлари миқёсида ҳам амалга оширишда муаммолар мавжуд, чунки:

биринчидан, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи субъектлар ҳозирги вақтда илмий тадқиқот ишларига буюртма бериш ҳамда тадқиқотларни молиялаштиришда иштирокининг сустлиги;

иккинчидан, илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқишда тадқиқот олиб бориш ва илмий-тадқиқотларни молиялаштиришни ҳам хўжалик субъекти ўзи амалга ошира олмайди;

учинчидан, янги технология, янги навлардан фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларнинг етарли даражада билимларга эга эмаслиги, улар олимлар ва мутахассислар хизматидан фойдаланишлари зарур, шунингдек, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишда ҳам фермерлар маълум даражадаги қийинчиликларга дуч келмоқдалар;

тўртинчидан, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан тайёрланган инновацион ишланмаларга ишлаб чиқарувчиларнинг талаби етарли даражада эмаслиги, улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эмас;

бешинчидан, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг масъулиятсизлиги.

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиш ҳозирги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиб келинмоқда.

Ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради[12]: жаҳон миқёсидаги талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши; маҳсулот таннарҳи аҳамиятли даражада пасайтирилиши ҳисобига корхонанинг молиявий натижалари юқори болиб, имкониятлари кенгайиши; хом-ашё ва ресурслар тежалиши; атроф-муҳитга салбий таъсир қисқариши ва ҳ.к. Агар мазкур техника ва технологиялар инновацион тавсифга эга, яъни илгари амалда қўлланилмаган ишланма ва ғояларга асосланган бўлса, у ҳолда улардан фойдаланишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти янада юқорироқ бўлади. Инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ушбу соҳада қўлланиб келинаётган технологияларга нисбатан юқорироқ самарага эришиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишни, юқори самара берадиган янги машиналар ва асбоб-ускуналарни, агротехника ва зоотехника усулларини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги методларини жорий этишни тақозо қилади. Энг самарали усул ва методларни танлаш ва жорий этиш учун уларни олдиндан текшириб кўриш, уларга ташкилий-иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бундай баҳо бериш миллий иқтисодиётнинг самарадорлик мезони, яъни ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошириш асосида амалга оширилади, меҳнат унумдорлигининг ошиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини ва миллий даромадни

ўстиришда ифодаланади. Бунга ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларини қисқартириш, соф даромадни орттириш асосида эришилади. Бу қоидаларга асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришнинг янги усул ва методлари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар қўлланилади:

бир гектар ер ҳисобига ва бир бош мол ҳисобига олинадиган юқори сифатли маҳсулот миқдори; меҳнат унумдорлиги; маҳсулот таннархи;

соф даромад ва рентабеллик;

капитал маблағлар ва уларнинг ўз ўрнини қоплаши.

Мазкур кўрсаткичлар бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо қилади. Маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса, унинг сифати яхши бўлса, меҳнат унумдорлиги юқори, таннархи арзон бўлса, соф даромад кўп ва рентабеллик юқори бўлса, капитал маблағлар шунча кам талаб қилинади ва улар тезроқ ўз ўрнини қоплайди, янги усул ва методларнинг иқтисодий самарадорлиги шу қадар юқори бўлади. Янги усул ва методлар, агар зарур бўлиб қолса оптималлаштирилади. Бу оптималлаштириш хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жуда кўп, хилма-хил вариантлардан энг самаралиларини танлаб олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришнинг изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

Бу борада:

пахта ва бошоқли дон экин майдонларини қисқартириш эвазига картошка, сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар, янги интенсив боғлар ва узумзорлар майдонини кенгайтириш ва оптималлаштириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш, тармоққа интенсив, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори техникалардан фойдаланиш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг қасаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мос янги селекция навларини ва юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ҳамда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат ва қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш;

глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўриш.

## Хулоса

Қишлоқ хўжалигида юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш ва унинг бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожланишдан орқада қолмаслиги учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва

мулкчилик шаклларининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллари аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, деҳқон ва ишчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллари асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-Фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.
2. Вахобов А.Р. Организация и развитие сферы услуг сельскому населению в условиях многоукладной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. - Т.:НИИРР в АПК, 1997. – 7 с.
3. С.А.Икромова ва бошқалар. Республикамиз агроиқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий концептуал асослари. //Агросаноат мажмуи тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.:ТДАУ, 2014.- 46 бет.
4. www.stat.uz.

**УДК: 657.1/6:631.145 (575.1)**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**Илмий раҳбар: доц. Табаев А.З.  
“СХТЭ ва Б” факултети, Кузибоев А.С.**

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистон аграр секторининг барқарор ривожланиши, тармоқнинг инновацион фаолияти ҳамда бошқаруви самарадорлиги масалалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, инновацион бошқарув, самарадорлик, таркибий ўзгаришлар, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, технология, модернизациялаш, инновацион ривожланиш, чорвачилик, деҳқончилик.

Ҳозирги вақтда инновациялардан фойдаланиш асосида жаҳон хўжалиги ривожланишининг янги парадигмаси шаклланимоқда. Ўзбекистон ушбу жараёнларни инкор эта олмайди ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг фаоллашувини таъминлаши зарур. Ушбу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган [1].

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги тармоғида тўпланиб қолган муаммоларни, балки ушбу тармоқ олдида турган асосий вазифаларни ҳам ҳал этиш зарурлиги билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда инновацион фаолият қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Мазкур омилдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мамлакатимизда агросаноат мажмуининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жадаллашиб, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда мамлакатимиз қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришнинг инновацион йўлига жадал ўтишни амалга ошириши, иқтисодиётнинг ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник-технологик асосда тиклаши лозим. Акс ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишдан ортда қолади ва ўзининг рақобатбардошлигини таъминлай олмайди.

Ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ аҳолиси, балкимамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ. Инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини кучайтиради.

Қисқа даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожланишининг инновацион йўлига ўтказишга қодир бўлган самарали бошқарув тизимини шакллантиришга нисбатан тизимли ёндашув зарур. Бундай тизим механизмларини шакллантириш методологияси турли иқтисодий таълимотлар, шу жумладан институционал назария, эволюцион иқтисодиёт ва синергетиканинг назарий қоидаларига асосланган бўлиши керак. Ушбу муаммолар ва йўналишлар қишлоқ хўжалиги фаолият кўрсатишининг ҳозирги шароитида ундаги инновацион жараёнларни бошқариш назарияси ва амалиёти нуктаи назаридан етарли даражада ўрганиб чиқилмаганлигича қолмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишини инновацион бошқаруви самарадорлиги масалалари бўйича муаммонинг умумий томонлари иқтисодчи олимларимиз М.Қ.Пардаев, Ч.Муродов, Н.Хушматов, Т.Х.Фармонов, Қ.А.Чориев, Р.Х.Эргашев илмий ишларида ўрганилган. Уларнинг ишлари хўжалик юритишнинг бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали юритиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди.

Масалан, М.Қ.Пардаевнинг илмий тадқиқот ишида иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтишда иқтисодиётнинг аграр секторидида тўпланиб қолган муаммоларни, балки ушбу тармоқ олдида турган асосий вазифаларни ҳам ҳал этиш зарурлиги билан боғлиқ [2] эканлиги таъкидланган бўлса, Ч.Муродовнинг илмий тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожланишнинг инновацион йўлга изчил ўтказиш асосида уни барқарор иқтисодий юксалтириш, ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник - технологик асосда ривожлантириш тўғрисида фикр билдирилган [3].

Яна бир олим Н.Хушматовнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни ривожлантиришнинг инновацион бошқаруви шу билан бирга ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг аграр секторини модернизация қилиш ва уни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтказиш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тармоқдаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш соҳасидаги кўплаб муаммо ва масалаларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикр билдирилган [4].

Т.Х.Фармоновнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигини бошқариш самарали тизимини шакллантиришнинг бошқарувга нисбатан институционал ва синергетик ёндашувларни уйғунлаштирган, бошқарувнинг мураккаб объекти сифатида агроиқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, бошқарувнинг асосий методологик тамойилларига асосланган, кўпроқ мослаштириш йўли билан бошқариш моделларини қўллашга йўналтирилган [5].

Қ.А.Чориевнинг илмий тадқиқот ишида эса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш аграр секторнинг ривожланишини инновацион бошқаруви самарадорлиги бўйича фикр билдирилган [6].

Шунингдек Р.Х.Эргашевнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги юритишнинг эркин бозор шаклларига ўтиш ва мустақил товар ишлаб чиқариш механизминини оширишга қаратилган [7].

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлиллар натижасига кўра, иқтисодиётнинг аграр секторидagi таркибий ўзгаришлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришинини ислох қилишни диверсификациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 2016 йилда 47486,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 2,7 мартага ўсишини таъминлади. Шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми 29042,4 млрд. сўмни (2,8 марта), чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 18443,7 млрд. сўмни (2,6 марта) ташкил этди [9].

2010-2016 йиллар давомида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми барқарор суръатларда ўсиб борди, бунда ўсиш суръати йилига 6-7 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни хўжаликлар тоифалари кесимида таҳлил этилганда, йилдан-йилга фермер хўжаликларининг улуши ошиб бораётганлиги, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар улуши эса камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Республикамизда фаолият юритиб келаётган паст рентабелли қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ер майдонлари қисқартирилиб, улар негизида мустаҳкам моддий техника базасига эга бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, жами қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжаликлари улушининг 2000 йилдаги 5,5 фоиздан 2016 йилда 32,9 фоизгача кўпайишида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар улушинини эса 2000 йилдаги 27,8 фоиздан 2016 йилда 2,0 фоизгача камайишида ўз ифодасини топди [11].

Қишлоқ хўжалигида давом этаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришинини ташкил этишнинг асосий шакллари этиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари танлаб олинди. Фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш уларнинг барқарор ва самарали ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инновацион жараёнларни чуқурлаштиришга ва инновация базасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ижтимоий-иқтисодий асослар мавжуд. Бироқ аграр соҳани инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ёки бошқача айтганда, инновацион лойиҳаларни бир, ҳатто бир неча фермер хўжаликлари миқёсида ҳам амалга оширишда муаммолар мавжуд, чунки: **биринчидан**, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи субъектлар ҳозирги вақтда илмий тадқиқот ишларига буюртма бериш ҳамда тадқиқотларни молиялаштиришда иштирокининг сустлиги; **иккинчидан**, илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқишда тадқиқот олиб бориш ва илмий-тадқиқотларни молиялаштиришни ҳам хўжалик субъекти ўзи амалга ошира олмайди; **учинчидан**, янги технология, янги навлардан фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларнинг етарли даражада билимларга эга эмаслиги, улар олимлар ва мутахассислар хизматидан фойдаланишлари зарур, шунингдек, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишда ҳам фермерлар маълум даражадаги қийинчиликларга дуч келмоқдалар; **тўртинчидан**, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан тайёрланган инновацион ишланмаларга ишлаб чиқарувчиларнинг талаби етарли даражада эмаслиги, улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эмас; бешинчидан, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг масъулиятсизлиги.

Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда мамлакатлараро интеграция шароитида республикада қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалиги тармоғини ва қишлоқни, шу билан бирга қишлоқ инфратузилмасини, янги инновацион ривожланиш йўлига ўтиши зарур. Бу йўл орқали замонавий техник-технологик асосида қишлоқнинг мавқеини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиш ҳозирги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиб келинмоқда. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон аграр секторидида инновациялар ҳажми жами ялпи ички маҳсулот ҳажмида 1-2 %ни ташкил этади, қишлоқ инфратузилмаси тармоғида эса бу кўрсаткичундан ҳам кам, ваҳоланки ушбу кўрсаткич бошқа ривожланган мамлакатларда 50-60% дан кўпроқни ташкил этади [8].

Ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради [10]: жаҳон миқёсидаги талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши; маҳсулот таннархи аҳамиятли даражада пасайтирилиши ҳисобига корхонанинг молиявий натижалари юқори бўлиб, имкониятлари кенгайиши; хомашё ва ресурслар тежалиши; атроф-муҳитга салбий таъсир қисқариши ва ҳ.к. Агар мазкур техника ва технологиялар инновацион тавсифга эга, яъни илгари амалда қўлланилмаган ишланма ва ғояларга асосланган бўлса, у ҳолда улардан фойдаланишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти янада юқорироқ бўлади. Инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ушбу соҳада қўлланиб келинаётган технологияларга нисбатан юқорироқ самарага эришиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишни, юқори самара берадиган янги машиналар ва асбоб-ускуналарни, агротехника ва зоотехника усулларини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги методларини жорий этишни тақозо қилади. Энг самарали усул ва методларни танлаш ва жорий этиш учун уларни олдиндан текшириб кўриш, уларга ташкилий-иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бундай баҳо бериш миллий иқтисодиётнинг самарадорлик мезони, яъни ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш асосида амалга оширилади, меҳнат унумдорлигини ошириш эса ишлаб чиқариш ҳажмини ва миллий даромадни ўстиришда ифодаланади. Бунга ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларини қисқартириш, соф даромадни орттириш асосида эришилади. Бу қоидаларга асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришнинг янги усул ва методлари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар қўлланилади : бир гектар ер ҳисобига ва бир бош мол ҳисобига олинадиган юқори сифатли маҳсулот миқдори; меҳнат унумдорлиги; маҳсулот таннархи; соф даромад ва рентабеллик; капитал маблағлар ва уларнинг ўз ўрнини қоплаши. Мазкур кўрсаткичлар бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо қилади. Маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса, унинг сифати яхши бўлса, меҳнат унумдорлиги юқори, таннархи арзон бўлса, соф даромад кўп ва рентабеллик юқори бўлса, капитал маблағлар шунча кам талаб қилинади ва улар тезроқ ўз ўрнини қоплайди, янги усул ва методларнинг иқтисодий самарадорлиги шу қадар юқори бўлади. Янги усул ва методлар, агар зарур бўлиб қолса оптималлаштирилади. Бу оптималлаштириш хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жуда кўп, хилма-хил вариантлардан энг самаралиларини танлаб олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришникенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада



ошириш истикболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

Бу борада:

- пахта ва бошоқли дон экин майдонларини қисқартириш эвазига картошка, сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар, янги интенсив боғлар ва узумзорлар майдонини кенгайтириш ва оптималлаштириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш, тармоққа интенсив, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори техникалардан фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалиги экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мос янги селекция навларини ва юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ҳамда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

industrial and agricultural production competitive innovative products;

development of the infrastructure component of the national innovation system;

training in organization and management in the field of innovation activity .

An important condition for the dynamic development of the Republic of Uzbekistan is the accelerated introduction of modern innovative technologies in the economy, social and other spheres with the widespread use of science and technology. Rapidly developing all spheres of public and public life of the country require close support of the reforms on the basis of modern innovative ideas, developments and technologies that provide a rapid and qualitative leap of the country into the ranks of the leaders of world civilization[3].

This year at the Exhibition AgroWorld Uzbekistan 2019 more than 150 companies from 22 countries of the world confirmed their participation in the exhibition: Austria, Azerbaijan, Belarus, Belgium, UK, Germany, Denmark, Italy, Spain, Canada, Kazakhstan, China, Kyrgyzstan, Latvia, Netherlands, Poland, Republic of Korea, Russia, Turkey, Uzbekistan, Ukraine and France. Foreign participation this year is 90% of the total exposition. For the first time, 60 companies will participate under the flag of Turkey, including manufacturers and suppliers of equipment for industrial greenhouses, solutions for growing crops in the closed ground, machines for processing and storage of grain, equipment for poultry farms, gearboxes and equipment for tillage[1].

The high status of AgroWorld Uzbekistan as an authoritative international forum is evidenced by the participation in its work of the official delegation of the Kingdom of the Netherlands consisting of 45 companies headed by the Ambassador of this country. At the same time, 14 companies took part in the exhibition, presenting innovations in various sectors of agriculture. Also, as part of the exhibition in Tashkent and Namangan was held "Agribusiness forum: the Netherlands – Uzbekistan", which will maximize the opportunity to communicate in B2B format between professionals. The need for special attention to agriculture and animal husbandry is mentioned in a number of state documents on the development of greenhouse, livestock complexes, which was taken into account by the organizers in preparation for the

exhibition this year. As a result, the exhibition increased by 35% due to the expansion of the exhibition "Equipment and construction of greenhouses turnkey" and "Livestock". Also, the attention of professionals has traditionally attracted the most relevant areas of the agricultural industry and a wide range of products presented by sector: "Equipment for poultry farms", "Mineral fertilizers", "Feed, additives and veterinary medicine", "Agricultural machinery" and much more.

Exhibitors presented equipment and technologies for livestock, poultry and greenhouses, solutions for the feed and grain industry. More than 60 participants, debutants, equipment manufacturers for various sectors of the agricultural industry. Among them: Kleymann Viehandels GmbH (Germany) - delivery of cattle; Richel Group S. A. S (France) - the European leader of production of industrial greenhouses; Plant Veterinary preparations, JSC (Russia) - medicines for animals; Val'tsmatik (Russia) - logistics equipment UIK, OOO (Uzbekistan) - greenhouse turnkey Alapros - (Turkey) design, automation, manufacturing flour milling machinery and equipment. Ronar BV – (Netherlands) - equipment of feed mills; Tecnoclima S. p.A. (Spain) - air conditioning systems in agricultural enterprises; Pecus International A/S (Denmark) - a company that supplies cattle meat and dairy products from Denmark and so on.

The section "animal Husbandry" will present the achievements of domestic and foreign companies, which will allow to exchange experiences and find new markets. Genetics in animal husbandry will be presented by Firma Schaap (Netherlands), Pecus International A/S (Denmark) Sifat AgroOzuqa and Agro milking systems LLC (Uzbekistan).

One of the most popular sections of the exhibition "Poultry" presented a wide range of equipment and technologies for agro-industrial production of the full cycle: from reproduction, their cultivation, maintenance and fattening to processing. The section "gardening" demonstrated planting material, equipment for agriculture and plant protection products. One of the ways to solve the problem may be the use of drip irrigation systems, which were presented by Turkish companies Agroboss sulama, Ege plast, Pintas plastic. AgroWorld Uzbekistan this year contributed to the favorable cooperation of public - private partnership.

#### **List of used literature:**

1. The decree of the President of the Republic of Uzbekistan from 21.09.2018 g. N up-5544 "On approval of strategy of innovative development of the Republic of Uzbekistan to 2019-2021 years."

2. Vazhdaeva D. M. the Development of agrarian sector of economy of Uzbekistan // the Young scientist. — 2017. — №17. — Pp. 321-323. URL <https://moluch.ru/archive/151/42491/> (accessed: 15.04.2019).

3. Alimjanov A. U. Innovative way of development of economy of Uzbekistan //

### **МАМЛАКАТИМИЗ ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИДА КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ**

**Наманган муҳандислик – технологик институти  
Исроилов Рустамжон Ибрагимович, и.ф.н., доцент  
Хожиматов Равшанбек Расулжонович, таянч докторант  
E-mail: [hrr2686@gmail.com](mailto:hrr2686@gmail.com)**

Ҳозирги кунда мамлакатимиз жаҳон миқёсида асосий пилла етиштирувчи давлатлар қаторига киради. Республикамизда пиллачиликни ривожлантириш, ипак хомашёсини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун жуда катта табиий шароитларга эга ва етарли даражада меҳнат кучлари билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Қишлоқ хўжалигида чуқур қайта ишлашни ва саноатни ривожлантирмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи – пиллачиликни изчил ривожлантириш,

пилла ва ипакчилик корхоналарини босқичма–босқич модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ҳамда соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади» деб таъкидлаб ўтдилар [1].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 616-сонли қарори қабул қилинди ва пиллачилик тармоғини янги босқичга кўтариш борасида устувор йўналишларни белгилаб берди [2-3].

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил топганидан кейин соҳада ижобий силжишлар бўлди. Мамлакатимиз ҳудудларида бир неча йиллардан буён ишламасдан турган йирик, кўшма ва кичик хусусий корхоналар фаолиятлари қайта йўлга қўйилди. Уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2016 йилда ўртача 18 фоизга, 2017 йилда эса 54 фоизга кўтарилди. Пиллани қайта ишлаш корхоналари 2018 йилнинг биринчи чорак якунига кўра 165 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ва 19,7 млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари, 683,3 тонна табиий хом ипак, 1034 минг м. ипакли газлама ишлаб чиқарилди [7].

Сўнгги йилларда юртимизда барча соҳада бўлгани каби пиллачилик тармоғида ҳам инновация ва замонавий усуллардан фойдаланиш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда республикада биринчи марта тажриба сифатида такрорий пилла етиштириш жорий қилинди. Хитой технологияси асосида 10,5 минг қути ипак курти парвариш қилинди ва 424,3 тонна пилла ҳосили етиштирилди. Натижада эса пилладан йилига уч марта ҳосил олиш тажрибаси синовдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида яқинда қабул қилинган “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари ифодаланиб, улар сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ўсиш соҳасида шаклланган қарашларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда [4].

Мамлакатимиз иқтисодиётида шиддатли, сифат жиҳатидан янги таркибий ва чуқур бозор ислохотлари юз бермоқда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликлари тубдан қайта кўриб иқилмоқда, иқтисодиётни ҳақиқатда ҳаракатга келтирувчи қувватга эга бўлган иқтисодий ўсишнинг янги, амалий драйверлари жорий этилмоқда. Эски, ўз салоҳиятини йўқотган институт ва иқтисодий регулятив воситалар иқтисодиётга таъсир этишнинг янги инновацион ва самарали шакл ҳамда усулларига ўз ўрнини бўшатиб бермоқда.

Бугунги кунда республикада ҳар бир соҳасида инновация ва изланиш, янги ютуқларга эришиш, мустақам рақобатни йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, айниқса, пиллачилик қайта ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий бошқарув усуллардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда, жумладан, кластер тизимини ушбу тармоқда тадбиқ қилиш ва пилла қайта ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш мақсадида ушбу тизим фаолиятини йўлга қўйиш масалалари устувор вазифа этиб белгиланган.

Ривожланган давлатларнинг амалиётда синалган тажрибалари шуни кўришимиз мумкинки, мамлакат барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, унинг инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда, эркин иқтисодий зоналарни барпо этишда кластерларнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори эканлиги кўрсатилган.

XX аср охирида ривожланган давлатлар иқтисодиётида рўй бераётган интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йули ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган



ва географик якин булган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган “Кластер”лар яратишдир [1].

Кластер атамасини америкалик иқтисодчи, Гарвард мактаби профессори Майкл Портер ўзининг “Рақобат устунлик назарияси” асарида куйидаги фикрларни айтиб ўтган, «...кластер атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси “панжа”, “бош”, “боғлам”, “турух”, “тўпланиш”, “турғун” маъноларини беради, шунингдек, кластер географик жиҳатдан кўшни бўлган, бир-бири билан боғланган, муайян бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмасидир»[5].

Ҳозирги кунга келиб, кластерлар нафақат саноат ишлаб чиқариш бир-бири боғлайди, балки инновацион бизнесни, маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини комплекс бошқарувини, минтақада ва ҳудуддаги инвестицион субъектлар ва инновацион фаолиятларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Хорижий иқтисодчи олим С.Пятикин мулоҳазаларига кўра эса “кластерли тузилмаларни шакллантириш асосий мақсад ҳудудларининг ривожлантиришда ишлаб чиқариш жараёларида қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, ваколатларни тақсимлаш, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро таъсирлашиш, ахборот айирбошлашни жадаллаштириш ва янгиликларни тарғиб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш, ҳудуднинг инновацион жозибадорлигини жадаллаштириш ҳамда ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича янги имкониятларни яратишдан иборат” [6].

Тадбиркорлик фаолияти тузилмаларини барпо қилишда кластерлар ўрни бекиёс бўлиб, улар йирик инвестиция лойиҳаларида ташкил этиш, қўшимча даромад олиш, янги бозорларга чиқиш, инновацияларни жорий этиш имкониятларини яратибгина қолмай, корхона харажатларни қисқартириш, инновацион фаолиятни инфратузилмавий таъминлаш, ходимлар малакасини ошириш, кичик корхоналарни инновацион фаолиятга жалб этиш ва пировардида рақобатбардошликни ошириш учун шароит яратиб беради.

Бунда, ҳар бир кластер иштирокчиси – корхона ўз мақсадини кўзлаган ҳолда нафақат ўз хўжалик фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади, балки тадбиркорлик инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашгани ҳолда, ҳудудда фаолият юритаётган турли хилдаги бошқа корхоналарнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг ўсишига хизмат қилади.

Кластер тадбиркорлар ўртасида очиқ ва ҳаққоний рақобатни муҳитини ташкил этиб, бир соҳада кластер усулида фаолият олиб бораётган барча тадбиркорларни умумий иқтисодий самарага йўналтиришдан иборатдир. Кластер ўз таркибига кичик ва йирик корхоналарни бирлаштира олиши билан бир қаторда, тармоқ соҳаларига инвестицияларни жалб этиш шарт-шароитларини яратиб берувчи омил ҳисобланади. Бу омиллар кластер тизими янада ривожланиши ва самарали фаолият олиб боришида хизмат қилади.

Корхоналарни кластер усули ва технологияларни билан ўзвий боғлаш орқали тадбиркорлик фаолиятларини жадал ўсишига олиб келади. Хусусан, мамлакат ҳудудидаги инвестиция муҳинити шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий, ахборот ва интеграция тизими ривожланишини таъминланади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг тадбиркорлик секторини ривожланиши, минтақанинг иқтисодий барқорорлигини доимий равишда сақлаиб туришида ҳамда инвестиция жозибадорлигини оширишда муҳим тастак бўлади.

Кластерларни яна бир ўзига хос хусусиятларида бири бўлиб, уни инвестиция жозибадорлигини ошириб, уни жалб қилиш шарт-шароитларини яратиб беради. Юқоридаги фикрларни умумий синтез қилиб, кластер ўзи хос хусусиятлари куйидагича ифодалаймиз:



**1-расм. Кластерни ўзига хос хусусиятлари**

Фикримизча, кластерларни шакллантиришдан асосий мақсад шуки, шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда булган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш - инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир.

Сўнги пайтларда Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги тармоқларини кластер усулида бошқариш муҳим вазифа қилиб белгиланмоқда, шу билан бир қаторда, пиллачилик соҳадасида ҳам келгусида кластер усули жорий қилиш мақсадида хориж тажрибалари ўрганилмоқда. Пиллачилик соҳасида кластер тизимини жорий этиш орқали тармоқда ипак қурти парваришлаш жараёнидан тортиб, озуқа етиштириш, зарур ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш, пиллани қайта ишлаш, ипак йиғириш босқичларини ўз ичига қамраб олади.

Хулоса қилиб, бугунги кунда пиллачилик тармоғида инновация ва изланиш янги ютуқларга эришиш, мустаҳкам рақобатни йўлга қўйиш мақсадида пиллачилик қайта ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий бошқарув усуллардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда, жумладан, бугунги кунда кластер тизимини пиллачилик тармоғида тадбиқ қилиш ва уни самарали бошқариш механизминини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланмоқда ва бу эса бевосита ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини жадал олиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Раҳматов М.А., Зарипов Б. Кластер- интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. –Т., Замин Нашр. 2018. 7-б
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарори.-Т.2017 йил 29 март.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 616-сонли қарори.-Т.2017 йил 11 август.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”.- Т.2017 йил 7 феврал. Lex.uz
5. Портер М. Конкуренция. – СПб. – Москва – Киев, 2003, 55-56 б
6. Пяткин С.Ф., Быкова Т.П. Развития кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. Минск. 2008, С. 6-7.
7. <http://agro.uz/uz/news/agro/>

## **SUV XO’JALIGIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH VA BUNDA DAVLAT XUSUSIY SHERIKCHILIGINI QO’LLASH**

**U.B.Fayzullayev talaba, TIQXMMI**

### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada Innovatsion texnologiyalar suv xo’jalig sohasida tashkil etilayotgan davlat xususiy sherikchilik korxonalarini tomonidan qulanilishi. Ularga beriladigan imtiyozlar va yangi texnologiyalarning samaradorligi ko’rsatilgan.

O‘zbekiston Respublikasi normativ huquqiy hujjatlarning muhokamasi portaliga Innovatsion rivojlanish vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan «O‘zbekiston Respublikasining 2021-yilgacha innovatsion rivojlanish strategiyasi» to‘g‘risidagi Prezident farmoni loyihasi umumiy muhokama uchun qo‘yildi.

Respublikamizning ijtimoiy-iqtisodiy barqarorligini ta’minlashda barcha mavjud imkoniyat va salohiyatlarimizni chuqur tizimli tahlil qilgan holda iqtisodiyotning innovatsion rivojlanish yo‘lida ilg‘or xorijiy tajribalar, mamlakatimiz va jahon ilm-fanining zamonaviy yutuqlarini keng joriy etilishini ta’minlash maqsadida ushbu farmon loyihasi tayyorlangan. Bu haqda «Xabar.uz» portaliga Innovatsiya vazirligi matbuot xizmati xabar berdi.

Shuningdek, xalqaro Global innovatsion indeks ko‘rsatkichi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasini 2030 yilda yetakchi 50 ta davlat qatoriga qo‘shilishi ham Innovatsion rivojlanish strategiyasining bosh maqsadlaridan biri sifatida belgilangan.

Ta’kidlash joiz, 2015-yili O‘zbekiston saksonga yaqin ko‘rsatkichlar bilan baholanadigan Global innovatsion indeks ko‘rsatkichida 122-o‘rinda qayd etilgan, biroq 2016 va 2017-yillarda aksariyat ma’lumotlarning mavjud emasligi bois mamlakatimiz ushbu reytingga kiritilmagan.

Innovatsiya vazirligi mamlakatimizning hozirgi mavjud innovatsion rivojlanish holatining tahlili natijalarini inobatga olgan holda, jahon sahnasida raqobatbardoshligini oshirish uchun inson kapitalini mamlakatimizning innovatsion rivojlantirishda eng asosiy yo‘nalishlardan biri etib belgiladi. Bu — barcha bosqichlardagi ta’limning sifatini oshirish va qamrovini kengaytirish, uzluksiz ta’lim tizimini rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlarining talab va ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda kadrlarni tayyorlashdir.

Shuningdek, ilmiy-tadqiqot faoliyati samaradorligini oshirish, ilm-fan, ta’lim va biznesning o‘zaro bog‘liqligini ta’minlovchi mexanizmlarni ishlab chiqilishi talab etiladi.

Innovatsiyalarni moliyalashtirishning yangi shakllarini tatbiq etish, intellektual mulkka egalik huquqini mustahkamlash, ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlari natijalarini moliyalashtirishga ham mazkur Strategiya loyihasida alohida e’tibor qaratilgan.

Strategiya loyihasi muhokamasi 27-iyulga qadar davom etadi.<sup>25</sup>

2018-yil 31-oktabr kuni Qishloq xo‘jaligini kompleks rivojlantirish, sohaga innovatsion texnologiyalarni keng joriy etish, mahsulotlar eksportini oshirish masalalariga bag‘ishlangan yig‘ilish o‘tkazildi.

Qishloq xo‘jaligini kompleks rivojlantirish bo‘yicha dolzarb vazifalar belgilab berildi, deb yozadi Prezident matbuot xizmati. Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 31 oktyabr kuni qishloq xo‘jaligini kompleks rivojlantirish, sohaga innovatsion texnologiyalarni keng joriy etish, mahsulotlar eksportini oshirish masalalariga bag‘ishlangan yig‘ilish o‘tkazildi. Yig‘ilishda

---

<sup>25</sup> [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

qishloq xo‘jaligida innovatsion texnologiyalar, ilmiy ishlanmalar, ayniqsa, tomchilatib sug‘orish texnologiyasini keng joriy qilish masalasiga alohida e‘tibor qaratildi. Yurtimizda suvni tejash texnologiyalarini tatbiq etish bo‘yicha yetarli ish olib borilmayotgani, buning oqibatida 140 ming kilometr uzunlikdagi kollektor drenajlarga katta mablag‘ sarf bo‘layotgani tanqid qilindi.

“Suvni tejoychi texnologiyani qo‘llash hisobiga 50–60% suvni iqtisod qilish mumkin. Birgina ko‘chma egiluvchan quvurlardan foydalanish suvni 10–15% ga, tomchilatib sug‘orish esa 35–65%ga tejash imkonini beradi. Lekin, tomchilatib sug‘orish tizimi juda kam maydonlarda joriy etilgan, xolos”, - dedi Shavkat Mirziyoyev.

Shundan kelib chiqib, 2019–2021 yillarda paxta-to‘qimachilik klasterlari va fermerlar paxta maydonida tomchilatib sug‘orish texnologiyasini joriy qilish ko‘lamini kengaytirish zarurligi ta‘kidlandi. Qishloq xo‘jaligi kompleksidagi eng asosiy masalalardan biri eksportbop meva-sabzavot yetishtirish va uni eksport qilishdir. Ammo Qishloq xo‘jaligi vazirligi, “O‘zbekoziqovqatxolding” kompaniyasi hududlar rahbarlari bilan tizimli ish olib bormagani oqibatida eksport prognozini to‘liq ta‘minlay olmaslik xavfi mavjudligi qayd etildi. Shu bois har bir hudud bilan eksport bo‘yicha ikki oylik rejani kunma-kun belgilab, tizimli bajarish vazifasi qo‘yildi. Shu bilan birga, kegusi yil eksporti uchun sabzavot ekinlarini ekish bo‘yicha topshiriqlar berildi.

Yig‘ilishda tegishli vazirlik va tashkilotlarga Rossiya, Xitoy, Janubiy Koreya, Hindiston, Yaponiya va boshqa davlatlar bozoriga qishloq xo‘jaligi mahsulotlari eksportini ko‘paytirish bo‘yicha ko‘rsatma berildi.

“Yana bir bor aytaman, eksport davlatimiz siyosatining eng muhim, ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Shuning uchun har bir vazirlik va idora eksportni rivojlantirishi kerak”, — deya ta‘kidlagan Prezidentimiz.

Yig‘ilishda yangi tashkil qilgan uyushmalar faoliyatiga ham e‘tibor qaratildi. Ular o‘z yo‘nalishlari bo‘yicha yangilikka intilmayotgani, sohadagi o‘rni sezilmayotgani tanqid qilindi. Qishloq xo‘jaligi tarmoqlariga investitsiyalarni, ayniqsa, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish zarurligi ta‘kidlandi. Yerni haqiqiy egasiga berish, yer va suv resurslaridan samarali foydalanish, urug‘chilikni rivojlantirish, mineral o‘g‘itlar yetkazib berish tizimini takomillashtirish, qishloq xo‘jaligi texnika parkini yangilash, mahsulotlarni qayta ishlash sohasini rivojlantirish va boshqa yo‘nalishlarda dolzarb vazifalar belgilab berildi.<sup>26</sup> Bundan kurishimiz mumkinki albatta suv xo‘jaligi sohasida innovatsion texnologiyalarni joriy qilish orqali yuqori samaradorlikka erishishimiz mumkin. Hozirgi kunda davlat fermerlarni qullab quvvatlash uchun bunday texnologiyalarni qullash istagida bo‘lgan fermerlarga imtiyoli kreditlar ajratilyapti. Suv xo‘jaligi va qishloq xo‘jaligi sohalarida ham davlat xususiy sherikchilik korxonalarini tashkil etilyapti.

O‘zbekistonda Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzurida Bog‘dorchilik va issiqxona xo‘jaligini rivojlantirish agentligi tashkil etildi hamda uning asosiy vazifalari belgilandi.

Bu prezident Shavkat Mirziyoyev imzolagan “O‘zbekiston Respublikasida bog‘dorchilik va issiqxona xo‘jaligini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorida aytib o‘tilgan.

Bog‘dorchilik va issiqxona xo‘jaligini rivojlantirish jamg‘armasi tashkil etildi. Jamg‘arma mablag‘lari, jumladan, bog‘larda va issiqxonalarda irrigatsiya tadbirlarini o‘tkazish, suv yetkazib berish, artezian quduqlari, quduqlar va rezervuarlar barpo etish, suv yetkazib berish uchun nasos va quvurlar, suv saqlash uchun sig‘imlar xarid qilish uchun sarflanadi.

Tomchilatib va yomg‘irilatib sug‘orish asosidagi suv tejoychi sug‘orish texnologiyalarini joriy qilgan yangi tashkil etiladigan bog‘lar va issiqxona xo‘jaliklari subsidiya ajratish yo‘li bilan qo‘llab-quvvatlanadi. Bunda ajratiladigan subsidiya miqdori quyidagicha belgilandi:

- bir gektar ekin maydoniga suv tejoychi sug‘orish texnologiyalarini joriy etishga 6 million so‘mdan oshmaydigan miqdorda;

<sup>26</sup> <https://www.spot.uz/oz/2018/11/01/qishloq-xujaligi/>

- maydoni 35 gektardan ziyod bog'larda suv chiqarish uchun burg'ilangan quduqni, shuningdek suv tortish uchun nasos stantsiyasini qurishga 120 million so'mdan oshmaydigan miqdorda.

Kichik tadbirkorlik sub'yektlariga intensiv bog'lar va issiqxona xo'jaliklarini tashkil qilish uchun tijorat banklari kreditlari bo'yicha kredit summasining 50 foizigacha, ammo 5 milliard so'mdan oshmaydigan miqdordagi mablag'ga kafillik beriladi.

2019-yil 1-sentyabrga qadar bog' plantatsiyalari va issiqxona xo'jaliklarining yagona elektron reyestri shakllantiriladi, 2019-yil 1-oktyabrga yetishtirilayotgan qishloq xo'jaligi mahsulotlarining navlari, turlari va prognoz ko'rsatkichlari, pishish vaqti to'g'risidagi zarur ma'lumotlarni olish imkonini beruvchi axborot platformasi ishga tushiriladi.

2020-yil 1-yanvarga qadar muddatda mavjud yer osti suv resurslarining miqdori va sifati to'g'risidagi ma'lumotlar ko'rsatilgan yer osti suvlari xaritalari ishlab chiqiladi.

Respublikadagi bog'dorchilikka ixtisoslashtirilgan tumanlarda "ishlab chiqarish – tayyorlash – saqlash – qayta ishlash – qadoqlash (tara) – tashish – ichki va tashqi bozorlarga yetkazib berish" tamoyili asosida meva savdo-logistika markazlari tashkil etiladi.<sup>27</sup>

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <http://www.stat.uz>
  2. <http://www.uza.uz>
  3. <http://www.kun.uz>
  4. <http://www.norma.uz>
- Ilmiy rahbar: G.S.Zakirova

## АГРОСАНОАТ СЕКТОРИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТИ

**Мадалиев А.А., Тошкент давлат аграр университети**

Агросаноат секторини барқарор ривожлантиришда рақамли иқтисодиётни жорий этиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида соҳани комплекс ривожлантириш имконияти вуждга келади.

Шу муносабат билан, соҳа фаолиятини ташкил этишнинг такомиллашган меҳнзимини яратиш зарурати хусусида фикр юритиш мақсад қилинди.

Мамлакатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича муайян ишларга қўл урилмоқда. 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сонли қарори қабул қилинган. Қарорда "Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилоқда, электрон ҳужжат айланиш тизимлари жорий этилоқда, электрон тўловлар ривожлантирилоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилоқда.

Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда"<sup>28</sup>, дейилади.

"Рақамли иқтисодиёт" (digitaleconomy) ибораси илк бор 1995 йилда америкалик олим Массачусетс университети профессори Николас Негропonte томонидан

<sup>27</sup> <https://oz.sputniknews-uz.com/society/20190322/11066651/zbekistonda-yana-bir-yangi-agentlik-tashkil-etildi.html>

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сонли қарори.

кўлланилган. У сафдошларига “Янги иқтисодиётнинг эскисига нисбатан устунлиги унда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланишида”<sup>29</sup>, деб тушунтиради.

“Рақамлаштириш” ишлаб чиқаришда рақам кўринишидаги маълумотлар таҳлиллари орқали ишлаб чиқаришда илғор технология ва инновациялар ҳамда бошқа таракқийпарвар усуллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқариш фаолияти ва инсон ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Жаҳон банки 2016 йилги “Рақамли дивидендлар” номли ҳисоботида:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- компанияларнинг рақобатдошлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;
- янги иш ўринлари яратиш;
- қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизликка барҳам бериш каби масалаларни рақамли иқтисодиётни жорий этиш билан боғлайди”<sup>30</sup>.

Бугунги кунда Норвегия, Швеция ва Швейцария рақамли иқтисодиёт ривожланаётган лидер мамлакатлар ҳисоланади. Кучли ўнликка эса АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея, Гонконг ва бошқа мамлакатлар киради<sup>31</sup>.

“Рақамлаштириш” ишлаб чиқаришда рақам кўринишидаги маълумотлар натижаларини таҳлиллари орқали турли кўринишдаги ишлаб чиқаришда илғор технология ва инновациялар ҳамда бошқа таракқийпарвар усуллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Математик моделларни ишлаб чиқаришни фаоллаштириш зарур. Бу билан прогнозларнинг ва бошқарувни амалга оширишнинг аниқлик даражаси ортади. Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

1. Хўжаликларда агротехнологик жараёнларни оптималлаштиришда ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

2. АСМнинг эҳтиёжларини тизимли таҳлил қилиш учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқишда математик моделлаштириш ва ундан фойдаланиш тамойилларини ривожлантириш.

Бундай дастурий таъминот менежмент илмини тўлалигича ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Чунончи, у, режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш функцияларини ўзида мужассам этади.

Дастурий тизим меҳнат ресурслари бўйича ҳам таҳлилларни йўлга қўйиши, экиннинг вегетация даврида қанча одам/соат ва қанча мото/соатда техникалар ишлашини ойма-ой аниқ ҳисоб-китоб қилиши керак. Бу билан фермер хўжаликларига йилнинг ҳар ойида қанча мутахассис-ходим, қандай техника ва механизмлар кераклиги ойдинлашади. Шу асосда меҳнат ресурслари ва техникадан фойдаланиш даражаси тўғрисидаги маълумот вужудга келади. Етишмаётган ва ортиқча ресурслар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Бу иш билан тумандаги меҳнат билан бандлик бўлимлари амалий жиҳатдан шуғулланиши керак. Уларда ҳар ойда қанча одам иш билан таъминланади, қанча одам ишсиз қолиши мумкинлиги тўғрисидаги тезкор маълумотлар шаклланиб туриши, талаб қилинаётган иш ўринларига ходимларни тақсимлаш лозим. Экиладиган экин ва зарур ишларни меҳнат ресурслари сони асосида оптималлаштириш катта фойда беради. Демак, математик моделга меҳнат ресурслари тўғрисидаги маълумотларни ҳам киритиш ерларга экинларни жойлаштиришнинг оптимал вариантларини тақдим этади. Техникалар хусусида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Бу орқали меҳнат ва техник ресурслар бўйича

<sup>29</sup> <http://fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-что-такое-tsifrovaya-ekonomika>.

<sup>30</sup> <http://fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-что-такое-tsifrovaya-ekonomika>.

<sup>31</sup> <http://fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-что-такое-tsifrovaya-ekonomika>.

талаб ҳамда талабни қондириш даражаси каби маълумотлар келиб чиқади. Маълумотлар асосида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва техник таъминот юзасидан зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Бунда агротехнологик йўналтирилган математик моделлаштиришнинг асосий вазибалари:

– агротехнологик жараёнларни муайян қоидалар асосида амалга ошириш моделини ишлаб чиқиш;

– агротехнологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, экинларни жойлаштиришни оптималлаштириш;

Бу ишларни амалга ошириш қуйидаги масалаларни ечиш имконини беради:

– агротехнологик ҳолатларни муносиб танлаш;

– етиштирилиши мумкин бўлган ҳосилдорликни етарли даражада муносиб пргнозлаш;

– агротизимни оптималлаштириш билан агротехнологик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш.

Республикада агросаноат секторининг барча субъектлари ўзаро интеграцияга киришган субъектларнинг кўрсаткич ва маълумотлари бир-бирига асқатади. Шунинг учун ўрталикда дастурий тизим ишлаб чиқилиши жуда долзарб. Дастурий тизим қандай экин экилишига қараб иш графигини таъминлаб беради. График асосида пайдо бўлган вазибаларни ҳамкор корхоналар ўз инон-ихтиёри билан ижро учун қабул қилишлари зарур бўлади. Заруратга қараб корхоналар вазибалар бўйича ўзаро фикрга келиши ва фаолиятларини мувофиқлаштириши мумкин.

Дастурий тизим белгилаб берган вазибалар икки ташкилот ўртасидаги график-шартнома функциясини бажаради. Дастурий тизимда экинларнинг биологик хусусиятларини илмий жиҳатдан ҳисобга олган ҳолда, нафақат иш ҳажми, балки уларни бажаришнинг аниқ муддатлари ҳам қайд этиб борилади. Шу сабабдан, бундай шартномани график-шартнома деб аташ лозимки, бу рақамли иқтисодиёт тамойилларини ўзида акс эттиради.

Бундай усулни қўллаш бошқарувда ҳеч қанақанги бюрократия, босим ва кўрсатмага ўрин қолдирмайди. Фақат илм-фан якка ҳокимлик қилади. Унга барча бўйсунушга мажбур бўлади. Чунки лм – қонуният. Ундан ҳеч ким ва ҳеч қандай ақл ва куч илм-фан тақозо этган кўрсатмалардан юз ўгира олмайди.

Ҳар бир фермер хўжалиги фаолиятининг барча турлари, у билан алоқадор корхоналар фаолиятига узвий боғланишдаги ишни ташкил этишнинг алгоритмик модели, ҳар бир экин бўйича агротехнологик тадбирлар тақвим-режаси ишлаб чиқилиши керак.

Кетма-кетликда экин экилиши натижасида барча ишлар кетма-кет белгиланган тартиб асосида бажарилади. Яъни, ерни ҳайдаш, экиш, агротехник ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш, йиғиб-териш олиш ва ташиш ишлари ўз вақтида амалга оширилади. Бу билан қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш, ташиш каби ишларнинг тадрижий равишдаги агрологистикаси пайдо бўлади, пала-партишликка барҳам берилади.

Буларнинг барчаси, дастурий таъминот тизимига киритилиши билан, жараёнларнинг шаффофлиги таъминланиб, агрофаолият автоматик тарзда бошқарилади ва кузатиб борилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарори.

2. <http://fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-что-такое-tsifrovaya-ekonomika>.

## **Аграр соҳада кластерни жорий этилиши - иш билан таъминлашнинг асосий воситаси**

**и.ф.н. доцент. Э.Х.Ботиров., ТДАУ**

Сўнгги йилларда республикамизда ҳар бир соҳада инновация ва изланиш, янги ютуқларга эришиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда кенг имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигида замонавий усуллардан оқилона фойдаланиш ижобий самаралар бермоқда.

Қишлоқ хўжалигида кластер усулининг жорий этилиши ерни шудгорлашдан ҳосилни етиштиришгача, хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс ёндашув тизими яратилмоқда.

Айниқса, енгил саноат корхоналарининг хом ашё етиштириш манбаи саналган деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда кластер усули яхши натижалар бермоқда.

Кейинги ўн йилликда бутун дунёда иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишнинг кенг тарқалган усулидан бири-кластер усулидан кенг фойдаланилмоқда. Кластер стратегияси Европа иттифоқи томонидан бутунжаҳонда кенг тарғиб қилинмоқда.

Айни пайтда Россия Федерациясида 25 та кластер мавжуд бўлиб, мамлакат жанубида аграр соҳада кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Хитой Халқ Республикасида автомобилсозлик, кимё, фармацевтика, электроника, маиший техникалар, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик каби кўплаб соҳаларда кластер усулида ишлар ташкил этилиб, яхши натижалар бериб келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу биринчидан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий «занжирини» кўзда тутган ҳолда, иккинчидан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Глобаллашиш асосида логистика ва товарлар ҳамда хизматлар сифатини ҳам стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Қолаверса, аҳоли сони, шу жумладан, меҳнат ресурсларининг доимий ўсиб бориши, аҳолини самарали тармоқларда иш билан бандлигини таъминлаш, уларга қулай фаолият олиб боришлари учун барча шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг ўрни ва аҳамияти жуда ҳам юқори.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш ҳамда унинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳамияти бўйича маълум тажриба тўпланган.

Европа мамлакатлари ва АҚШда бу стратегия кенг қўлланилмоқда. Кластерлар Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финландия, Ҳиндистонда яхши ривожланган. Дания, Финландия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган. Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркия давлатлари енгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озиқ-овқат ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда. Кластерларни шакллантириш жараёни жанубий-шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда.

Хитой Халқ Республикасида автомобилсозлик, кимё, фармацевтика, электроника, маиший техникалар, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик каби кўплаб соҳаларда кластер усулида ишлар олиб борилмоқда.



Италия саноатидаги кластерларда 43 % аҳоли иш билан банд бўлиб, экспорт қилинадиган миллий маҳсулот ҳажмини 30% кластерлар улушига тўғри келади.

АҚШда 380 та кластер мавжуд бўлиб, ЯИМда кластерларнинг улуши 61,4%ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш Давлат буюртмаси тўғрисида”ги қарорида қайд қилиб ўтилганидек, меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни республикамиз минтақалари кесимида чуқур таҳлил қилиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун иш жойлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги ташкил этилган барқарор иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатни бузилишига, республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражасининг ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда.

Шунингдек, ташкил этилган иш ўринларининг ҳисобини юритишда ва ҳаққонийлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва жавобгарлик механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини, бандлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолини доимий барқарор иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2019 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

**биринчи**, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида янги лойиҳаларни амалга ошириш ва ўтган йиллардан ўтиб келаётган лойиҳаларни яқунлаш ҳисобига йирик лойиҳалар (хўжалик бошқарув органлари) 55,7 минг ва кичик лойиҳаларда (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи ҳисобига кредит олмасдан) 81,2 мингдан кам бўлмаган доимий иш ўринларини ташкил этиш;

**иккинчи**, бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлардан ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш ҳисобига 23,7 минг янги иш ўринларини ташкил этиш;

**учинчи**, давлат-хусусий шерикчилик асосида ижтимоий соҳа объектларини (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия, спорт ва бошқалар) ташкил этиш ҳисобига 23,7 минг иш ўринларини ташкил этиш;

**тўртинчи**, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 37,3 минг иш ўринларини ташкил этиш;

**бешинчи**, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ўз-ўзини банд қилишни рағбатлантириш, тижорат банклари ва бошқа мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан “Ҳар бир оила - тадбиркор” ва бошқа дастурлар доирасида кредитлар бериш орқали 191,5 минг иш ўринлари ташкил этиш;

**олтинчи**, уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, инфратузилма объектлари, мавсумий ва вақтинчалик ишлар, айниқса “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида 63,0 минг аҳолини вақтинчалик ва мавсумий ишларда бандлигини таъминлаш;

**еттинчи**, 110,2 минг нафар фуқарони мавжуд иш ўринларига, 85,5 минг нафарини квота ва табиий сабаблар билан бўшайдиган иш ўринларига ишга жойлаштириш;

**саккизинчи**, 30,2 минг нафар ишсизларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш, 49,9 минг нафар ишсизларни Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобига ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш ва 200,4 минг нафар фуқарони хорижий давлатларда ишга жойлаштириш;

**тўққизинчи**, 273,4 минг норасмий бандларни расмий бандлигини (легаллаштириш) таъминлаш.

«Кластер» атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси «боғлам», «гуруҳ», «тўпланиш» маъноларини беради.

**Президентимизнинг элни фаровон, халқни бой қилувчи инновацион гояларидан бири — Кластер тизими мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳам кластер усулида фаолият юритадиган корхона–ташкилотлар қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз республика вилоятларида қилган ташрифларида сўзлаган нутқларида, Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қаралаётган амалда қўлланган – пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Хусусан, бу истикболли тажрибани кенг ёйиш мақсадида мамлакатимиздаги ўттиздан зиёд энгил саноат корхонасига тўрт юз минг гектардан кўпроқ пахта майдонлари бириктириб берилиши қайд этиб ўтилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республикаимиздаги агросаноат ва энгил саноат корхоналарининг кластер усулидан кенг фойдаланиши худудларда етиштирилаётган пахта хом ашёсини шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишлашга, тайёр трикотаж маҳсулотларини экспортга йўналтириш ва жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига, қолаверса, маҳаллий ёшларни самарали тармоқларда иш билан бандлигини тўлиқ шакллантириб, минтақаларда ишсизлик даражасини пасайишига ҳамда замон талабларига мос хизмат кўрсатиш соҳасини шаклланишига хизмат қилади.

### **УДК 539.3:681.3**

## **ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ ПОСРЕДСТВОМ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**Акабирходжаева Дилфуза Рустамовна,  
доцент Университета мировой экономики и дипломатии  
Турсунхужаева Дилафруз Дилшод кизи, студентка ТИИИМСХ**

### **Аннотация**

Данная статья раскрывает возможности информационных технологий при создании оптимальной стратегии посадки различных сельскохозяйственных культур, приводящей к эффективному использованию земельных ресурсов.

**Основная цель.** Статья указывает на важность умения применять в своей деятельности современные информационные технологии, так как эти навыки являются одними из основных компонентов профессиональной подготовки специалиста любой области. Поэтому актуальной является задача подготовки студентов к эффективному использованию современных компьютерных средств для решения финансово-экономических и управленческих задач как в процессе обучения в вузе, так и в будущей профессиональной деятельности.

Согласно Стратегии действий развития Узбекистана в 2017-2021 годах, направляющей развитие страны на укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов развития роста экономики, повышение её конкурентоспособности, модернизацию и интенсивное развитие сельского хозяйства, особое внимание уделяется рациональному использованию земельных ресурсов,

оптимизации посевных площадей. Рациональное использование земельных ресурсов - это основа стабильного экономического развития, источник благосостояния населения Узбекистана, так как эти земли являются одним из основных источников получения пищи и обеспечения продовольственной безопасности [1].

Одной из опор успешного развития страны и её экономики является уделение внимания образованию и обучению, что способствует формированию общества квалифицированных, динамичных и творческих людей с возможностями хорошего образования и пожизненного обучения для всех и отвечающего интересам дела рационального сочетания государственного и частного финансирования. Также основным направлением государственной политики в области формирования и развития экономики является стимулирование развития и применение современных информационно-коммуникационных технологий. Как отмечает М. Кастельс: «Производительность все в большей степени зависит от использования достижений науки и техники, а также от качества информации и менеджмента» [2].

Для принятия решения при управлении производственными процессами необходима информация о состоянии объекта управления. В случае отсутствия достаточно полной информации возникает неопределенность в принятии решения. Зачастую эта неопределенность становится неустранимой из-за случайного характера явлений. Например, случайный характер спроса на продукцию делает невозможным точное прогнозирование объема его выпуска. В подобных ситуациях лицо, принимающее решение (игрок А), вступает в игровые отношения с некоторым абстрактным лицом (игроком В), которое условно можно назвать "природой". Таким образом, под природой будем подразумевать совокупность неопределенных факторов, влияющих на эффективность принимаемых решений; всюду дальше "природа" — это игрок В.

Выделим следующие две особенности игр с природой:

а) игрок В применяет чистые стратегии независимо от того, выгодно ли это игроку А или нет, т. е. В безразличен к выигрышу и не стремится воспользоваться промахами А;

б) решение достаточно находить только для "сознательного" игрока А, ибо игрок В неспособен воспринимать какие-либо рекомендации.

Игры с природой также могут решаться как в чистых, так и смешанных стратегиях. Однако ввиду перечисленных выше особенностей понятие оптимальной стратегии перестает быть однозначно трактуемым и зависит от формулируемых критериев оптимальности, основанных на здравом смысле и интуиции [3].

Рассмотрим задачу создания оптимальной стратегии посадки различных культур.

Фермер может посеять на данном участке одну из трех культур  $A_1, A_2, A_3$ . Урожайность каждой из культур во многом зависит от погоды, которая может быть засушливой, нормальной или дождливой (влияние других факторов не учитывается). Известна цена  $c_i$  одного центнера культуры  $A_i$ , а также урожайность (ц/га) каждой культуры  $A_i$ :  $h_{i1}$  - урожайность при засушливой погоде,  $h_{i2}$  - урожайность при нормальной погоде,  $h_{i3}$  - урожайность при дождливой погоде. Требуется придать описанной ситуации игровую схему и составить платежную матрицу и выяснить, какую культуру следует сеять, чтобы обеспечить наибольший доход.

$$c_1=2, c_2=3, c_3=4, h_{11}=6, h_{12}=7, h_{13}=6.5,$$

$$h_{21}=3, h_{22}=5, h_{23}=4, h_{31}=3.5, h_{32}=4, h_{33}=2.5$$

Приведем решение задачи в программе MathCad (Рис.1):




Рис.1

Решив ее с помощью математического пакета MathCad, получим оптимальный план (0.8, 0, 0.2, 12.4). Поэтому оптимальная смешанная стратегия равна (0.8, 0, 0.2). Экономическая интерпретация этого результата такова: если 80% области земельного участка засеять культурой  $A_1$ , 20% области земельного участка засеять культурой  $A_3$ , то независимо от того, какая будет погода – засушливая, нормальная или дождливая, наибольший гарантированный доход будет составлять  $0.8 * 12 + 0 * 9 + 0.2 * 14 = 12.4$  ден.ед.

Так, посредством информационных технологий достигается цель бережного использования жизненно важного источника – земли, что является главным условием стабильного развития сельского хозяйства, прочным фундаментом благосостояния нашей Республики. Развитие информационных технологий в Узбекистане является одним из важных аспектов развития государства и общества. На сегодняшний день невозможно представить деятельность той или иной сферы без применения информационных технологий. Инновационные информационные технологии позволяют оптимизировать и во многих случаях автоматизировать экономические процессы, которые занимают большее место в жизнедеятельности всего мирового сообщества. Умение применять в своей деятельности современные информационные технологии становится одним из основных компонентов профессиональной подготовки любого специалиста. Поэтому актуальной является задача подготовки студентов к эффективному использованию современных компьютерных средств для решения финансово-экономических и

управленческих задач как в процессе обучения в вузе, так и в будущей профессиональной деятельности.

### **Литература**

1. Стратегия действий развития Узбекистана. Приказ президента РУз от 7 февраля 2017г.
2. Управление знаниями: учебное пособие / Л.А. Трофимова, В.В. Трофимов. – СПб. : Изд-во СПбГУЭФ, 2012. – 8 стр.
3. Черняк А. А., Новиков В. А., Мельников О. И., Кузнецов А. В. Математика для экономистов на базе Mathcad. — СПб.: БХВ-Петербург, 2003., 488 стр.

## **СУЩНОСТЬ ИННОВАЦИОННОГО МЕНЕДЖМЕНТА КАК ПРОЦЕССА УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИЯМИ В ЦЕЛЯХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ**

**Ш.Н.Маматқобилов**

**Ташкентский государственный аграрный университет**

В статье раскрыта сущность инновационного менеджмента как процесса управления инновациями в целях обеспечения конкурентоспособности. Представлена схема стратегического менеджмента инноваций, которая включает стратегический анализ, стратегический выбор и реализацию стратегии.

Авторами изучены разновидности стратегий, обоснована необходимость выбора стратегии в зависимости от масштаба и направления научно-исследовательской работ.

**Введение.** До середины XX века развитие соответствующих отраслей было объектом изучения отраслевых экономик (промышленности, сельского и водного хозяйства, строительства, транспорта и пр.). Однако, по мере усложнения происходящих научно-технических и организационно-информативных изменений в обществе и производстве нововведения стали объектом изучения особой науки - инновационного менеджмента.

Инновационный менеджмент - это междотраслевая экономическая дисциплина, изучающая процесс создания, освоения и распространения нововведений различной природы и сложности как части единого системного цикла: научные исследования - техника и технология - производство - сбыт-обслуживание. Ее объектом является, прежде всего, не производственная, а научная и инженерная деятельность.

Стенфордским научно-исследовательским институтом предложена следующая классификация отдельных стадий (фаз) создания и коммерциализации новшеств:

- фаза открытия - период, предшествующий изобретению; это стадия научных исследований;
- фаза творчества - период между открытием и изобретением; это стадия прикладных исследований;
- фаза воплощения - период между изобретением и началом разработок в широких масштабах;
- фаза разработки - время, необходимое для разработки; это стадия проведения опытно-конструкторских работ;
- циклы технологических нововведений в конкретных областях;
- деловые циклы - циклы принятия нововведения потребителем.

применяемые в сфере сельскохозяйственного образования. По итогам встречи достигнута договоренность о продолжении контактов с целью изучения и обмена передовым опытом в деле подготовки высококвалифицированных кадров для сельского хозяйства. В этот же день другая делегация в составе ректора Андижанского сельскохозяйственного института А.Абдувасикова, заместителя директора Нукусского филиала Ташкентского государственного аграрного университета Н.Абсаттарова и доцента кафедры «Растениеводство» Андижанского сельхозинститута И.Усманова посетила Кубанский государственный аграрный университет. Гости из Узбекистана провели встречи и переговоры, ознакомились с особенностями и организацией образовательного процесса в вузе. Делегация также встретила здесь со студентами из Узбекистана, которые рассказали о своей учебе в данном университете и жизни в России, друзьях из разных стран мира. Подписано Соглашение о сотрудничестве, в котором стороны обозначили направления межвузовского взаимодействия, такие как обмен и повышение квалификации профессорско-преподавательского состава, программа двойных дипломов, организация летних школ и студенческих стажировок. Следующим пунктом визита стал Ставропольский государственный аграрный университет (СГАУ), где также были обсуждены вопросы расширения и укрепления сотрудничества между образовательными учреждениями, реализации совместных проектов и программ, повышения квалификации кадров. По итогам переговоров подписан Меморандум о сотрудничестве между СГАУ и тремя вышеперечисленными вузами Узбекистана. Проведенные встречи придали хороший импульс налаживанию прочных научно-образовательных связей, укреплению многоплановых отношений между двумя странами. [3]

#### **Список используемой литературы:**

1. Постановлением Кабинета Министров от 3.11.2015 г. № утверждена Программа мер по дальнейшему совершенствованию обеспечения отраслей сельского и водного хозяйства высококвалифицированными кадрами с высшим образованием на период 2015–2017 годы.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан 24.05.2017г. О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки инженерно- технических кадров для отраслей сельского и водного хозяйства
3. <http://kultura.uz/ru/information/>


#### **Анализ системы образования Сырдарьинской области**

##### **Рахшона Набибуллаева**

**Младший научный сотрудник, Институт прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве Экономики и Промышленности**

Отрасль образование является важнейшей сферой экономики. Она включает в себя детские дошкольные учреждения, общеобразовательные учреждения, средние специальные, профессиональные учреждения и высшие образовательные учреждения.

На начало 2018 года в области насчитывался 171 дошкольных образовательных учреждения (ДОУ). Относительно 2005 г. количество ДОУ сократилось на 19 единиц (10%), что связано, прежде всего, с их укрупнением, а также закрытием в связи с ветхостью и аварийным состоянием зданий. В городской местности располагается 40,9%, а в сельской местности – 59,1 % ДОУ.




**График 1. Распределение детских дошкольных учреждений между городом и селом**

**Источник:** составлено авторами по данным Управление статистики Сырдарьинской области

В отдельные годы (в начале 2000-х годов) количество учреждений превышало современный уровень, но в результате объединений маломощных и небольших, а также оптимизации произошло уменьшение их числа. В настоящее время дошкольные учреждения располагают 21,3 тыс. местами против 19,0 тыс. в 2012 г. (прирост 12,1%). При этом 48,8% располагается в сельской местности, а в городах 51,2%. В прошлые годы сельские дошкольные учреждения сильно отставали по созданию мест в детских садах.

Важное значение имеет показатель уровня охвата детей (3-6 лет) дошкольными учреждениями, которое в последние годы стабильно составляет 14,5% (график 1).




**График 2. Уровень охвата детей дошкольными учреждениями, %**

**Источник:** составлено авторами по данным Управление статистики Сырдарьинской области

Следует особо подчеркнуть, что в сельской местности уровень охвата выше, чем в городах.

Воспитанием детей в детских дошкольных учреждениях в 2018 г. были заняты 1596 педагогических кадров против 1312 в 2012 г. (прирост 21,6%), при этом сократилось число детей, приходящихся на одного воспитателя с 10,7 до 9,6.

В регионе функционирует 301 общеобразовательных учреждений, в то время как в 2005 г. их насчитывалось 305. Сокращение на 4 единицы связано, прежде всего, с их укрупнением. Контингент обучающихся возрос с 129,4 тыс. в 2005 г. до 133,4 в 2018 г. (прирост 3,1%).



**График 3.5.3 Число учеников на одного учителя**

**Источник:** составлено авторами по данным Управление статистики Сырдарьинской области

Число педагогических кадров за анализируемый период возросло с 9,1 тыс. в 2005 г. до 10,4 тыс. (прирост 14,3%). Расчеты показали, что имеет место позитивная тенденция снижения числа учеников на одного учителя с 15,8 до 12,9 (график 2).

В регионе настоящее время функционирует 49 учреждений среднего специального, профессионального образование (ССПО), в то время как с 2010 года по 2016 год их количество составляло 52. В связи с принятием Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, специального профессионального образования» (25.01.2018г. № УП 5313) количество колледжей уменьшилось, а число общеобразовательных школ возросло. Так, например, 2018 году в них обучалось 18,6 тыс. учащихся, в то время как прошлые годы контингент составлял в среднем более 41 тыс.

В единственном в регионе ВУЗе обучается 4,9 тыс. студентов. Ежегодно возрастает прием студентов, в 2017 году их было принято 1,1 тыс. в том же году выпуск молодых специалистов составил 1,0 тыс.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Жаҳонгир Кучаров**

**Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ИТИ таянч доктаранти**

Бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича мулк ва ишлаб чиқариш жараёнлари хусусий субъект ихтиёрида бўлса ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги бир неча баробар юқори бўлади. Ўз навбатида ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлатнинг ҳам ўз мажбуриятлари, ўз функциялари бор. Бу шароитда самарали фаолиятни ташкил этишга эса давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) орқали эришиш мумкин.

Жаҳон банки мутахасисларининг берган тарифига кўра давлат-хусусий шерикчилиги бу - кўшимча инвестицияларни жалб қилиш ва энг муҳими давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий сектор субъектлари ўртасидаги шартномадир [1].

Жаҳон валюта фонди эса ананавий тарзда давлат томонидан бажариладиган иш ва хизматларни хусусий секторга бериш юзасидан келишувлар мажмуи давлат-хусусий шерикчилигидир деб таъкидлайди [2].

Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, малакали кадрлар тайёрлаш тизимида давлат – хусусий шерикчилиги бу - давлат ташкилотлари ва хусусий субъектлар ўртасидаги узоқ муддатли муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда томонлар малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда ресурсларни бирлаштириш, даромадларни таъқсимлаш, моддий ва номоддий имтиёزلарни ҳамда харажат ва хатарларни ўзаро тенг манфаатлар асосида бўлишишни англатади.

Таълим тизимида давлат – хусусий шерикчилигини қўллаш давлат ва маҳаллий бюджет маблағларидан тежамкор ва самарали фойдаланишнинг замонавий ечимидир.

Ривожланган давлатларда таълимда ДХШни жорий қилиш амалиёти кенг қўлланилади ва бу турли дастаклар ёрдамида рағбатлантирилади. Хусусан Исроилда ҳар саккизинчи олим таълим муассасасида махсус венчур компаниялари ташкил этилган бўлиб, унда таълим муассасаси илмий-тижорий ғоялар ва инновацион технологияларни тижоратлаштиришда хусусий субъектлар билан ҳамкорлик қилади [3]. Бундан ташқари Исроилда таълим тизими билан бевосита ҳамкорлик қилувчи 26 та технологик инкубаторлар фаолият юритмоқда ва уларнинг йиллик бюджети 400 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан биргаликда таълимда илмий ғояларни молиялаштирадиган 70 та венчур фондлар мавжуд, уларнинг 14 таси хусусий субъектлар бўлиб йиллик бюджети 1 млрд АҚШ долларини ташкил этади.

Кореяда эса малакали кадрлар етиштиришни хусусий бизнес вакиллари томонидан қўллаб-қувватланиш даражаси жами таълимга сарф этилаётган маблағларнинг 18,7 фоизини ташкил этади. Бунда асосан бюртма асосида мутахассис етиштиришга эътибор қаратилади [4].

Мамлакатимизда ДХШни амалга оширишнинг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, уни таълим тизимида жорий этиш халқ таълими тизимида кенг қўлланилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони билан хусусий мактабларни ташкил этиш ва ривожлантириш йўналишлари ва имтиёзлар белгилаб берилди.

Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат, саноатни хомашё билан таъминлайдиган иқтисодиётнинг ажралмас тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш узоқ йиллик деҳқончилик тажрибаси, чуқур илмий билим ҳамда инновацион ўзгаришларга доимий зарурият сезадиган тармоқ саналади. Бу



эса соҳага мутахассис тайёрлаш тизимини замонавий механизмлар ёрдамида такомиллаштириб боришни тақазо этади.

Мамлакатимиз таълим тизими кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига (олий ҳарбий билим юртларидан ташқари) 78 та олий таълим муассасалари ва 20 та филиаллар фаолият юритмоқда [5].

Шундан қишлоқ хўжалигига малакали мутахассислар таёрловчи 1 та университет ва унинг 3 та филиали ҳамда 2 та институт ва унинг 2 та филиали фаолият юритмоқда.

Таълим йўналишлари бўйича бакалавр босқичида таълим олаётган жами талабаларнинг 7,4 фоизи ҳамда магистратура босқичида таълим олаётган жами талабаларнинг 4,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида таълим олмоқда [5]. Бошқача қилиб айтганда олий таълим тизимида 12,3 фоиз ёки йиллик ўртача 32 минг талаба аграр тармоқ таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

Қишлоқ хўжалигида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам хусусий сектор субъектларини жалб этиш орқали қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришиш имконияти мавжуд. Жумладан:

- таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади;

• малакали кадрлар тайёрлашда бевосита қўйи бўғин талабаларини чуқур ўрганиш ва ўзаро бюртма асосида мутахассис етиштиришга замин яратилади;

• тор доирани ва етук билимли кадрлар сони ортиши имонияти мавжуд бўлади;

• амалий тажрибаларни бевосита бюртмаси тадбиркор хўжалигида амалга ошириш учун икки томонлама манфаат шаклланади;

• битирувчи малакали кадрни иш билан таъминлашнинг автоматлашган механизми ишлай бошлайди;

• бевосита хусусий сектор субъектларининг хўжаликларидан янги ғоя ва ишланмаларни молиялаштириш ва жорий этиш имконияти яратилади;

• билимли ва тажрибали, шу билан биргаликда қизиқиш ва мотивацияга эга ёшларни эркин танлаб олиш орқали муассаса салоҳиятини тарғиб қилиш имконияти шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда малакали кадрлар тайёрлаш тизимида замонавий бошқарув тизимини жорий этишнинг самарали усули бу хусусий мулкчилик ва унинг бошқарувига устунлик беришдир. Бунда давлат қонунларда белгиланганидек “фукороларга сифатли таълим олиш имкониятини яратиш бериш” каби функциясини бажариши ҳамда хусусий тадбиркор талаб асосида мутахассис етиштириб бериш орқали даромадга эга бўлиш имконияти яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Delmon, J. (2009). Private Sector Investment in Infrastructure: Project Finance, PPP Projects and Risk (2<sup>nd</sup> Edition; P. 7). Washington, DC: The World Bank and Kluwer Law International.

2. Киреева, А.В., Соколов, И.А., Тищенко, Т.В. (2012). Государственно-частное партнерство как инструмент поддержки инноваций (С. 140). М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС.

3. Межкластерное взаимодействие – основа инновационного развития промышленности Петербурга. - Международный промышленный форум «Российский промышленник» 25-28 сентября 2012 г. <http://promexpo.lenexpo.ru/node/61772>.

4. ВВ.Казаков Государственно-частное партнерство: мировой опыт и отечественная практика. Вестник Томского государственного университета. 2014. № 386. С. 165–171

5. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари.

# ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Файзуллаев Шухрат Шерали ўғли  
Эшбоев Асилбек Бахтиёр ўғли, ТДАУ

## Аннотация

Мақолада давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) асосида иқтисодиётнинг баъзи тармоқларини ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари қараб чиқилади. Бундан ташқари, ДХШ механизмини таълим тизимига жорий этиш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш бўйича илмий тавсия ҳамда таклифлар билдирилган келтирилган

## Аннотация

В статье рассматриваются некоторые теоретико-методологические вопросы развития отдельных секторов экономики на основе государственно-частного партнерства(ГЧП). Кроме того, содержатся научные рекомендации и предложения по применению опыта развитых стран при внедрении механизма ГЧП в системе образования Узбекистане.

## Abstract

The article examines some theoretical and methodological issues of the development of individual sectors of the economy on the basis of public-private partnership (PPP). In addition, there are scientific recommendations and proposals for applying the experience of developed countries in the implementation of the PPP mechanism in the education system of Uzbekistan.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шерикчилик, хусусий сектор, давлат-хусусий шерикчилик механизмлари, таълим, хусусий шерик.

Бугунги кунда давлатга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий ва энг самарали йўналишларидан бири бу-давлат-хусусий шериклик йўналишидир. Мазкур йўналиш узоқ муддатли, самарали ва энг муҳими, икки томон учун ҳам фойдалидир. Бундай механизм асосан ижтимоий, яъни мактабгача таълим, умумий ва олий таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари, уй-жой коммунал хўжалиги, автомобиль йўллари қурилиши ва электр таъминоти тармоқларидаги инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқаришда кенг қўлланилади.

Маълумот учун, давлат-хусусий шериклик тизими (ДХШ) – бирор мамлакатга ёки ушбу мамлакат томонидан берилган кўрсатмалар асосида хизмат кўрсатувчи хусусий сектор учун узоқ муддатли шартномадир.

Хусусий сектор ўзининг молиявий, техник ва бошқарув ресурсларидан фойдаланиш орқали лойиҳани илгари сурувчи куч ҳисобланади.

Давлат сектори эса асосий лойиҳа активлари (мисол учун, ер участкалари)ни тақдим этади ва юридик ҳамда шартнома асосида узоқ муддатли ўзаро муносабатларни ўрнатади, лойиҳага тайёргарликни молиялаштиради.

Бинобарин, хусусий сектор ва давлат инвестицион мажбуриятлар, рисклар, масъулият ва тушумларни ажратган ҳолда биргаликда фаолият юритади.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 1,2 бандида келтирилган “Мамалакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазибаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш” йўналишига алоҳида эътибор қаратилганлиги айтилган пайтда ушбу йўналишнинг қанчалик долзарблигидан далолат беради.

Маълумки, бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар капиталталаб ва кўпинча норентабел ҳисобланади, бюджетлар эса уларни мустақил қўллаб-қувватлашни

таъминлай олмаслиги сабабли давлатнинг молиявий мажбуриятлари тобора ортиб боради. Бундай вазиятда ДХШ орқали хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестор киритган маблағлар давлат бюджетига солиқ тушумлари ҳисобига, шунингдек, истеъмол хизматларидан ҳақ ундириш йўли билан маълум қисмларга бўлиб қайтарилади. Мазкур вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда давлат капитали ва хусусий капиталнинг ўзаро муносабатлари бўйича ривожланган чет давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ўзимизга хос ва мос хусусиятларни маҳаллий иқтисодий ўзига хосликларга мослаштирган ҳолда самарали тизимларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Давлат-хусусий шерикчилиги тизимига инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи сифатида ҳам қараш мумкин бўлади.

Хусусий шерик – бу Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир.

Хусусий шерикка унинг лойиҳасини амалга ошириш учун давлат кафолатлари ва давлат иқтисодий кўмаги тақдим этилади. Бу қуйидаги жадвалда акс эттирилган<sup>32</sup>:

Давлат молиявий ёрдами	Давлат иқтисодий ёрдами	Давлат кафолати
<p>Имтиёзли кредитлар ва қарз маблағлар тақдим этиш; Кафолатлар бериш; Давлат- хусусий шериклиги лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг бир қисмини молиялаштириш; Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни кечиктириш, бўлиб тўлаш ва имтиёзларни таъминлаш.</p>	<p>Давлат мулкидан фойдаланиш учун ижара тўловининг имтиёзли ставкаларини белгилаш; Тўғридан-тўғри давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятдан фойда олиш ҳуқуқини тақдим этиш.</p>	<p>Давлат шеригининг хусусий шерик фаолиятига аралашмаслиги; хусусий шерик мулкани национализация, реквизиция ва мусодара қилишдан ҳимоя қилиш; Давлат- хусусий шериклиги лойиҳасига киргизилган инвестициялар ва улардан тушган фойдага эга бўлиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш учун бўлган ҳуқуқ; Давлат органларининг ноқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) сабабли хусусий шерикка етказилган зарарнинг қопланишига бўлган ҳуқуқ; Шартнома шартларининг қайта кўрилишига, хусусий шерик учун лойиҳа шартларининг ёмонлашувига олиб келувчи норматив-қонуний ҳужжатлар қабул қилинганда уни эрта тугатишга бўлган ҳуқуқи кабиларни таъминлаш.</p>

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклиги қуйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин:

- фан, техника ва инновациялар,
- тиббиёт;
- таълим, маданият ва ижтимоий хизматлар;
- телекоммуникация;
- транспорт хизматлари;

<sup>32</sup> [https://www.norma.uz/nhh\\_loyihalari/davlat-hususiy\\_sherikligi\\_16\\_ta\\_sohada\\_amalga\\_oshiriladi](https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/davlat-hususiy_sherikligi_16_ta_sohada_amalga_oshiriladi)

- уй-жой ва коммунал хизматлар;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- энергиянинг қайта тикланувчи манбалари;
- механик муҳандислик;
- металлургия;
- қишлоқ ва сув хўжалиги ва бошқ.

Юқоридаги соҳаларга мисол тариқасида айтадиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи йиғилиш баёнида белгиланишича, 2019 йил 1 сентябргача “ISTIQBOLLI TA’LIM” хусусий мактаби негизида босқичма-босқич мактабгача таълим – мактаб таълими – олий таълим – ишлаб чиқариш тизимини ўзида мужассамлаштирган янги инновацион таълим кластери ташкил этилади. Ушбу давлат хусусий шериклик асосидаги таълим кластерига 5 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилади<sup>33</sup>

Яна мисол қилиб, бугунги кунда давлат-хусусий шериклик асосида 2018 йилдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида қурилатган янги боғчаларни айтишимиз мумкин. Мактабгача таълим хизматини кўрсатиш нархининг мақбуллиги ва арзонлигини таъминлаш учун: инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни 50 йил муддатга беғараз ажратиш, солиқ имтиёзлари имтиёзли кредитлар ва бошқа имтиёзлар тақдим этилади. Бундан ташқари 2018 йил 1 январдан бошлаб, 5 йил давомида хусусий боғчалар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун сарфланадиган маблағнинг ярми давлат бюджети ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб масала сифатида назарда тутилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 4893 та давлат мактабгача таълим муассасаси (МТМ) бўлиб, уларнинг озиқ-овқат, моддий таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишда жиддий камчиликлар қузатилмоқда. 2018 йилда давлат бюджетидан 427 та боғчада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун 771 миллиард сўм маблағ ажратиш, жумладан, 14 тасини янгидан қуриш, 256 тасини реконструкция қилиш ва 157 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Юқоридаги муаммоларнинг аксарияти ДХШ механизмни таълим тизимига жорий этиш йўли билан ўз ечимини топади ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шунинг учун Президентимиз томонидан замонавий ва ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида мактабгача таълим тизимига ДХШ механизмни жорий этиш масаласи кўп бора таъкидланиб келинмоқда.

ДХШ механизмни таълим тизимига самарали жорий этиш мақсадида бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Н.Anthony, Р.Felipe ва J.Guáquetaлар илмий тадқиқот ишларида Америка Қўшма Штатларида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг таълим соҳасидаги ролини ўрганиш бўйича кўп йиллик дастурнинг дастлабки босқичи натижаларини таҳлил қилишган. Таълим соҳасидаги хусусий секторнинг ролини ошириш, давлат норматив-ҳуқуқий базасини яратиш таълим хизматлари танлови ошишини ва таълим натижалари яхшилашини таъкидлашган. Давлатларга таълим мақсадларига эришишда ёрдам бериши мумкин бўлган ДХШ шартномалари, ушбу тадбирларни амалда қўллашнинг энг яхши йўли ва усуллари кенг ёритилган.

Jandhyala B G Tilak томонидан ривожланиш стратегияси сифатида ДХШнинг кучли ва заиф томонлари, ўқув жараёнини ривожлантиришга қаратилган натижалар ва далиллар

<sup>33</sup> <http://zarnews.uz/post/samarqandda-davlat-xususiy-sheriklik-asosida-innovacion-talim-klasteri-tashkil-etiladi>

танкидий таҳлил қилинган. Ҳиндистондаги таълимни ривожлантириш учун ДХШнинг мумкин бўлган оқибатларини ёритиб, мамлакатда ва чет элда ривожланиб бораётган турли хил ДХШ моделларининг чекланган тажрибасини кенг миқёсда ўрганиб, баъзи муаммоли масалаларни кўриб чиққан.

ДХШ келишувлари бўйича хорижий давлатлар сиёсати тавсифини келтириб ўтамиз:

Буюк Британияда мактаблар “жисмоний шахслар, давлат ёки хусусий бизнес ташкилотлари, ёки диний ташкилотлар ёхуд нодавлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилади ва капитал харажатларнинг 10 фоизини таъминлайди, қолган 90 фоиз давлат томонидан тўланади. Ушбу мактабларда ўқитувчиларни ишга жойлаштириш, иш ҳақи ва меҳнат шароитларини белгилаш борасида катта эркинликлар мавжуд. Лекин бу мактабларнинг сифати ва самарадорлиги давлат томонидан назорат қилинади.

Германияда ҳукумат таълимни молиялаштириш, таълим муассасаларини таъмирлаш ва ишга тушириш бўйича шартномалар тузади. Хусусий сектор ҳамкорлари билан мактабларни 15 йил давомида бошқаради.

Мактабгача таълимни ташкил этиш муаммоси нафақат Ўзбекистон, балки ривожланган Европа мамлакатлари учун ҳам долзарбдир. Европа мамлакатларида давлатга қаршли МТМ жуда кам, асосий қисми хусусий ва оилавий боғчалардир. Ушбу мамлакатларда болаларни мактабгача тарбиялашни ташкил этиш бизнесга айланган.

Ҳар бир мамлакат ушбу муаммоларни ҳал қилишда ўз ёндашувига эга. Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг ижобий жиҳатларини ўзимизнинг миллий таълим тизимимизга олиб кириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик бу таълимни бошқариш давлат органлари, таълим муассасалари ва хусусий бизнес вакилларининг ресурсларини бирлаштириш ва рискларнинг, даромад ҳамда харажатларнинг мажбуриятга мувофиқ тақсимланишига асосланган таълим лойиҳасини амалга ошириш борасидаги тенг ҳуқуқли муддатли шериклик ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947 сонли фармони
2. Jandhyala B G Tilak. PUBLIC PRIVATE PARTNERSHIP IN EDUCATION // The Discussion Paper Discussion Paper Series No. 3/2016. p15.
3. Harry Anthony Patrinos Felipe Barrera-Osorio Juliana Guáqueta. The Role and Impact of Public-Private Partnerships in Education. 2009. The International Bank for Reconstruction and Development //The World Bank. pp 53.
4. Jandhyala B G Tilak. PUBLIC PRIVATE PARTNERSHIP IN EDUCATION //The Discussion Paper Discussion Paper Series No. 3/2016. pp 9.

#### **Интернет сайтлари:**

1. [https://www.norma.uz/nhh\\_loyihalari/davlat-hususiy\\_sherikligi\\_16\\_ta\\_sohada\\_amalga\\_oshiriladi](https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/davlat-hususiy_sherikligi_16_ta_sohada_amalga_oshiriladi)
2. <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/61140-uzbkistonda-davlat-xususiy-shrikchilik-mexanizmini-joriy-etishning-jahon-tajribasi>
3. <https://sputniknews-uz.com/society/20170910/6265601.html>
4. <http://zarnews.uz/post/samarqandda-davlat-xususiy-sheriklik-asosida-innovacion-talim-klasteri-tashkil-etiladi>
5. <http://xs.uz/uzkr/post/xususiy-sherikchilik>


# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAGI QISHLOQ HUDUDLARINI RIVOJLANTIRISH MAQSADIDA ELEKTR ENERGIYASI, TOZALANGAN ICHIMLIK SUVI VA TOMCHILATIB SUG'ORISHNING INNOVATSION SHAKLINI YORITIB BERUVCHI LOYIHA

**Yulchiyev Davron, Irrigatsiya va melioratsiya kafedrasida assistenti  
Turdiyev Akbarali, GM fakulteti SXM yo'nalishi 203-guruh talabasi**

## **Annotatsiya**

Maqolada O'zbekiston qishloq hududlarida elektr energiya ta'minoti, tozalangan ichimlik suvi va ekin maydonlarini sug'orishda ortiqcha isrofgarchilikga yo'l qo'yish muammolari yoritilgan. Shu bilan bir qatorda ularga zamonaviy yechimlar bilan yondashilgan holda hal etish choralarini keltirilgan.

Hozirgi kunda hamma suv muammolari shahar aholisi tomonidan kelib chiqayapti, deb o'ylaymiz. Ammo e'tibor berib qaraydigan bo'lsak, asosiy suv muammolar qishloq aholisi tomonidan kelib chiqmoqda. Dunyo suvlarining 70% qishloq xo'jaligi ya'ni ekin maydonlarini sug'orish uchun sarflanadi va suv isrofi juda yuqori miqdorda bo'ladi (1-rasmda keltirilganidek). Shu bilan bir qatorda qishloq aholisida toza ichimlik suvi muommasi mavjud bo'lib ular tashib ichishga majbur bo'lmoqdalar. Yana shu bilan bir qatorda qishloq aholisida elektr energiyasi taminoti muommasi ham mavjud. Men bu muammolarni sanab o'tishimdan maqsad shundan iboratki, yaratayotgan loyiham bu muommolarga yechim bo'la olishini ko'rsatib berish.



**1-rasm. Ekinlarni sug'orishdagi muammolar**


**Smart Gidro** loyhasining asosiy vazifasi magistral kanaldan oqib o'tayotgan suv tezligi evaziga elektr energiyasi, tozalangan ichimlik suvi ishlab chiqarish va tomchilatib sug'orishni innovatsion shaklini ko'rsatib berishdir. Bu loyiha asosan qishloq hududlarini kesib o'tgan kanallar, daryolar va zovurlarga o'rnatiladi. Shu bilan bir qatorda bu loyiha kanallar, daryolar va zovur suvlariga hech qanday zarar yetkamaydi.

Qishloq xo'jaligi hududlarini kesib o'tgan magistral kanallardan oqib o'tayotgan suv tezligiga parallel ravishda charxpalak o'rnatish va uning mexanik harakati natijasida undan:

1. Tozalangan ichimlik suvi.
2. Elektr energiyasi.
3. Tomchilatib sug'orish innovatsion shakli.

## **Tozalangan ichimlik suvi**

Magistral kanaldan oqib o'tayotgan suv tezligi evaziga charxpalak doimiy harakatda bo'ladi va kanaldan suvni tozalash jarayoniga ko'tarib beradi. Suv mexanik, biologik va kimyoviy jarayonlar natijasida tozalanadi. Bu jarayon esa 5 bosqichdan iborat (4-rasmda ko'rsatib berilgan).




4-rasm. Suv tozalash uskunasi sxemasi.

### Suvni tozalash 5-bosqichi

1. Suv tezkor aralashtirish bochkasiga quyiladi va katta miqdordagi loyqalar maydalaniladi, ortiqcha keraksiz narsalar ushlab qolinadi
  2. Suv tindiriladi va kichik miqdordagi loyqa ushlab qolinadi.
  3. Suv filterlanadi.
  4. Kimyoviy jarayon bajariladi yani suvga xlor (CL) qo`shiladi. Kichik miqdordagi mikroblar to`laliqcha tozalanadi.
  5. Suv ichish uchun yaroqli holatga keladi va zaxira bochkasiga quyiladi.
- Tozangan ichimlik suvi kichik bir qishloq aholisini doimiy ichimlik suvi bilan taminlash qobiliyatiga ega. Shu bilan bir qatorda aholi suvni tashib ichish muommasidan qutiladi.
- U aholi uchun sof tozalangan va soatiga 480 litrgacha suvni tozalab bera oladi. Tozalangan ichimlik suvi esa 1 kub metri 3200 so`m. Demak bir kunda 38000 so`m daromad qila olamiz.

### Suvdan elektr energiyasi olish usuli

Magistral kanallarda suv ma`lum bir tezlikka ega bo`ladi. Biz esa bu tezlik evaziga charxpalakni aylanma harakatga keltiramiz. Bu mexanik harakatni esa maxsus generatorlar yordamida elektr energiyasiga aylantiramiz. Suvdan energiya olish usuli 5-rasmda keltirilgan:



5-rasm. Charxpalak yordamida suvdan energiya olish.


**bu yerda:** 1-suv oqimi, 2-qurilma karkasi, 3-suv oqimi yo`naltiruvchi, 4-parrak, 5-val, 6-po`lat o`zak, 7-generator, 8-tasmali uzatma, 9-elektr quvvatini nazorat qiluvchi qurilma.

### Elektr energiyasi


Men ishlab chiqqan loyihaning bir qismi elektr energiyasi ishlab chiqarishdan iborat bo`lib u soatiga 4KVt bir kunda esa 96KVt elektr energiyasi ishlab chiqara olish qobiliyatiga ega. Bugunki kunda esa zamonavi xonodonlar kuniga 2,5-3 KVt energiya sarflamoqda. Demak, biz ishlab chiqarayotgan energiya 30-32 ta zamonaviy honadonni elektr energiyasi bilan

taminlay oladi. Hozirda 1KVt energiya 250 so`mni tashkil etadi. Bizning kunlik daromadimiz esa 24200 so`mni tashkil etadi. Shuni takidlab aytishim kerak men minimum darajada hisob-kitoblarga tayangan holda ish bajarmoqdaman.

### Tomchilatib sug'orish innovatsion shakli



6-rasm. Tomchilatib sug'orish.



7-rasm. Gidravlik kompressor.

### Ishlash rejimi va qulayligi

Bu maxsus kompressor bo`lib bundan tomchilatib sug'orish uchun foydalansa bo`ladi va u tepada ko`rsatilgan chizma asosida ishlaydi. Elektr energiya sarflamasdan bosim paydo qilish imkonini beradi. Ishlash jarayonini esa **“SmartGidro”** maxsus ishlanmasida kuzatishingiz mumkin.

Tomchilatib sug'orishning eng avzalik tomoni suvni tejashga va ekin samaradorligini oshirishga yordam beradi. Biz bir gektar paxtani egatlab sug'organimizda undan olinadigan paxta 20-30 sentnerni tashkil etsa. Tomchilatib sug'organimizda esa 50-60 sentner paxta olishimiz mumkin.

### Bu loyihani amalga oshirish uchun ketadigan harajatlar

1-jadval

№	Loyiha uchun kerakli qismlar	Soni/Uzunligi	Narxi (so`m)	Umumiy
1	Charxpalak uchun ishlatiladigan qismlar	7	5000000	
2	Generator	3	400000	1200000
3	Transformator	1	1000000	1000000
4	Suv zaxira bochkasi	4	2000000	8000000
5	Quyosh batareykasi	1	1300000	1300000
6	Gidravlik kompressor	1	2700000	2700000
7	Suv quviri	200m	17000	3400000
8	Alyumin sim	100m	5000	500000
	Jami:			23100000

### Xulosa

O'zbekiston hududida joylashgan kanal, daryo va zovurlardan oqilona foydalangan holda qishloq aholisini elektr energiyasi, tozalangan ichimlik suvi bilan taminlash va ekin



maydonlarini tomchilatib sug'orish orqali davlatimizning iqtisodiy ahvolini yanada yaxshilash ko'zda tutildi.

- Ekologik xavfsiz elektr energiya manbalaridan foydalanish;
- Kichik GES , Suv tozalash uskunalari, tomchilatib sug'orish uchun tannarxi yuqori bo'lmagan ob'ekt va qurilmalar tanlash;
- Arzon elektr energiyasi bilan taminlash va uzatish;
- Tozalangan ichimlik suvi bilan taminlash va yetkazib berish;
- Mavjud suv resurslaridan samarali foydalangan holda xalqimizning yashash sharoitini yaxshilashga munosib hissa qo'shish;

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston respublikasining prezidentining 2013-2017 yillar davrida sug'oriladigan yerlarning melorativ holatini yanada yaxshilash va suv resurslaridan oqilona foydalanish chora tadbirlari to'g'risidagi №ПКр1958 sonli qarorlari:

2. I.A. Radjabov, A.D.Rahmatov, A.X.Vohidov "Mutaxassislikka kirish" TIIMI Toshkent 2008.

3. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

4. [www.solarhome.ru](http://www.solarhome.ru)

5. [www.ecoauto.com.ua](http://www.ecoauto.com.ua)

**УДК: 621.311**

### **QUYOSH ENERGIYASIDAN FOYDALANISHNING SAMARADOLIGI.**

#### **Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Assistant A.N.Botirov**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada yoritish, isitish va sovutish uchun quyosh energiyasidan imkon qadar ko'proq foydalanish va agrar sohani quyosh energiyasi bilan ta'minlash va quyosh energiyasidan foydalanib yerlarni sug'orish hamda ilgari sug'orilmagan yerlarni o'zlashtirish masalalari ko'rib chiqilgan.




Butun jahonda tiklanadigan energiya manbalariga qiziqish kundan-kunga oshib bormoqda. Bularga birinchi navbatda quyosh, shamol va bioenergiya manbalarini qayd etishimiz mumkin. So'nggi yillarda mavjud bo'lgan neft, gaz, ko'mir va atom energiyalariga nisbatan alternativ energiya manbai hisoblangan tiklanadigan energiya manbalari raqobatdoshligi sezilarli o'sdi. Bu o'sish shu darajada rivojlanib borsa yaqin yillarda tiklanadigan energiya manbalari energiya bozorining asosiy qismini tashkil etadi.

O'zbekistonda noana'anaviy energiya manbalari, birinchi navbatda, quyosh energiyasidan foydalanishni kengaytirishga katta e'tibor berilmoqda. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning 2013-yil 1-martda qabul qilingan "Muqobil energiya manbalarini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonida muqobil energetika sohasidagi ilmiy salohiyatni yanada rivojlantirish, malakali kadrlar tayyorlash, bu boradagi qonunchilikni takomillashtirish, muqobil energiya manbalarini ishlab chiqaruvchilar va foydalanuvchilarni rag'batlantirish, ularga soliq va bojxona imtiyozlari berish, "Muqobil energiya manbalari to'g'risida"gi qonun loyihasini ishlab chiqish vazifalari belgilangan. Ilm-fan taraqqiyoti quyosh energiyasidan foydalanish bo'yicha ilg'or usullarni taqdim etmoqda. Bu borada quyosh energiyasidan yoritish, isitish va sovutish uchun ko'proq foydalanishda zarur. Isitish uchun quyosh energiyasini to'playdigan kollektordan foydalaniladi. Xususan, Yer sharining shimoliy mintaqalarida uy-joylarni loyihalashtirish va qurishda janub tomonga qaragan derazalar ko'p bo'lishi ko'zda tutiladi. Shundagina qishda

deraza orqali quyosh nuri ko‘proq tushib, uyga iliqlik kiradi. Yozda esa quyosh nuri tushishini kamaytirish maqsadida binoning sharqiy va g‘arbiy tomonlarida derazalar kam bo‘lishi kerak. Mana shunday uylar qishda yorug‘ va issiq, yozda salqin bo‘ladi.

Quyosh energiyasidan yoritish, isitish, havoni sovutish, shamollatish, elektr energiyasi ishlab chiqarish maqsadida foydalaniladi. Dunyoda gelioelektr stansiyalar – quyosh energiyasini katta miqdordagi elektr energiyasiga aylantiradigan zamonaviy stansiyalar soni ko‘payib bormoqda. Ularning ishlash prinsipi oddiy. Bir necha ming kvadrat metr maydonga o‘rnatilgan geliostat oynalar quyosh bilan barobar aylanib, quyosh nurlarini suyuqlik, ko‘pincha suv bilan to‘ldirilgan sig‘imga yo‘naltiradi. Keyingi jarayonlar esa odatdagi issiqlik elektr stansiyalaridagi kabi davom etadi. Ya‘ni, suv isib qaynaydi va bug‘ga aylanadi. Bug‘ turbinani, turbina esa generator rotorini aylantiradi va shu tariqa elektr energiyasi ishlab chiqariladi.



1-rasm. Yassi quyosh kollektori chizmasi

- 1- shaffof yopqich
- 2- yig‘uvchi yuza
- 3- qaytargich ekran
- 4- issiq o‘tkazmaydigan qatlam
- 5- korpus


**Сув иситишга мўлжалланган ясси қуёш коллектори хар - хил материаллардан (пулат, гипс, алюминий, пластмасса ва бошқалар) тайёрланиши мумкин. Лекин уларнинг ишлаши бир-хил принципга асосланган.**

O‘zbekiston Markaziy Osiyo davlatlari orasida birinchilardan bo‘lib quyosh energetikasi bo‘yicha o‘z ilmiy ishlanmalariga asoslangan yangi taraqqiyot bosqichiga ko‘tarilgan mamlakatdir. Mana, o‘n yildan ko‘p vaqtdan buyon mamlakatimiz olimlarining ilmiy ishlanmalari asosida quyosh energiyasi bilan suv isitadigan qurilmalar negizida uy-joy va ijtimoiy ob‘ektlarni issiq suv va issiqlik bilan ta‘minlash tizimi ishlab chiqilmoqda va ulardan tajriba tariqasida foydalanilmoqda.

Quyosh energiyasidan foydalanish bo‘yicha aktiv tizimlari asosini quyosh batareyalari – quyosh energiyasini qabul qilib, o‘zgartiradigan modullar to‘plami tashkil qiladi. Aksariyat hollarda quyosh batareyalari haqida so‘z borganda, quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantiradigan moslama nazarda tutiladi. Quyosh batareyalari elektr energiyasini muntazam ishlab chiqarish yoki keyinchalik foydalanish uchun uni to‘plash imkoniyatiga ega.

Quyosh batareyalari tuzilishining oddiyligi, o‘rnatishning osonligi, ko‘p xizmat talab etmasligi va uzoq muddat foydalanish mumkinligi bilan ajralib turadi. O‘rnatish uchun qo‘shimcha joy talab qilmaydi. Soyada uzoq vaqt qoldirmaslik va yuzasidagi changni o‘z vaqtida artib turish undan foydalanishning yagona shartidir. Bunday batareyalar nafaqat quyoshli kun, hatto bulutli kunlarda ham energiya ishlab chiqara oladi. Zamonaviy quyosh batareyalari o‘n yillar davomida ishlash qobiliyatini saqlab qoladi. Xavfsizligi, samaradorligi va uzoq muddat ishlashi bilan ajralib turadigan bunday tizim kamdan-kam uchraydi. Bugungi kunda quyosh energiyasini o‘zida to‘playdigan akkumulyator manbalari o‘rnatilgan uylar ko‘plab qurilmoqda. Quyosh batareyalari binolar tomi yoki maxsus tayanchlarga o‘rnatiladi.

Quyosh energiyasidan binolarni yoritish, isitish, havoni sovutish, shamollatish, elektr energiyasi ishlab chiqarish maqsadida foydalaniladi. Dunyoda gelioelektr stansiyalar – quyosh energiyasini katta miqdordagi elektr energiyasiga aylantiradigan zamonaviy stansiyalar soni ko‘payib bormoqda. Ularning ishlash prinsipi oddiy. Bir necha ming kvadrat metr maydonga o‘rnatilgan geliostat oynalar quyosh bilan barobar aylanib, quyosh nurlarini suyuqlik, ko‘pincha suv bilan to‘ldirilgan sig‘imga yo‘naltiradi. Keyingi jarayonlar esa odatdagi issiqlik elektr stansiyalaridagi kabi davom etadi. Ya‘ni, suv isib qaynaydi va bug‘ga aylanadi. Bug‘ turbinani, turbina esa generator rotorini aylantiradi va shu tariqa elektr energiyasi ishlab chiqariladi.



## 2-рasm Концентрацияланган фотоэлектрик ўзгартиргич

Quyosh energiyasi, shubhasiz, kelajak energiyasidir. Bugun dunyo gaz va neft narxining oshishi sababli an'anaviy yoqilg'i turlaridan voz kechmoqda. Aksariyat mamlakatlarda quyosh energiyasidan foydalanishni rivojlantirish bo'yicha davlat dasturlari ishlab chiqilgan.

Agrar sohada quyosh energiyasidan ham keng foydalanib kelinmoqda. Ma'lumki, ayrim sabablarga ko'ra, elektr uzatish tarmoqlari va suv ta'minoti tizimi ishlaydigan hududlarda suvni yuqoriga ko'tarib berish borasida qiyinchiliklar mavjud. Shu maqsadda quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantiradigan fotoelektr qurilmalardan foydalanish tavsiya qilinadi. Bu qurilmalar quyosh batareyalari, energiya to'plash tizimi va doimiy tokni o'zgaruvchan tokka aylantiradigan moslamani o'z ichiga oladi. Fermer xo'jaliklari erlarini tomchilatib sug'orishni yo'lga qo'yishi va ilgari sug'orilmagan yerlarni o'zlashtirishi mumkin hamda uzluksiz energiya bilan ta'minlab turish imkoni mavjud bo'shi mumkin. Fotoelektr qurilmasi uzoq muddat xizmat qiladi, maxsus texnik xizmatni talab etmaydi. Quyosh energiyasidan foydalanish istiqbolidir. Quyosh energetikasi ekologik toza, qulay, shovqinsiz bo'lib, uning imkoniyatlari kattadir.

**Xulosa qilib shuni aytish kerakki quyosh energiyasidan unumli foydalanish isitish sovitish va fermer xo'jaligini sug'orish tadbirlarini tashkil etish orqali yerlarni o'zlashtirish imkonini beradi. Bu borada isitish maqsadlarida quyosh kollektorlari qo'llanilganda energiya manbalaridan samarali foydalanishi ta'minlanib energiyaga va sug'orish ishlariga bo'lgan ehtiyoj to'la qondiriladi.**

### Adabiyotlar ro'yxati

1. И.В. Мирошник. Теория автоматического управления. Питер, 2005 г.
2. А.Ражабов, Р.Исмоилов «Электротехнологиялар» Тошкент, 1996 – 2006 й.йю
3. Electricity Supply in Denmark. Statistics, 1995. Associations of Danish Electric Utilites, 1996.
4. Андрющенко В.А., Ломов В.С. Электронные и полупроводниковые устройства следящего привода / Под ред. В.С. Ломова. М.: Машиностроение, 1967.

УДК:621.3.067.5

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ВИДОВ ЭНЕРГИЙ В СЕЛЬСКОМ И ВОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ

доц. Ю.Б. Собиров, асс. А.У. Джалилов, асс. А.И. Пардаев,  
магистрант А.М. Мустафокулов

**Аннотация.** В работе приведены инновационные технологий для автоматизаций и электрификации сельского и водного хозяйства с применением возобновляемых видов энергии: солнца и ветра. Представлены инновационные, экологические, несложные установки для использования в сельском и водном хозяйстве. Приведены результаты

наземных измерений: скорости и направления ветра с целью определения эффективности работы ветроэнергетических установок.

**Цель работы.** Показать целесообразности и эффективности использования возобновляемых видов энергий при электроснабжении водного и сельского хозяйства. Для оценки эффективности работы установок на основе возобновляемых видов энергий, показан необходимость наземных измерений интенсивности солнечного лучистого потока а также скорости и направления ветра данной местности.

Энергия лучистого потока Солнца является основой практически всех видов возобновляемых источников энергии (ВИЭ). Количество энергии солнечного лучистого потока, поступающей на поверхность Земли за неделю, превышает энергию мировых запасов невозобновляемых видов энергий [1]. Солнечная энергия - экологически чистый возобновляемый источник энергии и в солнечном Узбекистане в среднем около 250 ÷ 270 солнечных дней в году для эффективного использования. По измеренным данным, средняя значения прямого потока солнечной радиации подающая на поверхности Земли в течение года больше 1800 кВт/ч [2]. Основная часть производимой сейчас энергии используя невозобновляемых источников, вырабатываемой на ТЭЦ, сопровождается не только химическим загрязнением окружающей среды и истощением природных ресурсов, но и приводит к "тепловому загрязнению Земли". Таким образом, ограниченность запасов невозобновляемых источников топлива для традиционной энергетики и в связи с этим практически ежегодное повышение тарифов на электроэнергию, а также отрицательные экологические последствия традиционных источников электроэнергии раскрывают широкие перспективы по применению возобновляемых источников электроэнергии.

**Использование солнечной энергии.** Узбекистан обладает благоприятным климатическим условиям для использования энергии Солнца. Согласно экспертным оценкам, возможности использования источников только солнечной энергии в Узбекистане позволят получить энергию, эквивалентную 179 миллионам тонн нефти [3].

**Параболоцилиндрическая установка.** Один из эффективных вариантов использования солнечной энергии является параболоцилиндрическая концентрирующая установка. Так, как парабола дает максимальную концентрацию солнечных лучей, длину установки можно выбрать от вашей потребности к энергии. Такие установки позволяют получить пар нагревая воду солнечными лучами, далее направив пар к турбине можно получить электрическую энергию. На рис.1 показана параболоцилиндр концентрирующей солнечной электростанции в Крэмер-Джанкшне, штат Калифорния.



Рис.1. Солнечные параболоцилиндрические концентраторы для получения электрической энергии

Подвижная фотоэлектрическая установка мощности 3 кВт разработана под руководством профессора М.Н.Турсунова. Выработанная с этой установкой 1 кВт электроэнергии используется для нужд фермерского хозяйства оставшиеся 2 кВт для накачки воды насосами.



Рис.2. Мобильная фотоэлектростанция мощности 3 кВт для сельского хозяйства.

**Использование энергии ветра.** Современная ветроэнергетика во многих развитых странах мира является частью энергетических систем, а в ряде стран - одной из главных составляющих альтернативной энергетики на ВИЭ [4]. К сожалению, в настоящее время доля нетрадиционных и возобновляемых источников энергии (включая и ветроэнергетику) составляет в энергобалансе нашей страны меньше 1 %. В то же время в Узбекистане имеются объективные ресурсные, социально-экономические и экологические предпосылки для широкомасштабного использования, гелиоэнергии, ветроэнергии и других возобновляемых источников энергии.

Одним из перспективных направлений развития возобновляемых источников является ветроэнергетика. Использование энергии ветра не только помогает решить многие проблемы энергоснабжения удаленных объектов и загородных домов и получить независимость от местных энергоснабжающих организаций. Поставив на своём участке хотя бы небольшой ветрогенератор вместо дизеля или бензоэлектростанции, можно внести свой вклад в дело сохранения природы, сокращения выбросов вредных и парниковых газов, предотвращая тем самым изменение климата. Даже если при подключении к сети централизованного электроснабжения, использование энергии ветра для бытовых нужд тоже окажется полезным природе, ввиду того, что тем самым предотвращается сжигание углеводородов для получения электроэнергии.

При наличии среднегодовой скорости ветра более 4 м/с для небольшого фермерского хозяйства достаточно ветроустановка мощностью около 500 Вт для обеспечения потребностей в электроэнергии для поднятия подземных вод. Для электроснабжения всех потребителей в типовом загородном доме достаточно иметь источник в виде ветроустановки мощностью 1,5 до 5 кВт. В периоды сильного и продолжительного ветра излишки вырабатываемой электроэнергии могут использоваться для отопления помещений.

Для оценки эффективности работы ветроэнергетических установок, необходимо измерения и получения многолетних данных средней скорости ветра. Для этой цели

можно воспользоваться измеренными данными полученных с помощью современных метеостанции, построенные в шести вилояхта Узбекистана [5]. Метеостанций построены в вилояхта: Навоий, Самарканд, Кашкадарья, Сурхандарья, Ташкент, Наманган.

**Результаты исследований.** В метеорологии для измерения скорости ветра применяется анемометры. По принципу действия различают механические анемометры, в которых движение газа приводит во вращение чашечное колесо или крыльчатку (подобие воздушного винта), тепловые анемометры, принцип действия которых основан на измерении снижения температуры нагретого тела (обычно накаливаемой проволоки), а работа ультразвуковых анемометров основана на измерении скорости звука в протекающем газе в зависимости от его скорости.

Чашечный анемометр является наиболее распространённым типом анемометров, которые устанавливаются на стандартной высоте— 10 м (см. рис.1) для измерения скорости ветра. Как правило, головки ветроустановок находятся на высоте от 5 до 50 м. Для определения скорости  $u_z$  (на высоте  $z$  м) на этих высотах часто используют аппроксимационную формулу (1), в которую входит значение стандартной скорости ветра  $u_s$ , измеренное на высоте 10 м, а именно [6]:

$$u_z = u_s \cdot \left(\frac{z}{10}\right)^b \quad (1)$$

Для открытых мест параметр  $b=1/7=0,14$ . Чем меньше значение параметра  $b$ , тем меньше будут различаться нагрузки, испытываемые лопастью ветроколеса в нижнем и верхнем положениях. Как известно, ветер является векторной величиной, которая наряду с средним значением скорости, характеризуется ещё мгновенным значением – порывом. На рис.3 и рис.4 приведены результаты экспериментальных измерений порыва и средней скорости ветра, измеренные на Паркентской метеостанции МНР MS4-12-1. Они показывают статистический характер изменения этих параметров в течение месяца, что следует учесть при разработке возобновляемых источников энергии.




Рис.3. Порывы и почасовые усредненные значения скорости ветра, измеренные Паркентской метеостанцией МНР MS4-12-1 Ташкентского вилоята, в июне месяце 2013 года [6].




Рис.4. Направления ветра, измеренные Паркентской метеостанцией МНР MS4-12-1 в июне месяце 2013 года (wind direction – направление ветра относительно севера, wind direction StDev - стандартное отклонение изменения направления ветра в пределах интервала измерения в градусах).

**Выводы.** Использование возобновляемых видов энергии для сельского хозяйства является актуальной задачей и эти задачи частично рассмотрены работах академика Р.А. Захидова [7], профессора М.Н.Турсунова [8] и т.д.

Мощности ветроэнергетических установок пропорционально к третьей степени скорости ветра, т.е. при увеличении скорости ветра два раза, мощность установки возрастает 8 раз. Измерение скорости ветра и направления с целью определения ресурсов ветроэнергии является актуальной проблемой. В ближайшие годы организации системы Узгидромета, Госкомприроды, ВУЗы, колледжи и предприятия, разрабатывающие установки, использующие энергию ветра, эксплуатирующие ВЭУ пополняется современными анемометрами в процесс измерения ветреных ресурсов.

### Литература

1. Стребков Д.С., Муругов В.П. Энергосбережение и возобновляемые источники энергии // Вестник сельскохозяйственных наук. М.: Агропромиздат, 1991. № 2. С. 117-125.
2. Fayziev Sh.A., Sobirov Yu.B. Measurements of Solar Resources in Uzbekistan. Applied Solar Energy, 2017, Vol. 1, pp. 57-60.
3. <http://china-uz-friendship.com/?p=885>.
4. Полякова Л.С., Кашарин Д.В. Учебное пособие: «Метеорология и климатология». -Новочеркасск НГМА. 2004. 107 с.
5. Faiziev, Sh., Geder, N., and Lyupfert, E., Preliminary estimation of solar resources, ABR UZB TA 8008 Project Rep., Tashkent, 2013.
6. Квитко А.В., Хицкова А.О. Характеристики ветра, особенности расчёта ресурса и экономической эффективности ветровой энергетики. // Труды Кубанско-го государственного аграрного университета. 2014. Т.3. №97. С. 1-12.
7. Таджиев У.А., Захидов Р.А., Киселева Е.И. Возможности использования солнечных фотоэлектрических и ветроэлектрических установок в системах электроснабжения сельских населенных пунктов, расположенных в удалённых местностях с особо сложными природными и климатическими условиями. // Гелиотехника. 2017. №2. С.66-71.
8. Турсунов М.Н., Сабиров Х., Юлдошев И.А., Турдиев Б.М., Комолов И.М. Фототепловые батареи разной конструкции: сравнительный анализ. // Гелиотехника. 2017. №2. С.26-29.

## SUV RESURLARIDAN FOYDALANISHNI EKONOMETRIK MODELLAR ORQALI PROGNOZ QILISH

**Shadmanova G., professor, Mavlonov S.P., assistent,  
Tursunxo'jayeva D.D., talaba, TIQXMMI**

- высокая степень сложности организационной структуры и ведомственная разобщённость (более 20 министерств и ведомств, участвующих в решении проблем АПК);
- большая продолжительность исследования некоторых проблем, связанных с воспроизводственным процессом;
- преимущественное вложение ресурсов в инвестиционные, а не в инновационные проекты.[1]

Особое место в системе инноваций, применяемых в сельском хозяйстве, занимают экологические инновации, поскольку в настоящее время главным ограничением экономического роста сельского хозяйства являются постоянно повышающиеся экологические требования к процессу производства, качеству сельскохозяйственной продукции. Экологические инновации определяются как нововведения, осуществляемые в рамках завершённых технологических, организационных или маркетинговых инноваций, способствующие снижению или предотвращению негативного воздействия на окружающую среду, сбалансированности экономических, экологических и общественных интересов. Существуют различные виды экологических инноваций, внедряемых в сельское хозяйство: продуктовые, процессные, организационные, маркетинговые, социальные и системные. Для достижения устойчивого роста продуктивности сельского хозяйства использование природных ресурсов должно осуществляться в соответствии с экологическими требованиями. Стратегической целью государственной политики в области экологического развития является решение социально-экономических задач, обеспечивающих экологически ориентированный рост экономики, сохранение благоприятной окружающей среды, биологического разнообразия и природных ресурсов для удовлетворения потребностей нынешнего и будущих поколений, реализации права каждого человека на благоприятную окружающую среду, укрепления правопорядка в области охраны окружающей среды и обеспечения экологической безопасности [3]. Одним из основных механизмов при решении задачи развития экономического регулирования и рыночных инструментов охраны окружающей среды используется стимулирование предприятий, осуществляющих программы экологической модернизации производства и экологической реабилитации соответствующих территорий, а также обеспечение широкого применения государственно-частного партнёрства при государственном финансировании (софинансировании) мероприятий по оздоровлению экологически неблагополучных территорий, ликвидации экологического ущерба, связанного с прошлой экономической и

иной деятельностью. Тем самым существенная роль в экологической модернизации реального сектора экономики государство отводит развитию и применению механизма ГЧП [2]. Актуальность исследования, направленного на поиск, обоснование и формирование прогрессивных инструментов управления, каким является государственно-частное партнерство в области эколого-экономических проектов региона, обусловлена направленностью на решение чрезвычайно сложного комплекса проблем, от успешности, реализации которых во многом будет зависеть будущее Узбекистана, бизнеса и общества в целом. Тема исследования сохраняет свою актуальность, поскольку преодоление последствий финансово-экономического кризиса, связанное с оздоровлением общеэкономической ситуации, напрямую зависит от повышения эффективности производства новых товаров и услуг, определяемых, прежде всего воздействием инновационных факторов, а это в первую очередь влияет на экологические процессы и уровень жизни населения в регионе. Следует отметить, что феномен государственно-частного партнерства как объект исследования окончательно еще не сформирован. Отдельные работы, присутствующие в периодической печати, носят разрозненный и порой противоречивый характер, не охватывают весь диапазон задач, требующих первоочередного решения, что диктует необходимость комплексного подхода к его изучению. Важно всесторонне выявить реальное влияние института ГЧП в эколого-экономической области на устойчивое развитие страны и, прежде всего, на развитие стабильных кооперационноинтеграционных связей в отраслях и регионах. С точки зрения развития принципов государственно-частного партнерства в экологической сфере, со стороны государства важное значение имеет: - обеспечение природопользователей информацией о ресурсосберегающих, экологически чистых технологиях, наилучших доступных технологиях, экологических стандартах, состоянии окружающей среды; - поддержка научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ в области охраны окружающей среды и обеспечения экологической безопасности; - поддержка деятельности организаций системы образования и просвещения, осуществляющих экологическое просвещение и образование. Использование механизма ГЧП позволит властям решить существующие в регионе экологические проблемы и создать в области более комфортные условия для жизни, а бизнесу - получить дивиденды от инвестиций в экологию. В Узбекистане, как и во многих других странах, партнерство власти и бизнеса должно стать достаточно популярным механизмом улучшения уровня жизни населения, социально-экономического развития и экологического благополучия регионов. Однако на практике примеров эффективного развития партнерства между государством и бизнесом в решении экологических вопросах недостаточно.[3]

#### **Использованная литература**

1. Панкратов А. А. Государственные приоритеты в формировании системы управления ГЧП / А.А. Панкратов.
2. Петрова Т. В. Финансирование в сфере охраны окружающей среды: новые и традиционные подходы.
3. Ковалев Ю. Ю. Инновационный сектор мировой экономики: понятия, концепции, индикаторы развития

**ДАВЛАТ – ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Рашидов Жамшид Хамидович, ТИҚХММИ доцент**

## Шойбеков Турсунмурод Хайрулло ўғли, магистрант

### Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда инновацион ривожланиш шароитида давлат – хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларини ривожлантиришнинг зарурияти, асосий йўналишлари бўйича аниқ таклифлар берилган.

Мамлакатимизда инновацион ривожланиш шароитида давлат-хусусий шерикчилиги ишбилармонлик муҳитини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда, истиқболда қўллаш учун зарур таъсирчан механизм ҳисобланади.

Давлат-хусусий шерикчилиги механизми тамойилларини барча соҳаларга жорий этишда чет эл тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш республикамизни ривожланган, кучли ва қудратли давлат бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 1,2 бандида келтирилган “Мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш” йўналишига алоҳида эътибор қаратилганлиги айтилган пайтда ушбу йўналишнинг қанчалик долзарблигидан далолат беради.

Республикамиз сув хўжалиги тизимида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш унинг иқтисодий тараққиёти учун фойдаланилмаган молиявий ресурслар ва захираларни сафарбар қилиш ва ресурс базасини кенгайтириш, давлат ва жамоатчилик мулкни бошқариш самарадорлигини ошириш, давлат секторига қўшимча ресурсларни жалб этиш, бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни имкон қадар камайтириш, давлат бошқаруви салоҳияти ва хўжалик юритишдаги хусусий тамойиллар, инвестициялар, бошқарув, илмий ғоя ва инновацияларни бирлаштиришга имкон яратувчи ташкилий-иқтисодий механизмлардан муҳими ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат-хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизациялашнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш, давлат-хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларидан фойдаланиш бўйича турли механизмларни амалиётга жорий қилиш масалалари илмий асосларини ишлаб чиқиш мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш давридаги сув хўжалиги иқтисодиёти олдида турган энг муҳим муаммоларини ҳал этиш мумкин бўлган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни суғориш суви билан таъминлаш бугунги кундаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу масалани ҳал этишдан асосий мақсад биринчидан, хўжаликларни ўз вақтида ва зарур ҳажмда оқар сув билан таъминлаш бўлса, иккинчидан, замонавий суғориш тармоқларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва сувнинг ортиқча исроф бўлишини олдини олиш ҳамда сувдан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилгандир. Бунда сув хўжалиги инфратузилмалари муҳим ўрин эгаллайди.

Сув хўжалиги инфратузилмалари - қишлоқ хўжалиги ва бошқа макроиқтисодиёт тармоқларининг ривож топиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган ирригация иншоотларидан ташкил топган фаолияти асосан истеъмолчиларни сув билан кафолатли таъминлашга қаратилган, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг куйи тизимидир.

Сув хўжалиги инфратузилмаларининг ишончли ишлаши ва кафолатли хизмат қилиши кўп жиҳатдан уларнинг техник ҳолатига боғлиқдир. Сув хўжалиги инфратузилмаларини кафолатли хизмат кўрсатишини таъминлаш учун уларни ўз вақтида таъмирлаш, қайта қуриш ва модернизация қилишни тақозо этади.

Маълумки, сув исрофгарчилигини бартараф этиш кўп жиҳатдан ирригация тизимларининг техник ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга сув хўжалиги

объектларини таъмирлаш ва қайта тиклаш катта ҳажмдаги молиявий маблағларни талаб этади. Шу боис суғориш тизимини такомиллаштириш, сув тақсимотидаги камчиликларни бартараф этиш, умуман олганда, сув хўжалиги инфратузилмаларини модернизациялаш мақсадида соҳада олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Республикамизда сув хўжалиги тизимига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни қўллаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, томчилатиб суғориш тизимини ҳамда сувни тежайдиган бошқа илғор суғориш технологияларини фаол жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида” ПҚ-3405-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июлдаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли ҳамда 2018 йил 10 сентябрдаги “Сув хўжалиги тизимига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 714-сонли қарорлари қабул қилинди. Шунингдек “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш” давлат дастури қабул қилинди.

Юқорида қабул қилинган меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга жорий этиш самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларини ташкил этиш муҳим ўрин эгаллайди. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

- сув таъминоти хизмати;
- сув тежовчи технологияларни етказиб бериш, ўрнатиш ва таъмирлаш хизмати;
- ирригация – мелиорация иншоотларини қуриш ва таъмирлаш хизмати;
- сув истеъмолчиларини ахборот билан таъминлаш ва маслаҳат бериш хизмати.

Давлат-хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг объектив зарурияти қуйидагилардан иборат:

ҳудудлардаги баъзи бир ирригация – мелиорация иншоотларининг жисмоний ва манавий эскирганлиги;

ирригация – мелиорация иншоотларини соз техник ҳолатда сақлашни ташкиллаштириш;

чекланган сув ресурсларининг захираларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

янги, замонавий ирригация – мелиорация иншоотларини қуриш, мавжудларини қайта тиклаш;

сув хўжалиги инфратузилмаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Давлат-хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларини ривожлантириш қуйидаги имкониятларни қўлга киритиш мумкин бўлади:

сув хўжалигига инвестициялар киритилиши ҳисобига замонавий ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш ва ишлаб турганларини бугунги талаби даражасида қайта тиклаш;

- сув хўжалиги тизимида суғоришнинг илғор технологияларини жорий этиш;
- истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлаш;

- ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш ҳамда ошириш;
- ирригация тизимидан ишончли фойдаланиш ва уни техник соз холда сақлашни ташкил этиш;
- суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентини оширишга қаратилган ташкилий тадбирларни амалга ошириш;
- ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш;
- сув хўжалиги инфратузилмаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, давлат-хусусий шерикчилиги асосида сув хўжалиги инфратузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш, мамлакатимизнинг стратегик тармоғи бўлган сув хўжалигини янги сифат босқичига кўтариш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1958-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 176-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Сув хўжалиги тизимига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

## **ТУМАН МИҚЁСИДА СИУ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**Иминов Тўхтасин Нурмаатович, Курганов Хакимжон Рустамович, Умарова Шохсанам Ботиржон қизи (галаба), ТДАУ Андижон филиали**

### **Аннотация**

Мақолада хизмат кўрсатиш ҳудудида ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажара олмаётган нодавлат-нотижорат ташкилоти бўлган мавжуд Сув истеъмолчилари уюшма (СИУ)лари негизида давлат-хусусий шериклик асосида туман миқёсидаги СИУларни ташкил этилиши ҳисобидан ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирлари самарадорлигини оширишга эришиш масаласи кўтарилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги инфратузилма объектларини ривожланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, улар ичида СИУ алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, хўжалик ичидаги ариқ ва зовурларнинг ҳолати, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини ўз вақтида ва керакли ҳажмда сув билан таъминлаш СИУда ишларнинг нечоғлик даражада самарали ташкил этилишига боғлиқ.

Ҳозирги ирригация хизматларини кўрсатиш жараёнида мелиорация тадбирларига асос бўладиган камчиликларни мавжудлиги ва ушбу камчиликларни ортиб бориши сизот

сувлари сатҳининг кўтарилиши, тупроқларнинг шўрланишига олиб келмоқда. Тадқиқот натижалари бўйича 2014-2018 йиллари вилоятда сув билан таъминланганлик режа (2301,1 млн м<sup>3</sup>) га нисбатан ҳақиқат (1724,5 млн м<sup>3</sup>) да 75 фоизни ташкил этган шароитда 1 гектар комплекс майдонга сув сарфининг 7,07 минг м<sup>3</sup> дан, 7,62 минг м<sup>3</sup> га ёки 107,8 фоизга ўсиши, закан-зовурлар оқимининг 2940,8 минг м<sup>3</sup> дан 3678,9 минг м<sup>3</sup> га ёки 125,1 фоизга кўпайиши моддий-техник таъминоти ва молиявий ҳолати танг СИУларнинг сифатли ва самарали ирригация хизматларини кўрсата олмаётганликларининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Бу эса, закан-зовур тармоқларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари ҳажмини 105,1 фоизга, харажатларини эса, 143,5 фоизга ортишига олиб келган [6,7].

Шу билан биргаликда, узоқ йиллик тажрибалар кўрсатишича, бир туманда бир нечта СИУ бўлиши аксарият ҳолатларда ўзини оқламапти.

Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

туманда бир нечта СИУ ташкил этилганлиги бир канал бўйлаб сувдан фойдаланишда тарқоқликни юзага келтирганлиги;

СИУларда ирригация хизматлари учун нархларни турлича бўлиши;

йиллик бюджет ҳажми кичик бўлиши (ўртача 1га СИУга 25 миллиондан 80 миллион сўмгача тўғри келиши) билан бирга, аксарият СИУ ларда тушум 50 фоизга ҳам етмаслиги [6];

ҳар бир СИУ учун раҳбар, ҳисобчи ва бошқа ходимларни бўлиши бошқариш харажатларини ортишига олиб келишлиги;

СИУларда юқорида айтганимиздек, йиллик бюджет ҳажми кичик бўлиши ва тушум яхши эмаслиги туфайли ва моддий-техника базаси даражасини мустаҳкамлаш учун етарли бўлмаётганлиги ва бошқалар.

Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш чора-тадбирлари комплексини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш ҳамда сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори қабул қилинди [1].

Ушбу дастурни амалга оширишда қуйидагилар асосий йўналишлари қилиб белгиланди:

суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолати даражасининг жорий кўрсаткичларини комплекс баҳолаш асосида ирригация-мелиорация тадбирлари сифати ва самарадорлигини ошириш;

мелиоратив ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган курилиш ташкилотларининг, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий сервис хизматлари сифатини ҳамда мелиоратив ва бошқа техникадан, машиналар, ускуналар ҳамда бошқа механизация воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳамда Давлат дастурининг бошқа қатнашчилари малакасини ошириш масалалари киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5418 сонли фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3672-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 500-сон қарори ва “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисида Низом” қабул қилиниб, бошқа вазифалар қаторида суғориладиган ерлардаги ирригация ва мелиорация тадбирларининг ташкилий-бошқарув, иқтисодий-молиявий асосларини такомиллаштириш вазифаси ҳам қўйилди [2,3,4].

Шу боисдан, туман миқёсида СИУлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бир нечта СИУлар ўрнида туман миқёсида ягона СИУ ташкил этилиши қўйидаги афзалликларга эга бўлади, жумладан:

бошқариш харажатларини қисқартириш имконияти бўлади. Мисол учун, Андижон вилоятида жами 105 та СИУ ўрнига 14 СИУ бўлиши демак, 105 та СИУ менежери ўрнига 14 та ва штат жадвалидаги бошқа ходим-мутахассислар сонини қисқартириш мумкин бўлади;

туман бўйича сув таъминотида, ирригация хизматларини олиб боришда, хизмат бадалларини нархини худуд бўйлаб бир хил бўлишида ҳамда бошқа бир қатор масалаларда ягона сиёсат юритиш имконияти бўлади;

СИУни техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш имконияти кенгайди, чунки, битта СИУга пул маблағларини марказлашган ҳолда тушиши моддий-техника базани мустаҳкамлашга, керакли ирригация ва мелиорация техника воситаларини сотиб олиб туман худудида самарали фойдаланишга имконият яратади;

бизнинг фикримизча, СИУлардаги жорий харажатларни, яъни 40 фоизи давлат бюджетидан қоплаб бериш механизми ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади, қолган 60 фоизини хусусий шерикчилик асосида қоплаш лозим бўлади;

таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда СИУлар асосан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатган ҳолда гарчи туман худудидаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига сув етказиб берилаётган бўлсада аксарият жойларда ирригация хизмати учун бадаллар олинмайди. Шу боисдан, пул маблағлари ҳажмини оширишнинг манбаи бўлган худудидаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўртасида ҳамда маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб бориш орқали улар билан шартномалар тузиш орқали СИУлар молиявий аҳволини яхшилаш имкони бўлади.

Туман миқёсида Сув истеъмолчилар уюшмаси (СИУ) нинг ташкилий-бошқарув тузилмаси таркибида турли бўлимлар таклиф қиламиз, жумладан: маркетинг ва буюртмаларни шакллантириш бўлими, Ирригация ва мелиорация, сув тежаш технологиялари бўйича консалтинг маслаҳати кўрсатиш бўлими, Ирригация ва мелиорация объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича гуруҳ, ирригация ва мелиорация хизматлари кўрсатиш бўлими ва бошқалар (1-расм).



### **1-расм. Туман миқёсида Сув истеъмолчилар ушюмасининг (СИУ)ташкилий-бошқарув тузилмаси**

Маркетинг ва буюртмаларни шакллантириш бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади. Жумладан, истеъмолчилар талабини ўрганиш, шу асосда ирригация хизматларининг турлари, хизматлар ҳажмини ва унинг нарҳини аниқлаш ҳамда бошқа хизматлар учун буюртмаларни шакллантириш билан шуғулланади.

Ирригация ва мелиорация, сув тежаш технологиялари бўйича консалтинг маслаҳати кўрсатиш бўлими фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўртасида сув тежашнинг инновацион замонавий технологиялари бўйича маслаҳатлар беради, ирригация ва мелиорация объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича гуруҳи эса, эскирган ва яроқсиз ҳолга келган ирригация объектларини таъмирлайди ва буюртмалар асосида янгиларини қуриш ишлари билан шуғулланади, ирригация ва мелиорация хизматлари кўрсатиш бўлими эса худуд бўйлаб ирригация объектларини тозалаш, барча сув истеъмолчиларига сувни ўз вақтида ҳамда керакли миқдорда етказиб беради.

Молия-ҳисоб хизмати бўлими барча ҳисоб-китоб ишларини юритади, истеъмолчилар билан шартномалар тузиш ва улар асосида маблағлар ўз вақтида тушишини таъминлайди.

Туман СИУга моддий-техник ва ташкилий-иқтисодий хусусиятлари бўйича қуйидаги талабларни қўйилишини таклиф қиламиз:

сифатли хизматлар кўрсатиш учун зарур замонавий мелиоратив машиналар, мобил транспорт ва алоқа коммуникацион воситаларга эга бўлиш ҳамда улардан юқори малакада фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши;

сув истеъмолчиларига ирригация ва мелиорация хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг моддий-техник таъминотини тез янгилаш учун молиявий манбаларни кўпайиши;

сув ажратиш нукталарини сувни бошқариш иншоотлари ва гидростлар билан тўлиқ жиҳозланиш имкониятларига эга бўлиши;



хизматлардан асосий фойдаланувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари ишончига эга бўлган, ирригация-мелиорация соҳаси бўйича зарур маълумотли, тажрибали, малакали ва қатиъятли мутахассисларга эга бўлиши;

хизматлар кўрсатишда асосий эътиборни оптимал суғориш техникаси элементларини тўғри қўллаш ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсирнинг олдини олиш ва ресурстежамкор технологияларни қўллаш кўламини кўпайтириш жиҳатидан фаол бўлиши;

хизмат кўрсатадиган тумандаги СИУларни қисқариши ҳисобидан бошқарув ҳаражатларини тежалиши ва молиявий назоратни кучайтириш имконига эга бўлиши ва шу кабилар.

Таклиф этилаётган тизимнинг янада самарали фаолият юритиши учун маҳаллий ҳокимиятлар, туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман ирригация бўлими билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Туман микёсида Сув истеъмолчилар ушномасининг ташкил этилиши туман ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида ирригация ва мелиорация тадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### **Фойдаланиланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5418 сонли фармони.

3. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3672-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 500-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3980-сон қарори.

6. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2014-2018 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

7. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Мелиоратив экспедициянинг 2014-2018 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

**УДК 631.115:626**

### **СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**М.Дадарбаев, Н.Акрамова, ТИҚХММИ**

#### **Аннотация**

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғоришсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Республика иқтисодиётида суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти ва ўрни катта. Истикболда республика халқ хўжалигининг сув билан таъминланганлиги иқтисодиётнинг ривожланишини муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада Республика микёсида сув истемолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришда амалга оширилаётган ислохотлар тадқиқ этилди.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 29 май ва 4 июль кунлари ўтказилган видеоселектор йиғилишларида қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув

танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўза парваришида қолоқликни бартараф этишга қаратилган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни тизимли ташкил қилишга доир қатор муҳим вазифалар белгиланиб, шу асосда кафолатланган пахта ҳосилини яратиш мақсадида жорий йилнинг 5 сентябрига қадар “ҳосилга ҳосил кўшиш зарбдор икки ойлик” эълон қилинган эди[4].

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат гуруҳлар мазкур йўналишда парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жойларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашган ҳолда мамлакатимизнинг барча вилоятларида фаолият олиб бормоқдалар.

Ушбу вазифалар ижроси доирасида 2018 йил 26 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси кўйи палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида ўтказган амалий-семинарда сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди[2].

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Самарқанд вилояти сув хўжалиги бошқармаси мутасаддилари, сув истеъмолчилари уюшмаси вакиллари ҳамда фермерлар қатнашган тадбир аввалида иштирокчилар вилоятнинг қатор туманларида бўлиб, сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда фермер хўжалиқларининг сувдан оқилона фойдаланиш борасидаги тажрибаси ҳамда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

Депутатларнинг жойлардаги фаолиятлари давомида фермер хўжалиги томонидан олинаётган сувни мақсадли, самарали ишлатишга масъул бўлган 5 гектар майдон учун бир нафардан сувчи бўлишини, сувчиларга ҳар бир гектар суғорилган майдон учун белгиланган иш ҳақининг ҳар 5 кунда нақд пулда тўланишини сўзсиз таъминлаш бўйича тижорат банклари, хусусан, “Агробанк” АТБ филиалларининг фаолияти устидан депутатлик назорати ўрнатилмоқда[1].

Бугунги кунга қадар депутатлар жойларда 13 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларининг далаларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларини туну кун навбатлаб суғориш ишларини ўрганишди. Ишчи, сувчи, механизаторларга яратилган шароитларни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар амалга оширилди. Амалий ишлар билан бирга, депутатлар томонидан нафақат тарғибот-ташвиқот, балки қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги муаммоли ҳолатни жойида ўрганиш, парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича ҳудудларда олиб борилаётган ишлар давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда, амалий семинарда депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишлари натижасига кўра, қатор йўналишларда ишларни амалга оширишга зарурат борлиги, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни. даврнинг ўзи тақозо этаётгани таъкидланди. Хусусан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда сувни тежовчи технологияларни жорий этган фермер хўжалиқлари учун имтиёзлар фақатгина қонуности ҳужжатларида белгиланган ҳолос. Шу боис “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунида сувни тежовчи технологияларни жорий этган фермер хўжалиқларига имтиёз беришнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари акс эттирилиши лозим. Ундан ташқари, 1993 йилда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни ҳам бугунги замон талабларига мослаштириш давр талабига айланган[3].

Амалий семинар давомида сув истеъмолчилари уюшмасининг бугунги кундаги фаолияти муҳокамалар марказида бўлди. Маълумотларга кўра, 2018 йил 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимиздаги фермерларнинг мавжуд 1503 та СИУ олдидаги дебитор қарздорлиги 65,5 млрд. сўмни ташкил этган. Бундай ҳолатлар, табиийки, ғўза парваришида кечиктириб бўлмайдиган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Таъкидланганидек, бундай уюшмалар сув истеъмолчиларининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда

ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Шунга қарамасдан, аксарият сув истеъмолчилари уюшмалари фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида хизмат кўрсатиб келмоқдлар, шу йўсинда нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат солиқ идоралари олдида ҳисобдор бўлиб қолмоқдалар.

Шундан келиб чиқиб, депутатлар СИУ фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг замон талабларига мослаштирилиши зарурлигини қайд этган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Сув истеъмолчилари уюшмалари тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурдилар.

Тадбирда, шунингдек, жойларда мутахассислар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш соҳасида кластер тизимини кенг жорий этилишини ҳисобга олиб, иқтисодий механизмларни янада такомиллаштириш, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини мақбуллаштиришни инobatга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Семинар якунида қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўза парваришида қолоқликни бартараф этишга қаратилган бир қатор тавсиялар қабул қилинди [4].

Ўзбекистон ирригацияси фахирланган ҳамма нарса қувурлар ва латоклардаги янгича конструкциялар, горизонтал ва вертикал ёпиқ дренаж Сув хўжалиги вазирлиги тугатилиши оқибатида ёмон ишлайдиган тизимга айланиб қолди. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларининг ахамияти янада ортмоқда. Хусусан, Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳисоб китоблар ҳисобини тўғри йўлга қўйиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳисобини ташкил этишда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олиш зарур [3].

**Хулоса:** Сувдан фойдаланиш бўйича бахсли вазиятлар, одатда сув етишмаслигидан келиб чиқади. Сув кўп ва сув таъминоти етарли бўлган йилларда фермерлар ўртасида сув текис тақсимланади ва сув билан боғлиқ можаролар кузатилмайди. Сув кам бўлган йилларда фермерлар ўз хохиши билан сувни кўриқлаш учун тунги навбатчиликни ташкил қилишади, аммо кўрилган чораларга қарамай, сувни ноқонуний олиш ҳоллари учрайди. Фермер хўжаликларининг сув билан таъминланганлиги суғориш тизимига нисбатан экин майдонларининг жойлаштирилишига боғлиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5330-сон Фармони;

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг [agro.uz](http://agro.uz) сайти

4. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг [parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz) сайти

УДК:626.81:00313

#### **SUV RESURSLARI TA’MINOTI VA ULARDAN SAMARALI FOYDALANISH USULLARI**

**D.Sarsenova – talaba TIQXMMI**

### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada mamlakatning iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashda suv resurslarinig o'rni yoritiladi. Xalq xo'jaligi va aholi turmush darajasini yaxshilaxda suv ta'minoti va ulardan samarali foydalanish yo'lari ko'rib chiqiladi.

Mamlakatimiz iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashda suv resurslarini g'oyat katta o'rin tutadi. Suv resurslari tabiat resurslari orasida alohida o'rin tutadi va ahamiyatga ko'ra beqiyosdir. Suv xalq xo'jaligining barcha tarmoqlarida va aholining hayot faoliyatida foydalaniladi va iste'mol qilinadi. Ushbu holatni rivojlantirish mamlakatimizda Davlat darajasida hal qilinadi.

So'ngi yillarda O'zbekiston Respublikasi Suv Xo'jaligi vazirligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risidagi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 17 apreldagi "Qishloq va Suv xo'jaligi davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5418-son shundan dalolat beradi.

Respublikamiz qishloq xojaligida suv resurslaridan samarali foydalanishga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash, bu boradagi muammolarni hal etish imkonini beradi. Hozirgi kunda suv resurslarni o'z vaqtida yetkazib berish va ulardan samarali foydalanishga bir necha omillar ta'sir etmoqda.

Bu omillar jumlasiga quydagilarni kiritish mumkin:

Irrigatsiya inshootlarini texnik holatining qoniqarsizligi va talabga to'liq javob bermasligi;

Irrigatsiya inshootlarini texnik holatini yaxshilash uchun moliyaviy mablag'larning yetishmasligi;

Suv iste'molchilarni suvdan samarali foydalanishga moddiy jihatdan ma'suliyatini oshirishga yo'naltirilgan ta'sirchan iqtisodiy mexanizmning yo'qligi, limitdan ortiqcha olingan har bir metr suv uchun belgilangan jarima miqdorining kamligi;

Suv istemolchilari bilan sug'orish suvini yetkazib beruvchilar o'rtasida tuzilayotgan shartnomalarida bir qator kamchiliklarni mavjudligi va shartlarni to'liq bajarilmasligi;

Aksariyat qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtiruvchilarning zamonaviy ilg'or sug'orish texnologiyalari bilan taminlanmaganligi va bunga imkoniyati ham yo'qligi;

Sug'orish tarmoqlarining suv o'lchagich asboblari bilan jihozlanmaganligi va yetkazib berilmagan suv uchun haq belgilanmaganligi.

Hozirgi kunda atrof-muhit muhofazasi,tabiiy resurslardan oqilona foydalanish,inson salomatligini ta'minlash butun jahonda eng dolzarb vazifalarni biriga aylandi.Toza ichimlik suvi ta'minoti esa hozirgi paytda dunyo hamjamiyatini tashvishga solayotgan ekologik mu'ammolardan biridir.Yer yuzini 71 foizi suv bilan qoplangan bo'lsada, uning asosiy qismi sho'r dengiz suvlari hisoblanadi,uning atigi 2 foizi chuchuk suv zahirasidir [1].

Markaziy Osiyo mamlakatlarini suv bilan ta'minlab turadigan asosiy suv zahiralari Chotqol,Tyanshan va Pomir- oloy tizma tog'larida joylashgan. Markaziy Osiyo davlatlari suv zaxiralarining 70-80% Tojikiston, Qirgiziston va Qozogiston davlatlarini togli o'lkalari hududlarida joylashgandir. Hozirgi kunda Markaziy Osiyo davlatlarining Orol dengiz havzasiga qarashli qismida 8 mln.gektar atrofida yer sug'oriladi. Huddi shu hududda bir yilda ichimlikka va sug'orish uchun yaroqli 126.9 mlrd. suv paydo bo'ladi.

Ma'lumki, respublikamiz sug'orma dehqonchiligi sharoitida yerlarni egatlar orqali oqizib sug'orish texnologiyasi ko'proq tarqalgan. Keyingi yillarda tomchilatip ,yomg'irlatip tuproq ostidan namlatib sug'orish tizimlariilmij konstruktiv jihatdan ishlab chiqilib amaliyotga joriy qilinmoqda. Bunday tizimlarning texnik darajasi juda yuqori bo'lib, avtomatlashtirilgan boshqaruv suv sarfini 40-50 foizini iqtisod qiladi va qo'l mehnatini keskin kamaytiradi,lekin ularni joriy qilish katta mablag talab qiladi.1 gektar maydonga tomchilatib sug'orish tizimini tadbiq qilish uchun 3-4ming AQSH dollari miqdoridagi mablag' talab qiladi.1 gektar maydonga yomg'irlatib sug'orish usulini joriy qilish uchun esa 2-3ming AQSH dollari miqdoridagi mablag'ni talab qiladi.

Hozirgi vaqtda suv xo'jaligi tashkilotlari bilan suv iste'molchilari uyushmalari o'rtasidagi tuzilayotgan shartnomalarda suvni yetkazib berishning aniq muddatlari ko'rsatilmayotganligi, suvni iste'molchiga o'z vaqtida va zarur hajmda yetkazib berilmagan yoki kechiktirib yetkazib berilgan hollarda suv xo'jaligi tashkilotlari moddiy javobgarligini belgilovchi jarima yoki boshqa chora ko'rishtartiblari aniq ko'rsatilmayotgani ma'lum bo'lmoqda. Bu o'z navbatida suvdan foydalanish samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Ma'lumki, irrigatsiya tizimi boshqarmalari tomonidan suv iste'molchilariga belgilangan limit asosida suv yetkazib beriladi. Biroq ba'zi hollarda suv iste'molchilari tomonidan limitdan ortiqcha suv olish holatlari ham uchray turadi. Limitdan ortiqcha olingan suvga to'lanadigan jarima miqdori kam. Har bir kubometr suv uchun jarima 1.5 tiyinni tashkil etadi. Bu albatta suv iste'molchisini limitdan ortiqcha suv olish holatlarini cheklashga yoki bartaraf etishga yordam bermaydi.

Shuning uchun suv xo'jaligi korxonalarini bilan qishloq xo'jaligi korxonalarini o'rtasidagi munosabatlarni iqtisodiy yo'lga o'tkazish orqali suvdan foydalanish samaradorligini oshirish, suv xo'jaligi inshootlarini ta'mirlash, texnik soz holatda saqlash uchun imkon yaratiladi, chunki mulchilik va xo'jaligi yuritish shaklidan qat'iyy nazar har bir qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtiruvchi subyekt har bir metr kub olingan suv uchun ma'lum belgilangan miqdorda haq, to'lasa undan samarali foydalanishga intiladi. Yetkazib berilgan suv uchun belgilanadigan xizmat haqi iqtisodiy jihatdan to'liq asoslanib, bunda suv xo'jaligi ekspluatatsiya tashkilotlari ham qishloq xo'jaligi korxonalarini ham o'z harajatlarini olingan daromadlar hisobiga qoplashlari va ma'lum darajada rentabellikni ta'minlashi zarur. Suv xo'jaligi tashkilotlarida esa manfaatdorlik vujudga kelib, qishloq xo'jaligi korxonalariga suvni belgilangan vaqtda va belgilangan miqdorda yetkazib berishga harakat qiladi. Bu yo'l bozor iqtisodiyoti talablariga to'liq javob beradi va suv resurslaridan samarali foydalanishga olib keladi [2].

Markaziy Osiyo davlatlari aholisining suvga bo'lgan talabi asosan transchegaraviy daryolar hisobiga qondiriladi. Kuzatishlarga qaraganda, 2020 yilda iqlim va global haroratning o'zgarishi tufayli mazkur daryolarning muzliklar zahirasi 15-20 foizga kamayishi mumkin. Tog' muzliklari hajmi yiliga 0.2-1% atrofida kamayib borayotgani, tog' daryolari havzalarida qor zahiralari tobora qisqarayotgani fikrimizning isbotidir. Shuningdek, iqlim o'zgarishi tufayli mamlakatimizda yoz fasliga hos davr odatdagidan ko'proqni tashkil etadi. O'z navbatida, qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orish me'yori 2030 yilga borib 5 foizga, 2050 yilda 7-10, 2080 yilda esa 12-16 foizga oshish ehtimoli bor [3].

Shunday ekan, suv hayot manbayi, borliqni yashnatib, tabiat muvozanatini saqlaydigan ne'mat.

Hozirgi kunda tumanlarda aksariyat sug'orish tarmoqlari turli suv o'lchagich asboblari bilan jihozlanmagan. Bu o'z navbatida suv iste'molchilariga yetkazib berilayotgan sug'orish suvini hisobini yuritishda qiyinchiliklar va suvdan samarali foydalanishga salbiy ta'sir ko'rsatib kelmoqda.

### **Xulosa**

Suv borliqni yashnatib, tabiat muvozanatini saqlab turadigan ne'mat hisoblanadi. Uning qadriga yetish, isrof qilmaslik va toza saqlash barchamizning muqaddas burchimizdir. Shunday ekan hozirda suv resurslarini samarali va ehtiyotkorlik bilan foydalanmog'ligimiz zarur hisoblanadi. Buning uchun biz isrofgarchilik va samarasiz foydalanish bilan bog'liq, mavjud va yuzaga kelishi mumkin. Bo'lgan muammolarni bartaraf etish uchun chora-tadbirlarni ishlab chiqmog'imiz zarurdir. Buning uchun respublika miqyosida sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash va sug'orishning zamonaviy texnologiyalarini qo'llash bo'yicha bank moliya tizimida imtiyozli kreditlar, xo'jalik yurituvchi subyektlarga soliq imtiyozlari qo'llanilishi ko'zda tutilmoqda. Yuqoridagilarni amalga oshirish uchun irrigatsiya tizimi boshqarmalari suvdan samarali foydalanish mexanizmi va yo'l xaritasini ishlab chiqishi va amalga oshirishi maqsadga muvofiqdir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Sultonov A.S, Umurzoqov O'.P, Rashidov Sh.X. "Suv xo'jaligi idtisodiyoti va menejmenti".
  2. O'zbekiston Respublikasining Vazirlar Mahkamasining 1993-yil 3-avgustdagi 385-sonli qarori.
  3. <http://www.eco.uz> – internet sayti.
- Ilmiy rahbar: dots. Xodjimuhamedova SH.I.

## **ИРРИГАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТЕХНИК ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Иминов Тўхтасин Нурмаматович, Курганов Хақимжон Рустамович, Абдулатифова Мохинур Алишер қизи (талаба), ТДАУ Андижон филиали**

### **Аннотация**

Маколада суғориладиган ерларда ирригация хизматларининг молиявий манбаларини кўпайтириш ҳисобидан техник таъминотини, шу жумладан, замонавий мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлашни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ирригация хизматлари самарадорлигини оширишда амалдаги СИУлар ўрнига Туман миқёсидаги СИУларни тузиш ҳисобидан уларнинг техник ва молиявий таъминотини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мавжуд техник ва молиявий таъминотни ривожлантириш ирригация хизматлари сифатини яхшилашга, кўламларини кўпайтиришга, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, шунингдек, ушбу хизматларни мелиоратив тадбирларга ўзаро ижобий боғлиқлигини таъминлашга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Бугунги кунда мавжуд СИУлар балансидаги техника ва механизмлар собиқ ширкат хўжаликларидан ўтказилган техникалардан иборат. Ҳақиқий ҳолат шундайки, техника ва механизмларнинг асосий қисмининг хизмат муддати ўтиб кетган, таъмир талаб ёки мутлақо яроқсиз бўлган техникалардир. Жумладан, Андижон вилоятидаги СИУлар балансида турган жами техника ва механизмларнинг 72,0 фоизи таъмир талаб бўлса, 14,5 фоизи мутлақо яроқсиздир [4]. Шунга кўра, ирригация хизматларининг техник таъминоти ўта заиф ва базаси йўқ. Бундай шароитда, ўз вақтида кенг кўламли, сифатли ирригация хизматларини кўрсатишнинг имконияти чекланган. Шунинг учун, хизмат муддатини ўтаб бўлган ва яроқсиз ҳолатга келиб қолган мавжуд техникаларни сафдан чиқариш ҳисобидан Сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси ёрдамида замонавий мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва унинг маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқдан тушган тушумларнинг 30 фоизи (коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналардан ташқари);

сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларини қўллашдан, шунингдек, сув олиш тартибини бузганлик учун жарималардан тушган тушумларнинг 30 фоизи;

вазирлик таркибига кирувчи ўзини ўзи молиялаштирадиган ташкилотлар соф фойдасининг ўз ихтиёрида қолдириладиган қисмидан тузилган шартномалар асосидаги ажратмалари;

сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари томонидан сув ресурсларини иссиқлик электр энергияси ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг эҳтиёжлари учун етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлардан тушган тушумлардан ажратмалар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;  
халқаро грантлар ва техник кўмак маблағлари;  
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 декабрдаги 266-сонли қарорига кўра, «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компаниясининг асосий вазифаси этиб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолияти билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер хўжаликларига уларнинг топшириғига кўра харид қилинадиган мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини лизингга бериш белгиланган [1].

Шунингдек, ушбу қарор бўйича лизингга бериладиган мелиорация техникаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2009 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сон қарори билан ташкил этилган Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашининг қарори билан тасдиқланади [2].

Бугунги кунда амалдаги СИУларнинг техник ҳолати билан биргаликда молиявий ҳолати ҳам танглик аҳволида бўлиб, буни уларнинг кредиторлик қарзларини ўсиб боришида кўриш мумкин. Жумладан, вилоятдаги СИУларнинг кредиторлик қарзларини таҳлилига кўра, 2018 йилдаги асосий қарздорлиги электр энергиясига тўғри келган туманлар кўпчиликини ташкил этади. Уларга Бўз (85,8 фоиз), Асака (84,9 фоиз), Балиқчи (75,6 фоиз), Олтинкўл (74,4 фоиз), Андижон (71,5 фоиз), Хўжабод (66,7 фоиз), Булоқбоши (57,8 фоиз) ва Улуғнор (45,0 фоиз) ларни киритиш мумкин. Жалақудуқ туманида 89,3 фоиз, Шаҳрихон туманида 63,8 фоиз ва Кўрғонтепа туманида 59,8 фоиз кредиторлик қарзлари иш ҳақи улушига тўғри келмоқда. Избоскан, Марҳамат ва Пахтабод туманларидаги СИУларнинг кредитор қарздорлиги иш ҳақи, электр энергияси ва бошқалар ҳисобидан деярли тенг улушга эга бўлмоқда [4].

Ушбу қарздорликларни бартарф этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 320-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади. Қарорга биноан, Туман сув истеъмолчилари уюшмалари тасарруфидаги насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини улардан фойдаланувчи тегишли фермер хўжаликларига бепул ўтказиб бериш белгиланди. Пахта хом-ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини Давлат бюджетидан қопланади. Пахта хом-ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг йил якуни бўйича иқтисод қилинган қисми тегишли насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини таъмирлаш ҳамда электр энергиясини тежовчи технологияларни жорий этиш учун фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилади. Истеъмолчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари томонидан сув олиш лимитидан ортиқча сувни чиқариш харажатлари, истеъмолчиларнинг пахта ва бошоқли дон экинларидан бошқа экинларни, шунингдек, бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларга такрорий экинларни суғориш учун истеъмол қилинган электр энергияси қиймати тегишли фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа манфаатдор истеъмолчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Шунингдек, СИУлар балансидаги насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини фермер хўжаликлари тасарруфига ўтказилиши муносабати билан уларни ишлатиш, таъмирлаш-тиклаш ва ўрнига сотиб олиш ёки қуриш билан боғлиқ харажатлар ҳам ушбу хўжаликлар зиммасига ўтади [3].

Тавсия этилаётган Туман миқёсидаги СИУлар молиявий таъминотининг манбаларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан пахта хом-ашёси ва ғалла ҳосилини етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредит ресурслари таркибидаги СИУ хизмати учун маблағлар ва бошқа ҳаражатлар таркибидаги ички хўжалик ирригация ва коллектор-зовур тармоқларини тозалаш ва сақлаш ҳаражатлари;

пахта хом-ашёси ва ғалла ҳосилини етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш учун ажратиладиган юқоридаги кредитлар фоиз ставкаларини йиллик 3 фоиздан 1 фоизга камайтирилиши ҳисобидан тежаладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

«Ўзагросуғурта» ДАСК орқали сув истеъмолчилари фаолиятига “Бўлғуси экиндан кам ҳосил олиш натижасида кўриладиган молиявий зарарларни қоплаш” суғуртаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро грантлар ва техник кўмак маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

Туман ҳокими фермер хўжаликлари Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши билан биргаликда фермер хўжаликлари кесимида агротехник тадбирлар (агротехкарта) асосида ҳар йили 1 мартга қадар пахта бўйича, 1 сентябргача ғалла бўйича қафолатланган кредит ресурслари ҳажмини тасдиқлайди ва унга кўра, Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан маблағлар ажратилади.

Инновацион технологияларни шиддатли жорий этиш шаклланган ҳар қандай мамлакатда суғурталашга бўлган муносабат тез йўлга қўйилади ва ривожлантирилади. Сув етишмовчилиги тобора сезилиб бораётган ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб туриш зарурияти мавжуд шароитда молия, кредит ва бошқа иқтисодий механизмлар каби суғурта механизмини такомиллаштириш ҳам давр талабига айланди. Бугунги кунда, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни суғурталашда фақат «Ўзагросуғурта» ДАСК фаолият юритиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маълум қисмини суғурталашда фаол иштирок этмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалиги ва уларнинг ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи корхоналарни суғурталовчи муассасалар етарли даражада ривожланмаганлигидан далолат беради.

Фикримизча, «Ўзагросуғурта» ДАСК орқали сув истеъмолчилари фаолиятига Бўлғуси экиндан кам ҳосил олиш натижасида кўриладиган молиявий зарарларни қоплаш суғурта турини жорий этиш лозим. Бу суғурта турини қуйидаги ҳолатлар кузатилганда жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

фаолият юритаётган сув истеъмолчилари ҳудудларида қурғоқчилик 10 ва ундан ортиқ кун мобайнида ҳавонинг нисбий намлиги 30 фоиз ва ундан кам бўлганда;

тупроқнинг ҳайдаладиган қатламида намликни 10 мм дан кам бўлганда;

суғориладиган майдонларининг 1/3 ва ундан кўп қисмида сув етишмовчилиги ҳисобига экинлардан зарар кўрилганда.

Бунда сув сатҳининг паст бўлиши (камсувлик) ходисаси бўйича суғориш манбаларида (манба номини тўлиқ кўрсатилган ҳолда) сув кам бўлганлиги, хўжаликка белгиланган ва ҳақиқатда берилган сув лимити миқдори асосида СИУ томонидан, экин майдонлари бошқа табиий офатлардан зарарланганда Гидрометеорология бюроси ҳудудий бўлинмаси томонидан, суғуртага қабул қилинган ҳосилдорлик қиймати (суғурта қиймати) билан жорий йилда бир гектар экин майдонидан олинган ҳосил қиймати орасидаги фарқи сифатидаги экиндан кўрган зарарни “Ўзагросуғурта” ДАСК бўлимлари томонидан аниқланади.

Суғориладиган ерларда ирригация хизматларининг молиявий манбаларини кўпайтириш ҳисобидан замонавий мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлашнинг схематик модели (1-расм) ёрдамида қуйидагилар ҳисобидан Туман СИУларни замонавий



мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлашга, шунингдек, ходимларни ўз вақтида иш ҳаққи билан таъминлаш ва моддий рағбатлантиришга эришилади:

Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда пахта хом-ашёси ва ғалла ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредит ресурслари таркибидаги СИУ хизмати учун маблағлар ва бошқа харажатлар таркибидаги ички хўжалик ирригация ва коллектор-зовур тармоқларини тозалаш ва сақлаш харажатлари;

пахта хом-ашёси ва ғалла ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредит ресурслари таркибидаги СИУ хизмати учун маблағлар ва бошқа харажатларнинг кредит фоизларини 3 фоиздан 1 фоизга камайтиришдан тежаладиган маблағлар;



**1-расм. Суғориладиган ерларда ирригация хизматларининг молиявий манбаларини кўпайтириш ҳисобидан замонавий мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлашнинг схематик модели [5]**

СИУлар балансидаги насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини фермер хўжаликлари балансига бепул ўтказилиши эвазига электр энергия, сақлаш, таъмирлаш ва сотиб олиш харажатларини тежалишидан маблағлар. Пахта хом-ашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича давлат буюртмасини бажарувчи фермер хўжаликлари балансида насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини бепул ўтказиб бериш ҳамда истеъмол қилинадиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали ушбу хизматларнинг молиявий функцияларига рағбатлантириш, назорат қилиш нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 декабрдаги “Ўзmeliомашлизинг давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 266-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-718-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 320-сонли қарори.
4. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маълумотлари.

5. Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

## **ТУМАН МИҚЁСИДА СИУ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**Иминов Тўхтасин Нурмаматович, Курганов Хакимжон Рустамович, Умарова Шохсанам Ботиржон қизи (талаба), ТДАУ Андижон филиали**

### **Аннотация**

Мақолада хизмат кўрсатиш ҳудудида ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажара олмаётган нодавлат-нотижорат ташкилоти бўлган мавжуд Сув истеъмолчилари уюшма (СИУ)лари негизида давлат-хусусий шериклик асосида туман миқёсидаги СИУларни ташкил этилиши ҳисобидан ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирлари самарадорлигини оширишга эришиш масаласи кўтарилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги инфратузилма объектларини ривожланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, улар ичида СИУ алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, хўжалик ичидаги ариқ ва зовурларнинг ҳолати, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини ўз вақтида ва керакли ҳажмда сув билан таъминлаш СИУда ишларнинг нечоғлиқ даражада самарали ташкил этилишига боғлиқ.

Ҳозирги ирригация хизматларини кўрсатиш жараёнида мелиорация тадбирларига асос бўладиган камчиликларни мавжудлиги ва ушбу камчиликларни ортиб бориши сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, тупроқларнинг шўрланишига олиб келмоқда. Тадқиқот натижалари бўйича 2014-2018 йиллари вилоятда сув билан таъминланганлик режа ( $2301,1$  млн  $m^3$ ) га нисбатан ҳақиқат ( $1724,5$  млн  $m^3$ ) да 75 фоизни ташкил этган шароитда 1 гектар комплекс майдонга сув сарфининг 7,07 минг  $m^3$  дан, 7,62 минг  $m^3$  га ёки 107,8 фоизга ўсиши, закан-зовурлар оқимининг 2940,8 минг  $m^3$  дан 3678,9 минг  $m^3$  га ёки 125,1 фоизга кўпайиши моддий-техник таъминоти ва молиявий ҳолати танг СИУларнинг сифатли ва самарали ирригация хизматларини кўрсата олмаётганликларининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Бу эса, закан-зовур тармоқларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари ҳажмини 105,1 фоизга, ҳаражатларини эса, 143,5 фоизга ортишига олиб келган [6,7].

Шу билан биргаликда, узоқ йиллик тажрибалар кўрсатишича, бир туманда бир нечта СИУ бўлиши аксарият ҳолатларда ўзини оқламапти.

Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

туманда бир нечта СИУ ташкил этилганлиги бир канал бўйлаб сувдан фойдаланишда тарқоқликни юзага келтирганлиги;

СИУларда ирригация хизматлари учун нархларни турлича бўлиши;

йиллик бюджет ҳажми кичик бўлиши (ўртача 1га СИУга 25 миллиондан 80 миллион сўмгача тўғри келиши) билан бирга, аксарият СИУ ларда тушум 50 фоизга ҳам етмаслиги [6];

ҳар бир СИУ учун раҳбар, ҳисобчи ва бошқа ходимларни бўлиши бошқариш ҳаражатларини ортишига олиб келишлиги;

СИУларда юқорида айтганимиздек, йиллик бюджет ҳажми кичик бўлиши ва тушум яхши эмаслиги туфайли ва моддий-техника базаси даражасини мустаҳкамлаш учун етарли бўлмаётганлиги ва бошқалар.

Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш чора-тадбирлари комплексини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш ҳамда сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори қабул қилинди [1].

Ушбу дастурни амалга оширишда куйидагилар асосий йўналишлари қилиб белгиланди:

суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолати даражасининг жорий кўрсаткичларини комплекс баҳолаш асосида ирригация-мелиорация тадбирлари сифати ва самарадорлигини ошириш;

мелиоратив ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган қурилиш ташкилотларининг, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий сервис хизматлари сифатини ҳамда мелиоратив ва бошқа техникадан, машиналар, ускуналар ҳамда бошқа механизация воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳамда Давлат дастурининг бошқа қатнашчилари малакасини ошириш масалалари киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5418 сонли фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3672-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 500-сон қарори ва “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисида Низом” қабул қилиниб, бошқа вазифалар қаторида суғориладиган ерлардаги ирригация ва мелиорация тадбирларининг ташкилий-бошқарув, иқтисодий-молиявий асосларини такомиллаштириш вазифаси ҳам қўйилди [2,3,4].

Шу боисдан, туман миқёсида СИУлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бир нечта СИУлар ўрнида туман миқёсида ягона СИУ ташкил этилиши куйидаги афзалликларга эга бўлади, жумладан:

бошқариш ҳаражатларини қисқартириш имконияти бўлади. Мисол учун, Андижон вилоятида жами 105 та СИУ ўрнига 14 СИУ бўлиши демак, 105 та СИУ менежери ўрнига 14 та ва штат жадвалидаги бошқа ходим-мутахассислар сонини қисқартириш мумкин бўлади;

туман бўйича сув таъминотида, ирригация хизматларини олиб боришда, хизмат бадалларини нархини ҳудуд бўйлаб бир хил бўлишида ҳамда бошқа бир қатор масалаларда ягона сиёсат юритиш имконияти бўлади;

СИУни техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш имконияти кенгайди, чунки, битта СИУга пул маблағларини марказлашган ҳолда тушиши моддий-техника базани мустаҳкамлашга, керакли ирригация ва мелиорация техника воситаларини сотиб олиб туман ҳудудида самарали фойдаланишга имконият яратади;

бизнинг фикримизча, СИУлардаги жорий ҳаражатларни, яъни 40 фоизи давлат бюджетидан коплаб бериш механизми ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади, қолган 60 фоизини хусусий шерикчилик асосида қоплаш лозим бўлади;

таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда СИУлар асосан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатган ҳолда гарчи туман ҳудудидаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига сув етказиб берилаётган бўлсада аксарият жойларда ирригация хизмати учун бадаллар олинмайди. Шу боисдан, пул маблағлари ҳажмини оширишнинг манбаи бўлган ҳудудидаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўртасида ҳамда маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб бориш орқали улар билан шартномалар тузиш орқали СИУлар молиявий аҳволини яхшилаш имкони бўлади.

Туман миқёсида Сув истеъмолчилар уюшмаси (СИУ) нинг ташкилий-бошқарув тузилмаси таркибида турли бўлимлар таклиф қиламиз, жумладан: маркетинг ва буюртмаларни шакллантириш бўлими, Ирригация ва мелиорация, сув тежаш технологиялари бўйича консалтинг маслаҳати кўрсатиш бўлими, Ирригация ва мелиорация объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича гуруҳ, ирригация ва мелиорация хизматлари кўрсатиш бўлими ва бошқалар (1-расм).



**1-расм. Туман миқёсида Сув истеъмолчилар уюшмасининг (СИУ) ташкилий-бошқарув тузилмаси**

Маркетинг ва буюртмаларни шакллантириш бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади. Жумладан, истеъмолчилар талабини ўрганиш, шу асосда ирригация хизматларининг турлари, хизматлар ҳажмини ва унинг нархини аниқлаш ҳамда бошқа хизматлар учун буюртмаларни шакллантириш билан шуғулланади.

Ирригация ва мелиорация, сув тежаш технологиялари бўйича консалтинг маслаҳати кўрсатиш бўлими фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўртасида сув тежашнинг инновацион замонавий технологиялари бўйича маслаҳатлар беради, ирригация ва мелиорация объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича гуруҳи эса, эскирган ва ярқисиз ҳолга келган ирригация объектларини таъмирлайди ва буюртмалар асосида янгиларини қуриш ишлари билан шуғулланади, ирригация ва мелиорация хизматлари кўрсатиш бўлими эса худуд бўйлаб ирригация объектларини тозалаш, барча сув истеъмолчиларига сувни ўз вақтида ҳамда керакли миқдорда етказиб беради.

Молия-ҳисоб хизмати бўлими барча ҳисоб-китоб ишларини юритади, истеъмолчилар билан шартномалар тузиш ва улар асосида маблағлар ўз вақтида тушишини таъминлайди.

Туман СИУга моддий-техник ва ташкилий-иқтисодий хусусиятлари бўйича қуйидаги талабларни қўйилишини таклиф қиламиз:

сифатли хизматлар кўрсатиш учун зарур замонавий мелиоратив машиналар, мобил транспорт ва алоқа коммуникацион воситаларга эга бўлиш ҳамда улардан юқори малакада фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши;

сув истеъмолчиларига ирригация ва мелиорация хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг моддий-техник таъминотини тез янгилаш учун молиявий манбаларни кўпайиши;

сув ажратиш нуқталарини сувни бошқариш иншоотлари ва гидростлар билан тўлиқ жиҳозланиш имкониятларига эга бўлиши;

хизматлардан асосий фойдаланувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари ишончига эга бўлган, ирригация-мелиорация соҳаси бўйича зарур маълумотли, тажрибали, малакали ва қатиъятли мутахассисларга эга бўлиши;

хизматлар кўрсатишда асосий эътиборни оптимал суғориш техникаси элементларини тўғри қўллаш ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсирнинг олдини олиш ва ресурстежамкор технологияларни қўллаш кўламини кўпайтириш жиҳатидан фаол бўлиши;

хизмат кўрсатадиган тумандаги СИУларни қисқариши ҳисобидан бошқарув ҳаражатларини тежалиши ва молиявий назоратни кучайтириш имконига эга бўлиши ва шу кабилар.

Таклиф этилаётган тизимнинг янада самарали фаолият юритиши учун маҳаллий ҳокимиятлар, туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман ирригация бўлими билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Туман миқёсида Сув истеъмолчилар ушномасининг ташкил этилиши туман ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида ирригация ва мелиорация тадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5418 сонли фармони.

3. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3672-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 500-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3980-сон қарори.

6. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2014-2018 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

7. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Мелиоратив экспедициянинг 2014-2018 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

#### **ЗЕМСНАРЯДНИНГ ТОШ УШЛАГИЧНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Ф.Бекчанов ассистент, А.Аширматов талаба (ТИҚХММИ)**

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада гидромеханизация воситаларидан бири, земснаряднинг ишлаши, ундаги асосий иш жихозлардан бўлган тош ушлагичларнинг турлари, уларнинг вазифалари ва уни такомиллаштиришдан асосий мақсадга қаратилган. Таклиф этилаётган тош ушлагичнинг ўзи ҳослиги ва унинг афзалликлари очиб берилган.

Гидромеханизация - ер қазиш ишларини сув ёрдамида бажаришдан иборат бўлиб, бунда барча технологик жараёнлар - грунтни қазиш, уни олиб кетиш ва жойлаш-комплекс механизациялашган ва бир вақтнинг ўзида узлуксиз бажарилади. Бу усул билан тўғонлар, дамбалар, каналлар, сув хавзалари ва сув омборлари, сув ости котлован ива хандаклар, шоссе ва темир йўл полотнолари қурилади, дарё, канал ва сув хавзалари чуқурлаштирилади, улар орқали турли хил коммуникациялар олиб ўтилганда уларнинг қирғоғи қирқилади, қурилиш ишлари учун қум ва шағал қазиб олиш ишларида кенг қўлланилади.

Ана шу технологик жараёнларни бажариш учун зарур бўлган қурилма ва механизмлар гидромеханизация жихозлари ҳисобланади. Булар икки хил, яъни грунт қазийдиган ва ҳосил бўлган сув ҳамда грунт аралашмаси (пульпа-қуйқа)ни олиб кетадиган жихозларга бўлинади. Бу усулда грунт қазишни гидромониторлар ва земснарядлар ёрдамида бажарилади [1].

Земснаряд ишлаш жараёнида ўзининг бўйлама ўқига нисбатан бўйламасига ёки кўндалангига ёхуд планда елпиғичсимон ҳаракатланиши мумкин, бунда унинг ҳаракати устун қозиқ қурилмаси 7 билан навбатма - навбат ўрнатилган иккита устун қозиқ 10 га нисбатан ўнг ва чап томонга чиғир 11 ёрдамида буриш билан амалга оширилади. Грунт насоси земснарядлар 10...12 метр чуқурликдаги грунтларни қазий олади. 20 метргача чуқуликдаги грунтларни гидроэлектрли қурилма ёки землесос-эжекторли комбинациялашган қурилмалар ёрдамида ишланади.

Земснаряд билан Республикамизда мавжуд сув хавзалари, омборлари, магистрал каналларни тозалашда, туби ва деворларини кенгайтириб чуқурлаштиришда ёки суғориш тизимлари тармоқларини лойихавий кесимини тиклашда, бундай манбалардан қум, шағал каби қурилиш материаллари ёки фойдали қазилмаларни қазиб олишда земснаряд ҳар хил вазиятлар ва шароитларда ишлашга тўғри келади.

Земснарядларнинг самарали ҳамда унумли ишлаши конструкцияларини такомиллашганлиги ва унинг грунт олиш ускунасининг ҳар хил тоифадаги грунтларни қирқишга мослашганлиги билан аниқланади. Грунт олиш ускунаси қуйидаги талабларни бажариши керак:

-грунтни массивдан шундай миқдорда ажратиб олиш керакки, бунда грунт насосининг барча имкониятларидан фойдаланиши керак;

-берилган земснаряд учун меъёрий руҳсат этилган миқдорларга мос чуқурликдаги грунтларни қазиш;

-қазилган грунтни текис ва мажбурий сўрувчи қувурнинг қабул қилувчи тешигига ёки махсус грунт қабул қилгичга узатилиши;

-фойдаланиш шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустаҳкам ва ишончли ишлаши (ҳар хил йирик ва қаттиқ жинслар билан ишлаганда);

-ёпишиб қолувчи лой грунтларни қирқиб, майдалаб ва узлуксиз сўрувчи каллакка узатиш [2].

Грунт олиш ускунаси земснаряднинг асосий функцияларидан бирини бажаради-минимал энергия сарфида грунтни массивдан ажратиб олиб уни юмшатади ҳамда сўради.

Гидромеханизаторлар арсеналида мавжуд конструкцияси бўйича ҳар хил грунт олиш ускуналари қояли грунтлардан ташқари барча грунтларни қирқиш имконини беради. Земснаряд учун грунт олиш ускунасини танлашда асосий омиллардан грунт тури.

Масалан, бирикмайдиган грунтларни маълум чуқурликда (қум-майда ва ўрта донли-10-12 м. чуқуликгача, йирик донли қумлар ва шағалли грунтлар-9-11 метр чуқурлигигача) эркин сўрувчи грунт олиш ускунаси билан ишлаш самарали, анча чуқур (15 м ва юқори)

қазилмада ишлаганда эжекторли грунт олиш ускунаси ва ботириладиган грунт насослари қўлланиладиган.

Зичланган балчиқ, чўкма ва қумоқлар қатлами бирикмайдиган грунтларни қирқишда эркин сўрувчи гидравлик юмшатгич қўшилади, йирик тошли ва ёғоч қолдиқли карьерларда ишлаганда эса-алмашинаувчи тирқишли учлик қўлланилади.

Бириккан грунтлар механик юмшатгичлар билан қирқилиб, оддий конструкцияли қурилиш земснарядларида 15 метр чуқурликгача ишлаш имконини беради. Энг кўп қўлланиладиган фрезали юмшатгич бўлиб, хар хил турдаги фрезалар унинг қирқувчи ишчи жихози хисобланади. Улар зичланган, ёпишқоқ пластик грунтларни қирқиш учун мослашган.

Земснаряднинг грунт олувчи ишчи жихозидаги хар хил конструкциядаги (роторли, фрезали, чўмичли, хар хил турдаги механик ва гидравлик) юмшаткичлар билан юмшатиш грунт сув билан аралашиб грант насоснинг сўрувчи қувири орқали сўриб олинади. Сўриб олинган бўтана сув (пульпа) грунт насос орқали босимли қувур билан хавза четидаги тиндириш картасига чиқариб ташланади. Хосил бўлган бўтана сувни сўриб олишда сўрувчи қувурга хар хил ўлчамдаги йирик қўшилмалар тушиб қолиши мумкин, жумладан, хавза тубидаги йирик тошлар, йирик қаттиқ лой қатламлари, ёғоч қолдиқлари ва бошқалар. Бу қўшилмалар земснаряднинг сўрувчи қувири орқали грунт насосига келиб тушади. Грунт насосига келиб тушган йирик қўшилмалар насос копуси деворига ҳамда ишчи ғилдирақларига катта куч билан келиб урилиши натижасида у ерлардаги ейилишларнинг ёки синишларнинг, дарз кетишларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатлар маълум муддат ишлагандан сўнг земснаряднинг ишлаш қобилияти бузилишидан иборат бўлган ходисага, яъни ишламай қолишга олиб келади. Бу земснаряднинг техник ҳужжатларда изохланган охириги ҳолатга қадар бажарган иши - ресурсининг муддатдан олдин тугаганидан далолат беради. Бу эса узоқ вақтга земснаряд ишларининг тўхтаб қолиш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва алмаштириш, тиклаш ишлари билан боғлиқ узоқ муддат бекор туриб қолишларга сабаб бўлиб, берилган хажмларнинг ўз муддатида бажарилишига ҳам таъсир этади. Шу муносабат билан земснаряднинг грунт олим ускунасининг бўтана сув сўрувчи қувирига йирик қўшилмалар аралашиб кириб кетиши муаммо хисобланади. Шунинг учун земснаряд ишчи ускунасининг сўрувчи қувирига қирадиган йирик қўшилмалардан химояловчи воситаларни грунт олиш насосига ва сўрувчи қувур учлиги орасида жойлаштиришни шу билан биргаликда тош ушлаб қолувчи мосламаларнинг мақбул вариантларини ишлаб чиқиш зарурлигини ўргандик.

Хар хил конструкцияли тош ушлагичлар тахлили натижасида ҳамда амалий фойдаланиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тош ушлагичлар қуйидаги асосий талабларни қониқтириши керак бу талаблар бошқа химоя воситаларига ҳам тегишли:

химояловчи ускунада гидравлик йўқотишларни минимумга етказиш;

юқори бўлмаган куч билан земснарядни тўхтатмасдан тош ушлагични тозалаш ва бунга минимум вақт сарфланиши;

тўпланган тошларни ўз вақтида ва имкони борича автоматик чиқариб ташлаш ишора қурилмасига эга бўлиш;

қурилма кўрсатилган йирикликдаги қўшилмаларни ушлаб қолишга ва майда зарралар билан тикилиб қолмаслиги;

чиқариб ташланган қўшилмалар қайтадан сўриш ҳудудига тушиб қолмаслиги;

тош ушлагич орқали земснаряднинг сўрувчи қувирига атрофидаги суюқликнинг минимал миқдори тушиши, жумладан, тошларни чиқариб ташлашда ҳам;

колосникли панжарани йирик қўшилмалардан тозалаш учун ва уларни шлюзли камерага чиқариб ташлаш мажбурий бажарилиши назарда тутилиши керак [3].


Энг оддий тош ушлагичлар параллелопипед ёки шар кўринишидаги сўрувчи қувурда кенгайтирилган тарзда бўлади. У қути шаклига эга бўлиб, ер сўргич (землесос) олдидаги сўрувчи қувурнинг қўзғалмас участкаси олдида ўрнатилган. Сўрувчи қувурга

пульпа кирганда тезликни йўқотади ва йирик қўшилмалар кутига тушиб қолади. Тош ушлагични земснаряд тўхтаганда люк орқали даврий тозалаб туради. У тезда нафақат йирик қўшилмалар, хатто майда зарралар билан ҳам тўлиб қолиб, деярли ишдан чиқиб қолади. Тўсатдан кенгайиш, сўнг торайиш деярли сезиларли қўшимча гидравлик қаршилик хосил қилади. Айниқса бу сўрувчи томонда мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли, тош ушлагични тозалаш учун земснарядни тўхтатиш зарур.

Шу билан биргаликда земснаряд сўрган пульпа таркибидаги тошларни тутиб қолувчи қурилманининг турлари «Брюссель» земснарядида тозалаш люкига эга бўлган тош ушлагич, Я.М.Каминскийнинг кути шаклидаги тош ушлагичи, А.Н.Аляев ва Н.П.Гаранин томонидан таклиф этилган тош ушлагич, А.С.Каретников таклиф этган клапанли бўшлиққа эга тош ушлагич, Н.Г.Раевский томонидан яратилган тош ушлагичи, Н.И.Зайцев томонидан яратилган камерали тош ушлагичлар, А.У.Уваров томонидан таклиф қилинган тош ушлагичларни ўзига яраша афзаллиги ва камчиликлари мавжудлиги ўрганилди [4,5,6].

Юқорида таклиф қилинган тош ушлагичларни таҳлил қилиб қуйидагича тош ушлагич таклифини бермоқчимиз.

Бу икки камерали тош ушлагич автоматик алмашинадиган ва тозаланадиган панжарадан иборат. Тош ушлагич қуйидаги асосий элементлардан узел ташкил топган (1-расм). У тош материалларини ушлаш ва машбурий тўкиш учун хизмат қиладиган қўзғалувчан ва қўзғалмас колосниклар тизимидан иборат, эшикча туридаги шлюзли камера земснарядни тўхтатмасдан қўшилмаларни чиқариб ташлаш имконини беради.



**Тавсия қилинаётган тош ушлагичи**

1-патрубкали корпус; 2-фланецлар; 3-шлюзли камера; 4-юқорги эшикча;

5-пастки эшикча; 6-қўзғалмас колосник; 7-қўзғалувчан колосник.

У қуйидагича ишлайди: бошланғич ҳолатида тош ушлагич орқа туби буйлаб қўзғалувчи колосниклар ётади. 4 ва 5 эшикчалар ёпиқ колосник 6 олдида қўшилмалар туриб қолганда, дифференциал вакуумметрлар кўрсаткичи орқали аниқланганда, вал ўз навбатида колосник 7 билан ишга тушади. Вал соат милогача қарши 140-150<sup>0</sup> бурчакка бурилади. Қўзғалувчи панжара 7 қўшилмаларни ушлаб, очилган эшикча 4 орқали шлюзли камера тешигига юклайди. Сўнг эшикча 4 ва панжара 7 бошланғич ҳолатига қайтади. Қўшилмалар оғирлиги таъсирида паски эшикча 5 очилиб, улардан бўшатилади. Бу конструкция такомиллашган бўлиб, унда қўшилмалардан бўшатишда земснаряд ишлаши тўхтатилмайди.

Маълум вақт ўтганда кўрсаткич приборига оид ажралувчи участка очилиб, йиғилган тошлар камерага тушади ва затвор очилгандан сўнг тошларни ташқарига чиқариб ташлайди. Шундай қилиб, йиғилган тошларни бўшатишда земснаряд тўхтатилмайди, ammo



кўндаланг - бўйлама панжара сезиларли гидравлик қаршилик кўрсатади. Катта геометрик камера эса унинг қўлланилишини чеклайди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкин-ки, тавсия этилган сўрувчи қувур ва грунт насосга хар қандай йирик қўшилмалар тушиб, уларни тикилиб қолишдан сақлайдиган грунт олувчи ишчи жиҳозининг юмшатгич рамасида ўрнатиладиган тош ушлаб қолувчи қўшимча қурилмани қўллаш жорий этилса Ушбу берилган тавсия ўз иқтисодий самарасини беради.

Сузувчи земснаряд ишчи жиҳоз грунт олиш ускунасининг сўрувчи қувурига тушиб қоладиган йирик қўшилмалардан ҳимоялаш ва уларни ушлаб қолиш учун тош (йирик қўшилмалар) ушлаб қолувчи қурилмалар ўрнатиш.

Земснаряднинг грунт олиш ишчи жиҳозининг сўрувчи қувурига ўрнатиш тош ушлагичда гидравлик йўқотишларни минимумга етказиш.

Земснаряд ишларини тўхтатмасдан тош ушлагични тўпланган йирик қўшилмалар (тош)дан бўшатиш ҳамда бу ишларга минимум вақт сарфлаш.

Сўрувчи қувурдан чиқариб ташланган йирик қўшилмалар қайтадан сўриш ҳудудига тушиб қолмаслигини таъминлаш.

Земснаряднинг тош ушлагич қурилмасидан тошларни чиқариб ташлашда тош ушлагичга тушадиган ва чиқиб кетадиган сув миқдоргача камайтириш.

Тош ушлагичдаги колосникли панжараларни йирик қўшилмалардан тозалаш учун ва уларни шлюзли камерага чиқариб ташлаш мажбурий бажарилиши таъминлаш.

Тош ушлагичдан тозаланган тошларни ҳавзага туширмасдан узлуксиз равишда (тасмали транспорер ёрдасида) қирғоққа чиқариб ташлаш таъминлаш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Vafojev S.T., Xudaev I.J. Gidromexanizatsiya vositalari . Toshkent, 2014, 175 b.
2. Vafojev S.T. Melioratsiya mashinalari. Toshkent, 2013, 304 b.
3. С.Л.Огородников. Гидромеханизация разработки грунтов. Москва. Стойиздат. 1986 г.
4. Эксплуатация мелиоративных насосных станций. Москва. «Агротеромиздат». 1988 г.
5. Г.Т.Прудников, Ер қазиш машиналари, «Ўқитувчи», Тошкент, 1975 й.
6. Д.Л.Меламут, Гидромеханизация в мелиоративном и водохозяйственном строительстве. Москва. Стойиздат. 1981 г.

### **ЭКОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНЫЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ АГРАРНОГО ПОТЕНЦИАЛА ПРИРОДНОЙ СИСТЕМЫ**

**Айтуар А. Ж., Козыкеева А.Т., Мустафаев Ж.С.**  
*Казахский национальный аграрный университет, Алматы*

#### **Аннотация**

Природный потенциал ландшафтов связан необходимостью комплексного экологического подхода при изучении геолого-геоморфологических, гидроклиматических и почвенно-растительных условий формирования единой оценки природно-аграрного потенциала речных бассейнов, определяющих в значительной степени эффективность размещения производительных сил сельского хозяйства. Предлагаемый методологический подход для комплексной оценки природного аграрного потенциала природной системы, позволяет рассмотреть их на региональном и топологическом уровнях, а также его количественная оценка в административных границах с учетом ландшафтной структуры, обеспечивают рациональное размещение производительных сил агропромышленного комплекса в водосборах речных бассейнов.

**Ключевые слова:** природа, ресурсы, почва, растения, коэффициент, показатель, природопользование, потенциал.

**Цель исследований** - на основе понятия природного потенциала ландшафтов связано необходимостью комплексного экологического подхода при изучении геолого-геоморфологических, гидроклиматических и почвенно-растительных условий формирования единой оценки природно-агротенциала речных бассейнов, определяющих в значительной степени эффективность размещения производительных сил сельского хозяйства.

Обострение продовольственной проблемы и ухудшение экологической ситуации агроландшафтных систем Казахстана приводит к снижению уровня обеспечения населения продуктами питания, деградации и разрушению природных экосистем. Увеличение объема производства сельскохозяйственной продукции в современном мире достигается в значительной мере благодаря постоянному повышению энергетических затрат, ресурсы которых ограничены.

Для определения перспективных направлений развития сельского хозяйства необходима оценка природного потенциала и эффективности его использования. Эта оценка опирается на исследование взаимоотношений сельского хозяйства и природной среды, гармонизация которых требует обоснования рационального использования природного потенциала ландшафтов путем совершенствования территориальной организации сельского хозяйства. Поэтому при исследовании экологических и экономических аспектов хозяйства в сельской местности возникает необходимость поиска оптимальных вариантов использования природного потенциала территории с учетом поддержания динамического равновесия в ландшафтах.

### Материалы и методы исследований

Под природным агропотенциалом территории (ПАП) в широком смысле понимают совокупную производительность природных условий и ресурсов сельскохозяйственного производства, выражающиеся в определенных количественных и качественных характеристиках отражающих их экономические, социальные и экологические функции [1]. В узком смысле природный агропотенциал - это совокупность природных условий и ресурсов, оказывающих непосредственное влияние на сельскохозяйственное производство, то есть  $ПАП = f(K_{ny} \cdot K_{nf})$ , где ПАП - природный агропотенциал территории;  $K_{ny}$  - функции, природного условия территории;  $K_{nf}$  - функции природных ресурсов.

Природные ресурсы состоят из пахотнопригодных земельных, водных, лесных и естественных кормовых угодий, которые определяются из следующих выражений [2]:

$$\begin{aligned} \Pi_{\rho}^p &= \frac{\sum_i \Pi \Pi_i \cdot F_{i\rho}}{\sum_i \sum_j \Pi \Pi_i \cdot F_{i\rho}^p} m_{pj}; & \Pi_{\rho}^k &= \frac{\sum_i Y_i \cdot F_{i\rho}^{eky}}{\sum_i \sum_j Y_i \cdot F_{i\rho}^{eky}} m_{ekyj}; \\ \Pi_{\rho}^l &= \frac{\sum_i K_l \cdot F_{i\rho}}{\sum_i \sum_j F_{i\rho}} m_{lj}; & \Pi_{\rho}^w &= \frac{\sum_i h_{cpi} \cdot F_{i\rho}}{\sum_i \sum_j F_{i\rho}} m_{wj}; \\ \Pi_{\rho} &= K_{ak} \cdot (\Pi_{\rho}^p + \Pi_{\rho}^w + \Pi_{\rho}^k + \Pi_{\rho}^l), \end{aligned}$$

где  $i$  - индекс физико-географических местности;  $j$  - индекс административного области;  $\rho$  - индекс административных района;  $\Pi_{\rho}^p$  - природный потенциал  $\rho$ -го района пахотнопригодных угодий;  $\Pi_{\rho}^k$  - естественные кормовые угодия;  $\Pi_{\rho}^l$  - лесные ресурсы;  $\Pi_{\rho}^w$  - водные ресурсы;  $K_{ak}$  - коэффициент благоприятности агроклиматических условий в  $\rho$ -м

районе;  $ПП_i$  - продуктивности почвенного потенциала пахотнопригодных угодий  $i$ -й местности;  $F_{i\rho}^p$  - площадь пахотнопригодных угодий  $i$ -й местности в  $\rho$ -м районе;  $\bar{Y}_{eky}$  - продуктивности естественных кормовых угодий  $i$ -й местности;  $F_{i\rho}^{eky}$  - площадь естественных кормовых угодий  $i$ -й местности в  $\rho$ -м районе;  $K_l$  - коэффициент значимости лесных ресурсов для аграрного природопользования в  $i$ -й местности;  $F_i$  - общая площадь  $i$ -й местности в  $\rho$ -м районе;  $F_{i\rho}$  - общая площадь  $i$ -й местности в  $\rho$ -м районе;  $h_{cpi}$  - среднегодовой слой стока в  $i$ -й местности;  $K_w$  - коэффициент значимости водных ресурсов для аграрного природопользования в  $i$ -й местности;  $m_{pj}$  - удельная масса пахотнопригодных угодий в совокупном природном потенциале области, единица. условная масса;  $m_{ekyj}$  - удельная масса естественных кормовых угодий в совокупном природном потенциале области, единица. условная масса;  $m_{lj}$  - удельная масса лесных ресурсов угодий в совокупном природном потенциале области, единица. условная масса;  $m_{wj}$  - удельная масса водных ресурсов в совокупном природном потенциале области, единица. условная масса.

**Результаты исследований.** Природные условия природного агропотенциала территории характеризуются следующими показателями: суммой биологически активных температур ( $\sum t, ^\circ C$ ), суммой осадков ( $O_c$ ), продолжительностью безморозного периода ( $T_o$ ), испаряемостью ( $E_o$ ), фотосинтетически активной радиацией ( $R$ ) и эколого-климатической оценкой продуктивности природной системы на основе показателей, характеризующихся степенью обеспеченности ресурсами природной среды: коэффициента увлажнения ( $K_y = O_c / E_o$ ) и индекса сухости ( $\bar{R} = R / LO_c$ ).

Для оценки коэффициента благоприятности агроклиматических условий ( $K_{ал}$ ) можно использовать биоклиматический потенциал Д.И. Шашко, который рассчитывается по формуле [3]:

$$БКП = K_{p(ky)} \left[ \sum t > 10^\circ C / \sum t_{ак(баз)} \right],$$

где  $K_{p(ky)}$  - коэффициент роста по годовому показателю атмосферного увлажнения;  $\sum t > 10^\circ C$  - сумма температур воздуха выше  $10^\circ C$ , отражающая уровень теплообеспеченности растений в данном месте,  $^\circ C$ ;  $\sum t_{ак(баз)}$  - базисная сумма средних суточных значений температуры воздуха за период активной вегетации, то есть величина, относительно которой осуществляется сравнительная оценка,  $^\circ C$ .

Коэффициент роста или коэффициент биологической продуктивности ( $K_{p(ky)}$ ) представляет собой отношение урожайности в данных условиях влагообеспеченности к максимальной урожайности в условиях оптимального увлажнения и рассчитывается по формуле:

$$K_{p(ky)} = \lg(20 \cdot M_d),$$

где  $M_d$  - коэффициент годового атмосферного увлажнения, равный отношению количества осадков ( $O_c$ ) к сумме среднесуточных значений дефицита влажности воздуха ( $\sum d$ ), то есть при значении  $M_d = 0.50$  создаются оптимальные условия влагообеспеченности растений и в этих условиях  $K_{p(ky)} = 1.0$ .

Продуктивности естественных кормовых угодий ( $\bar{Y}$ ) от влагообеспеченности ( $K_w$ ), аппроксимируется уравнением параболы и для их математического описания можно использовать формулу В.В. Шабанова в следующем виде изменением [4]:

$$\bar{Y} = \frac{Y_i}{Y_{\max}} = \left( \frac{E_i - E_{\min}}{E_{\text{onm}} - E_{\min}} \right)^{\beta} \left( \frac{E_{\max} - E_i}{E_{\max} - E_{\text{эо}}} \right)^{\beta} \left( \frac{E_{\text{onm}} - E_{\text{эо}}}{E_{\text{эо}} - E_{\min}} \right),$$

где  $E_{\text{onm}}$  - оптимальные биологические водопотребности растений;  $E_{\text{эо}}$  - экологические водопотребности растений;  $E_i$  - фактические водопотребности растений;  $E_{\min}$ ,  $E_{\max}$  - соответственно нижняя и верхняя границы нормы водопотребности сельскохозяйственных культур, при которой урожай равен нулю;  $\gamma_i$  - параметр, характеризующий отзывчивость растений на отклонение влагообеспеченности.

Максимальная урожайность сельскохозяйственных культур или сельскохозяйственных угодий при данной солнечной радиации ( $Y_{\max}$ ) на данном уровне обеспеченности питательными веществами конкретной почвы при оптимальной для растений влажности почвы определяется по формуле [5]:

$$Y_{\max} = \frac{R_i \cdot K_r}{100 \cdot C \cdot \rho_n},$$

где  $R_i$  - сумма солнечной радиации за вегетационный период, ккал/см<sup>2</sup>;  $K_r$  - коэффициент использования солнечной энергии;  $C$  - калорическое значение единицы урожая органического вещества, ккал/кг;  $\rho_n$  - коэффициент перехода от урожая выращиваемой продукции к урожаю всей органической массы.

Климатическая оценка продуктивности природной системы Казахстана определена на основе показателей, характеризующихся степенью обеспеченности ресурсами природной среды: коэффициент увлажнения ( $K_y = O_c / E_o$ ), гидротермический коэффициент ( $ГТК = 10 \cdot O_c / \sum t$ ), биолого-климатическая продуктивность ( $БКП = K_y \cdot (\sum t / 1000)$ ), индекс сухости ( $\bar{R} = R / LO_c$ ) и показатель увлажнения ( $M_d = O_c / \sum d$ ) Агроклиматический потенциал территории рассчитывали по нормализованному индексу аридности ( $NIA$ ) [6]:

$$NIA = \frac{O_c}{5.12 \sum t + 306},$$

где  $O_c$  - годовая сумма осадков, мм;  $\sum t$  - сумма среднемесячных температур за вегетационный период.

В Казахстане средняя продуктивность культур широкого ареала соответствует значению  $БКП = 2.20$ , который принят за эталон (100 баллов), тогда пересчет  $БКП$  в баллы осуществляется по формуле:

$$B_k = K_{p(ky)} \left[ (\sum t > 10^{\circ} C) \cdot 100 / 2200 \right] = 45 \cdot БКП,$$

где  $B_k$  - климатический индекс биологической продуктивности (относительно средней продуктивности Республики Казахстан), балл; 45-коэффициент пропорциональности, определенный по связи средних значений  $БКП$ .

Коэффициент  $k_1$ , характеризующий роль биотических элементов в формировании экологической стабильности ландшафта, определяется в зависимости от типа и продуктивности растительного покрова, физико-химических, биологических и микробиологических свойств почв как биогеохимических барьеров. При определении относительной экологической значимости биотических элементов ( $k_1$ ) за единицу принимают почвы степных дубрав, являющиеся наиболее мощным биогеохимическим барьером. Значения  $k_1$  для ряда биотических элементов приведены в работе [7]. Но они не учитывают особенности почвенно-

климатических и хозяйственных условий природных зон страны. В таблице 1 приведены результаты расчетов  $k_1$ , предложенным И.П. Айдаровым [7], для разных природных зон с использованием материалов исследований В.А. Ковды [8], Н.И. Базилевич [9] и М.И. Будыко [10].

Таблица 1 – Коэффициент относительной экологической значимости

Природно-климатическая зона	Биотические элементы ландшафта					
	Леса	Луга	Сенокосы	Пастбища	Пашня	Водоемы и водотоки
Северная тайга	0.48	0.40	0.38	0.39	0.08	-
Южная тайга	0.80	0.60	0.58	0.59	0.11	-
Лесостепная	0.84	0.80	0.78	0.79	0.13	0.45
Степная	1.00	0.95	0.93	0.94	0.15	0.55
Сухостепь	-	0.70	0.66	0.67	0.11	0.65
Полупустыня	-	0.20	0.18	0.19	0.06	0.79
Пустыня северная	-	0.15	0.15	0.18	0.05	0.82
Пустыня южная	-	0.15	0.10	0.15	0.05	0.85
Предгорные полупустыни	0.28	0.20	0.45	0.65	0.14	0.75
Предгорные степи	0.48	0.65	0.75	0.75	0.10	0.69
Горные степи и леса	0.65	0.80	0.32	0.85	0.05	-

При этом обоснования мелиоративного комплекса для сохранения агроресурсного потенциала и охраны сельскохозяйственных земель от засоления, позволит повысить валовой сбор урожая основных возделываемых культур при экономии энергоресурсов агроландшафтов на орошаемых землях.

Для научного обоснования мелиоративного комплекса обеспечивающих агроресурсный потенциал орошаемых агроландшафтов разработан алгоритм, включающий шесть уровней:

- первый уровень - корректировка агрофитоценоза на поле в сложившемся критическом состоянии, который выполняется путем оценки лимитирующих факторов и сравнения агрофитоценоза с идеальными факторами, то есть когда состояние лимитирующего фактора выходит за рамки допустимого, возникает необходимость в проведении технологической операции по уменьшению его воздействия на агрофитоценоз;

- второй уровень - выбор почвенно-мелиоративного комплекса, воздействующий на агрофитоценоз в целом или на его часть с целью уменьшения скорости изменения лимитирующего фактора или изменения фактического состояния агрофитоценоза в сторону идеального для конкретной культуры состояния, возделываемой в этот момент или последующие периоды времени;

- третий уровень - преимущество выбранного (наилучшего) почвенно-мелиоративного комплекса, обеспечивающий выполнения заданной технологической операции перед возможными другими способами, которые определяют степень наибольшего приближения реального агрофитоценоза к идеальному состоянию.

- четвертый уровень - для выполнения выбранного почвенно-мелиоративного комплекса, осуществляются выбор техники и технологии орошения, обеспечивающей наилучшее качество технологической операции на орошаемых землях.

- пятый уровень - после установления оптимального параметра почвенно-мелиоративного комплекса создается оросительная система, обеспечивающий эколого-мелиоративную устойчивость и экономическую стабильность агроландшафтов.

- шестой уровень - экологическое обоснование технико-эксплуатационных параметров оросительных систем, который определяется почвенно-мелиоративным комплексом с оптимальным «агроресурсным потенциалом».

Таким образом, предлагаемый методологический подход для комплексной оценки природного аграрного потенциала природной системы, позволяет рассмотреть их на региональном и топологическом уровнях, а также его количественная оценка в административных границах с учетом ландшафтной структуры, обеспечивает рациональное размещение производительных сил агропромышленного комплекса.

### Список использований литературы

1. Насонов А.М. Применение количественного анализа в исследовании эффективности использования природного потенциала территории // География Среднерусской возвышенности (территориальные аспекты изучения природных условий и ресурсов). Курск: КГГГИ, 1994. - С. 37-46.
2. Красноярова Б.А. Методические подходы к оценке природного потенциала аграрного природопользования // География и природные ресурсы, 1999.- №2. - С. 121-128.
3. Шашко Д.И. Агроклиматические ресурсы СССР.- Л.: Гидрометеиздат, 1985. - 247 с.
4. Шабанов В.В. Влагообеспеченность яровой пшеницы и ее расчет.- Л.: Гидрометеиздат, 1981. - 142 с.
5. Тооминг Х.Г. Экологические принципы максимальной продуктивности посева. – Л.: Гидрометеиздат, 1984.- 264 с.
6. Виноградов Б.В. Развитие концепции опустынивания Известия РАН, серия географическая, 1997. - №5. – С. 95-105.
7. Айдаров И.П. Перспективы развития комплексных мелиораций в России. – М., 2004. – 102 с.
8. Ковда В.А. Основы учения в почвах. Общая теория почвообразовательного процесса. – М.: Наука, 1973. – Книга 1 – 446 с., Книга 2 – 467 с.
9. Базилевич Н.И., Гребенщиков О.С., Тишков А.А. Географические закономерности структуры и функционирования экосистем. – М.: Наука, 1989.- 297 с.
10. Будыко М.И. Климат и жизнь. – Л: Гидрометеиздат, 1971. – 470 с.

## ЭКОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНЫЙ МОНИТОРИНГ ГИДРОАГРОЛАНДШАФТНЫХ СИСТЕМ

**Асхатқызы Д., Козыкеева А.Т., Мустафаев Ж.С.**  
*Казахский национальный аграрный университет, Алматы*

### Аннотация

На основе познания направленности и интенсивности природного процесса в условиях антропогенной деятельности, основанного на относительно длительном целенаправленном и планомерном восприятии предметов и явлений окружающей действительности, являющимся фундаментальной основой обеспечения эколого-мелиоративного гидроагроландшафтов, позволило сформировать интегральные критерия для разработки эколого-мелиоративного мониторинга гидроагроландшафтов.

**Ключевые слова:** ландшафт, агроландшафт, гидроагроландшафт, критерий, оценка, выбор.

**Цель исследования** – создание высокопродуктивного и экологически устойчивого гидроагроландшафта, управляемого с помощью мелиорацией, где предполагается создание и поддержание такого режима в природном объекте, который бы в течение всего периода функционирования мелиоративных систем обеспечивал заданный уровень продуктивности

сельскохозяйственных культур, расширенное воспроизводство почвенного плодородия и экологическую устойчивость агроландшафта.

Обеспечение сохранения благоприятных условий окружающей среды при введении любой деятельности человека является самой насущной задачей системы природопользования. По мнению Н.И. Моисеева [1] на рубеже XX-XXI веков наступил 3 этап взаимодействия человека и природы, на котором антропогенные воздействия приобрели глобальный характер (1 этап - человек часть природы, протекал от появления человека как вида до неолитической революции 5-7 тыс. лет до н. э., 2 этап - локальное преобразование природы).

Особенно важно добиться рационального природопользования в области мелиорации. Важно отметить, что негативные экологические и социально-экономические последствия возникают как при научно необоснованном массивном орошении (вопиющий пример - гибель Аральского моря в конце 80-ых годов прошлого века), так и при недостаточном внимании к природным и техногенным объектам мелиоративных систем [2].

Таким образом, поддержание в работоспособном состоянии объектов мелиоративных систем, наблюдение за ними, создание и восстановление линий связи, то есть организация мониторинга мелиорированных земель есть задача не только сохранения экологического состояния окружающей среды, но и обеспечения безопасности государства и общества.

В связи с этим, важной практической и научной задачей является разработка концепции создания системы мониторинга мелиорированных земель для аридной зоны, где необходимо обеспечить эколого-мелиоративную устойчивость агроландшафтов.

**Материалы и методы исследований.** Основная задача экологических исследований агроландшафтных систем состоит в накоплении, систематизации и анализе информации о количественном характере взаимоотношений между живыми организмами и средой их обитания с целью получения следующих результатов [4]:

- оценка качества изучаемых экосистем (в конечном итоге с точки зрения возможности их использования человеком);
- выявление причин наблюдаемых и вероятных структурно-функциональных изменений биотических компонентов и адресная индикация источников и факторов негативного внешнего воздействия;
- прогноз устойчивости экосистем и допустимости изменений и нагрузок на среду в целом;
- оценка существующих резервов биосферы и тенденций в их исчерпании (накоплении).

Способ познания направленности и интенсивности природного процесса в условиях антропогенной деятельности, основанный на относительно длительном целенаправленном и планомерном восприятии предметов и явлений окружающей действительности, является фундаментальной основой обеспечения эколого-мелиоративного мониторинга гидроагроландшафтов.

**Результаты исследований.** Мелиорация сельскохозяйственных земель проводится в целях роста плодородия почв, повышения продуктивности и устойчивости земледелия, создания гарантированного продовольственного фонда. Мировой и отечественный опыт свидетельствует о том, что степень развития мелиорации земель является важнейшим показателем технического уровня и возможностей сельского хозяйства в решении продовольственной проблемы.

Это вызвало необходимость оценки направленности изменения природных процессов в результате орошения и прогнозирования мелиоративного, гидрогеологического и гидрогеохимического режимов на орошаемых массивах. Для оценки интенсивности и направленности биологического и геологического круговорота воды и химических веществ в условиях антропогенной деятельности, то есть при мелиорации

сельскохозяйственных земель, можно использовать следующие интегральные критерии [3]:

- параметр роста биологического кругооборота -  $\bar{y} = \bar{V}_\delta / \bar{V}_0$ , где  $\bar{V}_\delta$  - относительная продуктивность естественных растений, то есть  $\bar{V}_\delta = V_\delta / PV$ , здесь  $V_\delta$  - продуктивность естественных растений немелиорированных земель, соответствующих влаго- и теплообеспеченности географических зон и ландшафтов, ц/га;  $PV$  - потенциальная продуктивность растений или сельскохозяйственных культур соответствующих энергетическим ресурсам географических зон или ландшафтов, ц/га;  $\bar{V}_0 = V_0 / PV$ , здесь  $V_0$  - урожайность сельскохозяйственных культур на мелиорируемых землях, ц/га;

- параметры роста интенсивности геологического кругооборота воды определяется по зависимости:  $\bar{g} = (c+g)_{op} / (c+g)_\delta$ , где  $(c+g)_\delta$  и  $(c+g)_{op}$  - поверхностный сток и влагообмен между почвенными и грунтовыми водами на немелиорированных и мелиорируемых землях, м<sup>3</sup>/га;

- параметры роста интенсивности геологического кругооборота химических вещества рассчитаны по формуле :  $\bar{c} = [(c+g)_{op} / (c+g)_\delta] [(C_0 + C_n) / C_{дон}]$ , где  $C_0$  - минерализация оросительных вод, г/л;  $C_n$  - концентрация почвенного раствора, г/л;  $C_{дон}$  - предельно-допустимая концентрация почвенного раствора, не оказывающая влияния на рост и развитие сельскохозяйственных культур.

При этом коэффициент стабильности гидроагроландшафтных систем ( $K_c$ ) можно определить по формуле [4]:  $K_c = [(c+g)_{op} / (c+g)_\delta] / (V_\delta / V)$ .

Оценку экологической стабильности гидроагроландшафтов приводят в соответствии со следующей шкалой [4]:  $K_c < 0,33$  - ландшафт нестабильный;  $K_c = 0,34 - 0,50$  - малостабильный;  $K_c = 0,51 - 0,66$  - среднестебельный;  $K_c = 0,67 - 1,00$  - стабильный.

В качестве интегральных показателей, учитывающих перечисленные факторы, целесообразно использовать «индекс сухости» М.И. Будыко [5], характеризующий гидротермический режим ландшафтов:  $\bar{R} = R / LO_c$ , где  $R$  - радиационный баланс, кДж/см<sup>2</sup>) и водный баланс ( $LO_c$ ) - где  $L$  - скрытая теплота парообразования, кДж/см<sup>3</sup> в год;  $O_c$  - атмосферные осадки, мм) природной системы.

«Индекс сухости» не только характеризует гидротермический режим ландшафтов, но и является одним из основных средообразующих факторов, определяющих связь климатических условий практически со всеми природными элементами системы, то есть растительностью, почвой и подземными водами. Кроме того, он учитывает влияние хозяйственной деятельности на величину  $O_c + O_p$  (где  $O_p$  - дополнительные поступления воды в результате осуществления комплексной мелиорации, мм) и  $\Delta R$  при мелиорации сельскохозяйственных земель.

При этом снижение количественных значений гидротермического режима естественных ландшафтов за счет орошения или путем трансформации агроландшафтов, то есть доведения «индекса сухости» -  $\bar{R} = R / LO_c$  до 1,0 применением орошения -  $\bar{R} = R / L(O_c + O_p + g)$  (где  $\bar{R}$  - «индекс сухости»;  $R$  - радиационный баланс, определяющий приток солнечной энергии и количество фотосинтетически активной радиации, кДж/см<sup>2</sup> за год;  $L$  - скрытая теплота парообразования, кДж/см<sup>2</sup> за год;  $O_c$  - атмосферные осадки, мм;  $O_p$  - количество влаги, полученное за счет применения гидротехнических мелиорации, мм;  $g$  - влагообмен между почвенными и грунтовыми водами (мм), благоприятно оказывает влияние на почвообразовательный процесс в условиях близкого залегания пресных



грунтовых вод, а в условиях орошения, когда интенсивность инфильтрационных вод увеличивается, как в настоящее время происходит в зоне орошения во многих регионах, нарушается эволюция почвообразовательного процесса, то есть, как в гумидных зонах в аридных зонах формируются болота или происходит болотообразовательный процесс, что не допустимо с точки зрения регулирования и управления геологическими круговоротами воды и химических веществ.

Важным свойством «индекса сухости» ( $\bar{R}$ ) является его тесная связь с основными свойствами зональных почв, почвенно-биологическими, гидрогеологическими, гидрогеохимическими процессами и с антропогенной деятельностью [6].

Таким образом, если в результате мелиорации сельскохозяйственных земель изменяется гидротермический режим ( $\bar{R}$ ) в пределах ландшафта, то по этим изменениям можно судить о направленности и интенсивности природных процессов, изменении состояния отдельных компонентов и ландшафта в целом:  $\bar{R}_O = R_O / [L(O_C + O_P \pm g)]$ , где  $\bar{R}_O$  - гидротермический коэффициент в условиях мелиорации;  $R_O$  - радиационный баланс, измененный в результате мелиорации, кДж/см<sup>2</sup>;  $g$  - влагообмен между почвенными и грунтовыми водами, мм.

Оптимизация любых природных процессов связана с назначением граничных условий, то есть назначения уровня регулирования водного режима почв, так как тепловой режим агроклиматических зон практически относиться к неуправляемым факторам, к которому приспосабливается агроландшафт. Таким образом, при мелиорации сельскохозяйственных земель, приспособление к тепловому режиму орошаемых земель осуществляется путем регулирования и управления водного режима почв, то есть требуется необходимость использования оросительных или осушительных мелиораций, которые обеспечивают в природе следующие условия [6]:

- при орошении:  $\bar{R} = R / LO_C = 2.5 - 1.0 \rightarrow \bar{R} = R / L(O_C + O_P) = 0.9 - 1.0$ ;

- при осушении:  $\bar{R} = R / LO_C = 0.3 - 0.6 \rightarrow \bar{R} = R / L(O_C + g) = 0.9 - 1.0$ .

Если рассматривать деятельность мелиорации сельскохозяйственных земель с такой позиции, тогда можно констатировать, что любые гидротехнические и агротехнические мероприятия направлены на создание следующего условия  $\bar{R} = R / L(O_C \pm O_P \pm g) = 0.9 \div 1.0$ , которое находится в пределах саморегулирования природного процесса в условиях антропогенной деятельности или нагрузки.

Анализ формирования почвообразовательного процесса в природных условиях с гидротермическими режимами от  $\bar{R} = R / LO_C$  до  $\bar{R} = R / L(O_C + g)$  свидетельствует о формировании различных родов почв внутри типа или подтипа почв, то есть от черноземно-сероземных до лугово-болотных почв. Эта эволюционная закономерность, которая происходит в природе, наталкивает на мысль о целесообразности ее использования при создании моделей расчетного мониторинга агроландшафтов, то есть для качественной оценки направленности почвообразовательного процесса в результате антропогенной деятельности.

На основе предложенного методологического подхода оценки стабильности гидроагроландшафтов и использования многолетних информационно-аналитических материалов о норме водопотребности и продуктивности ландшафтов и гидроагроландшафтов определено стабильность Шу –Таласского водохозяйственного бассейна Республики Казахстан (таблица 1) [7; 8].

Таблица 1- Оценка стабильности гидроагроландшафтов Шу –Таласского водохозяйственного бассейна Республики Казахстан

Показатели	Годы					
	1960	1970	1980	1990	2000	2010
$\bar{V}_O = V_O / ПУ$	0,95	0,92	0,85	0,80	0,84	0,97

$\bar{Y}_\delta = Y_\delta / PY$	0,08	0,08	0,08	0,08	0,08	0,08
$\bar{y} = \bar{Y}_\delta / \bar{Y}_o$	0,084	0,087	0,094	0,100	0,095	0,082
$O_{ci}$ , мм	287,0	287,0	287,0	287,0	287,0	287,0
$O_{ci}$ , мм	560,0	657,0	689,0	729,0	730,0	582,0
$\bar{R}_i = R / L(O_c + O_p + g)$	0,83	0,70	0,71	0,68	0,68	0,80
$(c + g)\delta$	63,0	63,0	63,0	63,0	63,0	63,0
$(c + g)_{op}$	120,0	130,0	189,0	229,0	230,0	182,0
$(c + g)_{op} / (c + g)\delta$	1,90	2,06	3,00	3,63	3,65	2,89
$K_c$	0,16	0,18	0,28	0,36	0,35	0,24

Как видно из таблицы 1, основными показателями, характеризующими связи биологического и геологического круговоротов воды и химических веществ и влияние их на состояние гидроаглоландшафтов являются испарение, влагообмен между почвенными и грунтовыми водами и интенсивность геохимических потоков, которые непосредственно зависят от гидротермического режима орошаемых земель, которые определяют эколого-экономическую стабильность гидроаглоландшафтных систем в Шу-Таласском водохозяйственном бассейне Республики Казахстан.

**Выводы:** На основе выполненных прогнозных расчетов с использованием методологического подхода для оценки эколого-экономической стабильности гидроаглоландшафтов в Шу-Таласском водохозяйственном бассейне Республики Казахстан следует отметить, что гидроаглоландшафтные системы региона относятся к нестабильным, которые требуют корректировки параметров мелиорации сельскохозяйственных земель с учетом геоэкологических ограничений..

### Список использований литературы

1. Моисеев Н.Н. О методологии математического моделирования процессов сельскохозяйственного производства // Вестник с-х науки, 1984. - № 1. - С. 14-20.
2. Хачатурьян В.Х., Айдаров Н.П. Концепция улучшения экологической и мелиоративной ситуации в бассейне Аральского моря // Мелиорация и водное хозяйство, 1990. - №12. – С. 5-12; 1991. - №1. – С. 2-9.
3. Козыкеева А.Т., Сатыбаева Р.Б. Информационные базы почвенно-мелиоративного мониторинга орошаемых земель //Материалы республиканской научно-практической конференции магистрантов, докторантов и преподавателей на тему «Наука и современность-2013», посвященной реализации Послания Президента РК народу Казахстана «Стратегия «Казахстан-2013»- новый политический курс состоявшегося государства».- Тараз, 2013.- С.271-274.
4. Айдаров И.П. Перспективы развития комплексных мелиораций в России.- М.: МГУП, 2004.- 102 с.
5. Будыко М.И. Глобальная экология. М.: Мысль, 1977. - 327 с.
6. Мустафаев Ж.С. Методологические и экологические принципы мелиорации сельскохозяйственных земель. - Тараз, 2004. – 306 с.
7. Мустафаев Ж.С., Рябцев А.Д., Адильбектеги Г.А. Методологические основы оценки устойчивости и стабильности ландшафтов. – Тараз, 2007. – 216 с.
8. Мустафаев Ж.С., Рябцев А.Д. Адаптивно-ландшафтные мелиорации земель в Казахстане. – Тараз:DCG NEO Service, 2012.- 528 с.
9. Справочник: Сельское хозяйство Жамбылской области в годы независимости.- Тараз: «Сенім», 2016.- 424 с.

# ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВОДНОГО БАЛАНСА В ГИДРОАГРОЛАНДШАФТНЫХ СИСТЕМАХ КАЗАЛИНСКОГО МАССИВА ОРОШЕНИЯ

Жеңіс Гүлдерай, Зулпыхаров Б.А., Мустафаев Ж.С., Козыкеева А.Т.,  
Жусупова Л.К.

Казахский национальный аграрный университет  
Кызылординский государственный университет имени Коркыт-Ата

## Аннотация

На основе системного анализа информационно-аналитических материалов «Кызылордаводхоз» филиала «Казводхоз» Комитета водных ресурсов Министерства сельского хозяйства Республики Казахстан по использованию водных ресурсов для орошения сельскохозяйственных земель Кызылординской области в разрезе районов и орошаемых массивов и предложенных модельных систем для оценки эколого-мелиоративной трансформации водного баланса в гидроагроландшафтных системах, выполнен прогнозный расчет в пространственно-временном масштабе, для определения их количественного и качественного значения, позволяющего определить направленности и интенсивности изменения эколого-мелиоративного процесса в условиях антропогенной деятельности.

**Цель исследования** – на основе системного анализа и разработки модели познания трансформационного процесса водного баланса гидроагроландшафтных систем определить их направленность и интенсивность в условиях длительной антропогенной деятельности.

Хозяйственная деятельность человека, размещение сельскохозяйственного производства находятся в тесной связи с природными условиями и вместе с тем сами природные условия меняются под воздействием человеческой деятельности. В настоящее время антропогенный фактор стал ведущим в формировании и изменении современных природных ландшафтов, то есть его роль под влиянием роста населения и совершенствования техники производства продолжает возрастать. В связи с этим возникает необходимость исследовать территории, используемые в сельском хозяйстве, как природно-производственные объекты, состоящие из двух взаимодействующих блоков: природного и сельскохозяйственного. Они представляют собой природно-сельскохозяйственные геосистемы или гидроагроландшафты.

Гидроагроландшафты являются природно-антропогенными территориальными геосистемами, специально конструируемыми, проектируемыми и создаваемыми для целей рационального и экономически эффективного ведения сельскохозяйственного производства и охраны его природных основ, требует необходимости определить эколого-мелиоративный процесс в условиях антропогенной деятельности для ограничения антропогенного воздействия, негативно влияющего на состояние окружающей среды [1; 2; 3].

**Методы и материалы исследования.** Основные принципы мелиорации земель на основе гидромелиоративной деятельности направлены на создание компенсационного водного баланса, при котором приходные статьи (осадки, поверхностный и подземный притоки) компенсируются расходными статьями (эвотранспирация, инфильтрация, отток поверхностных и подземных вод). При недостаточном климатическом увлажнении территории, как ландшафтных систем Кызылординской области, восполнить разницу между испаряемостью и фактической эвотранспирацией можно с помощью гидромелиорации путем использования речного стока [4; 5].

В условиях компенсирующей мелиорации сельскохозяйственных земель в качестве интегрального показателя экологической трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_m$ ) гидроагроландшафта (мелиоративно-освоенной территории) Л.В. Кирейчева рекомендует

использовать отношение требуемой водообеспеченности ( $E_v$ ) к климатической (естественной) увлажненности ( $E_e = O_c$ ), то есть [2; 3]:  $\mathcal{E}_m = E_v / E_e$ .

По структурному показателю интегрального показателя экологической трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_m$ ) гидроаглоландшафта в условиях антропогенной деятельности человека, обратно пропорционально коэффициенту естественного увлажнения Н.Н. Иванова ( $K_y$ ), то есть  $\mathcal{E}_m = 1 / K_y$ .

Таким образом, для оценки степени экологической трансформации водного баланса гидроаглоландшафтных систем Кызылординской области в разрезе районов разработан интегральный показатель эколого-мелиоративной трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$ ), характеризующего отношение естественной или антропогенной водообеспеченности гидроаглоландшафтов ( $B_n = O_c + O_p \pm g$ , где  $O_c$  – атмосферные осадки;  $O_p$  – оросительная норма;  $\pm g$  – влагообмен между почвенными и грунтовыми водами) к требуемой водообеспеченности (испаряющей способности природной системы) природной системы ( $E_o$ ), то есть:  $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} = B_n / E_o$ .

Характерная особенность интегрального показателя эколого-мелиоративной трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$ ) гидроаглоландшафтов является, во-первых, показывает дефицит водообеспеченности в естественных условиях, во-вторых, в условиях мелиорации сельскохозяйственных земель – оптимальность или избыток водообеспеченности.

При этом доля влагообмена между почвенными и грунтовыми водами в гидроаглоландшафтных системах можно определить по следующему выражению:  $\pm g = \mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} - 1$ .

Из системного анализа значения интегрального показателя эколого-мелиоративной трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$ ) гидроаглоландшафтов вытекает, что при количественном значении  $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} < 1,0$  наблюдается дефицит водообеспеченности при естественных условиях и антропогенной деятельности ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}^{ест}$ ), когда  $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} = 1,0$  наблюдается оптимальная водообеспеченность при естественных условиях и антропогенной деятельности ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}^{онт}$ ) и  $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} > 1,0$  наблюдается избыточная водообеспеченность при естественных условиях и антропогенной деятельности ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}^{антр}$ ).

**Результаты исследования.** На основе предложенного принципа формирования интегрального показателя эколого-мелиоративной трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$ ) гидроаглоландшафтов и сравнительного анализа нормы водоподдачи гидроаглоландшафтных систем Казалинского массива орошения, то есть в пространственно-временном масштабе произведен прогнозный расчет для определения их количественного значения (таблица 1 и рисунок 1).

Как видно из таблицы 1 и рисунка 1, показатель эколого-мелиоративной трансформации водного баланса в гидроаглоландшафтных системах в Кызылординской области, на основе сравнения нормы водоподдачи гидроаглоландшафтных систем [4; 5; 6] и испаряющей способности природной системы определенные по формуле Н.Н. Иванова по данным метеорологических станций (таблица 1) показывают в сравнение их естественными значениями в условиях антропогенной деятельности 1,25-2,5 раза больше, а доля геологического круговорота геологических кругооборотов равно 0,25-1,50, которые подтверждают нарушение основного принципа мелиорации сельскохозяйственных культур, констатирующих повышение биологического круговорота и недопущения геологического круговорота воды и химических веществ на орошаемых землях.

Таблица 1 - Эколого-мелиоративная трансформация водного баланса в гидроагроландшафтных системах Казалинского массива орошения

Годы	Эколого-мелиоративные показатели			
	$O_p, \text{ м}^3/\text{га}$	$E_o, \text{ м}^3/\text{га}$	$\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$	$\pm g$
2000	24696	10940	2,357	1,357
2001	13938	10940	1,274	0,274
2002	17467	10940	1,597	0,597
2003	17777	10940	1,624	0,624
2004	20909	10940	1,911	0,911
2005	18561	10940	1,697	1,697
2006	22510	10940	2,057	1,057
2007	22717	10940	2,076	1,076
2008	20746	10940	1,896	0,896
2009	22548	10940	2,061	1,061
2010	13740	10940	0,256	20172
2011	20172	10940	1,844	0,844
2012	22238	10940	2,032	1,032
2013	22369	10940	2,044	1,044
2014	22641	10940	2,069	1,069
2015	22877	10940	2,091	1,091

При этом среднегодовые испаряющие способности природной системы за биологический активный период года в ландшафтных системах Кызылординской области составляют около 1051-1226 мм или 10510-12260 м<sup>3</sup>/га. Следовательно, за счет энергетических ресурсов природной системы около 10510-12260 м<sup>3</sup>/га влаги из поданных оросительных норм сельскохозяйственных культур, то есть 22300-45040 м<sup>3</sup>/га может возвращаться в атмосферную среду, а остальные части будут участвовать в большом и малом геологическом круговороте воды и химических веществ, которые разрушают естественное динамическое состояние ландшафтных систем Кызылординской области, так как инфильтрирующая часть водоподачи через верхний почвенный слой в несколько раз превышает водоемкость в системе «атмосфера-почвенная вода-грунтовая вода» (таблица 1 и рисунок 1).

Как видно из рисунка 1, природно-деятельностные процессы в гидроагроландшафтах в зависимости от уровня антропогенной деятельности встречаются следующие состояния эколого-мелиоративной трансформации водного баланса:

- показатель эколого-мелиоративной трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$ ) меньше единицы, то есть  $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} < 1,0$ , которые наблюдаются в естественных условиях, когда по синхронности атмосферные осадки ( $O_c$ ) и испаряемости ( $E_o$ ) не совпадают и не компенсируются, в результате образуется дефицит водообеспеченности растительного и почвенного покровов ландшафтных систем;

- показатель эколого-мелиоративной трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$ ) равно единице, то есть  $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} = 1,0$ , когда сумма атмосферных осадков ( $O_c$ ) и оросительная норма гидроагроландшафтных систем соответствует испаряющей способности ( $E_o$ ) природной системы, в результате чего образуется оптимальная водообеспеченность растительного и почвенного покровов ландшафтных систем;

- показатель эколого-мелиоративной трансформации водного баланса ( $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M}$ ) больше единицы, то есть  $\mathcal{E}_{\mathcal{E}-M} > 1,0$ , когда сумма атмосферных осадков ( $O_c$ ) и оросительная норма гидроагроландшафтных систем превышает испаряющей способности

( $E_0$ ) природной системы, в результате чего образуется избыточная водообеспеченность растительного и почвенного покровов ландшафтных систем.




Рисунок 1 – Показатель эколого-мелиоративной трансформации водного баланса в гидроагроландшафтных системах Казалинского района Кызылординской области

Таким образом, среднемноголетние испаряемости с водной поверхности рисовых плантаций составляют 10510-12260 м<sup>3</sup>/га, которые непосредственно принимают участие в формировании биологических масс риса, а остальные 9710-32940 м<sup>3</sup>/га воды с каждого гектара рисовых полей теряются на инфильтрации, что требует необходимости полностью предусмотреть систему использования водных ресурсов в низовьях реки Сырдарьи.

В результате необоснованных сверх естественных техногенных нагрузок, которые в несколько раз больше природной емкости ландшафтных систем Кызылординской области играющих средобразующую роль в низовьях реки Сырдарьи, функционирования гидроагроландшафтных систем происходит в очень сложных условиях, то есть в нем не сохранены свойства взаимосвязанных и взаимообусловленных процессов формирования природной среды. При сохранении существующих направленности и интенсивности взаимодействия между ландшафтными и агроландшафтными системами Кызылординской области восстановить или сохранить естественное состояние природной системы очень сложно и проблематично, так как они постепенно превращаются в неуправляемые и нерегулируемые системы, где происходит стихийно вторичное засоление почв, что подтверждают многолетние информационно-аналитические материалы Южно-Казахстанской гидрогеолого-мелиоративной экспедиции Министерства сельского хозяйства Республики Казахстан (таблица 2).

Как видно из таблицы 2, в рассматриваемом периоде, то есть с 1960 по 2015 годов в структуре орошаемых земель площади незасоленных почв уменьшаются, а площади слабозасоленных и средnezасоленных почв увеличиваются, и площади сильно засоленных почв уменьшаются, что связаны с большой нормой водоподачи в рисовых системах Кызылординской области, то есть происходят деграционные процессы в гидроагроландшафтах.

Таблица 2 - Почвенно-мелиоративное состояние массивов орошения в низовьях реки Сырдарьи (Кызылординской области)

Массив	Годы	Мелиоративное состояние почвы
--------	------	-------------------------------

орошения		незасоленные		слабо-засоленные		средне-засоленные		сильно засоленные	
		га	%	Га	%	га	%	га	%
Казалинский (59450 га)	1960	22450	37.8	8100	13.6	3000	5.0	25900	43.6
	1970	20160	33.9	8700	14.6	5460	9.2	25130	42.3
	1980	14700	24.7	9260	15.6	7210	12.1	28280	47.6
	1990	6850	11.5	10128	17.0	14260	24.0	28212	47.5
	2000	4200	7.0	13267	22.3	15180	25.5	26803	45.2
	2010	3586	6.0	12640	21.3	17520	29.4	27430	43.3
	2015	3013	5.0	14120	23.7	14887	25.0	27430	46.3

**Обсуждение результатов исследования.** При существующих принципах использования агроландшафтных систем, которые традиционно формировались на территории Кызылординской области (в низовьях реки Сырдарьи) в течение последнего полувека, ландшафтные системы региона превратились в аккумулирующие емкости или магазинированные части химических веществ и воды, находящихся в геологическом круговороте в процессе орошения сельскохозяйственных угодий.

В связи с этим, возникает необходимость полностью предусмотреть технологию возделывания риса, так как не только в развитых странах, но и в развивающихся странах при возделывании риса оросительная норма, превышает только на 25 % от испаряющей способности природной системы. С другой стороны, в мировой практике возделывания риса существует претендент доказывающий получить достаточно высокий урожай с рисовых плантаций при капельном орошении с нормой, соответствующий 40-50 % испаряющей способности природной системы.

#### Список литературы

1. Мустафаев Ж.С. Понятие гидроагроландшафта в реалиях: миссия и тренды развития // Международный научный журнал. - М. 2016. - №6.- С. 48-53.
2. Кирейчева Л.В. Восстановление природно-ресурсного потенциала агроландшафтов комплексными мелиорациями // Мелиорация и водное хозяйство, 2004.- №5.- С.32-35.
3. Кирейчева Л.В., Юрченко И.Ф., Яшин В.М. Научные основы создания и управления мелиоративными системами в России.- Москва: Издательство ФГБНУ «ВНИИ агрохимии», 2017.- 296 с.
4. Мустафаев Ж.С., Қозыкеева Ә.Т., Жусупова Л.К., Мурат М.М. Формирование и функционирование агроландшафтных систем в низовьях реки Сырдарьи (Кызылординской области) в современных условиях антропогенной деятельности // Исследования, результат. - Алматы, 2016.- №03(071).- С.174-182.
5. Мустафаев Ж.С., Кирейчева Л.В., Умирзаков С.И., Жусупова Л.К. Эколого-мелиоративная трансформация водного баланса гидроагроландшафтных систем Кызылординской области // Исследования, результаты, 2018.-№4.- С. 69-79.

#### СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

*Тошбоев А.Ж., Тошкент давлат аграр университети*

#### Аннотация

Қишлоқ товар ишлаб чиқарувчи субъектлари тамонидан олиб борилган ислохатлан ва уни изчил амалга ошириш иш натижалари ҳамда ишлаб чиқаришга ресурстежовчи технологияларни жорий этишни натижалари, уни янада ривожлантиришни афзаллик тамонлари кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг асосий мақсади:** қишлоқ хўжалик корхоналарида экинларни парваришда қўлланиладиган агротехник тадбирлардан бири бўлган суғоришда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари баҳолашдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда ишлаб чиқариш жараёнларини интенсифлаштириш, замонавий агротехнология ва инновацион технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Дехқончилик учун экин майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги тармоғи учун талаб этиладиган ресурслар миқдорларини ошириш имкониятлари ўта чегараланганлигини учун соҳани ривожлантиришнинг бирдан бир йўли - фан ва техника ютуқларига асосланувчи, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали эришилади. Ҳозиргача қишлоқ хўжалигида ўсимликларни парваришда қўлланиладиган тежамкор технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва амалиётга жорий этишнинг қулай усуллари талаб даражасида ишлаб чиқилмаган. Масалан пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик тармоқларида кўплаб иновацион технологиялар қўлланилади. Аммо уларнинг иқтисодий афзалликлари, маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши, харажатларининг камайишининг оптимал вариантларини бир тизимга келтирилган услубий тавсиялар йўқ. Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган технологияларнинг иқтисодий самарадорлиги фақатгина илмий тадқиқотларда аниқланиб, амалиётга жорий этиш тизими ёки услубий жиҳатлари фермер хўжаликларига жорий этиш ва қўллаш ишларига умуман эътибор берилмай келмоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотлари учун моддий ва молиявий ресурсларни сарфи ва самарасининг ҳисобини ололмасдан ишлаб чиқаришга бўлган муносибат салбийлигича қолаётган хўжаликлар етарли даражада. Шунинг учун аграр соҳасидаги олимларнинг олдидаги асосий вазифаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳар бир экин тури бўйича сарф харажатларни ҳисобга олиш, янги қўлланилган технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш, ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ишлаб чиқиш баҳосини белгилаб беришдан иборатдир.

Тадқиқот объекти Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи субъектлари бўлиб, унинг жами аҳоли сони 3 млн 426 минг кишини, умумий ер майдони 1 млн 677 минг гектарни, шу жумладан, экин майдони 435.7 минг гектар, шундан суғориладиган майдон 253.7 минг гектар, лалми ер майдони 182 минг гектар, томорқа хўжаликлари сони 512310 та, унинг ер майдони 86,2 минг гектар, ўртача бир оилага лалми билан бирга 18,8 сотих ер майдони тўғри келади. Жорий йилда жами фермер хўжаликлари сони 9756 та бўлиб, уларга бириктирилган ер майдони 521.0 минг гектар, ўртача бир фермер хўжалигига 53,4 гектар тўғри келади. Жами қишлоқ хўжалигидан олинган даромад 4 триллион 913 млрд сўмни, фойда 831 млн.сўм ёки рентабеллик 20.4 фоизга эришилди. Пахта етиштириш хажми 223.4 минг тонна бўлиб унинг даромади 230.6 млрд.сўм, Ўтган йилга нисбатан 112 фоиз ёки 28,5 млрд.сўмга ошган. Ғалла етиштириш хажми 817,8 минг тонна шундан давлатга бошоқли дон сотиш 314,5 минг тонна бўлиб унинг даромади 396,1 млрд. сўмни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан 18.4 фоиз ёки 62 млрд.сўм ортиқча даромад олинган. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи усул ва технологияларни қўллаш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни турли суғориш тадбирлари ва усуллари пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш ва самарадорлиги аниқлаш борасида Самарқанд вилоятини Нарпай туманидаги фермер хўжаликлари мисолида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Олиб борилган ишлар натижалари шуни кўрсатадики, оддий эгат орқали суғориш усулида ғўза ўсув даврида 6-7 марта қатор оралиғига ишлов берилиб, гектарига 45-50 кг ёқилғи сарфланган бўлса, томчилатиб суғориш усулида ғўза парваришланганда 3-4 марта қатор орасига ишлов берилиб, 25-30 кг ёқилғи сарфланади. Демак, томчилатиб суғорилганда ғўза қатор оралиғига ишлов бериш уч мартага қисқарган бўлса, ёқилғи сарфи эса гектарига 20 кгга камайиб ва иш вақтдан самарали фойдаланилди. Ғўза далаларини томчилатиб суғорилганда



ғўзанинг ривожланиши бир текисда бўлиб, сув орқали ўғит эритмаларини бериш натижасида далада жуда қулай агроиклим шароити яратилиб, пахта ҳосилининг ортишига ижобий таъсир этади. Тумандаги айрим илғор фермер хўжаликлари бир гектардан 33,7 центнер пахта хом-ашёсини олган бўлса, томчилатиб суғорилган майдонларда эса гектарга 38,4 ц/га ёки 14% ортиқча олинганлигини кўриш мумкин. Агар томчилатиб суғориш усулининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, ишлатилган сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш, минерал ўғитларни ишлатиш хоражатлари камайиши, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашишда айрим пестицидларни сув билан аралаштириб беришга имконият берувчи истиқболли усуллардан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Томчилатиб суғориш усулини қўллайдиган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида ягона ер солиғидан беш йил муддатгача озод этилади. Чунки охириги йилларда республикада турли қишлоқ хўжалик субъектларининг фаолияти янада эркинлаштирилганлиги сабабли сув ресурсларига бўлган талаб янада ортиб бормоқда. Сувга бўлган талабни тўла қондириш учун иқтисодий усуллардан фойдаланиш ҳисобига қондирилиши ўз самарасини беради.

### 1 -жадвал

#### Томчилатиб ва анъанавий суғориш усулида пахта етиштириш иқтисодий самарадорлиги<sup>34</sup>

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	
			Томчилатиб суғориш (Хитой технологияси)	Эгат бўйлаб суғориш
1	Суғориладиган майдон	Га	100	100
2	1 га дан олинган ҳосил	ц/га	40,0	26,0
3	Қилинган харажат	минг сўм	126528,1	106340
4	Олинган даромад	минг сўм	228 000	148 200
5	Фойда ёки зарар	минг сўм	101471,9	41860
6	Рентабеллик даражаси	%	80,2	39,3
7	Харажатларни қоплаш муддати	Йил	4 йил 2 ой	-
8	Суғоришда сувни иқтисод қилиш	м <sup>3</sup> /га	300 000	-
9	1 га ерга қилинган харажат	Сўм	1265281,0	1063400
10	1 га дан олинган даромад	Сўм	2 280 000	1 482 000
11	1 га дан олинган фойда	Сўм	1 014 719	418 600
12	1 га га сарфланадиган сув	м <sup>3</sup> /га	3 000,0	6 000,0
13	1 га га сувни иқтисод қилиш	Сўм	193 200	-

Мавсумий суғориш миқдори 35-50 % тежаллади, тупроқнинг юқори қатлами донадор ҳолда сақланиб унумдорлиги яхшиланади. Вегетация мобайнида ғўза оддий эгат орқали суғориш усулида 5-6 марта суғорилганда ўртача 5673 м<sup>3</sup>/га сув сарфланса, томчилатиб суғориш усулида эса ғўза 7 марта суғорилиб мавсумий суғориш меъри 3663 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади. Натижада гектарига 1810 м<sup>3</sup>/га (31,9 %) сув тежашга эришилади.

Томчилатиб суғориш усулининг самараси ва устунлиги оддий эгат орқали ва ёмғирлатиб суғориш усулларидадан бир қанча жиҳатлари орқали ёрқин намоён бўлмоқда ва бугунги сув танқислиги сезилаётган ва ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашаётган даврда қишлоқ хўжалигида суғоришнинг ушбу усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: томчилатиб суғориш тизими орқали ўсимликларни суғорганда ҳамма ерни юзаси бир вақтда ва бир меъёрда суғорилади; мавсумий сув миқдори ғўзада 31,9 % тежаллади; томчилатиб суғоришда ғўзани қатор орасига суғоришдан олдинги ва ундан кейинги тупроққа ишлов бериш сони камайганлиги сабабли, ёқилғи мойлаш

<sup>34</sup>Монографик тадқиқотлар асосида ВИИГ аъзоларининг ишланмаси

маҳсулотларини 30-40% гача ҳамда маъданли ўғитлар йиллик меъерининг 20-25 % ни тежашга имкон яратилади, бегона ўтларнинг ўсиши камаяди, тупроқни агрофизикавий хоссалари яхшиланади; томчилатиб суғориш усули оқавасиз ўтказилганлиги учун ирригацион эрозиям жараёни бутунлай тўхтатилади ва шу сабабдан тупроқни унумдорлиги сақланиб қолинади; минерал ўғитлар томчилатиб суғоришда эритилган ҳолда берилганда даладаги ҳамма ўсимликларга бир хил меъерда ва бир вақтда етказиб бериш имкон яратилади; ғўзани касаликка чалиниши камаяди, бунга сабаб трактор билан ишлов берилмаганда ўсимликни илдиз тизими жароҳатланмайди; пахта ҳосили 4,7 ц/га ; сувчининг иш уними ҳам кескин ошади (битта сувчи бир вақтнинг ўзида 10-20 соатда ичида 4 га ерни суғориши мумкин).

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Умурзақов Ў.П., Тошбоев А.Ж. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”.Т. ”Саностандарт” -2014. -480бет
2. Тошбоев А.Ж., Азизкулов Б. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ресурстежовчи технологиялардан фойдаланиш йўллари Монография.-Т.: “MUXR-PRESS”, 2017, 176 бет.
3. Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 1991-2015 йилги спровочниги.

### **СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ИРРИГАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Иминов Тўхтасин Нурмаматович, Курганов Ҳакимжон Рустамович, Жумабоев Алишер Асқаржон ўғли (талаба), ТДАУ Андижон филиали**

#### **Аннотация**

Мақолада суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини ривожлантиришда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологияларни изчиллик билан жорий этиш йўналишларига алоҳида эътибор берилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида ирригация хизматлари соҳасида ва мелиоратив тадбирларни амалга оширишда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш йўлидан борилмоқда. Жумладан, сув ресурсларини бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда, суғориш тармоқларининг техник ҳолати яхшиланмоқда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларнинг сув таъминотини ошириш борасида кенг қўламдаги ишлар олиб борилмоқда, замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, автоматлашган бошқарув ва кузатув тизимини ўрнатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ишларига кенг эътибор берилмоқда. Пахта, шоли каби сувни кўп талаб қилувчи қишлоқ хўжалик экинлари қисқартирилиб, ўрнига бошоқли дон, сабзавот-полиэ эккинлари ва боғ-узумзорлар майдони кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш тармоқни ривожлантириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги энг муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланиши баробарида сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг қўллашга алоҳида эътибор берилиши лозимлиги таъкидланади [5].

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан ирригация ва мелиорация иншоотларини ишлатиш ҳамда замонавийлаштиришга давлат бюджетидан жуда катта маблағларни ажратилиши юқоридаги вазифаларни ижобий ҳал қилишда муҳим бўлиб ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017

йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори ва мазкур қарор асосида Вазирлар Маҳкамасининг 39-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорлар билан 2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш дастури қабул қилинди ва дастурни бажариш доирасида муҳим вазифалар белгиланди. Юқоридагилар асосида ирригация хизматлари соҳасини ва мелиоратив тадбирларини инновацион ривожлантириш ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Шунингдек, суғориладиган деҳқончиликка асосланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун, 80 фоиз трансчегара сувларига боғлиқлиги учун ҳам ушбу вазифалар долзарбликка дахлдордир [2,9].

Бутунжаҳон банкининг 2018 йил май ойида эълон қилинган ҳисоботида кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 1/4 қисми ёки 1,6 миллиардга яқин киши сув етишмайдиган ҳудудларда истиқомат қилмоқда ва бу кўрсаткич кейинги 20 йил давомида икки мартага ортиши кутилмоқда. Яна бир маълумотида асосан, жаҳоннинг 2/3 қисми ёки Хитой ва Ҳиндистон аҳолисининг ярмига яқин аҳоли бир йилда энг камида бир ой давомида жиддий сув етишмовчилигига дуч келмоқда [10]. Бундай шароитда, ер ва сув ресурсларини, сув хўжалик объектларини самарали ишлатишга қаратилган ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларини ўзаро боғлиқликда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Глобал иқлим ўзгаришлари шароитида тежамкор суғориш тизимларидан фойдаланиш кўламларини кенгайтириш ўта муҳим ҳисобланади. Дунё суғориладиган ерларининг 14 фоизи (39 млн. га) тежамкор суғориш усулларида мувофиқ жиҳозланган бўлиб, уларнинг 12 фоизи (33 млн. га) ёмғирлатиш ва фақат 2 фоизи (6 млн. га) микро-суғориш ускуналарида иборат. Тежамкор суғориш тизимлари билан жиҳозланган энг кўп майдон Европа ва Америкада жойлашган. Осиё суғориладиган ерлар бўйича энг катта ўлчам (193 млн. га, дунё суғориладиган майдонларининг 69 фоизи) ни эгаллашига қарамай, фақатгина 8,75 млн. гектар (4,5 фоиз) майдон тежамкор суғориш тизимлари билан жиҳозланган [11]. Дунё бўйича анъанавий суғориш усуллари қўлланилаётган майдонларнинг юқорилиги истиқболда сув тежайдиган технологияларни жорий этиш кўламларини ошириш билан биргаликда катта майдонларни эгатлаб суғоришдаги сув исрофгарчиликлари ва йўқотишлари натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашишининг олдини олиш чораларини кўришни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ирригация хизматларини кўрсатиш жараёнида мелиоратив тадбирларга асос бўладиган ташкилий, иқтисодий, техник, молиявий муаммо ва камчиликларни мавжудлиги ҳамда уларни ортиб бориши ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, тупроқларнинг шўрланишига олиб келмоқда, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Ушбу масалаларни ижобий ҳал этишда эса, суғориладиган ерларда сув истеъмолини режалаштириш ва ташкил этишни такомиллаштириш, тармоқнинг тупроқ-мелиоратив шароитларидан фойдаланиш даражасини яхшилаш, ирригация хизматларини ташкил этиш ҳамда бошқаришни малакали соҳа мутахассислари билан таъминлаш, Сув истеъмолчилари уюшма (СИУ)ларнинг техник ва молиявий таъминотини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш...” масалалари тармоқда амалга ошириладиган алоҳида вазифалар сифатида кўйилди [3].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш чора-тадбирлари комплексини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш ҳамда

сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори қабул қилинди [4].

Ушбу дастурни амалга оширишда қуйидагилар асосий йўналишлари қилиб белгиланди:

- ❖ суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

- ❖ суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолати даражасининг жорий кўрсаткичларини комплекс баҳолаш асосида ирригация-мелиорация тадбирлари сифати ва самарадорлигини ошириш;

- ❖ мелиоратив ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган қурилиш ташкилотларининг, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий сервис хизматлари сифатини ҳамда мелиоратив ва бошқа техникадан, машиналар, ускуналар ҳамда бошқа механизация воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- ❖ сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳамда Давлат дастурининг бошқа қатнашчилари малакасини ошириш масалалари киритилди.

2019 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан қарийб 1,7 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 84 миллион доллар миқдоригаги маблағини йўналтириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, сув омборлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан лалми ерларни ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ана шу мақсадда Тошкент вилоятида жами 45 миллион куб метр сув йиғиладиган “Паркентсой”, “Қизилсой”, “Тоштёпа”, Жиззах вилоятининг Фориш туманида “Караман”, Қашқадарё вилоятида “Гулдара”, “Аяқчисой”, Самарқанд вилоятида “Булунғур” сув омборлари барпо этилиши кўзда тутилмоқда. 2019-2020 йилларда эса, 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти барқарорлаштирилиши, йилига 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежалиши ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши режалаштирилмоқда [6].

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг таркибий қисмига қирадиган ирригация хизматлари соҳаси ва мелиорация тадбирларини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бизнингча, қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ бўларди:

- ❖ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологияларни изчиллик билан жорий этиш;

- ❖ қишлоқ хўжалик экинларининг кам сув талаб қиладиган турлари ва навларидан фойдаланишни тезлаштириш;

- ❖ ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологияларни жорий этишга инвестицияларни жалб этишга имтиёзлар бериш;

- ❖ ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологияларни жорий этишга эришаётган сув истеъмолчиларини рағбатлантириш;

- ❖ ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини амалга оширувчи мутахассисларининг, сув истеъмолчиларининг ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологиялар бўйича малакаларини ошириш ва шу қабилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологияларни изчиллик билан жорий этиш йўналиши бўйича мамлакатимиз миқёсида томчилатиб суғориш, эгатга плёнка тўшаб ҳамда ўк ариқлар ўрнига эгилувчан кўчма қувурлар ёрдамида суғоришни кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда 8,0 минг гектарга яқин майдонда томчилатиб суғориш тизими қурилиб, муваффақиятли тарзда ишлатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил

21 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли Қарорига асосан 2013-2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилди [2].

Ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологияларни жорий этишга инвестицияларни жалб этишда имтиёзларни қўллаш йўналиши бўйича 2013-2014 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг кредит линияси ҳисобига тажриба тариқасида томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш учун тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, уларга кредит бериш, қоидага кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан, камида 3 йил муддатга, имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 6%, шу жумладан банк маржаси — 3% миқдорида белгиланди.

Ресурс (айниқса сувни) тежайдиган техника-технологияларни жорий этишга эришаётган сув истеъмолчиларини рағбатлантириш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги 176-сонли “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори билан тасдиқланди [8]. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4478-сонли Фармони асосида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган сув истеъмолчиларини, ушбу технология жорий қилинган ер майдони бўйича 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш юзасидан Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилди [1]. Шунингдек, томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тежалган сув ресурсларидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилди ва шу қабилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4478-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 21 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. №6 (766). – Б. 223-248.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. <https://president.uz/uz/2228>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалик ходимлари кунига йўллаган табриги. Халқ сўзи, 9.12.2018 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги 176-сонли “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги “2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 39-сон қарори.

10. Joshua B. Water and U.S. National Security. January, 2017. p.3.

11. Гопалакришна М. Площади дождевания и микро-орошения в некоторых странах-членах МКИД. [http://www.cawater-info.net/int\\_org/icid/publications.html](http://www.cawater-info.net/int_org/icid/publications.html)

## **СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАГИ МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИ ИРРИГАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ**

**Иминов Тўхтасин Нурмаматович, Курганов Хакимжон Рустамович, Қорабоев Машхурбек Дониёрбек ўғли (талаба), ТДАУ Андижон филиали**

### **Аннотация**

Мақолада суғориладиган ерлардаги мелиоратив тадбирларни ирригация хизматларига таъсирини яъни сув сарфига экин майдонларининг сизот сувлари жойлашиш чуқурлиги, сизот сувларининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимоти таъсирини баҳолашда эконометрик усуллардан фойдаланиш масаласи ўз ифодасини топган.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатларидан бири - бу ишлаб чиқариш натижаларини табиат билан чамбарчас боғлиқлигидир. Яъни, чекланган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида юқори ҳосилдорликка эришиш асосий мақсад бўлишлиги билан биргаликда, чекланган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланишни таъминлаб беради.

Суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга тўлиқ имконият ярата олмаяпти. Жумладан, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш техникаси элементларини тўғри қўлланилмаслиги, аксарият ҳолларда катта сув сарфлари ва тезлигида амалга оширилиши яъни меъёрларга амал қилинмаган суғоришлар натижасида сув чуқур ер қатламларига сингиб ер ости сизот сувларига қўшилмоқда ва улар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолат ер ости сизот сувлари минераллашган ерларда тупрокнинг шўрланиш жадаллигини кучайишига, чучук сизот сувлари мавжуд бўлган ерларда эса, тупрокнинг ботқоқланишига олиб келмоқда. Юқоридаги ҳолатлар натижасида, 2014-2018 йиллар мобайнида вилоятдаги ер ости сизот сувларининг минерализация даражаси 3-5 г/л бўлган майдонларни 24878 гектарга, 5-10 г/л бўлган майдонларни 1560 гектарга, 10 г/л дан юқори бўлган майдонларни 39 гектарга кўпайиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган 9 минг гектар атрофидаги майдонни мавжудлиги юзага келмоқда [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-3405-сонли қарорида суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолати даражасининг жорий кўрсаткичларини комплекс баҳолаш асосида ирригация-мелиорация тадбирлари сифати ва самарадорлигини ошириш долзарб масалалар қаторида келтирилган [1].

Х.Беркинов, А.Беркинова, Б.Султонов, Х.Холдоровларнинг ёзишича, мутахассислар кузатишлар ёрдамида махфий боғланишларни очишга ва уларни формулалар орқали ифодалашга, яъни ҳодиса ва жараёнларни математик тарзда моделлаштиришга интиломқдалар. Шундай имкониятлардан бирини корреляцион-регрессион таҳлил тақдим этади. Шунинг учун, иқтисодчилар математик моделларни уч хил умумий мақсадда: тушунтириш, башоратлаш, бошқариш учун тузатилар ва фойдаланадилар [2].

Суғоришдаги мавжуд камчиликлар натижасида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига ва сизот сувларининг шўрланиш даражасига қараб тақсимланган майдонларнинг ўзгариши кузатилади. Амалиётда гидромодул районлар бўйича экин турларига қараб эгатларнинг суғориш меъёрларига асосланган сув сарфи белгиланади. Демак, эгатларнинг сув сарфи сизот сувлари жойлашиши чуқурлиги ва сизот сувларининг шўрланиш даражасига қараб тақсимланган майдонларга боғлиқ ва у ўзининг таъсирини ўтказди. Экин турига қараб сув сарфлари, сизот сувлари жойлашиши чуқурлиги ва сизот сувларининг шўрланиш даражасига қараб тақсимланган майдонларнинг кўп (10-15) йиллик маълумотларига кўра, суғориш ва тупроқ-мелиоратив шароитларини корреляцион-регрессион таҳлил усулидан фойдаланиб, реал аҳамиятга эга бўлган натижаларни олиш мумкин [3,4,5].

Сув сарфига сизот сувлари чуқурлигига қараб тақсимланган экин майдонларининг ўзгариш таъсирининг эконометрик баҳолаш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = C \pm r_1 * X_{ссч1} \pm r_2 * X_{ссч2} \pm r_3 * X_{ссч3} \pm r_4 * X_{ссч4} \pm r_5 * X_{ссч5} \quad [7]$$

$$R^2 = 0 \dots n. \quad F = 0 \dots n.$$

бунда,  $Y$  – сув сарфи

$X_{ссч1}$ - сизот сувлар чуқурлиги 0-1,5 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч2}$ - сизот сувлар чуқурлиги 1,5-2 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч3}$ - сизот сувлар чуқурлиги 2-3 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч4}$ - сизот сувлар чуқурлиги 3-5 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч5}$ - сизот сувлар 5 метр ва ундан юқори чуқурликга эга экин майдонлари,

$C$  – ўзгармас сон,

$r_1, r_2, r_3, r_4, r_5$ - регрессия коэффициентлари,

$R^2$  – детерминация коэффициенти,

$F$ - Фишер индекси.

Сув сарфига сизот сувларининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланган экин майдонларининг ўзгариш таъсирини эконометрик баҳолаш формуласи эса, қуйидаги тенгликлардан иборат бўлади:

$$Y = C \pm r_1 * X_{ссшд1} \pm r_2 * X_{ссшд2} \pm r_3 * X_{ссшд3} \pm r_4 * X_{ссшд4} \quad [7]$$

$$R^2 = 0 \dots n. \quad F = 0 \dots n.$$

бу ерда,  $Y$  – сув сарфи

$X_{ссшд1}$ - сизот сувларининг шўрланиш даражаси 0-1 г/л гача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссшд2}$ - сизот сувларининг шўрланиш даражаси 1-3 г/л гача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссшд3}$ - сизот сувларининг шўрланиш даражаси 3-5 г/л гача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссшд4}$ - сизот сувларининг шўрланиш даражаси 5-10 г/л гача бўлган экин майдонлари.

Корреляция коэффициентининг манфий қиймати юқорида келтирилган ҳодисалар ўртасидаги тесқари боғланишни кўрсатади. Жумладан, ирригация ва мелиорация хизматлари доирасида сув сарфини ўзгаришига сизот сувларнинг чуқурлиги ва уларнинг шўрланиш даражасига кўра тақсимланган майдонларнинг ўзгаришини ижобий таъсири улар ўртасидаги тесқари боғланишни, салбий таъсири эса, тўғри боғланишни ифодалайди. Яъни сизот сувларининг жойлашиши чуқурлиги 1,5-2 метргача ва 2-3 метргача ҳамда уларнинг шўрланиш даражаси 1-3 г/л бўлган майдонларнинг ортиши сув сарфини

тежалишига, бошқа ҳолатларда ортиқча сув сарфи ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Шунга мувофиқ, сув сарфига экин майдонларининг сизот сувлари жойлашиш чуқурлиги, сизот сувларининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимооти таъсир этади. Мазкур омилларнинг сув сарфига таъсирини баҳолашда эконометрик усуллар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, корреляцион-регрессион таҳлил асосида сув сарфига сизот сувларининг чуқурлигига қараб тақсимланган ер майдонларининг ўзгаришлари таъсири баҳоланди.

Баҳолаш жараёнида 2009-2018 йиллар мобайнида Андижон вилоятининг сизот сувларни чуқурлигига қараб тақсимланган ер майдонларини беш гуруҳга бўлиб ўргандик. Яъни, биринчи гуруҳда сизот сувлар чуқурлиги 1,5 метргача, иккинчи гуруҳда 1,5-2 метргача, учинчи гуруҳда 2-3 метргача, тўртинчи гуруҳда 3-5 метргача ҳамда 5-гуруҳда 5 метр ва ундан юқори бўлган майдонлар тарзида ўрганилди. Ўрганишлар натижасида сизот сувларнинг чуқурлиги 0-5 метргача бўлган ер майдонларнинг ўзгаришлари сув сарфини тўғри боғлиқликда ортишига олиб келган бўлса, аксинча 5 метр ва ундан юқори ер майдони ўзгариши сув сарфини камайишига олиб келмоқда [6].

Сизот сувларнинг 1,5-2 метргача чуқурликдаги ҳамда 1-3 г/л шўрланиш даражасига эга экин майдонларининг 1 фоизга ўсиши мос равишда сув сарфини 0,6 ва 0,7 фоизларга қисқаришига олиб келаётганлигини корреляцион-регрессион таҳлил асосида аниқладик (1-жадвал).

1-жадвал

Сизот сувларнинг 1,5-2 метргача чуқурликга ҳамда шўрланиш бўйича 1-3 г/л даражага эга экин майдонлари ўзгаришининг сув сарфига таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари

<b>Корреляция коэффицентлари</b>		
	<i>У</i>	
X1	-0,19	
X2	-0,68	
<b>Регрессия коэффицентлари</b>		
	<i>Коэффицентлар</i>	<i>t статистика қийматлари</i>
С	5,89	4,81
Сизот сувлар чуқурлиги 1,5-2 метргача бўлган экин майдонлари (X1)	-0,60	-1,14
Шўрланиш 1-3 г/л даражадаги экин майдонлари (X2)	-□,70	-2,79
$Y = 5,89 - 0,6 * X1 - 0,7 * X2$		
$R^2 = 0,54. F = 4,2.$		



Шунингдек, сизот сувларнинг 2-3 метргача чуқурликга эга экин майдонларнинг 1 фоизга ўсиши сув сарфини 0,41 фоизга камайтирмоқда. 3-5 г/л шўрланиш даражасидаги экин майдонларининг 1 фоизга ўсиши сув сарфини сезиларсиз, яъни 0,01 фоизга оширмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Сизот сувларнинг 2-3 метргача чуқурликга ҳамда шўрланиш бўйича 3-5 г/л даражага эга экин майдонлари ўзгаришининг сув сарфига таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари**

<b>Корреляция коэффицентлари</b>		
	<i>У</i>	
X1	-0,58	
X2	0,08	
<b>Регрессия коэффицентлари</b>		
	<i>Коэффицентлар</i>	<i>t статистика қийматлари</i>
С	3,96	11,61
<i>Сизот сувлар чуқурлиги 2-3 метргача бўлган экин майдонлари (X1)</i>	-0,41	-2,06
<i>Шўрланиш 3-5 г/л даражадаги экин майдонлари (X2)</i>	0,01	0,74

$Y=3,96-0,41 \cdot X1+0,01 \cdot X2$   
 $R^2=0,38. F=2,17.$

Юқоридагилар асосида хулоса қилсак, сув сарфига кучли таъсир этаётган омил сизот сувларнинг чуқурлик даражаси бўйича тақсимотининг ўзгариши экан. Чунки, экин майдонларида 1,5-2 метргача сизот сувлар чуқурлигига мос ўлчовдаги эгат узунликлари ҳамда шунга мос эгат чуқурликларини танлаш самарали ҳисобланар экан. Яъни, мазкур тадқиқотларни амалга оширилган экин майдонлари учун сув сарфини камайтиришга мос эгат узунлиги 70-90 метр ҳамда чуқурлиги 12-14 сантиметр бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, корреляцион регрессион моделларнинг 1–2-жадваллардаги берилган тенгликларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, бизнингча, суғоришни ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга оладиган эконометрик усуллар ёрдамида оптимал суғориш техникаси элементлари асосида ташкил этиш натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳаражатларининг ва шўр ювишга сарфланадиган сувларнинг тежалишига олиб келади ҳамда уни эвазига суғориш тармоғининг охирида жойлашган экин майдонларини сув билан таъминлашни яхшиланишига эришиш мумкин бўлади. Оқибатда, ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирлари сифати ҳамда самарадорлигини ошириш имкониятлари кенгайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори.
2. Беркинов Х., Беркинова А., Султонов Б., Холдоров Х. Иқтисодий масалаларда корреляцион-регрессион таҳлил моделлари тадбиқи. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.:“IQRISOD-MOLIYA”, 2010. –108 б.
3. Иминов Т.Н. Суғориладиган ерларда ирригация ва мелиорация хизматларини боғлиқликда амалга ошириш. //AGRO ILM , 2014. –2-сон. –88-б.

4. Иминов Т.Н. Суғоришни ерларнинг мелиоратив ҳолатига ва хизматларга таъсирининг ҳозирги ҳолати. //Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент, ЎзБИИТИ, 2015. –143-146 б.

5. Иминов Т.Н., Сафина Н.Т. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини ривожлантириш йўллари. //Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. АндҚХИ, 2018. –304-307 б.

6. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Мелиоратив экспедиция маълумотлари.

7. Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

## **СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАГИ ИРРИГАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**Иминов Тўхтасин Нурмаатович, Курганов Хакимжон Рустамович, Убайдуллаев Режабали Хабибулло ўғли (талаба), ТДАУ Андижон филиали**

### **Аннотация**

Мақолада суғориладиган ерлардаги ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган ва ирригация хизматларини мелиорация тадбирларига таъсири, алоқадорлиги нуқтаи назаридан самарадорлик кўрсаткичлари ўз ифодасини топган.

Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тадбирларининг барча харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланиши қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда муҳим омил бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда [2]. Ушбу маълумотлар суғориладиган ерлардан фойдаланишда ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини ривожлантиришга алоҳида эътиборни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан, суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирлари билан шуғулланувчи ташкилотларда ушбу хизматлар ҳамда тадбирларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ирригация-мелиорация фондларидан самарали фойдаланиш жараёнида уларнинг ўзларига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш лозим.

Биринчидан, қишлоқ хўжалик экинлари ўсишидаги биологик хусусиятларини ҳисобга олишнинг мураккаблиги яъни бир хил ўлчамдаги майдонда бир хил экин етиштириш учун ҳар-хил меъёрларда сув сарфланиш ҳолати мавжуд. Бу барча суғориладиган ерлар учун сув ресурслари манбаи таркибини қишлоқ хўжалиги экинлари сув истеъмоли ҳажми билан мослаштирадиган такомиллашган хизмат кўрсатиш тизимини яратишга тўсқинлик қилади.

Иккинчидан, суғориладиган ерлар кесимида сув ресурсларининг нотекис тақсимланганлиги ва битта худуднинг тупроқ-мелиоратив шароитларини турли-туманлиги кузатилади. Шунинг учун, сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида сувларни қайта тақсимлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам ва тизимли яхшилаб туриш учун бюджет маблағларини сарфланишига олиб келади.

Учинчидан, ўз вақтида ва керакли ҳажмлардаги ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини 80 фоиз атрофида трансчегара сувлари ҳисобига амалга оширилади ва бундай ҳолат ушбу хизматлар ҳамда тадбирларни чегарадош мамлакатларнинг ушбу сувларга ижтимоий-иқтисодий муносабатларига қараб шаклланишига, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишга, сув исрофгарчилигини олдини олишга мажбур қилади.

Тўртинчидан, ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларидан фойдаланиш жараёнида табиий ресурс (ер ва сув) лар сифатига таъсир ўтказилади. Бунинг оқибатида чекланган табиий ресурслар қаторига кирувчи суғориш суви ва суғориладиган ерлардан иқтисодий фаолиятда фойдаланиш имконияти қисқариши содир бўлади.

Бешинчидан, сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларни суғориш тармоғига нисбатан жойлашувининг ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини кўрсатиш, агромахсулот етиштириш самарадорлигига таъсири мавжуд. Шу туфайли, ер-сув ресурслардан адолатли ва тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш ниҳоятда зарур.

Олтинчидан, суғориладиган ерларда кўрсатиладиган ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларига бозор тамойиллари ва механизмларини қўллаш имкониятларининг чекланганлиги. Чунки, сув таъминотида рақобат бўлиши мумкин эмас, чунки сув битта ариқ ёки манбадан берилади, бунда бозор муносабатлари чекланган, бошқача айтганда, бу табиий монополия ҳисобланади, шунингдек, сувга ва ирригация-мелиорация фондларига давлат мулкчилиги мавжуд ва ҳоказолар.

Ўзига хос бўлган ушбу хусусиятлар ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини ўзаро боғлиқ ривожлантириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини боғлиқликда ошириш асосларини яратади, шунингдек, уларни хизматлар кўрсатишда ва тадбирларни амалга оширишда ҳисобга олиш ер-сув ресурслари самарадорлигини ортишига кўмаклашади.

З.А.Артукметов маълумотларига кўра, Ўзбекистонда жами фойдаланиладиган сувларнинг 92 фоизи суғоришга, 5,5 фоизи коммунал-маиший хўжалик ва 1,5 фоизи саноат эҳтиёжларига, 0,8 фоизи балиқчиликка ва 0,2 фоизи энергетика мақсадларида фойдаланилади [5]. Андижон вилояти бўйича ушбу кўрсаткичлар қуйидаги 1-жадвал маълумотларида келтирилган.

### 1.2.1-жадвал

#### Андижон вилоятида сув ресурсларидан фойдаланиш таркиби [12]

Сувни истеъмол қилувчи ва сувдан фойдаланувчи тармоқлар	2014 йил		2018 йил		2018 йил 2014 йилга нисбатан, %
	Ҳақиқатда олинган сув, млн. м <sup>3</sup>	Жамига нисбатан фоизда, %	Ҳақиқатда олинган сув, млн. м <sup>3</sup>	Жамига нисбатан фоизда, %	
Суғориш	2465,0	91,43	2464,8	91,23	99,99
Саноат	2,2	0,04	2,2	0,04	100,00
Коммунал-маиший хўжалик	122,2	2,52	122,2	2,50	100,00
Қишлоқ хўжалик	211,1	5,33	229,8	5,41	108,86
Балиқчилик хўжалиги	32,8	0,68	32,8	0,82	100,00
Жами:	2833,3	100,00	2851,8	100,00	100,65

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда сув манбаларидан ҳақиқатда олинган сувларнинг энг катта улуши ёки 92 фоизи қишлоқ хўжалик экинларини

суғоришга сарфланади. Шунинг учун, сув ресурсларидан экинларни суғоришда фойдаланишнинг амалдаги даражаси, уни кўпайтириш имкониятларининг чегараланганлиги суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича чораларни амалга оширишни доимий заруриятга айлантиради.

Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сувларни етишмаслиги сабабларини, суғориш сувидан унумли фойдаланиш йўлларини ҳамда самарали ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини шакллантириш шароитларини суғориладиган ерлардан қидириш лозимлигини кўрсатади, шунингдек, уни ривожлантиришни соҳа мутахассисларининг асосий вазифасига айлантиради.

Шу ўринда, ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги олимлар томонидан билдирилган муносабатлар қимматли аҳамиятга эга. Жумладан, Ў.П.Умурзақов, Т.Ризаевлар суғориладиган ерларда ушбу хизматлар ва тадбирларининг ривожланиши уни бошқаришда иштирок этувчиларнинг реал рағбатига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Сув истеъмолчилари сув хўжалиги объектларини сақлаш, уни ишончли ишлашини таъминлаш учун катта сарф ҳаражатлар қиладилар. Шу сабаб, улар ушбу ҳаражатларни тўла оқланишидан манфатдор бўлади. Бундай шароитда сув истеъмолчиларини рағбатлантирувчи асосий омил – бу сувни кафолатли таъминлашдир. Сув истеъмолчилари энг арзон сувга ҳамма вақт ҳам асосий эътиборини қаратмайди, аниқроғи, агар сув таъминоти ва хизматлар кафолатланган бўлса улар сувга юқори ҳақ тўлашга доимо тайёр бўлади [7].

З.С.Шохўжаева қишлоқ хўжалигида суғориш тизимларини мунтазам жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида олиб борилиши сувлардан фойдаланиш коэффициентини кўтарилиши ҳисобига ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади, деган фикрни илгари суради. Шунингдек, суғориш тизими қандай бўлмасин барибир молиявий маблағ билан боғлиқлигини таъкидлайди [9].

А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниевлар эса, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашаётганлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётганлиги, суғориш иншоотларининг ишга яроқлилик ҳолати пасайиши, ер ва сувлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантиришнинг сустлигини ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабаблар қаторига қўшадилар [3].

Марказлаштирилган бошқарув тизими ва давлат бюджети ҳисобига суғориладиган ерларни молиялаштириш сув истеъмолчиларига самарали хизматни таъминлай олмайди. Бунинг асосий сабаби эса, ирригация тармоқлари ва ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиб бориши, сувнинг иқтисодий самарадорлигининг секин ўсиши, ерларнинг деградацияга учраши, атроф-муҳитни ифлосланиши, сув тақсимотидаги камчиликлар, сув исрофгарчилигининг кўплиги ва ҳоказолардир. Шунинг учун, суғорма деҳқончиликда ер-судан тежамли фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини оширишни суғориладиган ерларда фаолият олиб бораётган субъектларининг ўзларига юклатиш энг мақбул усулдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПКҚ-3405-сонли қарорида суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва фойдаланишни, ирригация-мелиорация тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш вазифаси ҳам қўйилган [1].

Ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирларини ўзаро боғлиқликда ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ушбу фаолиятни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш ҳисобланади. Шунга мувофиқ, сув хўжалигида ирригация ва мелиорация хизматларининг самарадорлигини ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар ёрдамида аниқлашга эришиш вазифаси ўта муҳимдир. Маълумки, хизматлар доирасидаги самарадорлик – бу хизматлар

учун сарфланган ресурслар (моддий, меҳнат, табиий ва ҳоказолар) ҳаражатларини копланишидир. Даставвал ушбу тизимда кўрсатиладиган ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирлари самарадорлигига доир олимлар фикрларига назар ташласак. Бунда улар томонидан айнан ирригация хизматлари ва мелиорация тадбирлари самарадорлиги биргаликда ўрганилмаганлигини таъкидлаган ҳолда, аксарият олимларимиз фикр ва қарашларида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини алоҳида, мелиорация тадбирлари самарадорлигини алоҳида кўрилганлигини ва уларни ўзаро алоқадорликда ўрганиш масаласига мурожаат этилмаганлигини қайд этиш жоиз.

Жумладан, МДХ олимларидан М.Ф.Кудин [10], В.С.Дмитриев, А.К.Заикина, В.Б.Яблошинская, В.П.Штыка, О.А.Лазутина [11] республикаимиз олимларидан З.Я.Худойбергандон фикрига кўра, сув ресурслари самарадорлиги суғориладиган майдон бирлигига сарфланган сувлар миқдори, сарфланган сувлар бирлигига қилинган ҳаражатлар, сарфланган сувлар бирлигига олинган маҳсулот, соф даромад ва фойда ҳамда шу кабилар билан белгиланади [8].

А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниевлар эса, суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти, суғориш сувидан фойдаланиш коэффициенти, сувдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ёрдамида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ифодаланиши илгари суришади [3].

Мелиоратив тадбирлар самарадорлиги бўйича МДХ давлатлари олимларидан В.С.Дмитриев, З.А.Сыромятникова, Н.С.Путьято [10], М.М.Фарзалиев, А.М.Мусаев, И.М.Аскеровлар [11], малакатимиз олимларидан А.С.Султонов ва бошқалар таъкидлашларига қараганда, мелиорацияланган ерлар бирлиги ва унга сарфланган капитал маблағлар бирлиги ҳисобига олинган ҳосил, маҳсулот ва соф даромадлардан иборат [6].

С.Авезбаев, С.Н.Волковлар эса, мелиорацияланган ерларда ҳосилдорликнинг ўсиши, мелиорацияланган ерлар бирлигига сарфланган ҳаражатлар, капитал ҳаражатлар бирлигига олинган қўшимча соф даромад, капитал ҳаражатларни меъёрларга нисбатан копланишини мелиоратив тадбирларнинг самарадорлиги сифатида келтириб ўтганлар [4].

Юқоридагилар ва ирригация хизматларини мелиорация тадбирларига таъсири, алоқадорлиги нуқтаи назаридан ушбу хизматлар ва тадбирлар бўйича қуйидаги самарадорлик кўрсаткичларини таклиф қиламиз:

- 1 га экин майдонида ҳақиқатда берилган сувни меъёрга нисбатан салмоғи, %
- 1 м<sup>3</sup> тежалган сув ҳисобига олинмиши мумкин бўлган:
  - маҳсулот, сўм
  - фойда, сўм
- сув тежайдиган технологиялар қўланилаётган майдонларнинг жами суғориладиган майдонлардаги салмоғи, %
- сув тежайдиган технологиялар қўланилиши ҳисобига олинган қўшимча:
  - ҳосил, ц
  - маҳсулот, минг сўм
  - фойда, минг сўм
- ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги 0-2 метр бўлган суғориладиган ерлар салмоғи, %
- ер ости сувларининг шўрланиш даражаси 0-3 г/л бўлган суғориладиган ерлар салмоғи, %
- шўрланмаган ерларни жами суғориладиган ерлардаги салмоғи, %
- суғориладиган ерлардаги мелиоратив ҳолати яхши майдонларнинг салмоғи, %
- 1000 сўм ирригация ва мелиорация ҳаражатлари ҳисобига олинган қўшимча:
  - ҳосил, ц
  - маҳсулот, минг сўм
- ирригация ва мелиорация хизматлари рентабеллиги, %

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-3405-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил 10 декабр.
3. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2010. –83 б.
4. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. Дарслик. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –249 б.
5. Артуқметов З.А. Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш – Т.: ТДАУ, 2007. –3 б.
6. Султонов А.С., Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. –Т.: ТИМИ, 2008. –116 б.
7. Умурзақов Ў.П., Ризаев Т. Сув истеъмолчилари уюшмаларини барқарор ривожлантириш имкониятлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011. –№11. –25 б.
8. Худайбергенов З.Я. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Монография. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009. –22-24 б.
9. Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш / Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Қарши, 2010. –25,131 б.
10. Экономика мелиорации земель. –М.: Колос, 1981. –5-15с., Эффективность мелиорации и водного хозяйства. –М.: Агропромиздат, 1986. –36-40 с.
11. Эффективность мелиорации и водного хозяйства. –М.: Агропромиздат, 1986. –76-79 с.
12. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари.

## **Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини баргараф этиш йўллари**

**Мирзаев Мусурмон Умидуллаевич**  
**ТошДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти**

### **Аннотация**

Қишлоқ хўжалигида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришни инновацион ривожлантириш, сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, сув ресурсларини етказиб бериш хизматини самарали ташкил қилиш ёритилган.

В статье рассматриваются вопросы использование и инновационные развитие управление трансграничный водных ресурсов в сельском хозяйстве, необходимые мероприятия при нехватки воды, а также оптимальное организации службы доставки водных ресурсов.

The article discusses the use and innovative development of water resources management in agriculture, the necessary action in the event of water shortages, and the optimal organization of water delivery services


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ қишлоқ хўжалигида ҳам тубдан ислохотлар амалга оширилмоқда, хўжалик юритишни ва

мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келди ҳамда сувдан фойдаланиш ва уни бошқаришда ҳам ислохотлар амалга оширилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ”суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва иригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш”<sup>35</sup> бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни самарали ечим топиши қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштиришни тақазо этади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги “Сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисидаги” қарори билан Марказий Осиёда биринчи бўлиб, мамлакатимизда иригация тизимларини бошқариш маъмурий –ҳудудий принципдан ҳавза принципига ўтилиши натижасида республикада сув ресурсларини бошқаруви билан шуғулланувчи мавжуд 230 дан ортиқ сув хўжалик ташкилотлар ва хизматлар негизида, 10 та иригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва бирлашган диспетчерлик марказига ега бўлган Фарғона водийси магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил етилди.

Албатта бу тизимни бошқарув жараёни қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларини сувга бўлган еҳтиёжини қондириш ҳамда суғориш жараёнида сувни доимий етказиб бериш амалга оширилмоқда. Амалга оширилган ислохотлар натижасида қуйидаги имкониятлар юзага келди:

- сув манбаи билан сувни бевосита истеъмолчилари ўртасидаги ортиқча оралик бўғинларни юқотди;
- сувдан фойдаланишни режалаштириш ва тақсимлашни ҳамда бошқаришни илмий асосда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкони юзага келди;
- сув манбаи бўйича барча истеъмолчиларни уларнинг талабига пропорционал таъминлаш имконини яратди, сув хўжалиги ташкилотлари раҳбар ва ходимларнинг масъулятини оширди;
- сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий қилиш учун пухта замин яратди.

Айни пайтдаги сувдан фойдаланиш жараёнлари тобора муракаблашиб бормоқда шу сабабли сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш, сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича лимитларни ўрганиш, сув олиш ва ундан фойдаланиш шартномаларини тузиш, шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, сувнинг кундалик истеъмолини, ҳисоб-китоби ва ҳисоботини юритиш, сув ресурслари балансини ишлаб чиқишда тубдан ўзгартиришлар киритилди.



- ирригация тизимлари ва магистрал каналлар бўйича вилоятларга, иқтисодиёт тармоқларига ва туманларга;  
 - сув омборлари ва магистрал каналлар бўйича насос станциялари режими

- ирригация каналлари бўйича иқтисодиёт тармоқларига туманларга ва сув истеъмолчилари уюшмаларига;  
 - тегишли ирригация тизимида хизмат қилувчи насос станциялари ва скважиналари режими

- Фермерлар ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув Истеъмолчиларига

### 1-Чизма. Сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаш тартиби

2015-2016 йилларда Амударё ҳавзасида Қорақумдарёнинг юқорисидаги Отамурот йўлининг кескин қисқариши натижасида бу норманинг 88,9% ташкил этди. 14,624 миллион м<sup>3</sup> нисбатда, бу аслида 12,995 миллион м<sup>3</sup> ни ташкил этди.

#### 1-жадвал

#### Давлатлар миқёсида вегетация даврида ажратилган ва фойдаланилган сув ресурсларининг белгиланган лимитлари

Истеъмол қилувчи давлатлар	Лимит млн.м <sup>3</sup>	Ҳақиқатда млн.м <sup>3</sup>	%
Тожикистон Республикаси	2871,1	3030,1	105,5
Туркменистон	6500,0	6323,6	97,3
Ўзбекистон Республикаси	6350,0	6054,3	95,3
Жами	15721,1	15408,0	98,0

Шу билан бирга, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича баъзи муаммолар мавжуд. Худудларда сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар, яъни ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларини бузилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан олинган сув миқдорини ҳисобини юритиш қоидаларига амал қилмаслик каби ҳолатлар аниқланиб, сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларни бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ 2017 йилда 2 684 та ҳолат юзасидан тузилган баённомалар асосида 603,4 млн сўм миқдорида жарима ундирилди. Шунинг учун сувдан самарали фойдаланишни бошқариш, сувга лимит асосида ҳақ тўлаш тартиб-қоидалари ҳамда шартномавий муносабатларни бозор механизмларига мослаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда лимит асосида ҳақ тўлаш ва сифатли етказиб бериш СИУлари ва фермер, деҳқон хўжаликлари ўртасидаги муносабатни такомиллаштириш энг асосий муносабатлардан бири сифатида хизмат қилади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари лимит асосда белгиланган суммани тўлаш албатта истеъмол қилинган сув миқдорига асосланади, шунинг учун ҳам СИУлари ҳар бир фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўзининг асосий ер майдони ҳудудига кирувчи сув тармоғига сув ўлчаш қурilmаларини ўрнатиб бериш зарурияти туғилмоқда. Бунинг натижасида фермер ва деҳқон хўжаликлари аниқ сув меъёрини ҳисобини юритиш имкониятига эга



бўлади ҳамда юқоридаги каби муаммолрни яъни шартномавий муносабатларда камчиликларни бартараф этиш юзага келади.

СИУларни фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бошқарув фаолияти самарали ташкил этилган иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланган СИУлари, бошқарув фаолияти самарали ташкил этилмаганган иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланмаган СИУлари ўртасида семинар тренинглари олиб бориш корпоратив ҳамкорликни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Сув ресурслардан самарли фойдаланишда тежамкор технологияларни қўллаш орқали кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни купайтириш имкониятлари жуда ям кенг. Томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғоришни лалми ерларда жорий этиш орқали интенсив боғлар ва чорвачиликни ташкил этиш, озуқа базасини яратиш лозим. Бу аҳолини озик-овқатга бўлган талабини қондиришга ҳам хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда юз бераётган сув муаммосини қўйидаги учта йўл билан ҳал қилиш мумкин:

*Биринчидан*, дарё сувини тўла тартибга солиш керак. Дарё суви сув омборлари қуриш йўли билан тартибга солинади. Сув омборлари қуриш кўп мақсадларни кўзлайди. Бу қурилиш сув таъминотини йўлга қўйиши дарёлар сувини тартибга солиши, энергия ресурсларидан фойдаланишни таъминлаши, суғориш ва сув чиқаришни ривожлантириш, транспорт магистралларини яратилиши, балиқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда сув тошқинлари олдини олиш керак.

*Иккинчидан*, бу қурилиш сув ҳавзалари ўртасида сувни қайта тақсимлаш йўли билан сув ресурслари ҳаддан зиёд бўлган районлардан уларнинг анчагина қисмини сув хўжалик районларга олиб бориш имконини беради. Сув ресурсларини худуд бўйича қайта тақсимлаш ишлари мамлакатимизда кўп вақтдан буён ўтказиб келинади. Ҳозирги вақтда Амударё сувининг бир қисми Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларига етказиб берилмоқда.

*Учинчидан*, ҳар бир ҳавза ичида сувни тежаб сарфлашга қаратилган сув хўжалиги ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирларга сув хўжалиги тизимларини қайта тузиш, оқова сувлардан такроран фойдаланиш, янги техникани, сув хўжалиги ташкилотлари билан сув истеъмолчилари ўртасида бозор муносабатларини жорий қилиш киради.

Бундан ташқари сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар

Манбаларнинг сув таъминотига қараб сув лимитини белгилаш ва унинг асосида сув ресурсларини оператив бошқариш

Каналлардаги фильтрацион, техник ва ташкилий йўқотишларни олдини олиш ҳамда уларнинг Ф.И.К. ларини ошириш.

Каналлар бўйича сувнинг айланма графикларини ишлаб чиқиш ва шу асосда сув тақсимотини амалга ошириш.

Коллектор-дренаж, ер ости, сой ва булоқлардан қушимча сув олиш чораларини кўриш

Сувдан фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш, сувнинг беҳуда сарфига йул қўйганларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш

Чора тадбирларни мақсадли ва иноватцион технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилиши сув хизматини етказиб беришда асос бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”

2. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Тошкент шаҳри. 1993 й. 2 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув ресурсларини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 320-сонли қарори

4. Мусурманов Р.К., Худайев И.Ж., Рўзиев А.А. Томчилатиб суғоришда интенсив технология. “Суғорма деҳқончиликда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг экологик жиҳатлари” *Мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами 22-23 апрел 2014 йил “Соғлом бола йили” га бағишланади.* Бухоро 2014 йил. 14-16 б.

5. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)

6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

7. [www.farmining.co.uk](http://www.farmining.co.uk)

**UDK 504.75:33849**

## **EKOLOGIK INFRATUZILMANI SHAKLLANTIRISHDA DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIGI MEXANIZMLARIDAN FOYDALANISH**

**D.R.Rustamova, TIQXMMI katta o'qituvchisi**

**M.I.Usarova, TIQXMMI talabasi**

### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada davlat va xususiy sektor o'rtasidagi o'zaro hamkorlikni, ekologik muammolar, ularning yechimini topish uchun qo'llash, maxsus tizim va loyiha ishlab chiqish bo'yicha taklif va tavsiyalar yoritilgan.

Maqolaning asosiy maqsadi, yurtimizning ekologik infratuzilmasida davlat-xususiy sherikchiligi mexanizmlaridan foydalanib xususiy sektorlarni davlat bilan hamkorlikka jalb qilish, innovatsion yangi loyiha ishlab chiqib, u orqali ekologik muammolarga yechim topish, davlat xarajatlarini kamaytirish hamda iqtisodiyotni rivojlantirish.

Hozirgi kunda iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida olib borilayotgan uzoq muddatli salbiy tendensiyalar, faoliyat yuritayotgan hamda yangidan-yangi qurilayotgan kimyoviy zavodlar, korxonalar, bundan tashqari turli xil maqsadlarda foydalanish oqibatida unumdorlik darajasi pasayib borayotgan yerlar O'zbekistonning ekologik holatiga sezilarli darajada zarar keltirmoqda. Ushbu muammoni yechish maqsadida yurtimizda tegishli qonun va qarorlar, tizim ishlab chiqilgan, davlat byudejidan mablag'lar ajratilmoqda. Lekin olib borilayotgan tadbirlar yetarli darajada samara keltirmayapti. Chunki dolzarb bo'lgan atrof-muhit muammolarining keskin va murakkabligi, jamiyat hayotiga ekologik tahdidlar mavjudligini, global ekologik inqiroz xavfining mavjudligini hisobga olsak, bu sohaga byudjetdan moliyalashtirish uchun mablag' yetishmasligi kelib chiqadi. Ekologiya sohasida texnik va iqtisodiy sharoitlarning rivojlanmaganligi va tizimli kam rivojlanganligi, atrof-muhit infratuzilmasi obyektlarining yetarli darajada ta'minlanmaganligi mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi va raqobatbardosh iqtisodiyotni yaratishdagi muammoli masalalar qatoriga kiradi.

Bugungi kunda jahonning ko'pgina mamlakatlarida ekologik iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlaridan biri bu - davlat – xususiy sherikchiligi mexanizmlaridan foydalanishdir. Ekologik infratuzilmaning obyektlari orasida atrof-muhitni muhofaza qilishni ta'minlash, tabiiy resurslarni qayta tiklash, saqlash va yaxshilashni ta'minlaydigan ixtisoslashtirilgan korxonalar va tashkilotlar, yakka tartibdagi tabiat obyektlari, muhandislik inshootlari va kommunikatsiyalari, ishlab chiqarish va texnologik tizimlar va ijtimoiy obyektlarning tarkibiy va funksional elementlarini tashkil etish zarurdir. [1]

Zamonaviy sharoitda atrof-muhit infratuzilmasini shakllantirishdagi muvaffaqiyatning muhim yo'nalishi davlat va xususiy sektorlar o'rtasidagi hamkorlikni, shuningdek, davlat-xususiy sherikchiligidagi institutsional, tashkiliy, iqtisodiy, moliyaviy, investitsion, innovatsion va boshqa

boshqaruv qarorlarini qo'llab-quvvatlash, ulardan foydalanishni yo'lga qo'yish hisoblanadi. Atrof-muhit infratuzilmasini rivojlantirishda ijtimoiy ahamiyatli loyihalarda davlat-xususiy sherikchiligi mexanizmlaridan foydalanish yo'nalishlarini tanlash bo'yicha hokimiyat organlari uchun amaliy tavsiyalar ishlab chiqish kerak. O'zbekistonda atrof-muhit infratuzilmasini rivojlantirishda davlat-xususiy sherikchiligining salohiyati ko'plab qo'shimcha resurslar, aholi turmushiga tahdid soluvchi ijtimoiy ahamiyatga molik ekologik muammolarni hal etish imkoniyatlari, iqtisodiyotning ishlashi, uning samaradorligi va raqobatbardoshligini o'z ichiga oladi.

Xususiy sektorni ijtimoiy muammolarni hal qilishda ishtirok etishining asosiy afzalliklariga quyidagilar kiradi:

- ekologik infratuzilmaning davlat moliyalashtira olmagan qismini xususiy sektorlar barqaror moliyaviy mablag'lari asosida moliyalashtirish;
- xususiy sektorlarning faoliyatida ularning ishlash sifati va ularning sonini oshirish potentsiali;

- olimlar va amaliyotchilarning hisob-kitoblariga ko'ra, yanada samarali boshqarish, bilim, yangi texnologiyalarni qo'llash, moslashuvchanlikni ta'minlash va yechimlarni optimallashtirish;

- rivojlanish, loyihalarni amalga oshirish, biznesni rivojlantirishning shaffoqligini oshirish.

Tabiatni muhofaza qilish infratuzilmasini shakllantirishda davlat-xususiy sherikchiligi mexanizmlarini ishlab chiqish va qo'llash loyihani shakllantirishning zamonaviy mezonlari va algoritmlarini aniqlashni talab qiladi. [2] Davlat organlari oldida loyihalarni qanday tartibda ishlab chiqishi, qonun-qoida, qarorlarni qabul qilishi, ekologik infratuzilmani ma'lum tizimlarga ajratib, tizimlarni tashkil etishi hamda ularni qay ko'rinishda xususiy sektorlarga bo'lib berishi, xususiy sektorlar bilan hamkorlikda davlat-xususiy sherikchilik faoliyatini yuritishi kabi asosiy vazifalari yotadi. Ushbu vazifalar bilan bir qatorda:

- Atrof-muhit infratuzilmasini rivojlantirish va rivojlantirishda davlat-xususiy sherikchiligini shakllantirish milliy loyhasini ishlab chiqish va amalga oshirishi;

- davlat-xususiy sherikchilik mexanizmlariga muvofiq loyihani amalga oshirishning samaradorligi va samaradorligi ko'rsatkichlarini aniqlashi;

- ekologik infratuzilmaning muayyan turlarini shakllantirishda loyihaning dastlabki va yakuniy natijalari prognozini amalga oshirish;

- davlat-xususiy sherikchiligini qo'llashning afzalliklari uni ishlatishning kamchiliklari va to'siqlarini aniqlashi;

- loyihani jamiyat, aholi, atrof-muhit, davlat uchun ijobiy ta'sir ko'rsatishini ta'minlagan holda ishlab chiqishi;

- ekologik muammolarni hal qilishda suv resurslarini boshqarish, atrof-muhitni ifloslantirish, atrof-muhitga zarar yetkazish xavfini bartaraf etish, ishlab chiqarish jarayonining tabiiy resurslardan foydalanishni kamaytirish;

- davlat-xususiy sherikchilik rivojiga ta'sir ko'rsatuvchi moliyaviy va ma'muriy to'siqlarni bartaraf qilish, ishonch darajasini takomillashtirishi;

- atrof-muhit infratuzilmasini shakllantirishda ko'nikmalarni takomillashtirish, bilimlarni tarqatish, davlat-xususiy sherikchilik tajribasini va undan foydalanishning xususiyatlarini o'rganish uchun seminar va ma'rifiy tadbirlarni o'tkazish;

- davlat-xususiy sektor hamkorligining muvaffaqiyatli xorijiy tajribasini o'zlashtirish va uning iqtisodiyotning milliy modeliga moslashishi va atrof-muhit infratuzilmasi sohasidagi sheriklik munosabatlarining ayrim modellarini yaratish;

- investitsion faoliyatni faollashtirish, investitsiyalarni jalb qilish usullari, shakllari va vositalarini sheriklik tamoyillari asosida rivojlantirish;

- ekologik davlat-xususiy sherikchiligida faoliyat yurituvchi, mahsulotlarni ishlab chiqaruvchi va investitsiyalar kirituvchilar uchun imtiyozlarni yaratishi lozim.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida keltirilgan loyiha-tadbirlar ishlab chiqilsa va amalga oshirilsa, yurtimizning ekologik holati, ekologik infratuzilma, atrof-muhitni muhofaza qilish tizimi yanada yaxshilanadi. Ekologik muammolar uchun xarajatlar faqatgina davlat zimmasida

emas, balki xususiy sektorlar tomonidan moliyalashtiriladi. Bu holat iqtisodiyotimizga ham ancha ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. V.G.Varnavskiy. "Davlat va xususiy sektor: nazariya va amaliyot". 2002. 28-37 betlar.
  2. Y.V.Mamleyeva. "Tabiiy xo'jalik iqtisodiyoti va boshqaruvi". 2008. 20 bet.
- Ilmiy rahbar: dotsent A.K.Ahmedov

### **ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ИННОВАЦИИ И ИХ ВНЕДРЕНИЕ НА ПРИМЕРЕ СИНГАПУРСКОГО ГОСУДАРСТВА**

**Рахшона Набибуллаева**

**Младший научный сотрудник, Институт прогнозирования и  
макрэкономических исследований при Министерстве Экономики и  
Промышленности**

#### **Аннотация**

В статье рассматривается опыт Сингапура как зарубежный опыт в сфере экологических инновационных нововведений, в примере проекта «Зеленого Сингапура», в том числе внедрение инновационных инструментов в сфере медицины, образовании.

**Цель статьи:** рассматривать и изучить опыт Сингапура как зарубежный опыт инновационного развитие.

Инновационная деятельность и развитие инноваций имеют свои особенности управления. В любой сфере, в том числе и в здравоохранении, предприятия нуждаются в развитой инфраструктуре. В медицинских организациях под этим подразумеваются оснащение оборудованием, подготовленность медицинских кадров и условия внедрения инноваций, которые также являются приоритетными аспектами развития новых технологий. Умные технологии — самое очевидное развитие городов в ближайшем будущем.

**Зеленый Сингапур.** Практически полное отсутствие природных ресурсов, в том числе питьевой воды, делает вопросы экологии, возобновляемой энергии и устойчивого развития особенно актуальными в Сингапуре. И страна ими серьезно занимается: в исследовании 2011 года Siemens Green Cities город получил самую высокую оценку экологического положения среди городов Азии. 1.) Дефицит пресной воды стимулировал создание в Сингапуре системы управления водными ресурсами, которая включает сбор дождевой воды, очистку и повторное использование отработанной и разработку новой технологии опреснения соленых вод, которая должна стать на 50% эффективнее существующей. Это отнимает немало сил и ресурсов у города, но и дивиденды свои приносит: Сингапур продает экспертизу по управлению водными ресурсами в другие части Азии.

В сфере устойчивого развития у азиатского мини-государства тоже неслабые амбиции. Утилизировать 70% своих отходов, улучшить показатели расходов энергии на 35% в сравнении с 2005 годом, сертифицировать 80% зданий по рейтингу зеленого строительства BSA Green Mark, поднять долю передвижений по городу на общественном транспорте до 75% — это только небольшая часть программы устойчивого развития Сингапура, которую планируется реализовать к 2030 году.[3]

Гигантские деревья в саду Сингапура — не только знаменитая достопримечательность города. Они поглощают тепло, собирают дождевую воду, на вершине каждого из 18 сооружений расположены солнечные батареи, полученная энергия из которых используется для освещения сада.

В городе существует автоматическая система контроля санитарии с помощью продвинутой видеоаналитической системы и умных мусорных контейнеров, разработанных сингапурским институтом Temasek Polytechnic и ZWEEC Analytics.

Разумеется, Сингапур планирует неплохо заработать на экспорте своих идей и технологий и занимается этим уже сегодня. Одна из таких площадок для адаптации собственных изобретений — экогород Тяньцзинь в Китае. На очищенной от тяжелого химического загрязнения территории бывшей промзоны возводится экогород, который обещает стать примером нового городского планирования для китайских поселений, отличающихся высоким уровнем загрязнения окружающей среды. Сингапур инвестирует в проект пополам с Китаем. Город должен быть готов к середине 2020-х годов и станет домом для 350 тысяч жителей.

На основе собираемой в городе информации уже запущено более 100 инициатив. На портале госуслуг eCitizen доступны около 650 различных онлайн-сервисов. Общение со всеми муниципальными службами можно синхронизировать в один почтовый ящик через платформы OneInbox. Все данные, удобно структурированные по направлениям, можно найти на информационном портале.[2]

**Образование.** Сингапурское правительство инвестирует в исследования и активно поддерживает талантливых разработчиков в двух ведущих вузах страны — National University of Singapore и Nanyang Technological University. За последние 25 лет Сингапур вложил более \$22 млрд в то, чтобы вывести проекты молодых ученых на стадию производства. Только с 2011 года эти инвестиции поддержали 400 стартапов и спровоцировали регистрацию 800 патентов. В этом году правительство вложило \$13,8 млрд в новый пятилетний план поддержки исследований.

Опыт инновационного развития медицины Сингапура:

- в домах у пожилых людей устанавливают сенсоры, которые, если перестают фиксировать движение, отправляют сиделке или родственникам текстовое сообщение.

- предоставление медицинского обслуживания дистанционно. В нескольких городских больницах испытывают системы диагностики, в которых информация передается по беспроводным сетям от датчиков, подключенных к телу пациента.

- создание электронной медицинской карты. Информация собираемая в электронной медицинской карте служит в первую очередь для обеспечения непрерывности, преемственности и качества лечения, а также для своевременной профилактики и иных мероприятий по обеспечению здоровья конкретного индивида.[1]

**Бизнес поддержка.** В марте 2016 года Info-communications Development Authority of Singapore запустил программу Smart Nation Fellowship. Она направлена на привлечение в Сингапур ученых, разработчиков и инженеров со всего мира на срок от трех месяцев — для того, чтобы работать в команде города и создавать приложения и технологии, которые способны улучшить жизнь людей и инфраструктуру города. Если есть опыт работы с IT и современными технологиями, на сайте проекта можно подать заявку.

Особую любовь Сингапур испытывает к стартапам<sup>36</sup>. Страна позиционирует себя как живая лаборатория для тестирования новых идей. Привлечение IT-бизнеса идет как за счет лучших в мире бизнес-условий, так и удачного расположения в центре Юго-Восточной Азии — в радиусе пяти-шести часов перелета проживают 4,2 млрд человек. 95% территории Сингапура покрывает сеть высокоскоростного интернета (1 Гб/с). И это дает результаты: сегодня 40% всех стартапов Юго-Восточной Азии сидят в Сингапуре.

### Список литературы

1. Денис Бондарев (27.07.2016), «Как в Сингапуре произошло экономическое чудо» <https://theoryandpractice.ru/posts/14042-singapore>

<sup>36</sup> **Стартап** (от **англ.** *startup company, startup*, букв. «стартовый») — **компания** с короткой историей **операционной деятельности**. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

2. <http://www.visitsingapore.com/mice/en/bulletin-board/5-amazing-healthcare-innovations/overview/>
3. <http://www.nea.gov.sg/events-programmes/campaigns/clean-green-singapore>

**УДК. 664. 308.09**

## **ИОНЛАШТИРИЛГАН ҲАВО ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

**Рахматов А.Д., т.ф.н., доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаштириш муҳандислари институти**

### **Аннотация**

Мақолада ионлаштирилган ҳаво параметрларини назорат қилиш усуллари ва воситаларини, ўлчаш жараёни ва хатоликларини, ионларнинг ўлчов системасидаги ҳаракат динамикаси ва уларга таъсир этувчи кучларни камайтириш воситаларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ҳаво ионларини ўлчаш жараёни таҳлил қилиниб, аниқлик шартлари киритилган. Олинган натижаларни катта ҳажмли бинолар шароити учун кўриб чиқиб, ионларни бино ичида тақсимланиш манзарасини ўрганишда зонд ва аспирация усуллари қўлланган. Изланишлар натижаларига кўра ўлчов асбоблар параметрлари ва уларни ўлчаш жараёнини ионизаторда, бино ҳажмида ва ишлов бериш сиртида амалга ошириш кўриб чиқилган. Бунда аспирация усули қўлланилган, система разрядлаш принципида, ишлаб чиқариш шароитида фойдаланилиши қулай ва етарли аниқликда ишлайди.

**Калит иборалар:** Ионизация, ионлар концентрацияси, ионлар тезлиги, кучли электр майдон, критик кучланганлик, ионларга таъсир этувчи кучлар, электр ионизаторлар, электр майдоннинг ўзаро экранилашуви, ҳажмий ионлар зичлиги.

## **КОНТРОЛЬ ЗА ПАРАМЕТРАМИ ИОНИЗИРОВАННОГО ВОЗДУХА**

**Рахматов А.Д., к.т.н., доцент. Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства**

### **Аннотация**

В статье приведены результаты изучения за параметрами ионизированного воздуха, средств измерения, анализированы процессы и ошибки измерения потенциала поля коронного разряда, объемной концентрации воздушных ионов, плотности объемных зарядов в объекте. Изучены динамика воздушных ионов в измерительной системе, условия и связанные с ними ошибки. Полученные результаты рассмотрены с точки зрения применения в фруктохранилищах. Используются аспирационные и зондовые методы, измерения выполнены в зоне ионизации - в ионизаторе, в объеме помещения и на поверхности обрабатываемого продукта. Они работают на принципе разряда аспирационной системы, и удобно для использования в помещениях.

**Ключевые слова:** Ионизация, концентрация воздушных ионов, скорость ионов, сильное электрическое поле, критическая напряженность, силы действующие на ионы воздуха, аспирация ионов, разрядный ток, плотность объемного заряда.

## **STUDY KONTROL OF AIR IONS IN ROOMS**

**Rakhmatov A.D. Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanisation Engineers**

## Abstract

The article presents the results of the study of the parameters of ionized air, measuring instruments, analyzes the processes and errors of measuring the potential of the corona discharge field, the volume concentration of air ions, and the density of space charges in the object. The dynamics of air ions in the measuring system, the conditions and associated errors are studied. The obtained results are considered from the point of view of application in fruit storage. Aspiration and probe methods were used, measurements were made in the ionization zone — in the ionizer, in the volume of the room, and on the surface of the processed product. In studies for measuring the volume concentration of air ions, an abbreviated design of ionometers for air ions was used. They work on the principle of discharge of the aspiration system, and is convenient for use in rooms..

**Keywords:** electric corona discharge, ionization, concentration of air ions, ion velocity, strong electric field, critical intensity, forces acting on air ions, ion aspiration, discharge current, space charge density

## Кириш

Ионлаштирилган ҳавонинг турли технологик жараёнларда самарали қўлланилишининг асосий омилларидан бири тўғри дозировка қилиш ва хона ҳажми бўйича махсулотга бир текис ишлов беришдир. Ҳавони электр ионлаштириш технологиялари ва усуллари, электр тож разряди воситасида ҳавони ионлаштириш, ионлаштирилган ҳавонинг параметрлари ва схемалари ишлаб чиқилган. Мева сақлаш омборларидаги ҳаво мухитининг характеристикалари ва ионлаштирилган ҳавонинг асосий параметрларини аналитик усулда аниқланган [1]. Олинган натижаларни тажрибада ўрганиш методикаси ишлаб чиқилиб, улар текширилган ва таҳлил қилинган, изланиш масалаларига ойдинлик киритилган.

## Изланишлар методикаси

Ҳавони ионлаштириш учун электр ионизатор ишлаб чиқилган ва асосий параметрлари ўрганилган, конструктив кўрсаткичларини ишлаб чиқилган [3]. Бунда ҳавони ионлаштириш даражаси бино ичидаги ҳаво ионларининг концентрацияси ( $n$ ) билан характерланади. Ҳаво ионларининг ҳажмий концентрациясини ҳаво ионлари счетчиги билан бевосита ўлчаб билан ёки ионизация токи орқали аниқланилиши мумкин. Ионларнинг ҳажмий концентрациясини энг содда усули очик коллектор усулидир. Бунда ионизатордаги ток зичлиги ўлчаб олинади. Ўлчов коллекторидан ўтаётган ион токи  $I_n$  ва коллектор сирт юзаси  $S$  бўйича ионларнинг ҳажмий концентрацияси аниқланади. Ион токи  $I_n$  микроамперметр ёки сезгир галванометр ёрдамида ўлчанади. Ионларнинг ҳажмий концентрацияси куйидаги ифода билан ҳисобланади [2]:

$$j = 6 \frac{I_n}{S}; \quad j = n \cdot E \cdot k \quad (1)$$

Moliya vazirligi huzuridagi Davlat-xususiy sherikligini rivojlantirish agentligi Jahon banki guruhi bilan birgalikda "Davlat-xususiy sherikligini rivojlantirish: xorijiy tajriba va O'zbekiston Respublikasi istiqbollari" mavzusida xalqaro seminar tashkil etdi. Unda vazirliklar va idoralar, Oliy Majlis Senati a'zolari ishtirok etdi. Unda tibbiyot sektori haqida ham so'z yuritildi. Sog'liqni saqlashning xususiy sektorini rivojlantirishni yanada rag'batlantirish, kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish uchun shart-sharoitlarni yaxshilash, shuningdek, ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatlar hajmlarini yanada kengaytirish, xususiy tibbiyot sohasiga investitsiyalarni jalb qilish maqsadida:

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi (Shodmonov) va O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi (Qo'chqorov)ning davlat tibbiyot tashkilotlari funksiyalarini davlat-xususiy sherikchiligi asosida tadbirkorlik subyektlariga o'tkazish yuzasidan chora-tadbirlarni bosqichma-bosqich amalga oshirish:

- yordamchi bo'linmalar (oziq-ovqat bloklari, kir yuvish xonalari va boshqalar) faoliyatini ta'minlash;

2018-2019-yillarda hududlarda xususiy tibbiyot tashkilotlarini tashkil etish va faoliyatini kengaytirish bo'yicha parametrlar ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

Toshkent shahrida Koreya Respublikasi yetakchi oliy tibbiy ta'lim muassasalaridan birining faoliyatini tashkil etish;

- Koreya Respublikasining ilg'or klinikalari va tibbiyot markazlarining diagnostika, davolash, servis va menejment masalalari bo'yicha tibbiy xizmat ko'rsatish bo'yicha tajribasini o'rganish va mamlakatimiz tibbiyotiga joriy etish uchun ular bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish;

"Asaka" aksiyadorlik-tijorat banki (Mullajonov) O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi (Yusupaliyev) bilan birgalikda bir oy muddatda "Asaka" aksiyadorlik-tijorat banki qoshidagi nodavlat tibbiyot muassasalarini rivojlantirish jamg'armasi mablag'larining quyidagi xarajatlar nisbatini nazarda tutadigan foydalanish tartibini tasdiqlasin:

a) besh foiz – yuqori malakali xorijiy mutaxassislarni jalb qilish va xususiy tibbiyot tashkilotlari shifokorlarini xorijiy mamlakatlarga malaka oshirish uchun yuborishga;

b) to'qson besh foiz – xususiy tibbiyot tashkilotlarini zamonaviy tibbiy asbob-uskunalar bilan jihozlashga;

ikki oy muddatda xususiy tibbiyot tashkilotlari mutaxassislarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish uchun xorijga yuborish, shuningdek, xorijdan yuqori malakali mutaxassislarni jalb qilish tartibini;

- O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi (Nabiyev) bilan birgalikda yetakchi xususiy tibbiyot tashkilotlari infratuzilmasini shartnoma asosida tibbiy kasb-hunar kollejlari va oliy ta'lim muassasalari talabalari, malakasini oshirayotgan amaliyotchi shifokorlar uchun o'quv baza sifatida foydalanish tartibini tasdiqlasin hamda 2018-2019-o'quv yilidan boshlab joriy etsin;

manfaatdor vazirliklar va idoralar bilan birgalikda uch oy muddatda tibbiyot tashkilotlari faoliyatining shaffofligini ta'minlash hamda ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatlar sifatini oshirish maqsadida tibbiyot tashkilotlarini akkreditatsiyadan o'tkazish tizimini bosqichma-bosqich joriy etish konsepsiyasini amalga oshirish belgilansin.[3]

Yuqorida qabul qilingan qarorga muvofiq o'tgan davr ichida sog'liqni saqlashning xususiy sektori tomonidan ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatlar turlari kengaydi, ularning soni 50 tadan 126 tagacha oshdi. Xususiy tibbiyot tashkilotlari stomatologiya va kosmetologiya xizmatlaridan tashqari, 2022-yilning 1-yanvarigacha barcha turdagi soliqlar va majburiy ajratmalar to'lashdan, olib kelinadigan yangi tibbiyot asbob-uskunalari, butlovchi buyumlar va ularning ehtiyot qismlari va materiallari uchun bojxona to'lovlaridan ozod qilingan.

Ta'kidlash joizki, qishloq joylarda tibbiy xizmatlar ko'rsatish sohasida yangidan tashkil etiladigan mikrofirmalar va kichik korxonalarining davlat ro'yxatiga olingan kundan boshlab 10 yil muddatga yagona soliq to'lovidan ozod etilishi qishloq va olis tumanlarda xususiy tibbiyotni rivojlantirishni tezlashtirish imkonini berdi.

Shu bilan bir qatorda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 1-avgustdagi qabul qilgan "Madaniyat va san'at sohasida davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq madaniyat va san'at sohasini yanada rivojlantirish, ushbu sohadagi muassasalar tarmog'ini kengaytirish va ularning moddiy-texnik ahvolini mustahkamlash, aholiga sifatli xizmatlar ko'rsatishni tashkil etish hamda davlat-xususiy sheriklik uchun qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida quidagilar O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi, "O'zbekkino" Milliy agentligi, Moliya vazirligi, Xususiylashtirilgan korxonalariga ko'maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklarining madaniyat va san'at sohasida davlat-xususiy sheriklikning quyidagi shakllarini joriy etish to'g'risidagi takliflariga rozilik berilishi bilan ta'minlandi:

- madaniyat va san'at yo'nalishidagi nodavlat muassasalarining binolarini qurish uchun bepul asosda doimiy foydalanishga yer uchastkalari ajratish;

- mavjud davlat madaniyat va san'at muassasalari binolarini rekonstruksiya qilish va jihozlash, keyinchalik esa ularni otaliqqa olish sharti bilan madaniyat va san'at yo'nalishidagi nodavlat muassasalari obyektlarini qurish uchun bepul asosda yer uchastkalarini taqdim etish;

- konsessiya asosida qurilish uchun yer uchastkasi yoki rekonstruksiya qilish va jihozlash uchun bino ajratish;

- bo'sh turgan davlat mulki obyektlarini, shu jumladan, faoliyat ko'rsatmayotgan davlat madaniyat va san'at muassasalarining binolarini qonun hujjatlarida belgilangan tartibda "no'l" xarid qiymatida sotish;

- davlat madaniyat va san'at muassasalarining foydalanilmayotgan binolarini (yoki ularning bir qismini) ijara haqining "no'l" stavkasida maqsadli foydalanish uchun xususiy sheriklarga berish;

- xususiy sherikning mol-mulki negizida tashkil qilingan madaniyat va san'at nodavlat muassasalarini moddiy-texnik, moliyaviy va metodik ta'minlash.[4]

Davlat xususiy sektor bilan doim hamkorlik qilib kelgan. Bu hamkorlik odatda davlat xususiy sektorga qurilish yoki xizmat uchun buyurtma berib, xarajatlarni qoplashi yoki ma'lum xizmatlarni xususiy sektorga topshirishi (outsorsing qilishi) orqali amalga oshadi.

Moliya vazirligi huzuridagi davlat-xususiy sherikligini rivojlantirish agentligi Jahon banki guruhi bilan birgalikda "Davlat-xususiy sherikligini rivojlantirish: xorijiy tajriba va O'zbekiston Respublikasi istiqbollari" mavzusida xalqaro seminar tashkil etdi. Unda vazirliklar va idoralar, Oliy Majlis Senati a'zolari ishtirok etdi.

### **Xulosa**

Keltirib o'tilgan ma'lumotlardan xulosa qilib aytish mumkinki, mamlakat iqtisodiyotining boshqa tarmoq va sohalarida davlat xususiy sherikchiligining mahalliy va xorijiy tajribalarini qo'llash orqali biz moddiy-texnik ahvolimizni mustahkamlashga, aholiga

sifatli xizmatlar ko'rsatishni tashkil etish va qulay shart-sharoitlarni yaratishimiz mumkin ekan. Alohida ta'kidlash joizki, o'tgan davr ichida sog'liqni saqlashning xususiy sektori tomonidan ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatlar turlari kengaydi, ularning soni 50 tadan 126 tagacha oshdi. Xususiy tibbiyot tashkilotlari stomatologiya va kosmetologiya xizmatlaridan tashqari, 2022-yilning 1-yanvarigacha barcha turdagi soliqlar va majburiy ajratmalar to'lashdan olib kelinadigan yangi tibbiyot asbob-uskunalar, butlovchi buyumlar va ularning ehtiyot qismlari va materiallari uchun bojxona to'lovlaridan ozod qilingan. Biz yuqoridagi tadbirlarning amalga oshirilishini rivojlantirish orqali mamlakat iqtisodiyotining boshqa tarmoqlarida ham davlat-xususiy sherikchiligini yo'lga qo'yish maqsadimizga erishgan bo'lamiz.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi — "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF- 4947-sonli Farmoni, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - milliy qonunchilik bazasi.

2. "Madaniyat va san'at sohasida davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida" 2018-yil 1-avgustdagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori.

3. [www.spot.uz](http://www.spot.uz)

4. [www.norma.uz](http://www.norma.uz) (09.06.2017)

Ilmiy rahbar: Ahmedov A.K.

**УДК:334.722:316.2(575.1)**

## **ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ К ЭВОЛЮЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Бобонарова Камола Уктамжон кизи, студентка ТИИИМСХ**

### **Аннотация**

В статье сделан акцент на институциональном обеспечении развития государственно-частного партнерства (ГЧП) в экономике нашей страны. Выявлены проблемы взаимодействия государства и частного бизнеса. Предложены меры по нейтрализации негативных тенденций, препятствующих развитию государственно-частного партнерства.

**Введение.** Государственно-частное партнерство (ГЧП) в мировой практике рассматривается, во-первых, как система отношений в контрактной форме, во-вторых, с позиций конкретных проектов, реализуемых различными государственными органами и бизнесом совместно или только частными компаниями на объектах государственной или муниципальной собственности. Предметом ГЧП всегда выступает государственная (муниципальная) собственность или услуга, оказываемая органами власти экономическим агентам.

Специфика партнерских отношений государства и частного бизнеса позволяет, на наш взгляд, привлечь к исследованию проблем развития ГЧП в инновационной экономике новую институциональную экономическую теорию (НИЭТ), которая может послужить не только теоретическим фундаментом для исследования ГЧП, но и обеспечить инструментарий для такого исследования.

Можно выделить следующие теоретические направления НИЭТ, которые представляют интерес для исследования ГЧП.

Согласно Дугласу Норту, институты – это «правила игры» в обществе или созданные человеком ограничительные рамки, которые организуют взаимоотношения между людьми, процедура соответствий, моральное и этическое поведение. Институты создают базовые структуры, с помощью которых обеспечивается необходимый порядок в



экономике. Институциональные изменения определяют развитие общества во времени, являясь ключом к пониманию исторических перемен[1].

В концепции О. И. Уильямсона институты – это «структуры управления». Такое понятие института более соответствует уровню институциональной среды[2].

С точки зрения общества, права собственности выступают как «правила игры», которые упорядочивают отношения между экономическими агентами. С точки зрения агентов – это «пучки правомочий» на принятие решения по поводу того или иного ресурса. Каждый такой «пучок» может расщепляться: одна часть правомочий может принадлежать одному агенту, другая – другому. Чем яснее определены и надежно защищены права собственности, тем теснее связь между действиями агентов и их благосостоянием. Степень точности спецификации прав собственности зависит от баланса выгод и издержек, сопровождающих установление и защиту тех или иных прав. Любой акт обмена в НИЭТ рассматривается как обмен «пучками прав собственности», а каналом, по которому они передаются, служит контракт [3].

Любые организации, от фирмы до государства, понимаются как сложная сеть явных и неявных контрактов. Разные контрактные формы попадают под действие разных «регуляционных структур». Согласно О. И. Уильямсону, вертикальная интеграция, способы организации работы, современная корпорация, корпоративное управление, государственное регулирование имеют схожую контрактную природу и поэтому доступны для анализа на основе единой концепции транзакционных издержек [3].

Специалисты отмечают, что, с одной стороны, государство выступает гарантом исполнения контрактов, с другой стороны – обладая собственностью, само становится равноправным субъектом контрактных отношений[4].

В систему взаимодействия государственного и частного секторов заложены синергетические эффекты. Однако необходимым условием эффективности ГЧП-проектов является формирование благоприятной институциональной среды: ГЧП-институтов, ГЧП-инструментов, форм ГЧП.

По мнению специалистов, принадлежность альянсов к определенному типу сотрудиических соглашений напрямую определяет эволюцию партнерских отношений, управленческие проблемы, с которыми столкнутся партнерские предприятия, а также стратегические последствия для каждого партнера[5]. Таким образом, подчеркивается важность классификации форм партнерств.

Как показывает мировая практика, при всем многообразии форм ГЧП ключевой опорой их классификации выступают отношения собственности и разделение рисков между участниками партнерства.

Укажем, например, классификацию форм, распространенную в научной литературе:

1. Контракт (административный договор).
2. Аренда (лизинг).
3. Концессия (различные типы концессии).
4. Соглашения о разделе продукции.
5. Совместные предприятия.
6. Контракт жизненного цикла (КЖЦ) [6].

При этом важно иметь в виду не только число перечисленных форм, но и эффективность взаимодействия государства и частного сектора.

Эффективность взаимодействия государства и бизнеса исследовали ТТП и Центр развития ГЧП. Были опрошены крупнейшие инфраструктурные компании [7], которые обозначили проблемы в законодательстве и препятствия, сдерживающие реализацию проектов ГЧП.

Представители государственных органов и частного бизнеса по-разному оценивают преимущества и возможности практического применения ГЧП. Первые считают основной задачей ГЧП привлечение внебюджетного финансирования. Рассчитывают на передачу частному сектору ответственности за основные риски в рамках проекта и ожидают

невысокой стоимости частного капитала. Вторые готовы обеспечить качественное выполнение проектов, однако ожидают от государства поддержки, а также адекватной доходности на вложенные средства [7].

В настоящее время в Узбекистане происходит важный процесс институализации законодательства в области ГЧП. В этом процессе можно выделить республиканский региональный уровни нормативного регулирования.

В первые входят бюджетное законодательство; нормы гражданского, земельного, налогового права; иные акты, регулирующие имущественные, в т.ч. договорные отношения.

В нашей стране отсутствовал специальный орган, обеспечивающий взаимодействие между государством и бизнесом в реализации инфраструктурных и социальных проектов путем использования механизмов государственно-частного партнерства.

Примером, Президент Республики Узбекистан подписал постановление «О первоочередных мерах по созданию правовой и институциональной базы развития государственно-частного партнерства» ПП-3980 [8].

Отмечается, что накопившиеся недостатки и проблемы в отраслях экономики и социальной сфере, традиционно находящихся в государственной собственности и управлении, требуют принятия кардинальных мер по ускоренному внедрению системы государственно-частного партнерства.

Государственная монополия в социальной и коммунальной сферах, градостроительстве и благоустройстве, дорожном хозяйстве, энергетике снижает качество производства товаров и предоставления услуг, эффективность использования государственных средств.

В связи со всем этим, создано Агентство по развитию государственно-частного партнерства при Министерстве финансов, которое займется:

- участие в разработке отраслевых программ развития государственно-частного партнерства в приоритетных направлениях экономики и социальной сфере;
- разработку методики оценки эффективности и сравнительного преимущества проектов государственно-частного партнерства, методическое сопровождение подготовки и реализации данных проектов;
- обеспечение межведомственной координации при реализации проектов в области государственно-частного партнерства, а также размещение информации о проектах в открытом доступе с ведением их реестра;
- содействие министерствам и ведомствам в реализации программ развития государственно-частного партнерства, в том числе разработке концепций конкретных проектов;
- организацию взаимодействия с инвесторами, международными финансовыми и донорскими организациями, научным и экспертным сообществом, а также иными участниками рынка по вопросам развития государственно-частного партнерства;
- оказание всестороннего содействия в защите прав и законных интересов участников проектов государственно-частного партнерства, рассмотрение их предложений по механизмам финансирования проектов, в том числе определению и распределению возможных рисков;
- мониторинг проектов государственно-частного партнерства, в том числе в сфере использования средств бюджетов бюджетной системы, привлеченных к их реализации, а также практики подготовки и реализации проектов с учетом международного опыта в соответствующих отраслях.

Агентство создается в форме государственного учреждения и является специальным уполномоченным органом, ответственным за реализацию единой государственной политики в области государственно-частного партнерства в Республике Узбекистан.

Агентству и Министерству финансов совместно с Министерством юстиции Республики Узбекистан и другими заинтересованными ведомствами поручено:

- в срок до 1 декабря 2018 года провести инвентаризацию нормативно-правовых актов, в которых предусмотрена реализация проектов государственно-частного партнерства, и внести предложения по обеспечению единства подходов, процедур и механизмов их реализации;

- в срок до 1 декабря 2018 года разработать и внести в Кабинет Министров проект Закона Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве»;

- в срок до 1 января 2019 года разработать и внести на утверждение Программу развития государственно-частного партнерства в Республике Узбекистан, обратив особое внимание на:

- комплексное видение и стратегические задачи по развитию государственно-частного партнерства в разрезе отраслей экономики и социальной сферы;

- подготовку специалистов по разработке, реализации и сопровождению проектов государственно-частного партнерства;

- установление сотрудничества с международными финансовыми институтами, странами-донорами, компаниями и банками в целях привлечения иностранных инвестиций в развитие государственно-частного партнерства.

Результаты исследования проблем взаимодействия государства и бизнеса свидетельствуют о необходимости организации системной работы по институциональному обеспечению ГЧП. Государство должно создать условия для использования финансового, управленческого и интеллектуального потенциала частного сектора в общественных проектах. Необходимо четко специализировать механизмы, формы и методы партнерства, регламентировав их возможные последствия и обстоятельства. Важно создать единую информационную систему о ГЧП в Узбекистане, в которой будут собраны лучшие практики, типовые проекты концессионных соглашений, что поможет частным и публичным партнерам, прежде всего, в регионах.

#### **Список использованной литературы:**

1. Дугласу Норт. "Институты, институциональные изменения и функционирование экономики" 1997.

2. Уильямсон, О.И. (1996). Экономические институты капитализма: Фирмы, рынки, «отношенческая» контрактация. СПб: Лениздат.

3. Капелюшников К. 1990.

4. Уильямсон, О.И. (1996). Экономические институты капитализма: Фирмы, рынки, «отношенческая» контрактация. СПб: Лениздат.

5. Фуруботн, Э.Г., Рихтер, Р. (2005). Институты и экономическая теория: достижения новой институциональной экономической теории. СПб: ИД СПбГУ.

6. Гаррет, Б., Дюссож, П. (2002). Стратегические альянсы. М.: ИНФРА-М.

7. Источник: Центр развития государственно-частного партнерства (2013) Режимдоступа:<http://pppcenter.ru/assets/files/presentations/Opros.pdf>

8. Постановление Президента Республики Узбекистан Мирзиёев Ш.М 20 октября 2018 года. «О первоочередных мерах по созданию правовой и институциональной базы развития государственно-частного партнерства» ПП-3980

Научный руководитель: Ахмедов Азамат Камилович

### **ЕРГА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЮЗАСИДА ДУНЁ БУЙЛАБ ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИ**

**Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари  
институти магистранти Аловхонова Д.Ш.**

**Аннотация**

Ер ва тупроқ ресурсларини тиклаш ва химоялаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларига ишлов беришда ерга минимал ишлов бериш технологияси борасидаги олиб болрилган жаҳон тажрибаларининг илмий натижаларининг таҳлили келтирилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун тупроқ унумдорлигини яхшилаш, деҳқончиликда интенсив технологияни жорий этишга доир комплекс тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилган. Ерларнинг унумдорлик ҳолатини тиклаш ва тупроқ ресурсларини химоя қилиш мақсадида кўп мамлакат олимлари томонидан ерга минимал ишлов бериш борамсидаги илмий изланишлар олиб борилган ва улар ижобий хулосага келганлар.[1]

Джон Бейкер no-till йўналишидаги ўсимлик ва техника орасидаги боғлиқликлар мавзусидаги илмий ишларнинг муаллифи бўлганлар ва бу борадаги адабиётларни БМТ нинг ФАО ташкилоти ҳам буюртма қилиб олган. Джон Бейкер Янги Зеландиядаги Мэссей университетидаги no-till технологияси борасидаги илмий изланишларнинг бош ташкилотчиси бўлган. 30 йил ўтгач у ўзининг илмий гуруҳи билан университетни тарк этиб Baker No-tillage LTD номли компаниясини яратган. У кўплаб экув комплексларини ихтироси борасида патент олган. Бутун Осиё, Австралия, Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда Янги Зеландияда кенг фойдаланадиган “Бейкер сошниги” қанотли сошникнинг илий муаллифи ва ихтирочисидир. У 14 та давлатда кенг қўлланиладиган Cross-Slot® no-till усулининг муаллифи. “Агар no-till нинг мақсади ўсимлик қолдиқларини максимал даражада ер устида сақлаб қолиш бўлса, худди шу вақтда тупроқ қатламининг бузилиши минималлаштирилса, шунда биринчи бор тарихда озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўз ўзини тиклаши оқибатида барча экологик мақсадларга эришиш мумкин бўлади” деган фикрни таъкидлаб ўтганлар.[2]

Хумберто Бланко АҚШда NO-TILL технологияси тупроқ зичланишини органик углероднинг ортиши ҳисобига камайтиради ва намликни оширади деган хулосага келганлар.[3]

Роберт Блекшоу Канадада 10 йил давомида no till технологиясининг бегона ўтларга бўладиган таъсирини ўрганган. Нольга тенг ишлов бериш бегона ўтларнинг ташкилий турларининг ўзгариша олиб келган: совуқ пайтда бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларнинг айрим тури кўпайган (2005 йил маълумоти). Аммо 5-10 йил ўтгач технологияни қўллашни давом этган фермерлар ушбу бегона ўтларнинг популяциясининг пасайишини кузатганларини пайқаганлар. Сабаби бегона ўтларнинг кўплаб уруғлари ернинг устида қолиб кетганда нобуд бўлади. Механик ишлов беришда эса аксинча уруғлар тупроқга чуқул кўмилади. Ундан ташқари далада қолдирилган ўсимлик қолдиқлари бегона ўтларнинг ўсиб чиқишига физик тўсқинлик қилади.[4]

Кўплаб рус олимлари бу мавзуда илмий изланиш олиб борганлар. Улар ерга минемал ишлов беришнинг иқтисодий самарадорлиги баҳолаганлар. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларни етиштиришда иқтисодий самарадорлик рентабиллигининг ошиши айнан минимал ва нольга тенг ишлов бериш усуллари орқали эришилди. Бунда дала экинларига ишлов беришда иқтисодий самарадорликнинг рентабиллиги анъанавий ишлов беришда 21,7%, ерга минимал ишлов беришда 23,1% ва ерга нольга тенг ишлов берилганда 45,9% ни ташкил этган.[5]

Тупроқ учун комплекс ва оптимал шароит яратиш минемал ишлов бериш йўли механик ишлов бериш функциясини бажаришини исботлаб берилган.[6]

Ерга минемал ишлов беришнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий фойдали томонларини ёритиб берилган. Иқтисодий — қўшимча ҳосил ҳар доим ҳам кузатилмаса ҳам, ҳар қандай шароитда ёқилғи ва харажатларда иқтисод қилиниши кузатилади; экологик — тупроқ структураси сақланади, органик модда ва намлик баланси яхшиланади, биохилма хиллик кўпаяди, эрозиянинг хавфи пасаяди; ижтимоий — вақт иқтисод қилинади, қўшимча бизнес ёки малака ошириш учун фойдали вақт ҳосил бўлади; ташкилий —

операцияларнинг тури камаяди, бу эса технологияни енгиллаштиради, фақат ушбу технология йўналишида ишлашни биладиган малакали мутахассислар керак бўлади.[7]

Тупроқ унумдорлиги учун зарур бўлган Гломалин моддасининг тупроқга бериладиган ишловга қараб ўзгаришини тажриба қилганлар. Гломалин бу тупроқ заррачаларини боғловчи қуйқа модда. У тупроқ таркибидаги клей деса ҳам бўлади. Бу модда кўпчилик учун номаълум бўлсада тупроқ шаклланиши, ундаги жараёнлар, структурасига таъсир этувчи муҳим компонент ҳисобланади. Гломалиннинг асосий вазибаларидан бири тупроқни шамол эрозиясидан химоялаш, чунки гломалин қанча кўп бўлса тупроқ юзасида шунча мустаҳкам шамолбардош юза шаклланади. Гломалин тупроқни қаттиқлаштиради ва ғовақлигига тўсқинлик қилмайди, у тупроқнинг структуравий қуйқалигини таъминлайди. Ерларга механик ишлов беришда эса гломалин моддаси камаяди. Бад Девис 15 йил давомида бегона ўтлар ўсган инсон томонидан ўзлаштирилмаган ерлардан намуна олиб, уни анъанавий механик усул жорий қилинган ерлардан намуналар ва ерга NO Till жорий қилинган ерлардан олинган намуналар билан солиштирган. Натижада энг кўп гломалин миқдори инсон томонидан ўзлаштирилмаган ерларда аниқланган. Ўртача миқдори NO Till жорий этилган ерларда ва энг кам миқдори анъанавий усул жорий этилган ерларда эканлиги аниқланган. Бундан шунақа хулосага келиш мумкин ки, ерларга қанчали интенсив ишлов берилса шунча ундаги гломалин моддаси камаяди.[8]

Ерга ҳар хил ишлов бериш технологияларини таққослаб ерга минимал ишлов беришнинг ижобий томонлари ниҳоятда кўплиги аниқланди. Булардан: тупроқнинг химоя хусусиятининг кучайиши, тупроқдаги органик модданинг ортиши, фаол фосфорнинг кўпайиши ва органик моддаларнинг парчаланиш тезлигининг ортиши, тупроқ намлигининг ортиши, тупроқнинг деформация ва зичланишнинг пасайиши, технологиянинг энергосиғимининг камайиши ва иқтисодий харажатларнинг қисқариши кабилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қаришиев А.Э.Тупроққа асосий ишлов бериш усуллариининг такрорий экинлар ҳосилдорлигига таъсири. Магистрлик диссертацияси, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти.Самарқанд – 2009 йил. 65 б.

2. Джон Бейкер Филдинг. Что нужно культурам, посеянным по технологии no-till, чтобы стать высокоурожайными. Самовосстанавливающееся эффективное земледелие на основе системного подхода VII международная конференция. Агросоюз. Украина 2009 .7-14 ст.

3. Хумберто Бланко. NO-TILL уменьшает плотность почвы за счет увеличения содержания органического углерода. Самовосстанавливающееся эффективное земледелие на основе системного подхода VII международная конференция. Агросоюз. Украина 2009. 18-26 ст.

4. Роберт Блекшоу. Постоянная разработка систем интегрированного управления сорняками в канадских прериях. Самовосстанавливающееся эффективное земледелие на основе системного подхода VII международная конференция. Агросоюз. Украина 2009.29-37ст.

5. Кулинцев В.В., Дридигер В.К.,Удовыдченко В.И.,Чертов В.Г.,Куценко А.А. Эффективность технология возделования сельскохозяйственных культур в Ставропольском крае. Земледелие№7. Ставрополь 2013. 9-11ст.

6. Шпаковский Н. Эволюция технологий обработки почвы. Триз профи эффективные решения №2. М 2017. 62-65ст

7. Медведев В, Гуков Я, Дубровин В, Пашенко В. Гармония почвы и техники. Агротехнологии. М 2016.11 ст.

8. Бад Девис.Гломалин(клей почвы которым можно управлять). IV международная конференция «NT-CA». Агро-Союз. Днепропетровск. 2006. 155 ст.

**MAMLAKAT IQTISODIYOTINING TURLI TARMOQ VA SOHALARIDA  
DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIGINING XORIJIY MEXANIZMLARINI  
QO'LLASH**

**M.I.Usarova, TIQXMMI talabasi**

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada iqtisodiyotimizning turli tarmoq va sohalarida davlat-xususiy sherikchilik mexanizmlaridan foydalanish, ushbu mexanizmini rivojlantirishning asosiy shartlari, xorij mexanizmlarining ko'rinishlari, davlat va xususiy sektor o'rtasidagi munosabatlar aks ettirilgan.

Ehtiyojlarning cheksizligi hamda shu bilan birga resurslar cheklanganligi - bu faqat bir shaxs yoki korxonaga uchun emas, balki butun bir davlat uchun ham muhim masala hisoblanadi. Yurtimiz iqtisodiyotining ko'plab tarmoq va sohalari asosan davlat tomonidan moliyalashtiriladi. Misol uchun, kommunal xizmatlari, yo'l qurilishi va ta'mirlanishi sohalari, fuqarolar yo'l qatnovi uchun turli ko'rinishdagi transport vositalari sohasi, chiqindilarni tashish, atrof-muhit muhofazasi, uy-joy, elektr va gaz ta'minoti, ta'lim, milliy mudofaa, tibbiyot sohalari va boshqalar. Iqtisodiy tarmoqlarimiz ko'p bo'lgani singari, davlatning bu sohalarga ajratadigan xarajatlari ham ko'p miqdordadir. Ushbu dolzarb masalani hal qilish, sohalarni rivojlantirish, ularga zarur miqdorda mablag' ajratish uchun davlatning mablag'lari yetarli emas.

Ushbu muammoni hal qilishda, jahon amaliyotida uzoq vaqtlardan beri turli usullar ishlab chiqilib, foydalanib kelinmoqda. Ushbu ijtimoiy ahamiyatga ega muammolarni hal qilishda xususiy sektorni jalb qilish, xususiy sektor bilan davlat hamkorligini yo'lga qo'yish samaralidir.

Davlat - xususiy hamkorligini yo'lga qo'yish, yurtimizning iqtisodiy rivojlanishi, jamiyatning va har bir fuqaroning farovonligini yanada oshirishga imkon beradi. Davlat-xususiy sherikchiligi deganda, xususiy sektorlardan mablag'larni majburiy ravishda jalb qilib, ulardan foydalanish emas, balki o'zaro manfaatli hamkorlikni yo'lga qo'yishni tushunishimiz lozim.

Davlat - xususiy sherikchilik mexanizmini rivojlantirishning asosiy shartlari quyidagicha:

1. Infratuzilmaning yaxshilanishi va uni modernizatsiya qilish bo'yicha loyihalarni amalga oshirish zaruriyati;
2. Zarur investitsiyalar hajmi loyihalarni byudjet mablag'lari hisobidan amalga oshirishga imkon bermaydi;
3. Eng yaxshi amaliyotlardan foydalanish va infratuzilma obyektlarini boshqarishni takomillashtirish;
4. Xususiy sektor davlat ko'magisiz siyosiy xavfga dosh berishga tayyor emas. Ko'plab infratuzilma obyektlari bo'yicha davlat xususiy sektorga ijtimoiy standartlarni tartibga solish uchun javobgarlikni o'z zimmasiga olishi. [1]

Davlat-xususiy sherikchiligi munosabatlarini yaxshiroq tushunish uchun, birinchi navbatda, davlat va xususiy sektor o'rtasidagi munosabatlarning qanday bo'lishi kerakligini aniqlash muhimdir; ikkinchidan, davlat va xususiy sektor munosabatlarini tashkil etish jarayonida qanday o'zgarishlar yuz berishini baholash hamda uni o'rganish zarurdir.

Albatta, davlat-xususiy sherikchiligida hamkorlikning har ikki tomoni sherikchilik loyihalarini muvaffaqiyatli amalga oshirishga harakat qilishadi. Loyihalarning amalda muvaffaqiyatli qo'llanilishi esa iqtisodiyotda xorijiy investitsiyalarni jalb qilishga, innovatsiyalardan foydalanishga imkoniyat yaratadi. Bu loyihalar to'g'ri tashkil etilsa, ulardan samarali foydalanilsa, iqtisodiyotimizni yanada rivojlantirishga xizmat qiladi.

O'z navbatida, davlat mulkdorning vakolatlarini, soliq va boshqa rag'batlar bo'yicha imtiyozlarini, kafolatlar, shuningdek, moddiy va moliyaviy resurslarni ta'minlash imkoniyatini belgilab beradi. Davlat-xususiy sherikchiligida davlatning asosiy funksiyalari - nazorat, tartibga solish, jamoatchilik manfaatlarini himoya qilish. Shunday qilib, davlat infratuzilma sohasida, davlat-xususiy sherikchiligi rivojlanishida o'z faoliyatining yo'nalishlarini bosqichma-bosqich

qurish va obyektlarni ekspluatatsiya qilishniyo'lgga qo'yishi lozim. Muayyan muammolarda ma'muriy nazorat funksiyalarini qo'llashi mumkin. [2]

Mamlakat iqtisodiyotining ijtimoiy-iqtisodiy sohalarida davlat-xususiy sherikchilik loyihalari alohida ahamiyatga ega. Kommunal xizmatlari, yo'l va transport vositalari, ijtimoiy infratuzilma, suv resurslarini boshqarish va chiqindilarni tashish, suv tozalash zavodlari, atrof-muhit muhofazasi, uy-joy, elektr va gaz ta'minoti sohasidagi ijtimoiy ahamiyatga ega ko'plab loyihalarni amalga oshirish davlat-xususiy sherikchiligining asosiy obyektlarini tashkil etadi. Shu bilan birga, yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, ijtimoiy sohalarining asosiy muammosi - moliyaviy resurslarning yetishmasligi.

So'nggi yillarda boshqa davlatlarda ham turli xil davlat-xususiy sherikchilik shakllarini qo'llash jadal kengaytirilmoqda, hamkorlik aloqalari rivojlanmoqda. Masalan, konsessiya shartnomalari birinchi navbatda avtomobil yo'llarini qurishda, mashinalar ishlab chiqarishda, markazlashtirilgan issiqlik ta'minotida, milliy mudofaa, ta'lim, kabel televideniyasi, ba'zi shaharlarda jamoat transporti kabi sohalarida qo'llanilmoqda. Bir qator mamlakatlarda xususiy biznes loyihalari shifoxonalar, maktablar va boshqa ijtimoiy obyektlarni quradi va keyinchalik ularni boshqaradi. Shuningdek, O'zbekistonda ham davlat-xususiy sheriklik loyihalarini yuqorida keltirilgan tarmoq va sohalarida amalga oshirilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Davlat-xususiy sheriklik loyihalarini amalga oshirishda davlat organlari va xususiy sektorlar o'rtasidagi hamkorlikning turli mexanizmlari qo'llaniladi. Xususiy sektorga berilgan mulkiy huquqlar miqdori, tomonlarning investitsiya majburiyatlari, hamkorlar o'rtasida riskni taqsimlash tamoyillari, turli xil ishlarni bajarish uchun javobgarlik darajasiga qarab farqlanadi. Xorij tajribasida quyidagi hamkorlik mexanizmlari eng keng tarqalgan.

BOT (Build, Operate, Transfer). Ushbu mexanizm asosan konsessiya shartnomalarda qo'llaniladi. Infrastruktura obyekti qurilish tugagandan so'ng qurilgan obyektни investitsiya qilingan mablag'larni qaytarish uchun yetarli bo'lgan vaqt mobaynida foydalanish huquqini olgan konsessioner mablag'lari hisobiga yaratiladi. Vaqt o'tishi bilan obyekt davlatga o'tkaziladi. Konsessioner davlatga tegishli bo'lgan obyektдан foydalanish huquqiga egadir, lekin egalik qilish huquqiga ega emas.

BOOT (Build, Own, Operate). Bunday holda xususiy sektor, faqatgina foydalanish huquqiga emas, balki obyektga egalik qilish huquqiga ega bo'ladi, shartnoma muddati tugagandan keyin u davlat hokimiyatiga topshiriladi.

BTO (Build, Transfer, Operate). Ushbu mexanizm qurilish yakunlanganidan so'ng obyektни davlatga topshirishni o'z ichiga oladi. Bunda davlat xususiy sherikka mulkni topshirmasdan, undan foydalanishga ruhsat beradi.

BOO (Build, Own, Operate). Bunda shartnoma muddati tugaganidan keyin ham yaratilgan obyekt davlat organiga berilmaydi, investorning tasarrufida qoladi.

BOMT (Build, Operate, Maintain, Transfer). Bu yerda, xususiy sherikka ishlab chiqarilgan infratuzilma obyektlarini saqlash va texnik xizmat ko'rsatish uchun mas'uliyat yuklanadi.

DBOOT (Design, Build, Own, Operate, Transfer). Ushbu turdagi shartnomalarning o'ziga xos xususiyati xususiy sherikning nafaqat infratuzilmani qurish uchun mas'uliyatidir, balki uni loyihalashtirishi lozim. [3]

Mamlakatimizda ham ushbu keltirilgan keng tarqalgan xorij davlat-xususiy sherikchilik innovatsion loyihalaridan foydalanish zarur. Iqtisodiy holatimizdan kelib chiqqan holda, tegishli, mos mexanizmlardan andozalar olinib, davlat-xususiy sherikchilik loyihalari ishlab chiqilsa, ular amaliyotga joriy qilinib, davlat va xususiy sektorlar o'rtasida shartnomalar tuzilgan holda hamkorlik o'rnatilsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bu holat iqtisodiyotimizning yanada yaxshilanishi, infratuzilmaning rivojlanishi, yurtimizning yana bir innovatsion loyihani amalga oshirib, rivojlanayotgan mamlakatlar qatorida yana bir pog'onaga ko'tarilishiga xizmat qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. A.Y.Rubinshteyn. "Davlat-xususiy hamkorligi: holati va rivojlanish samarasi", 2006.

2. V.G.Varnavskiy. “Davlat va xususiy sektorlar sherikchiligi: ko’rinishlari, loyihalari, risklari”, 2005.

3. <http://institutiones.com>

Ilmiy rahbar: katta o’qituvchi I.Z.Yuldasheva

## **ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ГЧП В СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ОТРАСЛИ: МИРОВОЙ ОПЫТ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

**Курбанова Д.М., к.э.н., Ильина Д.Н., г.н.с.**

**Институт Прогнозирования и макроэкономических исследований**

### **Аннотация**

*В данной работе рассматривается мировой опыт функционирования государственно-частного партнёрства, в частности в отдельных странах. Также рассматриваются особенности применения ГЧП применительно к отрасли сельского хозяйства. На основе рассмотренного опыта зарубежных стран в части применения ГЧП сделаны выводы для республики.*

**Основная цель:** на основе рассмотрения опыта зарубежных стран в использовании и развитии форм государственно-частного партнёрства в сельском хозяйстве обосновать предложения для применения в республике.

Учитывая, что сельское хозяйство - ведущая отрасль республики, ключевой составляющей государственной экономической политики страны является научно-обоснованная аграрная политика как важнейшее условие стабилизации и эффективного развития сельского хозяйства, основной фактор обеспечения продовольственной безопасности страны.

Президентом Узбекистана Ш.Мирзиёевым определена стратегическая задача развития сельского хозяйства республики в ближайшие годы – это «углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора<sup>38</sup>».

Именно «реализация инвестиционных проектов по строительству новых, реконструкции и модернизации действующих перерабатывающих предприятий, оснащенных самым современным высокотехнологичным оборудованием по более глубокой переработке сельхозпродукции, производству полуфабрикатов и готовой пищевой продукции, а также тароупаковочных изделий<sup>39</sup>» способствуют динамичному развитию сельскохозяйственного производства и достижению устойчивых темпов развития.

Повышение эффективности сельскохозяйственного производства неразрывно связано с привлечением долгосрочных инвестиционных вложений и развитием новых форм и инструментов инвестирования в сельскохозяйственное производство, которое является отраслью, которая нуждается в постоянной государственной поддержке.

Как показывает мировая практика оптимальным способом привлечения частного бизнеса в отрасль сельского хозяйства является применение государственно-частного партнёрства (далее – ГЧП).

ГЧП представляет собой институциональный и организационный альянс государственной власти и частного бизнеса по реализации общественно значимых проектов в широком спектре сфер деятельности: от развития стратегически важных

<sup>38</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7.02. 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Приложение № 1 к [Указу](#) Президента Республики Узбекистан от 7.02. 2017 г. № УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.»

<sup>39</sup> Там же



отраслей экономики, реализации крупных проектов и программ до предоставления общественных услуг в масштабах всей страны или отдельных территорий. Другими словами, ГЧП – это взаимовыгодное сотрудничество между государственными органами и частным бизнесом, осуществляемое в различных формах, направленное на реализацию совместных высокоэффективных инвестиционных проектов при объединении ресурсов (финансовых, трудовых, материальных) и разделении рисков.

Как свидетельствует мировой опыт развития форм ГЧП, этот механизм взаимодействия имеет серьезные преимущества для государства, для бизнеса и для общества. В мировой практике механизмы партнерства государства и частного сектора работают и совершенствуются уже долгое время. Поскольку важной особенностью механизма ГЧП является то, что государство сохраняет в своей собственности первоначальные активы. В такой системе отношений происходит объединение ресурсов и потенциалов двух хозяйствующих субъектов – государства в форме привлечения бюджетных средств, ограничения административных барьеров, нормативно-правового обеспечения и частного бизнеса в виде активов, прогрессивного опыта предпринимательской деятельности, менеджмента, инновационных технологий и инвестиционных проектов.

Изучение зарубежной практики уровня развития механизма ГЧП показывает, что он неодинаков в странах.

Так, к примеру, Китай, Латвия, Чехия, Словакия, Венгрия находятся в самой начальной стадии развития ГЧП, поскольку законодательная база ГЧП в этих странах находится на стадии разработки, количество реализуемых ГЧП проектов невелико, сферы применения данного механизма ограничены.

В США и Японии формы взаимодействия бизнеса и государства в рамках ГЧП развито на среднем уровне.

Высокий уровень развития ГЧП в Великобритании, Франции, Германии, Австралии, Ирландии, Механизмы взаимодействия государства и бизнес-сообщества в этих странах активно применяются, успешно функционируют и постоянно совершенствуются. В каждом государстве существуют отрасли, приоритетные для применения ГЧП. Наиболее предпочтительными секторами экономики, в которых реализуются проекты ГЧП в Европе, являются образование, транспорт и здравоохранение. Применение ГЧП наиболее распространено в странах с развитой экономикой.

Например, **Великобритания** первый серьезный проект реализовала в 1981 г., в частности в перестройке лондонских доков. После успешного завершения проекта была создана программа «Частная финансовая инициатива» (Private Finance Initiative, PFI), суть которого заключалась в передаче частному сектору функции финансирования строительства (эксплуатации, реконструкции, управления и т.п.) государственных объектов производственной и социальной сферы.

Во **Франции** государство в целях привлечения частных инвесторов к государственным проектам создает так называемые сообщества смешанной экономики (Societes' Economie Mixte, SEM), представляющие собой совместные предприятия, где обязательным условием является то, что доля государства или органов местного самоуправления в уставном капитале должна составлять от 50 до 85%.

В **Германии** на основе ГЧП функционируют и вновь создаются центры поддержки, действующие как на уровне федеральных земель, так и на федеральном уровне (центр – ЦРР Deutschland AG (Partnerschaften Deutschland). Данный центр был создан в ноябре 2008 г., который является независимой консалтинговой компанией под эгидой федеральных министерства финансов и министерства транспорта и строительства.

В **странах СНГ** данная форма взаимодействия бизнеса и государства только развивается. Однако сдерживающими факторами развития данного направления сотрудничества являются следующие: дефицит бюджетных средств, направляемых на финансирование сельского хозяйства в форме государственной поддержки; отсутствие

надежных гарантий возврата вложенных ресурсов, инфляция, высокие процентные ставки по банковским кредитам; отсутствие механизма контроля за ходом реализации инвестиционных проектов со стороны инвесторов в связи с низким уровнем финансового менеджмента на предприятиях АПК; специфика самого сельскохозяйственного производства, в частности сезонность, высокие риски, низкая оборачиваемость средств, диспаритет цен на ресурсы и продукцию и т.д.

В странах СНГ наибольшим опытом в ГЧП имеет **Россия**. В 2009 году была создана Ассоциация участников государственно-частного партнерства «Центр развития ГЧП», которая создана для объединения усилий государства и частного бизнеса, направленных на развитие общественной инфраструктуры с применением механизмов ГЧП.

Направления деятельности данного Центра следующие: проведение исследований в сфере ГЧП, экспертиза законодательства, подготовка кадров, информационное и консультационное сопровождение проектов.

В целях развития ГЧП в России был принят в 2015 г. Федеральный закон «О государственно-частном партнерстве, муниципально-частном партнерстве в Российской Федерации и внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации». Закон вступил в силу с 1 января 2016 г. Наиболее активно при реализации ГЧП в России Инвестиционный фонд РФ, в частности действует программа господдержки «Государственная программа развития сельского хозяйства и регулирования рынков сельскохозяйственной продукции, сырья и продовольствия на 2013-2020 годы». В рамках данной программы, для поддержки сельхозпроизводителей предоставляются субсидии и гранты на различные цели.

Важнейшим фактором успешного развития ГЧП являются согласованные действия государственных органов при разработке и реализации инвестиционных проектов. Анализ международной практики свидетельствует о том, что в ряде стран существуют специальные государственные или государственно-частные советы по ГЧП.

ГЧП в зарубежных странах направлено на различные сферы экономики. В основном лидирующие позиции в проектах ГЧП занимает сфера образования, транспорта, здравоохранения и общественных услуг, госзаказов и обороны, телекоммуникации, окружающей среды.

Однако сфера сельского хозяйства в зарубежных странах не является лидирующей по количеству проектов ГЧП, но существует положительный зарубежный опыт их реализации. Формы ГЧП активно применяются за рубежом, но не во всех сегментах сельского хозяйства, а в основном в животноводстве и растениеводстве.

В мировой практике наиболее распространенными формами ГЧП в сельском хозяйстве являются: концессия, инвестиционное соглашение, агролизинг, контракты жизненного цикла, соглашение о создании консорциума.

На основе исследования опыта зарубежных стран можно выделить следующие условия развития и успешной реализации форм ГЧП:

выделение и реализация небольшого числа эффективных проектов ГЧП, реализация которых будет не трудной с экономической точки зрения. Это необходимо для накопления опыта в данной сфере с целью реализации в дальнейшем более сложных и масштабных инвестиционных проектов;

создание органов управления, координирующих реализацию ГЧП в рамках республики. Во многих зарубежных странах функционируют такие структуры, в функции которых входит методическая помощь реализации проектов, экспертиза проектов, информационное, консультационное сопровождение проектов. Это позволяет существенно сократить транзакционные издержки, которые составляют более 10% от стоимости проекта ГЧП. Так, к примеру, в некоторых странах ГЧП регулирует Министерство финансов (Канада, Великобритания), в некоторых созданы специальные государственно-частные компании для регулирования и развития механизма ГЧП (Германия, Чехия, Республика Корея, Португалия);

обеспечение подготовки высококвалифицированных кадров в сфере реализации проектов ГЧП;

активное использование успешного зарубежного опыта в практике реализации проектов ГЧП;

совершенствование законодательства и нормативных актов в сфере ГЧП, в частности применительно к нашей республике необходимо разработать базу типовых договоров и соглашений о государственно-частном партнерстве. К примеру, в Великобритании в практике применяются типовые образцы договоров, предложенных государством, что показывает их высокую эффективность;

четкое обозначение и распределение рисков проекта в договоре о ГЧП, в частности речь идет о риске неоплаты требований, риске невыполнения сроков реализации проекта, риске низкого спроса на продукт или услугу и т.п.;

включение в договор о ГЧП положений о распределении выгод от реализации инвестиционных проектов.

### **Выводы для Узбекистана**

Как показывает мировой опыт, проекты ГЧП не могут эффективно реализовываться без утвержденной нормативно-правовой базы. В данном аспекте в республике разработан закон «О государственно-частном партнерстве» и прошел первое чтение в Олий Мажлисе.

В Узбекистане особенно важно развивать данный механизм взаимодействия власти и бизнеса именно в сфере сельскохозяйственного производства. Это связано, прежде всего, с:

активизацией инвестиционных процессов в данной отрасли;  
созданием крупных агропромышленных объединений, формирование форм агробизнеса;

решением вопроса расширения экспорта сельхозпродукции и обеспечением продовольственной безопасности страны.

Для развития ГЧП в сфере сельского хозяйства следует: разработать формы ГЧП с привлечением высших учебных заведений и исследовательских центров; создать систему управления ГЧП, позволяющую минимизировать транзакционные издержки и эффективно использовать имеющиеся ресурсы; сформировать финансово-экономические институты, которые будут участвовать в реализации проектов в рамках ГЧП; обеспечить подготовку и повышение квалификации управленческого звена ГЧП; разработать и обеспечить методическое сопровождение и информационную поддержку реализации проектов ГЧП; сформировать процедуры конкурсного отбора участников проектов ГЧП и обеспечить их прозрачность.

Таким образом, применение в практике нашей страны ГЧП может стать эффективным инструментом привлечения долгосрочных инвестиций в развитие сельского хозяйства Узбекистана. Объединение усилий бизнеса, государства и науки будет способствовать решению проблем продовольственной безопасности, повышению конкурентоспособности, обеспечению высокого качества и доступности выпускаемой продукции при помощи проведения комплексной модернизации сельского хозяйства.

Конечной целью развития сельского хозяйства республики с помощью механизма ГЧП должно стать обеспечение достаточного по объему высококачественной сельскохозяйственной продукции и предоставление различных услуг в сельскохозяйственной отрасли.

### **Литература:**

1. Rosenau P. Public-Private policy partnerships. – Cambridge, MA: MIT press, 2000.
2. Williamson O. The economic Institutions of Capitalism. – New York: free press, 1985.
3. Ham V. Hans, and Joop Koppenjan, Building Public-private partnerships: assessing and managing risks in port development. – 2001.
4. Linder S. Coming to Terms with the public private partnership: a grammar of multiple

meanings // American behavioral scientist. – 1999. – 43 (1). – S. 35 – 51.

5. Варнавский В.Г. Управление государственно-частными партнерствами за рубежом. Зарубежный опыт. – 2013. – URL: <http://vgmu.hse.ru/data/2013/01/14/1303209744/%D0%92%D0%B0%D1%80%D0%BD%D0%B0%D0%B2%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9%20134-147.pdf>.

6. Гафурова Г. Т. Зарубежный опыт развития механизмов государственно-частного партнерства // Финансы и кредит. – 2013. – № 48.

7. Рахманова Д. Государственно-частное партнерство в аграрном секторе. – URL: <http://www.for.kg/ru/news/154686>.

8. Зарубежный опыт реализации государственно-частного партнерства: общая характеристика и институциональные основы / А.В. Гладов, А.М. Исупов, С.А. Мартышкин [и др.] // Вестник Самарского университета. – 2008. – №66. – URL: <http://vestniksamgu.samsu.ru/gum/2008web7/econ/2/GladovIsupov.pdf>.

9. Ходос Д.В., Иванов С.Г., Агапов А.М. Государственно-частное партнерство в аграрном комплексе. – URL: <http://www.kgau.ru/new/all/konferenc/konferenc/2013/e5.pdf>.

## **ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК: ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ**

**Табаев Азамат Зарипбаевич, ТИҚХММИ доценти**

### **Аннотация**

Ушбу мақолада бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг давлат ва хусусий тармоқ ўртасидаги муносабатларини шакллантирувчи субъекти сифатида Давлат-хусусий шерикликнинг аҳамияти, принциплари, уларни ташкил қилиш шакллари ҳамда фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик жараёнларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари ёритилган.

Давлат ва нодавлат корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари доимо ривожланиб бормоқда. Давлат - хусусий сектор ҳамкорлигининг анъанавий соҳалари ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси объектлари бўлиб, бизга замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти сифатида давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларини тўлақонли ўрганиш имкон беради.

Ўзбекистон учун давлат хусусий шерикчилик давлат ва хусусий тармоқнинг ўзаро манфаатли шароитларда ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал қилиш учун ўрта ва узоқ муддатли шерикчиликнинг нисбатан янги шакли ҳисобланади.

«Давлат-хусусий шериклик» атамаси - «PPP» инглиз тилидаги сўзнинг айнан таржимаси бўлиб, бутун дунёда давлат идоралари ва хусусий тармоқ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳар қандай шакллари ифодалаш учун кенг қўлланилади. Давлат ва хусусий тадбиркорнинг имкониятларини бирлаштириш турли хил шаклда, масалан, таваккалчиликларни, компетенцияларни, жавобгарликни ажратиш шартлари билан қурилиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, хизмат кўрсатиш учун амалга оширилиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қўллаш кўплаб қонуний ҳужжатларни такомиллаштиришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Бюджет кодекси, Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир. Тармоқлар бўйича Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар шакллантирилмоқда. Жумладан, “Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Низом (2018 йил августдан бошлаб) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда Давлат-хусусий шериклик асосий фаолият юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар 1995 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси концессиялар

тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солиб келинмоқда. Унинг мақсади давлат-хусусий шерикликни давлат томонидан тартибга солиш асосларини мустаҳкамлашдир.

Ҳозирги вақтда дунёда ДХШнинг турли хил моделларини (Build-Own-Oper – “яратиш - эгалик қилиш – фойдаланиш”) (BOO) (Build-Own-Operate-Transfer – “яратиш - эгалик қилиш – фойдаланиш – ўтказиш”) (BOOT) ва бошқа шаклларида хусусий мулкка асосланган ҳолда фойдаланилмоқда.

ДХШни ривожлантиришдаги асосий муаммо - самарали молиялаш механизмларининг етишмаслиги (маблағ мавжуд бўлса ҳам). Бунинг асосий сабаби (маъмурий сабаблар бундан мустасно), узоқ муддатли лойиҳаларни амалга оширишдан тадбиркорларнинг қўрқидир. Бизнинг фикримизча, бизнес, ҳукумат ва банклар ҳамкорлиги хусусий ва банк маблағларини жалб қилиш йўли билан бюджет харажатларини камайтириши мумкин.

Хусусий шерик сифатида маҳаллий ёки хорижий юридик шахс ҳамда якка тартибдаги тадбиркор давлат-хусусий шериклик бўйича келишув битимини тузган икки ёки ундан ортиқ тижорат ташкилотлари ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорлар содда шериклик шартномаси (қўшма фаолият тўғрисидаги битим) асосида юридик шахс тузмасдан ҳаракат қилиши мумкин. Давлат хусусий шерикчиликни юритиш принциплари ва уларни амалга ошириш шакллари сув хўжалиги мисолида кўришимиз мумкин.

Сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни юритишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги ахборотнинг очиклиги ва қулайлиги;
- давлат-хусусий шериклик бўйича битим тузувчи томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- томонларнинг битим бўйича мажбуриятларни бажарилиши;
- таваккалчилик, ҳавф-ҳатар ҳамда мажбуриятларнинг адолатли тақсимланиши ва бошқалар.

Сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик қуйидаги шаклларда амалга оширилади [1]:

- сув хўжалиги объектларининг ер майдоналаридан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган субъектларга бепул сув етказиб бериш;
- балиқ етиштирувчи субъектларга суғориш тармоқлари (каналлар)ни бепул фойдаланиш учун сув майдонлари ажратиб бериш;
- сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ҳамда тозалаш бўйича пудрат ишларида иштирок этиш;
- сув ҳавзаларини тозалаш натижасида қурилиш ва бошқа хом ашёлар олишда иштирок этиш;
- сув омборларида туристик фаолияти ҳамда дам олиш-соғломлаштириш фаолиятини ташкил этиш.

ДХШдаги харажат ва даромадлар, мол-мулк ва мабуриятларни тўғри ҳисобга олишда бир қанча муаммолар мавжуд. Чунки, ДХШлардаги иқтисодий муносабатлар ёки бошқа иқтисодий меъёрларни белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларни тўлиқ шаклланмаганлиги сабаб бўлмоқда. Давлат-хусусий шериклик доирасида амалга оширилаётган тадбирлар шериклар фаолияти ҳисобини ташкил қилишга қўйилган талабларни шаклланиши учун қўшимча принциплар талаб этилади, масалан:

- тузилишининг бир хиллиги;
- оптималлиги;
- маълум бир сифат даражасига мос келиши;
- узлуксизлиги;
- адекватлиги.

Давлат хусусий шериклик фаолиятида иқтисодий муносабатлар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш, давлат маблағларини жалб қилиш бўйича ишончли

маълумотларни ҳисобга олишни шакллантиришда ҳукуқий ва иқтисодий жиҳатлар эътиборга олинади.

Хусусий тадбиркорда ДХШ билан боғлиқ мулкӣ муносабатлар:

1) мулклардан текинга қисқа муддатда фойдаланиш жараёнига қуйидагича бухгалтерия ёзуви қилинади:

- Олинган асосий воситани ҳисобда акс эттиришга:

Дебет – 001 - «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти;

- Олинган асосий воситани ҳисобдан чиқаришга:

Кредит – 001 - «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти.

2) Мол мулкдан узоқ муддатли ижара асосида фойдаланишга қуйидагича бухгалтерияда ёзувлар амалга оширилади:

-узоқ муддатга олинган асосий воситанинг шартномавий баҳосини бухгалтерияда акс эттиришга:

Дебет 0310—"Молиявий ижра шартномаси бўйича олинган асосий воситалар";

Кредит 7910—"Тўланадиган молиявий ижара";

-йил бошида жорий йилда тўланадиган ижара тўловлари суммасига:

Дебет 7910—" Тўланадиган молиявий ижара"

Кредит 6910—"Тўланадиган оператив ижара";

-ижара тўловининг жорий қисми ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб берилди:

Дебет 6910—" Тўланадиган оператив ижара";

Кредит 5110-"Ҳисоб-китоб счёти";

3) кўчмас мулк (кўчар) хусусий тармокқа улуш сифатида киритишга:

Дебет – 0100 – Асосий воситалар;

Кредит – 4610- "Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича мажбуриятлар".

Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан қуйидаги лойиҳаларда иштирок этади:

1) давлат ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларга бюджет сармояларини тақдим этиш;

2) юридик шахсларга, яқка тартибдаги тадбиркорларга - товарларни, ишларни, хизматларни ишлаб чиқарувчиларни субсидиялаш;

3) Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тўловларни амалга ошириш.

Субсидиялар давлат бюджетдан мақсадли дастурларни амалга ошириш шarti билан хусусий объектларга тақдим этилади. Хусусий тадбиркор субсидияларни ҳисобини "Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар" номли 10-сонли БҲМС билан ташкил қилади. [2]

Давлат буюртмасига мувофиқ, давлат ташкилоти ёки тадбиркорнинг тўловларини амалга оширади, яъни, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағлар ажратилади ва даромадларни кўпайтириш учун сарфланади.

4) Бюджет кодексида назарда тутилган бюджет маблағларини тақсимлашнинг бошқа шакллари.

Давлат кафолати давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги асосида амалга ошириладиган лойиҳани амалга ошириш муносабати билан келиб тушган қарз маблағларини қайтариш учун асосий (хусусий шерик) тўловчига ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш мақсадида ҳам бериши мумкин.

ДХШ битими асосида қуриш ёки реконструкция қилиш учун сарфланган маблағлар 0800-сонли "Капитал қўйилмалар" ҳисобварағида қайд этилган ва яратилган ёки қайта қурилган объект ишга туширилгандан сўнг 0100 "Асосий воситалар" ёки 0400 "Номоддий активлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. ДХШ битимига асосан балансдан ташқари ҳисобварақларда қайд этилган объектларни баҳолаш тартиби ва унга белгиланган

амортизация ажратмаси миқдори, шартнома билан боғлиқ бошқа тегишли кўрсаткичлар алоҳида регистрда қайд этилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар 2310 - "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётида ҳисобга олинади. Асосий воситаларни модернизация қилиш учун харажатлар узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш объекти ҳисобланади.

ДХШни мувофиқлаштириш шартномасидаги объектдан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, ҳамда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш, фойдаланиш (амал қилиш) даврида хусусий шерик томонидан шартнома бўйича тўланадиган тўловларни алоҳида ҳисобварақларда акс эттириб боради.

Давлат-хусусий шерикчилик бўйича фаолиятни ҳисобига олишни яхшилаш мақсадида хўжалик юритиш субъектлари томонидан амалга оширилган хўжалик жараёнларини тўлақонли ҳисобда акс эттириш учун БҲМС, Низом ва йўриқномаларга кўшимча ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ўзига хос жиҳатлари ва принциплари ҳар бир томоннинг ҳисоб сиёсатида акс эттириши ҳамда қўллаш тартиби кенгроқ ёритилиши зарур.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. "Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Низом лойиҳаси. [www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz);

2. "Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар" номли 10-сонли БҲМС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

**УДК: 658.11:614.2**

## **МЕСТНЫЙ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ СТРАНЫ.**

**Нарзуллаева Диёрахон Рахматулла қизи студентка 206-группы,  
Старший преподаватель Аллаева Раиса Рахимовна, ТИИМСХ**

### **Аннотация**

В статье рассматривается современное состояние и развития местного и международного опыта государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения и культуры экономики Республики Узбекистан, а также проблемы и решение задач по здравоохранению страны.

Формирование здорового образа жизни среди населения, охрана материнства и детства являются одним из основных стратегических направлений политики руководства страны и правительства. По мнению специалистов палаты, здоровье населения, особенно молодого поколения, является бесценным богатством государства, и исходя из этого оно строит свою работу. В связи с этим в течение последних двух лет у нас в стране утверждён ряд серьёзных мер по созданию единой системы управления здравоохранением, развитию частного сектора в системе здравоохранения, повышению качества медицинских услуг и созданию благоприятных условий для формирования здорового поколения. Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым особое внимание уделяется реформированию системы здравоохранения, с тем чтобы поднять на современный уровень вопросы оказания неотложной медицинской помощи и профилактики заболеваний,

пропаганды здорового образа жизни, медицинской культуры в обществе. Особое внимание уделяется содействию устойчивому развитию частного сектора в здравоохранении, в частности привлечению иностранных инвестиций и высококвалифицированных специалистов в частную медицину, эффективной системе подготовки, переподготовки и повышения квалификации специалистов в области частной медицины, а также развитию экспорта медицинского туризма и медицинских услуг. Все это открывает широкое пространство для многоплановой и углубленной работы Национальной палаты инновационного здравоохранения Узбекистана [1].

В структуре Минздрава создано Главное управление развития государственно-частного партнерства и медицинского туризма.

Это предусматривает постановление главы государства «О мерах по организации деятельности Министерства здравоохранения Республики Узбекистан».

На него возложены задачи:

организация и осуществление совместно со структурными подразделениями Министерства и его территориальных органов реализации инфраструктурных проектов на основе государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения;

подготовка предложений по вовлечению в оборот имущества медицинских организаций, в том числе земельных участков, привлечению инвестиций на основе государственно-частного партнерства;

принятие комплексных мер по развитию въездного медицинского туризма, направленных на кардинальное повышение туристского потенциала отечественных медицинских организаций;

разработка совместно с другими подразделениями Министерства региональных программ развития въездного медицинского туризма и мониторинг их реализации, привлечение иностранных инвестиций, а также кредитов и грантов международных финансовых институтов и других организаций в развитие туристской инфраструктуры медицинских организаций;

организация и осуществление в государственных медицинских учреждениях платных услуг, расширение их номенклатуры и объемов.

Документом упразднен Центр приватизации и организации платных услуг, отделов приватизации и организации платных услуг Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан, управлений здравоохранения областей и Главного управления здравоохранения города Ташкента [2].

Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису в сфере здравоохранения:

Главная задача здесь – больше внимания уделять профилактике заболеваний. Следует расширить государственно-частное партнерство в сфере медико-социальной помощи. Нужно четко очертить круг оказываемых государством медицинских услуг, разграничить платное и бесплатное лечение. Министерству здравоохранения совместно с Министерством финансов необходимо в двухмесячный срок внести конкретные предложения по совершенствованию финансирования государственных клиник. Нужно усилить сотрудничество с известными зарубежными медицинскими вузами. В следующем году мы примем практические меры по организации совместных факультетов и филиалов с медицинскими институтами России, Южной Кореи, Германии, Италии. Еще одна острая проблема – рост количества онкологических заболеваний среди населения. К примеру, в нашей стране онкологические заболевания выявляются более чем у 22 тысяч человек в год, что требует коренного улучшения соответствующей системы, повышает потребность в высокотехнологичной медицинской помощи. Кабинету Министров в месячный срок необходимо принять отдельное постановление и программу мер по раннему выявлению таких заболеваний, определить источники ее финансирования. Следует наладить сотрудничество с международными институтами, ведущими зарубежными клиниками для профилактики ряда других серьезных заболеваний. В рамках работы по укреплению



генофонда нации целесообразно пересмотреть с учетом международных стандартов действующие нормативы питания детей и беременных женщин. Кабинету Министров поручается в трехмесячный срок разработать соответствующую программу на средне- и долгосрочную перспективу [3].

#### О СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СФЕРЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ СТРАНЫ

Совершенствование системы социальной защиты населения и охраны здоровья, повышение социально-политической активности женщин:

обеспечение обязательных социальных гарантий населению, усиление социальной защиты уязвимых слоев населения и государственной поддержки пожилым людям и лицам с ограниченными возможностями, улучшение социального обслуживания, развитие государственно-частного партнерства в предоставлении социальных услуг населению;

дальнейшее реформирование сферы здравоохранения, прежде всего первичного звена, скорой и экстренной медицинской помощи, направленное на повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населению, формирование здорового образа жизни населения, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений;

дальнейшая реализация комплексных мер по укреплению здоровья семьи, охране материнства и детства, расширению доступа матерей и детей к качественным медицинским услугам, оказанию им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, снижению младенческой и детской смертности;

повышение социально-политической активности женщин, усиление их роли в управлении государством и обществом, обеспечение занятости женщин, выпускниц профессиональных колледжей, широкое привлечение их к предпринимательской деятельности, дальнейшее усиление основ семьи;

дальнейшее развитие и совершенствование системы медико-социальной помощи пенсионерам, инвалидам, одиноким престарелым и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности;

дальнейшее развитие фармацевтической промышленности и улучшение обеспеченности населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения, реализация мер по недопущению необоснованного роста цен на них;

обеспечение снижения показателей заболеваемости населения и повышения продолжительности жизни населения [4].

**Заключение.** В последние годы в стране произошли серьезные реформы в сфере здравоохранения, после выступления президента Шавката Мирзиёева. Ожидается, что в ближайшие годы в Узбекистане будут открыты новые частные и государственные медицинские учреждения, и число здорового населения в стране резко возрастет. Здоровое население является признаком развития страны. Поэтому, глава государства уделяет особое внимание этой области.

#### Список использованной литературы:

1. [www.review.uz](http://www.review.uz)
2. [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz)
3. [www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

УДК: 334.722.8:347.728.1(575.1)

Инвестицион лойихаларни техник-иктисодий асослашни ишлаб чиқиш ва баҳолашнинг инновацион “ЮНИДО” услуги

Эшонкулова Ш., талаба

### Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунда инвестицион фаолият ва инвестицион лойиҳалашда асосий воситалардан бўлган янги инновацион услубиётни жорий этиш, унинг мазмуни ва аҳамияти тўғрисида қиқача маълумот берилган. “ЮНИДО” услубиёти ҳам шулар жумласидандир. Муаллиф томонидан “ЮНИДО” услубиёти тўғрисидаги таърифларни келтирилган.

Сўнги йилларда кўпгина ривожланган мамлакатлар инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни режалаштиришни “ЮНИДО” услубиётига мувофиқ стандартлаштирди. Ривожланган мамлакатлар инвестицияларга кўмаклашувчи саноат корхоналари, маслаҳат фирмалари, банклар ва ташкилотлар ҳам инвестицион лойиҳаларни ТИА ва баҳолашда “ЮНИДО” услубиётини қўлламоқдалар. Унинг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатларда ТИАни стандартлаштиришга кўмаклашувчи ва инвестицион таклифлар сифатини оширишдан иборатдир. Шундан сўнг “ЮНИДО” томонидан таклиф қилинган ТИАни тайерлашга бўлган ёндашувлар инвестицияларни амалга оширишга кўмаклашувчи ташкилотлар, банклар, давлат вазирликлари ва бошқа олий таълим муассасалари, шунингдек, маслаҳат фирмалари ва инвесторлар томонидан қабул қилинди.[1]

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестицион лойиҳа, энг аввало, маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда кўпчиликнинг (лойиҳа иштирокчилари ва аҳолининг) манфаатларини эътиборга олиш билан амалга оширилиши лозим. Ҳозирги иқтисодий вазият, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидаги вазифалар, инвестицион лойиҳани амалга оширишда бир неча манфаатларнинг ўзаро тўқнаш келиши жаҳон иқтисодиётидаги энг етук тажрибаларни Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш барча соҳалардаги каби инвестицион лойиҳалар таҳлилида ҳам услубий ўзгаришларга эришишни тақозо этди ва уни муҳим вазифа сифатида қўйди. Ушбу вазифани ечишда муаллифлар В.В.Беренс, П.М.Хавранекларнинг “Руководство по оценке эффективности инвестиций” асарида инвестицион лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг “ЮНИДО” услубиёти кенг тадқиқ этилган бўлиб, бу услубиёт лойиҳаларни таҳлил этишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу услубда у ёки бу лойиҳани молиялаштиришда қарорлар қабул қилиш, шунингдек инвестиция олди тадқиқотлари учун мўлжалланган капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолашнинг жаҳон тажрибаси муфассал ёзилган. Буларнинг барчаси бозор таҳлилининг жиҳатларига, шунингдек ТИАдаги саволларга, яъни хом ашё базасини баҳолаш, қурилиш майдонини танлаш, лойиҳалаштириш ва технологияларни танлаш, инвестицион лойиҳаларни ички маблағлар эвазига, шунингдек ташқи молиялаш манбалари эвазига молиялаштиришни таъминлаш, инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш жараёнларига тегишлидир.[2]

“ЮНИДО” услубиёти бозор шароитларига ўтиш даври иқтисодиёти учун жуда фойдалидир. Ушбу услубиёт нафақат янги инвестициялар учун, балки корхоналарни модернизациялаш, кенгайтириш ва соғломлаштириш лойиҳалари учун ҳам жуда қўл келади. “ЮНИДО” услубиётини жорий этиш (қўллаш) инвесторлар, қўшма корхоналар бўйича ҳамкорлар, маслаҳат фирмалари, ускуна етказиб берувчилар учун ҳам фойдали бўлиб, ҳамкорларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаларини яхшилайти ва инвестицион таклифлар сифатини оширишга кўмаклашади. Айтиш мумкинки, “ЮНИДО” услубиётининг кенг тарқалиши инвестицион таклифлар ҳамда ТИА сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳозирда лойиҳаларни тайерлаш ва баҳолаш учун “ЮНИДО”нинг дастурли воситалари кенг қўлланилмоқда. Улар орасида КОМФАР дастури алоҳида аҳамиятга эга. КОМФАР - бу лойиҳа таҳлили учун зарур бўлган турли хил иқтисодий ва

молиявий кўрсаткичларни аниқлашда, шунингдек, молиявий ва иқтисодий таҳлил учун қўлланиладиган стандартлаштирилган имитацион моделдир.

Инвестицион лойиҳаларни ТИАларини ишлаб чиқишнинг “ЮНИДО” услубиёти қуйидаги бўлимлардан иборат:

Лойиҳанинг қисқача изоҳи.

Лойиҳанинг асосий ғояси.

Бозор таҳлили ва маркетинг концепцияси.

Хом ашё ва уни етказиб берувчилари.

Лойиҳанинг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атроф-муҳитга таъсири.

Лойиҳалаштириш ва технологиялар.

Лойиҳанинг ташкилий масалалари ва харажатлар.

Меҳнат ресурслари.

Режалаштириш ва лойиҳани амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш.

Молиявий таҳлил ва инвестицияларни баҳолаш.

Юқорида қайд қилинганидек, инвестицион лойиҳаларнинг ТИАни ишлаб чиқишнинг “ЮНИДО” услубиёти 10 та бўлимдан ташкил топган. Ҳар бир бўлимнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди.[3]

Молиявий таҳлил, аслида, ТИАни ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичида киритилиши лозим. Молиявий ва иқтисодий нуқтаи назардан инвестициялаш келажакда соф фойда (бошланғич инвестициялар миқдоридан кўп) олиш ва яратиш мақсадида иқтисодий ресурсларни узоқ муддатга қўйиш сифатида аниқланиши мумкин. Ушбу қўйилманинг асосий жиҳати – асосий капиталга ва соф айланма капиталга инвестиялар кўринишида молиявий ресурсларини (инвесторларнинг ўз ва қарз маблағлари) ишлаб чиқариш активларига қайта шакллантиришдир. Лойиҳага маблағ (капитал) қўювчи томонларнинг келгусидаги соф фойдага бўлган қизиқиши умумий бўлсада, кутилаётган фойда ва даромадлар тубдан фарқ қилиши ва турлича баҳоланиши мумкин.

XX асрнинг сўнгги йилларида инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш имкониятларини кенгайтирувчи кўпгина дастурли маҳсулотлар ва воситалари пайдо бўлди. Уларнинг барчаси кўпгина давлатлар томонидан такомиллаштирилаётган, “ЮНИДО” томонидан ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар асосида ривожланди. Ўзбекистонда ҳам инвестицион лойиҳаларни баҳолаш тизимида шу каби компьютер дастурларидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Барча мамлакатлар инвестицион лойиҳаларни баҳолашда икки кўринишдаги компьютер дастурларидан фойдаланишмоқда. Биринчи турдаги дастурли маҳсулотлар корхоналарнинг ўтган йиллардаги молиявий натижаларини, шунингдек, келгуси имкониятларини баҳолашга мўлжалланган. Бу гуруҳ дастурларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

“Альт-Финансы”;

“Аналитик 4.0”;

“Финансовый анализ 1.0”;

“ОЛИМП: ФинЭксперт”.

Иккинчи турдаги дастурли маҳсулотлар молиялаштиришнинг оптимал шаклини танлаш мақсадида инвестицион лойиҳаларни режалаштириш, ҳисоб-китоб қилиш ва қиёсий таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган. Улар “ЮНИДО” томонидан ишлаб чиқилган ва муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган ва унга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Хорижий пакетлар: COMFAR (Computer Model for Feasibility Analysis and Reporting); PROPSPIN (PROject Profile Screening and Preappraisal Information system).

Миллий пакетлар: “Project-Expert”; “Альт-Инвест”; “FOCCAL”; “Инвестор 4.1”; “ТЭО-ИНВЕСТ”.[4]

Ушбу дастурли маҳсулотлар барчасининг асосида “ЮНИДО”нинг услубий ёндашуви ётади.

Инвестиция лойиҳаларининг ТИАни баҳолашнинг “ЮНИДО” услубиёти молиявий таҳлил этишнинг мақсади ва унинг асосий жиҳатларини, инвестицион қарорлар қабул қилиш мезонларини, лойиҳанинг ҳаётийлиги ва горизонт режалаштиришни, асосий капиталга инвестиция харажатлари ва соф айланма капитални, ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатларини, узлуксиз пул оқимини, инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашнинг дисконтлаш усулларини ҳамда риск ва ноаниқликни таҳлил қилишни кўзда тутади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил этиш уларнинг самардорлигини очиқ беришда марказий ўринни эгаллайди. Молиявий таҳлил лойиҳадан келадиган самара унинг ҳар бир иштирокчиларининг ўз мақсадларидан келиб чиқиб, лойиҳани амалга оширишдаги эришилиши лозим бўлган натижаларни қўлга киритиш имкониятларини очиқ беради. Агар молиявий таҳлил бўйича мутахассис техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичларида ушбу жараёнга қўшилган бўлсагина, тегишли мутахассис орқали молиявий таҳлил лойиҳа ишлаб чиқилишининг бошидан бошлаб кузатиб бориши мумкин бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини иверсификациялаш. Докторлик диссертациясининг автореферати; Т. 2000. 23-б.
2. Басовский Л.Е., Басовская Е.Н. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие -М.: ИНФРА-М, 2007.-241 с.
3. Гаруненко С.Б. Иностранные инвестиции: Учебное пособие. М.: ООО «Книгодел», 2009. - 160 с.
4. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма -Т.: «Шарқ», 2003. - 225 б.
5. Ғозибеков Д., Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2007.

**UDK: 338.2.001.895**

### **XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARDA BUXGALTERIYA HISOBINI YURITISH HAMDA DAVLAT ARALASHUVINING INNOVATSION NATIJALARI**

**TIQXMMI talabasi, Ro'ziyeva Sh.**

#### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada xo'jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobini tashkil etish hamda ushbu korxonalarda davlat aralashuvini qo'llash va davlat-xususiy cherikchilik tizimining innovatsion natijalari tahlil qilingan.

Iqtisodiyotda muvozanatga erishish uchun barcha tarmoq vakillari sohasini tatbiq qilish darkordir. Albatta, davlat va xususiy firmalarning uyg'unlashuvi bozor iqtisodiyoti rivojlanishining ba'zi qonunlariga ziddir. Ammo batafsilroq bu muammoni o'rganib chiqsak, kerakli xulosalarga ega bo'lamiz.

Har bir xo'jalik yurituvchi subyektlar buxgalteriya hisobini me'yoriy-huquqiy hujjatlar asosida yuritilishi talab etiladi. Turli xo'jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobini yuritish har xildir. Xizmat ko'rsatuvchi korxonalarining quyidagi turlari mavjud:

- savdo-tijorat korxonalari;
- umumiy ovqatlanish korxonalari;
- avtotransport korxonalari.

Savdo korxonasi hozirda xizmat ko'rsatishda yetakchi sohadir. Unda buxgalteriya hisobini yuritish tartibini quyidagicha[1]:

- savdo korxonalarida tovar-operatsiyalari hisobini yuritish;
- tovar-moddiy boyliklarni sotib olish qiymati (tannarxi) va sotish baholarini aniqlash;
- savdo korxonalarida tovar operatsiyalarini hujjatlashtirish;
- tovarlarning ombor hisobini yuritish;
- savdo korxonalarida tovarlarning kirimini hisobini yuritish;
- tovarlar sotilishi va boshqa chiqimlarning hisobini yuritish;
- tovar-moddiy boyliklarni inventarizatsiyasi va uning natijalarining hisobini yuritish;
- daromadlar hisobini yuritish;
- xarajatlar hisobini yuritish;
- korxonada yakuniy moliyaviy natijalarning hisobini yuritish;
- savdo korxonalarida soliq to'lovlarining hisobini tashkil etish;
- savdo korxonalarida majburiy ajratmalar va ushlanmalarning hisobini yuritish.

Umumiy ovqatlanish korxonalarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibini quyidagicha:

- tovar operatsiyalarini hisobini tashkil etish;
  - tovar operatsiyalarini hujjatlashtirish va ular bo'yicha hisobot tuzish.
- Avtotransport korxonalarida buxgalteriya hisobini tashkil etish tartibini quyidagicha:
- avtotransport vositalari va ular ish faoliyatining hisobini tashkil etish;
  - avtotransport vositalarini baholash;
  - avtotransport vositalari holati va harakatini hisobini yuritish;
  - avtotransport korxonalarida ishlab chiqarish zahiralari hisobini tashkil etish;
  - avtomobil yoqilg'ilarining hisobini tashkil etish;
  - avtomobil uchun ehtiyot qismlarining hisobini yuritish.

Yuqorida har bir tur bo'yicha buxgalteriya hisobini yuritish tartibini ko'rib chiqdik. Ularning tashkil etilishi turlicha. Bu korxonalariga davlat aralashuvini qo'shishdan qanday sabab qanday foyda bor degan savollar tug'iladi. Agar xo'jalik yurituvchi subyektlar davlat-xususiy sherikchilik maqomini olishga rozi bo'lsalar quyidagi imtiyozlarga ega bo'lishlari mumkin deb taklif qilaman:

- yagona ijtimoiy to'lov soliqlarida chegirmalar;
- faoliyat sohasini kengaytirishda davlat ko'magi;
- import mahsulotlarini sotib olishda bojxona bojlaridan imtiyozlar.

Ushbu imtiyozlardan ko'rish mumkinki, xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyati qo'llab-quvvatlanadi. Endi korxonalarining majburiyatlarini aytadigan bo'lsak, ularni quyidagicha aytish mumkin:

- aholini kam ta'minlangan qatlamiga moliyaviy yordam ko'rsatish-bunda firma o'zi faoliyat olib borayotgan hududdagi ma'lum bir son aholiga ijtimoiy yordam ko'rsatadi;
- ekologiya fondiga mablag' ajratish(oylik foydasining 5% miqdorida).

Yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlar haqida gap ketar ekan davlat monopoliyasi va xususiylashtirish mavzusi ko'plab bahslarga sabab bo'lib kelmoqda. Bir tomondan odamlar bank, transport, avtomobilsozlik kabi sohalardagi davlat monopoliyasi va undan kelib chiqayotgan samarasizliklardan norozi bo'lishsa, boshqa tomondan davlat o'zi uchun strategik bo'lgan sohalarni xususiy sektor qo'lga topshirishni asta-sekinlik bilan boshlamoqda va xususiy sektor bilan birga faoliyat olib bormoqda. Davlat sektorining xususiy sektor bilan hamkorlik qilish shakllari qisqacha quyidagilardan iborat:

- an'anaviy ta'minot;
- strategik hamkorlik;
- xususiy moliya tashabbusi;
- lizing;
- davlat mulki pudratchi ishlatimi;
- qo'shma korxonalar;
- to'liq xususiylashtirish.

Агар хо'jalik yurituvchi subyektlar faoliyati bilan davlat birlashsa, har ikkalasining faoliyati yaxshiladi. Joriy yili yurtimizda davlat-xususiy sherikchiligini yanada kengaytirish uchun 26 yanvarda Xalqaro hamkorlik markazida shu mavzuga oid yig'ilish bo'lib o'tdi. KUN.UZ muxbiri huquqshunoslik fanlari doktori, Huquqiy muammolarni o'rganish markazining direktori Shamil Asyanovning O'zbekistondagi davlat va xususiy sektor kelajagiga doir fikrlari bilan qiziqdi va Asyanov quyidagi nutqni aytdi: "O'zbekistondagi davlat va xususiy sektor hamkorligi kelajagini davlat va xususiy kapitalning faol rivojlanayotgan hamkorlik shaklida ko'raman. Aksariyat Yevropa mamlakatlari va AQShda bu hamkorlik turi juda rivojlangan. U uy-joy kommunal xo'jaligi, yo'llar qurilishi va ta'mirlash sohalarda, ya'ni xususiy investorlarni jalb qilish qulay bo'lgan xizmatlar talab qilinuvchi, lekin davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi zarur bo'lgan sohalarda juda qulaydir. Shunda davlat tomonidan muayyan daromad kafolatlanadi. Davlat ish sifatini nazorat qiladi va tabiiyki, uning sifati yuqori bo'ladi. Shunday ekan, buni o'zaro manfaatli hamkorlik deb ayta olamiz"[2].

Demak biz yuqorida bergan takliflarni amalda qo'llasak, hohlayotgan maqsadimizga erishamiz. Albatti ularni qayta ishlab, tahlil qilish darkor.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasining «Buxgalteriya hisobi to'g'risida»gi Qonuni - Toshkent 1996 y. 30 avgust.
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. O'zbekiston milliy axborot agentligi rasmiy sayti: [www.uza.uz](http://www.uza.uz)  
Ilmiy rahbar: katta o'qituvchi Talipova D.

**УДК: 658.114.45.003.13**

### **АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**ТИҚХММИ талабаси Хабибуллаева Л.К.**

#### **Аннотация**

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фойлияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳақида сўз юритилган.Шунингдек, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашнинг илмий формуллари, микдорий ва сифат жиҳатидан баҳолашнинг ёндашувларига эътибор қаратилган. Хўжалик юритувчи субъектлар фойлияти самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар буйича илмий қарашлар таҳлил қилинган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий рақобатдошлигини ошириш, тўғри молиявий сиёсатни юритиш, фойдани максималлаштириш, капитал таркибини оптималлаштириш; молиявий барқарорлигини ўстириш, мулкдорлар (қатнашчилар, таъсисчилар), инвесторлар ва кредиторлар учун инвестицион жозибдорлигини ошириш, корхона бошқаруви юзасидан самарали механизмни шакллантиришни, шунингдек, молиявий ресурсларни жалб этишда бозор механизмнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг зарурий жиҳатлари хусусида Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев: —...хусусийлаштирилган корхоналар мавжуд улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳисобига улар иқтисодий ўсишининг локомотивлари бўлиб қолишлари керак— дея таъкидлаб ўтган эдилар||[1]. Шу

аснода, хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини молиявий таҳлили уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйишда муҳим дастаги сифатида қаралади.

"Рентабеллик – корхона фойдалилик даражасини характерлайди"[2]. А.В.Ваҳобов, Н.Ф.Ишонқулов ва А.Т.Иброҳимов фикрларига кўра, рентабеллик кўрсаткичлари фоиз ўлчов бирликларида ҳисобга олинган. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври эса бевосита маҳсулот сотишдан тушумга нисбати билан изоҳланган бўлиб, иқтисодий адабиётларда маҳсулот таннархи билан боғланган[3]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги —Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисидаги 207-сонли Қарори билан акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият самарадорлигини белгиловчи асосий ҳамда қўшимча кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган[4].

1. Асосий кўрсаткичлар:

1.1. Фойда EBITDA. (EBITDA — Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization; Фоиз, солиқ ва амортизация ажратмаларини ҳисобга олмаган фойда). Кўрсаткич корхонанинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисоблаб чиқилади ва амортизация ажратмаларини ҳисобга олмаган ҳолда корхона фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилади. Бу кўрсаткич бухгалтерия стандартларининг бир қисми эмас. Аслида қарзга олинган маблағларни сарфлаш бўйича битимларнинг жозибадорлигини таҳлил қилишга мўлжалланган. Агар, EBITDA мусбат бўлса, корхона ижобий фаолият кўрсатаётган бўлади ва кредиторлик ёки давлат қарзларини тўлаш учун имконияти борлигини кўрсатади. Агар, кўрсаткич нолга тенг ёки манфий бўлса, компания зарарга ишлаётгани ва чоралар кўриш кераклигини англатади. EBITDA динамикасини кузатиш ва уни оширишга қуйдигилар орқали эришиш мумкин: харажатларни қисқартириш, фойда ва даромадни ошириш, кўпроқ мижозларни жалб этиш ва бошқалар.

1.2. Харажат ва даромаднинг нисбати коэффициенти - Кн(CIR — Cost Income Ratio). Ушбу кўрсаткич корхона харажатларининг унинг даромадидаги улушини кўрсатишга мўлжалланган. Бу нисбат инвесторларга фирманинг қанчалик самарали ишлашини аниқ белгилаш имконини беради. CIR қанчалик паст бўлса, корхона даромадлари шунчалик кўп бўлади. Даврлар оша ушбу нисбат кўтарилиб борса, бу корхона харажатлари даромадларга нисбатан тезроқ ўсаётганлигини англатади;

1.3. Жалб қилинган капитал рентабеллиги - Рк (ROCE — Return on Capital Employed). Бу кўрсаткич корхонанинг мажбуриятларидан олинган даромаднинг қийматини аниқлаш учун ишлатилади. Умумий ҳолда, бу корхонанинг ишлаши учун зарур бўлган капиталдир. Қиймат қанчалик баланд бўлса, корхона шунчалик яхши ишлаётганини кўрсатади.

1.4. Акционер (хусусий) капитал рентабеллиги – Рх(ROE — Return On Equity). Бу кўрсаткич корхонанинг ўз капиталидан олинган даромаднинг қийматини аниқлаш учун ишлатилади.

1.5. Акционер инвестициясининг рентабеллиги – Ри(TSR — Total Shareholders Return). Умумий аксиядорлар даромади. Ушбу индикатор аксиядорлик жамиятлари акцияларининг ўзгариши ва дивидендларни ҳисоблаш натижасида акциядорлар даромадларининг нисбатини англатади.

1.6. Активлар рентабеллиги - Ра . Ушбу кўрсаткич корхона активларининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Активлар рентабеллиги ҳар бир сўмлик активга тўғри келадиган солиқлар тўлангунга қадар фойда суммасини ифодалайди.

1.7. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти – Кл. Ушбу кўрсаткич тўлов қобилиятининг қатъий меъёри қисқа муддатли мажбуриятларни дарҳол мавжуд пул маблағлари билан қопланишидир. Коэффициент қанча юқори бўлса, қарзни узиш кафолати шунча юқори бўлади. Оз миқдордаги маблағга эга бўлиб, пул маблағларини кирими ва чиқимини

муддати ва миқдорини назорат қилиш орқали баланс ликвидлигини таъминлаган ҳолда корхона доимий равишда тўловга қодир бўлиши мумкин.

1.8. Молиявий мустақиллик коэффиценти – Км. Бу кўрсаткич корхонанинг ҳаракатда банд қилинган маблағининг қанча қисми ўзига тегишли эканини билдиради. Молиявий мустақиллик коэффиценти мулкнинг нисбий даражасини тавсифлайди. Яъни ҳаракатдаги ҳар бир сўмнинг қанча қисми ўзига тегишли эканини билдиради. Бу коэффицент қанчалик бирга яқинлашиб борса, корхонанинг мустақиллиги шунчалик ортиб боради.

1.9. Кредиторлик қарзларини айланиш даври, кун – Дк. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, деганда қарз мажбуриятларини тўлаш муддати тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин дебиторга қайтарилиш даврини характерлайди.

1.10. Дебиторлик қарзларини айланиш даври, кун – Дд. Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, деганда қарз мажбуриятларини ундириб олиш муддати тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.

1.11. Қоплаш коэффиценти (тўлов қобилияти) – Кқ. Жорий қарзларнинг қанча қисми жорий активлар билан қонланишини, жорий мажбуриятларнинг ҳар сўмига неча сўмлик жорий активлар қиймати тўғри келишини ва жорий мажбуриятларни жами айланма маблағлар билан қопланиш даражасини ифодалайди.

1.12. Оддий акцияларнинг даромадлиги - Дд. Бу ташкилотнинг соф фойдасининг оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлашга йўналтирилганлигини кўрсатади. Бу даромад миқдори, яъни, ташкилот устав капиталининг қийматини ҳисобга олмаган ҳолда аксиядорлар даромади.

1.13. Дебиторлик қарзларини пасайиши (қўйилган масалага нисбатдан фоизда). Таҳлил ва натижалар, илмий изланишларга кўра, давлат улушидаги акционерлик жамиятлари ва хўжалик юритиш субъектлари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичларнинг аниқланишида нисбатдан ноаниқликлар юзага келган. Хусусан, илмий адабиётларда рентабеллик кўрсаткичлари фоизда ҳисобга олинган. Шу сабабдан, рентабеллик кўрсаткичларини 100 га кўпайтириб, фоизда инобатга олинишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, хўжалик юритиш субъекти фаолиятининг самарадорлигини белгилашда, кўрсаткичларнинг мазмунан тўғри боғланиши ва аниқланиши ҳам муҳим ўрин тутаяди[5].

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, кўрсаткичлар аниқланишини бир хил кўринишга келтириш ва ушбу кўрсаткичларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда кенг қўллаш орқали уларнинг фаолиятига баҳо бериш ҳамда шу аснода улар устидан текширув даврини оптимал даражага келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 18-апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2897 – сонли қарори

2. Молия ва бошқарув таҳлили / Дарслик: А.В.Ваҳобов, Н.Ф.Ишонқулов, А.Т.Иброҳимов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти. — 3-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. —Т.: —Иқтисод-Молия», 2013.— 394-б.

3. Иқтисодиёт субъектларини молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма / Раҳимов М.Ю. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти. — Т.: —Иқтисод-Молия», 2013. — 55-б.



4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2014-йил 18-февралда қабул қилинган —Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни

5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

Илмий раҳбарлар: Катта ўқитувчи Рустамова Д.Р., доцент Файзуллаева Т.Р.

## **АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

**Гуломов М.М. талаба, ТИҚХМММИ**

### **Аннотация**

Мақолада бошқарув ҳисобида даромад ва харажатлар ҳисобининг айрим ташкилий-услубий масалалари тадқиқ этилган. Хусусан, акционерлик жамиялари мисолида автоном ва интеграциялашган усулларда ҳисоб юритишда ахборот технологиялардан фойдаланишга доир илмий хулосалар ва амалий тақлифлар берилган.

Рус иқтисодчиси О.Н.Волковани ёзишича: "Амалиётда молиявий ва бошқарув ҳисобларининг ўзаро боғлиқлигининг икки асосий шакли мавжуд: интеграциялашган (адабиётларда унинг бошқа номланиши ҳам мавжуд – ягона, унитар, монистик) ва автоном (ёпиқ, бинар)" [1]. Бу борада проф. Б.А.Ҳасанов ва А.А.Хошимовларнинг фикрини аниқроқ ва тўлақонлироқ деб ҳисоблаймиз: "Халқаро тажрибада корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг куйидаги иккита тизими мавжуд:

- автоном;
- интеграциялашган.

Интеграциялашган ва автоном ҳисоб тизимларини ташкил этиш мақсади, таркиби, тамойиллари ва вазифалари ҳамда уларни компьютерлаштириш даражаси корxonанинг ягона ҳисоб юритиш сиёсатида белгилаб қўйилади. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг автоном тизимининг хусусияти шундаки, унда молиявий ва бошқарув ҳисоби чегаралари аниқ белгиланган бўлади. Бунга кўра, молиявий ҳисобда харажатлар иқтисодий элементлари бўйича, бошқарув ҳисобида эса калькуляция моддалари бўйича таснифланади.

Бошқарув ҳисобида харажатлар ҳисобини олиб бориш учун 9100-«Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат) ёаъ таннари ҳисоби счетлари», 9400-«Давр харажатлари ҳисоби» каби транзит счетлардан фойдаланилади"[2]. Проф. А.Х.Пардаев ва З.А.Пардаевларнинг бу масаладаги нуқтаи назари куйидагича: "Хорижий мамлакатлар амалиётида молиявий (даромадлар ва харажатларнинг тизимли таҳлили) ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси бўйича икки тизим қўлланилади: монистик ва автоном". Шунингдек бу муаллифлар томонидан монистик ва автоном тизимларнинг ҳам моҳияти очиқ берилган. "Монистик – бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида тўғри ва қарама-қарши алоқадорлик асосида тизимли ва муаммоли ҳисобни бирлаштириб, яхлит ҳолга келтирувчи тизим. Тизимли ҳисоб бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ишлаб чиқариш харажатларини, тайёр маҳсулот ва унинг сотилишини акс эттириш йўли билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини, унинг молиявий имкониятларини баҳолаш имконини беради".

"Автоном тизим – тизимли ва муаммоли ҳисобларнинг алоҳида-алоҳида тузилиши билан ифодаланади. Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги алоқа бир хилда номланган жуфт назорат ҳисобварақлари амалга оширилади". Бошқарув ҳисобини ташкил қилишда қайси тизим танланиши тўғрисида

А.Х.Пардаев ва З.А.Пардаевалар куйидаги фикрни билдиришган:” Бошқарув ҳисоби тизимини танлашга хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг кўлами ва маъмурият қарорлари ўз таъсирини ўтказида. Ҳар бир тизимнинг кўлланиши ва хусусиятлари айнан шу нуқтаи назардан кўриб чиқилади: тизимли ва бошқарув ҳисоби; монистик ва автоном; амалдаги ва стандарт харажатлар ҳисоби; тўлиқ ва қисман харажатлар ҳисоби”[3]. Бу борада Б.А.Ҳасанов ва А.А.Хошимовлар ҳам ўз фикрларини билдиришган: ”Бошқарув ҳисобини юритишнинг автоном тизимида 9910-«Якуний молиявий натижа» сметида ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган молиявий натижа маржинал фойда ва даромад кўринишида ҳисобга олинади. Молиявий ҳисобда 9910-«Якуний молиявий натижа» сметида баланс фойдаси шаклланиб, у нафақат асосий фаолиятдан олинган фойда балки бошқа фаолиятдан олинган фойда (даромад)ларни ҳам қамраб олади. Интеграциялашган ҳисоб тизимида хўжалик муомалаларини ифодалашда транзит счетлардан эмас, балки ягона счетлар тизимдан фойдаланилади. Бунда қолдиққа эга бўлган счетлар бир вақтнинг ўзида ҳам молиявий ҳисобга ҳам бошқарув ҳисобига тегишли бўлади”[4]. А.А.Каримов ва Д.И.Эркиновалар ҳам ушбу усуллар тўғрисида куйидагиларни ёзишган “Юқорида келтирилган 2та усул бошқарув ҳисобининг молиявий ҳисоб билан боғлиқлик даражасига кўра классификацияси ҳисобланади”. Бу иқтисодчиларнинг тавсияларига кўра мамлакатимиз йирик акционерлик жамиятлари учун бошқарув ҳисобини автоном тарзда, кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун эса, интеграциялашган усулда жорий этиш мақсадга мувофиқдир, деган фикрга келишган. Амалиётда корхоналарда тижорат сирининг махфийлигини таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоб счетларида фақат қолдиқлар кўрсатилиб, бошқарув ҳисоби счетларида эса хўжалик муомалалари тўлиғича акс эттирилиши кузатилмоқда. Корхоналарда ўзаро иқтисодий алоқадорликда бўлган жавобгарлик марказлари ва бизнес сегментлари ўртасида ягона ахборотлар базасини шакллантириш, қуйи бўлинмалар (цехлар, омборлар) ўртасида ахборот алмашинуви ҳамда оқилона ҳужжатлар айланмасини таъминлаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш интеграциялашган ҳисоб тизимини шакллантиришга боғлиқ. Умуман олганда, корхоналарда куйидаги ҳолатлар интеграциялашган ҳисоб тизимни ташкил этишга асос бўлади:

–корхонанинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар тузиш ва бошқа иқтисодий муносабатларга киришишини таъминлаб берувчи ахборотлар манбаи шакллантирилмаганда;

–корхона фаолиятида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини бошқаришнинг марказлаштирилган, амалий жиҳатдан асосланган механизми мавжуд бўлмаганда;

–корхоналарда бошқарув ҳисоби механик усулда яъни журнал-ордер ёки мемориал

–ордер шаклида олиб борилганда ва корхона бўлинмалари ўртасида ҳужжатлар айланиши самарали ташкил этилмаганда;

–раҳбарият томонидан бошқарув қарорлари аксарият ҳолатларда пухта таҳлилларсиз қабул қилинганда;

–инвестиция қарорларини қабул қилишда корхона раҳбарияти томонидан ресурслар асоссиз равишда ишлатилганда. Бу ҳолатлар интеграциялашган ҳисоб тизимини жорий этишдан мақсад корхона раҳбариятининг тўлиқ, ишончли ва тезкор ахборот олиши, уларни таҳлил қилиши ҳамда шу асосда тўғри бошқарув қарорлари қабул қилиши учун мўлжалланган бўлиши зарурлигини англатади. Интеграциялашган ҳисоб тизимида ахборотларни қайд этиш, тўплаш ва қайта ишлаш корхонанинг қуйи бўлинмалари (цехлар)дан бошланади. Шундан сўнг, тўпланган ахборотлар корхонанинг юқори бўғинларида молиявий ҳисобот шакллари тузиш мақсадида умумлаштирилади. Шу

тартибда, корхонада ягона ахборот тизими шаклланади. Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш кўйидаги тамойилларга асосланади:

–ҳисобнинг тезкорлиги ва ишончилигини таъминлаш;

–тушунарлилик, аҳамиятлилик, шаффофлик;

–интеграциялашган ҳисоб тизимини жорий этиш самарадорлигини ошириш ва ҳ.к.

*Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этиш жараёни бир неча босқичлардан иборат.*

Мазкур тизимни яратишнинг *дастлабки босқичида* бухгалтерия хизмати бошқарув ҳисоби ва таҳлили талабларига мувофиқлаштирилади. Бунда бошқарув ҳисобига доир счетлардаги ахборот тўпланади, корхонанинг моддий, молиявий маблағлари таркиби, уларнинг шаклланиш манбаларини ифодаловчи бошқарув ҳисоботи шакллари тузилади. Бу босқичда тўпланган ахборотларни умумлаштириш учун бошқарув бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги, хусусий капитал, пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот каби шакллардан фойдаланилади.

*Биринчи босқичда* активлар ва мажбуриятлар, харажатлар ва даромадлар, корхонанинг якуний молиявий натижалар бўйича дастлабки маълумотлар олинади. Интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этишнинг *иккинчи босқичида* корхона молиявий ҳисоботига киритилмайдиган ахборотларни йиғиш ишлари амалга оширилади. Бу ахборотларга корхона рақобатчиларининг молиявий ҳолати, ҳаракати тўғрисидаги маркетинг ахборотлари, инвестиция лойиҳалари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборотлар, меҳнат ресурслари тўғрисидаги ахборот кабилар киритилади. *Учинчи якуний босқичда* олдинги босқичлар натижалари асосида бошқарувни режалаштириш амалга оширилади. Бозор муносабатлари шароитида корхоналар бошқарув ҳисобида замонавий компьютер технологиялари ва дастурларидан фойдаланиш ҳисоб тизими олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бошқарув ҳисобининг интеграциялашган ҳисобини самарали жорий этиш корхоналар ҳисоб тизимида компьютер технологияларининг қўлланилиш даражасига боғлиқ. Бунда корхона бўлинмалари фаолиятини автоматлаштириш орқали қўлда бажариладиган қоғоз ва ёзув - чизув ишларини камайтириш, зарур ҳолларда тезкор бошқарув ахборотларини олиш имконияти яратилиши лозим. Ушбу масалани ҳал қилиш учун корхона бошқаруви ва бўлинмалар ўртасида ўзаро боғланган, ягона компьютер тизими (тўри) ўрнатилади ҳамда маълумотларни тезкор узатиш йўлга қўйилади. Интеграциялашган ҳисоб тизимида бизнес режалаштириш аниқ белгиланган оралиқда амалга оширилади. Бизнес режалаштиришда бюджетлар бир марталик (асосий воситаларни сотиб олиш) ва такрорланадиган (бюджетга солиқ тўловлари, ижара тўловларини амалга ошириш) хўжалик муомалалари асосида тузилади. Мазкур компьютер дастурлари ўтган ҳисобот даврларидаги хўжалик муомалалари асосида стратегик режалар тузиш имконини беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида акционерлик жамиятларида даромад ва харажатлар бошқарув ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатларини илмий ва меъёрий жиҳатдан таъминотини яхшилаш зарур, фаолият юритаётган корхоналарда бошқарув бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш жараёнида бошқарув ҳисобининг соддалаштирилган усулини қўллаш ва амалдаги меъёрий ҳужжатларни янгилаб, замонавий талабларга мослаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. даромад ва харажатларни самарали бошқариш ҳамда бизнес режалаштиришда меъёрлаштириш ва прогнозлаштириш усулларида фойдаланиш зарур. Интеграциялашган ҳисоб тизимида компьютер дастурларидан фойдаланиш зарур, унинг афзаллиги шундаки, унда олдинги даврлар учун тузилган бюджетларга автоматик равишда тузатишлар киритиш

имконияти мавжуд. Молиявий режа (бюджет)га киритилган хўжалик муомалалари бўйича дастлабки ва йиғма ҳужжатлар тайёрланади. Ушбу компьютер дастурининг якуний қисмида моддий ва пул маблағларининг режалаштирилаётган давр охирига бўлган қолдиқлари аниқланади. Шундай қилиб, акционерлик жамиятларида бошқарув ҳисобини интеграциялашган тизим бўйича ташкил этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш корхона ҳисоб тизимида тегишли бюджетларнинг тўғри тузилганлиги, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги устидан самарали назорат ўрнатиш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. “Тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПФ-5285-сон. 2017 йил 14 декабрь.

2. Хоразм гиламлари хорижда ҳам харидоргир. Т.: // «Биржа», 03.11.2016. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/43585-xorazm-gilamlari-xorijda-ham-xaridorgir>

3. Волкова О.Н. Управленческий учет: учеб.- М.:ТК Велби, изд-во Проспект.2006.-472с. (77-78 бетлар).

4. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби: Дарслик.-Т.:”Yangi nashr”. 2011. -3126 (203)

5. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi.T.:TAFAKKUR nashriyoti,2014-396(250-bet).

6. Каримов А.А., Эркинова Д. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг услубий жиҳатлари: автоном ва интеграциялашган тизимлар. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017.

7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. [www.korporativboshqaruv.uz](http://www.korporativboshqaruv.uz)

Илмий раҳбар: доцент Хожимухамедова Ш.И.

**УДК:339.727.22:334.02.61**

### **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ**

**Н.Д.Махмудова ТИҚХММИ талабаси**

#### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлаш ва қимматли хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўшма замонавий давлат-хусусий шериклик корхоналарни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни бевосита жалб қилиш бўйича такомиллаштириш йўллари тўғрисида фикр юритилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб қилишда “очик эшиklar” сиёсатини олиб борилиши Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг негизида ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилиши ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда чет эл сармояларини жалб этиш назарда тутилган. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов барчанинг эътиборини хорижий сармоядорлар билан алоқа ўрнатишга, уларнинг ишончини қозонишга ва иқтисодиётимизга доимий равишда хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириб бориш ғоясини илгари сурди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устувор вазифаларни белгилар экан,

улардан бирини хорижий сармоялар билан боғлаган ҳолда, "... хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг қўламда жалб этиш учун зарурий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шарт шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек сармоядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш" вазифасини қўяди. Албатта, иқтисодиётимизни юксалтирилишида иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ҳамда келгусида такомиллаштириб бориш зарурдир. Чунки, юқорида таъкидланганидек, чет эл технологияларини олиб келиш ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этиш, корхоналарни техник-технологик янгилаш асносида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларни ташқи бозорда ўз харидорларига эга бўлишини таъминлаш лозим.

Маълумки, жаҳондаги бирон-бир давлат хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб тараққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эриша олган эмас[1]. Шу боис ҳам бу иш мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикасида бу сиёсатни қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоқда:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий асос, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш;
- жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларни етказиб берувчи ҳамда иқтисодиётнинг замонавий тузилмаларини барпо этишга кўмаклашувчи хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини мунтазам равишда юритиш;
- маблағларни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устувор йўналишларга сарфлаш.

Бу борада мамлакатимиздаги мавжуд қонунчилик хорижий сармоядорларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар беришини таъминлайди. Шу ўринда хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизда нақадар зарурлигини эътироф этган ҳолда: хорижий сармоядорлар Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инвестицион сиёсатида, қонун устуворлигига энг асосийси тўлов қобилиятига қодир бўлган кучли шерик сифатида ишончларини қозониш лозим. Бунинг учун иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвесторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини такомиллаштириш зарур.

Албатта, мамлакатга инвестиция киритаётган ҳар бир хорижий инвестор унинг бой имкониятлари билангина эмас, балки:

- авваламбор, республикада ижтимоий сиёсий вазиятнинг барқарорлиги;
- иқтисодий тараққиёт истиқболларининг аниқ равшанлиги;
- республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги;
- хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари тўғри белгиланганлиги билан ҳам уларда қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий инвестицияларини жалб этар эканмиз, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмасдан ва корхоналарнинг ўзлари фаол инвестиция ишлари билан шуғуланмасдан туриб, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади. Инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта қурилантириш учун маблағ қидириб топишни рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилинар экан, бунда бизнинг асосий вазифамиз чет мамлакатлардан келадиган сармояларни ишга солиб, хомашё етказиб берадиган минтақадан тайёр маҳсулот чиқарадиган мамлакатга айлантириш орқалигина биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз. Ислохотларнинг дастлабки

босқичида хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга киритилиши тадбиркорликнинг келажаги сифатида баҳоланди[2]. Ушбу имкониятдан фойдаланиш қандай натижалар бериши асосланди. Белгиланган тадбир ва вазифаларни ечимини таъминлаш борасида амалий қадамлар қўйилди. Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда олдиндан белгилаб олинган тамойилларга асосланган ҳолда инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилди. Хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилди. Имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари белгиланди. Бу борада қуйидагиларни келтириш жоиз:

- ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар кам тўлаш ҳуқуқи берилди;

- Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисми солиқдан озод этилди;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз четга олиб кетиш имконияти берилди;

- Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш рухсати берилди;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, хорижликларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишлари таъминланди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш танлов асосида сотиб олиш белгиланди. Булар билан биргаликда хорижий инвесторларга уларнинг мол-мулкларини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан халос этиш учун кафолатлар берилди. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдасини ва бошқа пулларни чет элларга ўтказишларига, олинган фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция тарзида ишлатиш, республика банкларида сўтга ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиб. Бунинг учун эса авваламбор, жойларда қулай шароит яъни, инфраструктура яратмоқ лозим. Чунки, кимки ўз фаолиятида чет эл сармоясидан фойдаланишни истаса, шунга яраша инфратузилма яратиш керак. Хорижий инвестицияни иқтисодиётга жалб этишнинг яна бир йўли - ишлаб турган завод ва фабрикалар негизида қўшма корхоналар ташкил этишдан иборат. Иқтисодий ислохотларни иккинчи босқичида, чет эл сармояларини жалб этиш амалиёти натижаларини инобатга олган ҳолда, уларни тез фойда келтирадиган соҳаларга кириб келганини ҳисобга олиб, инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи тизимини жорий этишга қаратилди. Ишлаб чиқаришни юксалтириш мақсадида корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизминини вужудга келтириш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг иккинчи босқичида асосий эътиборни иқтисодиётимизда тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга ва тез суръатларда сафарбар этилган хорижий сармоялар эвазига рақобатбардошли моддий неъматларни ишлаб чиқаришга қаратилди. Бунинг учун ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб тузилма ўзгаришларга эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, хорижий шериклар билан мулоқот бошланганда, албатта, улар шерик сифатида сармоя ажратишга тайёр бўлса ҳам, авваламбор ўзга шерик имкониятлари билан қизиқиши табиийдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ички имкониятларни, яъни ички сармояларимизни сафарбар қилиш билан бирга хорижий сармояларни кенг равишда жалб

этиш тўғрисида бош қотиришни тавсия этилади. Ҳукуматимиз томонидан хорижий сармояларни қай даражада жалб этилиши охир-оқибатда иқтисодиётимизни келажагини кўп жиҳатдан аниқлаб бериши тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг келгуси ҳолати кўп жиҳатдан биз бугун хорижий сармояларни қай даражада кўпроқ жалб этишимизга боғлиқ. Бу борада хорижий сармояларни биринчи навбатда янги технологияларни жорий этилишига ва янги қувватларни ишга туширилишига қаратилиши кўзда тутилади.

Хорижий сармояларга баҳо берилганда уларни жуда қийинчилик билан ва узоқ вақт мобайнида белгиланиши[3], ўзининг йўналишини танлов асосида ўзгартириши ҳамда тикилган сармояни кўпайтириши зарурлигини тан олган ҳолда, мумкин бўлган йўқотишлар ҳам бўлишини, аммо капитал капитални кўпайтириши, фойдали тарзда маблағ йиғиб, ундан қўшимча фойда олиши мумкин бўлган майдонни қидиришини, капитал шунчаки ҳаракатсиз ётмаслигини таъкидлаш мумкин. Албатта, ҳамма бизнес қилишни, айниқса сармоядорларни ўз бойлигига бойлик қўшишни истайди. Бу эса ўз навбатида сармояларни жалб қилиш учун шароит яратилишини талаб этади. Бунинг учун энг аввало сармоядорнинг мазкур минтақада мавжуд сиёсий барқарорликка, бу давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳар бир капитал эгаси олишни истаган фойда, даромадни кафолатлашига ишонч ҳосил қилишига боғлиқ. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилаётган минтақадаги имкониятлар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, ресурслар нарх-навоси, инфратузилманинг ривожланиш ҳолати, ахборот ишончилиги, хизмат кўрсатиш яъни алоқа, транспорт ривожланиш ҳолати ва истикболи ҳамда жозибали лойиҳаларни мавжудлиги инвесторлар қизиқишини янада орттиради.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутати. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари — хорижий инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Ҳуқуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс эттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан инвестиция фаолиятини тартибга солиш умумий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг характери ҳамда моҳиятини ифода этади ва уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳуқуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари характерига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлларида иборат.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар стратегиясининг жуда муҳим шarti сифатида белгиланган бўлиб, кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш учун ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Бунда товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш;

- хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни Республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

- Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш;

- маблағларни энг устувор соҳаларга - республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш лозим. Чунки, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурмай туриб, экспорт имкониятларини кенгайтириш мумкин эмас.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Стахова Л.В. Управление инвестициями.-М., 2001. С-356.
2. Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьяновлар А.М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: ИНФРА-М, 2006. – 243с.
3. Лоренс Д.Гитман, Майкл Д.Джонк. Основы инвестирования.-М.:Дело, 2007, с.10.  
Илмий раҳбар: доцент А.З.Табаев

## **РЕСПУБЛИКАМИЗДА СУВ РУСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР**

**Т.Файзуллаева – ТИҚХММИ доценти и.ф.н.**

### **Аннотация**

Мақолада суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишдаги иқтисодий самарадорликнинг моҳияти ёритиб берилган. Сув ресурсларидан фойдаланишда хорижий давлатлар тажрибаси кўрсатиб ўтилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги харидор маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади. Шунингдек ушбу дастурда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш белгилаб берилган.

Мамлакат иқтисодиётининг аграр тармоғида бозор муносабатлари ривожланиб бориши натижасида шаклланиб, мустақкам иқтисодий ўсиш йўлига кириб бораётган турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар энг аввало дехқонларда мулкка, ўз меҳнати натижаларига эгаллик қилиш ҳисси тикланиши ва моддий манфаатдорлик, бошқача айтганда, иқтисодий рағбатлантириш механизми орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга замин яратмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб



чиқаришини ривожлантириш асосини биринчи навбатда, республикамизда умуммиллий бойлик ҳисобланган ер майдонларидан фойдаланишни самарали йўлга қўйиш ташкил этади.

Ер майдонларидан тўғри ва самарали фойдаланиш тез суръатлар билан ўсиб бораётган республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатнинг хомашёга талабини қондириш имконини беради. Ер майдонлари ичида суғориладиган ерлар алоҳида аҳамият касб этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоизи айнан суғориладиган ерларда етиштирилиши билан изоҳланади. Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосини суғорма деҳқончилик ташкил этиши боис, ер-сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг аҳамияти жуда юқори. Буни қуйидаги рақамлар орқали ҳам кўриш мумкин. Жумладан, узоқ йиллик мавжуд экин майдонлари таркибини ҳисобга оладиган бўлсак, республика бўйича қишлоқ хўжалигида экинларни суғориш учун йилига ўртача 55 млрд. м<sup>3</sup> сув талаб этилади.

Бу кўрсаткич Марказий Осиё давлатлари бўйича истеъмол қилинадиган сувнинг деярли ярмига тенг бўлиб, мамлакатимизга сув ресурсларининг кўп қисми трансчегаравий дарёлар ҳисобига тўпланади. Шунингдек, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 98 фоизини суғориладиган ерлар ташкил қилган ҳолда, республикада сарфланадиган сув ресурсларининг 85 фоизи айнан шу соҳада истеъмол қилинади. Дарҳақиқат республикамизда сарфланадиган сув ресурсларининг 90 фоизига яқини қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келар экан, сувдан самарали фойдаланиш, уни адолатли тақсимлаш, сув сарфини камайтириш бўйича илғор тажриба ва усуллардан унумли фойдаланиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

*Сув ресурслари* – ижтимоий-иқтисодий босқичларда ўзгариб турадиган барча чучук ва ўртача минераллашган ер ости ва ер усти сувларидан иборат бўлиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ва ишлатилиши мумкин бўлган сув манбаларининг йиғиндисидан иборат.

Мамлакатимиз шароитида сув ресурсларининг асосий манбалари дарёлар, сойлар, булоқлар, сув омборлари, кўллардаги табиий тоза сувлардан ҳамда ер остида жойлашган чучук ва ўртача минераллашган сувлардан иборат.

*Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш* деганда, сув ва сувдан фойдаланиш ва унинг муҳофазаси ҳақидаги барча қонун ва қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда улардан фойдаланиш, жамиятга фақат бугунги кунда эмас, балки келажакда сув кам бўлган тақдирда ҳам энг юқори самара олишни таъминловчи кўрсаткич, деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

С.Ш.Мирзаевнинг фикрича, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тушунчаси билан сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш тушунчалари ўзаро фарқланади.

Жумладан, сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш деганда – “сув манбаларининг ҳамма фойдали хосса ва хусусиятларидан бир вақтда ёки кетма-кет иқтисодий жиҳатдан оқилона (самарали) фойдаланиш”<sup>40</sup>ни тушуниш мумкин.

Бундан ташқари сув ресурслари тежамкорлиги тушунчасига ҳам таъриф бериб, “...Сув ресурслари тежамкорлиги - уларни муҳофазаси ҳақидаги қонун ва қоидаларга тўла амал қилган ҳолда бажарилган иш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига уларни иложи борица кам сарфланишини таъминлашга айтилади”<sup>41</sup>, - деб изоҳлаган.

Профессор Ў.П.Умурзоқов эса, “Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг моҳияти кам харажатлар билан суғориш суви бирлигига энг кўп маҳсулот олишдадир”<sup>42</sup> деб ҳисоблайди. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш кўп жиҳатдан мавжуд суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Айни пайтда республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар талабларидан

<sup>41</sup> Мирзаев С.Ш. ва бошқалар Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш. – Тошкент, 2008. 7-б.

<sup>42</sup> Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар Сув хўжалиги иқтисодий ва менежменти. – Тошкент, 2008. 12-б.

келиб чиққан ҳолда сувдан фойдаланишнинг энг қуйи бўғинида ҳам қатор янги тизимлар жорий этилди. Бундай тизимлардан бири Сув истеъмолчилари уюшмаларини (СИУ) ташкил этиш ҳисобланади.

Сув ва сувдан фойдаланиш масаласи долзарблашишининг асосий сабаблари мамлакатимиз шароитида узоқ йиллар давомида эгатлаб суғориш усулининг мавжудлиги натижасида ўртача экин майдони ҳисобига кўп сув сарф этилиши, ерларнинг турли даражада шўрланганлиги боис шўр ювиш тадбирлари учун кўшимча сув талаб этилиши, суғориш тизимининг ФИК пастлиги сабабли манбаадан олинган сувнинг сув истеъмолчисига етиб боргунча 1/3 қисми йўқотилиши каби омиллар саналади.

Сув ресурсларидан фойдаланишда хорижий давлатлар тажрибаларига эътибор берадиган булсак, Хитойда давлат томонидан 50 миллион гектар суғориладиган ер майдонида суғориш ишларини олиб бориш учун йилига 50 миллиард юан маблағ сарфланади, ёки бу ҳар бир гектар майдон ҳисобига 200 АҚШ долларига тўғри келади. Ушбу маблағларнинг давлат бюджети ҳисобига – 75 фоизи ва сувдан фойдаланувчилар ҳисобига эса 25 фоизи қопланади (1-жадвал).

**Айрим ривожланган мамлакатларда 1 гектар суғориладиган ер учун давлат томонидан сарф-харажатлар кўрсаткичлари**<sup>43</sup>

1-жадвал

Мамлактнинг номи	Харажат (АҚШ доллари)
Исроил	300-1000
АҚШ	200-700
Франция жанубида	200-500
Хитой	100-250
Саудия Арабистони	1000-2500
Ўзбекистон	36,5- 62,0

Хитойдаги йирик сув хўжалиги тизимларидан бири Хуанхе дарёси асосида фаолият юритувчи мажмуадир. Мажмуанинг узунлиги 252 километр бўлиб, у 460 та сув иншоотлари, 13 та дюкерни ўз ичга олади. Бу ерда сув дарёдан 40 метр баландликка кўтариб берилади. Бугунги кунда Хитой сув хўжалиги вазирлиги сувдан фойдаланиш борасида катта ҳуқуқларга эга бўлиб, мамлакатда сув хўжалиги бўйича алоҳида милиция тизими ҳам ташкил қилинган ва бу сувдан фойдаланиш жараёнини назорат қилади.

Исроил давлатининг аҳолиси - 5,0 миллион нафардан ортиқ ва экин майдони - 435 минг гектарни ташкил этади, шундан суғориладиган экин майдони - 220 минг гектар, киши бошига тўғри келадиган ер майдони – 0,09 гектарни ташкил қилади. Мамлакат кишлоқ хўжалиги тармоғида ер ва сув етишмаслигидан ташқари ишчи кучи ҳам етишмайди. Бундай ижтимоий-иқтисодий ва иқлим билан боғлиқ муаммоларни механизация даражасини ошириш ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қилинади.

Тупроқдаги мавжуд намликдан максимал фойдаланиш учун ерга чуқур ишлов берилиб, сув тупроқда ушлаб қолинади. Шундай усуллар қўлланилган майдонларнинг гектаридан 500 килограмдан кўшимча буғдой ҳосили олишга эришилади. Исроил ҳозирги кунда 100 дан ортиқ мамлакатга 60 миллион доллардан зиёд кишлоқ хўжалиги машиналари экспорт қилмоқда<sup>44</sup>.

Эслатиб ўтиш ўринлики, сув ресурсларини қайта ишлатиш билан боғлиқ тадбирлар мамлакатда экин майдонлари, сув омборлари, ер ости қатламларида тузлар концентрацияси кўпайишига, шўрланган ерлар салмоғи ортишига олиб келмоқда. Бу эса яна кўшимча маблағ ва харажатларни талаб этади. Сув танқислиги туфайли Исроил давлати дунёда сувни энг кам сарф қиладиган технологиялари билан машҳур (2-жадвал).

2-жадвал

**Хорижий давлатлар суғорма дехқончилигида бир комплекс**

### гектар учун сув сарфи миқдори

№	Давлатлар номлари	Сув сарфи миқдори, м <sup>3</sup> /га
1.	Исроил	6 000
2.	Покистон	18 000
3.	Россия	20 000
4.	Туркия	14 000
5.	Туркманистон	15 000
6.	Хитой	15 000
7.	Ўзбекистон	брутто (шўр ювиш учун)
		нетто (суғориш учун)
8.	Қозоғистон	25 000
9.	Ҳиндистон	19 000

2010 йилги FAO stat маълумотлари асосида

Манба: А.Собиров Хорижий давлатларда сувдан фойдаланиш. -<http://ft.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=17&id=495>. Манба: Шохўжаева З. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари: Автореферат и.ф.н. ил. дар. олиш учун ёз. дисс. – Тошкент: ЎЗБМА, 2010. -104-108 б.

Жаҳондаги айрим давлатларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун бир гектар майдонга сарфланаётган сув миқдори тахлилилари кўрсатишича, Исроилнинг услуги устунлиги яққол намоён бўлади. Жумладан, АҚШ нинг Калифорния штатида 12-14 минг м<sup>3</sup>, Ҳиндистонда 19-22 минг м<sup>3</sup>, Покистонда 18-20 минг м<sup>3</sup>, Туркияда 14-20 минг м<sup>3</sup>, Хитойда 15-17 минг м<sup>3</sup>, Туркманистонда 15-19 минг м<sup>3</sup>, Қозоғистонда 25-35 минг м<sup>3</sup>, Россиянинг суғориладиган Краснодар ўлкасида 20-25 минг м<sup>3</sup>, Исроилда (томчилатиб суғориш билан) 6 минг м<sup>3</sup> атрофида, Ўзбекистонда эса 11-12 минг м<sup>3</sup> ни (брутто) ташкил қилади, нетто сув сарфи эса анча кам.

Агарда Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган экин майдонларининг 50 фоизи атрофидаги ерларда шўр ювиш тадбирлари учун ишлатиладиган сув миқдори (дунёнинг бирор бир давлатида бундай тажрибани учратиш қийин) ҳисобдан чиқариб ташланса, унда бир комплекс гектарга 8-9 минг кубометр сув сарфланаётганини кўриш мумкин.

Бу эса Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш даражаси юқорилиги ва сув сарфи борасидаги кўрсаткичларимиз Исроил давлатида амалда қўлланаётган томчилатиб суғориш технологияси доирасидаги сув сарфига яқин эканлигини кузатиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзаев С.Ш. ва бошқалар Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш. – Тошкент, 2008, 7-б.
2. Мирзаев С.Ш. ва бошқалар “Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш” Тошкент-2008, 33-б.
3. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. – Тошкент, 2008, 12-б.
4. Собиров А. Хорижий давлатларда сувдан фойдаланиш.
5. Шохўжаева З. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари: Автореферат и.ф.н. ил. дар. олиш учун ёз. дисс. – Тошкент: ЎЗБМА, 2010. 104-108 б.

## JISMONIY SHAXSLARDAN OLINADIGAN DAROMAD SOLIG'INING IQTISODIY AHAMIYATI

**В.Ҳо'лдoшboyev, talaba TIQXMMI**

O'zbekiston mustaqillikka erishib, iqtisodiy islohotlar yo'lini tanlaganidan so'ng, oldimizda mamlakatimizning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olib, boshqa bozor iqtisodiyotiga o'tishdek murakkab jarayonni boshidan kechirgan rivojlangan va rivojlanayotgan xorijiy davlatlarning ilg'or tajribalaridan kelib chiqqan holda mohiyatan yangi soliq tizimini vujudga keltirish vazifasi turar edi. Bozor munosabatlari, xo'jalik yuritishning yangi shakllari rivojlanishi bilan soliq qonunchiligiga zikr etilgan tamoyillardan kelib chiqadigan hamda islohotlarning tegishli bosqichi sharoitiga mos keladigan jiddiy o'zgarishlar amalga oshirildi.

Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i O'zbekiston Respublikasining 1991-yil 15-fevraldagi «O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, ajnabiy fuqarolar hamda fuqaroligi bo'lmagan shaxslardan olinadigan daromad solig'i to'g'risida»gi Qonuniga asosan joriy etilgan bo'lib, O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi amalga kiritilgandan boshlab «Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i» deb yuritila boshlandi. Jismoniy shaxslardan undiriladigan daromad solig'i amalda barcha mamlakatlarda keng tarqalgan soliq turi hisoblanadi. Mazkur soliq turi aholining deyarli barcha qatlamlarini qamrab olgan, undirish mexanizmi yaxshi ishlab chiqilgan va barqaror soliqdir. Bozor munosabatlari sharoitida har qanday daromad, tekinga olingan buyum, mulk yoki foyda albatta soliqqa tortilishi lozim. Jismoniy shaxslar to'laydigan soliqlarning xususiyati shundan iboratki, soliq jismoniy shaxsning to'g'ridan-to'g'ri o'z daromadidan olinadi. Soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar asosan naqd pul to'lash yo'li bilan byudjetga o'tkaziladi. Faqat korxonalar va tashkilotlarda faoliyat yuritayotgan jismoniy shaxslarning daromad solig'i yuridik shaxslar tomonidan hisoblanib byudjetga o'tkaziladi. Shu nuqtai nazardan jismoniy shaxslarning soliqlarini hisoblash 2 yo'l bilan olib boriladi:

- daromad to'lovchi yuridik shaxslar, ya'ni korxonalar va tashkilotlarda ishlovchi xodimlar, xususiy tadbirkorlik bilan shug'ullanuvchi shaxslarning ish haqi va boshqa daromadlaridan soliq agentlari tomonidan hisoblanadi
- soliq xizmati idoralari mutaxassislari tomonidan aholining yer va mol-mulk solig'i hisobi amalga oshiriladi

Amaldagi Soliq kodeksiga, ko'ra ***soliq solinadigan daromadga ega bo'lgan jismoniy shaxslar jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini to'lovchilari bo'lib hisoblanadi.*** Mazkur soliq bo'yicha hisob-kitob ishlarining to'g'ri va aniq yuritilishi soliq solish obyektini aniqlab olishdan boshlanadi. Soliq solish obyekti:

O'zbekiston Respublikasi rezidentlarini O'zbekiston Respublikasidagi va undan tashqaridagi manbalardan olingan daromadlari

O'zbekiston Respublikasi norezidentlarining O'zbekiston Respublikasidagi manbalardan olingan daromadlari

Soliq solinadigan baza jami daromaddan kelib chiqib, soliq solishdan ozod qilingan daromadlar chegirilgan holda aniqlanadi. Agar soliq to'lovchining daromadidan uning ixtiyoriga ko'ra, sud yoki boshqa organlarning qaroriga ko'ra ma'lum ushlar amalga oshirilsa, ular soliq solinadigan bazani kamaytirmaydi. Jismoniy shaxslarning jami daromadi tarkibiga kiruvchi asosiy manbalar tarkibi quyidagicha:

- Mehnatga haq to'ash shaklidagi daromadlar
- Mulkiy daromadlar
- Moddiy naf tarzidagi daromadlar
- Boshqa daromadlar

Mehnatga haq to'lash tarzidagi daromadlarga quyidagilar kiradi:

- rag'batlantirish xususiyatiga ega bo'lgan to'lovlar;
- kompensatsiya to'lovlari;
- ishlamagan vaqt uchun haq to'lash.

**Mulkiy daromadlar tarkibiga** olingan foizlar, mulkni ijaraga berishdan olinadigan daromadlar, dividendlar, royalti, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar to'langanidan keyin xususiy korxonaga egasi hamda fermer xo'jaligi boshlig'i, xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius ixtiyorida qoladigan foyda summasi kabilar kiradi.

Soliq to'lovchi tomonidan yuridik shaxsdan moddiy naf tarzida olingan daromadlar tarkibiga quyidagilar mansub:

jismoniy shaxslarning bolalarini maktabgacha ta'lim muassasalarida o'qitish, tarbiyalash; kommunal xizmatlar, xodimlarga berilgan uy-joy, kartira, yotoqxonadagi joylar haqini yoki ularning o'rnini qo'lash qiymatini to'lash;

oziq-ovqat, yo'l chi'talari qiymatini to'lash yoki oziq-ovqat, oylik yo'l chi'talari qiymatini qo'lash;

sanatoriy-kurortlarda davolanish yo'llanmalari qiymatini, dam olish, statsionar va ambulatoriyaga qatnab davolanish haqini yoki ularning o'rnini qo'lash qiymatini to'lash kabilar.

Jismoniy shaxs yuridik shaxsdan aksiz to'lanadigan tovarlar yoki qo'shilgan qiymat solig'i solinadigan tovarlar, ishlar, xizmatlar olsa, bunday tovarlar, ishlar, xizmatlar qiymatida aksiz solig'ining va qo'shilgan qiymat solig'ining tegishli summasi hisobga olinadi. Jismoniy shaxslarning jami daromadi tarkibiga boshqa daromadlar ham kiritilgan bo'lib, unga quyidagilar kirishi Soliqlik kodeksida belgilab qo'yilgan:

- pensiyalar va qonun hujjatlarida belgilangan nafaqalar;
- stipendiyalar;
- fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlari, xayriya va ekologiya jamg'armalari tomonidan jismoniy shaxslarga beriladigan nafaqalar hamda boshqa turdagi yordam;
- donorlik uchun pul mukofotlari;
- alimentlar;

Jismoniy shaxslarning daromadlariga solinadigan soliq stavkasi Respublikamizda soliq amaliyoti yuritilayotgan paytdan amal qilib keladi va shu yillar ichida uning shkalasi va foiz stavkalari muntazam kamayib kelmoqda. 2017- yil 29- dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3454 sonli «O'zbekiston Respublikasining 2018-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozi va Davlat byudjyeti parametrlari to'g'risida»gi qarori qabul qilindi. Ushbu qarorda soliqlarning turlari va ularning stavkalariga bog'liq bir qator o'zgarishlar belgilab berilgan. Keling, yangi yildan soliqlar borasida qanday o'zgarishlar sodir bo'lishini, ularning natijalarini avvalgi yillarga taqqoslagan holda o'rganib chiqaylik.

JShDS — jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i stavkalari shkala bo'yicha: 0 — 7,5 — 16,5 — 22,5 foiz (shu vaqtga qadar 0 — 7,5 — 17 — 23 foiz bo'lgan).<sup>45</sup>


Fuqarolarning ayrim toifalari uchun olinadigan daromadlarning alohida turlariga soliq stavkalarini belgilashda eng kam stavka bo'yicha soliq solinishi nazarda tutilgan. Xususan, baland tog'li, cho'l va suvsiz hududlarda ishlaganlik uchun O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan koeffitsientlar bo'yicha qo'shimcha to'lovlar tariqasida olingan daromadlarga shunday imtiyozlar qo'llaniladi. Bunda cho'l va suvsiz joylarda, baland tog'li va tabiiy-iqlim sharoiti noqulay hududlarda ishlaganlik uchun yuridik shaxslar xodimlarining ish haqiga koeffitsientlar hisoblashning eng yuqori summasi hisoblash paytidagi holatga ko'ra belgilangan eng kam ish haqining to'rt baravari miqdorida belgilanadi.

O'zbekiston prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2018-yil 29-iyundagi farmoni bilan O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi tasdiqlandi. U keng jamoatchilik muhokamasi natijalari hamda Xalqaro valyuta jamg'armasi, Jahon banki va xalqaro ekspertlarning tavsiyalaridan kelib chiqib, soliq yukini kamaytirish va soliq solish tizimini

<sup>45</sup> <http://www.lex.uz>

soddalashtirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish vazifalarini amalga oshirish maqsadida qabul qilindi. Hujjat loyihasi keng jamoatchilik muhokamasidan o'tdi. Kopsepsiya doirasida 2019-yil 1-yanvardan barcha fuqarolar uchun jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ining yagona stavkasini 12 foiz miqdorida joriy etish, shundan 0,1 foizini shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga yo'naltirish. Bunda, fuqarolarning ayrim toifalari uchun eng kam oylik ish haqining 4 baravari miqdoridagi daromadlarini soliq solishdan ozod qilishning amaldagi tartibi saqlab qolindi.<sup>46</sup>

Jismoniy shaxsning asosiy bo'lmagan ish joyidan yoki boshqa yuridik shaxslardan moddiy yordam va qimmatbaho sovg'a olgan daromad solig'i summasini qayta hisob-kitob qilish jismoniy shaxs daromadlar to'g'risida deklaratsiya tushirgan taqdirda, davlat soliq xizmati organlari tomonidan soliq davrining oxirida amalda bo'lgan eng kam ish haqi miqdoridan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi. Jismoniy shaxslarning daromad solig'i bo'yicha imtiyozlari soliq amaliyotida alohida o'rin tutadi. Bunda soliq yukini kamaytirish aholini turli tabaqalari o'rtasida ijtimoiy-iqtisodiy kelib chiqishi, ularning ijtimoiy holati, kasb turlari va boshqa holatlarini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. Unga ko'ra jismoniy shaxslarning daromad solig'i bo'yicha imtiyozlar quyida keltirilgan:



Daromadlarga soliq solmaslik
To'liq ozod etish
Qisman (eng kam ish haqining 4 barovari miqdorida)

***Jismoniy shaxslarning soliq solinmaydigan daromadlariga quyidagilar kiritiladi:***

- moddiy yordam summolari. Bunda, favqulodda holatlar munosabati bilan beriladigan moddiy yordam summolari to'laligicha, vafot etgan xodimning oila a'zolariga yoki oila a'zosi vafot etganligi munosabati bilan xodimga beriladigan moddiy yordam summolari eng kam ish haqining 20 baravarigacha hamda boshqa hollarda soliq davri uchun eng kam ish haqining 12 baravarigacha miqdorda belgilab qo'yilgan.

- yo'llanmalar qiymatini yuridik shaxslar tomonidan to'liq yoki qisman qo'lash summolari o'z xodimlariga va ularning bolalariga ambulatoriya yoki statsionar tibbiy xizmat ko'rsatilganligi uchun ish beruvchi tomonidan to'langan summalar, vaqtinchalik bir martalik ishlarni bajarishdan olingan daromadlar, agar bunday ishlarga yollashlar vaqtinchalik bir martalik ish bilan tahminlash markazlari ko'magida amalga oshirilayotgan bo'lsa, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni to'laganidan keyin xususiy korxonalar mulkdori, fermer xo'jaligi boshlig'i ixtiyorida qoladigan foyda summasi, xalqaro s'ort musobaqalarida sovrinli o'rinnlarni egallaganligi uchun s'ortchilar olgan bir yo'la beriladigan pul mukofoti, donorlik uchun pul mukofotlari, shuningdek qon yiqqanlik uchun tibbiyot muassasalari xodimlari oladigan summalar ham jismoniy shaxslarning soliq solinmaydigan daromadlari toifasiga kiritildi.

Darhaqiqat, jismoniy shaxslarning soliq solinmaydigan daromadlariga xalqaro hamda respublika tanlovlari va musobaqalarida olingan buyum tarzidagi sovrinlarning qiymati, davlat zayomining obligatsiyalari bo'yicha yutuqlar, shuningdek O'zbekiston Respublikasining davlat qimmatli qog'ozlari bo'yicha foizlar, lotereya bo'yicha yutuqlar, olingan. Alimentlar, fuqarolarning sug'urta to'lovi sifatida oladigan summolari, qonun hujjatlarida davlat stipendiyalari uchun belgilangan miqdorlarda ta'lim va ilmiy tadqiqot muassasalari tomonidan to'lanadigan stipendiyalar, fuqarolarning soliq solinadigan ish haqi va boshqa daromadlarini, O'zbekiston Respublikasi oliy o'quv yurtlarida ta'lim olish uchun (o'zining o'qishi va 26 yoshga to'lmagan farzandlarining o'qishi uchun) yo'naltiriladigan summolari, O'zbekiston Respublikasi Xalq

<sup>46</sup> <http://www.soliq.uz>

bankidagi fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga ixtiyoriy ravishda yo'naltiriladigan summalar kabilar ham kiritiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. T.S.Malikov, P.T.Jalilov "Byudjet - soliq siyosati", Toshkent. "Akademnashr" 2011y.
2. I.A.Karimov Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada oshirishdir. – Toshkent: O'zbekiston, 2010.- 80b.
3. A.V.Vahobov, Malikov T.S. Moliya: darslik. – Toshkent: Sharq, 2011.- 804b
4. PF-4086 sonli 26.12.2018. O'zbekiston Respublikasining 2019-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozi va davlat byudjeti parametrlari hamda 2020-2021-yillarga byudjet mo'ljallari to'g'risida
5. PF-5468 29.06.2018y. O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi.
6. <http://www.stat.uz>
7. <http://www.soliq.uz>

## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISH KONSEPSIYASI – DAVR TALABI**

**S.A.Jiyanqulov, talaba TIQXMMI**

### **Annotatsiya**

So'nggi yillarda, O'zbekiston Respublikasida barcha sohalarda islohotlarning amalga oshishi soliq tizimini ham tubdan isloh etish va takomillashtirish, shu asnoda mamlakatimizning investitsion jozibadorligini oshirish, qulay raqobat muhitini yaratish, soliq to'lovchilar uchun soliq yuki darajasidagi nomutanosiblikni yo'qotish hamda turli tizimli muammolarni bartaraf etishni taqozo etardi. Shu sababdan ham soliq tizimini takomillashtirishga qaratilgan ushbu konsepsiyaning ahamiyati juda ham yuqori.

2018-yil 29-iyun nafaqat soliq tizimi, balki butun mamlakat hayotida so'nggi yillardagi eng muhim voqealardan biri bo'ldi. Aynan shu kuni Prezident Shavkat Mirziyoyev "O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risida"gi tarixiy Farmonga imzo chekdi. Ushbu hujjat oddiy fuqarolar daromadida, ish bilan band bo'lishiga ko'rsatadigan kuchli ta'siri orqali ularning turmush tarzida bevosita aks etishi bilan ahamiyatli. Qolaversa, kichik biznesni respublika iqtisodiyotining real sektori uchun tom ma'nodagi tayanchga aylantirib yuborishi, davlat uchun esa yillar davomida eskirgan va mamlakat taraqqiyotiga har tarafdin to'g'anoq bo'layotgan murakkab va og'ir soliq tizimini tubdan yangilash sari yo'l ochib berishi bois ham tarixiydir[1].


Bir yillik mehnat samarasi, yuzlab bahs-munozaralar, maslahatlashuvlar, o'rganish va tadqiqotlar natijasi bo'lmish ushbu hujjatning chindan ham "boshqacharoq" ekanligi uni ishlab chiqish jarayonidayoq ma'lum bo'lgan edi.

Xo'sh, bu konsepsiyaning sizni biz, tadbirkorlar, savdogarlar va ishlab chiqaruvchilar, davlat byudjeti, umuman olganda, Vatan taraqqiyotida nechog'lik o'rni bor? Qanday o'zgarishlar yuz berdiki, ushbu hujjat "olamshumul islohot" deya ta'riflanmoqda? Bu islohotlarni muvaffaqiyatli ro'yobga chiqarish va ko'zlangan maqsadlarga erishish uchun nimalar qilmog'imiz kerak? Keling, shu savollarga javob izlashga harakat qilaylik.

"Bu dunyoda aql bovar qilmaydigan eng qiyin tushuncha — soliq shkalasidir" degan edi zamonaviy fizika asoschilaridan biri Albert Eynshteyn bundan bir asr avval. Ha, aynan shunday. Mamlakatimizda jismoniy shaxslar daromadiga solinadigan soliq tartibi murakkablashib, ta'bir

joiz bo'lsa, o'sha nisbiylik nazariyasini ishlab chiqqan olimning ham tafakkuri yetmaydigan shaklga kelib qolgandi.

1-diagramma: Facebook, Telegram ijtimoiy tarmoqlarida aholi o'rtasida o'tkazilgan so'rovnomalar natijalari [4]:



Maoshingiz eng kam ish haqining bir baravaridan besh baravarigacha bo'lsa 7,5%, besh baravaridan o'n baravarigacha oralig'ida 16,5%, undan yuqori miqdorda oylik olsangiz, 22,5% soliq ushlanar, bu soliqlar miqdorining o'zi ham o'sib boruvchi shkala bo'yicha kishini chalkashtirib yuboradigan darajada murakkablashib ketardi. Qo'shimchasiga, ish haqidan davlatdan tashqari pensiya jamg'armasi uchun 8 foizlik majburiy sug'urta to'lovi undirilardi.

Ahvol shu darajaga yetdiki, 13 milliondan ziyod mehnatga yaroqli aholisi bor respublikamizda ish haqidan qonuniy soliq to'laydiganlar soni 4,6 millionni tashkil qilmoqda. Pul topib, oila boqayotgan, biroq hech qayerda rasmiy ishlamayotgan qolgan millionlab yurtdoshlarimiz esa ana shunday yashirin iqtisodiyot soyasida qolib ketgan. Ular kasaba uyushmalari muhofazasidan foydalanolmaydi, ipoteka krediti ololmaydi, kelajakda pensiyaga ega bo'lmaydi, mehnat qonunchiligidagi imtiyozlar bu xodimlarga daxl qilmaydi. Eng yomoni, olinmagan soliq ko'rinishida davlat byudjetiga ham milliardlab so'm zarar yetmoqda[5].

Shu bilan birga, o'rganishlar natijalari mazkur sohada bir maromda iqtisodiy o'sishga, ishbilarmonlik va investitsiyaviy faollikni oshirishga, sog'lom raqobat muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar yig'iluvchanligining zarur darajasini ta'minlashga to'squinlik qilayotgan bir qator tizimli muammolarni ko'rsatdi.

Mavjud tizimli muammolarni bartaraf etish, 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan soliq yukini kamaytirish va soliq solish tizimini soddalashtirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish vazifalarini amalga oshirish maqsadida, shuningdek, keng jamoatchilik muhokamasi natijalari hamda Xalqaro valyuta jamg'armasi, Jahon banki va xalqaro ekspertlarning tavsiyalaridan kelib chiqib hamda chuqur tahlil qilinib amalga oshiriladi[2].

O'zbekiston Respublikasi soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasida soliqqa tortish tizimini tubdan isloh etish, shu jumladan, soliqlar va majburiy to'lovlarni qisqartirish, samarasiz soliq imtiyozlarini bekor qilish ko'zda tutilgan. Qulay raqobatli muhit yaratish, soliq qonunchiligi barqarorligi va soddalashtirilishini ta'minlash, soliq yuklamasini kamaytirish, respublikamizning investitsion jozibadorligini oshirish hamda soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish konsepsiyaning asosiy maqsadlari hisoblanadi.

Yangi soliq konsepsiyasiga ko'ra, endi vaziyat tubdan o'zgardi: soliq yuki keskin kamaytirilib, sodda, shaffof, muhimi, ish beruvchi uchun ham, ishlovchi uchun ham birdek adolatli stavka belgilandi.

Yangi soliq konsepsiyasida jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha yagona - 12 foizlik stavka belgilandi, holbuki, jahon bo'yicha ushbu soliqning o'rtacha darajasi 20 foizga teng. Daromad solig'ining bunday soddalashtirilgan tartibi iqtisodiyoti rivojlanayotgan, keng qamrovli islohotlar olib borilayotgan bizning kabi davlatlar uchun eng maqbul variantdir.



Birgina misol, 2001-yili Rossiya soliq tizimining progressiv shkala tartibidan soddalashtirilgan daromad solig'i tartibiga o'tishi bir yildayoq katta muvaffaqiyat keltirdi va mehnat fondidan olinadigan soliq bazasini 50 foizga oshirdi.

Eng ko'p yangiliklar aynan xususiy tadbirkorlar, kichik biznes faoliyati misolida ko'zga tashlanadigan bo'ldi. Konsepsiyadan ko'zlangan bosh maqsad ham, aslida, biznesga tushayotgan soliq yukini keskin kamaytirish orqali mamlakatda ishlab chiqarish va investitsiyaviy muhitni rivojlantirish, pirovardida, davlatning soliq bazasini kengaytirishdir. Bu yerda asosiy urg'u kichik va yirik korxonalar uchun birdek adolatli soliq tizimini yaratish, ular o'rtasidagi nomutanosiblikni bartaraf etishga qaratiladi. Hozir bizda xususiy tadbirkorlar uchun ikki xil soliq tartibi amal qilmoqda: soliq to'lashning umumbelgilangan tartibi va soddalashtirilgan tartib. Biroq o'ta baland stavkalar va murakkabliklar bois yurtimizda faoliyat ko'rsatayotgan 351 ming soliq to'lovchining 2,7 foizigina umumiy, ya'ni ko'pchilikka mo'ljallangan soliq tartibida ishlaydi, 97 foizi esa soddalashtirilgan tartibda soliq to'lamoqda.

Daromad solig'i pasaytirildi. Yuridik shaxslar uchun stavka 14 dan 12 foizga, tijorat banklari uchun esa 22 dan 20 foizga tushirildi. Respublika Moliya vazirligi bergan ma'lumotlarga qaraganda, ushbu yengillik tadbirkorlar va banklarga 249 milliard so'mni tejash imkonini beradi. Umuman, 2019-yil 1-yanvardan kuchga kiradigan yangi stavkalar hisobiga biznes zimmasiga tushayotgan soliq yuki 5 trillion so'mdan ziyod miqdorda kamayadi.

Albatta, bu konsepsiya mamlakatimizda soliq islohotlarini boshlash uchun ilk katta qadam. U mazkur islohotlarning bosh yo'nalishlarini belgilab beruvchi bir strategiya. Ya'ni u hali tugal, yakuniy hujjat emas. Farmonda ta'kidlanganidek, tegishli idoralar, vazirliklarning mas'ul shaxslaridan iborat maxsus komissiya ushbu o'zgarishlar jarayoni va natijalarini chuqur tahlil qilib boradi, tegishli o'zgartish va qo'shimchalar yuzasidan doimiy takliflar kiritadi. Konsepsiyada belgilangan yo'nalishlar asosida yangi tahrirdagi Soliq kodeksini ishlab chiqadi. Darvoqe, Konsepsiyada davlat byudjeti daromadlarining uchdan birini tashkil etuvchi qo'shimcha qiymat solig'ini, uni to'lovchi baza ortib borar ekan, bosqichma-bosqich pasaytirib borish belgilandi. Ushbu soliqni hisoblash va tekshirish tartiblari ham axborot texnologiyalarini joriy etgan holda to'liq elektron shaklga o'tkazilishi mustahkamlab qo'yildi.

Mamlakat rahbariyati birinchi qadamni qo'ygan ekan, ushbu islohotlarga bosh qo'shish navbati endi biz, fuqarolarga keldi. Bu shuni anglatadiki, yoshlar o'zining innovatsion g'oyalari bilan iqtisodiyotga dadil kirib kelishi, yaratilayotgan imkoniyatlar, imtiyozlar, yengilliklardan maksimal darajada foydalanishi; ota-onalar o'z farzandlarini izg'irinlarda qor kurash uchun avtobuslarda olis yurtlarga ishlashga yubormasdan, ularning bilimli bo'lib kamolga yetishi uchun harakat qilishi, yoshlarni har taraflama qo'llab-quvvatlashi; mahallamizda oqayotgan ariqqa tiqilib qolgan plastik paketlar tozalanishi uchun "Obod qishloq" dasturi bizgacha yetib kelishini kutmay, o'zimiz ham jonbozlik ko'rsatishimiz; xodimlarga oylik to'lash uchun korporativ plastik kartadagi pulni 80 foizdan naqdashtirib, qonunni aylanib o'tish o'rniga, taraqqiyot bahosi bo'lgan soliqlarni vijdonan to'lashga ko'nikishimiz; milliardlab mablag'lar, kechayu kunduz qilingan mehnat natijasi bo'lmish elektr energiyasini, tabiiy gazni, suvni o'g'irlamaslikka, uni tejashga o'rganishimiz kerak. Bular ayni paytda biz qilishimiz mumkin va lozim bo'lgan ishlarga oddiy misollardir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. „O'zbekiston Respublikasi soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. 30.06.2018y.
  2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4086-son qarori.
  3. 2017-2021-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi;
  4. T.S.Malikov, P.T.Jalilov "Byudjet-soliq siyosati", Toshkent, "Akademnashr". 2011 y.
  5. <http://www.soliq.uz>
  6. <http://www.stat.uz>
- Ilmiy rahbar: dots. Sh.Xodjimuxamedova

# IQTISODIYOTNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH SHAROITIDA NAQD PULSIZ HISOB-KITOB SHAKLLARIDAN FOYDALANISH AMALIYOTI

**Xonimqulov U.B. talaba, TIQXMMI**  
**Rustamova D.R. katta o'qituvchi, TIQXMMI**

## **Annotatsiya**

Maqolada O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitob shakllaridan foydalanish amaliyotini takomillashtirish bilan bog'liq bo'lgan muammolar aniqlangan va ularni hal qilishga qaratilgan ilmiy takliflar ishlab chiqilgan.

Bugungi rivojlanib borayotgan jahon iqtisodiyoti zamonida to'lov vositasi va boshqa pullik munosabatlarni onsonlashtirish maqsadida naqd pulsiz hisob-kitoblardan keng foydalanilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi 4947-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi"da ham naqd pulsiz hisob-kitoblar tizimini rivojlantirish makroiqtisodiy o'sish sur'atlarining barqarorligini ta'minlashning zaruriy sharti sifatida e'tirof etilgan<sup>47</sup>, bu bejizga emas. [1] Chunki hozirda iqtisodiyotimizda bundan keng qamrovda foydalanilmoqda pul o'tkazmalari uchun ortiqcha vaqt sarflamasdan shunchaki online tarzda to'lov topshiriqnomasi yokida talabnomalarini banklarga yuborish yoki boshqa yo'llaridan foydalanishimiz mumkin. Ammo, naqd pulsiz hisob-kitob shakllaridan foydalanish amaliyotini takomillashtirish bilan bog'liq bo'lgan dolzarb muammolar ham mavjud. Xususan, Respublikamiz amaliyotida hujjatlashtirilgan akkreditivlar orqali amalga oshirilayotgan to'lovlarning 90 foizdan ortiq qismi ta'minlangan akkreditivlar orqali amalga oshirilayapti. Bundan tashqari, mamlakat bank amaliyotida hozirgi kunga qadar naqd pulsiz hisob-kitoblarning sof inkasso va hujjatli inkasso shakllari mavjud emas. Buning natijasida naqd pulsiz hisob-kitoblar hajmini oshirish imkoniyati cheklanib qolmoqda. Bu boradagi statistik korsatkichga keladigan bo'lsak, O'zbekiston Respublikasida 2019 yilning 1 yanvar holatiga monetizatsiya koeffitsientining amaldagi darajasi 31,4 foizni tashkil qildi. albatta bu korsatkichlar o'tish jarayonidagi davlatlarning hisob-kitobiga mos keladi. O'tish iqtisodiyoti mamlakatlarida iqtisodiyotning pul mablag'lari bilan ta'minlanganlik darajasi past bo'lganligi sababli xo'jalik yurituvchi sub'ektlar o'rtasida debitor-kreditor qarzdorlik miqdori katta. Bunday sharoitda debitor-kreditor qarzdorlik miqdorini qisqartirish, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning Davlat byudjeti oldidagi qarzdorligini kamaytirish maqsadida o'zaro talab va majburiyatlarni voz kechish usulidan foydalanishga majbur bo'lishadi. Bu holat E.Jukovning ta'rifiga "naqd pulsiz hisob-kitoblar – bu naqd pullardan foydalanmasdan, pul mablag'larini kredit muassasalaridagi hisobraqamlari bo'yicha pul ko'chirish va o'zaro talablarni voz kechish vositasida amalga oshiriladigan hisob-kitoblardir"<sup>48</sup> mos keladi.[2] Lekin, Taraqqiy etgan mamlakatlar amaliyotida esa, o'zaro talab va majburiyatlarni voz kechishga asoslangan hisobkitoblar mavjud emas. Milliy iqtisodiyotimizdagi naqd pulsiz hisob-kitoblar tizimi holatini yanada to'laroq tushunish uchun Prof O.I.Lavrushin tahriri ostida chop etilgan "Bankovskoe delo" darsligida naqd pulsiz hisob-kitoblarga bergan tarifiga yuzlanadigan bo'lsak, uning fikricha quyidagi uch shaklda amalga oshiriladigan hisob-kitoblar kiritiladi:

- to'lovchilar va pul mablag'larini oluvchilarning kredit muassasalarida ochilgan hisobraqamlariga yozish yo'li bilan amalga oshiriladigan hisobkitoblar;
- o'zaro talablarni voz kechish yo'li bilan amalga oshiriladigan hisobkitoblar;
- muomaladagi to'lov instrumentlari (veksellar, varrantlar va h.k.) ni uzatish orqali amalga oshiriladigan hisob-kitoblar.

<sup>47</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida.

<sup>48</sup> Jukov E.F. Obmuya teoriya deneg i kredita. – M.: Izdatelskoe ob'edinenie «YUNIT», 1995. – S. 85

Naqd pulsiz hisob-kitoblarning yuqorida keltirilgan ta'rifidan farqli ravishda, O.I. Lavrushin ta'rifida to'lov instrumentlari vositasida amalga oshiriladigan hisob-kitoblar ham naqd pulsiz hisob-kitoblarga kiritiladi. Fikrimizcha, O.I.Lavrushin tomonidan berilgan ta'rif naqd pulsiz hisob-kitoblarning mazmunini to'laroq ochib berishga xizmat qiladi. Buning sababi shundaki, mazkur ta'rifda birinchidan, o'tish iqtisodiyoti mamlakatlarining xo'jalik amaliyoti uchun xos bo'lgan o'zaro talablarni voz kechishga asoslangan hisob-kitoblar o'z ifodasini topgan; ikkinchidan, banklardagi hisobraqamlariga yozish orqali amalga oshiriladigan naqd pulsiz hisob-kitoblar e'tirof etilgan; uchinchidan, to'lov instrumentlari orqali yuzaga keladigan naqd pulsiz hisob-kitoblarning mavjudligi ta'kidlangan. Tovarlar va xizmatlar bo'yicha to'lovlarni amalga oshirishda to'lov instrumentlarining ikki turidan, ya'ni oddiy va o'tkazma tijorat vekselaridan keng foydalaniladi. Shunisi xarakterliki, tijorat veksellari pulning to'lov vositasi funksiyasini bajara oladi. Shu sababli, naqd pulsiz to'lov aylanmasida ishtirok etadigan pul mablag'larining ma'lum qismining o'rnini bosa oladi. Masalaning ikkinchi jihati ham bor. Ushbu jihatning mazmuni shundan iboratki, o'tkazma tijorat veksellari indossament orqali bir necha marta aylanish xususiyatiga ega bo'lib, xo'jalik sub'ektlari o'rtasidagi debitor-kreditor qarzdorlik hajmini keskin qisqartirish imkonini beradi. Demak, oddiy va o'tkazma tijorat veksellari muomalasi orqali amalga oshiriladigan hisob-kitoblar ham naqd pulsiz hisob-kitoblarga kiradi. Fikrimizcha, O.I Lavrushin tomonidan shakllantirilgan ushbu ta'rifga ma'lum aniqlik kiritish maqsadga muvofiqdir. Ya'ni "to'lovchilar va pul mablag'larini oluvchilarning banklardagi hisobraqamlari" o'rniga "to'lovchilar va pul mablag'larini oluvchilarning banklardagi joriy hisobraqamlariga" almashtirish zarur. Buning sababi shundaki, mol etkazib beruvchilar va to'lovchilarning banklardagi hisobraqamlarining uch asosiy turi mavjud: joriy depozit hisobraqami, muddatli depozit hisobraqami, jamg'arma depozit hisobraqami. Lekin to'lov hujjatlari faqat joriy depozit hisobraqamiga yoziladi. Shuning uchun ham, fikrimizcha, joriy depozit hisobraqami ta'rifda aniq yozilishi lozim.

Bundan tashqari naqd pulsiz hisob-kitoblar tizimi, plastik kartochkalar va pullik cheklarga asoslangan to'lov tizimi rivojlanmagan mamlakatlarda pul aylanmasining sezilarli qismi naqd pullarda amalga oshiriladi. Buning natijasida, birinchidan, naqd pul muomalasi bilan mamlakatdagi iqtisodiy faollik o'rtasida bevosita bog'liqlik yuzaga keladi; ikkinchidan, naqd pul muomalasining milliy valyutaning almashuv kursiga nisbatan ta'siri kuchayadi.

Hozirgi davrda O'zbekiston Respublikasi xo'jalik amaliyotida naqd pullarning to'rt shaklidan foydalanilmoqda: to'lov talabnomasi, to'lov topshiriqnomasi, hujjatlashtirilgan akkreditiv va inkasso.

1-jadval

Naqd pulsiz hisob kitob shakllari	Yillar					2018 yilda 2014 yilga nisbatan o'zgarishi
	2014	2015	2016	2017	2018	
To'lov talabnomasi	0,26	0,18	0,16	0,16	0,18	-0,08
To'lov topshiriqnomasi	99,49	99,46	99,52	99,38	99,36	-0,13
Xujjatlashtirilgan akkredit	0,02	0,01	0,01	0,04	0,05	0,03
Inkasso	0,23	0,35	0,31	0,42	0,41	0,18
To'lov-jami	100	100	100	100	100	x

**O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitob shakllari vositasida amalga oshirilgan to'lovlarning tarkibi va dinamikasi**

**Manba: To'lov tizimi. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)**

1-jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, respublikamizda naqd pulsiz hisob-kitob shakllari orqali amalga oshirilgan naqd pulsiz to'lovlarning umumiy hajmida eng yuqori salmoqni to'lov

topshiriqnomalari orqali amalga oshirilgan to'lovlar egallaydi. Bu esa, naqd pulsiz hisob-kitob shakllaridan foydalanish amaliyotini takomillashtirish nuqtai-nazaridan salbiy holat hisoblanadi. Chunki, to'lov topshiriqnomalarida to'lov kafolatlanmagan.


1-jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, hujjatlashtirilgan akkreditivlar orqali amalga oshirilgan to'lovlarning naqd pulsiz hisobkitob shakllari orqali amalga oshirilgan naqd pulsiz to'lovlarning umumiy hajmidagi salmog'i juda kichik. Holbuki, hujjatlashtirilgan akkreditivlarda to'lov to'liq kafolatlangan.

Shuningdek, naqd pulsiz to'lovlarning umumiy hajmida to'lov talabnomasi va inkasso shakllari orqali amalga oshirilgan to'lovlar juda kichik salmoqni egallaydi. To'lov talabnomasi taraqqiy etgan mamlakatlarning xo'jalik amaliyotida mavjud emas. Chunki, mazkur mamlakatlarning amaliyotida to'lovi kechiktirib sotilgan tovar kreditga sotilgan hisoblanadi. Kreditga sotilgan tovarlar uchun esa, foiz to'lanadi.

1-jadval ma'lumotlaridan respublikamiz amaliyotida inkasso shakli orqali amalga oshiriladigan naqd pulsiz hisob-kitoblarni rivojlanmaganligi yaqqol ko'rinib turibdi.

Quyidagi rasm ma'lumotlari orqali naqd pulsiz hisob-kitob shakllari va memorial orderlar orqali amalga oshirilgan naqd pulsiz hisob-kitoblar miqdorlarining o'zgarishiga baho beramiz.

1-rasm



**1-rasm. O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitob shakllari va memorial orderlar orqali amalga oshirilgan naqd pulsiz hisob-kitoblar miqdorlari, mlrd. so'm.**

**Manba: statistika ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.**

1-rasm ma'lumotlaridan ko'rish mumkinki, respublikamiz amaliyotida memorial orderlar orqali amalga oshirilgan to'lovlar miqdori nisbatan katta. Bu esa, naqd pulsiz hisob-kitob shakllaridan foydalanish amaliyotini takomillashmaganligidan dalolat beradi.

### Xulosa

O'zbekiston Respublikasi bank amaliyotida korxonalar o'rtasidagi hisob kitoblarni amalga oshirishda qo'llaniladigan hisob-kitob cheklarining amalyotda rivojlanmaganligi, fikrimizcha, naqd pulsiz hisob-kitob shakllaridan foydalanish mexanizmidagi asosiy kamchiliklardan biridir. Chunki xalqaro bank amaliyotida hisob-kitob cheklari naqd pulsiz hisob-kitoblarning mustaqil shakli hisoblanadi va o'ziga xos afzalliklarga egadir. Demak, mamlakat to'lov amaliyotida ularning rivojlanmaganligi naqd pulsiz hisob-kitoblarni to'laqonli amalga oshirilmayotganligidan

dalolat beradi. Hisob-kitob cheklari tovarlarning sotilishini tezlashtiradi, ularning tijorat banklari kreditlari hisobidan to‘lanishi iqtisodiyotdagi to‘lovsizlik muammosini hal qilishda muhim o‘rin tutadi. Taraqqiy etgan mamakatlar amaliyotida banklarning orderli cheklaridan keng ko‘lamda foydalaniladi. Mazkur cheklarning o‘ziga xos muhim jihatlaridan biri shundaki, ularni indossament orqali uchinchi shaxslarga uzatish mumkin. Natijada, orderli cheklardan xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar o‘rtasidagi debitor-kreditor qarzdorlikni kamaytirishda foydalanish imkoniyati yuzaga keladi.

Tadqiqot izlanishlarning natijalari shuni ko‘rsatdiki, naqd pulsiz hisob-kitob shakllari orqali amalga oshirilgan to‘lovlarning 99 foizi to‘lov topshiriqnomasi orqali o‘tkazilgan to‘lovlarning hissasiga to‘g‘ri kelmoqda. Bu esa, akkreditivlar vositasida amalga oshiriladigan naqd pulsiz hisob-kitob shakllaridan foydalanish amaliyotining takomillashmaganligidan dalolat beradi. Amalga oshirilgan tahlillarning natijalari ko‘rsatdiki, respublikamizda banklar tomonidan ochilgan akkreditivlarning naqd pulsiz to‘lovlar hajmidagi salmog‘i juda kichik. Buning ustiga, hujjatlashtirilgan akkreditivlarning asosiy qismi ta‘minlangan akkreditivlarning hissasiga to‘g‘ri kelmoqda. Buning natijasida xo‘jalik sub‘ektlariga tegishli pul mablag‘larining ma‘lum qismi ularning xo‘jalik aylanmasidan chiqib qolmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF- 4947-sonli Farmoni. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida//O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – Toshkent, 2017. – №6. – 70-modda.

2. Jukov E.F. *Общая теория денег и кредита*. – М.: Издателское об‘единение «YUNITI», 1995. – S. 85.

3. *Bankovskoe delo*. Pod red. Lavrushina O.I. – М.: ZAO «KnoRus», 2008. – S. 309.

4. Chanel-Reynaud G., Bloy E. *La Banque et le risqué PME*. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.

5. Shodmonov E.Sh. O‘zbekistonda agrar islohotlarni chuqurlashtirishda banklar faolligini oshirishning asosiy yo‘nalishlari. Iqt.f.n. ilm darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. – Toshkent: BMA, 2005. – B. 15-17.

6. Raximova X.U. *Organizatsiya i razvitie platejnoj sistemy Respubliki Uzbekistan*. Diss. na soisk. uch. st. k.e.n. – Tashkent, 2006. –S.19.

7. Bobakulov T.I. Milliy valyutaning barqarorligini ta‘minlash borasidagi muammolar va ularni hal qilish yo‘llari. I.f.d. ilm. dar. ol. uch. taqd. et. diss. avtoref.–Toshkent, 2008.–b.26-27.

8. [www.president.uz](http://www.president.uz)

9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

11. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

Ilmiy rahbar: Axmedov A.K.

**УДК 332.025.28:331.342.52(575.1)**

**Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштиришнинг назарий хусусиятлари**

**Илмий раҳбар: катта ўқит. Талипова Д.Н.  
СХТЭ ва Б факултеги, Орипов Х.О.**

### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон давлат мулкни хусусийлаштириш ва уни хусусийлаштириш асосида иқтисодиёда давлат секторини шакиллантириш жараёни муҳокама қилинади.

## Аннотация

В статье рассмотрены вопросы процесс формирования негосударственного сектора в экономики на основе разгосударствления и приватизации собственности в Узбекистане.

## Abstract

The article discusses the formation of the non-state sector in the economy through privatization and denationalizing property in Uzbekistan.

Маълумки, ҳозирги даврда мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда уларни замон талабларига жавоб берадиган барча қулайликлар билан таъминлаш масаласи бугунги кунда асосий масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Мазкур масалани ечиш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинди ва қишлоқ жойларида аҳолиларга барача қулайликлари булган уй-жой билан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда иқтисодий механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Давлат ва бизнеснинг ўзаро таъсири замонавий бозор иқтисодиёти ривожланишида муҳим асос саналади, чунки давлат хусусий шерикчилиги салоҳиятини муваффақиятли амалга ошириш, инқироздан кейинги мураккаб шароитда давлатнинг бизнес билан ўзаро муносабатларга тайёрлигига боғлиқ бўлиб қолади.

Сўнги 15-20 йил давомида тўпланган халқаро ва маҳаллий тажрибадан кўриниб турибдики, давлат хусусий шерикчилиги иқтисодий ривожланиш учун фойдаланилмаган захираларни сафарбар қилиш ва ресурс базасини кенгайтириш, давлат ва жамоатчилик мулкни бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда давлат секторига қўшимча ресурсларни жалб этиш, бюджет тақчиллиги каби муаммолар кескинлигини камайтириш, давлат бошқаруви салоҳияти ва хўжалик юритишдаги хусусий тамойиллар, инвестициялар, менежмент, инновацияларни бирлаштириш имконини берувчи асосий механизмларидан бири десак муболаға булмайди.

Маълумки, бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар капиталталаб ва кўпинча норентабел ҳисобланади, бюджетлар эса уларни мустақил қўллаб-қувватлашни таъминлай олмаслиги сабабли давлатнинг молиявий мажбуриятлари тобора ортиб боради. Бундай вазиятда давлат хусусий шерикчилиги орқали корпоратив ва хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш устувор йўналиш ҳисобланади. Бунда инвестор киритган маблағлар давлат бюджетига солиқ тушумлари ҳисобига, шунингдек, истеъмол хизматларидан ҳақ ундириш йўли билан маълум қисмларга бўлиб қайтарилади. Мазкур вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда давлат капитали ва хусусий капиталнинг ўзаро муносабатлари бўйича ривожланган чет давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ўзимизга хос ва мос хусусиятларни маҳаллий иқтисодий ўзига хосликларга мослаштирган ҳолда самарали тизимларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Шунингдек, Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4.бандининг охириги хатбошида устувор вазифалардан бири сифатида *давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш* (ДХШ) деб алоҳида келтириб ўтилган[1].

Айнан ДХШ бўйича қонун ишлаб чиқиш жараёнида бўлиб, бевосита меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилаётган мазкур ҳамкорликни турли шаклларда ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, минтақаларда ДХШнинг турли-туман шакллари рағбатлантириш, мамлакат ва минтақаларни стратегик ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ ДХШни қўллаш соҳасини кенгайтириш, ДХШ лойиҳалари бозорини ривожлантиришни таъминлаш, маҳаллий ва хорижий хусусий инвесторларнинг таклифларини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг “ўсиш нуқтаси”ни қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларни амалга оширишга ўзга субъектларнинг фойдаланилмаётган ресурсларини жалб этиш орқали ДХШ фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради.

Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ДХШ асосида корпоратив тузилмаларни янада ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш, ДХШ асосида корпоратив тузилмаларни янада ривожлантириш бўйича турли механизмларни амалиётга жорий қилиш масалалари илмий асосларини ишлаб чиқиш иқтисодиёт илми олдида турган республикамизнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш мумкин бўлган долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларининг чуқурлашуви ва 2017- 2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлган иқтисодиётни либераллаштириш вазифаларини амалга ошириш шароитида ўта муҳим масалалардан бири - ДХШнинг замонавий иқтисодиётдаги ўрни аниқланмаганлиги, қайси шароитларда иқтисодиётга давлат аралашувига йўл қўйиш, хусусий сектор ва давлатнинг шерикчилигини ривожлантириш, уй-жой қурилишидаги ДХШ лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни эконометрик баҳолаш моделлари самарали қўллаб келинаётган ДХШ асосидаги корпоратив бошқарув механизмларини жорий қилиш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг юқори натижаларга эришишида ҳукумат томонидан бу жараёнларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини белгилаб олинишимиз керак:

- мазкур жараёнларнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ва асосий тамойилларини ишлаб чиқиш;
- мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, демографик, маданий-руҳий хусусиятларини эътиборга олиш зарурли;
- хусусийлаштириш жараёнларини махсус меъёрий-ҳуқуқий асослар билан таъминлаш;
- ҳар бир алоҳида ҳолат учун хусусийлаштиришнинг энг мақбул усулларини танлаб олиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатларнинг тўлиқ эътиборга олиниши хусусийлаштиришда аҳамиятли кўрсаткичларга эришилишини таъминлади. Республикамизда 1994-2017 йиллар мобайнида 33000 тадан ортиқ давлат корхонаси ва объекти хусусийлашга эришилди. Биргина 2000-2017 йиллар мобайнида эса 9848 та давлат тасарруфидаги корхона ва объектлар хусусийлаштирилиб, улар асосида 600 дан ортиқ акционерлик жамиятлари, 1200 дан ортиқ масъулияти чекланган жамиятлар, 5000 дан ортиқ хусусий корхоналар ташкил этилди. Бу даврда хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари ҳажми 920,0 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Мазкур маблағларнинг барчаси яна корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилди. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича 1100 дан ортиқ акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди. Бу кўрсаткич охириги ўн йил ичида 5,3 баробар ўсган [2]. Юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг инвесторлари иштирокида 4 мингдан зиёд корхоналар муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Хусусийлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўпгина тармоқлар, хусусан, кишлок хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатишнинг барча тури мулкдорлар ихтиёрига тўлиқ берилди. Тўқимвчилик, озиқ-овқат, фармацевтика, мебелсозлик, чарм-пойабзал ишлаб чиқариш саноати ва уй-жой секторида давлат улуши кескин камайтирилди.

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонига нодавлат мулк корхоналарининг улуши 88,6 фоизга етди. Бунда 33,1 фоизни хусусий корхоналар, 1,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар 51,7 фоизни бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этди [3].

Агар 1990 йилда ЯИМнинг 38,1 фоизи нодавлат секторига ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 67,7, 2005 йилда 77,8, 2013 йилда 82,8, 2017 йилда эса 82,9 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиёт нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг аҳамияти катта аҳамият касб этди. Мамлакатимиз ҳудудидаги камқувватли корхоналарни қурилиши тугалланмаган ва бўш турган объектларни аниқлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра республикамиз бўйича 11 мингга яқин шундай корхона ва объектлар негизда ишлаб чиқаришни тиклаш бўйича тақлифлар кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, ЕИнинг минтақавий сиёсат бўйича комиссияси “ДХШни анъанавий тарзда давлат сектори томонидан амалга оширилиб келинган ҳамда молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг хусусий секторга берилишидир” деб таърифланади [4].

БМТ томонидан эса, “ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ҳамда тақдим қилинадиган хизматларни молиялаштиришни, режалаштиришни, амалга ошириш ва объектларни ишлатишни мақсад қилиб қўяди ҳамда унинг асосий хусусиятлари хизматларини узоқ муддатли тақдим қилинишини таъминлаш (баъзида 30 йилгача), рискларни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан ҳуқуқий шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга оширилиши билан фарқланади” деб таъриф беради [5].

Жаҳон банки институти таърифига кўра, “ДХШнинг хусусий томонлари ва давлат органи ўртасидаги давлат активларини яратиш ёки хизматларини тақдим қилиш учун узоқ муддатли шартнома бўлиб, унда хусусий томон сезиларлича катта рисклар ва бошқарув учун жавобгарликни олиши шарт” [6].

Осиё тараққиёт банки томонидан берилган таърифга кўра, “ДХШ – атамаси инфратузилма ва бошқа хизматлари кесимида ижтимоий ҳамда хусусий ташкилотлар ўртасида мумкин бўлган барча муносабатлар диапазонини ифодалаб беради” [7].

Бундан ташқари, АҚШ Федерал транспорт бўлимининг ДХШ бўйича Конгрессга берган ҳисоботида “ДХШ – анъанавий иштирокига нисбатан хусусий шерикликка давлатлараро муносабатда кўпроқ иштирок этишига имкон берувчи шартномавий келишув ҳисобланади. Мазкур келишув одатда ҳокимият органи билан хусусий компания ўртасида модернизациялаш, қурилиш, ишлатиш, муайян объектни, тизимни сақлаш ёки бошқаришни назарда тутади” деб қаралади [8].

Британия Колумбияси ва Канада ҳамкорлиги доирасида, “ДХШ – давлат ва бизнес томонлари ўртасидаги активларни яратиш ва хизматларни тақдим қилиш қонунига кўра мажбурий шартнома бўлиб, у томонлар ўртасида риск ҳамда мажбуриятларни тақсимлашни ўрнатади” деб талқин қилинади [9].

Ирландия ҳукумати эса, “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда амалга ошириладиган хизматлар тақдим этилади ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат хусусий сектори ўртасидаги шерикликдир” деб таърифлайди [10].

Францияда эса, “Шерикчилик шартномаси – маъмурий шартнома бўлиб, унга кўра давлат ёки давлат ташкилоти учинчи томонга фақат улуш қўшиш билан қатнашишдан мустасно бўлган. Инвестициялар амортизация меъёрларида белгиланган, келишилган молиявий шартларда давлат хизматларини тақдим қилиш учун зарур бўлган қуриш ва қайта қуриш, сақлаш, фойдаланиш, моддий ва номоддий активларни бошқариш билан боғлиқ, тўлиқ ёки қисман молиялаштиришга асосланган мажбуриятларни юклайдиган шартномадир [11]” деб қабул қилинган.



Бразилияда ДХШ шартномалари давлат ёки давлат ташкилотлари ва хусусий ташкилотлар ўртасида давлат секторининг манфаатлари йўлида ўрнатилган тартибда корхоналарни ташкил қилиш, бошқариш мажбурияти билан хусусий секторга молиялаштириш, инвестициялаш ҳамда бошқариш масъулиятини юклашни назарда тутувчи муносабатлардир [12]”.

Бундан ташқари, акцияларнинг назорат қилиш ҳуқуқини бермайдиган пакетни харид қилган, лекин корхонага катта миқдорда маблағ киритган сармоядор Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан бошқарув назоратини қўлга киритиш тўғрисида шартнома тузиши мумкин.

Хусусийлаштириш жараёнларининг оидинлигини таъминлаш, тизимли хатарларни камайтириш ва сармоядорлар қўйилмаларининг ишончлилигини таъминлаш, давлат активларини сотишнинг умумий қулай механизмларини жорий этиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар хусусийлаштиришнинг қўламли бўлишини ва иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари қамраб олинишини таъминлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони \ lex.uz.

2. Улуғмуродов Д. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодий барқарорлик ва фаровонлик омилidir. //Халқ сўзи, 2015 йил, 7 март.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги статистик ахборотномаси.—Т.: 2018,66

5. Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере ГЧП/ Организация Объединенных Наций. - Нью-Йорк и Женева, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403

6. World Bank Institute / PPIAF, Public-Private Partnerships Reference Guide, Washington DC, 2012

7. Public-Private Partnerships Handbook. Asian Development Bank. 2006.

8. Report to Congress on Public Private Partnerships. U.S. Department of Transportation, Federal Highway Administration, December 2004. p. 10.

9. An Introduction to Public Private Partnerships, Partnerships British Columbia, Canada, 2003. <http://www.partnershipsbc.ca/pdf/An%20Introduction%20to%20P3%20-June03.pdf>

10. Introduction to Public Private Partnerships - Public Private Partnership Guidance Note 1, 14 April 2000, Department of the Environment and Local Government, Ireland.

## **DAVLAT BOSHQARUVI XIZMATLARI ELEKTRON TIZIMI VA XORIJ TAJRIBASI**

### **Nabibullayeva R.Z. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot Vazirligi huzuridagi Prognozlashtirish va Makroiqtisodiy Tadqiqotlar Institutining kichik ilmiy tadqiqotchisi**

**I. Kirish qismi.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti 2017-yil 7-fevralda PF-4947-son farmoni bilan tasdiqlangan 2017—2021-yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini tasdiqladi. Davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirishga yo‘naltirilgan qismida “Elektron hukumat” tizimini takomillashtirish asosiy ustuvor vazifa sifatida belgilandi. “Elektron hukumat” tizimini takomillashtirish, davlat xizmatlari ko‘rsatishning samarasi, sifatini yuksaltirish va bu xizmatdan aholi hamda tadbirkorlik subyektlari tomonidan foydalanish imkoniyatini oshirish muhim omil sifatida e‘tirof etildi.

**Kalit so‘zlar.** Elektron hukumat, Davlat xizmatlarini elektron tarzda yetkazib berish.

**II. Asosiy qism.** 2015-yil 18-noyabrda qabul qilingan “Elektron hukumat to‘g‘risida”gi qonunda berilganidek, “Elektron hukumat- davlat organlarining jismoniy va yuridik shaxslarga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash yo‘li bilan davlat xizmatlari ko‘rsatishga doir

faoliyatini, shuningdek idolararao elektron hamkorlik qilishni ta'minlashga qaratilgan tashkiliy-huquqiy chora-tadbirlar va texnik vositalar tizimidir".<sup>49</sup>

Elektron hukumat tizimini to'laqonli joriy etish uchun avvalo qilinishi lozim bo'lgan ishlar:

-hammada internetga uzluksiz va sifatli ravishda kira olish va undan foydalana olish imkoniyatining mavjud bo'lishi;

-aholining "Elektron savodxonligi"ni oshirish masalasi. Ya'ni har bir shaxs davlat va xusiy tarmoq xizmatlaridan onlayn foydalanishni mustaqil ravishda bilishi lozim.

-har bir davlat va tashkilotlar haqida nisbatan to'laqonli va ishonarli ma'lumotlar bazasining takomillashtirilishi, toki har bir davlat xizmatidan foydalanuvchi shaxs har qanday savoliga hech qanday qiyinchiliksiz javob topa olsin.

-elektron hukumat trizimida har bir shaxs shunday imkoniyatga ega bo'ladiki, u internet tarmog'i orqali istalga joyda, istalغان vaqtda davlat xizmatlaridan foydalana oladi.

Hozirgi paytda davlat xizmatlari ko'p hollarda fuqalolarning yuzma-yuz qatnashishi asosida amalga oshiriladi, odatda, qog'oz hujjatlashtirishga asoslangan, foydalanuvchi tomonidan emas, balki xizmat ko'rsatuvchi va ishlab chiqaruvchilarning ehtiyojlariga moslashtirilgan tizim amal qilmoqda.

Davlat xizmatlarini elektron tarzda yetkazib berish fuqarolar manfaati uchun yaxshi imkoniyatlarni taqdim etadi. Elektron xizmatlarni yetkazib (EXY)berish tizimi insonlarning davlat xizmatlaridan foydalanish faoliyatini yanada qulaylashtirishga moslashtirilgan.

• Tizim davlat sektori biznesining yo'lini o'zgartiradi, biznes bilan shug'ullanish uchun an'anaviy usullari yanada samarali elektron kanallarga almashtiradi.

• Davlat xizmatlarini elektron tarzda yetkazib berish tizimini takomillashtirish uchta keng doiradagi o'zgarishni talab qiladi:

- davlat xizmatlarini elektron tarzda tezkor, qulay va sifatli yetkazib berishni ta'minlash.

-elektron xizmatlardan foydalanish borasida fuqarolarning kasbiy mahoratini shakllantirish.

-fuqarolar istalغان vaqtda istalغان usulda onlayn barcha savol va muammolariga hech qanday to'siq va qiyinchiliklarsiz yechim topish imkoniyatiga ega bo'lishlari lozim.

Davlat xizmatlarini elektron tarzda yetkazib berishda xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilash, innovatsion yondashuvlarni rag'batlantirish va qiymatni oshirish muhim omillardan biri hisoblanadi.

Hukumat xizmatlarini to'laqonli elektron tarzda yetkazib berish usuliga o'tilsa, fuqarolarga xizmat ko'rsatish sifati tubdan yaxshilanadi, bu tizim keng qamrovli bo'lib ham davlat ham xususiy sektorni qamrab olishi zarur.

Davlat xizmatlarini elektron tarzda uzatib berilishi davlat tashkilotlarining yagona tizim asosida ishlashini talab etadi. Misol uchun sog'liqni saqlash tizimi xizmatlaridan foydalanishni oladigan bo'lsak, maxsus sayt yaratilib, u sayt orqali, fuqarolar o'z kasallik a'lomatlarini onlayn kiritgan holda oldindan boradigan shifokorlariga onlayn ma'lumot berish imkoniyatiga ega bo'lishlari mumkin. Qolaversa, shunday elektron tibbiy kartalar yaratilishi mumkinki, unda bemor kasallik tarixi, tibbiy tekshiruvlar natijalari mas'ul shaxslar tomonidan kiritib boriladi, ushbu xizmat foydalanuvchilari esa elektron tarzda tizimdan ushbu ma'lumotlarni istalغان joyda tarmoqdan qo'lga kiritishlari mumkin.

Davlat xizmatlarini elektron tarzda yetkazib berishning yana bir usuli bu har bir xizmat ko'rsatuvchi davlat tashkilotining to'liq va sifatli ma'lumotlarga ega internet saytining yaratilishidir.

## 1-jadval

### 2-ELECTRONIC SERVICE DELIVERY (ESD) orqali kengaytirilgan xizmatlarning namunalari<sup>50</sup>

<sup>49</sup> "Elektron hukumat to'g'risida"gi qonun 18.11.2015

<sup>50</sup> Electronic government services for the 21st century a performance and innovation unit report – september 2000

Qo'llanilgan soha	Internetdagi manzili	Xizmatdan foydalanish imkoniyati
Sog'liqni saqlash tizimida	<a href="http://www.nhsdirect.nhs.uk">www.nhsdirect.nhs.uk</a>	Fuqarolar kasallik alomatlarini yozib, ularga mos maslahatlar olishlari mumkin.
Ta'lim sohasida	<a href="http://www.ecitizen.gov.sg">www.ecitizen.gov.sg</a>	Ota-onalar maktab o'quvchilari uchun online buyurtma asosida maktablarga joylashtirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.
Bandlik	<a href="http://www.monster.co.uk">www.monster.co.uk</a> <a href="http://www.jobsite.co.uk">www.jobsite.co.uk</a>	Fuqarolar ish bilan bog'liq barcha masalalarda yangiliklar, maqolalar, vakansiyalarni onlayn kuzatib boorish imkoniyatiga ega bo'ladilar.
Soliq va to'lov tizimi	<a href="http://www.maxi.com.au">www.maxi.com.au</a> <a href="http://www.ci.boston.ma.us">www.ci.boston.ma.us</a>	Turli xildagi to'lovlarni onlayn amalga oshirishlari mumkin (energiya, suv) Mashina qo'yish joylari uchun to'lovlarni onlayn tarzda amalga oshirishlari mumkin
Atrof muhit va tozalik xizmatlari	<a href="http://www.maxi.com.au">www.maxi.com.au</a>	Chiqindilarni olib ketish haqida onlayn xabar berish imkoniyati
Bank	<a href="http://www.firstdirect.co.uk">www.firstdirect.co.uk</a>	Fuqarolar o'z hisob varaqlaridagi mablag'ni boshqa hisob varaqlarga onlayn, hech qanday imzo va yozishmalarsiz o'tkazish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Namuna sifatida Buyuk Britaniya davlatining elektron xizmatlarni yetkazib berish tizimi ESD tizimining elektron saytlar orqali qanday davlat xizmatlardan fuqarolar foydalanishi mumkinligi keltirib o'tilgan.

Bugungi kunda mamlakatimizda elektron Hukumat faoliyatini yanada takomillashtirish borasida bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda, xususan 2013 yilning 1 iyulida O'zbekistonda "elektron hukumat" tizimning eng muhim namunalaridan biri bo'lgan Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali ishga tushirildi ([www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)). Portal maqsadi foydalanuvchilar uchun interaktiv davlat xizmatlarini yagona nuqta orqali taqdim etishni anglatadi. Qolaversa tizimda, borada bir qator ijobiy o'zgarishlar o'z aksini topmoqda.

Elektron hukumatning to'laqonli va samarali faoliyati uchun quyidagi uch asosiy ta'minot tayanch bo'lmog'i lozim:

-davlat xizmatlarining elektron tarzda taqdim etilishi va foydalanish ko'rstakichi butun aholi doirasini qamrab olishi zarur. Buning uchun internetning uzluksiz ta'minoti kerak bo'ladi.

-davlat xizmatlarini to'laqonli ravishda elektron tarzda yo'lga qo'yilishi uchun xususiy sektor va boshqa manfaatdor tashkilotlar yordami ham muhim omillardan biridir.

-fuqarolarda elektron savodxonlik bosqichma-bosqich shakllantirib borilishi zarur. Toki tizimdan barcha xizmat foydalanuvchilari qiyinchiliklarsiz foydalana olsinlar.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. 18.11.2015 "Elektron hukumat to'g'risida"gi qonun.
2. Electronic government services for the 21st century a performance and innovation unit report – september 2000

**UDK: 658.114.45:656(575.11).001.895**

# **“TOSHHAHARTRANSXIZMAT” AJ DA DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIK MUNOSABATLARINI INNOVATSION TASHKIL ETISHNING INNOVATSION TAKLIFLARI**

**TIQXMMI talabasi Ro'ziyeva Sh.R.**

## **Annotatsiya**

Maqolada davlat va xususiy sektor o'rtasidagi o'zaro iqtisodiy munosabatlarni qo'llashning maxsus yo'nalishlari, davlat va xususiy sektor hamkorligini samarali tashkil etish bo'yicha xulosalar, taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Bu maqolani yozishdan asosiy maqsad, davlatning ulushi 100% lik bo'lgan “Toshshahartransxizmat” AJ da davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarini tashkil qilib, innovatsion yo'nalishlar orqali ham davlat, ham xususiy sektor, ham aholi uchun maqbul takliflar berish.

Iqtisodiyot rivojlanib borishi natijasida davlat va xo'jalik yurituvchi firma, korxonalar o'rtasida yangi iqtisodiy munosabatlar shakllanib boradi. Bunday iqtisodiy munosabatlarning amaliyotidagi ko'rinishlaridan biri bu davlat va xususiy tarmoqlarning sheriklik munosabatlaridir. Dunyo mamlakatlarida mavjud davlat va xususiy sheriklik munosabatlarining mazmun-mohiyati, xususiyatlari, tamoyillari, huquqiy asoslarini o'rganish va uni mamlakatimizda rivojlantirish oldimizga qo'yilgan vazifalardan biridir. Davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarining mamlakatimizda kundan kunga taraqqiy etib borayotganligi bu sohada qilinayotganligi islohotlar natijasidir. Chet davlatlar tajribasida davlat bilan xususiy tarmoq o'rtasidagi sheriklik deganda turli yo'nalishlardagi biznes va iqtisodiy munosabatlar tushuniladi. Ya'ni, bu munosabatlar xususiy sektor resurslaridan umum jamiyat ehtiyojlarini qondirishda foydalanishni nazarda tutadi. Davlat bilan xususiy biznes hamkorligi umummilliy va iqtisodiy ahamiyatga molik yirik loyihalarni amalga oshirishga yirik xususiy investitsiyalarni jalb qilishda asosiy omil sifatida katta ahamiyatga ega bo'lgan jarayondir. Mamlakatimizda ham davlat-xususiy sherikligi munosabatlarini shakllantirishga ham alohida e'tibor qaratila boshlangani, xususan, O'zbekistonni 2017-2021-yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha “Harakatlar strategiyasi”ning 3.4.bandining oxirgi xatboshida ustuvor vazifalardan biri sifatida davlat-xususiy sherikligini kengaytirish deb alohida keltirib o'tilganligi ham bu munosabatlarni o'rganishning ahamiyatini o'zida ifodalaydi[1].

Davlat-xususiy sherikligi – bu kooperativ kelishuvning bir ko'rinishi bo'lib, ikki yoki undan ortiq davlat va xususiy sektor vakillarining investitsiya, infratuzilma, innovatsiya loyihalarida hamda ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy, shuningdek, davlat ahamiyatiga molik dasturlardagi sheriklik munosabatlari tushuniladi. «Davlat-xususiy sektor sherikligi» atamasi infratuzilma va boshqa xizmatlar doirasida davlat va xususiy korxonalar va tashkilotlar o'rtasidagi bir qator iqtisodiy munosabatlarni tavsiflaydi. Bunday iqtisodiy munosabatlar jarayonida foydalaniladigan boshqa tushunchalar orasida xususiy sektor ishtiroki (Private Sector Participation) va xususiylashtirish (Privatization) kabi tushunchalar ham mavjud[2].

Iqtisodiy nuqtai nazardan davlat-xususiy sherikligining maqsadi - tegishli davlat byudjetlari hisobidan taqdim etilishi kerak bo'lgan xizmatlar, ish va iste'mol tovarlarini ishlab chiqarishga xususiy investitsiyalarni jalb qilishni rag'batlantirish bo'lib hisoblanadi. To'g'ri tashkil etilgan davlat va xususiy sheriklik munosabatlari subyektlar o'rtasida vazifalarni, majburiyatlarini va moliyaviy risklarni eng optimal tarzda taqsimlaydi.

Dunyo amaliyotida hozirda mavjud bo'lgan davlat va xususiy sheriklik munosabatlarida asosiy shartnomalar turlari quyidagilardir:

- xizmat ko'rsatish shartnomasi;
- menejment shartnomasi;
- ijara yoki lizing shartnomasi;
- loyihani qurish, ishga tushirish va topshirish shartnomasi yoki shunga o'xshash kelishuvlar(asosan qurilish sohasida);

- konsessiya shartnomasi;
- qo'shma korxonalar shartnomalari va boshqalar.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar asosida "Toshshahartransxizmat" AJ da davlat-xususiy sherikchilik(DXSh)ni qo'llash maqsadga muvofiqdir deb aytish mumkin. Chunki, xususiy sektorning qo'llanilishi tarmoqning faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Masalan, davlat byudjetidan ushbu sohaga nisbatan kamroq mablag' ajratiladi. Yurtimizda 28.11.2018 yilda "DXSh to'g'risida"gi qonunning yangi loyihasi ishlab chiqildi. Unga muvofiq:

-xususiy sherik bo'la oladigan sub'yektlar soni qisqartirilgan. Yangi versiyaga binoan davlat sherigi DXSh to'g'risida bitim tuzgan O'zbekistonda ro'yxatdan o'tkazilgan yuridik shaxslar va jismoniy shaxslar ana shunday huquqqa ega[4];

- DXSh javob berishi kerak bo'lgan mezonlar belgilangan:

- uzoq muddatli bo'lishi;
- loyihalashtirish, tashkil etish, rekonstruksiya qilish, rivojlantirish, boshqarish va (yoki) ijtimoiy infratuzilmani va (yoki) davlat xizmatlari ko'rsatilishini qo'llab-quvvatlashga oid bo'lishi;
- xususiy sektor ishtirok etishini o'z ichiga olishi;
- xatarlar va majburiyatni davlat va xususiy sheriklar o'rtasida bo'lishi kerak.

"Toshshaxartransxizmat" AJ da davlat ulushi 100 %. Agar bu ko'rsatkichga xususiy sektor qo'shilsa, jamoat transportida o'zgarishlar sodir bo'ladi. Bunga innovatsion yondashadigan bo'lsak, quyidagicha takliflar berilishi mumkin:

-"Toshshaxartransxizmat" AJ ga tegishli bo'lgan avto transport vositalarini axborot – kommunikatsion texnologiyalar bilan ta'minlash. Bunda xorij tajribalarini qo'llash maqsadga muvofiqdir. Ya'ni:

- ventilatsiya tizimini joriy qilish;
  - "Plastik yo'l haqi" ko'rinishini joriy qilish. Bunda yo'lkira haqi bevosita shaxsiy karta hisobraqamidan olinadi va masofaga qarab to'lanadi(ba'zi aholi qatlamiga imyozlar qo'llaniladi);
  - barcha "Toshshaxartransxizmat" AJ ga tegishli avto transport vositalari televizorlar bilan ta'minlanib, unda axborot xabarlar va musiqa ish jarayoni davomida qo'yib borish;
- jamoat transportlar sonini ko'paytirish.

Yuqorida keltirilgan takliflar amalda qo'llanilsa, aholini yuqori darajali yo'l xizmati ta'minlanadi va bu xarajatlarni faqatgina davlat emas balki, sheriklar ham orqali qoplanadi. Xulosa qilib shuni aytish mumkinki,davlat-xususiy sherikchiligi bir nechta sohalarda qo'llanilsa, iqtisodiyotda ham sezilarli o'zgarishla amalga oshiriladi va davlat byudjetidan ko'p xarajat qilinmaydi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi - O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risidagi PF-4947-sonli Farmoni.
  2. Felsing K. Former staff member of the Asian Development Bank's (ADB) Regional and Sustainable Development Department (RSDD), Special Initiative Group (RSOD-SI) /Public-Private Partnership / Handbook. 2007. 100p.
  3. "Toshkent shaxar trans xizmat" AJ ning rasmiy sayti: [www.tshtx.uz](http://www.tshtx.uz)
  4. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
  5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - milliy qonunchilik bazasi.
- Ilmiy rahbar: katta o'qituvchi Rustamova D.

**UDK 658.114.4(575.1)**

#### **DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIK MUNOSABATLARINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-USLUBIY JIHATLARI**

**Ilmiy rahbar katta o'qituvchi Talipova D.N.**

## 4-kurs talabasi Rahmonov I.

### Annonatsiya

Maqolada davlat va xususiy sektor o'rtasidagi o'zaro iqtisodiy munosabatlarning maxsus shakli sifatida davlat-xususiy sherikchiligi mexanizmlari o'rganilib, davlat va xususiy sektor hamkorligini samarali tashkil etish bo'yicha xulosalar, taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Bozor mexanizmlarining rivojlanib borishi natijasida davlat va xo'jalik yurituvchi subyektlar o'rtasida yangi iqtisodiy munosabatlar shakllanib boradi. Bunday iqtisodiy munosabatlarning rivojlangan mamlakatlar amaliyotidagi bir ko'rinishi bu davlat va xususiy tarmoqlar sheriklik munosabatlaridir. Dunyo mamlakatlarida mavjud davlat va xususiy sheriklik munosabatlarining mazmunmohiyati, xususiyatlari, tamoyillari, rivojlanish tarixi, huquqiy asoslarini o'rganish va uni mamlakatimizda rivojlantirish oldimizga qo'yilgan vazifalardan biridir. Davlat xususiy sherikchilik munosabatlarining mamlakatimizda kundan kunga taraqqiy etib borayotganligi bu sohada qilinayotgan ilmiy tadqiqotlarimizni dolzarbligini ifodalaydi.

Chet davlatlar tajribasida davlat bilan xususiy tarmoq o'rtasidagi sheriklik deganda turli yo'nalishlardagi biznes va iqtisodiy munosabatlar tushuniladi. Ya'ni, bu munosabatlar xususiy sektor resurslaridan umum jamiyat ehtiyojlarini qondirishda foydalanishni nazarda tutadi. Davlat bilan xususiy biznes hamkorligi umummilliy va iqtisodiy ahamiyatga molik yirik loyihalarni amalga oshirishga yirik xususiy investitsiyalarni jalb qilishda asosiy omil sifatida katta ahamiyatga ega bo'lgan jarayondir. Mamlakatimizda ham davlat-xususiy sherikligi munosabatlarini shakllantirishga ham alohida e'tibor qaratila boshlangani, xususan, O'zbekistonni 2017-2021-yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasining 3.4.bandining oxirgi xatboshida ustuvor vazifalardan biri sifatida davlat-xususiy sherikligini kengaytirish deb alohida keltirib o'tilganligi ham bu munosabatlarni o'rganishning ahamiyatini o'zida ifodalaydi. [1]

Davlat xususiy sherikchiligini rivojlantirish va uni qo'llab quvvatlash doirasida chora tadbirlar muhokamasi 2017 yil iyun oyida qilingan edi. 2018 yilda qonun xujjatlariga quyidagi o'zgartirishlar kiritildi:

Birinchidan, «davlat-xususiy sheriklik» (DXSh) tushunchasining o'ziga tuzatish kiritilgan. Yangi tahrirda u davlat va xususiy sheriklarning o'zaro foydali uzoq muddatli hamkorligi bo'yicha loyiha, shuningdek DXSh to'g'risidagi bitim asosida xatarlar va majburiyatlarni bo'lish yoki taqsimlashni anglatadi.

Ikkinchidan, davlat sheriklari hisoblangan tuzilmalar ro'yxatiga aniqlik kiritilgan. Bular:

- vazirliklar;
- davlat agentliklari;
- davlat korxonolari (davlat nazorat paketiga ega bo'lgan);
- prezident tomonidan tashkil etilgan qo'mitalar;
- 12 ta viloyat hokimligidan istalgani, Toshkent shahar hokimligi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi.

Shuningdek, davlat sherigi yuqorida ko'rsatilgan shaxslarning bittasi yoki bir nechtasini o'z ichiga olishi mumkinligi borasida aniqlik kiritilgan.

Uchinchidan, xususiy sherik bo'la oladigan sub'yektlar soni qisqartirilgan. Yangi versiyaga binoan davlat sherigi DXSh to'g'risida bitim tuzgan O'zbekistonda ro'yxatdan o'tkazilgan yuridik shaxslar va jismoniy shaxslar ana shunday huquqqa ega.

Ilgari ushbu ro'yxatga kiritilgan xorijiy yuridik shaxslar va xalqaro tashkilotlar chiqarib tashlangan.

To'rtinchidan, DXSh javob berishi kerak bo'lgan mezonlar belgilangan:

- uzoq muddatli bo'lishi;
- loyihalashtirish, tashkil etish, rekonstruksiya qilish, rivojlantirish, boshqarish va (yoki) ijtimoiy infratuzilmani va (yoki) davlat xizmatlari ko'rsatilishini qo'llab-quvvatlashga oid bo'lishi;
- xususiy sektor ishtirok etishini o'z ichiga olishi;

- xatarlar va majburiyatni davlat va xususiy sheriklar o'rtasida bo'lishi.

Beshinchidan, DXSh bitimning eng kam muddati – 5 yil bilan faqat uzoq muddatli hamkorlikni nazarda tutgan. Qonun loyihasining dastlabki tahririda kamida 3 yillik o'rta muddatli sheriklikka ham ruxsat berilgan edi. Shuningdek DXSh to'g'risidagi bitimning eng ko'p muddati uzaytirilgan. Endi u qonun hujjatlarida muayyan loyiha uchun yanada uzoq muddatni belgilash imkoniyati bilan 35 yilni (avvalboshdan – 30 yil) tashkil etadi.

Oltinchidan, DXSh qo'llaniladigan faoliyat sohaslariga tuzatish kiritilgan. Loyihaning yangi versiyasida ularga quyidagilar kiritilgan:

- chiqindilarni to'plash, ishlov berish, yo'qotish, utillashtirish;
- ta'lim;
- sog'liqni saqlash sohasidagi faoliyat;
- turizm, madaniyat va sport;
- yo'llar va shosselar qurish;
- jamoat transporti;
- temir yo'l transporti;
- havo transporti;
- elektr energetikasi;
- qayta tiklanadigan energiya manbalari;
- logistika parklari;
- industrial parklar;
- suv ta'minoti;
- qishloq xo'jaligi;
- kanalizatsiya tizimi;
- axborot tizimlari;

• har qanday boshqa sektorlar va kichik sektorlar, faqat mas'ul davlat organi yoki hokimlik oldindan ma'qullagan holda qonun bilan chiqarib tashlanmagunga qadar.

Yettinchidan, DXShni amalga oshirish tartib-taomili ham o'zgargan. Loyihalarni belgilashdan boshlab bitim tuzishgacha ularni amalga oshirishning aniq mexanizmlari belgilangan. Davlat tashabbusi bilan ilgari surilgan loyiha belgilanishini Davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish agentligi ma'qullaydi. DXSh bo'yicha maxsus komissiya esa, Agentlikning tavsiyasini hisobga olgan holda, loyihaning o'zini ma'qullash yoki rad etish to'g'risida qaror qabul qiladi. Bunda davlat sherigi davlat byudjetidan sarflaydigan har qanday to'lov maqbul topilishini Moliya vazirligi tasdiqlagan taqdirdagina Agentlik Komissiyaga loyihani tavsiya eta oladi.

Xususiy tashabbuskor tegishli vakolatli organga DXSh to'g'risidagi taklifni o'zi kiritishi mumkin. Arizani ko'rib chiqish 30 kungacha vaqt oladi.[2]

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Iqtisodiy bilimlarga oid ilmiy adabiyotlarda xorijiy olimlarning davlat-xususiy sherikligi munosabatlarini tashkil etish masalalarini o'rganishga qaratilgan ko'plab tadqiqotlar qilingan. Xususan, DXShning ilmiy-nazariy jihatlarini jahon iqtisodchi olimlari E.R. Yescomb, M.B. Corrigan, K.A. Antonova, E.A. Dinin, S.S. Chernov va mahalliy iqtisodchi olimlar N.N. Oblomurodov, N.A. Yusupov, X.N. Usmonovlarning ilmiy ishlari va Jahon Banki, Osiyo Taraqqiyot Bankining uslubiy qo'llanmalarida keltirilgan[3,4,5,6].

Yuqoridagilardan kelib chiqib, davlat va xususiy sheriklik munosabatlari ijtimoiy majburiyatlarga va amalga oshirilishi zarur bo'lgan islohotlarga va davlat investitsiya siyosatiga rioya qilishda hukumatning ham xo'jalik yurituvchi subyektlarning o'rni va rolini ifodalaydigan iqtisodiy munosabatlar tizimidir. Davlat bilan xususiy sherikligi infratuzilma obyektlari loyihalarini ishlab chiqish, rejalashtirish, moliyalashtirish, qurish va foydalanish maqsadida yo'lga qo'yilgan davlat bilan xususiy sektor o'rtasidagi xo'jalik munosabati va iqtisodiy aloqalari bo'lib, bunday munosabatlar qo'shimcha moliyalashtirish manbalarini jalb etish maqsadida uzoq muddatlarga mo'ljallangan bo'ladi. Iqtisodiy nuqtai nazardan DXShning maqsadi - tegishli davlat byudjetlari hisobidan taqdim etilishi kerak bo'lgan xizmatlar, ish va iste'mol tovarlarini ishlab chiqarishga xususiy investitsiyalarni jalb qilishni rag'batlantirish bo'lib hisoblanadi. To'g'ri

tashkil etilgan davlat va xususiy sheriklik munosabatlari subyektlar o'rtasida vazifalarni, majburiyatlarni va moliyaviy risklarni eng optimal tarzda taqsimlaydi. Davlat-xususiy sherikchiligidan davlat tomonidan davlat idoralari, jumladan, vazirliklar, qo'mitalar, mahalliy hokimiyat organlari yoki davlat korxonalari munosabatlarda ishtirok etadi. Xususiy sektor tomonidan sheriklik munosabatlarida mahalliy yoki xorijiy xo'jalik yurituvchi subyektlar, shuningdek, biror loyihaga tegishli texnik yoki moliyaviy imkoniyatga ega yuridik shaxslar yoki investorlar bo'lishi mumkin. DXSh mexanizmida davlat-xususiy sheriklik munosabatlarida hamkorlik tuzilmasi turli xil ko'rinishida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan risklarni eng yaxshi boshqaradigan va xo'jalik faoliyatining samaradorligini oshirgan holda xarajatlarni minimallashtirishga yordam beradigan, ishtirokchilar uchun mavjud xavflarni teng taqsimlashga qaratilgan bo'lishi kerak.

Shu bilan birgalikda, ijtimoiy loyihalarda bevosita ta'sir ko'rsatadigan manfaatdor tomonlarning manfaatlarini ifodalovchi nodavlat notijorat tashkilot(NNT)lar davlat-xususiy sheriklik munosabatlarida alohida ahamiyat kasb etishi mumkin. Rivojlangan mamlakatlar tajribalarida samarali davlat-xususiy sheriklik munosabatlarida har bir tomon - davlat va xususiy sektorning o'ziga xos vazifalarni amalga oshirishdagi o'rnini mavjudligi bilan xarakterlanadi. Davlatning bunday munosabatlardagi qo'shadigan hissasi kapital shaklida (soliqlar orqali), aktivlarni joylashtirish yoki boshqa majburiyatlarni olish, shuningdek, hamkorlikni ifodalovchi boshqa yo'llar orqali ifodalanishi mumkin. Hukumat ijtimoiy sohani qo'llab-quvvatlash, atrof-muhit muhofazasi va siyosiy va moliyaviy qo'llab-quvvatlashlar orqali ham bunday munosabatlarda ishtirok etishi mumkin. Xususiy sektorning hamkorlikdagi o'rnini - biznesni samarali yurgizish, bozor munosabatlarida, menejment samarali tashkil etish, moliyaviy operatsiyalar va innovatsion faoliyatda o'z faoliyatini amalga oshirishi orqali munosabatlarda ishtirok etadi. Shuningdek, xususiy sektor ham shartnomaning shakliga qarab investitsion faoliyatda ham ishtirok etishi mumkin.

Kommunal infrastrukturani qurish va modernizatsiya qilish Ko'chmas mulkni qurish va modernizatsiya qilish Kommunal xizmat ko'rsatish obyektlarni qurish va modernizatsiyalash Aeroport Yo'llar Temir yo'llar Ko'priklar Telekommunikatsiya sohasi Aholining kam ta'minlangan qatlamini qo'llabquvvatlash Ta'lim va ish o'rinlarini yaratish Hududlarning salohiyatini oshirish Shifoxonalar Maktablar Uy-joy qurilishi Arxitektura yodgorligi, muzeylar Suv, Gaz, Elektr ta'minoti Kanalizatsiya, Chiqindilarni qayta ishlash Moddiy va moliyaviy jihatdan qo'llabquvvatlash fondlarini tuzish Yoshlarni ish bilan bandiligini ta'minlash, kasbga o'qitish, amaliyotga jalb etish Marketing va hududlar imkoniyatini oshirish, tashqi jozibadorlikni ta'minlash Davlat-xususiy sherikchiligi amalga oshiriladigan, rivojlangan mamlakatlar amaliyotida mavjud asosiy loyiha yo'nalishlari yuqoridagi rasmda tasvirlangan.(2- rasm) Mazkur loyiha yo'nalishlari bevosita DXSh munosabatlarining mazmuni va maqsadini ko'rsatib beruvchi xarakterga egadir. Davlat va xususiy sheriklik munosabatlarida shartnomalarning farqlanishi ma'lum bir soha yoki tarmoqni rivojlantirish xususiyatidan, shuningdek loyihalarni turlaridan kelib chiqqan holda turlarga ajratiladi. Dunyo amaliyotida hozirda mavjud bo'lgan davlat va xususiy sheriklik munosabatlarida asosiy shartnomalar turlari quyidagilardir:

- xizmat ko'rsatish shartnomasi;
- menejment shartnomasi;
- ijara yoki lizing shartnomasi;
- loyihani qurish, ishga tushirish va topshirish shartnomasi yoki shunga o'xshash kelishuvlar(asosan qurilish sohasida);
- konsessiya shartnomasi;
- qo'shma korxonalar shartnomalari va boshqalar.

Davlat-xususiy sheriklik munosabatlarida davlatning ishtirok etishidan ko'zlangan asosiy maqsadlar esa quyidagilar bo'lib hisoblanadi: [7]

1. Xususiy investitsiyalarni jalb etish (tarmoqlarga davlat mablag'lari o'rniga xususiy kapitalni jalb etish);
2. Samaradorlikni oshirish va mavjud resurslardan yanada yaxshiroq foydalanish;



3. Tarmoqlarni rivojlanishida davlat va xususiy sektorning baravar rolini belgilash, rag'batlantirish va hisobdorlikni oshirish orqali sohani isloh qilinishiga erishish.

Fikrimizcha, davlatimiz iqtisodiyoti rivojlanishing hozirgi bosqichida davlat va xususiy sheriklik munosabatlarining tashkil etilishi mamlakatimiz o'z oldiga qo'ygan taraqqiyot strategiyasining jadallashiga xizmat qiladi. DXSh - davlat idoralari va xususiy biznes o'zaro ittifoqi hisoblanib, uning maqsadi – iqtisodiyotning strategik tarmoqlaridan to mamlakat miqyosida yoxud uning ayrim hududlarida xizmatlar ko'rsatishga qadar ijtimoiy ahamiyatga molik loyihalarni yaratish va rivojlantirishdan iborat bo'ladi. Cheklangan moliyaviy ehtiyojlarni tobora kamayib borayotgan iqtisodiy resurslar bilan moliyaviy ta'minlash, davlatning yirik investitsiyalarni va chetdan qarzlarni jalb qilmasdan infratuzilmalarni yangilash va rivojlantirish uchun davlat-xususiy sherikchilik modellarining turli xil ko'rinishlarini rivojlantirmog'i lozim.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi —O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risidagi PF-4947-sonli Farmoni, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - milliy qonunchilik bazasi

2. Йескомб Э.Р. Государственно-частное партнерство: Основные принципы финансирования (Public-Private Partnership Principles of Policy and Finance.) — М.: Альпина Паблишер, 2015. - 457 с.

3. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. 2007. № 5-6. С.111.

4. Чернов С.С., Суханов И.С. Вопросы оценки эффективности реализации социально значимых проектов // Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса. 2016. № 4 (37). С. 92–97.

5. Felsing K. Former staff member of the Asian Development Bank's (ADB) Regional and Sustainable Development Department (RSDD), Special Initiative Group (RSOD-SI) /Public-Private Partnership / Handbook. 2007. 100p.

6. Чернов С. С., Фильченкова М. В. Государственно-частное партнерство: понятие, признаки, внешние эффекты // Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса. 2017. № 3 (40). С. 78–82

7. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)

**UDK 658.114.4(575.1)**

#### **Davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari va ahamiyati**

**Ilmiy rahbar: katta.o'qit. Talipova D.N.  
SXTE va B fakulteti Qudratov M.S.**

#### **Annotatsiya**

Maqolada davlat va xususiy sektor o'rtasidagi o'zaro iqtisodiy munosabatlarning maxsus shakli sifatida davlat-xususiy sherikchiligini yurtimizda turli sohalarda qay tarzda amalga oshirilayotganligi o'rganilib, davlat va xususiy sektor hamkorligini samarali tashkil etish bo'yicha xulosalar, taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Dunyo iqtisodiyotida amalga oshirilayotgan islohotlar haqida gap ketar ekan davlat monopoliyasi va xususiylashtirish mavzusi ko'plab bahslarga sabab bo'lib kelmoqda. Mamlakatimizda ham davlat-xususiy sherikligi munosabatlarini shakllantirishga ham alohida e'tibor qaratila boshlangani, xususan, O'zbekistonni 2017-2021-yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasining 3.4.bandining oxirgi xatboshida ustuvor vazifalardan biri sifatida davlat-xususiy sherikligini kengaytirish deb alohida keltirib o'tilganligi ham bu munosabatlarni o'rganishning ahamiyatini o'zida ifodalaydi[1]. Davlat-xususiy sherikligi – bu kooperativ kelishuvning bir ko'rinishi bo'lib, ikki yoki undan ortiq davlat va xususiy sektor

vakillarining investitsiya, infratuzilma, innovatsiya loyihalarida hamda ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy, shuningdek, davlat ahamiyatiga molik dasturlardagi sheriklik munosabatlari tushuniladi. «Davlat-xususiy sektor sherikligi» atamasi infratuzilma va boshqa xizmatlar doirasida davlat va xususiy korxonalar va tashkilotlar o'rtasidagi bir qator iqtisodiy munosabatlarni tavsiflaydi. Bunday iqtisodiy munosabatlar jarayonida foydalaniladigan boshqa tushunchalar orasida xususiy sektor ishtiroki (Private Sector Participation) va xususiylashtirish (Privatization) kabi tushunchalar ham mavjud bo'lsa-da, ushbu tushunchalar orasida ma'lum bir farqlar mavjud. [2] Davlat sektorining xususiy sektor bilan hamkorlik qilish shakllari qisqacha quyidagilardan iborat:

- an'anaviy ta'minot;
- outsourcing va ta'sis boshqarmasi;
- strategik hamkorlik;
- xususiy moliya tashabbusi;
- lizing;
- davlat mulki pudratchi ishlatimi (GOCO);
- qo'shma korxonalar;
- to'liq xususiylashtirish.[3]

Xususiy sektor loyihani ma'lum bir narxga qurib berishi, dizaynini qilib berishi, u loyihani moliyalashtirishi yoki dizaynini, qurilishini, ekspluatatsiyasini va ta'mirlanishini o'z zimmasiga olgan shartnomalarga qarab, sherikchilikning tanlangan modeli belgilanadi. Bundan tashqari, xususiy sektorga to'lov mexanizmiga qarab ham sherikchilik shakli belgilanadi. Hozirda ko'p rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar orasida davlat va xususiy sektor orasidagi sherikchilikning aynan dizayn, qurish, moliyalashtirish, ekspluatatsiya, ta'mirlash modeli tanlangan. Kanadada bu model P3s, Britaniyada esa "Xususiy Moliya Tashabbusi (Private Financing Initiative)" deb ataladi. Xususiy Moliya Tashabbusi ilk bor Britaniyada 1991 yilda e'lon qilingan. O'sha vaqtda bu tashabbus davlat va xususiy sektor o'rtasida hali mavjud bo'lmagan sherikchilikning ilk tajribasi edi. Tashabbus shartnomasiga ko'ra, davlat biror bir infrastruktura obyektini qurmoqchi bo'lsa, xususiy sektor vakillari uni loyihalashtiradi, qurilish uchun mablag' yig'adi, quradi va yangi qurilgan binoni uzoq muddat (odatda 25–30 yil mobaynida) funksional holatda ushlab turadi va kerak bo'lganda ta'mirlash ishlarini amalga oshiradi[4].

1-jadval

**Jahon amaliyotida davlat va xususiy sektor sherikchiligi shakllari.[5]**

1	Qurish-Boshqarish-O'tkazish (Build, Operate, Transfer – BOT)	O'zaro kelishuv mexanizmi asosida loyihani qurish, shartnoma muddati mobaynida undan foydalanish (egallik qilish huquqsiz) va shartnoma yakunida davlat tasarrufiga o'tkazish.
2	Qurish - Egallik qilish - Boshqarish - O'tkazish (Build, Own, Operate, Transfer - BOOT)	O'zaro kelishuv mexanizmi asosida loyihani qurish, shartnoma muddati mobaynida egallik qilish huquqi asosida undan foydalanish va shartnoma yakunida davlat tasarrufiga o'tkazish.
3	Qurish-O'tkazish-Boshqarish (Build, Transfer, Operate - BTO)	Bunda loyiha qurilish yakunlanishi bilanoq davlatga o'tkaziladi. Xususiy sherik unga shartnoma muddati davomida xizmat ko'rsatadi, ko'rsatilgan xizmatlar uchun iste'molchilar uzluksiz ravishda to'lovlarni amalga oshiradi.
4	Qurish –Egallik qilish – Boshqarish (Build, Own, Operate - BOO)	O'zaro kelishuv mexanizmi asosida loyihani qurish, shartnoma muddati mobaynida egallik qilish huquqi asosida undan foydalanish va shartnoma yakunida ham egallik qilish huquqi xususiy sherikda qoladi.
5	Qurish-Boshqarish-Himoyalash-O'tkazish (Build, Operate, Maintain, Transfer - BOMT)	Loyihaning hayotiylik davri va unga xizmat ko'rsatilishi davlat tomonidan amalga oshiriladi. Egallik qilish huquqi davlat tasarrufiga qoladi.
6	Loyihalash-Qurish-Egallik	O'zaro kelishuv mexanizmi asosida obyektning loyihalashtirish,

	qilish-Boshqarish-O'tkazish (Design, Build, Own, Operate, Transfer - DBOOT)	qurish, shartnoma muddati mobaynida egalik qilish huquqi asosida undan foydalanish va shartnoma yakunida davlat tasarrufiga o'tkazish.
7	Loyihalash-Qurish-Moliyalashtirish-Boshqarish (Design, Build, Finance, Operate - DBFO)	Obyektni loyihalash, qurish, boshqarish, shuningdek xususiy sektor tomonidan qurish va xizmat ko'rsatish xarajatlarini moliyalashtirish majburiyatini ham oladi. Davlat xizmatlarga to'lovlar orqali xarajatlarni qoplaydi.

Mamlakatimizdagi xususiy sherikchilikni rivojlantirishdagi o'zgarishlardan quyidagilarni aytib o'tishimiz mumkin. Pullik yo'llar to'g'risidagi qonun loyihasi ishlab chiqildi va bunga ko'ra Avvalo, Toshkent - Samarqand yo'nalishi bo'yicha tezyurar avtomobil yo'lini qurish masalasini ko'rib chiqmoqda. Hozirda geologiya-qidiruv ishlari olib borilmoqda. Aholi va sayyohlar orasida talab qilinadigan boshqa yo'nalishlar, shuningdek, pullik tunnellar, masalan, Qamchiq dovoni (Namangan viloyati) yoki Taxtaqoracha (Qashqadaryo viloyati, Kitob tumani) orqali qurilishi masalalarini ko'rib chiqmoqda. 2019 yilgi Investitsiya dasturiga asosan Respublika bo'yicha 100,5 km umumiy foydalanuvdagi avtomobil yo'llarida qurish va rekonstruksiya ishlari amalga oshirilishi ko'zda tutilgan. Yil davomida 2 200 km umumfoydalanuvdagi avtomobil yo'llarida joriy ta'mirlash va saqlash (ekspluatatsiya) ishlari bajariladi. 2019 yilda Respublikadagi shahar ko'chalari va boshqa aholi punktlarining ichki yo'llarini kapital va joriy ta'mirlash ham ko'zda tutilmoqda. Jumladan, "Obod qishloq" davlat dasturi bo'yicha 5 200 km ichki xo'jaliklararo avtomobil yo'llari, "Obod mahalla" davlat dasturi bo'yicha 400 km shahar ko'chalarida qurilish va ta'mirlash ishlari olib borish ko'zda tutilmoqda. Bulardan tashqari, hukumat topshiriqlari va tasdiqlangan "Yo'l xaritalari"ga asosan 1 200 km ichki yo'llar ta'mirlanishi ham belgilangan. Yana bir muhim ta'lim sohalardan biri, yani poydevori maktabgacha ta'lim sohasida ham davlat xususiy sherikchiligini rivojlantirish bo'yicha chora tadbirlar ko'rilmoqda[6]. Vazirlar Mahkamasining "Maktabgacha ta'lim sohasida davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarini yanada qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori loyihasi joylashtirildi. [7]

Demak, davlat-xususiy sektor sherikchiligi nimaligini, uning "xususiy moliya tashabbusi" modelini, shuningdek, foyda va zararlari haqida qisqacha ma'lumot berishga harakat qildik. Endi, bu tashabbus qabul qilinishi va muvaffaqiyatli bo'lish uchun nimalar qilinishi kerak? Quyida shular haqida to'xtalib o'taman:

1. Sherikchilik uchun maxsus huquqiy asos va qonunchilik me'yorlarini ishlab chiqarilishi. Joriy qonun normalari va huquqiy asoslarini ko'rib chiqib, uzoq muddatli shartnomalar va soliq tizimiga kerakli o'zgarishlarni kiritish maqsadida, mulk egaligi va shartnomalarning qonunga mosligini ta'minlash nazarimda eng zarur qadam. Bu ham investorlarga ham hukumatga aniqlik va ishonch beradi.

2. Shaffoflik. Tender jarayonidan boshlab shartnoma oxiriga yetgunga qadar bo'lgan jarayon haqqoniy va shaffof bo'lishi zarurdir. Faqat oshkora jarayondagina samarador tejash mexanizmlarni aniqlashtirish va xususiy sektor bilan davlat sektori orasida bir biriga ishonchni ta'minlanish mumkin bo'ladi.

3. Davlatning sherikchilikni uzoq muddatli majburiyat deb qabul qilishi. Bu tashabbusning realizatsiyasi davlat bu masalaga qanchalik jiddiyligini ko'rsatadi. Misol uchun davlat bir ikki loyiha bilan chiqib ularni yarim yo'lda tashlab ketsa, kelajakda bu kabi shartnomalarga sherik topishi qiyin bo'ladi.

4. Tender jarayoni. Tender jarayoni iloji boricha qisqa va puxta bo'lishi undagi ortiqcha xarajatlarning oldi olinishiga yordam beradi va loyiha narxi yanada arzon bo'lishini ta'minlaydi. Buning uchun, loyiha va shartnomalar uchun standartlar ishlab chiqarish maqsadga muvofiq bo'ladi.

5. Loyihalarni o'zgartirishda qulaylik yaratish. Ayniqsa qurilishi bitib, ishlash jarayoniga o'tgan loyihalarda "yumshoq xizmatlar"ni (tozalik, umumiy ovqatlanish va hk.) shartnomalarga

kirgizmaslikni tavsiya qilaman. Ta'mirlash ishlarida ham xarajatlarni yaqindan kuzatish va buni shartnomalarga qo'shish zarur.

6. Risk taqsimoti boshqaruvi (Risk management). Mavjud bo'lgan risklar doim qayta ko'rib chiqilishi shart. Risk taqsimlash jarayonida har ikki taraf o'z zimmasiga eng optimal shaklda boshqara oladigan risk miqdorini olishi shart. Aks holda bir taraf zarar ko'radi va bu kelajakda davlat bilan xususiy sektor orasida ishonchsizlikka olib keladi.

7. Davlat o'z loyihasida investor sifatida ishtirok etishi. Davlat o'z loyihasiga cheklangan sarmoyador sifatida konsortium a'zosi bo'lishi bir nechta muammoni hal qilishga yordam beradi. Birinchidan, davlat loyihani yaqindan kuzatib boradi va funksional qarorlar berilishida ishtirokchi bo'ladi. Ikkinchidan, davlat hissadorlardan biri bo'lgani uchun xizmat haqlari va talab qilingan narxlarda me'yor bo'ladi. Uchinchidan, xususiy investorlar bilan davlat orasida o'zaro ishonch va hamkorlik ruhi kuchayadi.

8. Qarzlarni yashirish. Davlat bu sherikchilikni faqatgina qarzlarini yashirish maqsadida ishlatmasligi, aksincha, infrastrukturaga qo'shimcha investitsiya maqsadida ishlatishi zarur. Buning uchun sherikchilik ostida qurilgan loyihalar doim kuzatuv va auditdan o'tkazilib, mustaqil tekshiruvchilar uchun ma'lumotlar ochiq va osonlikcha olinishi ta'minlanishi kerak[8].

Yuqorida davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish natijasida quyidagi xulosalar shakllantirildi: Birinchidan, mamlakatimizda ijtimoiy ahamiyatga molik loyihalarni amalga oshirishda davlat-xususiy sherikchiligi amaliyotini rivojlantirish maqsadida birinchi navbatda nazariy va tashkiliy-huquqiy asoslar aniq belgilanishi lozim.

Ikkinchidan, rivojlangan davlatlarda keng qo'llanilib, ijobiy natijalar bergan davlat-xususiy sheriklik modellaridan - Qurish-O'tkazish-Boshqarish, - Qurish-Egalik qilish-Boshqarish, - Loyihalash-Qurish-Moliyalashtirish-Boshqarish kabi shakllarini mamlakatimizda ham joriy etish lozim.

Uchinchidan, Jahon amaliyoti tajribasini o'rgangan holda samarali va foydali bo'lgan davlat-xususiy sherikchiligi tizimini muvofiqlashtiruvchi va nazorat qiluvchi davlat institutsional tuzilmasini mamlakatimizda joriy etishga alohida e'tibor qaratish lozimdir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi —O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risidagi PF-4947-sonli Farmoni, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - milliy qonunchilik bazasi.

2. Йескомб Э.Р. Государственно-частное партнерство: Основные принципы финансирования (Public-Private Partnership Principles of Policy and Finance.) — М.: Альпина Паблишер, 2015. - 457 с.

3. Felsing K. Former staff member of the Asian Development Bank's (ADB) Regional and Sustainable Development Department (RSDD), Special Initiative Group (RSOD-SI) /Public-Private Partnership / Handbook. 2007. 100p.

4. Чернов С. С., Фильченкова М. В. Государственно-частное партнерство: понятие, признаки, внешние эффекты Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса. 2017. № 3 (40). С. 78–82.

5. "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron junali. № 4-5, avgust-oktabr, 2018 yil

6. 2019-yil 21-fevralda qabul qilingan "Davlat-xususiy sherikchilik to'g'risida" va "Pulli yo'llar to'g'risida"gi qonun

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Maktabgacha ta'lim tizimini yanada rag'batlantirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2018 yil 5 apreldagi PQ-3651-son qarori

8. Atamurodov T., Hamroyev B. Xususiy tarmoq va davlat hamkorligi. Monografiya, Toshkent moliya instituti. —T.: —Iqtisod-Moliyal, 2013. - 96 b.

## ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ.

Талипова Д.Н. – ст.преподаватель «БУА» ТИИИМСХ  
Пирназарова Г.У. – студентка ТИИИМСХ  
Ташматов Ж.К. – студент ТИИИМСХ

### Аннотация

В статье раскрываются основные вопросы развития и совершенствования корпоративного управления, который является одним из решающих факторов социально-экономического развития Узбекистана. Корпоративное управление способствует эффективному использованию акционерным обществом своего капитала, подотчетности органов его управления как самому акционерному обществу, так и ее акционерам. Все это помогает акционерному обществу действовать на благо всего общества и повысить уровень доверия инвесторов. А также изучены вопросы по применению корпоративных методов управления, совместная деятельность с современными методами менеджмента в специальных бизнес-направлениях акционерного общества.

*Корпоративное управление* – это система высшего уровня управления акционерного общества. *Система корпоративного управления* — это организационная модель, которая призвана, с одной стороны, регулировать взаимоотношения между менеджерами компаний и их владельцами, с другой — согласовывать цели различных заинтересованных сторон, обеспечивая эффективное функционирование компаний. Выделяют несколько моделей корпоративного управления:

**Американская, или аутсайдерская, модель** — это модель управления акционерными обществами, основанная на высоком уровне использования внешних по отношению к акционерному обществу, или рыночных, механизмов корпоративного контроля, или контроля над менеджментом акционерного общества.

**Германская, или инсайдерская, модель** — это модель управления акционерными обществами, основанная преимущественно на использовании внутренних методов корпоративного контроля, или методов самоконтроля.

**Японская модель корпоративного управления** сформировалась в послевоенный период на базе финансово-промышленных групп (кейрецу) и характеризуется как полностью закрытая, основанная на банковском контроле, что позволяет снизить проблему контроля менеджеров.

**Семейная модель корпоративного управления** получила распространение во всех странах мира. Управление корпорациями осуществляется членами одной семьи [3].

В целях создания благоприятных условий для широкого привлечения прямых иностранных инвестиций, коренного повышения эффективности деятельности акционерных обществ, обеспечения их открытости и привлекательности для потенциальных инвесторов, были внедрены следующие современные методы корпоративного управления:

глубокий анализ международного опыта и внедрение на этой основе современных методов корпоративного управления, повышение эффективности использования производственных, инвестиционных, материально-технических, финансовых и трудовых ресурсов;

приоритетное создание акционерных обществ с участием иностранного капитала, формирование благоприятных условий для широкого привлечения в акционерные общества иностранных инвестиций;

коренную реорганизацию структуры управления акционерными обществами, имея в виду ликвидацию отживших, устаревших подразделений и должностей, внедрение новых, соответствующих современным международным стандартам и требованиям рыночной экономики;

повышение роли акционеров, в том числе миноритарных, в стратегическом управлении акционерным обществом, в обеспечении контроля за эффективной деятельностью управленческого персонала;

подготовку и повышение профессионального уровня управленческого персонала на основе сотрудничества с ведущими зарубежными образовательными учреждениями, а также привлечение высококвалифицированных иностранных менеджеров на руководящие должности в акционерных обществах. [1]

Все системы корпоративного управления вращаются вокруг четырех базовых принципов: честность, подотчетность, ответственность, прозрачность.

Вышеуказанные принципы можно описать следующим образом:

*Честность.* Система корпоративного управления должна защищать права всех акционеров, обеспечивать справедливое отношение ко всем, включая миноритарных, и предпринимать действенные меры в случае выявления каких-либо нарушений.


*Подотчетность.* Система корпоративного управления должна обеспечивать подотчетность исполнительного органа общества Наблюдательному совету и подотчетность наблюдательного совета акционерам.

*Ответственность.* Система корпоративного управления должна обеспечивать признание законных прав акционеров, поощрять сотрудничество между обществом и акционерами в вопросах финансового благополучия и устойчивости АО.

*Прозрачность.* Система корпоративного управления должна обеспечивать своевременное и достоверное раскрытие информации по всем существенным вопросам, которые могут повлиять на решения заинтересованных лиц, включая:

- а) финансовую ситуацию;
- б) результаты деятельности;
- в) структуру собственности;
- г) управление обществом

#### **Типовая организационная структура акционерного общества.**



Структура корпоративного управления должна продвигать прозрачные и эффективные рынки, соответствовать требованиям законов и ясно определять разделение власти на надзорную, регулирующую и управляющую [1].

В Узбекистане в последние годы уделяется большое внимание внедрению принципиально новых, эффективных форм и методов корпоративного управления, приведение их в соответствие с меняющейся ситуацией в мире. Все большее количество отечественных компаний в разной степени демонстрирует свою приверженность принятым в международной практике принципам корпоративного управления. Неизбежно растет и число лиц, вовлеченных в данную сферу, что обуславливает рост спроса на подготовку и повышение квалификации специалистов в данной сфере.

На основе изучения передового международного опыта корпоративного управления предприятиями была разработана и утверждена новая типовая структура акционерного общества. На ее базе с учетом современных подходов к корпоративному управлению разработан и утвержден новый классификатор должностей и профессий, с включением в него 566 новых категорий, соответствующих требованиям рыночной экономики. В соответствии с данным классификатором проведена аттестация руководящих кадров. На высвободившиеся руководящие должности пришли молодые, образованные, на практике владеющие методами современного менеджмента и маркетинга специалисты.

В Европейской школе менеджмента и технологий, созданной в 2002 году по инициативе 25 таких ведущих немецких компаний, как «Даймлер», «Сименс», «БМВ», «Люфтганза», «Тиссен Крупп», «Ман», «Кнауф», ведется обучение по таким основанным на международных стандартах учебным программам, как «Управление бизнесом», «Управление бизнесом для руководящих работников». В Научно-образовательный центр корпоративного управления прошли обучение методам корпоративного управления руководящие сотрудники компаний «Узбекнефтегаз», «Узвиносаноат-холдинг», акционерных обществ «Узкурилишматериаллари», «Узэлтехсаноат», «Уздонмахсулот», «Дори-дармон», «Кафолат сугурта компанияси», «Узкимёсаноат», «Узбекэнерго» и других крупных предприятий [2].

Хотелось отметить, что глубоко продуманная политика Узбекистана по поэтапному переходу к свободной рыночной экономике привела к мерам по развитию корпоративного управления, сокращению присутствия государства в экономике, модернизации и диверсификации производства экономика Узбекистана развивается динамично и стабильно. Поэтому зарубежные инвесторы активно вкладывают свой капитал в вашу страну.

#### **Список использованной литературы:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан “О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах “ от 24.04.2015 г. № УП-4720.
2. <https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/11084-korporativnoe-upravlenie-vazhnyy-faktor-effektivnoy-deyatelnosti.html>
3. <http://www.grandars.ru/college/ekonomika-firmy/korporativnoe-upravlenie.html>

**УДК: 657.1/6:631.145 (575.1)**

#### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИДА КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ**

**ТИҚХММИ “БҲА” кафедраси катта ўқитувчиси Д.Талипова  
ТИҚХММИ талабаси П.Амиров**

#### **Аннотация**

Мақолада қишлоқ хўжалиги қорхоналарида келгуси давр харажатлари ҳисоби ва ишлаб чиқариш жараёнида келгусидаги бир неча йилларга тегишли бўлган харажатлар амалга ошириш масалалари ёритилган. Ушбу харажатлар келгуси даврининг ҳар бир йилида

етиштирилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар қийматига тўғри ўтказилишини таъминлаш учун улар бухгалтерия ҳисобида йиллар бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришлари лозим.

Ўзбекистон Президенти 2017 йил 7-февралда 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади. Ушбу ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналиши қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган. Унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологиялар асосида асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини тармоқларини янада кенгайтириш[1] асосий устувор йўналиш сифатида эътироф этилган. Ушбу устувор йўналишни амалга ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида келгусидаги бир неча йилларга тегишли бўлган харажатлар амалга оширилади. Ушбу харажатлар келгуси даврнинг ҳар бир йилида етиштирилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар қийматига тўғри ўтказилишини таъминлаш учун улар бухгалтерия ҳисобида йиллар бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришлари лозим.

Кўпчилик фермер хўжаликларида келгуси давр харажатлари ҳисобини юритишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг асосий сабаби, уларда ушбу харажатлар ҳисобини юритиш услубиятининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ. Бунинг исботи сифатида қуйидаги хўжалик маълумотларини таҳлил қилишни ўринли деб топдик (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**2016 йилда «Улуғбек» фермер хўжалигида келгуси давр харажатлари таркиби ва уларни ҳисобдан ўчириш тартиби**

№	Харажат турлари	Минг сўмда	Бухгалтерия ўтказмаси	
			Дт	Кт
1	Олдиндан тўланадиган ижара ҳақлари	520,0	2510-1	5110
2	Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш харажатлари	210,0	2010-1	5110
3	Илмий-техника адабиётлари ва газета, журналларга обуна бўлиш харажатлари	110,0	9430	5110
4	Чорва моллари учун вақтинчалик ёзги бостирмалар	450,0	2010-2	1010,2310, 6510,6710
5	Силос ва сенаж бостириш ямалари	190,0	2010-2	1010,2310, 6510,6710
6	Жорий йилда экилган беда уруғи харажатлари	480,0	2010-1	1010

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Улуғбек» фермер хўжалигида келгуси давр харажатлари бухгалтерия ҳисобида нотўғри ҳисобга олинганлигини кўриш мумкин. Чунки 1,2,3,4,6- тартибли харажат турлари келгуси давр харажаларини ҳисобга олувчи счетларда йиғилиб, аста-секин йиллар давомида тегишли счетларга тақсимланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, жадвал маълумоти бўйича кўрсатилган счетларда жорий йил харажатларининг ортишига олиб келинган. Айниқса, 1,2,4,6- тартибли



харажатлар суммаси сезиларли даражада кўп бўлиши йил якунлари бўйича молиявий натижаларга салбий таъсир кўрсатган.

Масалан: 1- тартибли харажатлар муддатлари бўйича 3110 –«Олдиндан тўланган ижара» ва 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счетларига тақсимлаш орқали ҳам молиявий натижаларни аниқлашда объектив ёндошувга олиб келган бўлар эди. Шунингдек, бошқа тартибли харажатларни ҳам шундай тақсимлаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, фермер хўжаликларида келгуси давр харажатларини ҳисобдан чиқариш харажатларнинг вужудга келиш манбаларини ўрганиш натижасида, молиявий натижаларга таъсири нуқтаи назардан, уларни бухгалтерия ҳисоби счетлари режасининг тегишли счетларида ҳисобга олишни ҳисоб сиёсатида кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжаликларида келгуси давр харажатларига қуйидагиларни олиб бориши мумкин: чорва моллари учун ёзги бостирмалар қуриш; жорий йилда экилган беда уруғи харажатлари; силос бостириш учун хандақлар қаздириш харажатлари; олдиндан тўланган ижара ҳақлари; келгуси йил учун илмий-техника адабиётларига ёзилиш харажатлари; ўз муомала маблағлари ҳисобидан ерларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича қилинган харажатлар ва ҳоказо.

Шунингдек, шартномага мувофиқ, ижарага олувчи фермер хўжаликлари томонидан ижарага олинган асосий воситаларни капитал таъмирлаш учун қилинган харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда ижарага олинган асосий воситаларнинг капитал таъмири ижарага олинган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартида келгуси давр харажатларини уларнинг қайси даврларга тегишлилигига қараб иккига: жорий йил ва келгуси йилнинг келгуси давр харажатларига бўлинади. Ушбу миллий стандартда келгуси давр харажатларини бундай тартибда ҳисобга олинишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига асосланган.

Фикримизча, келгуси давр харажатларини ҳисобот даврининг харажатлари сифатида тан олишда муддатларини белгилашга қараб, уларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга кирувчи келгуси давр харажатларининг харажат сифатида тан олиш муддатлари аниқ. Шунинг учун ҳам бундай харажатларни тан олиш муддати аниқ бўлган келгуси давр харажатлари, деб аташ мумкин. Бундай келгуси давр харажатларига: келгуси йил учун илмий-техника адабиётларига, журнал ва газеталарга ёзилиш; олдиндан тўланган ижара ҳақлари; олдиндан тўланган кафолатланган хизмат ҳақлари ва бошқа шунга ўхшаш харажат сифатида тан олиш муддатлари аниқ бўлган келгуси давр харажатларини олиб бориш мумкин.

Иккинчи гуруҳга кирувчи келгуси давр харажатларини харажат сифатида тан олиш муддатини аниқ белгилаш имконияти мавжуд эмас. Уларга силос ва сенаж бостириш ямаларини, чорва моллари учун вақтинчалик ёзги бостирмалар, кишки қўтонларга йиғилган ем-хашакларни сақлаш омборхоналари ва ҳ.к.

Ушбу харажатларни харажат сифатида тан олиш муддатлари аниқ бўлмаган келгуси давр харажатлари деб аташ мумкин. Шунинг учун ҳам келгуси давр харажатларини харажат сифатида тан олиш усулларини ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатида акс эттириш фермер хўжаликлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ушбу харажатларни йиллар ва даврлар бўйича асоссиз тақсимлаш уларнинг молиявий натижаларига бевосита таъсир қилади, яъни асоссиз равишда фойда суммаси ортади ёки камаяди.

Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатида ушбу масалаларнинг ечимини тўғри белгилаш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга бевосита таъсир қилади.

Фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳати билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ечимини бермай туриб, бухгалтерия ҳисобида хўжалик

фаолияти тўғрисида аниқ ва тўла маълумотлар тўпламини вужудга келтириб бўлмайди. Бундай муаммолар асосан, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб уларга қуйидагилар киради:

- тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш;
- тақсимланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва уларни харажат объектларига олиб бориш.

Ушбу муаммоларнинг бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда ўз ечимини топмаётганлиги бухгалтерия ҳисобининг «аниқлик», «ҳисоблаш», «ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги» каби асосий қоидаларининг бузилишига ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 1-моддаси «Бухгалтерия ҳисобининг мақсади бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат» [2] деб белгиланган талабининг бажарилмаётганлигига олиб келади. Бу ерда «аниқлик» қоидасининг бузилиши календарь йил давомида қилинган харажатларнинг қайси қисмини тугалланмаган ишлаб чиқаришга олиб боришнинг илмий асосланган услубиятининг мавжуд эмаслигидир.

### Адабиётлар рўйхати

1.2017-2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон. «Халқ сўзи», 2017 й., 28 (6722)-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни. –Т.: 2016, (Янги таҳрир).

3.Сотиволдиев А.С. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби..Т.: Меҳнат. 1991. -246 б.

4.Ризоқулов А.А. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби..-Т.: 1998, 35 б.

UDC [332:1] (34)

## CLUSTER SYSTEM AS A WAY OF MANAGING ON THE ENTERPRISES IN SERICULTURE INDUSTRY OF UZBEKISTAN

**Namangan Institute of engineering and technology  
Isroilov Rustam Ibragimovich, PhD, associate professor  
Khojimatov Ravshanbek Rasuljonovich, researcher**

### Abstract

Today, world's practice shows that cluster is not only means towards to the goals of the industrial policy, but is a powerful tool for the stimulation of regional development that finally can lead to the improvement of the trade balance of region, reinforcement of the employment and etc. The article studies the conception of «cluster», and its essential features. In addition, analyzed international experience of countries that have created clustering from various industries as well as participants of the cluster. Considered questions improvement of cluster system in sericulture and methods of ensuring necessary conditions.

**Key words:** Cluster, the concept and theory of cluster, regional and industrial clusters, geographic territory, group of firms, complementary companies, group of institutes, technological chain, clusterization on different industry, production companies, exploratory organizations, government, financial institutes, modern methods in sericulture.

### Introduction

Economic geography during an era of global competition involves a paradox. It is widely recognized that changes in technology and competition have diminished many of the traditional roles of location. Yet clusters, or geographic concentrations of interconnected companies, are a

striking feature of virtually every national, regional, state, and even metropolitan economy, especially in more advanced nations [1].

Today, clusters represent a new way of thinking about national, state, and local economies, and they necessitate new roles for companies, for various levels of government, and for other institutions in enhancing competitiveness. For companies, thinking about competition and strategy has been dominated by what goes on inside the organization.

Clusters suggest that a good deal of competitive advantage lies outside companies and even outside their industries, residing instead in the locations at which their business units are based. This creates important new agendas for management that rarely are recognized. For example, clusters represent a new unit of competitive analysis along with the firm and industry.

Clusters are driving force in increasing exports and magnets for attracting foreign investment. Clusters also represent an important forum in which new types of dialogue can and must take place among companies, government agencies, and institutions such as schools, universities and public utilities [2].

### Literature Review.

#### What is a cluster?

Clusters have long been part of the economic landscape with geographic concentrations of trades and companies in particular industries dating back for centuries. The intellectual antecedents of clusters date back at least to Alfred Marshall (1890/1920), who included a fascinating chapter on the externalities of specialized industrial locations in his “Principles of Economics” [3].

Therefore, knowledge about cluster theory has advanced on the publication of the Competitive Advantage of Nations by Michael Porter who helped trigger a large and growing number of formal cluster initiatives in countries, states, cities, and even entire regions.

As it is said above, the conception of "cluster" has been entered into the economic literature by Michael Porter according to his scientific research that cluster is the groups of the interconnected companies concentrated to a geographical attribute, specialized suppliers, suppliers of services, firms in corresponding branches, and also the organizations connected to their activity in certain areas competing, but at the same time leading teamwork.

Today, the word "cluster" is multiple-valued, uniform term. The clusters began to develop in the foreign countries, we may see a lot of scientific researches about theory of the cluster which belongs to foreign scientists.

Firstly, we need to mention about a professor of the Harvard Business school M.Porter, who considered theories about clusters. Secondly, in addition to the problems of functioning clusters are engaged by other foreign economic scientists S. Stern, M. Delgado, G. Lindvist, S. Silvell, A. Saxenian, T. Anderson, S. Schwaag, E. Bergman, E. Feser, Ch. Ketels, etc. On researches, these foreign scientists shows that the laws and features of functioning cluster are enough described.

In our opinion, various definitions of the term "cluster" available on economic literature of scientific foreign countries were most successfully systematized [4]: ( look. table.1.)

**Table 1**

Author	Year	Resource	Definitions
Porter	1990	The competitive advantage of nations	A cluster is a geographically proximate group of interconnected companies and associated institutions in a particular field, linked by commonalities and complementarities. The geographic scope of clusters ranges from a region, a state, or even a single city to span nearby or neighboring countries

Schmitz	1992	On the clustering of small firms	More than single industries, clusters encompass an array of linked industries and other entities important to competition
Swann and Prevezer	1996	A comparison of the dynamics of industrial clustering in computing and biotechnology	Clusters - groups of firms within the limits of one branch that located in one geographical area.
Enright	1996	Regional clusters and economic development	Regional clusters are industrial clusters which firms participants in close affinity to each other
Rosenfeld	1997	Bringing business clusters into the mainstream of economic development	Clusters also often extend downstream to channels or customers and laterally to manufacturers of complementary products or companies related by skills, technologies, or common inputs.
Porter	1998	On competition	Cluster - geographically close group of the connected companies and cooperating institutes in the specific area.
Feser	1998	Old and new theories of industry clusters	Clusters also often extend downstream to channels or customers and laterally to manufacturers of complementary products or companies related by skills, technologies, or common inputs. Many clusters include governmental and other institutions (e.g., universities, think tanks, vocational training providers, standards-setting agencies, trade associations) that provide specialized training, education, information, research, and technical support.
Swann and Prevezer	1998	The dynamics of industrial clustering	Cluster means a big group of firms in the connected branches in separate district.

Accordingly, submitted definitions which have been investigated on the foreign literature we should give a concrete definition about a cluster. A cluster is a geographically proximate group of interconnected companies and associated institutions in a particular field, linked by commonalities and complementarities. The geographic scope of clusters ranges from a region, a state, or even a single city to span nearby or neighboring countries [5].

### **Methodology**

In this article is used the laws of the Republic of Uzbekistan, the resolution of the President of the Republic of Uzbekistan, as well as the theoretical foundations of clusters and its features. Analyzed scientific works and publications of the professors in the Commonwealth of Independent Countries. As a methodology of research, theoretical and practical analysis and observation methods were used.

### **Data Collection**

Nowadays, world's practice shows that cluster is not only means towards to the goals of the industrial policy, but also is a powerful tool for the stimulation of regional development that finally can lead to the improvement of the trade balance of region, reinforcement of the employment.

Within two last decades process of formation of cluster occurred rather actively. As a whole, according to experts, a present time clustering is covered about 50 % of economy of the leading countries of the world [6]: (look.table.2.)

**The most advanced countries by quantity successfully working with clusters**  
*Table.2.*

<b>№</b>	<b>Country</b>	<b>Quantity of clusters</b>
1	Great Britain	168
2	Germany	32
3	Danish	34
4	Italy	206
5	India	106
6	Niderland	20
7	USA	380
8	France	96
9	Finland	9
10	Russian	25

Today, cluster economy is attracting the most attention around the world. A new kind of industrial consortia on the hand of both business and government. Many of countries leading in the number of clusters of various specializations. For instance, Danish, Finnish, Norwegian and Swedish industry are completely covered by clustering. So, Finland's economic policy is based on clustering.

Actually, France is the world's first resource center in the field of cosmetics and perfumes. Here are the best perfumes. Every tenth cosmetic product currently sold in the world is produced in the Cosmetic Valley cluster. Cosmetic Valley includes about 600 enterprises that are engaged in all phases of work, from research to production. The cluster, which is a unique source of knowledge and experience, also includes seven universities, large national research institutes and 200 private and public laboratories.

By the way, the turnover of the IT industry in India is \$ 70 billion. Worldwide, techno-regions are trying to repeat the success of Silicon Valley. So in Bangalore, Silicon Plateau is successfully operating. By the way, at present the turnover of the IT industry in India is 70 billion US dollars. Note that the Government of India provides significant tax breaks for high-tech companies. So, all IT organizations can get tax exemption for five years, and for ten years - provided that the company works in a technopark. At the same time, tax incentives apply to any IT-companies, regardless of the size and form of ownership.

The Great Britain mainly focus an attention to development of biotechnologies. The government of this country has allocated \$ 30 million to create a fund that will finance innovative clusters, and identified areas around Edinburgh, Oxford and in South-East England as the main regions where biotech firms are located.

7. Стиль общения	Держит дистанцию, не общителен	Дружески настроен, любит общение	Боится общения, общается с подчиненными только по их инициативе
8. Характер отношений с подчиненными	Диктуется настроением	Ровная манера поведения. Постоянный самоконтроль	Мягко, покладист
9. Отношение к дисциплине	Привержено к формальной жесткой дисциплине	Сторонник разумной дисциплины, осуществляет дифференцированный	Требует формальной дисциплины

		подход к людям	
10. Отношение к моральному воздействию на подчиненных	Считает наказание основным методом стимулирования, поощряет избранных только по праздникам	Использует различные виды стимулирования, постоянно	Действует таким же образом

Таким образом, давая оценку трём стилям руководства, где самое главное предпочтение можно отдать демократическому стилю, а в самом управлении демократизации системы управления. На основе выше изложенного и для более полной уверенности предыдущего вывода. Сравним показатели труда с стилями, где рассмотрим эффективность стилей работы руководителей. Это можно определить также на основе производительности труда, психологического климата, текучестью кадров и прибылью

(рис. 1).



Продолжительность работы руководителя

Рисунок 1. Эффективность различных стилей работы руководителей

1. Авторитарный (автократический) стиль
2. Либеральный стиль
3. Демократический стиль

В жизни каждый стиль в чистом виде встречается очень резко и её гибкость дает возможность преимущественно правильном использовании каждого стиля и применять их в зависимости от ситуационных особенностей, но и тут самый эффективный, это демократический стиль. [3]

Эффективность стилей можно определить, учитывая следующие факторы такие как:

- психологические особенности личности руководителя;
- интересы и потребности подчиненных;
- повешения уровня и ответственности персонала;
- внутренний и внешний факторы влияющие на деятельность администрации и они могут принести успех предприятию, если будут правильно применены и использованы, а также от совершенствования их путей, также как:

1. Определение ценностей и разработка личностных целей.

2. Этапы развития личности и планирование текущей деятельности.

3. Постоянный анализ достигнутых результатов.

4. Развитие коммуникативных свойств: слушать, читать, говорить и писать

5. Изучать восприимчивость людей и развить у них наблюдательность.

6. Каждый день необходимо находить время на размышление и мысли.

7. Расширить собеседование с людьми других отраслей.

8. Научится обращать внимание на главные цели.

9. Быть отчаянным, терпеливым и сильным.

10. Постоянно находить новые возможности и показать инициативность.

Переход предприятий на рыночную экономику позволяет улучшить уровень жизнь людей. И сильнее главное руководитель не должен заботиться а большем получении

прибыли или дохода, а на оборот свести работу к хорошему и самое главное поднять уровень социальной защиты своих работников. [4]

Таким образом, рассмотренные стили управления сразу не могут быть сформированы и для этой миссии нужны профессиональные управленческие кадры отвечающие новым специальным требованиям данного времени, и они принимаются из личного контакта с подчиненными и в свою очередь он должен быть, гибким, инициативным, а также одобренным со стороны подчиненных.

#### Литературы

1. Муракаев Т.П. Менежмент асослари . Тошкент, 2008.
2. Умураков У.П.. Сув хўжалиги менежменти. Тошкент. 2008.
3. Норчаев А.Н. Менежмент назарияси . ТДИУ, 2011.
4. Интернет сайтлар:  
Management troday ru.  
Cultur management ru.  
Seles management ru.

УДК 332.025.28:341.348.52(579.1)

### ИНТЕНСИВ ОЛМАЛАРНИ ХОСИЛИНИ САҚЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

**Сатторов Орифжон Боймуротович ТИҚХММИ ассистенти**

Бизга маълумки мевалар таркибида инсон организми учун зарур қанд, органик кислоталар, оқсиллар, ёғлар, пектин, витамин ва бошқа моддалар мавжуд бўлиб, улар энгил хазм бўлиши билан бирга шифобахш хусусиятларга эга бўлиб, инсон организмида учрайдиган турли хасталиклардан ҳимоя қилади ва мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда аҳолини йил давомида ана шундай табиий маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ортириш учун замонавий энергия тежамкор сақлаш омборларини қуриш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан ҳар йили истикболли дастурлар ишлаб чиқилиб улар кенг ҳажмларда амалга оширилмоқда.

Меваларни биологик хусусиятларини, сақлаш даврида рўй берадиган жараёнлар ва маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни яхши билиш, сақлашга яроқли навларни тўғри танлаш, ҳосилни териш, ташиш ва товар ҳолатига келтиришни тўғри ташкил этиш маҳсулотнинг сифатли сақланишини кафолатлайди.

Интенсив олмани сақланувчанлиги ҳосил йиғилгандан кейинги етилиш муддати билан боғлиқ. Интенсив олмани сақлашда ҳаво ҳарорати, газ муҳити, нисбий намликни аҳамияти катта. Уларда модда алмашинуви бўлиб, у меваларнинг ранги консистенцияси таъми ва хушбўйлиги табиатига таъсир этади. Мевалар юқори сифатлилигига маълум муддат сақлангандан кейин эришилади. Шундан сўнг модда алмашинуви бузилади, физиологик жараён юзага келади ва интенсив олма меваларининг ранги, таъми ва хушбўйлиги бузилади.

**Нисбий намлик:** Интенсив олманинг ҳар бир навларининг ҳавони нисбий намлигига бўлган муносабатини турличалиги кузатилади. Қалин пўстлоқли меваларнинг сифати кескин бузилмайди, юпка тўқимали пўстлоққа

эга навларда эса сўлиш тезлашади. Интенсив олма сақлашда ҳавонинг нисбий намлиги 90-95фоиз оралиғида ушлаш тавсия етилади. Омбор ҳавосининг нисбий намлигини психрометр ёрдамида кузатилади. У омборнинг ўртасига ўрнатилади.

**Ҳарорат:** Турли нав олмаларни ҳароратга бўлган муносабати ҳар хилдир. Интенсив олма сақлашда 100С фарқи билан 00С яхши ҳарорат бўлиши мумкин. Аммо етилмаган навлар учун бундай ҳароратда сақланганида тўлиқ

пишмайди. Яъни етилиш фаоллигини сақлаб қолади, ранги, таъми ва ҳуш бўйлиги яхши бўлмайди. Ундан ташқари, баъзи навлар мевалари 00С да узоқ сақланиши натижасида тўлиқ етилиш хусусиятини йўқотади, оқибатда пўсти ва этида қорайиши кўпаяди. Аксинча, —Байкал, —Оқ Голден Делишес, —Голден Делишес навлари эса - 1,50С ортиқча совутишга чидайди ва аста-секин ҳарорати кўтарилиш билан истеъмол сифатларини сақлаиб қолади. Интенсив олма мевалари ортиқча совуқ ҳолатига чидамли бўлиб, бир маромда совутишни кўтаради.

Кескин совутишда ва юқори ҳароратида шикастланиш самараси ошади. Советгич омборхонанинг ҳарорати термометрларга қараб аниқланади.

**Буғланиш:** Сақлашнинг дастлабки кунларида мевалар айланиб юрувчи сувдан ҳалос бўлади, шунинг учун таркибидаги намликни тез буғлатади.

Сўнгра буғланиш камаяди, мева етилгани сари яна кучаяди. Буғланишнинг бир текис бориши мева омборларидаги ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигига боғлиқ. Мева ташиш ва сақлаш вақтида сувнинг буғланиши ҳисобига ҳамда бошқа ҳар турли омиллар таъсирида терлайди. Буғланишни тўхтатиш ва меваларни ҳўллигича сақлаш учун омбордаги намликни ошириш ва ҳароратни пасайтириш керак. Қути ўртасидаги ҳарорат одатда мева-сабзавот омбори иссиқлигидан юқори бўлади. Мевалар терлаганда тез бузилади, чунки уларни сиртидаги намлик микроорганизмлар спорасининг ўсишига имкон беради.

**Музлаш:** Янги узилган меванинг сақланишида ҳароратнинг пастлиги уларга салбий таъсир ўтказади.

Кичик идишлардаги мевалар катта идишлардаги қараганда тез музлайди, хужайралари сувсизланиб қалин оқсиллар ва плазманинг қайтарилмайдиган каогуляцияси натижасида музлатиш вақтида мевалар нобуд бўлади, механик шикастлар хужайраларнинг совуқдан нобуд бўлишини кучайтириб, тезлаштиради.

**Омборни мавсумга тайёрлаш:** Меваларнинг жойлаштиришдан олдин омбор чиқиндилардан тозаланган, шамоллатилган ва дезинфекцияланган, олтингугурт тутатилган, деворларига темир купоросининг 5 фоизли эритмаси пуркалган бўлиши керак. Мева қўйиш учун такгликлар билан жихозланиб, шамоллатиш қувурлари тайёрлаб қўйилади.

**Яшиқларни жойлаштириш.** Ҳосил асосан яшиқларда сақланганда 3-сонли мева қутиларда бир квадрат метрга 400 килограмм олма жойлаш тириш мумкин. Қутилар девордан 40 сантиметр узоқликда, 1,8-2 метрли асосий ўтиш жойи ва ҳар бир жуфт тах орасида 60-70 сантиметрли ёндан йўл қолдирилиб жойланади. Қутиларни тахлаб қўйиш усули жуда кўп: тўғри бурчакли, шахмат усули, иккитадан, учтадан, тўрттадан, бештадан тахланади. Меваларни сақлаш вақтида уларни ҳолатини мунтазам кузатиб бориш зарур, бунинг учун қутилар очилиб текширилади ва зарарланган мевалар сараланиб олиб ташланади.

**Меваларни реализация қилиш.** Меваларни омбордан чиқаришдан олдин улар сараланади, сўнгра 2-3 кунгача ҳарорати секин ошириб бориладиган девростанция камерасида сақланади. Бунда меваларнинг таъми яхшиланади, улар анча ҳушбўй бўлади. Агар девростанция камерасида сақланадиган маҳсулот тўғридан-тўғри советгич омборларидан ташқарига олиб чиқилса, меваларни ранги тезда қўнғир тусга киради ва бузила бошлайди.

**Интенсив олма меваларини сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги.** —Бунёдкор фермер хўжалигида етиштирилган интенсив олма навларини сақлашга жойлаштириб, сўнгра унинг иқтисодий самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, мавсумдан ташқари вақтларда интенсив олма нархи кўтарилиши сабабли уларни сақлаш

хам иқтисодий жихатдан рентабелли бўлиши мумкин. 2015 йилда —Бинёдкор фермер хўжалигида етиштирилган Голден Делишес интенсив олма нави меваларининг таннархи 850 сўм/кг ни ташкил этган.

Шархисабиз шахрида жойлашган замонавий совутиладиган омборларнинг тавсия этган нархларига кўра, 2015 йилда 1 кг мева маҳсулотларини сақлаш харажатлари 250 сўм/кг атрофида бўлган.

Агар олмани ноябр ойи бошларида сақлашга жойлаштириб, декабрда реализация қилинса, юртимиз бозорларидаги нарх-наволарга кўра олманинг ушбу ойда 2500 сўм/кг дан сотиш мумкин. Демак олмани 1 ой сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагича бўлиши мумкин

**Голден Делишес интенсив олма меваларининг 1 тонна миқдорини 1 ой сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги**

<b>Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари</b>	<b>Қиймати</b>
Харажатлар: Маҳсулотни сақлашга жойлаштиришдаги таннархи, сўм	728000
Олмани сақлаш харажатлари (ижара, 200 сўм/кг)	200000
Жами харажат, сўм	928000
Маҳсулотнинг реализация баҳоси, сўм/кг	2500
Ялпи даромад, сўм	2500000
Соф даромад, сўм	1572000
Олма мевасини сақлаш рентабеллиги, %	169.4

1-жадвал маълумотларидан таҳлил қилиб кўриш мумкинки, мавсумдан ташқари вақтга келиб интенсив олма мевасининг реализация баҳоси ортади, бу эса сақланаётган меваларнинг юқори баҳоларда сотилиши ва хўжаликка катта фойда олиш имкониятларини яратади.

Музлатгичларда интенсив олма 50-90 кун нок эса 200 кунгача сақланиши мумкин. Намликни кремнемем, мел, каолин ҳамда фаоллаштирилган кўмрдан фойдаланган ҳолда бошқариб бориш мумкин.

**UDK:631,1:631.6:633/635(575.1)**

**Qishloq xo'jaligida erishilgan yutuqlar va yuzaga kelayotgan muammolar yechimi**

**Ibodullayev.J.M-talaba, Axmatov.H.Q-talaba TIQXMMI  
SXTE va B fakulteti 102-guruh talabalari**

**Annotatsiya**

Yurtimizda qishloq xo'jaligini rivojlantirish va unda yuqori darajada rivojlangan texnologiyalardan foydalanishni joriy etish orqali yuqori darajada hosil olish borasida keng ko'lamli ishlar olib borilayotgani hech birimizga sir emas. Biz ushbu maqolamizda qishloq xo'jaligi sohasiga atroflicha o'rganib chiqdik. Sohadagi ba'zi yutuq va kamchiliklarni keltirib o'tdik.

Bu borada mamlakatimizda olib borilayotgan chuqur islohotlar davomida olimlar berayotgan tavsiyalar va yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyevning qishloq xo'jaligi xodimlari kuniga bag'ishlangan tantanali marosimda qilgan nutqidagi "Hozirgi kunda agrar sohada amalga oshirilayotgan islohotlar natijalarini tahlil qilish va kelgusi yil uchun eng muhim chora-tadbirlarni belgilab olish dolzarb vazifa hisoblanadi. Fermerlik harakatini rivojlantirish natijasida



mamlakatimizda keyingi yillarda 160 mingdan ortiq fermer xo'jaliklari shakllanib, ular bugungi kunda 10 dan ortiq yo'nalishlarda samarali faoliyat yuritmoqda. Eng quvonarlisi, 12 mingdan ziyod fermer xo'jaligi rahbarlarini 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar tashkil etsa, 6 mingdan ortiq fermer xo'jaligiga xotin-qizlarimiz rahbarlik qilmoqda. Ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklari oxirgi ikki yilda 45 foizga ko'payib, bugungi kunda ularning soni 75 mingtaga yetdi. Faqat shuning hisobidan joylarda, uzoq-uzoq qishloqlarda yuz minglab yangi ish o'rinlari barpo etildi. Olib borilgan iqtisodiy islohotlar, fermerlik harakatining rivojlanishi natijasida joriy yilda mamlakatimiz bo'yicha 8 million 377 ming tonna g'alla yetishtirildi. Sizlarning fidokorona mehnatingiz tufayli 2 million 930 tonnadan ziyod paxta hosili, 12 ming 450 tonna pilla, 318 ming tonna sholi, 23 million tonna meva-sabzavot, 13 million tonna go'sht va sut mahsulotlari olishga erishdik. Bu yil birinchi marta g'alladan bo'shagan qariyb 1 million gektar maydonga sabzavot, kartoshka, poliz va dukkakli ekinlar ekildi va 5,5 million tonnadan ortiq mahsulot yetishtirildi. Qishloq xo'jaligini diversifikatsiya qilish, yer-suv resurslaridan yanada oqilona foydalanish, eksportbop mahsulotlar yetishtirish orqali dehqonlarning daromadini oshirish borasida olib borayotgan tizimli ishlarimiz ham asta-sekin o'z samarasini bermoqda." deb ta'kidlab o'tgan so'zlari ham bu sohada qanchalik yutuqlarga erishganimizga dalil bo'ladi.[1]

2018 yilning yanvar-dekabr oylarida ishlab chiqarilgan dehqonchilik mahsulotlarining hajmi 102 495,1 mlrd. So'mni yoki 2017 yilning mos davriga nisbatan 95,3 % ni tashkil etdi. Ishlab chiqarilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlarining umumiy hajmida dehqonchilik mahsulotlarining ulushi 53,2 % ni tashkil qildi.

Ishlab chiqarilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlarining umumiy hajmida dehqonchilik mahsulotlarining ulushi 53,2 % ni tashkil qildi.[2]

2018 yilning yanvar-dekabr oylarida barcha toifadagi xo'jaliklarda 6 375,4 ming tonna (87,5 %) don ekinlari ishlab chiqarildi, 2 750,1 ming tonna (98,4 %) kartoshka kavlab olindi, 9 635,1 ming tonna (94,3 %) sabzavotlar, 1 904,9 ming tonna (93,8 %) oziqbop poliz, 2 589,7 ming tonna (99,0 %) mevalar va rezavorlar, 1 564,5 ming tonna (96,2 %) uzum yig'ib olindi [3]. Jami ishlab chiqarilgan don ekinlari tarkibi tahlil qilinganda don ekinlarining asosiy qismini yoki 86,1 foizini boshqoqli don ekinlari tashkil qilishi kuzatildi. Shuningdek jami don ekinlari tarkibining 5,9 foizi makkajo'xori, 3,5 foizi sholi, 3,4 foizi dukkakli don ekinlari va 1,1 foizi boshqa don ekinlari hissasiga to'g'ri keladi.[5]

Yurtimizda hosildorlikni oshirish borasida mahsulot yetishtirishda yangi aeroponika, gidroponika singari usullarning joriy qilinishi ham ahamiyatga molik. Qishloq xo'jaligi sohasini yanada rivojlantirish yo'lida olib borilayotgan yuqori sur'atlardagi sa'i harakatlarga tez-tez guvoh bo'lmoqdamiz [4]. Shu jumladan bunga quyidagilarni misol qilishimiz mumkin:

- Qishloq xo'jaligi va suv xo'jaligi vazirligining alohida vazirliklarga ajratilishi;
- Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirishda klaster usulidan foydalanishni joriy etilishi va bu usulga bosqichma-bosqich o'tish;
- Qishloq xo'jaligi sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va ulardan oqilona foydalanishga qaratilayotgan e'tibor;
- Yurtimizda shu sohada ish olib boruvchi mutaxassislar va chet el davlatlari mutaxassislarining o'zaro tajriba almashinishini yo'lga qo'yilishi;
- Samarqand viloyatida qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash ilmiy-tadqiqot institutini tashkil etish to'g'risidagi qaror;

Yuqorida keltirilgan misollar qishloq xo'jaligi rivoji yo'lida olib borilayotgan ishlarning bir qismi xolos. Bundan tashqari soha yuksalishi uchun hali amalga oshirilmagan ko'plab ishlar mavjud. Bu sohada erishilgan natijalarga qaramasdan hali yechimini kutayotgan muammolar talaygina. Jumladan:

- Mahsulot sifati va hosildorligini oshirishga bo'lgan harakatlarda sustkashlikga yo'l qo'yilayotganligi;
- Haqqoniy axborotni yig'ish, tahlil qilish va almashish mexanizmidagi yuklatilgan vazifalar samarasiz amalga oshirilayotgani;
- Qishloq xo'jaligi sohasida suvdan foydalanishda yo'l qo'yilayotgan kamchiliklar;

- Yetishtirilgan mahsulotlarning to'g'ri taqsimlanmasligi oqibatida hududlarda yuzaga kelayotgan narx beqarorligiga yetarlicha e'tibor qaratilmayotganligi;
- Innovatsion texnologiyalardan foydalanishda malakali kadrlar yetishmovchiligi;

Keltirilgan muammolarni ijobiy yo'l bilan hal qilish uchun quyida o'z takliflarimizni bildirib o'tmoqchimiz. Mahsulot hosildorligini oshirish uchun mas'ul idoralar tomonidan agrosanoat sohasidagi olimlarni jalb qilib, yangi mahsulot navlari yaratish, yangi hosil yetishtirish usullarini joriy etish ustida izlanishlar olib borishni tashkil etish va yer bonitirovkasi va holatiga qarab yerga ekiladigan mahsulot turini aniqlash bo'yicha ishchi guruh tashkillashtirish kerak. Birgina misol qilib yangi, aeroponika usulini oladigan bo'lsak, oddiy dala sharoitida pomidor yetishtirgan dehqon yiliga ikki marta hosil oladigan bo'lsa, aeroponika usulida hosilni yiliga 4 marta yig'ib olish mumkin. Bu jarayonlar ustida ishlar yaxshi tashkillashtirilsa, yurtimizda hosildorlik sezilarli darajada ortadi va bozorlarda yuzaga kelayotgan mahsulot tanqisligini oldini olishda yaxshi natija beradi deb o'ylaymiz. Qishloq xo'jaligi sohasida ma'lumotlar yig'ish va tahlil qilish ishlarida mutaxassis olimlar tayyorlash va amaliy natijalarga erishish borasida chet el davlatlari ilmiy institutlari bilan hamkorlikda ish olib borishni yo'lga qo'yish kerak. Barchamizga ma'lumki har qanday sohada axborot yig'ish va foydalanish muhim omil hisoblanadi va hamkorlik ishlari sohada belgilangan marraga erishishimizda olg'a tashlangan qadamlardan biri bo'ladi.

Ko'plab davlatlardagi singari yurtimizda ham suv resurslari tanqis hisoblanadi. Aynan shu muammo sababli qishloq xo'jaligi sohasida hosil sifatini talabga javob bermasligi va ko'zlangan natijaga erishishda qator qiyinchiliklarning tug'ilishi kabi kamchiliklar yuzaga kelsada, bu masalalarga hali hamon yetarlicha o'zgartirishlar va yechimlar kiritilmagan. Prezident Shavkat Mirziyoyev qishloq xo'jaligi xodimlari kunida qishloq xo'jaligi xodimlariga yo'llagan tabrigida suv resurslarini to'g'ri yo'naltirish va suvdan oqilona foydalanish maqsadida yurtimiz bo'ylab yettita suv ombori qurilishini ma'lum qildi. Bundan tashqari qishloq xo'jaligi vazirligi tomonidan hosilni tomchilatib sug'orish usuli joriy qilinmoqda. Bu usulga o'tish suvdan tejamkor foydalanishda qo'l kelmoqda. Yurtimizdagi har bir soha kabi qishloq xo'jaligi sohasida ham innovatsion texnologiyalar keng joriy etilmoqda. Lekin bu texnologiyalardan foydalanishda kadrlar yetishmovchiligi muammosi dolzarb hisoblanadi va buning yechimi sifatida yuqorida ta'kidlanganidek Samarqand viloyatida ilmiy instituti tashkil etilmoqda [6].

### **Xulosa**

Xulosa qilib shuni aytishimiz kerakki biz bu muammoni yechimi sifatida yangi texnologiyalardan foydalanish borasida o'quv qo'llanma ishlab chiqish va xo'jalik xodimlarining til bilish darajasini oshirishni taklif qilamiz. Chunki hozirgi davr talabiga mos mutahassis davlatimiz rivojlanishida katta ahamiyat kasb etadi. Davlatimiz rahbari ham har bir chiqishlarida yosh malakali kadrlar yurtimiz istiqboli uchun zarurligini juda ko'p ta'kidlaganlar. Birgina malakali xodim korxonaning istiqbolini yuksalishida, yuqori natijalarga erishishida sababchi bo'ladi. Korxonalar xodimlarini o'z ishiga qiziqishini mehrini oshirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish va korxonaning kasaba uyushmasi tomonidan salomatlik maskanlariga yuborishni amalga oshirish kerak. Xodimlarning amaliy malakasini oshirish uchun chet davlatlarga ajratilgan davlat grandlari sonini oshirish borasida ham ishlar olib borilsa maqsadga muvofiq bo'ladi deb o'ylaymiz.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlis Qonunchilik palatasiga qilgan murojatnomasi. 28.12.2018
2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5 ta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili" da amalga oshirishga oid Davlat dasturini o'rganish bo'yicha ilmiy – uslubiy risola
3. Murtazo Rahmatov "Klaster – integratsiya, innovatsiya va iqtisodiy o'sish".
4. Sh.M. Mirziyoyev "Tanqidiy tahlil qat'iy tartib – intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faolyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak" Toshkent: O'zbekiston, 2017

5. S.Ochilova, Sh.Ergasheva “Qishloq va suv xo'jaligi statistikasi”.  
6. Xabar.uz, Kun.uz, Ziyonet.uz, Stat.uz.  
Ilmiy rahbar: Shermuhamedov A.K. “Menejment” kafedراسи assistenti

## ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯДА МЕТРИК МАСАЛАЛАРНИНГ БЕРИЛИШНИ ДИЗАЙНЛИ ТАНЛАШГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

**Х.А. Пулатова - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
институту**

### Аннотация

Ушбу мақолада нуқта билан текислик ва айқаш тўғри чизиклар орасидаги масофани ҳамда икки ёкли бурчак қийматини аниқлаш каби метрик масалаларнинг берилишини рақобатлашувчи нуқталар усулидан фойдаланиб дизайн асосида оптимал танлаш методикаси баён қилинган.

### Аннотация

В статье изложена методика оптимального выбора задания метрических задач, таких как нахождение кратчайшего расстояния от точки до плоскости, и между скрещивающимися прямыми, способом конкурирующих точек на основе дизайнерских требований, чтобы решение задач получилось более наглядным, достоверным и не выходило за рамки чертежа.

### Abstract

Methods of the optimum choice of the task of the metric task is stated In this article such as finding of the most short distance between point and plane, and between lines of crossbreeding, by way of rival point on base design requirements that decision of the problems was got more demonstrative, reliable and was not beyond the scope of drawing

**Калит сўзлар:** Чизма геометрия, метрик масала, рақобатлашувчи, нуқта, текислик, масофа, бурчак, қиймат, икки ёкли бурчак, геометрик фигура, айқаш тўғри чизик

**Ключевые слова:** начертательная геометрия, метрическая задача, конкурирующий, точка, плоскость, расстояние, угол, величина, двугранный угол, геометрическая фигура, скрещивающиеся прямые

**Keywords:** descriptive geometry, metric problem, rival, point, plane, distance, corner, value, dihedral corner, geometric figure, lines of crossbreeding

**Маълумки, таълимнинг барча босқичларида ўқитиладиган фанлардан масалалар танлаш ва ечиш унинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ўқув жараёни масалалари аниқ вазиятда берилган маълум бир ҳаётий ёки ҳаёлий вазифалар бўлиб, мактаб, лицей ва ОТМларда ўқувчи ва талабалар учун таълим жараёнини ташкил қилиб, улар фақат масалаларни ечибгина қолмай, балки ўз салоҳиятларини, билим даражаларини ўстиришга эришадилар.**

Таълим тизимида ўқув вазифалари 2 таркибий қисмдан иборат<sup>51</sup>:

1. Вазифа предмети (шарти) ;
2. Вазифанинг талаб қилинган модели (жавоби);  
яъни вазифа “шарти ва ечими”.

Чизма геометрияда ўқув вазифаси шарти аниқ мавзуга оид берилган (метрик, позицион ёки аралаш) масала бўлиб, унинг ечими ўзлаштирилган билимлар асосида мақбул

<sup>51</sup> [www.e-reading.club](http://www.e-reading.club) Ткачева М. Педагогическая психология: конспект лекций. 3.7. Особенности учебных задач. Психологические требования к учебным задачам.

усулни тадбиқ қилиб, масала шартига кўра изланаётган геометрик фигура (нукта, тўғри чизик, текислик, текис ёки фазовий шакл) нинг ҳақиқий катталиги ёки геометрик ўрнини аниқлашдан иборат бўлади.

**Чизма геометрияда маъруза ва амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида масалаларнинг берилишини мантиқан ва услубан тўғри танлаш педагог-ўқитувчилардан катта назарий билим ва амалий маҳорат ҳамда катта тажриба талаб қилади. Чунки берилиши тўғри танланган масала ечимининг дизайнли, яъни кўринимли, ишонарли, ва тушунарли бўлиши талабаларнинг мавзуларга оид билимларни ўзлаштиришларида катта аҳамиятга эга.**

Агар масалаларнинг берилишида камчиликлар бўлса, кутилган натижа масалан, у метрик масала бўлса, изланаётган катталик, жуда кичкина, кўринимсиз ёки чизма кўламидан ташқарига чиқиб кетиш ҳоллари учрайди. Бу эса, биринчидан ёш педагог-ўқитувчиларни ноқулай аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлса, иккинчидан талабаларнинг бундай масалаларни ечишга қизиқишлари камайиб, мавзуларга оид билимларни ўзлаштиришлари сусаяди. Шунингдек, ўқитувчининг ўзи ҳам масала ечимидан кўнгли тўлмайди. Айниқса, бу муаммо эндигина иш бошлаган ва етарли тажрибага эга бўлмаган ёш педагог-ўқитувчилардан жуда катта масъулият талаб қилади.

Масалалар тўпламларини тузишда ва машғулотларда ечиладиган масалаларнинг берилишини мақбул танлашда уларнинг ечимларини кўринимли, ишонарли ва чизма кўламидан ташқарига чиқиб кетмаслиги ҳамда талабаларга ечиш жараёнини тушунарли бўлиши назарда тутилади. Шундагина талабаларнинг чизма геометрия мавзуларига оид билимларини мустаҳкамлашга ва оширишга эришиш мумкин.

Олиб борган изланишларимиз натижасида айрим масалаларнинг берилишини кўринимли ва ишонарли ҳамда ечими чизма доирасида аниқланадиган қилиб, яъни дизайн асосида танлашнинг усули – рақобатлашувчи геометрик фигуралар усули мавжудлигини, ва ҳатто, бу усулдан фойдаланиб, айрим масалаларни ҳам ечиш мумкинлигини аниқладик.

Айрим метрик масалаларнинг берилишини дизайн талаблари асосида рақобатлашувчи нукталардан фойдаланиб танлашни кўриб чиқамиз.

Чизма геометрия фанида бир номли проекциялари кўшилиб қолган геометрик фигураларга **рақобатлашувчи геометрик фигуралар** деб аталади. Яъни, битта проекцияловчи нурда, боғловчи чизикда ётувчи нукталар<sup>52</sup>, нукталари проекцион боғланишда бўлган тўғри чизиклар, икки текислик ва икки сиртлар рақобатлашувчи геометрик фигуралар бўлади.

Маълумки, амалиётда рақобатлашувчи нукталардан фойдаланиб, проекциялари устма-уст тушиб қолган геометрик фигураларнинг кўринар ва кўринмас қисмлари аниқланиб келинади.

Рақобатлашувчи нукталар орасидаги масофа уларнинг устма-уст ётмаган проекциялари орасидаги масофага тенг бўлади. Агар бу рақобатлашувчи нукталар орқали айрим метрик масалалардаги геометрик фигуралар ўтган бўлса, қуйидаги таъриф ўринли бўлади.

**Таъриф:** Икки геометрик фигуралар орасидаги қисқа масофа ёки бурчак уларнинг рақобатлашувчи нукталари орасидаги масофага мутаносиб – тўғри пропорционал бўлади.

Шу таърифга асосланиб, метрик масалаларнинг берилишини дизайн асосида тўғри танлаш учун берилган геометрик фигураларда ётувчи ва унга рақобатлашувчи нукталарни танлаб олиб, улар орасидаги масофани мумкин қадар каттароқ қилиб олинса, масалалар кўринимли ва тушунарли ечимга эга бўлади.


Шундай қилиб, рақобатлашувчи нукталардан фойдаланиб, икки геометрик фигуралар орасидаги масофани ва бурчакни топиш каби метрик масалаларнинг берилишини осонгина дизайн талаби асосида танлашга эришиш мумкин бўлади.

---

<sup>52</sup> Sh.Murodov, L.Xakimov, A.Xolmurzayev, M.Jumayev, A.To'xtayev. Chizma geometriya. Toshkent, Moliya-Iqtisod, 2006, 43-bet

1-расмда нукта билан текислик орасидаги қисқа масофани топиш масаласида нукта билан текисликнинг берилишини юқорида келтирилган усул асосида, яъни рақобатланувчи нукталардан фойдаланиб танлаш кўрсатилган. Чизмада текислик ABC учбурчак кўринишда, горизонтал ва фронтал чизиқлари OX ўқиға оғма бўлган ҳолда берилган. S нуктанинг вазиятини методик тўғри, яъни бу масаланинг ечими кўринимли ва ишонарли бўлишига қуйидагича эришилади:

1. S нуктадан текисликнинг горизонтал ёки фронтал чизиғига тушириладиган перпендикулярни қулайроқ ўтишини ҳисобга олган ҳолда, аввал унинг биринчи горизонтал ёки фронтал проекцияси ихтиёрий танлаб олинади. Чизмада S нуктанинг горизонтал S' проекцияси олинган (1- расм, а). Сўнгра танлаб олинган S нуктанинг проекцияси билан битта проекцияси устма-уст ётувчи текисликнинг T ( $S' \equiv T'$  ёки  $S'' \equiv T''$ ) нуктасининг проекциялари аниқланади. Яъни дизайн асосида вазияти изланаётган S нукта билан текисликнинг рақобатлашувчи нуктасининг проекциялари ясалади. Чизмада T ( $T', T''$ ) нукта текисликнинг (EF) тўғри чизиғида ётади.



2. Юқорида келтирилган таърифга асосан, S ва T нукталарнинг устма-уст ётмайдиган проекциялари орасидаги масофа таҳлил қилинади. Ҳамда уни иложи борича каттарок, камида 50-60 мм узоклиқда олиб, S нуктанинг иккинчи проекцияси аниқланади. Чизмада  $T' \equiv S'$  бўлганлиги учун S нуктанинг иккинчи проекциясини аниқлашда, уни T'' нуктадан мумкин қадар узокроқда, масалан S'' нуктада олинган. Натижада бундай масалаларнинг дизайн асосида берилишига осонгина эришилади.


Агар чизмада T ва S нукталар фронтал проекциялар текислиги V га нисбатан рақобатлашувчи бўлса, яъни  $T'' \equiv S''$  бўлса, S нуктанинг иккинчи проекциясини аниқлашда, уни T' нуктадан иложи борича узокроқда, масалан S' нуктада олинади (1- расм, б).

Текисликда ётувчи ва S нукта билан рақобатлашувчи T нуктанинг проекцияларини топишдаги яшашлар педагог-ўқитувчининг онгида фикран кечаётганлиги учун, график амаллар штрих чизиқлар билан кўрсатилган.


Бундай масалаларда берилган текислик учбурчак кўринишидан бошқа кўринишда ёки излари билан берилган бўлишидан қатъий назар, масалаларда, унинг дизайн асосида берилишига юқорида келтирилган икки амалли алгоритм асосида эришилади.

2-расмда S нукта билан излари орқали берилган P текислик орасидаги масофани аниқлаш масаласининг берилишини дизайн талаблари асосида танлаш кўрсатилган. Чизмада аввал S нуктанинг фронтал проекцияси S'' танлаб олинган. Сўнгра T ва S нукталар


V га нисбатан рақобатлашувчи, яъни  $T'' \equiv S''$  қилиб олинган, S нуктанинг горизонтал  $S'$  проекцияси  $T'$  нуктадан иложи борича узоқроқда олинган (2- расмда  $S'$  га қаранг).



2- расм



3- расм



4- расм

3- расмда a ва b учрашмас тўғри чизиқлар орасидаги қисқа масофани топиш масаласида уларнинг берилишини дизайн асосида танлаш кўрсатилган. Бунинг учун a ва b тўғри чизиқлар ҳар иккала проекциялари ихтиёрий қилиб ўтказилади. Масалани дизайн асосида берилишига рақобатлашувчи нукталардан фойдаланиб қуйидагича эришилади:

1. Фикран айқаш тўғри чизиқларнинг горизонтал ёки фронтал проекцияларини ўзаро кесишгунча давом эттириб, уларда ётувчи рақобатлашувчи нукталари аниқланади. Чизмада бундай нукталар K ва T нукталар бўлсин. Бу амаллар фикран бажарилганлиги учун барча график ясашлар штрих чизиқлар билан кўрсатилган.

2. Бу рақобатлашувчи нукталар орасидаги масофалар таҳлил қилинади. Агар T ва K нукталар орасидаги масофа 30-40 мм дан катта бўлса, масалани берилиши дизайн асосида танланган бўлади. Агар бу нукталар орасидаги масофа кичик бўлса, изланаётган масофа ҳам кичик ва масаланинг ечими кўринимсиз бўлади. Шунинг учун a ёки b тўғри чизиқнинг вазиятини ўзгартириб, E ва F ёки K ва T нукталар орасидаги масофани иложи борича катталаштирилади. Натижада, бундай масалаларнинг берилишини тўғри ва дизайн асосида танланишига эришилади.


Агар a ва b учрашмас тўғри чизиқлардан бирортаси проекцияловчи ёки уларнинг бирорта проекциялари ўзаро параллел бўлса, улар орасидаги масофа H га ёки V га ўзгармасдан тасвирланади (1). Бундай вазиятда учрайдиган айқаш тўғри чизиқларнинг берилишини дизайн асосида танлаш учун, уларда ётувчи рақобатлашувчи нукталар орасидаги масофа бу ҳолда ҳам мумкин қадар узоқроқда олинади. Шунингдек, бундай учрашмас тўғри чизиқларни нукта ва тўғри чизиқ ёки икки параллел тўғри чизиқ бўлиб тасвирланган проекциясида, улар орасидаги масофани иложи борича каттароқ олинади (4-расм).

5-расм, а) ва б) ларда икки ёқли бурчак қийматини аниқлаш масаласида унинг берилишини тўғри танлаш кўрсатилган.

Бундай масалаларнинг берилишини тўғри танлаш учун, яъни изланаётган бурчак катталиги кичик бўлмаслиги учун икки ёқли бурчак томонлари битта текисликда ётмаслиги керак. Акс ҳолда изланаётган бурчак катталиги 0 га тенг бўлиб қолади. Бунинг учун икки ёқли бурчакнинг биринчи горизонтал ёки фронтал проекцияси ва унинг исталган бир ён томонининг иккинчи проекцияси чизиб олинади. Чизмада унинг биринчи проекцияси - фронтал  $A''B''C''D''$  проекцияси ва унинг масалан, ABD ён томонининг горизонтал проекцияси ихтиёрий танлаб олинган бўлсин.

Рақобатлашувчи нукталардан фойдаланиб, бу масалани дизайн асосида берилишига қуйидагича эришилади:

1. Икки ёкли бурчакнинг ABC томонининг иккинчи горизонтал проекциясини яшаш учун, фикран унинг иккала проекцияси тасвирланган ABD томонининг текислигида, C нукта билан рақобатлашувчи T нуктасининг проекциялари ясалади: 5- расм, а) да  $C'' \equiv T''$  ва T нукта ABD текисликнинг B1 тўғри чизиғида ётган бўлсин. 5- расм, б) да эса  $T'' \equiv C''$  ва T нукта ABD текисликнинг D1 тўғри чизиғида ётган бўлсин.



2. Юқорида келтирилган таърифга асосан C нуктанинг горизонтал C' проекциясини T' нуктадан узоқроқда танлаб олинса, изланаётган бурчак катталиги ҳам каттароқ бўлади ва масаланинг ечими кўринимли бўлади. Шу асосда бундай масалаларнинг берилишини дизайн асосида танлашга эришилади.

Бунинг учун AC ва DB айқаш томонларида ётувчи рақобатлашувчи K ва T нукталарининг проекциялари ясалади,  $K'' \equiv T''$ . AC томонда ётувчи T нуктанинг горизонтал T' проекциясини K' нуктадан мумкин қадар узоқроқдан танлаб олиб, A'C' ўтказилади ва икки ёкли бурчакнинг ABC томонининг горизонтал проекцияси ясалади. Шу асосда бундай масалаларнинг берилишини дизайн асосида танлашга эришилади.

Агар чизмада ABCD икки ёкли бурчакнинг горизонтал проекцияси ва ABD томонининг фронтал проекцияси берилган бўлса, AC томонда ётувчи T нуктанинг фронтал T'' проекциясини K'' нуктадан иложи борича узоқроқдан танлаб олинади.

Агар икки ёкли бурчакнинг ён текисликлари кесишмаган бўлса ва улар излари билан берилган бўлса, бундай масалаларни берилишини тўғри танлашда текисликларни излари ўзаро параллел ва бирининг бир изи, агар у проекцияловчи бўлса, иккинчи текисликнинг бирор изига перпендикуляр бўлмаслиги керак. Акс ҳолда изланаётган бурчак тегишлича  $180^\circ$  га ёки  $90^\circ$  га тенг бўлади.

Шундай қилиб, юқоридаги баён қилинган рақобатлашувчи нукталар усулидан фойдаланиб, масалаларнинг берилишини дизайн талаблари асосида методик тўғри танлаш мумкин. Бу эса амалий машғулотларни ўтаётганда масала ечимининг кўринимли ва ишонarli чиқишини кафолатлайди.

### Адабиётлар

1. www.e-reading.club. Ткачева М. Педагогическая психология: конспект лекций. on-line учебник.
2. Murodov Sh., Hakimov L., Xolmurzayev A., Jumayev M., To'xtayev A. Chizma geometriya. Toshkent, Moliya-Iqtisod, 2006, 241 b.

3. Rixsiboyev T. Ashirboyev A., Xoshimova X. Chizma geometriya masalalarini tanlashning ba'zi usullari. TDPU, 2007, 1.3 b.t.

## **YURIDIK SHAXSLARDAN OLINADIGAN FOYDA SOLIG'I VA UNING KORXONALAR MOLIYA-XO'JALIK FAOLIYATIGA TA'SIRI**

**Sh.X. Nurov, B.B. Yo'ldoshboyev TIQXMMI talabalari**

### **Annotatsiya**

Yuridik shaxslarning to'laydigan soliqlar ichida ularning daromadi (foydasiga) soliq byudjet daromadlari tarkibida katta o'rin egallaydi. Bu soliq to'g'ri soliq bo'lganligi uchun xo'jalik subyektlarining to'g'ridan-to'g'ri moliyaviy ahvoli bilan bog'liq, unga ta'sir etadi. Shuning uchun bu soliq salmog'ini davlat yildan-yilga kamaytirish siyosatini olib bormoqda.

Yuridik shaxslarning daromad (foyda)siga soliq - bu korxonalar, birlashmalar va tashkilotlar daromadi (foydasiga)ning bir qismini byudjetga majburiy to'lov munosabatini bildiradi. Soliq kodeksi bo'yicha daromad (foyda)ga ega bo'lgan yuridik shaxslarga bu soliqni to'lovchilari bo'ladi. Ammo, jami daromad, ulardan chegirib tashlanadigan chiqimlar soliq kodeksiga kiritilgan bo'ladi, ularni aniqlashni esa Vazirlar Mahkamasi zimmasiga yuklatilgan. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi o'zining 1999-yil 5-fevral 54-son qarori bilan «Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish hisoboti» to'g'risidagi Nizomni qabul qilgan.<sup>53</sup> Jami daromad va soliqqa tortiladigan daromad ham shu nizom bilan belgilanadi. Daromad solig'ini to'lovchilari bo'lib moliya yilida soliqqa tortiladigan daromad (foyda)ga ega bo'lgan yuridik shaxslar hisoblanadi. Ammo hamma yuridik shaxslar ham bu soliqni to'layvermaydi. Kichik korxonalar, savdo tashkilotlari, gramplastinkalar ishlab chiqib sotuvchi tashkilotlar, yagona soliq to'lovchi chakana savdo korxonalari (kichik va mikrofirmalar), yagona yer solig'i to'lovchi qishloq xo'jalik tovari ishlab chiqaruvchilar bu soliqni to'lamaydilar. Ular o'zlari uchun ixchamlashtirilgan soliqni to'laydilar. Bulardan tashqari tadbirkorlik faoliyatining faqat alohida turlariga qat'iy stavkada soliq to'lovchilar ham bu soliqni to'lamaydilar. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, yuridik shaxslar daromadiga (foydasiga) soliq to'lovchilari bo'lishi uchun quyidagi shartlarga javob berishi kerak:

- Biror ruxsat etilgan faoliyatdan daromad(foyda) olishi
- O'zining mulkiga ega bo'lishi
- Mustaqil tugallangan buxgalteriya balansiga ega bo'lishi
- Bankda hisob raqamiga ega bo'lishi
- Identifikatsion raqamga ega bo'lishi
- Hokimiyatda ro'yxatdan o'tgan bo'lishi shart


Yuridik shaxslarning soliqqa tortiladigan daromadlarini aniqlash uchun yuqorida ko'rsatilgan Nizom bo'yicha ularning jami daromadlaridan jami xarajatlarini (chegirmalarini) chiqarib tashlab shu Nizomda belgilangan daromadga qayta qo'shiladigan xarajatlarni qo'shish yo'li bilan aniqlanadi

Yuridik shaxslarning daromad (foyda) solig'i bo'yicha soliqni to'liq, to'g'ri aniqlash (hisoblash) uchun ularning jami daromadlariga nimalar kirishini mukammal o'rganish zarur bo'ladi. Yuridik shaxslarning jami daromadi tarkibiga ular tomonidan olinishi lozim bo'lgan (olingan) ortilgan tovar, bajarilgan ish, ko'rsatilgan xizmat haqlari kabi pul va bepul (pulsiz)

<sup>53</sup> [https:// www.lex.uz](https://www.lex.uz)



qaytarmaslik sharti bilan olingan mablag`lar kiradi. Demak, olingan kreditlar jami daromadga kirmaydi. Jami daromadga quyidagilar kiradi:



Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish uchun jalb qilingan kreditlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi banklari tomonidan xorijiy moliya institutlariga to'lanadigan daromadlar soliqqa tortilmaydi. Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'ining summasini kamaytirish yoki yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'ini to'lashdan ozod qilish to'g'risidagi ariza O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organiga ilova xat va O'zbekiston Respublikasi norezidenti O'zbekiston Respublikasidagi manbadan daromad olayotgan kontraktning (shartnomaning) nusxasi bilan birga beriladi. Bunday ariza davlat soliq xizmati organiga O'zbekiston Respublikasi norezidentining vakolatli shaxsi tomonidan berilganda ishonchnoma taqdim etilib, mazkur vakolatli shaxs arizani shu ishonchnoma asosida taqdim etadi.

Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'ining summasini kamaytirish yoki yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'ini to'lashdan ozod qilish to'g'risidagi qaror O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi tomonidan ariza topshirilgan paytdan e'tiboran o'ttiz kun ichida qabul qilinadi. O'zbekiston Respublikasidagi manbalardan to'langan O'zbekiston Respublikasi norezidentlari daromadlaridan ushlab qolingani yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i byudjetga to'langan taqdirda, O'zbekiston Respublikasining mazkur norezidenti O'zbekiston Respublikasining tegishli xalqaro shartnomasi qoidalariga muvofiq Soliq kodeksining 38-moddasida belgilangan soliq majburiyatlari bo'yicha da'vo muddati ichida to'langan yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'ini byudjetdan qaytarish huquqiga ega. Bunda O'zbekiston Respublikasining norezidenti O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organlariga quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:<sup>54</sup>

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi tomonidan belgilangan shakldagi soliqni qaytarish uchun ariza;

2. Daromadni to'lash paytida O'zbekiston Respublikasining mazkur norezidenti O'zbekiston Respublikasi soliq solish masalalarini tartibga soluvchi xalqaro shartnomaga ega bo'lgan mamlakatda doimiy joylashgan joyiga (rezidentligiga) ega bo'lganligini tasdiqlovchi, tegishli chet davlatning vakolatli organi tomonidan berilgan rasmiy tasdiqnomaga;

3. O'zbekiston Respublikasining norezidentiga qaysi kontrakt yoki boshqa hujjatga muvofiq daromad to'langan bo'lsa, o'sha kontrakt yoki boshqa hujjatning nusxalari, shuningdek daromadning to'langanligini va qaytarilishi lozim bo'lgan, yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'ini ushlab qolingani va byudjetga o'tkazilganligini tasdiqlovchi to'lov hujjatlarining nusxalari.

Ortiqcha hisoblangan va to'langan soliqni qaytarish O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi tomonidan qaytarish to'g'risida chiqarilgan qaror asosida, ariza berilgan kundan

<sup>54</sup> T. S. Malikov, P.T. Jalilov "Byudjet - soliq siyosati", Toshkent. "Akademnashr". 2011

e'tiboran o'ttiz kun ichida Soliq kodeksining 57-moddasida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

So'nggi yillarda O'zbekistonda yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i stavkalariga ham qator o'zgartirishlar kiritildi. Bundan tashqari yuridik shaxslarni ortiqcha soliq yukidan ozod qilish maqsadida soliq turlari soddalashtirildi. Jumladan, Moliya vazirligi va Davlat Soliq Qo'mitasining qarori bilan soliq hisobotining shakllariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi.

Moliya vazirligi va Davlat Soliq Qo'mitasining qarori (2018-yil 20-avgustda 2439-6-son bilan ro'yxatdan o'tkazilgan) bilan soliq hisobotining shakllariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi.<sup>55</sup>

Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i bo'yicha barcha hisobot shakllaridan obodonlashtirish va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish solig'iga taalluqli ko'rsatkichlar chiqarib tashlandi. Eslatib o'tamiz, 2018-yil 1-yanvardan e'tiboran ushbu soliqlar bitta foyda solig'iga birlashtirilgan.

O'zbekiston Respublikasi prezidenti "Soliq va byudjet siyosatining 2019-yilga mo'ljallangan asosiy yo'nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qonunni imzoladi. Hujjat bilan O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi quyidagi mazmundagi 159-1-modda bilan to'ldirildi:

«159-1-modda. Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i stavkalari quyidagi miqdorlarda belgilanadi:

<b>№</b>	<b>To'lovchilar</b>	<b>Soliq solinadigan bazaga nisbatan soliq stavkalari, foizda</b>
<b>1</b>	Yuridik shaxslar	<b>12</b>
<b>2</b>	Tijorat banklari	<b>20</b>
<b>3</b>	Yuridik shaxslar: -sement ishlab chiqarishni amalga oshiruvchilar; -polietilen granulalar ishlab chiqarishni amalga oshiruvchilar; -asosiy faoliyat turi mobil aloqa xizmatlari ko'rsatishdan iborat bo'lganlar.	<b>20</b>

O'zbekiston Respublikasi rezidentlariga dividendlar va foizlar tarzida to'lanadigan daromadlarga 5 foizli stavka bo'yicha soliq solinadi»<sup>56</sup>.

Xulosa o'rnida shuni aytishim mumkinki so'nggi yillarda soliq tizimida qo'llanilayotgan yangiliklar yaqin kelajakda o'z samarasini berishi shubhasiz.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. T.S.Malikov, P.T.Jalilov "Byudjet - soliq siyosati", Toshkent. "Akademnashr". 2011
  2. Karimov I.A. Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada oshirishdir. – Toshkent: O'zbekiston, 2010.- 80b.
  3. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya: darslik. – Toshkent: Sharq, 2011.- 804b
  4. PF-4086 sonli 26.12.2018. O'zbekiston Respublikasining 2019-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozi va davlat byudjeti parametrlari hamda 2020-2021-yillarga byudjet mo'ljallari to'g'risida
  5. PF-5468 29.06.2018. O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi
  6. [https:// www.lex.uz](https://www.lex.uz)
  7. [https:// www.ziynet.uz](https://www.ziynet.uz)
- Ilmiy rahbar: Sh.Xadjimuxamedova

<sup>55</sup> [https:// www.norma.uz](https://www.norma.uz)

<sup>56</sup> <https://m.kun.uz >news>2018/12/25>

**Жураев Фарход Мамадиёрович  
Маматқобилов Шерали Нормўминович  
Ташкентский государственный аграрный университет**

**Аннотация**

В статье рассмотрены вопросы организации эффективного корпоративного управления в акционерных компаниях Узбекистана. В частности, обобщены возможные результаты внедрения современных методов корпоративного управления в развитие акционерных предприятий, а также приведены первоочередные меры государства, экономических ведомств и финансовых институтов, способствующие внедрению передового зарубежного опыта корпоративного управления в практику работы акционерных предприятий республики.

Ключевым звеном всей системы мер по созданию рынка в Узбекистане служит решение вопроса собственности, который является предпосылкой для формирования многоукладной экономики и создания конкурентной среды. В Узбекистане уже на первых порах экономических реформ в конституционном порядке отмечено равноправие всех форм собственности и поставлена задача ликвидации монополизма государственной собственности и реального формирования многоукладной экономики за счет приватизации этой собственности. В результате многие государственные предприятия претерпели значительную реформу и изменили свою организационно-правовую форму, преобразовавшись в акционерные общества открытого и закрытого типа и товарищества. Однако приватизация средних и крупных предприятий не дала ожидаемого повышения эффективности производственной деятельности предприятий из-за низкого уровня корпоративного управления.

Учитывая возрастающее значение корпоративного управления Правительством Республики Узбекистан принят ряд законодательных актов, предусматривающих полноценное внедрение корпоративного управления в акционерных обществах. К примеру, Указ Первого Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах» от 24 апреля 2015 года послужил поднятию этой работы на более высокий уровень. Документ направлен на создание благоприятных условий для широкого привлечения прямых иностранных инвестиций, коренное повышение эффективности деятельности акционерных обществ, обеспечение их открытости и привлекательности для потенциальных инвесторов, внедрение современных методов корпоративного управления, усиление роли акционеров в стратегическом управлении предприятиями.

Важную роль в широком внедрении современных методов корпоративного управления в акционерных обществах играют повышение квалификации и мастерства специалистов сферы, изучение и применение международной практики, создание условий для обмена опытом и подготовка профессиональных управленческих кадров. В целях совершенствования системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации руководящих кадров хозяйственных обществ, повышения эффективности управления предприятиями в условиях корпоративного управления на базе Высшей школы бизнеса при Кабинете Министров Республики Узбекистан создан Научно-образовательный центр корпоративного управления, в котором проводятся обучение и подготовка членов наблюдательных советов, членов исполнительных органов хозяйственных обществ, членов ревизионных комиссий, работников доверительных управляющих инвестиционными активами и государственных поверенных, специалистов государственных органов экономического регулирования, акционеров и собственников частных предприятий.

Развитие бизнеса немыслимо без капиталовложений. Инвесторы, естественно, не вкладывают средства в компанию без наличия надежной системы контроля и управления. Так как корпоративное управление является одним из важных факторов принятия инвестиционных решений, каждый инвестор стремится инвестировать в компанию с продуманной и проверенной системой корпоративного управления. Без улучшения навыков управления компаниями, ориентированными на получение прибыли, без усовершенствования системы защиты прав акционеров инвестирование из внешних источников останется для узбекских компаний проблематичным. Без улучшения корпоративного управления и параллельного усиления защиты прав акционеров и норм правоприменения развитие формирующегося фондового рынка Узбекистана также будет затруднено. Следовательно, внедрение современных методов корпоративного управления в развитие акционерных предприятий республики должно позволить:

- обеспечить формирование долгосрочных стратегий развития предприятий, нацеленных на высокие конечные экономические результаты предприятия;
- внедрить эффективные структуры управления, позволяющие обеспечивать единство прав и ответственности всех функциональных и структурных звеньев за конечные результаты работы АО;
Итак, применение информационных технологий на занятиях иностранного языка включает в себя различные видеоматериалы лингвострановедческого характера, тексты для аудирования, создание проектов, мультимедийных презентаций, использование электронных словарей, энциклопедий, справочников и т.п.

Видами информационных технологий на занятиях иностранного языка являются создание презентаций, проектов, сайтов, публикаций; разработка и создание дидактического материала; тестирование On-line; электронная библиотека; мультимедийные курсы, использование Интернет-ресурсов.

Итак, использование ИКТ на занятиях иностранного языка способствует формированию и совершенствованию обще-учебных умений и навыков студентов; расширению их языкового материала; проявлению самостоятельности в работе над учебным материалом; развитию творческого потенциала студентов, их познавательной активности; созданию увлекательного занятия.

### **Литература**

1. Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – ИКАР, 2009.
2. Ефременко В.А. Применение информационных технологий на уроках иностранного языка//ИЯШ. – 2007. – №8.
3. Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Академия, 2007.
4. Информационные технологии в образовании-2007. Сборник научных трудов участников VII научно-практической конференции-выставки 30–31 октября 2007г. – Ростов н/Д: Ростиздат, 2007.
5. Полат Е.С. Метод проектов на уроках иностранного языка//Иностранные языки в школе. – 2000. – № № 2, 3.

## **НЕСТАНДАРТНАЯ ЛЕКСИКА АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА**

**Кодирова Рано Тухтаевна ст. преп ТИИМСХ  
Умарова Феруза Нигматовна ст. преп. ТИИМСХ**

**Аннотация:** Статья посвящена исследованию нестандартной лексики английского языка с использованием примеров американского сленга, который составляет ее основную часть. Развитие языка и общества влечет за собой постоянное появление новых единиц как стандартной, так и нестандартной лексики. Знание данного пласта лексики необходимо для

лучшего понимания носителей английского языка, современной литературы и средств массовой информации.

Любой язык социален по своей природе и именно поэтому он не может существовать и развиваться вне общества. Язык, прежде всего, является средством общения между людьми, которые активно воздействуют на формирование его лексики. При этом нельзя забывать, что язык представляет собой знаковую систему со своими внутренними законами функционирования. В любом развитом языке одна и та же мысль может выражаться по-разному в зависимости от ситуации. Существуют слова нейтральные, которые являются - ядром языка и употребляются независимо от сферы коммуникации, и стилистически окрашенные слова, используемые в определенных ситуациях. Такие слова отмечаются в словарях как не литературные, которые мы также называем нестандартной лексикой.

Рассматривая нестандартную лексику, сначала остановимся на проблеме стиля. За основу принимается положение о существовании двух основных стилей: функционального и экспрессивного. Функциональный стиль, впервые предложенный лингвистами пражской школы, может быть определен как «совокупность языковых средств, используемых в определенной среде общения и с определенной целью. Вместе с тем, это и определенные закономерности отбора и группировки языковых средств, потенциально закрепленных за какой-либо сферой человеческой деятельности (деловой стиль, разговорный стиль, научный стиль и т.п.)» [1]. Подразделение «функциональных стилей в современной отечественной лингвистике чрезвычайно пестрое, многообразное. Как правило, большинство классификаций такого рода базируется, с одной стороны, на сферах применения стилей (т.е. на общественно-социальном признаке), а с другой – на дихотомическом делении «разговорный» - «письменный» [2].

Лингвисты до сих пор не могут определиться с единой классификацией функциональных стилей, стараясь привести более полный список всех специализированных средств выражения различных типов информации. Таким образом выделяют стили: научный, обиходно-бытовой, публицистический, художественно-беллетристический, разговорный, стиль корреспонденции, газетный стиль, поэтический, профессионально-технический, официально-деловой.

Обобщенное понимание функционального стиля дал В.В. Виноградов. «Стиль – это общественно-осознанная и функционально-обусловленная, внутренне объединенная совокупность приемов употребления, отбора и сочетания средств речевого общения в сфере того или иного общенародного, общенационального языка, соотносительная с другими такими же способами выражения, которые служат для иных целей, выполняют иные функции в речевой общественной практике данного народа [3].

Экспрессивный стиль выделяется на основе определенных эмоционально-ситуативных критериев и определяется как традиционная совокупность языковых средств, для экспрессивного уровня общения – нейтральный стиль, сниженный стиль [4].

Используются и другие термины. Так, в концепции Р.Г. Пиотровского находим высокие стили, охватывающие торжественно поэтический и научный обиход; средние стили, включающие литературно-повествовательный и литературно-разговорный стили; низкие стили – просторечные [4: 92]. Дж. Кенъон указывает на два уровня – стандартный и субстандартный и на две функциональные разновидности – формальная и неформальная [5]. Ю. Ханнерц говорит о высоком и низком или формальном и неформальном стилях [6]. В.Н. Ярцева пишет, что «стилевые вопросы тесно связаны с расчленением книжно-письменного и устно-разговорного типов речи» [7].

Итак, каждому пласту лексики приписываются определенные стилистические функции, которые фиксируются в лексикографических пособиях в виде функционально-стилистических помет. В данной работе речь идет о нестандартной лексике, которая традиционно подразделяется на «низкие» коллоквиализмы (просторечная лексика), общий

сленг, специальный сленг (жаргоны и арг), а также вульгаризмы. Но следует заметить, что до сих пор нет четких критериев распределения слов в ту или иную группу.

Коллоквиализмы находятся на границе между стандартной и нестандартной лексикой. Некоторые лингвисты относят их больше к нестандартному вокабулярии. Например, Э.Партридж в своем труде «Мир слов» характеризует коллоквиализмы ниже, чем стандартную лексику, но выше, чем сленг [8]. А авторы нового словаря Уэбсте рассчитают коллоквиализмы характеристикой разговорной речи и неделовой переписки и не рассматривают их как нестандартную или нелитературную лексику. Мы будем придерживаться мнения Э.Партриджа, что коллоквиализмы являются частью стандартного вокабуляра, а «низкие» коллоквиализмы входят в круг рассматриваемой нами проблемы нестандартной лексики.

Основную часть нестандартной лексики составляет сленг, то есть слова, которые могут использоваться в повседневной речи, но не входят в стандартную лексику. Хотя, В.А. Хомяков считает, что общий сленг входит в лексику литературного языка как общепринятое средство стилистически сниженной речи, несущей эмоционально-оценочную нагрузку [9]. А.Д.Швейцер, напротив, считает общий сленг одним из компонентов общенародного просторечия, находящегося за пределами литературного языка [10]. Жаргоном считается язык каких-то профессиональных групп, который доступен для понимания только им. К арг относятся слова, ограниченные употреблением какой-либо социальной или возрастной группой, особенно в криминальных кругах. Ученые до сих пор не могут прийти к единому мнению, относить ли жаргон и арг специальному сленгу или считать его отдельной группой нестандартной лексики. Из-за своего грубого и непристойного характера вульгаризмы однозначно относят к нестандартной лексике. Они несут в себе значение, которое определяется как табу с точки зрения стандартного английского. Являясь частью национального языка и отражая его нормы, нестандартная лексика формируется по его тенденциям и законам развития. Иногда эти слова заимствуются из других языков. Значительное количество таких слов возникает в результате различного рода переносов, метафорических и, реже, метонимических. Основным приемом пополнения словарного состава языка нестандартной лексикой является семантическая деривация, в результате которой происходит расширение смыслового объема слова литературного стандарта за счет появления в нем просторечных лексико-семантических вариантов. И следует заметить, что эта закономерность не носит случайного характера. Нестандартная лексика формируется преимущественно на базе корневых слов германского происхождения. Соответственно, источником возникновения этически сниженных слов, являющихся вторичными единицами номинации, служит в большинстве своем та же лексика литературного стандарта, использование которой в переносных, сниженных значениях, характеризует нестандартную лексику в целом [11]. Кратко рассматривая процессы словообразования в нестандартной лексической системе, в данной работе мы будем приводить примеры из американского сленга.

Аффиксация – один из наиболее продуктивных способов словообразования в современном английском языке, где встречается большое количество аффиксов как исконных, так и заимствованных. Аффиксы включают в себя префиксы, суффиксы и инфиксы. При образовании нестандартной лексики, в том числе и сленгизмов, используются те же аффиксы, что и в нейтральной лексике, но в сленге они приобретают более широкий спектр значений. Самым распространенным суффиксом, который передает культурную информацию и выражает значение активно действующего лица, является *-er*. Например, *greener-* новичок или неопытный рабочий (*green-* зеленый, незрелый); *juicer-* алкоголик (*juice-* сок, выпивка);  *jumper-* вор, который проникает в дом через окно (*jump-* прыгать); *penciller-* журналист (*pencil-* карандаш). Таких слов в американском сленге насчитываются сотни. Для образования существительных достаточно широко используется суффикс *-ie*, передающий в сленге оттенок фамильярности, иногда презрения или

пренебрежения: *drunkie*– пьяница, алкаш; *baddie*– злодей, плохой дядя; *goodie*– хороший человек.

В единицах американского сленга используется отрицательный префикс *no*– который передает очевидную нехватку, недостаток того, о чем идет речь в основе слова. Такие единицы, как правило, пишутся через дефис: *no-hoper*– неудачник, бесполезный человек (*hope*– надеяться); *no-name*– незначительный человек (*name*– имя); *no-show*– неявившийся (*show*– показывать).

Еще одним словообразовательным элементом является *-aholic*, выделенный из *alcoholic* затем получивший распространение в общем американском сленге. Например: *workaholic*– трудоголик (*work*–работать); *NewYorkaholic* (*NewYork*– город Нью Йорк); *coffeaholic*– очень любящий кофе (*coffee*– кофе); *foodaholic* – обжора (*food*– еда).

В английском языке существует такое понятие, как полуаффиксы, которые также используются для образования сленговых единиц, например: *proof*, *-man*, *-land*, *-like*, *-hood*, *-head* и прочие. Это такие аффиксы, которые содержат в себе черты суффикса, с одной стороны, и могут являться отдельным словом, с другой. Например, *freshman* – начинающий наркоман (*fresh* – свежий); *jellyhead*– дурак, глупец (*jelly*– желе); *hayhead*– человек, курящий марихуану (*hay*– сено); *homeland*– черный квартал (*home*– дом); *knifeman*– хирург (*knife*– нож).

Словосложение так же, как и аффиксация, по своим структурно-морфологическим характеристикам строится на базе норм литературного стандарта. Чаще всего это происходит путем сложения двух субстантивных основ, например, *nutball*– идиот (*nut*– орех, *ball*– мяч); *nutbox*– психиатрическая клиника (*box*– ящик, коробка); *pigpen*– полицейский участок (*pig*– свинья, *pen* – загон для скота).

Аббревиация (сокращения) является очень характерным приемом для образования сленгизмов: *mon* (*money*– деньги), *biz* (*business*– дело, бизнес), *fess* (*professor*– профессор), *tec* (*detective*– детектив). Т.М. Беляева и В.А. Хомяков выделяют четыре способа усечений, когда может усекается начало, конец, середина или начало и конец слова [12].

Редупликация является одним из древнейших способов словообразования, при котором новые слова образуются путем удвоения основы слова, которая при этом может оставаться в своем первоначальном виде (*bye-bye*), либо меняться. Например: *jaw-jaw*–беседа, болтовня (*jaw*– челюсть). Чаще всего слова, образованные путем редупликации, встречаются именно в сленге. Такие единицы потом могут переходить в литературный стандарт, например, английское *tip-top*(отличный, первоклассный) или *hocus-pocus* (фокус-покус, мошенничество). В языке такие слова могут храниться веками.

Исходя из вышесказанного, можно сделать вывод, что изучение только стандартной лексики любого языка не даст нам полного представления о самом языке и о духе народа на нем говорящего. Знание нестандартной лексики, а в особенности американского сленга, необходимо для успешного понимания современной художественной литературы, вещания радио и телевидения, также для переводческой деятельности и простого общения с людьми, говорящими на данном языке.

### Библиография:

1. Семенюк Н.Н. Из истории функционально-стилистических дифференциаций немецкого литературного языка. М., 1972. 215 с.
2. Русский язык в современном мире / отв. ред. Ф.П. Филин. М., 1975. 301 с.
3. Виноградов В.В. Итоги обсуждения вопросов стилистик // Вопросы языкознания. 1955. № 1.
4. Пиотровский Р.Г. Сосуществующие фонетические системы и стилистические корреляции в молдавском языке // Проблемы структурной лингвистики. 1962. № 1.
5. Kenyon J.S. Cultural Levels and Functional Varieties of English // Readings in Applied English Linguistics. N. Y., 1958. P. 215-220.

6. Hannerz U. Language. Variations and Social Relationships // Studia Linguistica. 1970. Vol. 24, N 2.
7. Ярцева В.Н. Развитие национального литературного английского языка. М., 1969. 310 с.
8. Partridge E. The world of words London, 1938.
9. Хомяков В.А. Нестандартная лексика в структуре английского языка национального периода: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. Л., 1980. 39 с.
10. Швейцер А.Д. Социальная дифференциация английского языка в США. М., 1983. 216 с.
11. Беляева Т.М., Хомяков В.А. Нестандартная лексика английского языка. Л.: Изд-во ЛГУ, 1985. 136 с.

## **O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGIDA MEHNAT RESURSLARI VA KADRLAR MASALASI**

### **B.B.Yo'ldoshboyev TIQXMMI talabasi**

**Annotatsiya:** Bugungi sharoitda qishloq mehnat bozorini rivojlantirish uchun avvalo ishchi kuchi sifatini oshirish dolzarb muammodir. Respublikamizning mintaqaviy, ijtimoiy-iqtisodiy siyosati va uning tub maqsadi ham aholi bandligi, mehnat bozorini to'g'ri shakllantirish, ishsizlik ko'rsatkichini kamaytirish orqali ularning farovon yashashiga erishishiga qaratilgan. Ma'lumki, mustaqillik yillarida bu sohada qator tashkiliy va amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. Bu tadbirlardan samarali natijalarga erishish ko'p jihatdan mintaqalarning ichki xususiyatlariga bog'liq. Ushbu maqolamda O'zbekiston qishloq xo'jaligidagi mehnat resurslarini mohiyatini va bu sohadagi so'nggi yillardagi uni rivojlantirishga qaratilgan qator tadbirlarni ochib berishga harakat qildim.

Mamlakatimizning qishloq xo'jalik mahsulotlariga bo'lgan barcha talablarini qondirishda jonli va buyumlashgan mehnatning ahamiyati ulkan. Chunki u qiymatni yaratadi, qolaversa, insonning ongli-maqсадga yo'naltirilgan faoliyatidir. U bilan mehnat predmetlari hamda vositalari uyg'unlashgan holda ish jarayoni amalga oshiriladi. Bu jarayonning mahsuli qiymat hisoblanadi. Demak, talabni qondira olish qobiliyatiga ega bo'lgan mahsulotlarni yetishtirish, xizmatlarni bajarish insonning jonli faoliyati (mehnati) bilan mehnat predmetlari va vositalarining maqsadga muvofiq bog'lanishiga bog'liq. Aholining ish bilan bandligi, mehnat bozori shakllanishining mintaqaviy xususiyatlarini tadqiqi hamda tahlil qilish orqali hududlarni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish mumkin bo'ladi. Shu bilan birga tadbirkorlikni rivojlantirish, faoliyat erkinligini ta'minlash, tadbirkorlik subyektlari faoliyatiga ortiqcha aralashuvlarni qisqartirish, hisobot topshirish tizimi hamda davlat ro'yxatidan o'tkazish mexanizmini soddalashtirish, soliq yukini kamaytirish bo'yicha joriy 2019-yilda bir qancha qaror va Farmonlar qabul qilindi. Fermer xo'jaliklarida a'zolar va yollanma ishchilarning mehnat qilishi O'zbekiston Respublikasining "Mehnat kodeksi", "Fuqarolik kodeksi" va "Fermer xo'jaliklari to'g'risida"gi Qonun asosida tartibga solinadi[1].

Demak, inson o'z faoliyatini ularning barchasini oqilona, uddaburonlik bilan samarali ishga solishga qaratishi kerak. Shunday mehnat iqtisodiy kategoriya hisoblanadi. Uning tabiati ishlab chiqarish munosabatlari bilan belgilanadi. Qishloq xo'jaligida mehnat tarmoqning xususiyatlaridan kelib chiqqan holda quyidagi xususiyatlarga yega:

- mehnat va uning samarasi tabiiy sharoit bilan bog'liqligi;
- mehnatdan foydalanishga ishlab chiqarish mavsumiyligining ta'sir qilishi;
- qishloq xo'jaligidagi mehnatning o'simliklar hamda tirik mavjudotlar (hayvonlar, o'simliklar) bilan uzviy bog'langanligi;
- qishloqdagi mehnat saviyasi va bilim darajasining nisbatan pastligi;
- o'simchilik va chorvachilik tarmoqlarida ishlab chiqarish jarayonlarining avtomatlashtirilganlik va mexanizasiyalashtirilganlik hamda elektrlashtirilganlik darajasi pastligi;

- tarmoqda tor doiradagi ixtisoslashishning kamligi;
- qishloq xo'jaligida sarflanayotgan mehnat tarkibida ayollar va yoshlar mehnati salmog'i (hissasi)ning ko'pligi;
- qishloq xo'jaligida mehnatga to'lanayotgan haq va uning ijtimoiy himoyalanihi boshqa tarmoqlardagiga nisbatan pastligi va boshqalar.

Ta'kidlangan xususiyatlar tarmoqda sarflanadigan mehnatning miqdoriga, sifatiga va samarasiga bevosita ta'sir yetadi. Kadrlar salohiyati esa ushbu sohada muhim masalalardan biridir. Zero, so'nggi yillarda bu sohada qator kamchiliklar ko'zga tashlanmoqda. Bular albatta qishloq xo'jaligi sohasining yosh kadrlarni o'ziga jalb qila olmasligida desak mubolag'a bo'lmaydi. Ularning malakasi esa albatta ushbu sohani rivojlantirish uchun sarflanmog'i kerak. Lekin bugungi kunda kadrlar tayyorlashda qator muammolar mavjud. Bular albatta ularni oliy ta'lim muassasalarida o'qitishdagi kamchiliklarga bog'liq. So'nggi yillarda yurtimizda qishloq xo'jaligiga kadrlar tayyorlash va ular malakasini oshirish davlat ahamiyati darajasiga ko'tarildi. 2019 - yil 4 - aprel kuni Milliy matbuot markazida «Agrar soha uchun mutaxassislar tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar» mavzusida matbuot anjumani bo'lib o'tdi. Ushbu anjumanda kadrlar masalasiga alohida e'tibor berildi. Jumladan, O'zbekistonda bugungi kunda qishloq xo'jaligi sohasiga Toshkent davlat agrar universitetida va uning Andijon, Nukus va Termiz filiallarida mutaxassis kadrlar yetkazib berilayotgani, mazkur ta'lim muassasalarida mamlakatimiz agrar tarmoqlariga 29 ta bakalavriat ta'lim yo'nalishlari va 23 ta magistratura mutaxassisliklari bo'yicha kadrlar tayyorlanilayotgani, mazkur oliy ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan qariyb 13000 nafar, jumladan 12534 nafar bakalavriat, 298 nafar magistratura talabalariga 1066 nafar professor-o'qituvchilar, jumladan, 104 nafar fan doktorlari, 401 nafar fan nomzodlari, dotsentlar ta'lim berayotgani, ilmiy salohiyat 47,3 foizni tashkil etishi, qishloq xo'jaligi oliy ta'lim muassasalari xorijning 50 dan ortiq nufuzli oliy ta'lim muassasalari bilan hamkorlik aloqalarini o'rnatishganligi, 8 ta xorijiy universitet bilan qo'shma ta'lim dasturlari tashkil etilib, ikki tomonlama tan olinadigan diplomlar berish tartibi joriy etilganligi alohida ta'kidlab o'tildi[2]. Bundan tashqari, muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2017-yil 10-dekabrda qishloq xo'jaligi xodimlari anjumanida so'zlagan nutqida qishloq xo'jaligidagi kadrlar masalasiga alohida e'tibor berib o'tdi. Unda qishloq xo'jaligini rivojlantirishda ilm-fan hayot talablaridan orqada qolayotgani jiddiy muammolardan biri ekanligi, qishloq va suv xo'jaligi vazirligiga qarashli ilmiy-tadqiqot institutlarining agrar fan va seleksiyani rivojlantirish, ilg'or agrotexnologiyalarni ishlab chiqarish va amaliyotga joriy etish, har bir hududda tuproq va iqlim sharoitiga mos ekin navlarini yaratish va joylashtirish borasidagi o'rni va rolini keskin oshirish lozimligini qayd etdi. Ilmiy muassasalarning moddiy-texnik bazasi zamonaviy tadqiqotlarni amalga oshirish imkonini bermasligi va zamonaviy ilm-fan yutuqlarini puxta o'zlashtirgan kadrlar yetishmasligi masalalariga alohida urg'u berib o'tdi[3].

Qishloq hududlarida mavjud bo'lgan mehnat resurslaridan to'liq va samarali foydalanish, ularning mehnatlari unumdorligini yuksaltirish hamda ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan himoyalash yeng dolzarb muammo hisoblanadi. Bu muammo muvaffaqiyatli hal etilishi uchun quyidagi masalalar aniqlanib, ularning yechimini ta'minlashga qaratilishi lozim:

- qishloq hududlarida mavjud bo'lgan mehnat resurslarining umumiy miqdorini, istiqbolda ularning o'zgarish (ko'payish, kamayishi) darajasini aniqlash;
- qishloq hududlaridagi barcha tadbirkorlik shakllarida qisqa va uzoq muddatga bo'sh bo'lgan ish joylari miqdorini mutaxassislik turlari bo'yicha belgilash;
- qisqa va uzoq muddatga bo'sh bo'lgan ish joylarini ishlovchilar bilan ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlarni asoslangan holda ishlab chiqish (kadrlar malakasini oshirish, ularni qayta tayyorlash);
- amalga oshirilishi lozim bo'lgan hamma tadbirlarni, barcha resurslar bilan ta'minlovchi ishlarni amalga oshirish;
- ish bilan ta'minlanmaganlarning umumiy miqdorini aniqlash, ularni iqtisodiy, ijtimoiy himoyalash bo'yicha me'yoriy tadbirlarni ishlab chiqish, ularni amalga oshirish va boshqalar.

Ta'kidlangan muammolarning samarali hal etilishi mehnat qilish qobiliyatiga ega bo'lganlar bilan mehnat jarayonini tashkil etuvchi sub'yektlar hamda iqtisodiy, ijtimoiy himoyalashni amalga oshiruvchi tashkilotlar o'rtasida iqtisodiy munosabatlar amalga oshirilishini taqozo yetadi. Bu masalalarni hal etish, mehnat bozori zimmasiga yuklanmoqda. Mehnat bozori, mehnat birjasining huquqiy asoslari yaratilmoqda. Ular o'z faoliyatlarini «Mehnat kodeksi», «Aholini ish bilan ta'minlash to'g'risida»gi hamda «Birjalar to'g'risida»gi qonunlar asosida yuritmoqdalar[4].

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tishim mumkinki, qishloq xo'jaligi O'zbekiston iqtisodiyotining asosiy tayanchi hisoblanadi. Sohani rivojlantirish esa undagi ishchi va yangi kadrlar salohiyatiga bog'liqdir. Chunki, bugungi har sohada intellektual kurashlar ketayotgan davrda qishloq xo'jaligini zamon talabiga mos rivojlantirish, sohadagi mutaxassislar malakasini muntazam oshirib borish hukumatimiz oldidagi muhim vazifalardandir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Samatov G'.A., Rustamova I.B., Sheripbayeva U.A. "Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti",- T.: Cho'lpon. 2012
  2. <https://www.uuoidata.org/course/Lecture-6>
  3. <https://www.kun.uz>
  4. <https://www.gazeta.uz>
- Ilmiy rahbar: G'.Do'stmurodov

### **INNOVATSION RIVOJLANISH ORQALI IQTISODIY FAROVONLIK SARI**

#### **S.A.Jiyanqulov, talaba TIQXMMI**

**Annotatsiya:** Mamlakatda intellektual va texnologik salohiyatni oshirish mamlakat iqtisodiyotini yuksaltirish, aholi farovonligini ta'minlash, mamlakatning jahon sahnasidagi o'rni va obro' - e'tiborini oshirishda asosiy omillardan biridir. Intellektual va texnologik salohiyatni oshirish uchun esa, innovatsiyalarni rivojlantirish, korxonalarda innovatsion faoliyat bilan faol shug'ullanishni rag'batlantirish, ilmiy tadqiqot markazlari faoliyatini qo'llab quvvatlash va boshqa shunga o'xshash yo'nalishlar bilan chambarchas bo'g'liqdir. Bu o'z navbatida iqtisodiyotning ustuvor soha va tarmoqlarini innovatsion rivojlantirishning yangi modellarini shakllantirish imkonini beradi. Shu maqsadda, barcha mamlakatlar o'z milliy innovatsiya tizimini yaratishga katta e'tibor qaratishadi.

Haqiqatdan ham, milliy innovatsiya tizimi ilm-fan, sanoat va jamiyat o'rtasida shunday uzviy munosabatlar tizimini shakllantiradiki, unda innovatsiyalar iqtisodiyotni rivojlantirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi, innovatsion taraqqiyot ehtiyojlari esa ilmiy faoliyat ravnaqini belgilab beradi va rag'batlantiradi. Shu bois barcha mamlakatlar milliy innovatsiya tizimiga tayangan holda milliy raqobatbardoshlikning yuqori darajasiga erishish va saqlab turish siyosatini olib borishadi.

O'zbekiston 2030 - yilga borib, dunyodagi 50 ta innovatsion rivojlangan mamlakatlar qatoridan o'rin olishni rejalashtirmoqda. Mamlakatning xalqaro maydondagi raqobatbardoshligi darajasini va innovatsion jihatdan taraqqiy etganini belgilovchi omil sifatida inson kapitalini rivojlantirish 2019 – 2021 - yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasining bosh maqsadidir[1].

E'tiboringizni dastur natijalarini baholashga innovatsion yondashuvga qaratmoqchiman. Ilgari bunday edi: biz o'zimizni o'zimiz maqtardik, lekin tashqarida hech kim bunga jiddiy munosabatda bo'lmadi. Xatolarni tan olishga to'g'ri kelmasligi uchun biz turli xalqaro tadqiqot va reytinglarda ishtirok etishdan chetlashdik. Ilm-fan va innovatsiya rivojlangan, yutuqlar bo'lgan. Biroq natijalar xalqaro ma'lumotlar bazasi va Global innovatsion indeks reytingiga taqdim etilmagan.



Agar vaziyatga ochiqchasiga qaraydigan bo'lsak, bunday yondashuv ilg'or rivojlanishga turtki bermagan, aksincha, bizni ortga tortgan. Endi bari boshqacha, maksimal darajada ob'ektiv bo'ladi. Taraqqiyot 81 ko'rsatkich bo'yicha baholanadi, ular xalqaro tashkilotlar reyting va tadqiqotlarida aks etadi. 34 ko'rsatkich bo'yicha strategiyani amalga oshirish davomida mamlakat o'z holatini sezilarli darajada yaxshilashni rejalashtirmoqda, 47 ko'rsatkich bo'yicha yutuqlarni baholash esa umuman birinchi marta o'tkaziladi. Baholash davlat qurilishi, inson kapitali va tadqiqotchilik faoliyati, infratuzilma, bozorlar, biznes, ilm-fan va texnologiyalar, ijodiy natijalar bo'yicha amalga oshiriladi[2]. Bu yo'lda nimalar qilish kerak bo'ladi?

O'zbekiston dolzarb muammolarni hal qilishga yo'naltirilgan bir necha tadbirlar kompleksini amalga oshirishi zarur.

Birinchi navbatda, biz barcha darajalarda ta'lim sifati va qamrovini oshirish, uzluksiz ta'lim tizimini rivojlantirish va iqtisodiyot talablaridan kelib chiqqan holda kadrlarni tayyorlash tizimi moslashuvchanligini ta'minlashimiz kerak.

Ikkinchidan, ilmiy-tadqiqot, tajribaviy-konstruktiv va texnologik ishlar natijalarini keng targ'ib qilish uchun ilmiy tadqiqotlar hamda ishlanmalarining salohiyati va samaradorligini mustahkamlash, ta'lim, ilm-fan va tadbirkorlik integratsiyasi amaliy mexanizmlarini yaratishimiz zarur.

Uchinchidan, biz innovatsiyalarga davlat va xususiy mablag' vositalarini kiritish darajasini oshirishga erishishimiz, moliyalashtirishning zamonaviy va samarali usullarini targ'ib qilishimiz kerak.

To'rtinchidan, davlat organlari faoliyati samaradorligini oshirishga boshqaruvning zamonaviy usullari va jihozlarini joriy qilish yo'li orqali erishish.

Beshinchidan, biznesni targ'ib qilish, davlat-xususiy sektor hamkorligi rivoji uchun shaxsiy huquqlar himoyasini ta'minlash tizimini takomillashtirish, raqobatbardosh bozorlar va teng shart-sharoitlar yaratish zarur.

Va nihoyat, barqaror faoliyat yurituvchi ijtimoiy-iqtisodiy infratuzilma yaratish ustida ish olib borishimiz kerak bo'ladi.

Ta'lim tizimi qanday o'zgaradi? Ta'lim muassasalaridagi o'qitish sifatini yaxshilash uchun o'quv-tabiiy jarayonga yangi ta'lim dasturlari va smart-texnologiyalarni tatbiq qilish kerak. Ta'lim sifatini oshirish uchun so'zda emas, amalda elektron modullar va masofaviy ta'lim salohiyatidan foydalanishimiz kerak bo'ladi. Bunga javoban esa bizga ta'lim sifatini obektiv baholash kerak bo'ladi. Shuning uchun ta'lim sifatini baholash milliy tizimini ishlab chiqish va tatbiq qilish hamda uning mamlakat innovatsion rivoji darajasiga ta'sirini o'rganish zarur.

Professional ta'lim yanada hamyonbop bo'lishi kerak. Kasbga ega bo'lish istagidagi inson qandaydir yoshga doir yoki boshqa cheklovlar bilan kamsitilishi kerak emas, zero bu uning professional bilimlarga bo'lgan qiziqishini cheklaydi. Kollejlar mehnat bozorining tez o'zgarayotgan tendensiyalarini hisobga olgan holda yoshlarni qisqa ta'lim dasturlari bo'yicha professional qayta tayyorlash bilan shug'ullanadi.

Oliy ta'lim muassasalari (OTM)da sekin-asta qabul kvotalari bekor qilinmoqda, ular o'z imkoniyatlaridan kelib chiqib, qabul qilinuvchi talabalar sonini belgilaydi. Abituriyentlar bir vaqtning o'zida bir necha oliygohga kirish imkonini qo'lga kiritishadi, bu ularning oliy ta'lim olish imkonini oshiradi. OTMlar soni ko'payadi, yangilarini ishga tushirishda xorijning yetakchi oliy ta'lim muassasalari bilan hamkorlik salohiyatidan faol foydalaniladi. Oliy ta'lim sifatiga alohida e'tibor qaratiladi. Yetakchi OTMlarda farsayt-markazlari paydo bo'ladi. Ular soha va mintaqaviy iqtisodiyot ssenariylari bo'yicha takliflar ishlab chiqish maqsadida innovatsion faoliyat rivojini prognozlash bilan shug'ullanadi. Ichki va tashqi muhitni ilmiy-texnologik prognozlar bilan ta'minlash, texnologik va innovatsion muhitni hamda oliy ta'lim muassasasi ustuvor innovatsion yo'nalishlarini rivojlantirish ham ularning vazifasiga kiradi.

Sog'liq darajasi qanday bo'lishiga qaramay, barcha birdek ta'lim olish imkoniga ega bo'lishi zarur, ya'ni inklyuziv ta'limni ham rivojlantirishga ham e'tibor qaratish lozim.

Ilm-fanni moliyalashtirish ko'rsatkichlarini sezilarli darajada oshirish ko'zda tutilgan, ya'ni u YaIMning 0,8 foizigacha yetkaziladi. 2021 - yilga borib O'zbekiston shunday ko'rsatkichga

erishishi kutilmoqda. Ilmiy tadqiqotlarni moliyalashtirish tizimi rivojlantiriladi. Bizda innovatsion jamg'armalar, innovatsion banklar, venchur fondlar paydo bo'ladi. Mamlakatning innovatsion rivojlanishini rag'batlantirish uchun bank kreditini olish jarayonlari va talablari soddalashtiriladi. Innovatsion rivojlanishni mikromoliyalashtirish tizimini takomillashtirish rejalashtirilmoqda[3].

Ilmiy-texnologik taraqqiyotning ustuvor jihatlarini belgilash va moliyalashtirishda xususiy sektor ishtiroki rag'batlantiriladi. Muntazam ravishda yangilanib turuvchi innovatsion loyihalar va salohiyatli investorlarning yagona ma'lumotlar bazasi yaratiladi.

Innovatsion infratuzilmani rivojlantirish, olimlar o'z salohiyatini oshira olishi uchun sharoitlar yaratishga katta e'tibor qaratiladi. Zamonaviy ilmiy asbob-uskunalar xarid qilinadi. Noyob ilmiy-texnik uskunalar jamoaviy foydalanish markazlari ishga tushiriladi, ular eng ilg'or qurilmalar bilan ta'minlanadi.

Ilmiy-texnik ma'lumotlar davlat tizimini yaratishga qaror qilindi, u respublika, sohalar, mintaqa darajasidagi ilmiy-texnik axborot resurslari va shu yo'nalishdagi ma'lumotlarni to'plash, saqlash va qayta ishlashga ixtisoslashgan tashkilotlarni o'z ichiga oladi. Bu esa ilmiy ishlanmalar haqidagi ma'lumotlarga kirishni osonlashtiradi.

Olimlar o'z ishlanmalarini joriy qilishda bir-birlariga ko'mak berishi kerak. Shu maqsadda texnologiyalar transferi bo'yicha milliy va mintaqaviy idoralar ishga tushiriladi. Ilg'or texnologiyalarni ishlab chiqish va tatbiq qilish uchun texnoparklar xabi, erkin iqtisodiy zonalar, erkin sanoat zonalar, kichik sanoat zonalar va ilmiy-ishlab chiqarish klasterlarini yaratish rejalashtirilmoqda. Milliy mahsulotlarni ishlab chiqish va ularni tashqi bozorga olib chiqishda xorijiy hamkorlar ishtirokidagi tashkilotlarni shakllantirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash kuchaytiriladi.

IT-texnologiyalar sohasi va dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqish rivojlantiriladi. 2021-yilga borib axborot-kommunikatsion texnologiyalar sohasida eksport xizmatlari ulushi umumiy hajmdan 4 foizgacha yetkaziladi. Bularning bari olimlarning iqtisodiyot real sektorining aniq vazifalarini hal qilish bilan shug'ullanishiga olib kelishiga turtki beradi[4].

### 2018-yil yakunlariga ko'ra ayrim xalqaro reytinglarga e'tiboringizni tortmoqchiman:

Xalqaro reytinglar (2018):	O'zbekistonning o'rnini:	Taqqoslash uchun:	Reytingdagi davlatlar soni:
Iqtisodiy erkinlik indeksi	152-o'rin	Qozog'iston-41, Qirg'iziston-78, Tojikiston-106, Afg'oniston-154, Turkmaniston-169	180 ta
Biznes yuritish indeksi	76-o'rin	Qozog'iston-28, Ozarbayjon-25, Rossiya-31, Qirg'iziston-70, Tojikiston-126	190 ta
Ijtimoiy taraqqiyot indeksi	98-o'rin	Qozog'iston-71, Qirg'iziston-78, Tojikiston-106, Afg'oniston-144, Rossiya-60	146
Global innovatsiya indeksi	Kiritilmagan	Qozog'iston-74, Qirg'iziston-94, Tojikiston-101, Rossiya-46, Ozarbayjon-82	126
Global raqobatbardoshlik indeksi	Kiritilmagan	Qozog'iston-57, Qirg'iziston-102, Tojikiston-79, Rossiya-38, Ozarbayjon-35	140

Markaziy Osiyo mamlakatlari orasida ko'p jabhalarda yetakchimiz, tez sur'atlarda rivojlanyapmiz deb jar solishda o'zimizni tizmaymiz, afsuski, xalqaro reytinglar buning aksini ko'rsatmoqda. E'tibor bering, qo'shni Qozog'iston Respublikasi barcha jabhalarda bizdan ustun. To'g'ri bunga "Markaziy Osiyo Yo'lbarsining" ko'pgina tabiiy resurslarga boyligini va bir

qancha qulayliklarga ega ekanligini ro'kach qilishimiz mumkin, lekin Qirg'iziston Respublikasining ma'lum sohalarida bizadan ancha o'zib ketganligini qanday izohlay olamiz.

Mamlakatimizda so'nggi yillarda faol innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirishga qaratilgan qulay shart-sharoitlarni yaratish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Mahalliy ilmiy va innovatsion ishlanmalarni tijoratlashtirish va ishlab chiqarishga joriy qilish maqsadida mamlakatda innovatsion tadbirkorlikning rivojlanish darajasini oshirishni qo'llab-quvvatlaydigan Ilg'or texnologiyalar markazi, shuningdek, vazirliklar va oliy ta'lim muassasalari qoshida boshqa shu kabi tashkilotlar tashkil etilishi rejalashtirilgan[5].

Shu bilan birga, Ilg'or texnologiyalar markazining samarali faoliyatini ta'minlash uchun ularning ilmiy salohiyatini rivojlantirishga, shuningdek, innovatsion ishlanmalarni shakllanish bosqichidan boshlab ularni bozorga chiqquniga qadar ilgari surish va ishlab chiqarishga joriy qilishga yordam beradigan qulay shart-sharoitlarni yaratilmoqda.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, nafaqat hukumat aholi uchun qulayliklar yaratishi, qo'llab quvvatlashi, ma'lum qatlamlarni ijtimoiy himoya qilishi, shu bilan bir qatorda biz ham imkoniyatlardan oqilona foydalanishimiz, yelkamizdagi burchlarimiz hamda majburiyatlarimizni ham bajarishimizni unutmasligimiz kerak.

Hukumat tomonidan yaratib berilgan imkoniyatlardan biz to'g'ri foydalanmas ekanmiz, bu yengilliklardan hech qanaqa naf yoq, zero Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev aytganlaridek "Xalq boy bo'lsa, davlat ham boy va qudratli bo'ladi".

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni;
2. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi;
3. <http://www.stat.uz>;
4. <http://www.lex.uz>.

Ilmiy rahbar: assistant G.S.Zakirova

### **DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIK MUNOSABATLARINI RIVOJLANTIRISH IQTISODIYOTNING TURLI SOHALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI OSHIRISHNING KALITIDIR**

**A.M.Maksumxanova, o'qituvchi TIQXMMI  
S.A.Jiyanqulov, talaba TIQXMMI**

**Annotatsiya:** Bozor mexanizmlarining rivojlanib borishi natijasida davlat va xo'jalik yurituvchi subyektlar o'rtasida yangi iqtisodiy munosabatlar shakllanib boradi. Bunday iqtisodiy munosabatlarning rivojlangan mamlakatlar amaliyotidagi bir ko'rinishi bu davlat va xususiy tarmoqlar sheriklik munosabatlaridir. Dunyo mamlakatlarida mavjud davlat va xususiy sheriklik munosabatlarining mazmun-mohiyati, xususiyatlari, tamoyillari, rivojlanish tarixi, huquqiy asoslarini o'rganish va uni mamlakatimizda rivojlantirish oldimizga qo'yilgan vazifalardan biridir. Davlat xususiy sherikchilik munosabatlarining mamlakatimizda kundan-kunga taraqqiy etib borayotganligi bu sohada qilinayotgan ilmiy tadqiqotlarimizni dolzarbligini ifodalaydi.

Xorijiy mamlakatlar tajribasida davlat bilan xususiy tarmoq o'rtasidagi sheriklik deganda turli yo'nalishlardagi biznes va iqtisodiy munosabatlar tushuniladi. Ya'ni, bu munosabatlar xususiy sektor resurslaridan umum jamiyat ehtiyojlarini qondirishda foydalanishni nazarda tutadi. Davlat bilan xususiy biznes hamkorligi umummilliy va iqtisodiy ahamiyatga molik yirik loyihalarni amalga oshirishga yirik xususiy investitsiyalarni jalb qilishda asosiy omil sifatida katta ahamiyatga ega bo'lgan jarayondir. Mamlakatimizda ham davlat-xususiy sherikligi munosabatlarini shakllantirishga ham alohida e'tibor qaratila boshlangani, xususan, O'zbekistonni 2017 – 2021 - yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasining

3.4.bandining oxirgi xatboshida ustuvor vazifalardan biri sifatida davlat-xususiy sherikligini kengaytirish deb alohida keltirib o‘tilganligi ham bu munosabatlarni o‘rganishning ahamiyatini o‘zida ifodalaydi[1].

“Davlat xususiy sektor sherikligi” atamasi infratuzilma va boshqa xizmatlar doirasida davlat va xususiy korxonalar va tashkilotlar o‘rtasidagi bir qator iqtisodiy munosabatlarni tavsiflaydi. Bunday iqtisodiy munosabatlar jarayonida foydalaniladigan boshqa tushunchalar orasida xususiy sektor ishtiroki (Private Sector Participation) va xususiylashtirish (Privatization) kabi tushunchalar ham mavjud bo‘lsa-da, ushbu tushunchalar orasida ma‘lum bir farqlar mavjud.

Xususiy tarmoq va davlat hamkorligi biznes subyektlarining ishlab chiqarish, maishiy xizmatlar va ijtimoiy infratuzilmani tashkil qilish, boshqarishda hamda ijtimoiy xizmatlarni ta‘minlashda ishtirok etishlarini ifodalaydi.

Davlat-xususiy sherikchiligidan maqsadi - tegishli davlat byudjetlari hisobidan taqdim etilishi kerak bo‘lgan xizmatlar, ish va iste‘mol tovarlarini ishlab chiqarishga xususiy investitsiyalarni jalb qilishni rag‘batlantirish bo‘lib hisoblanadi. To‘g‘ri tashkil etilgan davlat va xususiy sheriklik munosabatlari subyektlar o‘rtasida vazifalarni, majburiyatlarni va moliyaviy risklarni eng optimal tarzda taqsimlaydi. Davlat-xususiy sherikchiligida davlat tomonidan davlat idoralari, jumladan, vazirliklar, qo‘mitalar, mahalliy hokimiyat organlari yoki davlat korxonalari munosabatlarda ishtirok etadi. Xususiy sektor tomonidan sheriklik munosabatlarida mahalliy yoki xorijiy xo‘jalik yurituvchi subyektlar, shuningdek, biror loyihaga tegishli texnik yoki moliyaviy imkoniyatga ega yuridik shaxslar yoki investorlar bo‘lishi mumkin.

Hududlarda zamonaviy ishlab chiqarish va muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlari bo‘yicha loyihalarni davlat-ijtimoiy sheriklik munosabatlarini kuchaytirish orqali to‘liq amalga oshirishimiz zarur. Biroq bu borada yetarli ish olib borilmayotganini qayd etish joiz. Shuning uchun davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini joriy etish konsepsiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish kerak. Xususiy maktablar tashkil etish, davlat-xususiy sheriklik imkoniyatlaridan keng foydalanish kerak[2].

Xususiy sektorning hamkorlikdagi o‘rni - biznesni samarali yurgizish, bozor munosabatlarida, menejment samarali tashkil etish, moliyaviy operatsiyalar va innovatsion faoliyatda o‘z faoliyatini amalga oshirishi orqali munosabatlarda ishtirok etadi. Shuningdek, xususiy sektor ham shartnomaning shakliga qarab investitsion faoliyatda ham ishtirok etishi mumkin(1-rasm).

## DAVLAT-XUSUSIY SHERIKCHILIGI ASOSIDA AMALGA OSHIRILADIGAN LOYIHALAR

### Infrastruktura tarmoqlaridagi loyihalar:

1. Kommunal infrastrukturani qurish va modernizatsiya qilish;
2. Ko'chmas mulkni qurish va modernizatsiya qiliish;
3. Kommunal xizmat ko'rsatish obyektlarni qurish va modernizatsiyalash;
4. Aeroport, yo'llar, temir yo'llar, ko'priklar telekommunikatsiya sohasi;
5. Shifoxonalar, maktablar, uy-joy qurilishi arxitektura yodgorligi, muzeylar;
6. Suv, gaz, elektr ta'minoti, kanalizatsiya, chiqindilarni qayta ishlash.

### Xizmatlar sohasidagi loyihalar:

1. Aholining kam ta'minlangan qatlamini qo'llab-quvvatlash;
2. Ta'lim va ish o'rinlarini yaratish;
3. Hududlarning salohiyatini oshirish;
4. Moddiy va moliyaviy jihatdan qo'llabquvvatlash fondlarini tuzish;
5. Yoshlarni ish bilan bandiligini ta'minlash, kasbga o'qitish, amaliyotga jalb etish;
6. Marketing va hududlar imkoniyatini oshirish, tashqi jozibadorlikni ta'minlash.

Davlat-xususiy sherikchiligi amalga oshiriladigan, rivojlangan mamlakatlar amaliyotida mavjud asosiy loyiha yo'nalishlari yuqoridagi rasmda tasvirlangan. Mazkur loyiha yo'nalishlari bevosita davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarining mazmuni va maqsadini ko'rsatib beruvchi xarakterga egadir. Davlat va xususiy sheriklik munosabatlarida shartnomalarning farqlanishi ma'lum bir soha yoki tarmoqni rivojlantirish xususiyatidan, shuningdek loyihalarni turlaridan kelib chiqqan holda turlarga ajratiladi.

Dunyo amaliyotida hozirda mavjud bo'lgan davlat va xususiy sheriklik munosabatlarida asosiy shartnomalar turlari quyidagilardir:

- xizmat ko'rsatish shartnomasi;
- menejment shartnomasi;
- ijara yoki lizing shartnomasi;
- loyihani qurish, ishga tushirish va topshirish shartnomasi yoki shunga o'xshash kelishuvlar (asosan qurilish sohasida);
- konsessiya shartnomasi;
- qo'shma korxonalar shartnomalari va boshqalar.

Davlat-xususiy sheriklik munosabatlarida davlatning ishtirok etishidan ko'zlangan asosiy maqsadlar esa quyidagilar bo'lib hisoblanadi:

1. Xususiy investitsiyalarni jalb etish (tarmoqlarga davlat mablag'lari o'rniga xususiy kapitalni jalb etish);
2. Samaradorlikni oshirish va mavjud resurslardan yanada yaxshiroq foydalanish;
3. Tarmoqlarni rivojlanishida davlat va xususiy sektorning baravar rolini belgilash, rag'batlantirish va hisobdorlikni oshirish orqali sohani isloh qilinishiga erishish.

**Jahon amaliyotida davlat va xususiy sektor sherikchiligi shakllari (1-jadval).**

1	Qurish – Boshqarish - O‘tkazish (Build, Operate, Transfer – BOT)	O‘zaro kelishuv mexanizmi asosida loyihani qurish, shartnoma muddati mobaynida undan foydalanish (egalik qilish huquqisiz) va shartnoma yakunida davlat tasarrufiga o‘tkazish
2	Qurish - Egalik qilish- Boshqarish - O‘tkazish (Build, Own, Operate, Transfer - BOOT)	O‘zaro kelishuv mexanizmi asosida loyihani qurish, shartnoma muddati mobaynida egalik qilish huquqi asosida undan foydalanish va shartnoma yakunida davlat tasarrufiga o‘tkazish
3	Qurish - O‘tkazish - Boshqarish (Build, Transfer, Operate - BTO)	Bunda loyiha qurilish yakunlanishi bilan oq davlatga o‘tkaziladi. Xususiy sherik unga shartnoma muddati davomida xizmat ko‘rsatadi, ko‘rsatilgan xizmatlar uchun iste‘molchilar uzluksiz ravishda to‘lovlarni amalga oshiradi
4	Qurish – Egalik qilish – Boshqarish (Build, Own, Operate - BOO)	O‘zaro kelishuv mexanizmi asosida loyihani qurish, shartnoma muddati mobaynida egalik qilish huquqi asosida undan foydalanish va shartnoma yakunida ham egalik qilish huquqi xususiy sherikda qoladi
5	Qurish – Boshqarish – Himoyalash - O‘tkazish (Build, Operate, Maintain, Transfer - BOMT)	Loyihaning hayotiylik davri va unga xizmat ko‘rsatilishi davlat tomonidan amalga oshiriladi. Egalik qilish huquqi davlat tasarrufiga qoladi
6	Loyihalash – Qurish - Egalik qilish – Boshqarish O‘tkazish (Design, Build, Own, Operate, Transfer - DBOOT)	O‘zaro kelishuv mexanizmi asosida obyektning loyihalashtirish, qurish, shartnoma muddati mobaynida egalik qilish huquqi asosida undan foydalanish va shartnoma yakunida davlat tasarrufiga o‘tkazish
7	Loyihalash – Qurish – Moliyalashtirish - Boshqarish (Design, Build, Finance, Operate - DBFO)	Obyektning loyihalash, qurish, boshqarish, shuningdek xususiy sektor tomonidan qurish va xizmat ko‘rsatish xarajatlarini moliyalashtirish majburiyatini ham oladi. Davlat xizmatlarga to‘lovlar orqali xarajatlarni qoplaydi

Yuqorida davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini rivojlantirishning nazariy jihatlarini o‘rganish natijasida quyidagi xulosalar shakllantirildi:

Birinchidan, mamlakatimizda ijtimoiy ahamiyatga molik loyihalarni amalga oshirishda davlat-xususiy sherikchiligi amaliyotini rivojlantirish maqsadida birinchi navbatda nazariy va tashkiliy-huquqiy asoslar aniq belgilanishi lozim.

Ikkinchidan, rivojlangan davlatlarda keng qo‘llanilib, ijobiy natijalar bergan davlat - xususiy sheriklik modellaridan – “Qurish - O‘tkazish-Boshqarish”, “Qurish - Egalik qilish - Boshqarish”, “Loyihalash – Qurish – Moliyalashtirish - Boshqarish” kabi shakllarini mamlakatimizda ham joriy etish lozim.

Uchinchidan, Jahon amaliyoti tajribasini o‘rgangan holda samarali va foydali bo‘lgan davlat - xususiy sherikchiligi tizimini muvofiqlashtiruvchi va nazorat qiluvchi davlat institutsional tuzilmasini mamlakatimizda joriy etishga alohida e‘tibor qaratish lozimdir.

To'rtinchidan, davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarida mahalliy investitsiyalarni shakllantirish va salmog'ini ko'paytirish maqsadida, xususiy investitsiyalarni soliq mexanizmi vositasida rag'batlantirish tizimini joriy etish lozimdir[3].

